ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ ТАРМОҚЛАРИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ ВА АУДИТНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

Республика онлайн илмий-амалий конференцияси
МАТЕРИАЛЛАРИ
(2020 йил 5 май)



САМАРҚАНД – 2020

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИСИНСТИТУТИ

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ ТАРМОҚЛАРИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ ВА АУДИТНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

Республика онлайн илмий-амалий конференцияси
МАТЕРИАЛЛАРИ
(2020 йил 5 май)

САМАРҚАНД – 2020

УДК:657.22
ББК: 65.052

Хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқларида бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудитнинг долзарб муаммолари. Республика онлайн илмий-амалий конференцияси материаллари 2020 йил 5 май куни. Самарқанд**,** СамИСИ, 2020. – 334 бет.

Тўпловчи ва нашрга тайёрловчилар:

К. Б.Уразов – иқтисод фанлари доктори, профессор;
У.А.Ширинов – катта ўқитувчи

Нашр учун масъуллар:

К.Б.Уразов – иқтисод фанлари доктори, профессор;
М.Қ.Пардаев – иқтисод фанлари доктори, профессор;
Х.Н.Мусаев – иқтисод фанлари доктори, доцент,
С.Н.Ташназаров – иқтисод фанлари доктори, доцент.

Саҳифаловчи: Пўлатов Х.Ў.

Мазкур китоб ўз ичига рақамли иқтисодиёт шароитида хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқларида бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудитнинг долзарб муоммолари бўйича ўтказилган республика илмий-амалий конференцияси материалларини олган. Унда кўп тармоқли хизмат кўрсатиш соҳасида бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудитнинг назарий ва методологик муаммолари, соҳа субъектларида бухгалтерия ҳисоби, ҳисобот ва аудитни халқаро стандартлар асосида ташкил қилиш, корхоналар фаолияти самарадорлигини баҳолаш ва таҳлил қилишга бағишланган илмий тадқиқотлар натижалари, шунингдек иқтисодиётнинг хизмат кўрсатиш соҳасидан ташқари бошқа тармоқлари субъектлари учун ҳам фойдадан холи бўлмаган илмий-назарий ва амалий аҳамиятга молик тавсиялар жой олган.

Олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, докторантлар, мустақил тадқиқотчилар, магистрантлар ва бакалаврлар, шунингдек корхоналар раҳбарлари, бухгалтерлар, аудиторларлар ва бошқа мутахассислар учун мўлжалланган.

Мақолаларда келтирилган рақамлар, фактлар, хулоса ва тавсияларга муаллифлар масъул. Уларнинг айрим фикрлари ташкилий гуруҳ қарашларига тўғри келмаслиги мумкин.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2020

I ШЎЪБА. “РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ ТАРМОҚЛАРИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ ВА АУДИТНИНГ НАЗАРИЙ ВА МЕТОДОЛОГИК МУАММОЛАРИ”

М.Э. Пўлатов – СамИСИ ректори, и.ф.д., профессор
К.Б. Уразов – СамИСИ и.ф.д., профессор

ХИЗМАТЛАР СОҲАСИ СУБЪЕКТЛАРИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Кишлик жамиятида хизмат кўрсатиш соҳасининг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир. Расмий маълумотларга кўра, 2017 йилда жаҳон миқиёсида яратилаётган ялпи маҳсулотда хизматлар соҳасининг улуши 65 фоизни ташкил қилган; дунёнинг ривожланган мамлакатлари сирасига кирувчи мамлакатлар ЯИМида хизматлар соҳасининг улуши бундан ҳам юқори, чунончи АҚШда 76,7 фоиз, Швецарияда 71,5 фоиз, Буюк Британияда 70,6 фоиз, Нидерландияда 70,3 фоиз, Японияда 68,8 фоиз, ушбу ривожланган мамлакатларда хизмат кўрсатиш соҳасига жами меҳнат билан банд ходимларнинг 75-80 % тўғри келади [1].

Бизнинг республикамизда ҳам хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш, унинг яратилаётган ЯИМдаги, ишловчи ходимлар сонидаги улушини ошириш устувор вазифадир. Расмий маълумотларга кўра рспубликамизда яратилаётган ЯИМда хизматлар соҳасининг улуши 2014 йилда 36,1 %, 2015 йилда 35,9 %, 2016 йилда 35,8 %, 2017 йилда 33,7 %, 2018 йилда 31,6 %ни ташкил этган[2].

2020 йилнинг 1 чорагида республикамизда кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми 50,3 трлн сўмга етди. Унинг номинал ҳажми 9 трлн сўмга ошди, 2020 йил 1 апрель ҳолатига кўра, хизматлар соҳасида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотларнинг улуши жами корхоналар сонида 65,7 фоизни ташкил этди[3].

Хизмат кўрсатиш соҳаси ўз ичига жуда кўплаб хизмат турларини олади, уларнинг сони борган сари ошиб бормоқда. Республикамизда фақат давлат органлари томонидан курсатилаётган хизматлар сони 650тадан 700 тага яқин[4], тадбиркорлик субъектлари томонидан бизнес тури сифатида олиб

[1] http://wdi.worldbank.org/table/4.2
[2] Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг маълумотлари
[3] Stat. uz 17.04.2020.
[4] Stat. uz

борилаётган хизматлар сони турли манбаларга кўра 140 тадан 200 тага яқиндир[1].

Хизмат курсатиш сохасининг асосий тармоқлари бўлиб таълим, соғлиқни сақлаш, транспорт, алоқа, телекоммуникация, электр таъминоти, газ таъминоти, сув таъминоти, савдо,умумий овқатлантириш, туризм, меҳмонхона, агросервис, автотехсервис, банк, суғурта, коммунал-маиший, ахборот, консалтинг, аудит, баҳолаш, юридик ва бошқалар ҳисобланади. Соҳанинг ушбу тармоқлари иқтисодиётнинг ўзига хос драйвери, яъни қон томири, зарур инфратузилмалари бўлиб ҳисобланади. Уларсиз иқтисодиётни барқарор ва узлуксиз ривожлантириб бўлмайди.

Дунё мамлакатларида кенг тарқалган ва бизнинг республикамизга ҳам кириб келган коронавирус пандемияси хизматлар соҳасини нафақат ўта муҳимлиги ва аҳамиятлилигини, балки уни тубдан яхшилаш, такомиллаштириш, хизматларнинг буткул янги турларини шакллантириш ва ривожлантириш зарур эканлигини ҳам кўрсатди. Ушбу касалликни кенг тарқалиши дунёнинг барча мамлакатларида, шу жумладан бизнинг республикамизда ҳам хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқларини янада ривожлантиришни жадаллашувига олиб келди. Қисқа муддатдаги синовлар даврида тиббиёт, таълим-тарбия, савдо, умумий овқатлантириш, алоқа, ахборотлаштириш ва бошқа кўплаб хизматларнинг янгича турлари вужудга келди, хизмат кўрсатиш соҳасини замонавий технологиялар асосида ривожлантириш, соҳада рақамли хизматларни кенг жорий этиш давлат дастурларида белгиланган чора-тадбирларни рўёбга чиқариш мисли кўрилмаган даражада жадаллашди. Чунончи, республикамизда жуда қисқа муддатда бевосита рақамли-шифохона, рақамли-лаборатория, рақамли-рецепт, рақамли-диагностика, рақамли-буюртма, рақамли-етказиб келиш, электрон-савдо, рақамли- супермаркет, рақамли-ошхона, масофавий аудио-видео-таълим, электрон-китобхонлик, рақамли-маслаҳат, электрон-тест синови ва бошқа кўплаб янги хизмат турларини тез тарқалганлиги, уларни ёшлардан тортиб, то қарияларимизгача тез ўзлаштириб олганлиги бунинг ёрқин гувоҳидир.

Хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқлари кўплаб жиҳатлари бўйича бир-биридан тубдан фарқланувчи кўплаб хусусиятларга эга. Ушбу хусусиятлар хизматларни кўрсатиш ва уларни буюртмачиларга тақдим этишнинг техника ва технологияларида, ҳисоб-китобларни амалга оширишда, хизматлардан олинаётган даромадлар ҳамда улар таннархини тан олиш, баҳолаш ва аниқлаш мезонларида, кўрсатилган хизматларни ҳужжатлаштириш, тегишли счётларда акс эттириш ва бошқаларда намоён бўлади. Мисол учун, транспорт, алоқа, тиббий, таълим, барча турдаги молиявий хизмат турлари бир-биридан тубдан фарқланади, бунда турлича бошланғич ҳужжатлар

[1] Инновацион ва рақамли иқтисодиёт шароитида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш муаммолари. / Халқаро илмий-амалий конференцияси материаллари (I-қисм). 2020 йил 21-22 февраль кунлари. Самарқанд, СамИСИ, 2020. – 85-87 бет.

тузилади, ушбу хизматлар учун белгиланган тарифлар, харажат турлари ҳар хилдир.

Хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқларининг хусусиятлари, табиий равишда, уларда бухгалтерия ҳисобига ҳам ўз таъсирини ўтказади. Хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқларининг жадал равнақ топиб бораётганлиги, мазкур соҳада бухгалтерия ҳисобининг назарий, ташкилий ва методологик асосларини замон талабларидан келиб чиқиб такомиллаштиришни тақоза этади.

Фикримизча, иқтисодиётнинг барча тармоқларини,шу жумладан хизмат кўрсатиш соҳасини рақамлаштириш, диверсификациялаш, яратилаётган маҳсулот, иш ва хизматлар сифатини, рақобатбордошлигини ва экспортбоплигини ошириш ва таннархини пасайтириш устувор ҳисобланган ҳозирги шароитда бухгалтерия ҳисобини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади.

Биринчидан, ҳаётда рақамли хизмат турларига, мос равишда, улар ҳисобини юритиш тартиб-қоидаларига бўлган талаблар кун сайин ошиб бормоқда. Ушбу талаблардан келиб чиқиб, авваламбор рақамли иқтисодиёт, шу жумладан рақамли хизмат турлари мақоми, мазмуни, уларни кўрсатишда вужудга келадиган муносабатларнинг меъёрий-ҳуқуқий асосларини белгиловчи қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш зарур. Бундай қонун ҳужжатларининг ишлаб чиқилиши республикамизда рақамли хизмат турлари мақоми, мазмуни, уларни кўрсатишда вужудга келадиган муносабатларнинг яхлит меъёрий-ҳуқуқий асосларини белгилашга имкон беради. Мос равишда, республикамизда рақамли хизматлар соҳасини жавал ривожланишига эришилади.

Иккинчидан, иқтисодиётнинг барча тармоқ ва соҳалари, чунончи хизмат кўрсатиш соҳасида бухгалтерия ҳисобини юритишнинг яхлит тартиб қоидаларини белгиловчи бухгалтерия ҳисоби тўғрисида қонунимизнинг айрим моддалари мазмунан ва таҳририй жиҳатдан такомиллаштиришга муҳтож. Чунончи, бухгалтерия ҳисобида активлар, мажбуриятлар, даромад, харажат ва молиявий натижаларни ушбу объектлар қийматини баҳоламасдан, тан олмасдан ҳамда эгалик ҳуқуқини ўтказмасдан туриб акс эттириш мумкин эмас. Шу боис, қонуннинг 3-моддаси “ Бухгалтерия ҳисобининг асосий принциплари”да келтирилган принциплар таркибига узлуксизлик, ишончлилик, кўрсаткичларнинг қиёсланувчанлиги принципларидан ташқари **ҳисоблаш, қийматни баҳолаш, мазмуннинг шаклдан устунлиги** принципларини киритиш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Учинчидан, қонуннинг “Бухгалтерия ахбороти” номли 5-моддаси ва унинг мазмуни таҳрирга муҳтож. Чунки, ахборот бухгалтерияда эмас, аслида бухгалтерия ҳисобида шакллантирилади. Шу боис ҳам, қонуннинг 5-моддасини ”**Бухгалтерия ҳисобида шаклланадиган ахборот”** деб номлаш ва уни қуйидаги мазмунда бериш тўғрироқдир: **“**Бухгалтерия ҳисобида шаклланадиган ахборот гувоҳлик берувчи бошланғич ҳужжатларга асосланган, бухгалтерия ҳисоби регистрларида, молиявий ҳисоботларда,

тушунтиришларда ҳамда бошқа ҳисоб-китобларда акс эттириладиган бухгалтерия ҳисоби объектлари ҳақидаги қайта ишланган маълумотлар". Бу бухгалтерия ҳисобида шаклланадиган ахборотнинг моҳиятини аниқ ифодаланишига имкон беради

Тўртинчидан, қонуннинг **"Бухгалтерия ҳисоби объектлари"** номли 7-моддаси биринчи абзацидаги **заҳиралар** сўзини олиб ташлаш лозим, чунки захиралар хусусий капиталнинг таркибий элементларидан бири ҳисобланади. Ушбу модданинг иккинчи абзацини "Корхоналарда бухгалтерия ҳисоби объектлари улар учун мўлжалланган синтетик ва аналитик ҳисобварақлар (счетлар)да юритилади" мазмунида ёритиш тўғрироқдир. Бу билан бухгалтерия ҳисоби объектларини аниқ ифодаланишига эришилади, ушбу таҳрир объектлар ҳисобини тегишли синтетик ва аналитик счётларда юритиш зарурлигини аниқ белгилайди.

Бешинчидан, кичик тадбиркорлик субъектларида бухгалтерия ҳисобини юритиш учун, бизнингча, алоҳида стандартлар бўлиши шарт эмас, улар 20-сон БҲМСдан ташқари барча бошқа стандартларга ҳам амал қилишлари лозим. Фикримизча 20-сон БҲМСни бекор қилиш лозим.Қонуннинг **"Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини тартибга солиш"** номли 9-моддасини қуйидаги таҳрирда ифодалаш лозим деб ҳисоблаймиз: "**Бухгалтерия ҳисобини юритиш қоидалари ушбу қонун ҳамда бухгалтерия ҳисобининг миллий ва халқаро стандартлари билан белгиланади".**

Олтинчидан, қонуннинг "Хусусий капитални ҳисобга олиш» номли 19-моддасида хусусий капитал устав фондидан (устав капиталидан), қўшилган, захира капиталидан ва тақсимланмаган фойдадан таркиб топади, дейилган. Бироқ, бугунги кунда турли хўжалик юритувчи субъектларда, чунончи ННТ, МЧЖ ва хусусий корхоналарнинг хусусий капитали таркибида унинг юқорида саналган элементларидан ташқари мақсадли тушумлар (грантлар, субсидиялар, дотациялар, аъзолик бадаллари, солиқ имтиёзлари), шунингдек келгуси тўловлар учун резервлар ҳам мавжуддир. Айрим корхоналарда, масалан ННТларда, мақсадли тушумлар хусусий капиталнинг асосий элементи бўлиб ҳисобланади. Шу боис, фикримизча, қонуннинг 19-моддасида хусусий капитал элементлари таркибига мақсадли тушумлар ва келгуси тўловлар учун резервларини ҳам киритиш, шунингдек ушбу элементларнинг тавсифи берилиши лозим деб ҳисоблаймиз. Бу, фикримизча, хусусий капитал таркибини аниқроқ ифодалайди, уни ташкил қилувчи элементларни ҳисоб ва ҳисоботда асосли равишда акс эттирилишига имкон беради.

Еттинчидан, иқтисодиётнинг барча тармоқ ва соҳалари, чунончи хизмат кўрсатиш соҳасида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи ҳолатини холис экспертиза қилиш воситаси бўлган аудитнинг яхлит тартиб қоидаларини белгиловчи аудиторлик фаолияти тўғрисида қонунимизнинг ҳам айрим моддаларини қайта кўриб чиқиш зарурати мавжуд. Чунончи, ушбу қонуннинг "Аудиторлик текшируви" номли 9-моддасида ушбу тушунчага

берилган таъриф аудиторлик текширувларининг турлари ва шаклларини аниқ белгилаш имконини бермайди. Фикримизча, қонуннинг ушбу моддасини қуйидагича белгилаш мақсадга мувофиқ: “Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборот тўғрилиги ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мослигини аниқлаш мақсадида хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботини комплекс тарзда ҳамда унинг фаолияти билан боғлиқ алоҳида молиявий ахборотларни махсус савол тарзида аудиторлик ташкилотлари томонидан текширишдир.

Хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботи аудиторлик текшируви мажбурий ва ташаббус тарзидаги шаклларда комплекс ҳолда ўтказилади.

Хўжалик юритувчи субъектнинг фаолияти билан боғлиқ алоҳида молиявий ахборотлар аудиторлик текшируви махсус савол тарзида ўтказилади.

Хўжалик юритувчи субъектларда комплекс ёки махсус савол тарзидаги аудиторлик текширувлари ушбу Қонуннинг 16-моддасида назарда тутилган чекловларга риоя этиш шарти билан аудитнинг халқаро стандартлари асосида ўтказилади”.

Фикримизча, қонуннинг “Аудиторлик ҳисоботи” номли 18-моддасининг охирги абзацини “Комплекс ва махсус савол тарзида ўтказиладиган аудиторлик текшируви бўйича аудиторлик ҳисоботининг шакли ва мазмуни аудиторлик фаолиятининг стандартлари билан белгиланади”, шунингдек “Аудиторлик хулосаси” номли 19-моддасининг охирги абзацини “Комплекс ва махсус савол тарзида ўтказиладиган аудиторлик текшируви бўйича аудиторлик хулосасининг шакли ва мазмуни аудиторлик фаолиятининг стандартлари билан белгиланади” таҳрирларида бериш тўғрироқ ҳисобланади.

Саккизинчидан, Бухгалтерия хисоби, тахлил ва аудит объектлари хисобланган хизмат курсатиш турларининг яхлит классификаторини яратиш, хозирги кунда амалда булган Иктисодий фаолият турлари умумдавлат классификаторини (ОКЭД) хизматларнинг буткул янги турлари билан бойитиш зарурати мавжуд. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий фаолият турлари умумдавлат таснифлагичига рақамли хизмат кўрсатиш турларини киритиш уларнинг ягона реестрини яратилишига имкон беради

Тўқизинчидан, Ракамли хизматларнинг янги пайдо булган турларига ихтисослашган субъектларнинг кичик бизнес субъектига киритишга асос булувчи мезонларини белгилаш, ушбу мезонларга асосан уларни кичик бизнес субъектлари классификаторига киритиш зарурати бор. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 11 октябрдаги 439-сон қарори билан тасдиқланган “Кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларига тегишли бўлган корхоналар ва ташкилотлар классификацияси”га ракамли хизматларнинг янги пайдо булган турларига ихтисослашган субъектларнинг кичик бизнес субъектига киритишга асос булувчи мезонларини белгилаш, ушбу мезонларга асосан уларни кичик бизнес субъектлари классификаторига

киритиш мазкур субъектларнинг яхлит классификаторини яратилишига имкон беради.

Ўнинчидан, хизмат курсатишнинг барча турлари, чунончи рақамли хизматлар хусусиятларидан келиб чиқиб, улар бўйича бошланғич электрон ҳужжатлар ва улар айланиши тизимини яратиш лозим. Бугунги кунда счет-фактура, электрон тўлов, электрон чек, электрон пластик карта ва бошка айрим ҳужжатларнинг электрон шакллари яратилган. Бирок, кўплаб бошқа хизмат турлари бўйича бундай бошланғич ҳужжатларнинг электрон шакллари ва улар айланиши тизимлари мавжуд эмас. Фикримизча, Молия вазирлиги томонидан тасдикланган бошланғич ҳужжатлар ва улар айланиши тўғрисида Низомни қайта кўриб чикиш ва уни замон талабларига мослаштириш лозим. Бу билан хизмат кўрсатиш соҳаси субъектларида бошланғич электрон хужжатлар ва улар айланиши тизимини яратилигига эришилади

Ўн биринчидан, хизмат курсатишнинг барча турлари кўрсатилиш давомилигига кўра бир-биридан фаркли хусусиятларга эга. Чунончи, уларнинг айримлари бир неча ойлар мабойнида кўрсатилиши мумкин. Бундай хусусият хисоб ва хисоботда хизматлардан олинадиган даромадларни ҳисобот даврлари кесимида тан олиш мезонларини аниқ белгилаш талабини қўяди. Шу боис, хизмат кўрсатиш соҳаси субъектлари учун даромадларни тўлик кўрсатилиши, тугалланиш даражасига қараб тан олиш усулларини амалиётда бир хилда куллаш тартибарини меъерий жиҳатдан белигилаш зарур. Ушбу мақсадга эришиш учун амалдаги «Молиявий ҳисоботни тузиш ва тақдим этиш учун асос», 2-сон БХМС «Асосий фаолиятдан олинган даромадлар», 3-сон БХМС «Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот», шунингдек «Молиявий ҳисобот шаклларини тўлғазиш тартиблари»ни янада такомиллаштириш керак.

Ўн иккинчидан, ўз ечимини кутаётган катта муаммо бўлиб барча хизмат турлари бўйича улар таннархини шакллантиришнинг яхлит тартибини белгилаш ҳисобланади. Ушбу кўрсаткични аниқлаш ва ҳисобини юритиш бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон карори билан тасдикланган “Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низом” асосида амалга оширилмокда. Аммо, мазкур Низом хизмат кўрсатиш соҳаси субъектлари хусусиятларинини ўзида тўлиқ қамраб олмайди. Хизмат кўрсатиш субъектларининг айрим турлари, чунончи автотранспорт, суғурта хизматлари, почта алоқаси хизматлари, коммунал хизматлар учун махсус Низомлар ишлаб чиқилган холос. Айни пайтда соҳанинг алоҳида тармоқлари бўйича низомнинг мавжуд эмаслиги юқорида номлари келтирилган хизмат кўрсатиш субъектларида бир хилдаги кўрсаткичларнинг ҳисоб ва ҳисоботда турлича акс эттирилишига сабаб бўлмоқда.Шунингдек, ушбу соҳа субъектларида ўтказилаётган аудиторлик текширувларида ҳам бир қатор муаммоларни вужудга келтираётганлиги сир эмас. Фикримизча, хизмат

кўрсатиш соҳаси субъектлари учун уларнинг хусусиятларини қамраб олувчи махсус яхлит Низом ишлаб чиқилиши лозим. Бугунги кунда тез ривож топаётган кўплаб хизмат турлари, масалан, автотехсервис, автодилерлик, инжиниринг, пуллик тиббий хизматлар, баҳолаш, кадастр, консалтинг, аудиторлик ва бошқа хизмат турлари субъектлари учун тармоқ Низомини яратиш зарур. Бу хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқларида бир хилдаги кўрсаткичларнинг ҳисоб ва ҳисоботда яхлит методологик тартиблар асосида акс эттирилишига имкон беради.

Ўн учинчидан, хизмат турларини давомилигини эътиборга олган холда улар буйича «Тугалланмаган хизматлар» ва «Сотилган хизматлар таннархи» категорияларини курсаткичлар сифатида корхоналар амалиётига жорий этиш зарурати мавжуд. Ушбу заруратларни эътиборга олган ҳолда «Тугалланмаган хизматлар» ва «Сотилган хизматлар таннархи» категорияларини кўрсаткичлар сифатида, ушбу кўрсаткичлар ҳисоби учун мўлжалланган счётларни меъёрий ҳужжатларга киритиш лозим деб хисоблаймиз.

Ўн тўртинчидан, республикамизда бухгалтерия ҳисоби ва аудит соҳасини ҳалқаро стандартларга ўтказишнинг ташкилий-иқтисодий, меъёрий-ҳуқуқий асослари етарлича ишлаб чиқилмаган. Ушбу муаммони ҳал этиш давлат аҳамиятига молик вазифа ҳисобланади. Зеро, Президентимизнинг 2020 йил 24 февралдаги «Молиявий ҳисоботнинг ҳалқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ПҚ-4611-сонли қарорида бу борада қатор чора-тадбирлар белгиланган ва уларни бажариш бўйича мансилли йўл харитаси тасдиқланган. Ушбу йўл харитасида белгиланган чора-тадбирларни белгиланган муддатларда амалга ошиши республикамизда молиявий ҳисоботларни халқаро стандартларини жорий этилишига, шунинг асносида мамлакатимизга катта миқдордаги хорижий инвестицияларни кириб келишига имкон беради.

Ўн бешинчидан, Олий таълим муассасаларида рақамли иқтисодиёт, чунончи рақамли хизматлар соҳасида бухгалтерия ҳисоби ва аудитни халқаро стандартлар талабларига етказиш учун уларга оид фанларни мазмунан бойитиш, ўқув режаларига янги фанларни киритиш, педагог кадрларни тайёрлаш ва улар малакасини ошириш зарурати мавжуд ва булар устувор вазифалар бўлиб ҳисобланади.

Ўн олтинчидан, Олий таълим муассасаларида рақамли иқтисодиёт, чунончи рақамли хизматлар соҳасида бухгалтерия ҳисоби ва аудитни халқаро стандартлар талабларига етказиш учун уларга оид фанларни мазмунан бойитиш, ўқув режаларига янги фанларни киритиш, педагог кадрларни тайёрлаш ва улар малакасини ошириш зарурати мавжуд ва булар устувор вазифалар бўлиб ҳисобланади.

Ўн еттинчидан, 2020 йил 1 январда амалга киритилган республикамиз Солик кодексининг янги таҳририда илк бор солиқ текширувларининг бир тури сифатида “Солиқ аудити” киритилди. Солиқ назоратининг муҳим тури бўлган солиқ аудитининг назарий ва методологик асослари дарсликлар ва

ўқув қўлланмаларда ёритилмаган. Амалиётда бунга зарурат катта. Институтларда “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” ҳамда “Молия” йўналишларида таълим олаётган талабалар учун солиқ аудитини махсус фан сифатида ўқитилишига талаб мажуд. Ушбу фанни ўқув режаларига киритиш талабаларда корхоналар томонидан тўланадиган барча солиқ тўловлари бўйича солиқ аудитини ўтказишнинг назарий билимларга эга бўлишга ва амалий кўникмаларни ҳосил бўлишига имкон беради.

Ш.У.Хайдаров - Ўз. Р. Молия вазирлигининг «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит методологияси» бошқармаси бўлим бошлиғи

ЎЗБЕКИСТОНДА МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ

Ўзбекистон Республикасида МҲХСни жорий қилишга қаратилган ва бухгалтерия саҳосидаги ислоҳотларнинг янги босқичини бошлаб берадиган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4611-сон “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди.

Мазкур ҳужжат йирик тадбиркорлик субъектларининг МҲХСга ўтиши бўйича йўл харитаси бўлиб, улардаги ҳисоб тизимини қайта кўриб чиқишни назарда тутади.

Акциядорлик жамиятлари, тижорат банклари, суғурта ташкилотлари ва йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритилган юридик шахслар:

*2021 йил 1 январдан бошлаб, **МҲХС асосида бухгалтерия ҳисобининг юритилишини ташкил этади** ва 2021 йил якунидан бошлаб **молиявий ҳисоботни МҲХС асосида тайёрлайди**;

*2021 йил якунига қадар бухгалтерларни халқаро сетификатлаш доирасида **“МҲХС бўйича молиявий ҳисобот”** фанини муваффақиятли топширганлиги тўғрисида ҳужжатга **ёхуд CIPA, ACCA, CPA ва DipIFR** сертификатларидан бирига эга бўлган **уч нафар мутахассисдан кам бўлмаган миқдорда** бухгалтерия хизмати ходимлари билан таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси **Давлат активларини бошқариш агентлиги** 2020 йилдан бошлаб **устав фондида давлат улуши бўлган хўжалик жамиятлари ва давлат корхоналарининг** МҲХС асосида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тайёрлашга ўтиш жадвалини ҳар йили тасдиқлайди ва 1 июнга қадар расмий веб-сайтида эълон қилинишини таъминлайди.

Юқоридаги ташкилотлардан ташқари молиявий ҳисоботни ихтиёрий равишда МҲХСга мувофиқ тайёрловчи тадбиркорлик субъектлари бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари бўйича молиявий ҳисоботни тақдим этишдан озод этилади.

Молия вазирлиги МҲХСни жорий этиш бўйича ваколатли орган этиб белгиланди ва унга қуйидаги вазифалар юклатилди:

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги билан биргаликда МҲХСнинг жорий этилишини, шунингдек, тадбиркорлик субъектлари томонидан молиявий ҳисоботни МҲХС асосида **ўз вақтида эълон қилинишини** мониторинг қилиш;

МҲХС соҳасида мутахассисларни тайёрлаш бўйича соҳага оид **олий таълим муассасаларининг ўқув дастурларини босқичма-босқич аккредитациядан** ўтказиш бўйича АССА ва бошқа халқаро ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш;

МҲХС соҳасида **талаб юқори бўлган мутахассисларни аккредитациядан ўтган ўқув марказларида ўқитиш** бўйича ташкилий тадбирларни амалга оширишда ҳар томонлама кўмаклашиш ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

а) бухгалтерлар ва аудиторлар республика жамоат бирлашмалари билан биргаликда бухгалтерия ҳисоби соҳасидаги халқаро ташкилотларни жалб қилган ҳолда, Вазирлар Маҳкамасига:

2020 йил 1 июнга қадар Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари ва уларга тушунтиришлар матнини тан олиш тартиби тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқади;

2021 йил 31 январга қадар МҲХСни жорий этишнинг устувор йўналишларидан келиб чиққан ҳолда ва МҲХС бўйича мавжуд кадрлар салоҳиятини ўрганиш натижалари бўйича бухгалтерларни сертификатлашнинг миллий тизимини жорий этишнинг мақсадга мувофиқлиги юзасидан таҳлилий маълумотномани киритади;

б) **манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда** Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат активларини бошқариш агентлиги, Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги ва бошқа манфаатдор давлат органлари ходимларини аккредитациядан ўтган ўқув марказларида МҲХС бўйича ўқитиш жадвалини ҳар йили тасдиқланишини таъминлайди;

в) **Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда:**

Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Тошкент молия институти, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, Фарғона политехника институтининг **“Бухгалтерия ҳисоби”** ва **“Аудит” фанлари** бўйича **педагог ходимларини** аккредитациядан ўтган ўқув марказларида МҲХС бўйича тезлаштирилган тарздаги ўқитиш жадвалини тасдиқлайди;

2020 йил 31 декабрга қадар бухгалтерия ҳисоби ва аудит саҳосидаги мутахасисларни тайёрлашнинг халқаро амалиётини ўрганиш натижалари бўйича **“Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” бакалавриат таълим йўналишининг кундузги ўқув шакли муддатини қисқартириш** имконияти тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритади.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:

2020 йил 1 августга қадар бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича “Бухгалтерия ҳисоби” ва “Аудит” фанлари бўйича МҲХСни чуқур ўрганишни назарда **тутувчи янгиланган ўқув дастурини тасдиқлайди** ва белгиланган тартибда ўқув жараёнига жорий этади;

2020 йилдан бошлаб, тажриба олий таълим муассасаларининг ўқув дастурларини **бухгалтерия ҳисоби соҳасидаги халқаро аккредитациядан ўтказиш** ва кейинчалик мазкур тажриба лойиҳасини босқичма-босқич республикадаги соҳага оид бошқа олий таълим муассасаларига жорий этиш чораларини кўради;

2021 йил 1 январга қадар “Бухгалтерия ҳисоби” ва “Аудит” фанлари бўйича педагог ходимларни аккредитациядан ўтган ўқув марказларида МҲХС бўйича ўқитишдан ўтишини таъминлайди, шунингдек, бухгалтерларни халқаро сертификатлаш доирасида аккредитациядан ўтган ўқув марказларида таълим олган олий таълим муассасаларининг педагог ходимлари тўғрисидаги маълумотлар базасини расмий веб-сайтида эълон қилади ва доимий равишда уларни янгилаб боради.

2021 йилдан бошлаб, МҲХС ва аудитнинг халқаро стандартлари (АХС) бўйича **ўқитишни** фақат **бухгалтерия ҳисоби соҳасидаги халқаро ташкилотнинг аккредитациясидан ўтган ўқув марказлари** томонидан амалга оширилади;

2021/2022 ўқув йилидан бошлаб, тажриба олий таълим муассасаларида “Бухгалтерия ҳисоби” ва “Аудит” фанлари фақат халқаро сертификатлаш доирасида “**МҲХС бўйича молиявий ҳисобот**” ёки “**АХС бўйича аудит**” фанини муваффақиятли топширганлиги тўғрисида ҳужжатга ёхуд халқаро бухгалтер сертификатига эга бўлган ўқитувчилар томонидан ўқитилади;

халқаро бухгалтер сертификатига эга бўлган талабгорлар олий таълим муассасалари магистратурасининг **“Бухгалтерия ҳисоби”** ва **“Аудит”** мутахассисликларига тўлов-контракт асосида кириш имтиҳонларини топширмасдан қабул қилинади.

2020-2025 йиллар давомида аккредитациядан ўтган ўқув марказларида **МҲХС бўйича ўқитиш, малакасини ошириш, интерактив усулларни қўллаган ҳолда ўқитиш**, шунингдек бухгалтерларни халқаро сертификатлаш доирасида Ўзбекистон Республикасида **дастлабки рўйхатдан ўтиш ва имтиҳон топшириш учун рўйхатдан ўтиш харажатлари Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан қопланиши** белгиланди ва улар қуйидаги тартибда амалга оширилади:

а) олий таълим муассасаларининг буюртманомасига асосан:

олий таълим муассасаларининг “Бухгалтерия ҳисоби” ва “Аудит” фанлари бўйича **педагог ходимлари** имтиҳон топшириши учун биринчи марта – **тўлиқ ҳажмда**, иккинчи марта (уринишга) – имтиҳон топшириш учун рўйхатдан ўтиш суммасининг **50 фоизи миқдорида** қопланади;

олий таълим муассасаларининг талабалари ва битирувчилари (тугатгандан сўнг олти ой давомида) **имтиҳонни муваффақиятли топширган тақдирда** биринчи марта - **тўлиқ ҳажмда**, иккинчи марта (уринишга) – имтиҳон топшириш учун рўйхатдан ўтиш суммасининг **50 фоизи миқдорида** қопланади.

Ҳ. Н. Мусаев – Сам ИСИ и.ф.д., доцент

МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТ ТАРМОҚЛАРИНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

Аннотация: Мақолада миллий иқтисодиёт тармоқларини инновацион ривожлантиришда бухгалтерия ҳисобининг тутган ўрни, бухгалтерия ҳисобининг инновацион объектлари, уларни ҳисобга олишнинг услубий жиҳатлари ифодаланган.

Калит сўзлар: миллий иқтисодиёт тармоқлари, миллий иқтисодиёт тармоқларини инновацион ривожлантириш, бухгалтерия ҳисоби, бухгалтерия ҳисобига қўйилаётган янгича талаблар, инновацион ривожлантиришда бухгалтерия ҳисобининг тутган ўрни, бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш.

Ўзбекистон иқтисодиёти тармоқларини жадал ривожлантириш ва барқарорлигини таъминлаш устувор вазифалардан қилиб белгиланган. Қабул қилинган “Ҳаракатлар стратегияси”да макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш, юқори иқтисодий ўсишга эришиш, таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш ва етакчи тармоқларнинг рақобатбардошлигини ошириш, иқтисодиётни бошқаришда давлат иштирокини мумкин қадар камайтириш, корпоратив бошқарувининг замонавий усулларини жорий этиш, иқтисодий тармоқлар экспорт салоҳиятини янада ривожлантириш, мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш ва уларнинг назоратини халқаро даражаларга кўтариш каби вазифалар белгиланган[1]. Қўйилган вазифаларнинг тўлақонли бажарилиши миллий иқтисодиёт тармоқларига илм-фан, техника ютуқларини, замонавий инновацион технологияларни тезкорлик билан жорий этишни тақазо этади. Бугунги кунда иқтисодиёт тармоқлари эскирган технологиялар билан рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқишлари қийин, халқаро бозорга чиқиш энг илғор технологиялар асосида тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш билан бевосита боғликдир. “Жамият ва давлат

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланган: “ 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”, 2017 йил 7 феврал.

ҳаётининг барча соҳалари шиддат билан ривожланаётган ислоҳатларни мамлакатимизнинг жаҳон цивилизацияси етакчилари қаторига кириш йўлида тез ва сифатли илгарилашини таъминлайдиган замонавий инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларга асосланган ҳолда амалга оширишни тақозо этади[1].

Турли мулкдаги корхоналардаги моддий ва молиявий ресурслар чегараланган. Улардан самарали фойдаланишнинг муҳим омили- бу инсон капитали, унинг илғор ғоялари, салоҳиятидан самарали фойдаланиш билан бевосита боғлиқдир. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти доимий равишда назорат қилиб борилади ва бошқарилади. Бухгалтерия ҳисоби эса бошқаришнинг муҳим усули бўлиб унинг ахборотлари тўғри бошқарув қарорларини қабул қилинишига хизмат қилади. Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги қонунида унинг мазмуни қуйидагича ифодаланган: “Бухгалтерия ҳисоби барча хўжалик операцияларини яхлит, узлуксиз хужжатлар асосида ҳисобга олиш йўли билан бухгалтерия ахборотини йиғиш, қайд этиш ва умумлаштиришнинг тартибга солинган тизимидан, шунингдек унинг асосида молиявий ва бошқа хисоботни тузишдан иборат”[2].

Миллий иқтисодиётимизда содир бўлаётган ўзгаришлар юритилаётган бухгалтерия ҳисобининг шакллари, усуллари ва унинг вазифаларига янгича талаблар қўймоқда. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, аксарият ҳолларда бухгалтерия ҳисобига корхоналар фаолиятидаги жараёнлар тўғрисида ахборотларни шакллантириш ва назоратини таъминловчи тизим сифатида қаралиб келинмоқда, халос. Лекин, унинг жамият тараққиётидаги ўрни, содир бўлаётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар туфайли келиб чиқаётган вазифаларига аҳамият берилмаябди. Ушбу масала миллий иқтисодиёт тармоқларини инновацион ривожланиши билан боғлиқ жараёнлар, уларни бухгалтерия ҳисоби объекти сифатида тан олиниши ва ҳисобини юритиш билан бевосита боғлиқдир. Ривожланган ғарб мамлакатлари олимларидан Б.Нидлз, Х.Андерсон, Д.Колдуэлларнинг фикрича: “Бухгалтерия ҳисоби бошқарув тизимининг мухим усули бўлиб корхоналар, корхоналар билан жамият аъзолари ўртасидаги муносабатларни ифодалайди”[3]. Гардвард университитетининг профессори Роберт Энтони ва Мичиган университитетининг профессори Джеймс Рис бухгалтерия ҳисоби мазмунини қуйидагича эътироф этганлар: “Бухгалтерия ҳисобини асосли равишда бизнес тили деб атайдилар. Ваҳоланки, ҳар қандай тил, шу

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони: “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш Стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” , 2018 йил 21 сентябрь.

[2] Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия хисоби тўғрисида”ги қонуни (янги таҳрири), 2016 йил 13 апрель.

[3] Нидлз Б. и др. Принципы бухгалтерского учёта/ Б.Нидлз, Х.Андерсон, Д.Колдуэлл: Пер с. англ: Учебник/ Под ред. Я.В.Сокалова. –М.:Финансы и статистика, 2003, с.13.

жумладан бухгалтерия ҳисоби жамият талаблари, ўзгаришлари асосида ривожланиб боради ва ўзгариб туради”[1].

Шундай қилиб хулоса қилиш мумкинки, бугунки кунда бухгалтерия ҳисоби жамият билан ушбу жамият аъзолари ўртасидаги муносабатларни мувофиқлаштириб борувчи тизим бўлиб жамиятнинг ривожланиш даражаси, унинг талабларига қараб ўзгариб боради ва такомиллашади.

Тадқиқот натижаларига асосланиб қуйидаги таклиф ва тавсияларни берамиз:

- Бухгалтерия ҳисоби, унинг шакли ва юритилиш усуллари ижтимоий –иқтисодий ривожланиш талабларига асосан ўзгариб боради ва такомиллашади.
- Бухгалтерия ҳисоби такомиллашишининг муҳим йўналиши- бу ҳисоб ва ҳисобот шакллари, юритилиш усулларини халқаро талабларга (андозаларга) мослаштириш.
- Миллий иқтисодиёт тармоқларини инновацион ривожлантириш вазифаларидан келиб чиқиб бухгалтерия ҳисоби объектларини илмий жихатдан асослаш ва тан олиш.
- Бухгалтерия ҳисобиниг халқаро усулларини кенг жорий қилиш.

М.Қ.Пардаев – СамИСИ и.ф.д, профессор

ИННОВАЦИОН ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ ҲОЛАТИ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Мамлакат иқтисодиётининг ўсиши одатда интенсив ва экстенсив омилларга боғлиқ эди. Эндиги XX1 – асрдаги иқтисодий ривожланишнинг яна бир қанча омиллари, хусусан, модернизация, диверсификация, инновация ва рақамли иқтисодиётга оид омиллар ҳам пайдо бўлди. Чунки, ушбу йўл билан ривожланишни таъминлаган мамлакатгина жаҳон тараққиётида ўз ўрнига эга бўлиб, маълум даражада ўзларининг рақобатбардошлигини таъминлайди. Шу жиҳатдан мамлакатни ривожлантиришда инновацион тараққиётни таъминлаш масаласи ҳозирги пайтнинг энг муҳим масалаларидан бирига айланди.

Инновацион тараққиёт ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмайди. Буни таъминлаш учун илмий ва техникавий тараққиётга, улар асосида технологияларнинг мунтазам такомиллашиб боришига эришиш лозим бўлади. Бунинг учун мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш билан

[1] Энтони Р., Рис Дж. Учеб: ситуации и примеры.: Пер с англ. Учебник. –М.:Финансы и статистика, 1996, с.19.

бирга ўз фаолиятига фан ва техникада содир бўлаётган янгиликларни жорий қилишга ҳам катта эътиборни қаратиш лозимдир.

Мамлакатимизда интеллектуал салоҳиятни кенгайтириш, илмий-техникавий ва технологик жараёнларни доимий равишда такомиллаштириб бориш, барча ресурслардан самарали фойдаланиш орқали инновацион тараққиётни таъминлаш учун тегишли чоралар кўрилмоқда. Бунинг асосий омили бўлган таълимга мамлакатимиз раҳбарияти катта эътибор қаратмоқда. Шу туфайли ҳар бир ўқувчи инновация, инноваион тараққиёт нималиги тўғрисида алоҳида тушунчага эга бўлиши керак. Айнан шу мақсадни кўзлаб мазкур иш тайёрланди. Билимсиз инновацион тараққиётга эришиб бўлмйди. Бунинг учун барча талабларга жавоб берадиган интеллектуал мулк ҳам шаклланган бўлишлигини тақозо қилади.

Инновацион иқтисодиётни, унинг ривожланишини таъминлашнинг асосий омили инсон интеллектуал салоҳиятининг ўсиши билан боғлиқлиги жаҳон тажрибасидан маълум. Интеллектуал жиҳатдан салоҳиятли одамларгина янги ғояларни ва улар асосида инновацияларни яратади ва уни амалиётга жорий қилади. Бундай одамлар яратилган инновациялардан самарали фойдалана олади.

Мамлакатимиз тараққиётининг бош омили инновацион иқтисодиётни ривожлантириш бўлса, инновацион иқтисодиётнинг ривожланишида асосий омил юқори технологик хизматларни жорий қилишдир. Буни эса, малакали кадрларсиз амалга ошириб бўлмайди. Шу туфайли ҳозирги шароитда ғоя, ихтиро, фан, таълим, технология каби масалаларнинг бир-бири билан боғлиқлигини таъминлашга катта эътибор қаратилмоқда.

Айнан ҳодиса ва жараёнларнинг ўзаро боғлиқлиги ва уларнинг бир-бирига таъсири иқтисодий таҳлил фанида ўрганилади. Аммо иқтисодий таҳлил бугунги замонавий талабга жавоб бера оладими, унинг бугунги аҳволи қандай? Бу борада ушбу фаннинг иқтисодиётнинг буғунларига мос ҳолда йирик учта йўналишга мослашганлигига эътиборни қаратамиз. Булар: корхоналар хўжалик фаолияти таҳлил, тармоқлар ва ҳудудлар (мезо) таҳлили ва макроиқтисодий таҳлил (1-расм).

Иқтисодий таҳлилнинг йўналишлари		
Микроиқтисодий таҳлил (корхоналар хўжалик фаолияти таҳлили)	**Мезоиқтисодий таҳлил** (иқтисодиёт соҳалари ва тармоқлари таҳлил)	**Макроиқтисодий таҳлил** (мамлакат иқтисодиётининг яхлит таҳлили)

1-расм. Иқтисодий таҳлилнинг асосий йўналишлари

Бугунги кунда микроиқтисодий таҳлил (корхоналар хўжалик фаолияти таҳлили) ҳам учта йирик бўлимдан иборат: иқтисодий таҳлил назарияси, бошқарув таҳлили ва молиявий таҳлил (2-расм).

Микроиқтисодий таҳлил (корхоналар хўжалик фаолияти таҳлили)		
Иқтисодий таҳлил назарияси	**Бошқарув таҳлили**	**Молиявий таҳлил**

2-расм. Микроиқтисодий таҳлилнинг асосий бўлимлари

Иқтисодий таҳлилнинг яна бир йўналиши мезоиқтисодий таҳлил бўлиб, ҳудудлар ва тармоқлар таҳлилидан иборатдир. Ҳудудлар таҳлил кўп ҳолларда макроиқтисодий таҳлил таркибига ҳам киритилган бўлади. Аммо тармоқларнинг иқтисодий таҳлили ўзига хос йўналишларга эга бўлганлиги туфайли улар алоҳида шаклланади. Бунда асосан таҳлил иқтисодиётнинг тармоқлари бўйича амалга оширилади. Булар таркибида хизмат кўрсатиш соҳасининг ўрни алоҳида, чунки, ушбу соҳа иқтисодиётнинг қарийб ярмини ташкил қилади. Ушбу таҳлилнинг тузулиши қуйидаги расмда келтирилган (3-расм).



3-расм. Мезоиқтисодий (тармоқлар фаолияти) таҳлил

Ҳозирги шароитда макроиқтисодий таҳлилда асосан макроиқтисодий кўрсаткичларни: мамлакат ялпи ички маҳсулоти, соф миллий маҳсулот, миллий даромад, аҳолининг ўртача даромадлари кабиларни ўрганиш билан шуғулланади. Макроиқтисодий таҳлилда макроиқтисодиётга оид категория ва жараёнлар ўрганилади. Хусусан, ялпи талба ва ялпи таклиф, макроиқтисодий барқарорлик, инвестиция, молиявий муносабатлар,

давлатнинг ижтимоий сиёсати каби кўрсаткичлар ўрганилади. Буларнинг ҳаммаси "Макроиқтисодий таҳлил" фанининг таркибий қисмида ўз ифодасини топади.

Иқтисодий таҳлил ўзининг тараққиёти давомида бир қанса шакллари ҳам вужудга келди. Буларга қуйидагиларни киритиш мумкин: кмплекс иқтисодий таҳлил, функционал қиймат таҳлил, қиёсий таҳлил, SWOT таҳлил, маркетинг фаолияти таҳлил, тизимли таҳлил. Буларнинг мазмуни қуйидаги расмда келтирилган (4-расм).

Иқтисодий таҳлилнинг шакллари	
Кмплекс иқтисодий таҳлил	Комплекс таҳлил деганда, иқтисодиётнинг барча соҳа ва тармоқларини, шу жумладан хўжалик юритувчи субъектларни бир-бирига боғлиқ ҳолда яхлит хулоса чиқариш учун макон ва замон нуқтаи назаридан батафсил ва тизимли ўрганиш тушунилади.
Функционал қиймат таҳлил (ФҚТ)	ФҚТ деганда, иқтисодий-ижтимой ҳаётда содир бўлиши кутилаётган, бўлган ва бўладиган жараёнларни алоҳида функцияларга бўлиб ва ҳар бир функциянинг қийматини белгилаган ҳолда ишни самарали ва сифатли бажаришга қаратилган тадбирлар мажмуи тушунилади.
Қиёсий таҳлил	Қиёсий таҳлил деганда, солиштириладиган предмет, жараён ва ҳодисаларни қачон ва қандай солиштириш мумкинлигини таъминлаган ҳолда амалга оширилади-ган таҳлил тушунилади.
SWOT таҳлил	SWOT таҳлил деганда, таҳлил қилинаётган объектнинг кучли ва заиф томонларини, имкониятлари ва таҳдидларини кенг миқёсда аниқлаб берадиган таҳлилнинг шакли тушунилади.
Маркетинг фаолияти таҳлил	Маркетинг фаолияти таҳлили деганда, самарали маркетинг қарорларини қабул қилиш учун товарлар (хизматлар) бозорининг ҳолатини, уларни истиқболда қанча ишлаб чиқаришни (хизмат кўрсатишни), қаерда ва қачон, қандай нархда сотишни белгилаш мақсадида турли усуллардан фойдаланиб ўтказиладиган таҳлил тушунилади.
Тизимли таҳлил	Тизимли таҳлил деганда, мураккаб иқтисодий-ижтимоий тизимлар, жараёнлар ва объектларни кўп сонли усуллар ва воситалар орқали, уларнинг ўзаро боғлиқлиги ва алоқадорлигига комплекс ёндошув асосида тадқиқ қилиш усули тушунилади.
Рақамли таҳлил	Рақамли таҳлил деганда, жамиятда содир бўлган, бўлаётган ва бўладиган иқтисодий-ижтимоий жараёнларни тизимли равишда қуйидан макродаражагача бир вақтнинг ўзида турли ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўрганишга қаратилган таҳлил тушунилади.

Бугунги инновацион ва рақамли иқтисодиёт шароитида иқтисодий таҳлил қандай йўналишда такомиллашиши мумкин? Фикримизча, биринчи галда унга рақамли қитисодиёт тамойилларини киритиш лозим бўлади. Иккинчидан, иқтисодий таҳлилни рақамли иқтисодиётга мос ҳолда такомиллаштириш ҳам лозимдир.

Иқтисодиётнинг рақамли секторини ривожлантириш борасида давлат томонидан кенг кўламли чора-тадбирлар кўрилмоқда, электрон ҳужжат айланиши тизимлари жорий этилмоқда, электрон тўловлар ривожлантирилмоқда ва электрон тижорат соҳасидаги норматив-ҳуқуқий база такомиллаштирилмоқда. Ахборот-технологик платформаларда фаолият кўрсатадиган рақамли иқтисодиёт ҳам жадал ривожланмоқда, бу эса шундай платформаларнинг янги моделларини яратиш заруратини тақозо этмоқда.

Иқтисодий таҳлилнинг рақамли иқтисодиёт шароитидаги ўни қандай бўлиши хусусида ҳали ҳеч қандай тадқиқотлар олиб борилмаган шуларни инобатга олиб ушбу мас ала юзасидан ўртоқлашишни мақсадга мувофиқ, деб топдик. Рақамли иқтисодиёт шароитида иқтисодий таҳлил мавжул ахборотлардан фойдаланган ҳолда корхоналарни ва унинг тегишли таҳлил қилган соҳаларини такомиллаштириш ва бошқарув қарорларини қабул қилиш учун тегишли маълумотларни тайёрлаб беради. Ушбу жараённинг амалга оширилиши қуйидаги кўринишга эга бўлади (5-расм).



5-расм. Рақамланган иқтисодий таҳлилнинг ўзаро боғлиқлиги

Агар таҳлилнинг ушбу кетма-кетлигига назар солинса, у одатдаги таҳлил сингари амалга оширилади. Аммо ушбу жараён олдин қўл билан бажарилган бўлса, эндиликда улар ахборот-коммуникация технологияларини қўллаб амалга оширилмоқда. Айнан ушбу ҳолат рақамли иқтисодиёт тамойилларининг иқтисодий таҳлилни амалга ошириш жараёнига кирганлигидан, унда қўлланилаётганлигидан далолат беради.

С.Н. Ташназаров – СамИСИ, и.ф.д., доцент
Д.С. Ташназарова – ТДИУ тадқиқотчиси

МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИГА ЎТИШ - ДАВР ТАЛАБИ

Аннотация: Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишнинг мақсади, юзага келган зарурият, амалга оширилиш лозим бўлган вазифалар ҳамда шарт-шароитлари баён этилган.

Калитли сўзлар: Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари, акциядорлик жамиятлари, корпоратив бошқарув, бухгалтерларни халқаро сертификатлаш, профессионал ташкилотлар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралда ПҚ-4611 “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Қарори қабул қилинди. Ушбу Қарорнинг мақсади МҲХСларга ўтиш орқали:

мамлакатимизда хорижий инвестицияларнинг кириб келиши учун инвестицион муҳитни яхшилаш, компанияларнинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш;

хорижий инвесторларни зарур ахборотлар билан таъминлаш, ҳисоботларнинг мазмуни ва таркибини ахборот фойдаланувчиларнинг эҳтиёжларига уйғунлаштириш;

корпоратив бошқарув тамойилларини жорий қилишни таъминлаш;

Ўзбекистон компаниялари ва банкларининг халқаро фонд ва молия бозорларига кириш имкониятларини кенгайтириш;

акциядорлик жамиятлари, холдинг компаниялар ва бошқа корхоналарнинг экспорт операциялари ҳажмини ошириш;

компанияларнинг рақоботбардошлигини ошириш;

бухгалтерия ҳисоби ва аудит соҳалари мутахассисларини тайёрлаш тизимини халқаро стандартлар даражасига кўтариш.

Бугунги кунга келиб МҲХСларни тўлиқ тизимли жорий қилинишини ҳамда бу борада кадрлар тайёрлашни тубдан яхшилашга қаратилган алоҳида қарор қабул қилинишига зарурият юзага келди.

Мазкур Қарор мамалакатимизда бухгалтерия ҳисобини ривожлантиришдаги жуда катта тарихий аҳамиятга эга бўлган ҳужжат

ҳисобланади. Бу ҳужжатнинг қабул қилиниши учун мамлакатимизда ҳаётий зарурий шарт-шароитларга қуйидаги омилларни киритишимиз мумкин:

мамлакатимизга хорижий инвестицияларнинг кириб келиши учун жуда катта имконият яратилди. Қонуний муҳит юзага келди. 2019 йил 26 декабрда “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида” Қонуннинг янги таҳрири қабул қилинди. Қонунда ошкоралик ва очиқлик, инвестиция фаолиятини амалга ошириш эркинлиги, янада кенгайтирилди, уларнинг кафолатлари янада мустаҳкамланди. Мисол учун, биргина “2019 йилда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар 4.2 миллиард АҚШ долларини ташкил этди”. Хорижий инвесторларга инвестицион муҳитни яхшилаш уларга МҲХСлари асосида ахборотларни тақдим қилишни зарурият қилиб қўйди. Мамлакатмизнинг энг йирик инвестиция талаб қиладиган соҳалари тоғ-кон металлургия, оғир металлургия, кимё саноати, нефтни қазиб олиш ва қайта ишлаш саноати, автомобилсозлик саноати, пахтани қайта ишлаш ва енгил саноат корхоналари инвестицион жозибадорлигини ошириш учун МҲХСлар асосида ҳисобот тузишлари тараққиётга эришишнинг муҳим омилига айланди;

Ўзбекистон инновацион иқтисодиётга ва рақамли иқтисодиётга босқичма-босқич ўтмоқда. Рақамли иқтисодиёт ягона ахборот базасига таянади, қайсики ушбу ахборотларнинг салмоқли қисми бухгалтерия ҳисобида шаклланади. Бухгалтерлик ва бошқарув тизимларининг ягона базада электрон интеграциялашуви рақамли иқтисодиётнинг асосий белгисидир. Бухгалтерия ҳисобининг ахборот базасининг шаклланиши МҲХСларига таянади. Шу боис, рақамли иқтисодиёт мамлакатимизда МҲХСга ўтишни зарурият қилиб қўйди. Шу боис, тўлиқ асосда айтиш мумкинки МҲХСларига ўтиш рақамли иқтисодиётнинг муҳим ва ажралмас қисмидир. МҲХСларига ўтиш иқтисодиётимизнинг асосий тўсиғи бўлиб келаётган коррупцияга қарши курашишнинг энг самарали воситасидир.

Президент Қарорида қўйилган вазифаларни амалда ижросини таъминлаш учун қуйидаги ишларни амалга ошириш лозим, деб ўйлаймиз:

- Ўзбекистондаги бухгалтерия ҳисоби ва аудит соҳасида профессионал ташкилотларнинг МҲХС Кенгашига ҳамда Бухгалтерларнинг Халқаро Федерациясига аъзо бўлиш, уларга аъзолик бадалларини тўлаш, давлат даржасида ҳамкорлик олиб бориш, делегациялар алоқаларни ўрнатиш, Ўзбекистонда МҲХСларига ўтишни халқаро ташкилотлар томонидан эътироф этилишига эришиш лозим;
- МҲХСлари ва стандартларга интерпретацияларни ўзбек тилига расмий таржима қилиш, МҲХСлари Кенгаши томонидан ушбу МҲХСларнинг ўзбек тилидаги версияларини расмий тан олинишига эришиш;
- Бухгалтерия ҳисоби, молиявий ҳисобот ва аудит бўйича МҲХСлари талабларига жавоб берадиган ўзбек атамалар тўпламини яратиш, бунинг учун эса халқаро атамаларни қабул қилиш, уларни ўзбек тилига ўгириш ёки бошқа

тилларга бир хил қабул қилинган атамаларни ўзгаришсиз қабул қилиш керак. Буни ишлаб чиқмасдан МҲХСларини профессионал даражада ўзбек тилига таржима қилишга эришиб бўлмайди. Бунинг учун эса ваколатли ташкилотлар қошида профессионаллардан иборат Кенгаш тузилиши мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз;

- МҲХСларга риоя қилиниши мажбурий-ҳуқуқий характерга эга эмас. Мамлакатимиздаги акциядорлик жамиятлари, масъулияти чекланган жамиятлар ва бошқа корхоналарнинг ихтиёрийлик асосида ўз ташаббуслари билан МҲХСлари асосида молиявий ҳисоботга ўтишларига эришишимиз лозим. Корхона ва ташкилотлар ўзлари МҲХСларига ўтишда наф олишлари, унинг афзалликларини ҳис қилишлари лозим. МҲХСлар орқали инвестициявий жозибадорлигига эришиш йўли билан корхоналарнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш стратегик аҳамиятга эга бўлган вазифа сифатида қаралиши лозим;
- МҲХСлари талабларига тўлиқ жавоб берадиган Ўзбекистон бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари (БҲМС)ни қайта таҳрирда ишлаб чиқиш лозим. МҲХСлари ва БҲМСлари ўртасидаги тафовутларга барҳам бериш керак. Имкон қадар мувофиқлаштириш керак. МҲХСларда мавжуд бўлган, лекин БҲМСлар таркибида бўлмаган стандартларни ҳам ишлаб чиқиш керак. Стандартларга интерпретациялар ишлаб чиқишни йўлга қўйиш керак. Бухгалтерия ҳисоби бўйича бошқа қонун ости меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни, жумладан Низомлар ва қоидаларни ҳам стандартларга айлантириш керак. Ўзбекистонда мукаммал бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари тизими шаклланиши лозим;
- молиявий ҳисоботда акс эттирилаётган ахборотларнинг сифатини ошириш мақсадида унинг таркиби ва мазмунини ахборот фойдаланувчилар манфаатларига мувофиқлаштириш, ахборотларга ишлов бериш ва уларни узатишда энг илғор усул ва услублардан фойдаланиш, халқаро инструментлар ва стандартларини ҳамда МҲХСлар талабларига тўлиқ мувофиқ келадиган такомиллашган намунавий молиявий ҳисобот форматларини жорий қилиш;
- бухгалтерлар ва аудиторларни МҲХСлари бўйича сертификатлашнинг самарали миллий тизимини жорий этиш, аккредитацияланган ўқув марказларида илғор хорижий тажрибалар асосида ўқув жараёнлари ва ўқув-услубий таъминотини ташкил этиш, имтиҳонларни ўтказиш ва натижаларини баҳолашнинг шаффофлигини таъминлаш. Ўқув марказларида халқаро сертификатлаш бўйича АССА талабларига кўра “А. базовий фанлар 1) бухгалтерларнинг бизнесдаги роли; 2) бошқарув ҳисоби; 3) молиявий ҳисоб; 4) корпоратив ва бизнес ҳуқуқи; 5) бошқарув учун ҳисоботларни тайёрлаш; 6) солиққа тортиш; 7) молиявий ҳисобот; 8) аудит ва ҳисоботни тасдиқлаш; 9) молиявий менежмент. Б. Профессионал блок 1) бошқарув, риск ва этика; 2) корпоратив ҳисобот; 3) бизнес анализ; 4) молиявий менежмент бўйича чуқурлаштирилган фан; 5) бошқарув учун

ҳисоботларни тайёрлаш бўйича чуқурлаштирилган фан; 6) солиққа тортиш бўйича чуқурлаштирилган фан; аудит ва ҳисоботни тасдиқлаш бўйича чуқурлаштирилган фанларни" ўқитишни ташкил этиш;

- олий таълим муассасаларида бухгалтерия ҳисоби ва аудитга оид фанларнинг мазмунини ривожланган мамлакатлар университетлардаги ўқув режалари ва дастурларига (селаббус) мувофиқлаштириш, ўқув дастурларини халқаро аккредитациядан ўтказиш, педагог кадрларни қайта тайёрлаш, педагог кадрларни халқаро сертификатлаш мақсадида ўқув марказларида ва хорижий университетларда малака оширишини ва имтиҳонларни топширишини ташкил этиш, илғор университетлардаги дарсликлар билан таъминлаш.

У. А. Ширинов – СамИСИ катта ўқитувчиси

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ: МОҲИЯТИ ВА АФЗАЛЛИКЛАРИ

Аннотация: Мақолада рақамли иқтисодиёт шароитида бухгалтерия ҳисобини ташкил этишнинг инновацион технологияларига асосланган шаклларининг моҳияти, афзалликлари ва камчиликлари ҳақида баён қилинган. Рақамли иқтисодиёт тушунчасининг моҳияти ҳамда хозирги даврда хорижий мамлакатларда бухгалтерия ҳисобини юритишда қўлланилаётган дастурий таъминотлар, булутли технологиялар, блокчайн технологияларини қўллашда вужудга келадиган қулайликлар ва камчиликлар тадқиқ этилган.

Калит сўзлар. Рақамли иқтисодиёт, дастурий таъминотлар, блокчайн, бухгалтерия ҳисоби.

Мамлакатимизда амалга оширилаётга бош ислоҳатлардан бири иқтисодиётимизни рақамлаштиришдир. Ҳозирги глобаллашув жараёнида рақамли иқтисодиётни қўлламасдан дунё мамлакатлари билан рақобат қилиб бўлмайди. Рақамли иқтисодиёт бизга нафақат дунё мамлакатлари билан алоқа қилишга балки мамлакатимиз иқтисодиётини ҳам шаффоф, яъни яширин иқтисодиётдан батамом қутилишга хизмат қилади.

Бизнинг фикримизча, **Рақамли иқтисодиёт - бу хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини рақамлар асосида юритиш бўлиб, бунда махсулот (иш, хизматлар)ни ишлаб чиқаришдаги асосий омил рақамлар кўринишидаги маълумотлар бўлиб, барча маълумотларни сақлаш, қайта ишлаш ва узатиш ёрдамида хўжалик юритувчи субъект фаолиятига янада самаралироқ ечимлар тақдим қилувчи тизимдир.**

Бошқача қилиб айтганда, рақамли иқтисодиёт маълумотларни бир тизимда жамлаш, мижозларга онлайн хизматлар кўрсатиш, барча маълумот узатишларни ва тўловларни электрон амалга ошириш, интернет савдо ва бошқа турдаги соҳалар ахборот фойдаланувчиларини электрон маълумотларни алмашиш тизимидир.

Жаҳоннинг машҳур “McKinsey” экспертларининг баҳолаши бўйича, бугунги кунда жаҳон ЯИМнинг қарийб 10 фоизи рақамли активларга тўғри келади, шу билан бирга, уларни ишлаб чиқиш суръати жаҳон иқтисодий ўсишининг 30 фоизига тенг. Рақамли активларнинг ривожланиши акселератор (тезлаштирувчи) характерга ўхшайди.

Рақамли иқтисодиётда IT ёрдамида таннархни камайтиришга, натижада оптималлашувга ва самарадорлик ошишига эришилади.

Дунё иқтисодиётининг ва ахборот технологияларининг ривожланиши бухгалтерия ҳисобини ҳам ривожланишига асос яратди. Бу эса бухгалтерия ҳисобини автоматлаштирилган тизимларидан фойдаланиш имкониятларини яратди.

Бугунги кунда мамлакатимизда бухгалтерия ҳисобини юритишда бирқанча дастурий таъминотлардан фойдаланилмоқда, жумладан **1uz, 1c, uzasbo, estat** дастурлари ва бухгалтерия ҳисобининг айрим объектлари учун **my.soliq.uz, faktura.uz, internet banking, didox.uz** сайтларидан фойдаланиб келинмоқда.

Мамлакатимизда иқтисодиётни рақамлаштириши натижасида бухгалтерия ҳисобини ташкил этишнинг қуйидаги усуларидан фойдаланиш мумкин.

❖ *1uz, 1c, uzasbo, estat каби дастурий таъминотларни маълумотлар базасига улаш орқали фаолиятни юритиш;*

❖ *булутли технологиялардан фойдаланиш Google drive(disk),yandex disk, Onedrive, dropbox технологияларидан фойдаланиш;*

❖ *блокчейн технологиясидан фойдаланиш;*

❖ *мобил бухгалтерия ҳисобидан фойдаланиш.*

Ҳар бир технологияни бухгалтерия ҳисобида қўллашнинг ижобий ва салбий жиҳатлари мавжуд.

1uz, 1c, uzasbo, estat каби дастурий таъминотлари бухгалтерларга бухгалтерия ҳисобининг бир-бирига боғланган соҳаларини юритиш, бошқарув ходимларига тегишли маълумотларга эга бўлиш ва бошқарув қарорларини қабул қилиш имкониятини беради.

Бухгалтерия ҳисобини автоматлаштириш бухгалтерлар ишини ва маълумотни қўлда қайта ишлаш билан солиштирганда анча осонлаштиради.

Рақамли иқтисодиётда қўлланиладиган яна бир замонавий технологиялардан бири блокчайн технологиясидир.

Блокчайн - бу маълумотларга эга бўлган муайян қоидаларга мувофиқ тузилган доимий кетма-кетликдаги блоклар занжири (боғланган рўйхат). Блоклар орасидаги алоқа нафақат рақамлаш билан, балки ҳар бир блокда ўз суммаси ва олдинги блокнинг суммаси мавжудлиги билан таъминланади.

Блокдаги маълумотларни ўзгартириш учун сиз кейинги барча блокларни таҳрирлашингиз керак. Кўпинча блок занжирларининг нусхалари бир-биридан мустақил равишда турли хил компютерларда сақланади. Бу кўпгина компютерларда тарқатиладиган марказлаштирилган бошқарувисиз ягона маълумотлар базаси. Блокчайн кўпинча "тақсимланган маълумотлар базаси" деб номланади.

Россиялик иқтисодчи олимлар Н. В.Емельянов, Ю. А.Ермиловаларнинг фикрига кўра блокчайн каби технологиялар бухгалтерия ҳисобини юритиш тизими сингари бухгалтерия усулидаги ютуқлар учун зарур шартдир. Корхоналар битимлар ёзувларини ягона регистрда қайд этишлари ва сақлашлари мумкин, бу эса тақсимланган ва ўзаро боғланган бухгалтерия маълумотлари тизими сифатида тақдим этилади. Ахборотларни сохталаштириш ва йўқ қилиш имконияти тарқатиш тизими ва криптографик ҳимоя туфайли деярли имконсиз бўлиб қолади. Бундай тизим “уч ёқлама ёзув” деб номланади.

Ҳозирги вақтда энг оммабоб рақамли технологиялардан бири бу булутли технологиялардир. Булутли технологиялар интернетда сақлаш модели, унда маълумотлар тармоқдаги кўп тақсимланган серверларда сақланади ва мижозлар фойдаланиши учун тақдим этилади. Ушбу технологиядан фойдаланишнинг ўзига хос хусусияти шундаки, ташкилот қиммат ускуналар сотиб олиш, унга хизмат кўрсатиш учун мутахассисларни ёллаш ёки ихтисослаштирилган дастурий таъминотни ўрнатиш керак эмас. Булутли хизматлардан фойдаланиш учун **интернетга** кириш кифоя. Булутли технологияларнинг энг оддий наъмунаси виртуал хотира, масалан, **Google drive(disk),yandex disk, Onedrive, dropbox.**

Булутли технологиялардан фойдаланишда ҳар қандай қурилмадан (ноутбук, планшет, мобил қурилма) фойдаланиш имконияти мавжуд, ўзига керакли тўплам учун ҳақ тўлайди, фойдаланувчи учун айни пайтда зарур бўлган функцияларни мустақил танлаш имкониятларининг (уланиш тезлиги, хотира ҳажми, ҳисоблаш кучи, шунингдек булутни ижарага олиш вақти) мавжудлигидир.

Бухгалтерия ҳисобини рақамлаштириш соҳада қуйидаги афзалликларни яратади:

- *маълумотлар айланиши тезлашади;*
- *маълумотлар ишончлилиги ортади;*
- *меҳнат самарадорлиги ортади;*
- *хужжатларни тўлдиришга сарфланган вақт тежалади;*
- *махсулот таннархи аниқ ҳисоб китоб қилинади;*
- *кўп ҳажмли маълумотларни тез қайта ишлаш имкони яратилади;*
- *ортиқча қоғоз сарфи олди олинади;*
- *арифметик хатолар олди олинади;*

- *фалоият юритишда жой, вақт ва қурулмалар аҳамияти камаяди, яъни маълумотлардан хохлаган жойда, хохлаган вақтда ва хохлаган қурилма (ноутбук, планшет, мобил қурилма) орқали фойдаланиш мумкин;*
- *маълумотларни йўқолиб кетмаслик кафолатининг мавжудлиги;*
- *меъёрий хужжатларнинг ўзгаришига тез мослашувчанлик;*
- *ҳалқаро стандартларга мослашувчанлик;*
- *солиқлар ва бошқа бюджетга тўловлар бўйича четланишларнинг вужудга келмаслиги ва бошқалар.*

Юқоридагилардан кўришимиз мумкунки бухгалтерия ҳисобини рақамлаштириш нафақат корхона учун балки давлат учун ҳам жуда муҳим вазифалардан биридир.

Бухгалтерия ҳисобини рақамлаштириш соҳада афзалликлар билан бирга айрим муоммоли вазиятларни ҳам вужудга келтиради:

- *иш жойларининг қисқариши, барча бўлимлар автоматлаштирилиши натижасида иш ўринлари қисқариши мумкин;*
- *умумий тизимдан маълумотларни сизиб чиқиши натижасида хўжалик субъектлари маълумотлари ошкор бўлиши;*
- *дастурий таъминотларга тобелик кучаяди;*
- *интернет хизматининг сифати пастлиги тизимда айрим нуқсонларни вужудга келишига сабаб бўлади;*
- *соҳага юқори малакали кадрларнинг етишмаслиги.*

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки мамлакатимиз иқтисодиётини рақамлаштириш бу бизни жаҳон бозорига чиқишимиз учун асос бўлувчи омиллардан бири бўлиб ҳисобланади. Иқтисодиётни рақамлаштириш бухгалтерия ҳисобидан фойдаланувчиларнинг имкониятларини кенгайтиради, бухгалтерия ҳисобининг сифати ва самарадорлигини оширади ҳамда бухгалтерия хизматларининг ҳар хил турларини интеграциялашда замонавий инновацион ёндашувларни шакллантиради.

Тадқиқот натижасида қуйидаги таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқдик:

1. Бухгалтерия ҳисобида замонавий ахборот технологияларини қўллаш орқали қоғоз ишини автоматлаштирилган бухгалтерия билан алмаштириш имконияти яратилади ва бу иш натижаларини яхшилайди. Ҳозирги вақтда бухгалтерия ҳисобида онлайн-бухгалтерия операциялари, банклар ва бухгалтернинг кундалик ишларига киритилган ахборот технологиялари портфелларини амалга оширишга имкон берадиган махсус онлайн хизматларни сохаларни бирлаштирган ҳолда жорий қилиш лозим.

2. Бухгалтрия ҳисобида булутли ва блокчайн технологияларидан фойдаланишни оммавийлаштириш лозим. Бу корхоналарга маълумотларни маълум бир базаларда сақлаш, уларни тезкорлик билан алмашиш, маълумотлар шаффофлиги, солиқлар ва бошқа бюджетга тўловлар бўйича четланишларнинг вужудга келмаслигини олдини олади ҳамда қоғоз сарфини

камайтиради, натижада корхоналар харажатлари бир мунча камайишига эришилади.

3. Мобил бухгалтерия ҳисобини жорий этиш. Бу турли хил мобил иловаларни яратиш орқили бухгалтерия ҳисоби хизматидан фойдаланувчиларга кенг имкониятларни яратиб беради. Мобил бухгалтерия ҳисобидан фойдаланувчилар фаолият юритишида жой, вақт ва қурулмалар аҳамияти камаяди, яъни маълумотлардан хохлаган жойда, хохлаган вақтда ва хохлаган қурилма (планшет, мобил қурилма) орқали фойдаланиш имкони яратилади. Бу эса бухгалтерия ҳисоби ахбороти фойдаланувчиларини (раҳбарлар, бошқарувчилар, менежерлар) ўз вақтида керакли қарорларни қабул қилишларига имконият яратади ва иш самарадорлигини оширади.

4.Иқтисодиётни рақамлаштириш бухгалтерия ҳисобини янги босқичга олиб чиқади, бу эса ўз ўрнида давлат, соха мутахассислари ва амалиётчилардан янги рақамли иқтисодиётда бухгалтерия ҳисобининг меъёрий – ҳуқуқий асосини яратиш учун асосий тушунчалар моделини шакллантириш, қонунчилик, низомлар, йўриқномалар ва қоидаларни ишлаб чиқиш лозим.

Н.А.Ибрагимов – иқтисод фанлари доктори, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти “Молия” кафедраси профессори в.б.

ДУНЁ БЎЙЛАБ ТАРҚАЛГАН КОРОНАВИРУС ПАНДЕМИЯСИ АСОРАТЛАРИНИ МАМЛАКАТИМИЗДА КАМАЙТИРИШДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

COVID – 19, коронавирус каби сеҳрли номлар олган ва кейинги ойларда барча халқлар ва миллатларни саросимага туширган, қисқа вақтда юз минглаб ҳаётни олиб кетган вирусли инфекцион касаллик дунё иқтисодиётига катта зарба бўлди. Бир қатор иқтисодчи экспертлар бу зарарларга баҳо беришга ҳаракат қилишшмоқда. Фикрлар турли хил, бир-биридан маротаба фарқ қилади, лекин бир нарса аниқ – унинг ҳозирги кунгача келтирган зарарлари ва мамлакатлар иқтисодиёти пандемия эълон қилинган вақтдаги ҳолатга келгунча бўладиган зарарлар жорий асрдаги барча жаҳон иқтисодий инқирозларидаги йўқотишлардан кўп бўлади.

Коронавирус инфекциясини тарқалиши ва унинг мамлакатлар ижтимоий-иқтисодий тизимига келтирган асоратларни камайтириш тадбирларига ҳар бир мамлакат ўзиган хос ёндашмоқда. Ўзбекистонда инфекция тарқалишини олдини олишга қаратилган карантин талабларига риоя этган ҳолда бир қатор йирик ишлаб чиқариш корхоналари иш фаолиятини тўхтатмасдан қўшилган қиймат яратиш давом эттирилди. Коронавирус тарқалиши барқарорлашиб, янги касаллар аниқланиши камайиб боргани сари барча ишлаб чиқариш ва қурилиш корхоналарининг узлуксиз ишлаши ташкиллаштирилди.

Мамлакатимиздаги вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар коронавирус инфекцияси аниқланган фуқаролар сони, касаллик аниқлаш динамикаси ва тўлиқ даволаниш кўрсатгичларига қараб, шартли тарзда “яшил”, “сариқ” ва “қизил” ҳудудларга таснифланди. Уларда аҳоли ва транспорт воситаларининг ҳаракатланиши ва ишлашга рухсат бериладиган тадбиркорлик фаолиятлари турлари рўйхати шакллантирилди. Шу асосда тадбиркорлик фаолияти аста-секин босқичма-босқич тикланиб, ҳар бир субъект тўлақонли фаолият кўрсата бошлайди.

Бугунги кунда тикланаятган, қайтадан фаолият бошлаятган корхоналарда ноанъанвий бошқариш усуллари киритилиши зарур. Бир томондан, карантин чекланишлари киритилиб, ишчи ва хизматчилар таътилга чиқарилган бўлсада, уларга ойлик маош тўлашлар давом эттирилди. Бир қатор ходимлар масофавий ишлашга ўтказилиб, бу иш жойларини жиҳозлашга ҳам маълум харажатлар сарфланди. Йирик ишлаб чиқариш ҳамда қурилиш корхоналарида иш жойлари ҳудудида карантин талабларидан келиб чиққан ҳолда яшаш ва ишлашга шароитлар қилиниб, корхоналар бир қатор янги ва қўшимча харажатлар қилишга мажбур бўлишди. Юқоридагилар каби бир қатор харажатлар таннархни бошқаришга, бизнесни шу ҳолатдан кам йўқотишлар билан чиқаришни таъминлаши зарур.

Бунинг учун бухгалтерия ҳисобида карантин тадбирлари билан боғлиқ харажатлар, йўналишлари билан таснифланиши зарур. Улар қўйидаги харажатлар гуруҳларига ажратилиши мумкин:

ишламаган кунлар ёки бажарилмаган ишлар учун белгиланган иш ҳақи ва унга боғлиқ ижтимоий тўловлар;

ички ва ташқи маҳсулотлар бозорлар ёпилиши билан боғлиқ қўшимча харажатлар;

қўшилган қиймат яратилмаган кунлар учун давр харажатлари.

Йиллар мобайнида шаклланган, ички корпоратив маданиятни яхши ўзлаштирган, маҳсулот (хизмат) яратиш жараёнида ўз малакали ўрнини эгаллаган ишчи ва хизматчилар, яъни инсон ресурслари тадбиркорлик субъекти учун энг муҳим капитал ҳисобланади. Шунинг учун тадбиркор ишчи ва хизматчиларни сақлаб қолишга, ҳозиргидек, ташқи, корхона ва хизматчига боғлиқ бўлмаган сабабларга асосан, фаолият юритилмаган ҳолларда уларни моддий қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилади. Шунингн учун “уйда ўтириб, ўзи ва яқинларини асраятган” ишчи ва хизматчиларга тўлиқ ёки қисман меҳнат ҳақи тўланди, олдинги йилларда фойдаланилмаган таътиллари бўлса, улар берилди. Корхона томонидан қонунчиликда белгиланган барча ижтимоий тўловлар амалга оширилди.

Бу харажатлар хизмат кўрсатиш корхоналарида, меҳнат ҳақининг маҳсулот таннархидаги улуши катта бўлган ишлаб чиқариш корхоналарида бевосита таннархга олиб борилса, маҳсулотнинг нарх нуқтаи назаридан рақобатбардошлиги камайиб, бозорда сотилмай қолиши мумкин.

Ички ва ташқи бозорларнинг ёпилиши, мавжуд иқтисодий алоқаларнинг, олди-сотди муносабатларининг тўхтатилиши товарларни

ишлаб чиқарувчи омборларида туриб қолишига олиб келди, уларни сақлаш харажатлари кўпайди.

Баъзи ҳолларда маҳсулотларга қўшимча ишлов беришга, демак, яна ортиқча харажат қилишга мажбур бўлинаяпти. Масалан, Тойлоқ туманидаги “Siyob Shavkat Orzu” корхонасида хорижий харидорлар мамлакатларида карантин жорий этилганлиги сабабли қуритилган узум ва мевалар шира боғлаб, яна бир бор қайта ишлашни талаб қилади. Корхона олдиндан экспортга жўнатишга тайёрланган маҳсулотларни қайтадан очиб, уларни технологик линияда яна бир бор ювиб, қуритиб, янги картон қутиларга солиб, фақат кейингина экспорт қила олади. Бунда корхона янги қутиларга кетадиган моддий харажатлар, қайтадан ишлаш билан боғлиқ меҳнат харажатлари, қўшимча ишлаб чиқариш харажатлари каби сарфларни амалга оширади.

Экспортга мўлжалланган музлатилган ва совутилган мева ва сабзавотлар ташқи чегаралар ёпилиши муносабати билан харидорларга жўнатилмасдан маҳсулотлар турган музлатгичларни эксплуатация қилиш бўйича ортиқча харажатлар қилиниб келинмоқда.

Коронавирус пандемияси даврида корхоналар ишламасада, бир қатор давр харажатларини қилишларига тўғри келади. Бу қанақа харажатлар? Корхонанинг масофада бошқариш билан боғлиқ қўшимча харажатлар, қўшилган қиймат яратилмаган кунлар учун электр ва газ таъминоти назорати, қуриқлаш харажатлари, маҳсулотларни сотиш етказиб бериш каби янги хизматлари сарфлари давр харажатлари таркибини ўзгартиради, уларнинг абсолют қийматини ошишига олиб келади.

Бу мураккаб иқтисодий шароитда корхоналар бухгалтерия хизматида харажатлар ҳисобини юритишда, уларни раҳбарият учун шакллантиришда, яъни бошқарув ҳисоби (управленческий учет) тизими талаблари асосида бошқарув қарорлари қабул қилиш учун ахборот тайёрланганда ҳар бир харажат турларини асосли таснифлашлари, пандемия билан боғлиқ харажатларни алоҳида ажратиб кўрсатиш зарур бўлади.

Бизнинг фикримизча, бу харажатлар юқорида тавсия этганимиздек, корхоналар хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда уч гуруҳга таснифланиши ҳамда ишлаб чиқариш ва давр харажатларига ажратилиши муҳимдир. Ҳар бир синтетик счет алоҳида “Коронавирус пандемияси билан боғлиқ харажатлар” субсчети ва зарур аналитик счётлар очилса, уларни жамлаш осонлашади.

Бу ахборотлар учун қанақа зарурият бор?

Маҳсулотларни ички ва ташқи бозорларда сотишда маҳсулот таннархини аниқ ҳисоблаш ўта муҳим ҳисобланади. Унга асосан у ёки бу товарни сотиш ҳақида қарор қабулқ илинади. Маҳсулот бозорлари қайта тикланганда нархлар қайта кўриб чиқилади, одатда нархлар пасаяди. Масалан, май ойида ташқи бозорда мошнинг нархи 10 фоизга тушиб кетди. Уни ҳозир пасайган нархда сотишимиз керакми ёки қўшимча сақлаш харажатларини қилиб, нарх ўсишини кутишимиз керакми? Нарх янги

ҳосилгача ўсмасачи? Шу ва шу каби саволларга жавоб излаш учун бухгалтерия ҳисоби ахбороти зарур бўлади.

Ҳар бир маҳсулот тури ёки партияси бўйича унинг олдинги таннархи, пандемия давридаги қўшимча харажатлар ҳисобланиши зарур. Бозорларда маҳсулотларни сотиш нархлари пасайган ҳолларда, “Пандемия давридаги қўшимча харажатлар” “Келгуси давр харажатлари” сифатида таснифланиши ва маҳсулот таннархига босқичма-босқич олиб борилиши зарур. Айрим ҳолларда бир қатор ишлаб чиқариш ва ва давр харажатлари таркибидаги сарфлар, масалан, асосий воситалар амортизацияси, номоддий активлар эскириши ҳам “Келгуси давр харажатлари” сифатида баҳоланиши ва ноанъанавий, лекин тадбиркорлик келажагига ишлайдиган ечимлардан ҳисобланади.

Бу ҳолатлар тадбиркорлик субъекти хусусиятидан келиб чиққан ҳолда қўшимча ўрганилиши ва маълум ечимлар шаклангандан сўнг корхонанинг “Ҳисоб сиёсати” га ўзгартиришлар киритилиб, тасдиқланиши зарур бўлади.

Коронавирус пандемиясининг тадбиркорлик субъектига салбий таъсирлари асоратини камайтиришда бухгалтерия хизмати бошқарув ҳисоби тизимида шаклланадиган ўзгарувчан, доимий, шартли-доимий харажатларга гуруҳлаш, нархлаштиришда бу харажатлар ҳақидаги маълумотларни маҳсулотларни сотиш бўйича нарх музокараларида фойдаланиш учун тайёрлаши зарур.

Менинг фикримча, карантин чекланишлари тугаб, ижтимоий-иқтисодий ҳаёт тикланиш давомида тадбиркорлик фаолиятини сақлаб қолиш, пандемиядан олдинги даражага чиқариш ва ривожланишни давом эттиришда бухгалтерия ҳисобинииинг аҳамияти янада ошиб боради ҳамда бухгалтерия ҳисобининг молиявий ва бошқарув ҳисоблари имкониятларидан фойдала олган субъектлар бу ҳолатдан янгиланган ва кучли бўлиб чиқиши мумкин бўлади.

Ю.П.Урунбаева- PhD СамИСИ
М.И. Умурзоқова - СамИСИ МИ-119 магистранти

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИНГ РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ ШАКЛЛАНТИРИШДАГИ РОЛИ

Аннотация: мақолада хизмат кўрсатиш соҳасининг рақамли иқтисодиётни шакллантиришдаги роли асослаб берилган ва мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётига эришиш бўйича таклифлар берилган.

Калит сўзлар: миллий иқтисодиёт, моддий ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, пулли хизматлар, пулсиз хизматлар, рақобат, рақамли иқтисодиёт, инновация, модернизация.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2020 йил 25 январдаги Ўзбекистон Республикаси парламентига мурожаатномаси мамлакатимизни 2017 – 2021 йилларда янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишларини амалга ошириш Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни бажаришда, барқарор ижтимоий-иқтисодий тараққиётга эришиш, аҳоли турмуш даражасини оширишда муҳим дастурамал бўлиб хизмат қилиши лозимлиги алоҳида таъкидланди. Мурожаатнома мамлакатимизнинг фақатгина жорий йилда эмас, балки истиқболда ҳам барқарор ривожлантириш, тизимли стратегик режалаштириш дастури десак айни ҳақиқатни айтган бўламиз. Республикамизда 2017 йилда қабул қилинган Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш шароитида мамлакатнинг рақобатбардошлигини ошириш, иқтисодий салоҳиятини юксалтириш, инновацияларни кенг жорий этиш ва шулар асосида ресурслардан оқилона фойдаланиш рақамли иқтисодиётни шакллантириш омилларидандир.

Иқтисодиётни шакллантиришнинг муҳим бир омилларига хизмат кўрсатиш соҳасини киритишимиз мумкин. Хизмат кўрсатиш соҳаси муайян давлат иқтисодиётига катта ижобий таъсир кўрсатади ва тўғридан-тўғри рақамли иқтисодиётнинг шаклланишига хизмат қилади. Қолаверса, хизматлар соҳасининг рақамли иқтисодиётдаги мавқеи мустаҳкамланиб, кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг етакчи омилига айланганлиги постиндустриал жамиятнинг муҳим хусусиятларидан бири дейишимиз мумкин. Хизмат кўрсатиш соҳаси турли иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, табиий, қолаверса, маданий жараёнларнинг ўзаро боғлиқликда ривожланишининг хосиласи бўлиб, пировард натижада, инсон турмуш даражаси яхшиланиб боришида ўз ифодасини топади. Ўз навбатида, ҳар бир инсоннинг турмуш даражасини ошириш қулай шароитларда ҳаёт кечириш, ўзининг моддий ва маънавий эҳтиёжларини тўла қондиришга бўлган табиий интилиш жамият тараққиётини ва бутун иқтисодий фаолият тизимини ҳаракатга келтирувчи муҳим омил сифатида эътироф этиш мақсадга мувофиқдир.

Юқоридаги фикрларини умумлаштирган ҳолда, шунингдек моддий ишлаб чиқариш ва номоддий ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш)ни хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, уларни фарқловчи белгилар тизим шаклига келтирилди (жадвал).

жадвал

Моддий ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни фарқловчи хусусиятлари (белгилари)[1]*

	Фарқловчи хусусиятлар	**Моддий ишлаб чиқариш**	**Номоддий ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш)**
1.	Ишлаб чиқариладиган	Ҳис қилса бўлади	Ҳис килиб бўлмайди

[1] Манба: муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

	маҳсулотларни ҳис этиш		
2.	Истеъмолчи билан ишлаб чиқарувчи ўртасидаги ўзаро муносабатлар	Истеъмолчи ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этмайди ва ишлаб чиқарувчи билан узвий алоқада бўлмайди	Истеъмолчи ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этади
3.	Маҳсулотнинг сифати тўғрисида истеъмолчи олдиндан воқиф бўлиш имкониятининг мавжудлиги	Мавжуд	Мавжуд эмас
4.	Табиий ресурслар сарфи	Сарфланади	Сарфланмайди
5.	Таклиф	Мавҳум (жамоавий), номаълум истеъмолчилар гуруҳи талабларини қондиришга қаратилган	Индивидуал, муайян шахснинг истеъмолини қондиришга қаратилган
6.	Меҳнат унумдорлигини аниқлаш	Осон	Қийин
7.	Ишлаб чиқариш ва истеъмол	Макон ва замонда мос тушмайди	Макон ва замонда мос тушади
8.	Ишлаб чиқарилган маҳсулотни сақлаш	Мумкин	Мумкин эмас
9.	Ишлаб чиқарилган маҳсулотни масофага ташиш	Мумкин	Мумкин эмас
10.	Иш ўрнининг ўртача қиймати	Юқори	Нисбатан паст
11.	Ишлаб чиқариш таркибий тузилишида инсон омили билан моддий омилнинг нисбати	Юқори	Паст
12.	Янги иш ўринларини яратишга кетадиган сарфлар	Кўп	Нисбатан камроқ
13.	Сарфланган маблағларнинг ўзини оқлаш суръати	Аста-секинлик билан оқлайди	Тез оқлайди

Юқоридаги жадвалдан кўриниб турибдики, моддий ишлаб чиқариш ва номоддий ишлаб чиқариш белгиларини фарқловчи хусусиятлари мавжуд. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, яъни номоддий ишлаб чиқаришда истеъмолчи билан муносабати ва харажатлар ҳажмининг камлиги билан аҳолининг ҳар бир табақаларига мос келади. Шундай қилиб, жамиятдаги ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши билан хизмат кўрсатиш соҳасининг хўжалик жиҳатлари кучайиб такомиллашади, энг асосийси – аҳоли томонидан хизмат кўрсатишга бўлган талаб ошиб бораверади.

Айтиш жоизки, хизматлардан фойдаланиш кенгайиб борсада, ҳозирги кунга қадар бирон бир хизмат тури бўйича сертификат ва андоза мукаммал белгиланмаган. Агар шундай сертификат ва андоза талаблари хизмат турлари бўйича ўрнатилса, оддий хизмат ва максимал даражадаги сервис хизмати ўртасидаги чегарани аниқлаш мумкин бўлиш билан бир қаторда рақамли иқтисодиётнинг шаффофлигига имкониятлар кенгаяр эди.

Рақамли иқтисодиёт терминини амалиётга Америкалик дастурчи Н.Негропонте 1994-1995 йилларда киритди. Ҳозирда бу истилоҳни бутун дунё қўлламокда. Хизмат кўрсатиш соҳасининг рақамли иқтисодиётни шакллантиришдаги афзалликлари:

- Тўловлар учун харажатлар камаяди.
- Товарлар ва хизматлар ҳақида кўпроқ ва тезроқ маълумот олинади.
- Рақамли дунёдаги товар ва хизматларнинг жаҳон бозорига чиқиш имкониятлари кенгаяди.
-Истеъмолчи билан тўғридан-тўғри фикр алмашинилади.
-Натижага тезроқ, сифатлироқ, қулайроқ эришилади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш мумкинки, рақамли иқтисодиёт соҳалар ривожланишига катта ҳисса қўшади, инсонларнинг турмуш даражасини сезиларли даражада оширади, бу унинг асосий фойдасидир.

D.D.Poshoxodjayeva - SamISI katta o'qituvchisi
M.O.Mamatova -SamISI "Bank-moliya xizmatlari" fakulteti KTB-118 guruh 2-bosqich talabasi

RAQAMLI IQTISODIYOT SHAROITIDA XIZMAT KO'RSATISH SOHASI TARMOQLARIDA BUXGALTERIYA HISOBI VA UNI TAKOMILLASHTIRISH O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI

Annotatsiya: Ushbu maqolada raqamli iqtisodiyot sharoitida xizmat ko'rsatish sohasi tarmoqlarida buxgalteriya hisobi, uning xususiyatlari, mavjud muammo va yechimlari yoritib berilgan.

Kalit so`zlar: Raqamli iqtisodiyot, turizm, modernizatsiya, konsepsual asos, tovar aylanish rejasi, inventarizatsiya, konsignatsiya, BHMS, bojxona to'lovlari.

Hozirgi davrda raqamli iqtisodiyot va u bilan bog`liq bo`lgan bir qancha samarador texnologiyalar hayotimizga shiddat bilan kirib kelmoqda. Huddi shuning uchun ham davlat va jamiyat taraqqiyotini yanada jadallashtirish maqsadida respublikamiz rahbariyati bir qancha muhim qarorlarni qabul qildi. Shu jumladan, O`zbekiston Respublikasining prezidenti SH.M Mirziyoyevning yangi ,,2020 yilni ilm-ma`rifat va raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish yili`` deb nomlanishi shu jumladandir. Mamlakatimizda raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish uchun aholimizga raqamli iqtisodiyot haqida malumotlar berishimiz kerak.

Avvalo shuni aytish kerakki, raqamli iqtisodiyot o'zaro bog`liq bo`lgan ishlab chiqarish va boshqaruv jarayonlarining zanjiridan iborat bo`lib, uning ajralmas elementi zanjirlararo (insonlararo, mashinalararo, bulutlar orqali, data

markazlararo) raqamli texnologiyalar yordamida amalga oshiriladigan ma`lumot almashinishdir.

Barchamizga ma'lumki, shiddat bilan rivojlanib borayotgan iqtisodiyotimizning eng yosh sohalardan biri turizmdir.

Yurtimizda har yili ko'plab sayyohlar, mehmonlar, ishbilarmon biznesmenlar va shu kab turi xil soha vakillari tashrif buyurishadi. Albatta ular yashash sharoitimizga turmush tarzimizga e'tibor berib qolmasdan, xizmat ko'rsatish sohalari bilan ham alohida qiziqishadi. Jumladan, transport sohasini rivojlanganligiga, umumiy ovqatlanish, bozorlarimizdagi savdo qay tarzda ekanligi barchani qiziqtirmay qolmaydi. Xizmat ko'rsatuvchi korxonalarning mamlakat iqtisodiyotini yuksaltirishdagi zaruratini quyidagilar orqali belgilash mumkin:

- Korxonalarga zarur moddiy resurslarni etkazib berish orqali ular faoliyatida takror ishlab chiqarishning uzviyligi samaradorligini ta'minlash;
- Aholining yuqori sifatli tovarlar va xizmatlarga bo'lgan ehtiyojini qondirishga ko'maklashish;
- Aholiga sifatli transport xizmatlarini ko'rsatish;
- Ichki bozorni iste'mol tovarlari bilan doimiy ravishda ta'minlab turish;
- Ishlab chiqarilgan maxsulotlarni respublikaning turli hududlari aholisi va iqtisodiyot tarmoqlari o'rtasida taqsimlash;
- Aholiga turli xil maishiy xizmatlarni ko'rsatish;

Bu sohalar bugunga kunga kelib rivojlantirilyapti. Bu esa o'z navbatida rivojlangan davrda xizmat ko'rsatuvchi korxonalarning hisobini yuritilishini talab etadi. Xizmat ko'rsatuvchi korxonalarda buxgalteriya hisobini tashkil etish iqtisodiyotda muhim ahamiyatga ega. Iqtisodiyotni modernizatsiya qilish sharoitida buxgalteriya hisobini to'g'ri tashkil etish xizmat ko'rsatuvchi korxonaning kelajakdagi faoliyatiga o'zining ijobiy ta'sirini ko'rsatadi.

Xizmat ko'rsatuvchi korxonalarida buxgalteriya hisobining hozirgi holatini tahlil qilish uni takomillashtirishdagi mavjud muammolarni quyidagilarga ajratish imkonini beradi:

- ✓ buxgalteriya hisobining kontseptual asoslarini rivojlantirishga doir muammolar;
- ✓ buxgalteriya hisobi borasidagi nazariy va amaliy muammolarni aniqlash;
- ✓ buxgalteriya hisobining huquqiy asoslarini takomillashtirish;

Savdo korxonalarida buxgalteriya hisobi ushbu xo'jalik yurutuvchi sub'ektlarning tovar aylanish rejasi va moliyaviy xo'jalik faoliyatini baholashning asosiy mezoni rolini bajaruvchi axborotlarni o'zida mujassamlashtirishi lozim.

Bugungi kunda savdo korxonalarida buxgalteriya hisobi oldiga qo'yilgan vazifalarni quyidagicha ifodalash maqsadga muvofiqdir:

1. Ulgurji va chakana savdo korxonalarida tovarlarni keltirish, saqlash, yuklash bilan bog'liq muomalalar hisobini tashkil qilish;
2. Tovarlar inventarizatsiyasi natijasida aniqlangan nobudgarchiliklar,

kamomadlar, va yo'qotishlarni o'z vaqtida hisobga olish;

3. Tovarlar bo'yicha baho siyosatini to'g'ri shakllantirish va uni samarali amalga oshirilishini doimiy kuzatib borish;

4. Savdo korxonalarida tovarlarni komissiya, konsignatsiya, kredit shartnomalari bo'yicha sotish hisobini yuritish;

5. Import qilingan tovarlar bo'yicha soliqlar hisobini oqilona tashkil etish;

6. Sotilgan tovarlar bo'yicha moliyaviy natijalarni to'g'ri aniqlash;

7. Ulgurji va chakana savdo korxonalarida xo'jalik muomalalarini tegishli buxgalteriya (moliyaviy) hisobot shakllarida to'liq aks ettirish va boshqalar.

Savdo korxonasi bugungi kunda xizmat ko'rsatishda yetakchi soha hisoblanadi. Savdo korxonalarida buxgalteriya hisobini yuritish tartibini quyidagicha ko'rsatish mumkin:

- ✓ Savdo korxonalarida tovar-operatsiyalari hisobini yuritish;
- ✓ Tovar-moddiy boyliklarni sotib olish qiymati (tannarxi) va sotish baholarini aniqlash;
- ✓ Savdo korxonalarida tovar operatsiyalarini hujjatlashtirish;
- ✓ Savdo korxonalarida tovarlarning kirimini hisobini yuritish;
- ✓ Tovarlar sotilishi va boshqa chiqimlarning hisobini yuritish;
- ✓ Tovar-moddiy boyliklarni inventarizatsiyasi va uning natijalarining hisobini yuritish;
- ✓ Daromadlar hisobini yuritish;
- ✓ Xarajatlar hisobini yuritish;
- ✓ Korxonada yakuniy moliyaviy natijalarning hisobini yuritish;
- ✓ Savdo korxonalarida soliq to'lovlarining hisobini tashkil etish;

Respublikamizning 4-son BHMS « Tovar-moddiy zahiralar»ga muvofiq tovar-moddiy zaxiralarning sotib olish qiymati, ya'ni tannarxi o'z ichiga quyidagilarni oladi:

1. Sotib olishda tovar yetkazib beruvchi bilan tuzilgan shartnomada ko'r-satilgan baho.

2. Sotib olish bilan bog'liq boshqa xarajatlar. Bularga sotib olish bilan bog'liq brokerlik xizmatlari, komission (vositachilik) xarajatlari tashib keltirish xarajatlari (temir yo'l, suv, havo yo'llari va boshqa transport tashkilotlarining yuklash. tushurish va yetkazib berish xarajatlari), tovarlarni sertifikatlash xarajatlari va shu kabilar kiradi;

3. Bojxona to'lovlari. Bojxona to'lovlariga aksiz solig'i, qo'shilgan qiymat solig'i, bojxona boji, bojxona yig'imi kiradi. Bu xarajatlar cheteldan import qilingan tovarlarga taalluqli bo'lib ularning summalari bojxona yuk deklaratsiyalarida ko'rsatiladi.

Savdo va umumiy ovqatlanish korxonalarining tovarlarini sotishdan olingan daromadlari 21-son BHMSga muvofiq 9020 'Tovarlarni sotishdan olingan daromadlar schyotining kredit aylanmasidan 9040"Sotilgan tovarlarning qaytarilishi va 9050 "Xaridor va buyurtmachilarga berilgan chegirmalar" debet

aylanmalari summalarini ayirish yo‘li bilan topiladi.

➢9020 «Tovarlarni sotishdan olingan daromad»;

➢9350 «Qisqa muddatli ijaradan olingan daromad»;

➢ 9360 «Kreditorlik va deponentlik qarzlarini hisobdan chiqarilishidan olingan daromadlar»;

➢9390 - «Boshqa operatsion daromadlar».

Savdo korxonalari davlatimizning soliq qonunchiligiga ko'ra, maqomi va yuritayotgan faoliyat turlari bo‘yicha har xil soliqlar, majburiy ajratmalar, to‘lovlar, ushlanmalar va yig'imlarni to’laydilar. Chunonchi, chakana savdo umumiy ovqatlanish. ulgurji savdo korxonalari (ulgurji savdo korxonalari uyushmasi tizimiga kiruvchi respublika ixtisoslashtirilgan ulgurji baza- kontoralari va ularning hududiy bazalaridan tashqari), joylashgan joyi va aholisining soniga qarab, belgilangan stavkalarda soliqqa tortiladigan bazadan yagona soliq to‘lovini to’laydilar.

Savdo korxonalarida majburiy ajratmalar va ushlanmalarning hisobini yuritish. Yagona soliq to’lovini to’lovchi savdo korxonalari davlatning maqsadli fondlari (pensiya fondi, yo’l fondi,)ga majburiy ajratmalarni qilmaydilar. Yalpi daromad solig’ini to’lovchi ulgurji savdo korxonalari uyushmasi tizimiga kiruvchi respublika ixtisoslashtirilgan ulgurji bazakontoralari va ularning hududiy bazalari esa ushbu majburiy ajratmalarni to’lovchilari bo’lib hisoblanadi.

Xulosa o’rnida shuni aytishim mumkinki, xizmat ko’rsatish korxonalarida buxgalteriya hisobining kontseptual asoslarini rivojlantirishga doir muammolar ularda oqilona hisob siyosatini tashkil etish, yangi ishchi schyotlar rejasini ishlab chiqish, tovar (ish,xizmatlar)ni sotish bahosini shakllantirish, soha xususiyatlariga asoslangan holda moliyaviy, statistik, soliqlar va boshqa hisobot shakllarini tuzish uslubini yaratish kabi masalalar bilan bogliq. Savdo tijorat korxonalarining boshqaruvi samaradorligini oshirish, moliyaviy holatini yaxshilash ular xo’jalik faoliyatini ifodalovchi ko’rsatkichlarni son jihatdan tavsiflash, bu korsatkichlar to’g’risidagi axborotlarni yig’ish, qayd etish va umumlashtirish hamda hujjatlarda rasmiylashtirishni taqozo etadi. Mazkur masalalarni bevosita savdo tijorat korxonalarida buxgalteriya hisobini samarali tashkil etish orqali muvafaqqiyatli amalga oshirish mumkin.

G'.S. Mustafoyev - *SamISI, "Tarmoqlar iqtisodiyoti" kafedrasi o'qituvchisi*
D.Z.Shavkatova *SamISI,ik-119 talabasi*

IQTISODIYOTNI INNOVATSION RIVOJLANTIRISHDA RAQAMLI IQTISODIYOTNING O'RNI

Annotatsiya: Ushbu ilmiy maqolada barcha mamalakatlar iqtisodiyotida muhim o'rin yasayotgan "raqamli iqtisodiyot"ga berilayotgan e'tibor va respublikamizdagi o'rni asosida uning mamlakatlari ishlab chiqrish, xizmat ko'rsatish tarmoqlari va barcha sohalaridagi roli xususida nazariy masalalar yoritilgan.

Kalit so'zlar: Raqamli iqtisodiyot, blokcheyn, bozor iqtisodiyoti, ehtiyoj, xizmat ko'rsatish, axborot kommunikatsion texnologiyalar, elektron to'lov.

Hozirgi davr bozor iqtisodiyotida turli texnologik vositalardan foydalanmoqdamiz va bu foydalanish yildan yilga ortib bormoqda. Buning natijasida iqtisodiyotni raqamlashtirishga ehtiyoj sezilmoqda. Raqamli iqtisodiyotda ishlab chiqarish va xizmat ko'rsatishdagi asosiy omil raqamli ko'rinishdagi ma'lumotlar bo'ladi. Unda axborotlarni qayta ishlab har xil turdagi ishlab chiqarish, xizmat ko'rsatish, texnologiyalar, mahsulotlarni yetkazib berishda oldingi tizimdan samaraliroq foydalanishdir. Bunday olib qaralganda raqamli iqtisodiyot bu onlayn xizmatlarini ko'rsatish, elektron to'lovlarni amalga oshirishdir. Masalan, havo juda sovuq yomg'ir esa to'xtamasdan yog'yabdi ko'chada taksi kutib turish noqulaylik tug'iladi shunda biz onlayn taksi xizmatidan foydalanishimiz mumkin. Bu ham raqamli iqtisodiyotni eng kichik ko'rinishi. Bundan tashqari mamlakatimizda raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish bo'yicha hozirda juda ham ko'p ishlar amalga oshirilmoqda. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018 yil 28- dekabrdagi Oliy Majlisga qilgan Murojatnomasida "Iqtisodiyotning barcha sohalarini raqamli texnologiyalar asosida "Raqamli iqtisodiyot milliy konsepsiyasi" ni ishlab chiqish, shu asosida "Raqamli O'zbekiston -2030" dasturini hayotga tatbiq etish. Raqamli iqtisodiyotni yalpi ichki mahsulotda kamida 30 foizga o'stirish, korrupsiyani keskin kamaytirish imkonini beradi". deya takidlagan edilar. Bundan tashqari, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018 yil 19 fevraldagi PF-5349 sonli "Axborot texnoligiyalari va kommunikatsiyalari sohasini yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi[1] va shuningdek bir nechta qaror va farmonlarni kiritishimiz mumkin. Vazirlar Mahkamasi 2018 yil 31 avgustda raqamli iqtisodiyotning maqsad va vazifalarini belgilab beradigan "O'zbekiston Respublikasida raqamli iqtisodiyotni joriy qilish va yanada rivojlantirish bo'yicha qo'shimcha chora tadbirlar to'g'risida"[2]gi qarori raqamli iqtisodiyotni yanada rivojlantirilmoqda.

[1] O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018 yil 19 fevraldagi PF-5349 Sonli "Axborot texnologiyalari va kommunikatsiyalari sohasini yanada rivojlantirish chora tadbirlari to'g'risida"gi Farmoni
[2] O'zbekiston Respublikasi Prezidentining PQ-3832 03.07.2018

“Raqamli iqtisodiyot” atamasi birinchi marta 1998 yilda AQSH Savdo vazirligi tomonidan ishlatilgan har yilgi hisobotda oldingi jamiyatlarga qaraganda tezroq o’sgan iqtisodiyotni tasvirlash uchun “Axborot kommunikatsion texnologiyalar” innovatsiyasi bilan tezlashtirilgan.[1] 1995 yilda esa Massachachusets universiteti amerikalik dasturchisi Nikolas Negropenti “raqamli iqtisodiyot” terminini amalyotga kiritdi. Olim va dasturchi axborot kommunikatsiya texnologiyalarini intensive rivojlanishi ortidan eski iqtisodiyotdan yangi iqtisodiyotga o’tishda, qanday o’zgarishlar ro’y berishi mumkinligini aytib o’tgan.[2] Hozirgi kunda bu istilohni butun dunyodagi siyosatchilar iqtisodchilar, tadbirkorlar, deyarli barcha qo’llamoqda. Raqamli davlatlar bugungi kunda Norvegiya, Shvetsiya va Shvetsariya hisoblanadi. Raqamli iqtisodiyot rivojlangan 10 ta davlatlar qatorida AQSH, Buyuk Britaniya, Daniya, Finlandiya, Singapur, Janubiy Korea va Gonkong kiradi.[3] Dunyo mamlakatlari kabi O’zbekistonda ham raqamli iqtisodiyot rivojlanmoqda. Lekin shuni ta’kidlash kerakki, o’zekistnda aqamli iqtisodiyod O’zbekiston potensialiga nisbatan bir necha barabar sekinroq rivojlanmoqda, ya’ni imkoniyat bor, kerakli resurslar mavjud lekin rivojlanshancha sustroq. Bunga mamlakatda to’siqlarni aytishimiz mumkin. Masalan, internet tezligini pastligi va uni sifatsizligi, fuqorolarni kampyuter savodxonligi pastligi, axborot texnologiyalari bo’yicha mutaxassislarning yetishmasligi va boshqalarini misol keltirishimiz mumkin. Lekin xalqaro axborot kommunikatsiya texnologiyalarini rivojlantirish indeksi bo’yicha 2019 yilda 8 pog’onaga ko’tarilgan bo’lsa-da hali ham juda orqadamiz.[4]

Mamlakatimizda 2020 yilni “Ilm – ma’rifat va raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish yili deb e’lon qilinganligi ham yurtimizda bu sohaga katta e’tibor qaratilayotganidan dalolat beradi. Raqamli iqtisodiyot deganda biz jamiyat ne’matlarini ishlab chiqarish, taqsimlash va iste’mol qilish jarayonlarida elektron hamda axborot – kommunikatsion texnologiyalarni keng joriy etishni ko’zda tutadigan insonning xo’jalik faoliyatini tadqiq etuvchi fandir. Raqamli iqtisodiyot rivojlanishning zamonaviy bosqichi hisoblanadi. Uni obyekti esa raqamli texnoligiya ya’ni axborotlashgan jamiyatdir. Raqamli texnologiyaga asoslangan iqtisodiyot omili – axborot –kommunikatsiya texnologiyalarini rivojlantirish, innovatsiyalarni rivojlantirish, ishchi kuchini sifatli o’zgartirish, iqtisodiy yuksalish va aholi faravonligini oshirishga tayanadi. O’zbekiston Respublikasining 2030 yilgacha ijtimoiy iqtisodiy rivojlanish Konsepsiyasi va raqamli O’zbekiston-2030 strategiyasining konsepsiyasi umumxalq konsepsiyasiga taqdim etildi. Unda ko’zlangan maqsad sifatli va qimmat bo’lmagan internet va mobil aloqasini joriy etish, shahar va qishloq o’rtasidagi raqamli tafavutni kamaytirish, elektron yozuvlar ustuvorligi va korrupsiyaga qarshi kurashini kuchaytirishdan iboratdir. Hozirgi holatda Internetga ulanish 16,2 million kishi, Davlat xarajatlarida sohaga sarf qilinayotgan mablag’ 1.5 foizni, tashkil etadi. Axborot kommunikatsion

[1] Digital economy policy in developing countries
[2] Raqamli dividentlar
[3] Digital economy
[4] http:// Xabar.uz

texnologiyalarida band bo'lgan mutahasislar aholi bandligida atigi 0.5 foizni tashkil etadi. Rivojlangan mamlakatlarda u 7 barobar ko'p. Raqamli iqtisodiyot bugungi kunda eng ko'p rivojlangan mamlakatlar AQSH va Xitoy bo'lib dunyo bo'yicha blokcheyn texnologiyalarga doir patentlarning 75 foizi aynan shu davlatlarga to'g'ri keladi. O'z navbatida internet mahsulotlarining 50 foizini shu davlatlar aholisi iste'mol qiladi[1]. Blokcheyn texnologiyalari tomonlarning hech qanday vositachisiz bitimlar xavfsiz, ishinchli amalga oshirishga imkon beruvchi texnologiyadir. Uni ko'pchilik kripto - valyuta sifatida biladi, lekin aslida u blokcheyndan raqamli identifikatsiya, egalik va mulkiy huquqlar himoyasi, to'lov tizimi sifatida foydalanish mumkin.

Innovatsion taraqqiyotda raqamli sektorning ulushi oshib bormoqda. Shu boisdan raqamli iqtisodiyot shakllanmoqda. Qulayliklari esa to'lovlar uchun harajatlar kamayadi, masalan bankga borish uchun yulkira va boshqa resurslar tejaladi. Tovarlar va xizmatlar haqida ko'proq va tezroq ma'lumot olinadi, raqamli dunyodagi Tovar va xizmatlarning jahon bozoriga chiqish imkoniyatlari kengayadi ,fidbek(iste'molchi fikri) ni tez olish hisobiga tovar va xizmatlar jadal takomillashtiriladi, asosiysi tezroq, sifatliroq, qulayroq bo'ladi. Raqamli iqtisodiyot insonlarning turmush darajasini sezilarli darajada oshiradi, mamlakatimizning raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish yo'lini tanlaganligi axborot texnologiyalari sohasida unuman olganda elektron hujjatlar aylanmasi sohasida yangi yo'nalishlar ochib berdi va yana butun dunyo qarshi kurashadigan korrupsiya va qora iqtisodiyot ning asosiy kushandasidir. Chunki, raqamlar hamma narsani muhrlaydi, xotirada saqlaydi, kerak paytda ma'lumotlarni taqdim etadi. Bunaqa vaziyatda ma'lumotlarni yashirish, yashirin bitimlar tuzish, turli faoliyatlar to'g'risida esa axborot olishning iloji yo'q, chunki kompyuter hammasini nomoyon qilib qo'yadi. Aytib o'tish lozimki, bugungi kunda har bir inson raqamli iqtisodiyotdan foydalanadi. Foydalanuvchilar oziq – ovqat mahsulotlariga buyurtma berish uchun telegram botlaridan faol foydalanadilar va elektor to'lov tizimlari ham faol rivojlanib bormoqda. Iqtisodiy o'sishni va rivojlanishning boshqa maqsadlarini amalga oshirishda raqamli iqtisodiyotning kelajakdagi roliga yuqori intilishlarni qo'llab quvvatlashga undadi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. The_Faster-Accelerating_Digital_Economy.
2. Znachenie_programmy_ cifrovaya_ economica.
3. raqamli dividentlar
4. Vikipediya "raqamli iqtisodiyot"
5. Digital_economy_ policy –diode- paper.
6. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018 yil 19 fevraldagi PF-534 sonli "Axbarot texnologiyalari va kommunikatsiyalari sohasini yanada rivojlantirish chora tadbirlar to'g'risida"gi farmoni.

[1] http://mininnovation.uz

D.D.Poshoxo`jayeva - SamISI katta o'qituvchi
O.Ergashev - SamISI ktb 118 guruh talabasi

ORGANIZATION OF ACCOUNTING SERVICES IN THE SERVICE SECTOR IN THE DIGITAL ECONOMY

Annotation. This article discusses the issues of digitization of services and industries in the digital economy, the introduction of digital technologies that will take our economy to a new level and ensure the competitiveness of all sectors in the process of globalization.

Keywords: Digital economy, digital technologies, digitization, accounting services

Great work is being done in our country to develop the digital economy. First of all, it should be noted that the digital economy consists of an interconnected service sector, a chain of production and management processes, an integral element of which is the exchange of information through inter-chain digital technologies. In the digital economy, digital data is a key element of production in all socio-economic spheres, and the gradual transition to such an economic system will further improve the quality of life of our citizens, create new jobs, accelerate economic growth and ensure national independence.

The organization of the accounting service means that it is carried out in each business entity in accordance with the procedures established by law and by-laws.

The organization of the accounting service in the Republic is carried out on the basis of various regulations. These regulations are divided into the following levels

Hierarchical system of regulatory documents governing the organization of accounting services

1st degree	Laws on Accounting and other laws, degrees and resolusions of the President, resolutions of the Cabinet of Minesters and documents
2nd degree	International and national accounting standarts
3rd degree	Regulartions and instructions adopted by the Ministry of Accounting
4th degree	Internal documents of the enretprise on accounting

There are two forms of accounting organization, namely centralized form (decentralized form) and decentralized form (decentralized form).

The centralized form (form of centralization) is currently widely used in the republic in associations or organizations that have divisions or branches that compile incomplete balance sheets and reports. Such associations and organizations include, for example, regional associations "Elektrtaminot", "Gaztaminot", "Suvokava", "International and long-distance communication network", "Uzbekistan Post" and others. Among the advantages and disadvantages of this form are the following.

Decentralized form (decentralization form) is used in the republic in enterprises of all statuses and forms of ownership, including joint-stock companies, LLCs, private enterprises, state unitary enterprises.

By the 21st century, we can see digitalization in all areas of social life. An example is the digitization of accounting services in the coming years.

Implementation of the digital economy program in the Republic of Uzbekistan will allow to achieve the following

complete elimination of legal barriers to the creation of new technologies through the creation of a new regulatory framework;

creation and development of the infrastructure of the digital economy, including the development of networks, data processing centers, hardware and software in accordance with modern requirements;

to ensure the comprehensive development and modernization of the education system;

to lay a solid foundation for the development of various companies, firms, state enterprises and businesses in the country.

T.S.Sharipov – SamISI “Tarmoqlar iqtisodiyoti’’ kafedrasi dotsenti v.b., i.f.n.
M.O’.O’roqova – SamISI MXT 118-guruh talabasi

RAQAMLI IQTISODIYOT SHAROITIDA UMUMIY OVQATLANTIRISHNI RIVOJLANTIRISH

Annotatsiya: ushbu maqolada raqamli iqtisodiyotning respublikamiz taraqqiyotida tutgan o’rni, raqamli iqtisodiyotning afzalliklari va xizmat ko’rsatish sohasi, jumladan, umumiy ovqatlantirishni rivojlantirishdagi ahamiyati batafsil yoritib berilgan.

Kalit so’zlar: raqamli iqtisodiyot, texnologiya, investitsiya, ovqatlantirish korxonasi, raqamli turizm, menejer, ofitsiant, oshxona, kafe.

Hozirgi davrda raqamli iqtisodiyot va u bilan bog’liq bo’lgan bir qancha samarador texnologiyalar hayotimizga shiddat bilan kirib kelmoqda. Xuddi shuning uchun ham davlat va jamiyat taraqqiyotini yanada jadallashtirish maqsadida respublikamiz rahbariyati bir qancha muhim qarorlarni qabul qildi.

Masalan, O'zbekiston Respublikasi prezidenti 2018 yil 28 dekabrdagi 2019 yil uchun eng muhim ustivor vazifalar haqidagi Oliy Majlisga Murojaatnomasida ham mamlakatimizda raqamli iqtisodning rivojlanishi bo'yicha quyidagilarni aytib o'tdi: "Iqtisodiyotning barcha sohalarini raqamli texnologiyalar asosida yangilanishini ko'zda tutadigan "Raqamli iqtisodiyot milliy konsepsiyasi"ni ishlab chiqishimiz kerak. Shu asosda "Raqamli O'zbekiston-2030" dasturini hayotga tadbiq etishimiz zarur. Raqamli iqtisodiyot yalpi ichki mahsulotni kamida 30 foizga o'stirish, korrupsiyani keskin kamaytirish imkonini beradi. Nufuzli xalqaro tashkilotlar o'tkazgan tahlillar ham buni tasdiqlamoqda.Shuning uchun Hukumatga ikki oy muddatda raqamli iqtisodiyotga o'tish bo'yicha "yo'l xaritasi"ni ishlab chiqish topshirildi. Bu borada axborot xavfsizligini ta'minlashga alohida e'tibor qaratish zarur". Undan tashqari, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018 yil 19 fevraldagi PF-5349 sonli "Axborot texnologiyalari va kommunikatsiyalari sohasini yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi Farmonini ijro etish borasida[1], shuningdek, respublikamizda raqamli iqtisodiyotni davlat boshqaruv tizimida zamonaviy axborot texnologiyalarni jadal rivojlantirish bo'yicha sharoitlar yaratish, shunigdek, axborot xavfsizligini ta'minlash maqsadida Vazirlar Mahkamasi 2018 yil 31 avgustda raqamli iqtisodiyotning maqsad va vazifalarini belgilab beradigan "O'zbekiston Respublikasida raqamli iqtisodiyotni joriy qilish va yanada rivojlantirish bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida" Qaror qabul qildi, hamda O'zR Prezidentining PQ-3832 03.07.2018 dagi "O'zbekiston Resbublikasida raqamli iqtisodni rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi qarorlarini ham shu tadbirlar jumlasiga kiritish mumkin. **Raqamli iqtisodiyot** – bu alohida faoliyat turi emas. Bu asosan ishbilarmonlik, sanoat obyektlari, xizmatlar deganidir. U insonlarning turmush darajasini sezilarli darajada oshiradi, bu uning asosiy foydasidir.

Raqamli iqtisodiyot korrupsiya va "qora iqtisodiyot'' ning asosiy kushandasidir. Chunki, raqamlar hamma narsani muhrlaydi, xotirada saqlaydi, kerak paytda ma'lumotlarni tez taqdim etadi. Bunday sharoitda biron ma'lumotni yashirish, yashirin bitimlar tuzish, u yoki bu faoliyat haqida to'liq axborot bermaslikning iloji yo'q, kompyuter hammasini namoyon qilib qo'yadi. Ma'lumotlar ko'pligi va tizimliligi yolg'on va qing'ir ishlarga yo'l bermaydi, chunki tizimni aldash imkonsiz. Natijada "iflos pullarni'' yuvish, mablag'larni o'g'irlash, samarasiz va maqsadsiz sarflash, oshirib yo yashirib ko'rsatish imkoni qilmaydi. Bu esa iqtisodiyotga legal mablag'lar oqimini oshiradi, soliqlaro'z vaqtida va to'g'ri to'lanadi, budjet taqsimoti ochiq bo'ladi, ijtimoiy sohaga yo'naltirilgan mablag'lar o'g'irlanmaydi.

Davlatning raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish yo'lini tanlaganligi axborot **texnologiyalari sohasida va umuman, elektron hujjatlar aylanmasi sohasida yangi** yo'nalishlar ochib beradi. "Raqamli texnologiyalar'' tomon burilishga butun jahon internet tarmog'i va sifatli aloqaning rivojlanishi sababchi bo'ldi. Zero,

[1] O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018-yil 19-fevraldagi PF-5349 sonli "Axborot texnologiyalari va kommunikatsiyalari sohasini yanada rivojlantirish to'g'risida'' gi Farmoni

Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev tomonidan Oliy Majlis Senati va Qonunchilik palatasiga qilgan Murojaatnomasida "**2020-yil – Ilm – ma'rifat va raqamli iqtisodiyot yili''** deb e'lon qilingani e'tirof etildi.

Hozirgi kunda raqamli iqtisodiyot tamoyili deyarli barcha sohalarda, shu jumladan turizm sektorida ham keng qo'llanilmoqda. Yurtimizda raqamli iqtisodiyotning asosiy ko'rinishlari aynan shu sohaning turli yo'nalishlariga tadbiq etilmoqda desak mubolag'a bo'lmaydi. Potensial sayyohlar tomonidan veb-resurslardan keng foydalanish raqamli turizm paydo bo'lishiga, mijozlarga sayohat yo'nalishini va turizm sohasidagi qarorlarni qabul qilishga yordam beradigan tavsiyalarni ishlab chiqish uchun intellectual veb-servislarning rivojlanishiga olib keldi.

Avvalo, **raqamli turizm** deganda turizm faoliyatini ilg'or axborot texnologiyalari va telekommunikatsion tizimlar orqali amalga oshirish[1] nazarda tutiladi. Raqamli turizm sayohatchilarga sayohatdan oldin, sayohat davomida va undan keyin taqdim etiladigan elektron xizmatlar majmuasidir.

Shu o'rinda boshqa sohalar kabi umumiy ovqatlanish korxonalarining rivojlanishida ham raqamli iqtisodiyotning o'rni beqiyosdir. Ya'ni bu iqtisodiyot restoran va boshqa umumiy ovqatlanish obyektlarida online savdo qilish va buyurtma berish imkoniyatini yaratadi. Umuman olganda, har bir korxona rahbari uchun o'z korxonasining ishini ko'plab mezonlarga ko'ra tahlil qilishi juda qiyin, shuning uchun **"1C'' ishlab chiqaruvchilari** ularga bu masalani yechimini topishga yordam berishdi. Xususan, ular ushbu jarayonni avtomatlashtirishga imkon beradigan dastur yaratdilar. Ovqatlantirish korxonasi uchun "1C'' – bu oshxona, kassa apparati, ofitsiant va bufetchining ish joyi va boshqa muhim bo'limlari kabi aloqalarni avtomatlashtirish imkonini beradigan dasturiy mahsulot. Bunday yangilikning asosiy afzalligi shundaki, mijozlarga xizmat ko'rsatish darajasi sezilarli darajada yaxshilanishi, tashrif buyuruvchilarga buyurtma berishda jiddiy pasayish, vaqtning to'g'ri taqsimlanmasligi va xotolarning umuman yo'qligi. Yangiliklarga muvofiq buyurtmalar avtomatik ravishda qayta ishlanadi va so'ngra barga yoki oshxonaga yuboriladi. "1C'' restorani – idishlar sotilishini qayd etish uchun ishlab chiqarilgan "old ofis'' sinfidagi tizim. Bunday tizim ko'pincha "orqa ofis'' ni talab qiladi, masalan: 1C ovqatlanish, 1C oziq-ovqat fabrikasi, 1C restoranlarni boshqarish va boshqalar. Bu dasturning o'ziga xos xususiyatlari – sensorli ekranda ishlash uchun mo'ljallangan aniq va juda oson interfeys, 1C restorani oldindan ofisni, shuningdek, uni orqa ofis tizimi darajasida o'tkazish imkoniyatini beradi, aralash konsepsiya tashkilotlarida foydalanish mumkin (kunduzi tez, kechqurun restoranda), POS – terminalining sensorli ekrani yordamida to'g'ridan-to'g'ri tuzilishi mumkin bo'lgan ko'plab tahliliy hisobotlar, orqa ofisning ishtirokisiz mustaqil ishlash, sizga to'g'ridan-to'g'ri dasturdan narx va menyu sozlash imkonini beradi. Bu dasturni to'liq ishga tushirish uchun – "orqa ofis'' uchun dastur kerak bo'ladi (masalan, 1C Catering). Ya'ni retseplar kiritilgan dastur, hisoblash, mahsulot yetkazib beruvchilardan qabul qilish va h.k.

[1] "Erkin Qoraqalpog'iston'' gazetasi, 28-yanvar, 2020-yil № 12 (20410)

ushbu dasturga restorandagi ma’lumotlar avtomatik tarzda yuklanadi va barcha tegishli hisobotlarni bitta joyda ko’rish imkoniyati paydo bo’ladi.

“1C 8.3’’ dasturi har bir ovqatlanish korxonasi uchun shunchaki zaruratdir, chunki u ovqatlanish korxonasi xodimlarining barcha ishlarini, ya’ni buyurtmalarni qabul qilishdan tortib, ularni bajarishgacha to’liq nazoratni o’z ichiga oladi. Ushbu dasturiy ta’minotning ijobiy tomoni shundaki, unda bir-biri bilan yomon ta’sir ko’rsatadigan turli xil elementlar mavjud emas. Bu yagona uyg’un kompleks. Bundan tashqari, agar biror ovqatlantirish korxonasidagi ish o’z-o’zidan amalga oshirilsa, unda biz xarajatlarning sezilarli kamayishi va daromadning oshishi haqida fikr yuritishimiz mumkin.

Dasturiy ta’minot mahsuloti bir-biri bilan o’zaro aloqada bo’lgan bir nechta modullarni o’z ichiga oladi. Mavjud modullarning har biri ovqatlantirish korxonasi xodimiga biriktirilgan. Ularning asosiylari: **menejer, ofitsiant, kassir**. “Menejer’’ deb atalgan interfeys bunday harakatlarni amlga oshirishga imkon beradi: qoidalarga tegishli ma’lumotlarni to’ldirish, “1C’’ foydalanuvchilarni hisobga olish mezonlari uchun sozlashlarni amalga oshirish, shuningdek, avtomatlashtirish uchun ishlatiladigan qurilmalarni ulash va sozlash, omborda materiallar hisobini yuritish, interfeyslar o’rtasida ma’lumotlar almashish, hisobotlar tuzish, nafaqat tashrif buyuruvchilar bilan, balki yetkazib beruvchilar bilan ham aloqada bo’lish, tayyor mahsulotni sotish.

“Ofitsiant’’ interfeysining vazifalari esa quyidagilardan iborat: buyurtmani shakllantirish va kerak bo’lsa uni o’zgartirish, printerdan foydalangan holda, oshxonada markalarni namoyish qilish, shuningdek, ota-bobolar deb ataladigan narsalarni chop etish, to’lovni bank o’tkazmasi orqali qabul qilish, kelgusi buyurtmalar uchun avans to’lovi, shu o’rinda, tashrif buyuruvchilar soni va hokazolarni hisobga olgan holda arizalarni qabul qilish, qo’l rejimida chegirma kartasining turini tanlash yoki uni shtrix-kodlar uchun maxsus skaner orqali o’qish.

“Kassir’’ deb nomlangan modulning funksional imkoniyatlari quyidagilar hisoblanadi: tayyorlangan mahsulotlarni realizatsiya qilish va to’lovlarni naqd pulda qabul qilish, brauzerdan foydalanib, shtrix-kodlarni o’qish, idishlar va buyumlarni tanlash, qo’l rejimida chegirma kartasining rejimini tanlash yoki shtrix-kodlarni o'qish uchun mo'ljallangan skanerdan foydalanish.

Ushbu dasturiy mahsulotni ovqatlanish korxonalaridan biri **kafeda** o’rnatish qanday natijalarni berishi mumkin? Kafe uchun dasturiy mahsulotni joriy qilish va qo’llash nafaqat ushbu muassasaning daromadlarini nazorat qilish, balki u bilan birga hamkorlik qiladigan yetkazib beruvchilar to’g’risidagi barcha mavjud ma’lumotlarni tizimlashtirishga imkon beradi. Ishlarni avtomatlashtirishdan so’ng, mijozlarga xizmat ko’rsatish darajasi oshadi va menejer qanday qilib ma’lum vaqt ichida tashkilot qanday ishlashi to’g’risida ma’lumot olish imkoniyatiga ega bo’ladi. Bundan tashqari, omborni hisobga olish yanada aniqroq bo’ladi, bu dasturiy mahsulotni xodimlarning ishini nazorat qilish bilan asoslanadi.Umuman olganda dunyo mamlakatlari singari respublikamizda ham raqamli iqtisodiyot rivojlanib bormoqda. Kundalik hayotimizga axborot-texnologiyalarining tadbiq qilinishi natijasida mahalliy aholi uchun ko’plab imkoniyatlar eshigi ochilmoqda.

Shunga qaramasdan tan olib aytish kerakki, raqamli iqtisodiyot boshqa mamlakatlarga qaraganda bizda ancha sust rivojlanmoqda. Buning asosiy sababi esa:

- Respublikada internet tezligining pastligi va sifatsizligi;
- Aholi o'rtasida kompyuter savodxonligining sustligi;
- Axborot-texnologiyalari bo'yicha zarur mutaxassis va kadrlarning yetishmasligi;
- Aniq fanlar rivojlanishida oqsash mavjudligi.

Yuqorida keltirilgan kamchiliklar o'z vaqtida bartaraf etilsa maqsadga muvofiq bo'lardi.

Ayni paytda O'zbekiston Respublikasi xalq xo'jaligi tarmoqlarining umumdavlat toifalagichi tarmoqlar ro'yxatida turizm sohasi alohida tarmoq sifatida ko'rsatilmagan. Shunga qaramasdan bu tarmoq ko'pgina korxonalarni, jumladan, transport va aloqa, savdo, umumiy ovqatlanish, tarjimon xizmati, joylashtirish xizmatini o'z ichiga qamrab olgan. Shu sababli, turizm sohasini iqtisodiyotning strategik tarmog'iga aylantirish uchun bu sohaning YaIM dagi ulushini oshirish talab etiladi. Shu bilan bir qatorda raqamli iqtisodiyot sharoitida umumiy ovqatlanish korxonalarini takomillashtirish, uning iqtisodiy-ijtimoiy samaradorligini aniqlash va ushbu yo'nalishni belgilovchi statistik ma'lumotlarni raqamlashtirish texnologiyalarini joriy joriy qilish bu sohaning jadal rivojlanishida amalga oshirilishi shart.

О.И.Очилов- ТМИ таянч докторанти

ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРДА ИНВЕСТИЦИЯЛАР ҲИСОБИ МУАММОЛАРИ

Аннотация. Ушбу тезисда мамлакатимизда инвестиция муҳитини яхшилаш ва уларнинг ҳажмини ошириш орқали иқтисодиётни ривожлантириш масалалари атрофлича ёритилган. Хўжалик юритувчи субъектларда инвестициялар ҳисобининг асосий муаммолари тадқиқотлар натижасида таснифланиб, уларнинг тавсифи келтирилган.

Калит сўзлар. асосий капиталга инвестиция, инвестиция, инвестициялар ҳисоби, реинвестиция, бухгалтерия баланси, бухгалтерия ҳисоби объекти, инвестиция ҳисоби муаммолари, молиявий ҳисобот.

Республикамизда иқтисодий ривожланишни жадал суръатларини таъминлаш ва макроиқтисодий барқарорликни сақлаб қолишда пухта ўйланган инвестиция сиёсатини муҳим аҳамият касб этади. Зеро, инвестициялар иқтисодиёт тараққиятнинг муҳим омили сифатида ишлаб чиқаришни модернизациялар, техник ва технологик янгиланишлар ва

инновацияларни раҳбатлантириш, янги иш ўринларини яратиш ҳамда корхоналар даромадини оширишни таъминлайди. Масаланинг нечоғлик муҳим эканлигини йиллар давомида инвестиция оқимларини мунтазам ошириб боришга қаратилган инвестиция сиёсатини юритилаётганлигида кўриш мумкин. Айниқса, сўнгги йилларда инвестициялар ҳажмини оширишга қаратилган чора-тадбирлар кўлами янада сезиларли даражада оширилди. Буни қуйида кўриш мумкин (1-жадвал).

1-жадвал

Асосий капиталга киритилган инвестициялар динамикаси[1]

Инвестициялар	2005 йил	2010 йил	2015 йил	2018 йил
Асосий капиталга инвестициялар, триллион сўм	2,0	10,8	28,5	107,3
Ўсиш, фоизда	12,0	9,0	8,1	18,1

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, таҳлил қилинган барча йилларда асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми ўсиб борган, аммо 2018 йилга келиб ўсиш 2015 йилга нисбатан 10 фоизга ва олдинги йилларга нисбатан сезиларли ошганини кўриш мумкин. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиоёвнинг Олий Мажлисга қилган Мурожаатномасида 2019 йилда барча манбалар ҳисобидан қарийб 138 триллион сўмлик ёки 2018 йилга нисбатан 16 фоиз кўп инвестицияларни ўзлаштириш режалаштирилганлиги таъкидланган эди.[2]

Мана шундай натижаларнинг таъминланишида хўжалик юритувчи субъектлар томонидан амалга оширилаётган инвестициялар ҳам муҳим ўрин тутади. Бироқ, корхона учун инвестициялар ҳажмининг ошиши эмас балки улардан келадиган даромадар, инвестицияларнинг қопланиш даражаси ва рентабеллиги муҳим аҳамият касб этади. Бу эса корхона менежменти томонидан инвестицияларни мунтазам таҳлил қилиб бориш ва самарадорлигини баҳолаш заруратини келтириб чиқаради. Ҳар таҳлил натижадор бўлиши ва самарали бошқарув қарорларини қабул қилишга замин яратиши учун энг аввало, таҳлилда ишончли ахборотлардан фойдаланиш зарур. Таҳлил учун ишончли ахборотлар эса бухгалтерия ҳисобини тўғри юритиш натижасида юзага келган молиявий ахборотлар ҳисобланади.

Инвестициялар бухгалтерия ҳисобининг муҳим объектлари сифатида молиявий ҳисоботларда ўз аксини топади. Бугунги кунда мамлакатимизда инвестициялар ҳисоби бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида юритилмоқда. Жумладан, бухгалтерия ҳисоби миллий стандартларида инвестициялар ҳисоби бўйича келтирилган талаблар молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларида акс эттирилган нормалардан анча фарқ қилмоқда.

[1] Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилди.

[2] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси.— Тошкент, “Халқ сўзи”, 2018 йил 29 декабр, №271-272 (7229-7230).

Биргина мисол инвестицияларни ҳисобга олиш учун 10 га яқин халқаро стандартлар (бевосита инвестициялар акс этган) мавжуд бўлса, миллий стандартларимизнинг атиги 2 тасида бевосита инвестициялар тўғрисида талаблар келтирилган. Бундан ташқари, инвестициялар ҳисобининг амалдаги ҳолати ахборот фойдаланувчиларни корхона инвестициялари тўғрисидаги маълумотларга бўлган эҳтиёжини ахборотларнинг миқдори ва сифати жиҳатдан етарлича қондирмайди. Жумладан, миллий стандартлар асосида тузилган бухгалтерия балансида узоқ ва қисқа муддатли инвестициялар тўғрисидаги ахборотларнинг ёритилишида ҳам тафовутлар мавжуд бўлиб, баланснинг 030-080 (6 та) сатрлари узоқ муддатли инвестициялар ва фақатгина 370-сатри қисқа муддатли инвестициялар учун ажратилган. Ушбу ҳолатнинг ўзиёқ инвестициялар тўғрисидаги ахборотларнинг ошкор этилишидаги тафовутни кўрсатиб турибди.

Инвестициялар ҳисобига бағишланган қатор илмий ишлар олиб борилган бўлсада, аммо бугунги кунда, тадбиркорлик, солиқ ва бухгалтерия ҳисоби соҳасида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар бу борада муаммолар мавжудлигини кўрсатмоқда.

Биз инвестициялар ҳисоби муаммоларини тадқиқ этган ҳолда уларни қуйидагича гуруҳлаган ҳолда очиб беришни мақсадга мувофиқ деб топдик (2-жадвал).

2-жадвал

Инвестициялар ҳисоби муаммолари ва уларнинг тавсифи[1]

№	Муаммо таснифи	Муаммо тавсифи
1.	Инвестициялар ҳисобини тартибга солувчи ҳуқуқий муаммолар	Инвестициялар ҳисоби тўғрисидаги норматив ҳужжатлардаги ўзаро номувофиқликларнинг мавжудлиги, миллий ва халқаро стандартлардаги тафовутлар, инвестициялар ҳисобини ташкил этиш тартибини белгиловчи низом (йўриқнома)ларнинг етишмаслиги.
2.	Инвестициялар ҳисобининг назарий муаммолари	Инвестицияларни бухгалтерия ҳисоби объекти сифатида тан олиш масалаларининг етарлича очиб берилмаганлиги, инвестицияларни бухгалтерия ҳисоби нуқтайи назардан таснифлаш муаммолари, жумладан, корхонага киритлган инвестициялар тўғрисида ҳисоб маълумотларини олишнинг мураккаб ва чалкашлиги, криптовалюталар ва инсон капиталига киритилган инвестициялар ҳисоби масалалари тадқиқ этилмаганлиги.
3.	Инвестициялар	Инвестициялар билан боғлиқ хўжалик

[1] Муаллиф ишланмаси

	ҳисобининг услубий муаммолари	жараёнларини бухгалтерия ҳисоби счётларида акс эттириш, айниқса, моддий ва номоддий активлар билан киритилган инвестициялар ва ушбу жараёнларни солиққа тортилиши нуқтайи назаридан бухгалтерия ҳисоби ёзувларини ҳамда реинвестициялаш жараёнларининг бухгалтерия ҳисобида акс эттирилишида ягона услубий кўрсатмаларнинг мавжуд эмаслиги.
4.	Инвестициялар ҳисобининг амалий муаммолари	Инвестицияларга оид жараёнларни ҳужжатлаштириш, ҳужжатлар айланувини ташкил этиш, инвестицияларнинг аналитик ҳисобини ташкил этиш, инвестициялардан олинадиган даромадларни тан олиш ва улар тўғрисидаги ахборотларни молиявий ҳисоботда акс эттиришда ноаниқликларнинг мавжудлиги.

Юқорида келтириб ўтилган муаммоларнинг бартараф этилиши бир қатор тадқиқотларни олиб бориш, халқаро тажрибани ўрганиш ҳамда миллий иқтисодиёт хусусиятларини инобатга олган ҳолда ёндашиш орқали амалга оширилади.

Бизнинг фикримизча, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини жорий этиш орқали инвестициялар ҳисоби муаммолари қисман бартараф этилсада, аммо назарий ва услубий муаммолар алоҳида тадқиқотлар орқалигина ҳал қилиниши мумкин.

II ШЎЪБА. “ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ ТАРМОҚЛАРИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА ҲИСОБОТНИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР АСОСИДА ТАШКИЛ ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ”

С.Н.Ташназаров - СамИСИ и.ф.д., доцент
С.И.Адҳамов - СамИСИ магистрант
Т.Ҳ.Турабоев - СамИСИ магистрант

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТНИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР АСОСИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Аннотатция: Ушбу мақолада молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш тўғрисида тушунчалар ёритилган. Хўжалик юритувчи субъектларда молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботни халқаро стандартлар асосида тузиш услубиятини такомиллаштиришга қаратилган тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: «Молиявий натижалар тўғрисидаги» ҳисобот, фавқулодда даромад (зарар), хўжалик умумий фаолияти, фаолиятни тўхтатиш, жиддий хатолар, ҳисоб сиёсати, одатдаги фаолиятдан олинадиган даромад, молиявий харажатлар, солиқ харажати.

Республикамизда иқтисодиётни модернизациялашни жадаллаштириш маҳсулот иш ҳизматлар рақобатбардошлигини ошириш уларни жаҳоннинг етакчи бозорларида муносиб ўрин олишини таъминлаш дунё мамлакатлари билан интеграциялашиш жараёнини янада жадаллаштириш давлат сиёсатининг устувор бўлган йўналишларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Ҳусусан, рақобатбардош иқтисодиётни шакллантириш борасида бошлаган ишларимизни жадал давом эттириш ва янги, замонавий босқичга кўтариш мақсадида юртимизда 2020 йилга **“Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш** йили”, деб ном берилди.[1]

Биз биламизки, рақамли иқтисодиётни реал бухгалтерия ҳисоби маълумотларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Мамлакатимизда бухгалтерия ҳисобини (БҲХС) ва молиявий ҳисобнинг (МҲХС) халқаро стандартларарига ўтказиш ва молиявий ҳисоботларни халқаро стандартлар асосида тайёрлашга катта эътибор берилмоқда. Жумладан, 2020 йил 24 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-4611 «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора – тадбирлар тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

[1]Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси

Мазкур қарорда молиявий ҳисобот халқаро стандартларига (МҲХС) ўтишни жадаллаштириш орқали хорижий инвесторларни зарур ахборот муҳити билан таъминлаш ва халқаро молия бозорларига кириш имкониятларини кенгайтириш, шунингдек, ҳисоб ва аудит соҳалари мутахассисларини халқаро стандартлар бўйича тайёрлаш тизимини такомиллаштириш масалаларига чуқур урғу берилган.

Жумладан, ушбу қарорда белгиланганки, акциядорлик жамиятлари, тижорат банклари, суғурта ташкилотлари ва йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритилган юридик шахслар:

2021 йил 1 январдан бошлаб, МҲХС асосида бухгалтерия ҳисоби юритилишини ташкил этади ва 2021 йил якунларидан бошлаб молиявий ҳисоботни МҲХС асосида тайёрлайди, қонун ҳужжатларида МҲХСга ўтишнинг эртароқ муддатлари назарда тутилган юридик шахслар бундан мустасно.[1]

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда бухгалтерия ҳисоби ишининг маҳсули бўлган молиявий ҳисоботларни, жумладан, Молиявий натижалар (фойда ва зарарлар) тўғрисидаги ҳисоботни халқаро стандартлар асосида тайёрлаш ва тақдим этиш муҳим омил бўлиб ҳисобланади.

Молиявий ҳисоботнинг 2-шакли - «Молиявий натижалар тўғрисидаги» ҳисобот қатъий белгиланган шакли бўйича миллий ҳисоб тизимида юритилади. Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботни ҳар бир корхона ўз фаолияти ва мулкчилик шаклидан келиб чиққан ҳолда тузиш тавсия этилади. Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот халқаро стандартда Фойда ёки зарарлар ва бошқа умумлашган даромадлар тўғрисидаги ҳисобот деб аталади. Халқаро стандартларда ушбу ҳисоботнинг қатъий шакли алоҳида тартибга солинмаган. Бизнинг мамлакатимизда «Молиявий натижалар тўғрисидаги» ҳисобот Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2002 йил 27 декабрдаги 140-сонли буйруғига 1-илова Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2003 йил 24 январда рўйхатга олинган № 1209-сон қарори билан тасдиқланган **«Молиявий ҳисобот шакллари ва уларни тўлдириш бўйича қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида»** ги буйруқ билан қатиий белгиланган. Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартларига ўтар эканмиз ушбу ҳисобот шаклини қатъий белгилашни тухтатиш лозим. Лекин, Фойда ёки зарарлар ва бошқа умумлашган даромадлар тўғрисидаги ҳисоботда тўғридан-тўғри акс эттириши лозим бўлган ахборотлар қаторини белгилаб берилиши ва уларга минимал талабларни белгилаб қўйиш лозим. Халқаро стандартда корхона ўзининг танлови билан Фойда ёки зарарлар ва бошқа умумлашган даромадлар ҳисоботда ёки тушунтиришлар ва очиқлашларда акс эттириши лозим бўлган ахборотлар қатори келтирилган. Демак, бундай ҳолларда корхоналар профессионал ташкилотлар томонидан тавсия этилган

[1] Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида 24.02.2020 й.

намунавий форматлар асосида Фойда ёки зарарлар ва бошқа умумлашган даромадлар ҳисоботнинг ўз корхоналарига уйғун бўлган ва халқаро стандартлар талабларига жавоб берадиган форматини ишлаб чиқади. Ҳисоботга бундай ёндашув олдинги умумий тасдиқланган шаклларда бўш қолиб кетадиган сатрларга барҳам беради. Корхона ўзининг инвестициявий жозибадорлигини ошириш мақсадида ҳисоботга илмий ва профессионал ҳамда ижодий ёндашади.

Мамлакатимизда Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботни тузиш ва тақдим этиш 1-сон БҲМС “Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот” 3-сон БҲМС “Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот” сттандартлари билан тартибга солиб борилади. Ушбу стандартларда қуйдаги атамаларга таъриф берилган (1-жадвал).

Ушбу 3-сон “Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот” БҲМС мулк шаклидан қатъи назар барча хўжалик юритувчи субектлар томонидан молиявий натижалар тўғрисида ҳисоботни тайёрлаш чоғида қўлланилади.

1-жадвал

3-сон БҲМС “Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот” стандартдаги атамалар таърифи

Фавқулодда даромад (зарар)	Хўжалик юритувчи субектнинг одатдаги фаолиятидан аниқ фарқ қиладиган, яъни тез-тез ёки мунтазам содир бўлмайдиган воқеалар ёки битимлар натижасида юз берган даромадлар ёки харажатлар.
Хўжалик умумий фаолияти	Хўжалик юритувчи субъектнинг ҳар қандай тадбиркорлик фаолияти бўлиб, унинг оддий фаолияти, шунингдек хўжалик юритувчи субектнинг келгусидаги тараққиётга, хўжалик юритувчи субект иқтисодий фойдаларни мустаҳкамлаш ва ўстиришга қаратилган фаолиятидан иборат.
Фаолиятни тўхтатиш	Операцияни сотиш ёки топшириш натижаси бўлиб, хўжалик юритувчи субектнинг активлари, соф даромади ёки зарари ажратиб олинадиган фаолиятнинг асосий йўналиши ёки мазкурхўжалик юритувчи субектнинг зарарлари ва фаолияти, шу жумладан молиявий ҳисоботини ажратиб олиши мумкин.
Жиддий хатолар	Жорий даврда аниқланган хатолар бўлиб, улар шу қадар муҳим бўладики, олдинги даврлар учун тузилган молиявий ҳисоботлар ишончли деб ҳисобланмаслиги мумкин.
Ҳисоб сиёсати	Бу бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисобот тузиш учун хўжалик юритувчи субект қўллайдиган усулларнинг жамламасидир

1-сон БҲМС “Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот” стандартида ва 1-сон БҲХС да молиявий натижалар (фойда ёки зараралар ва бошқа умумлашган даромадлар) тўғрисидаги ҳисоботда тақдим этилиши лозим бўлган ахборотлар келтирилган. Қуйидаги жадвалда ушбу стандартлардаги молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда тақдим этилиши лозим бўлган ахборотлар фарқларни кўрсатилган (2-жадвал).

2-жадвал

Молиявий натижалар (фойда ёки зараралар ва бошқа умумлашган даромадлар) тўғрисидаги ҳисоботда тақдим этилиши лозим бўлган ахборотларнинг БҲМС ва БҲХС бўйича фарқлари

Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот (БҲМС)	**Фойда ёки зараралар ва бошқа умумлашган даромадлар тўғрисидаги ҳисобот (БҲХС)**
Реализациядан тушган маблағ	Одатдаги фаолиятдан олинадиган даромад
Операция фаолиятининг натижалари	амортизацияланган қиймат бўйича ҳисобга олинадиган молиявий активларни тан олишни тўхтатишдан юзага келадиган фойда ва зараралар;
Молиявий фаолият натижалари	Молиявий харажатлар;
Фавқулодда фойдалар ва зараралар	улуш бўйича ҳисобга олиш усули бўйича ҳисобга олинган қарам тадбиркорлик субъектларининг ва қўшма корхоналарининг фойда ёки зараридаги улуши;
Шу даврдаги соф фойда ёки зарар	агар молиявий актив қайта таснифланиб, ҳаққоний қиймат бўйича ҳисобга олинадиган бўлса, олдинги баланс қиймати билан унинг қайта таснифлаш санасидаги ҳаққоний қиймати ўртасидаги фарқдан юзага келадиган ҳар қандай фойда ёки зарар
	Солиқ харажати;

Ушбу жадвалдан куриниб турибдики, миллий стандартлар ва халқаро стандартларда тақдим этилиш лозим бўлган ахбортларда жиддий фарқлар мавжуд. Ушбу фарқларни бартараф этиш учун мамлакатимизда БҲХСларни тўғридан тўғри жорий этишимиз лозим. МҲХСларининг жорий қилиниши ҳисоботларнинг ҳаққонийлигини оширади, амалиётдаги бухгалтерларимизда молиявий ҳисоботни трансформация қилиш йўли билан эмас, балки тўғридан-тўғри юритиш бўйича амалий тажрибалар шаклланади.

Д.Р. Рафеев - СамИСИ, и.ф.н., доцент
Ф.З.Юсупова - СамИСИ, МА-119 гуруҳ магистранти

КОРХОНАЛАРДА ТМЗЛАРНИНГ БАҲОЛАШНИШИ ВА ҚЎЛЛАНИШИ

Аннотация: мақолада корхоналарда товар-моддий заҳираларнинг баҳолашнишини ва қўлланишини илмий жиҳатдан асослаб берилган. Корхоналарда ТМЗ ларнинг таннархини шакллантиришининиг услубиётини яхшилашга қаратилган.

Калитли сўзлар: 4-сон БҲМС,материаллар, ТМЗларнинг таннархининг шаклланиши, матеиалларнинг баҳоланиши, сотишнинг соф қиймати, ҳақиқий таннарх, материалларниг чиқими, ФИФО, АВЕКО.

Ҳар қандай хўжалик юритувчи субъектнинг ишлаб чиқариш шароитида таъминот жараёни муҳим омил сифатида қаралади. Материаллар таъминоти ва уларнинг тўғри сарфланиши ҳамда таннархга тўғри олиб борилиши ишлаб чиқарувчи корхонанинг даромадларининг ошиши ва харажатларининг камайишига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатиши аниқ. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида ҳам, - “Рақамли технологиялар нафақат маҳсулот ва хизматлар сифатини оширади, ортиқча харажатларни камайтиради”, - деб таъкидлаганлар[1].

Ишлаб чиқаришнинг моддий шароитларидан бири меҳнат буюмлари ҳисобланади. Амалда улар материаллар деб аталади. Асосий воситалардан фарқ қилиб, материаллар бир ишлаб чиқариш жараёнида ўзининг қийматини тўла равишда маҳсулот таннархига ўтказади. Хом ашё, асосий ва ёрдамчи материаллар, ёқилғи, эҳтиёт қисмлар корхона оборот маблағларини ташкил қилади. Материалларнинг ҳар бир тури бўйича норматив миқдори корхона томонидан мустаъқил равишда белгиланади.

Материаллар корхоналарнинг ишлаб чиқариш захиралари ҳисобланади. Ишлаб чиқариш захиралари ишлаб чиқаришдаги ролига кўра асосий ва ёрдамчи материалларга бўлинади.

Асосий ишлаб чиқариш материаллари деб корхонанинг ўз ишлаб чиқариш фаолиятини юритишда асосий ролни ўйнайдиган материалларга айтилади.

Ёрдамчи ишлаб чиқариш материаллари бўлиб, ишлаб чиқаришда асосий ролни ўйнамайдиган материалларга айтилади.

Ҳар бир ишлаб чиқариш корхонасида маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнининг тўхтовсиз давом этиб туришида белгиланган нормативга риоя қилиниши мухим аҳамиятга эга. Бунга биринчи навбатда товар-моддий

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси, 5 бет.

захираларнинг мустаҳкам базасини яратиш ва уни такомиллаштириш бўлса, иккинчидан, товар-моддий захиралар ҳисобини тўғри юритиш ва такомиллаштириш устувор вазифа бўлиб ҳисобланади.

Бу борада товар-моддий захираларни ҳисобга олишнинг асосий қоидалари 4-сон БҲМС “Товар-моддий захиралар”да белгилаб қўйилган. Бу қоидалар таркибида товар-моддий захираларни тан олиш пайтини белгилаш, баланс қийматини баҳолаш, товар-моддий захиралар таннархига киритиладиган харажатларни белгилаш ҳамда сотиш қийматини баҳолаш алоҳида ўрин тутади.

4-сон БҲМСнинг 11 моддасида товар-моддий захиралар таннархининг шаклланишини қуйидаги икки қиймат бўйича баҳоланиши белгиланган:

1. Ҳисобот даври охиридаги таннархдан (харид қиймати ёки ишлаб чиқариш таннархи);
2. Сотишнинг соф қийматидан энг кам қиймати.

Материалларнинг бухгалтерия ҳисобида тегишли тарзда тан олинган таннархи Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари ва БҲМС билан белгиланган ҳоллардан ташқари ўзгартирилмайди.

Биринчи қиймат материаллар корхонанинг бухгалтерия балансига таннархи бўйича киритилади, у харид қиймати (етказиб берувчига тўланадиган суммалар) ва уларни харид қилиш билан боғлиқ бўлган барча харажатларни ўз ичига олади.

Биз тадқиқот олиб борган “Мароқанд-Парранда”МЧЖнинг балансида ҳам материаллар таннархи бўйича акс эттирилган. МЧЖнинг 2019 йил 1 октябр ҳолатига тузилган балансида ишлаб чиқариш захиралари 31380052,0 минг сўм бўлиб, унинг улуши жами товар-моддий захираларга нисбатан 98,1%ни, жами жорий активларга нисбатан 81,4%ни ва баланс активининг жамига нисбатан 59,4%ни ташкил этишини аниқладик. Бу МЧЖда ишлаб чиқариш захиралари улушини юқори эканлигидан далолат беради ва уларни ҳисобини талаб даражасида юритишни таққозо этади.

Бундан ташқари биринчи қиймат бўйича ТМЗларни таннархини шакллантириши яна қуйидаги ҳолатларда бўлиши мумкин:

Чет эл валютасида харид қилинган товар-моддий заҳираларнинг таннархи товар-моддий заҳираларни харид қилиш билан боғлиқ бўлган тегишли харажатларни қўшган ҳолда, чет эл валютасидаги суммани божхона юк декларацияси ёки ишлар бажарилганлиги, хизматлар кўрсатилганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни расмийлаштириш санасидаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курси бўйича қайта ҳисоблаш йўли билан сўмда белгиланади.

Ташкилотнинг устав капиталига улуш сифатида олинган материалларнинг таннархи, агар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида бошқа ҳол назарда тутилмаган бўлса, ташкилот муассислари (иштирокчилари) томонидан келишилган уларнинг пулдаги баҳосидан келиб чиқиб аниқланади.

Ташкилот томонидан текинга (ҳадя шартномаси бўйича) олинган ҳамда асосий воситалар ва бошқа мол-мулкнинг чиқиб кетиши натижасида олинган материалларнинг таннархи уларнинг бухгалтерия ҳисобига қабул қилиниш санасидаги жорий қийматидан келиб чиққан ҳолда аниқланади. Худди шундай товар-моддий заҳираларга айирбошлаш йўли билан олинган товар-моддий заҳираларнинг таннархи берилган товар-моддий захираларнинг баланс қийматига тенг.

Товар-моддий заҳиралар қўшимча тўлов билан айирбошланган ҳолатларда алмаштириш йўли билан олинган материаллар таннархи берилган товар-моддий заҳираларнинг айирбошланиш чоғида ўтказилган (олинган) пул маблағлари ёки уларнинг эквивалентлари суммасига оширилган (камайтирилган) жорий қийматига тенг.

Мажбуриятларни (тўловни) пул кўринишида бўлмаган маблағлар билан бажариш назарда тутиладиган шартномалар бўйича олинган материалларнинг таннархи деб ташкилот томонидан берилган ёки берилиши лозим бўлган активларнинг жорий қиймати ёки бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматларнинг жорий қиймати тан олинади.

Корхоналарга хом ашё ва бошқа турдаги материаллар турли таъминотчилардан, таъсисчилардан, ўз ёрдамчи ишлаб чиқариш бўлимларидан ва бошқа манбалардан келиб тушади. Асосий таъминотчилар бўлиб хом ашё ва материалларни ишлаб чиқарувчи завод ва фабрикалар, қишлоқ хўжалик корхоналари, савдо ва таъминотчи корхоналар ҳисобланади. Хом ашё ва материаллар корхоналарнинг таъсисчилари, шунингдек ёрдамчи хўжаликларидан ҳам кирим қилиниши мумкин. Улар пул тўлаш, шунингдек пул тўловисиз, яъни беғараз ҳайрия сифатида ҳам олиниши мумкин. Хом ашё ва материаллар кирими “Мароқанд-Парранда” МЧЖ да (счёт фактура, товар–транспорт накладнойлари, накладной, қабул қилиш далолатномаси) ҳужжатлари асосида амалга оширилган.

Биз ўрганаётган тадқиқот объектида материаллар асосан ишлаб чиқариш (паррандалар озуқаси) учун сарфланади.

Худди шундай тартибда товар-моддий захираларни (материаллар) ишлатилиши, яъни чиқимини ҳам ўргандик. “Мароқанд-Парранда” МЧЖда хом ашё ва материалларнинг бундай чиқимлари (талабнома, забор варақаси, счет-фактура, ҳисобдан чиқариш далолатномалари, накладной) ҳужжатлари асосида амалга оширилади.

Чиқиб кетаётган товар моддий захираларнинг қийматини чиқиб кетиш далилини аниқлаш пайтида иккинчи қиймат усули, яъни сотишнинг соф қийматидан энг кам қиймати – товар моддий захираларни мақсадига кўра ишлатиладиган ҳолатга келтириш ва сотиш бўйича баҳоланган харажатлар чегирилган ҳолда жорий қиймати тартиби қўлланилади.

Жорий қиймат-маълум санадаги амал қилаётган бозор нархлари бўйича това-моддий заҳираларнинг қиймати ёки хабардор қилинган, битимни амалга оширишни хоҳловчи, мустақил тарафлар ўртасида битимни амалга

оширишда активни сотиб олиш ёки мажбуриятни бажариш учун етарли бўлган сумма.

Ўзбекисон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ материалларни баҳолашнинг қуйидаги услублари қўлланилади:

1. Эркин бозор (шартнома) ёки давлат томонидан белгиланган улгуржи нархлар бўйича. Улар корхона томонидан етказиб бериш шартномаларини тушиш пайтида мустақил равишда белгиланади ва уларни етказиб берувчининг тўлов ҳужжатларида кўрсатилади.

2. Шартнома нархларига транспорт-тайёрлов харажатларини режадаги миқдорини қўшиш билан ҳисобланадиган режадаги нархлар бўйича.

3. Ҳақиқий таннарх бўйича. Бу нархлар ҳар ойнинг охирида бухгалтерия томонидан шартнома нархларига ҳақиқатда сарфланган харажатларни қўшган ҳолда ҳисоблаб чиқилади.[1]

Товар-моддий захиралар агар, сотишнинг соф қиймати уларнинг таннархидан паст бўлса, сотишнинг соф қиймати бўйича акс эттирилади. Сотишнинг соф қиймати товар-моддий захираларнинг ҳар бир бирлиги (тури) бўйича белгиланади. Сотишнинг соф қийматини аниқлаш мақсадида товар-моддий захираларни баҳолаш вақт-вақти билан махсус ҳисоб-китоб орқали аниқланади.

Материалларнинг қолдиқлари ва чиқиб кетаётган (шунингдек ишлаб чиқаришга берилган) материаллар қийматини аниқлаш қуйидаги усуллардан бири орқали амалга оширилади:

а) тегишли бирликнинг идентификацияланган таннархи бўйича;

б) ўртача тортилган қиймат бўйича (AVECO);

в) ТМЗ харид қилинган вақт бўйича дастлабки захиралар таннархи бўйича (ФИФО).

Ишлаб чиқариш корхоналари томонидан алоҳида тартибда фойдаланиладиган (қимматбаҳо металлар, қимматбаҳо тошлар ва ҳоказо) ва бир-бирининг ўрнини босмайдиган (яъни улар одатдаги ҳолда бир-бирини алмаштира олмайди), шунингдек махсус лойиҳалар учун ишлаб чиқарилган ва мўлжалланган (ишлатиладиган) материаллар тегишли бирликнинг идентификацияланган таннархи усули(specific identification method) бўйича баҳоланади.

АВЕКО (AVECO - weighted-average cost method) усули бўйича материаллар ҳар бир бирлигининг қиймати давр бошида айнан бир хил бирликларнинг ўртача тортилган қиймати ва давр мобайнида харид қилинган ёки ишлаб чиқарилган айнан бир хил бирликларнинг қийматидан келиб чиқиб аниқланади.

ФИФО (FIFO – first in first out) усули бўйича материаллар чиқиб кетаётган бирликлари таннархига биринчи навбатда харид қилинган ёки ишлаб чиқарилган заҳираларнинг қиймати киради, давр охиридаги товар-

[1] Ғуломова Ф.Ғ., Файзиева У.Т. Бухгалтерия ҳисобини мустақил ўрганиш учун қўлланма.-Тошкент: “Норма”-2012 222-бет.

моддий заҳиралар қиймати эса охирги бўлиб харид қилинган ёки ишлаб чиқарилган заҳиралар бирликларининг умумий қийматидан ташкил топади

Биз тадқиқот олиб борилаётган “Мароқанд-Парранда”МЧЖ ўзининг ҳисоб сиёсатида материалларнинг чиқимини баҳолашни 4-сон БҲМСда келтиригани каби фақат 1та усулда, яъни ФИФО усулида олиб борилишини белгилаб қўйган.

Олиб борилган тадқиқотимиздан келиб чиқиб, товар-моддий захиралар (материаллар) ишлаб чиқариш корхонасининг жорий активларининг катта қисмини ташкил қилишига ишонч ҳосил қилдик. Шу боисдан корхонада товар-моддий заҳиралар (материаллар)нинг баҳоланиши ҳамда уларнинг халқаро стандартлар билан мослашишида қуйидагиларни тавсия этамиз:

- корхонада ишлаб чиқариш материалларини таннархини тўғри шакллантириши учун корхона раҳбари ва бухгалтерлари томонидан материаллар ҳисобини олиб бориш қоидаларига тўлиқ риоя этиш;
- қўйилган талабларга биноан корхона ҳисоб сиёсатини янгитдан тузиш;
- материалларни баҳолашда халқаро стандартлар бўйича адолатли қийматда баҳолашни жорий етиш;
- материаллар ҳисобини юритишни автоматлаштириш;
- халқаро стандартлардан фойдаланиб ҳисоб юритиш ва аудит ўтказишни илғор тажрибаларни қўллаш ҳамда шу асосда корхонани янада ривожлантиришга кўмаклашиш.

Кудбиев Давлатбай - Ферганский полтехнический институт, доктор экономический наук, профессор

О БУХГАЛТЕРСКИХ ЗАПИСЯХ ОБ АРЕНДЕ И ВЫКУПЕ ОСНОВНЫХ СРЕДСТВ

Аннотация: В статье описаны методологические основы аренды основных средств и их учет. В то же время рассматриваются важные аспекты арендных отношений между субъектами хозяйствования.

Abstract: The article describes the methodological foundations of the lease of fixed assets and their accounting. At the same time, important aspects of leasing relations between business entities are considered.

Ключевий слова: аренда, выкуп, основных средств, арендованные основные средства, износ основных средств, начисление выкупной цены, арендные платежи, арендный процент.

Key words: rent, repurchase, fixed assets, leased fixed assets, depreciation of fixed assets, calculation of the redemption price, rental payments, rental interest.

Предлагаем схему важнейших бухгалтерских записей об аренде и выкупе основных средств. При ее построении мы руководствовались учетно-методологическими принципами действующими в современных условиях.

1-таблица.

Схема важнейших бухгалтерских записей об аренде и выкупе основных средств

Содержание операции	Корреспондирующей счет (субсчет)	
	По дебету	По кредиту
Получение основных средств в арендное пользование согласно приемно-передаточному акту (в оценке, определенной инвентаризационной комиссией)	Арендованные основные средства (за балансовый счет)	
Начисление арендной платы, причитающейся арендодателю	Счета издержек производства и обращения	Расчеты с разными дебиторами и кредиторами
Перечисление арендодателю на его расчетный счет в банке платежа за аренду основных средств	Расчеты с разными дебиторами и кредиторами	Расчетный счет
Переход арендованных основных средств в собственность арендатора (по истечении амортизационного срока):		
остаточная стоимость основных средств	Основные средства	Уставный фонд
износ основных средств	Основные средства	Износ основных средств
Начисление выкупной цены имущества (в размере арендных платежей за основные средства, аренда которых прекращена до завершения амортизационного срока) и переход выкупленных основных средств в собственность арендатора:		
Остаточная стоимость основных средств:		
равная амортизационным отчислениям, включенным в ранее перечисленные арендные платежи	Основные средства	Уставный фонд
равная отчислениям амортизации за время, оставшееся до окончания амортизационного срока	Основные средства	Расчеты с разными дебиторами и кредиторами
износ арендованных основных средств, перешедших в собственность арендатора	Основные средства	Износ основных средств
причитающийся арендодателю арендный процент	Счета издержек производства и обращения или счет «Расходы будущих периодов»	Расчеты с разными дебиторами и кредиторами
Списание арендованных основных средств, перешедших в собственность арендатора		Арендованные основные средства (забалансовый счет)
Перечисление арендодателю на его расчетный счет в банке денег за выкуп арендованного имущества	Расчеты с разными дебиторами и кредиторами	Расчетный счет

Присоединение к уставному фонду средств, использованных на финансирование выкупа арендованного имущества	Счета финансирования выкупа арендованного имущества	Уставный фонд
У арендодателя (собственника основных средств)		
Начисление арендной платы, причитающейся с арендатора за пользование основными средствами:		
износ арендованного имущества, равный амортизационным отчислениям на полное восстановление	Расчеты с разными дебиторами и кредиторами	Износ основных средств
отчисления на ремонт, если они предусмотрены в арендном договоре (отчисления в резервный фонд)	Расчеты с разными дебиторами и кредиторами	Резерв на покрытие предстоящих расходов и платежей
Арендный процент	Расчеты с разными дебиторами и кредиторами	Прибыли и убытки
Отчисление средств в резервный фонд	Уставный фонд	Резервный фонд
Зачисление на расчетный счет в банке платы арендатора за аренду основных средств	Расчетный счет	Расчеты с разными дебиторами и кредиторами
Переход арендованных основных средств в собственность арендатора (по истечении полного амортизационного срока):		
первоначальная стоимость основных средств, определенная инвентаризационной комиссией при передаче их в арендное пользование	Износ основных средств	Основные средства
Начисление выкупной цены арендованного имущества:		
остаточная стоимость выкупленных основных средств (равная отчислениям амортизации за время, оставшееся до окончания амортизационного срока)	Расчеты с разными дебиторами и кредиторами	Основные средства
Арендный процент	Расчеты с разными дебиторами и кредиторами	Расчеты с государственным бюджетом
Списание износа основных средств, перешедших в собственность арендатора	Износ основных средств	Основные средства
Начисление причитающихся соответствующему (местному или республиканскому) бюджету средств от выкупа остаточной стоимости арендованного имущества	Уставный фонд	Расчеты с Государственним бюджетом
Зачисление на расчетный счет в банке платежа арендатора за выкуп арендованных основных средств	Расчетный счет	Расчеты с разными дебиторами и кредиторами
Перечисление с расчетного счета в государственный бюджет средств от выкупа арендованного имущества	Расчеты с государственным бюджетом	Расчетный счет

Нами разработана методика учета аренды и выкупа основных средств в случае, если арендодатель и арендное предприятие входят в состав одного ведомства.

Методика предполагает открытие субсчетов "Собственные основные средства" и "Арендованные основные средства" к счету «Основные средства", субсчетов "Износ собственных основных средств" и "Износ арендованных основных средств" к счету "Износ основных средств". Этими четырьмя субсчетами пользуется только арендное предприятие. К счету "Уставный фонд" открывают дополнительно два субсчета: "Арендные предприятия по переданным им в арендное пользование основным средствам" (активный) и "Арендодатель по полученным от него в арендное пользование основным средствам" (пассивный). Дебетовое сальдо первого из этих субсчетов арендодатель показывает в разделе I актива баланса, а кредитовое сальдо второго субсчета арендное предприятие отражает разделе 1 пассива баланса.

Записи на этих субсчетах у обеих сторон арендного договора должен быть согласованы. Дебетовые и кредитовые записи на субсчете "Арендодатель по полученным от него в арендное пользование основным средствам", ведущейся в бухгалтериях арендных предприятий, должны соответствовать кредитовым и дебетовым записям на субсчете "Арендные предприятия по переданным им в арендное пользование основным средствам", ведущемся в бухгалтерии арендодателя. Это предопределяет тожество суммарных кредитовых сальдо на конец месяца по первому субсчету и дебетового сальдо на ту же дату по второму субсчету. Еще одно равенство надо обеспечить: дебетовое сальдо субсчета "Арендованные основные средства" = кредитовому сальдо субсчета "Арендодатель по полученным от него в арендное пользование основам средствам" + кредитовое сальдо субсчета "Износ арендованных основных средств". Данные условия, хотя относятся к числу формальных и их наличие не гарантирует полную достоверность информации об отражаемых на счетах операциях, нужно непременно соблюдать.

Чтобы не преувеличивать валюту сводного баланса организации (объединения), которой подведомственны арендные предприятия и арендодатели, из него должны быть исключены равновеликие суммированные сальдо активного и пассивного субсчетов, охватываемых синтетическим счетом "Уставный фонд".

Sh.G'aniyev - TMI i.f.n., dotsent
R.Vohidova - TMI talabasi

LIZING MUNOSABATLARI SHAKLLANISHI VA UNING RIVOJLANISHI

Annotatsiya: maqolada lizing munosabatlarining shakllanishi, vujudga kelishi, lizing so'zinig ma'nosi, tarixga nazar solinishi, rivojlanishdan unumli foydalanish va mohiyatini ochishning nazariy masalalari yoritilgan.

Kalitli so'zlar: lizing so'zi, lizing mazmuni, lizing mohiyati, lizing operatsiyalari, kapitalni yangilash, lizing biznesi, xalqaro lizing, lizing jarayoni,

Iqtisodiy rivojlangan mamlakatlar uchun lizing almashtirib bo'lmaydigan moliyaviy richagdir, chunki lizing faoliyati butun dunyoda iqtisodiyotni rivojlantirishning eng qulay usullaridan biri sifatida tan olingan. Lizing xaqida gapirar ekanmiz avvalo bozor iqtisodiyoti sharoitida lizingning vujudga kelishi, lizing so'zinig ma'nosi uning tarixiga nazar solsak maqsadga muvofiq bo'lardi.

"Lizing" so'zi inglizcha bo'lib, "Lease" fe'lidan kelib chiqqan va taxminan, «mulkni ijaraga berish» yoki «mulkni ijaraga olish» ma'nosini ifodasini bildiradi va iqtisodiy lug'atga 1877 yilda kirtilgan. Lizingning mazmuni va mohiyatini ochish — Aristotel davrlariga borib taqaladi, bu taxminan eramizdan avvalgi 382-384 yillarni o'z ichiga olgan davrlardir. Aristotel shunday degan: "Boylik egalik qilishda emas, balki undan samarali foydalanishdadir". Hozirgi zamon tili bilan aytganda, kishining daromad olishi uchun qandaydir bir mulkka albatta egalik qilishi shart emas, balki undan foydalanish huquqiga ega bo'lishi va natijada foyda olishning o'zi maqsadga muofiq deb hisoblaymiz.

XX asr boshlarida jo'natiladigan tovarlar hajmining ortishi bilan, ko'pgina temir yo'l lizing kompaniyalari vagonlardan foydalanishda monopollik qilish yoki uzoq muddatli boshqarishdan ko'ra, asbob-uskunalarni ishonchli foydalanishga berilishni afzal bildilar. Bu mazkur vositalardan, faqatgina qisqa muddatda foydalanish talab qilinishiga olib keldi. Trastlar qisqa muddatli bitimlar tuzishga harakat qilishardilar. Bitimning muddati tugaganidan so'ng, vagonlar ijaraga beruvchiga qaytarilar, o'z navbatida, u mulkiga egalikni o'z qo'lida saqlab qolar edi. Bunday ijara to'lovlari, xaqiqiy yoki operatsion lizing yuzaga kelishiga sharoit yaratdi. Halqaro statistik ma'lumotlarga asosan, hozirda bunday bitimlar lizing bitimlarining asosiy qismini tashkil qiladi.

Avstriyalik iqtisodchi V.Xoyer o'zining "Evropada qanday qilib biznes qilish mumkin", deb nomlangan kitobida keltirishicha, lizing so'zini birinchi ommaviy tarzda ishlatilishi 1877 yillarga borib taqaladi. "Bell" nomli telefon kompaniyasi o'zining telefon apparatlarini sotish o'rniga ularni ijaraga berishni lozim topgan. Ya'ni, ushbu korxona asbob-uskunani faqatgina ijara to'lovi asosida mijozning uyi yoki ish joyiga o'rnatishni joiz topdi. Ikkinchi jaxon urushi davrida, AQSH hukumati rasmiy rentabellik shartnomalaridan faol sur'atlarda foydalandi. Bu ijara biznesi rivojlanishi uchun, rag'batni ta'minlashga yana bir turtki bo'ldi.

Shu davrda, transport vositalari bilan bog‘liq biznesda lizing operatsiyalari xajmining oshishi yuz berdi. Avtomobillarni lizingga berish - 1918 yilga borib, keng tarqaldi. Undan so‘ng, o‘tgan asrning 30-yillarida Genriy Ford avtomobillar sotish samaradorligini oshirish uchun ijaradan foydalandi. Biroq, avtomobil lizingi biznesining qonuniy tus olishiga Zolli Frenkning xizmatlari katta. U o‘tgan asrning 40 yillari boshida avtomobillarni uzoq muddatga ijaraga berishni birinchi bo‘lib taklif etgan, Chikagolik savdo agentidir.

1952 yilda San-Fransiskoda tuzilgan “United States liesing Corporation” - lizing operatsiyalari asosiy faoliyat turi bo‘lib hisoblangan birinchi xissadorlik jamiyatidir. Bu kompaniyaga Genri Shonfeld asos solgan. Avvaliga u kompaniyani faqatgina bitta maxsus lizing bitimi uchun tuzdi. Ammo, Genri Shonfeld lizing bitimini juda istiqbolli ekanligiga tushunib etdi va natijada «United States liesing Corporation» vujudga keldi. Lizing operatsiyalari juda qisqa vaqt ichida AQSH chegarasidan chiqib, lizing biznesini rivojlantirishning asosiy tushunchasi hisoblanmish “xalqaro lizing operatsiyalari” yuzaga keldi. So‘ngra, bunday lizing kompaniyalari boshqa mamlakatlarda o‘zlarining bo‘limlarini ocha boshladilar. O‘zbekistonda bu sohaga istiqlolning dastlabki yillaridanoq e’tibor qaratildi.

O‘zbekiston iqtisodiyotidagi tuzilmaviy o‘zgarishlar, iqtisodiy islohotlarning chuqurlashuvi va tadbirkorlikning rivojlanishi asosiy kapitalni yangilash uchun qo‘shimcha moliyaviy resurslar qidirishni, izlab topishni talab qiladi. Umuman milliy iqtisodiyot va xususan, yangi shakllanayotgan tadbirkorlik tuzilmalari ichki moliyaviy resurslarni cheklanganligi investitsiyalarni moliyalashtirishning noan’anaviy manba va usullarini izlash zaruratini keltirib chikaradi. Shunday manba va usullar sifatida jaxon amaliyotida xorijiy kapitalning ko‘chib yurishiga asoslangan, qo‘shma korporativ mulkchilikning yaratilishini keltirish mumkin. Bular xorijiy kredit liniyalarini davlatlararo qarzlarni jalb qilish asosida lizing munosabatlarini yo‘lga qo‘yilishini keltirish mumkin. Shuningdek lizing asosida yangi texnologiya va asbob-uskunalarni foydalanish uchun olib turish amaliyoti bunga yaqqol misoldir.

“Lizing to‘g‘risida”gi qonunda lizingga quyidagicha ta’rif berilgan: “Lizing ijara munosabatlarining aloxida turi bo‘lib, unda bir taraf (lizing beruvchi) ikkinchi tarafning (lizing oluvchining) topshirig‘iga binoan uchinchi tarafdan (sotuvchidan) haq evaziga egalik qilish va foydalanish uchun lizing shartnomasida belgilangan shartlarda berib qo‘yish maqsadida mol-mulkni (lizing ob’ektini) oladi”.

Bozor iqtisodiyoti sharoitida hukumat bugungi kun bilan emas, balki kelajakni o‘ylab iqtisodiy siyosat olib boradi. Lizing fan-texnika taraqqiyotiga xizmat qiladi. Ertangi kunda ishlab chiqarish bugungi olinmagan soliqlarni to‘liqligicha qoplaydi, demak, u iqtisodiyotni rivojlantirish uchun qo‘shimcha imkoniyat yaratib beradi.

Lizing muomalalarini amalga oshirish deganda, ishlab chiqarish vositalarining (mashina, uskunalar va xokazolarni) tadbirkorlik faoliyati bilan shug‘ullanayotgan yuridik va jismoniy shaxslarga o‘rta yoki uzoq muddatlarga

ijara shartlari asosida berilishi tushuniladi. Hammamizga odat bo‘lib qolgan oddiy ijara tushunchasidan farqli o‘laroq, lizingga olingan ishlab chiqarish texnika va texnologiyalarni, mashina va uskunalarni pirovard natijada, ya’ni shartnoma muddati tugagandan so‘ng, ijarachi ularni qoldiq qiymati bo‘yicha sotib olishi hamda ularga egalik qilishi mumkin. Odatda, lizing muomalalari jarayonida uch tomon ishtirok etadi. Shuningdek, uch tomonlama lizing shartnomasi tuziladi va imzolanadi.

Lizing operatsiyasi tushunchasi asl moxiyatiga ko‘ra lizing kompaniyasining o‘z hisobiga muayyan texnika va texnologiyalarni, mashina va uskunalarni sotib olishi, so‘ngra esa ularni lizing oluvchi sub’ektga shartnoma asosida ijaraga berishi muomalalarini o‘z ichiga oladi.

Lizing jarayoni ishtirokchilari	
Ishlab chiqaruvchi (etkazib beruvchi, sotuvchi)	zarur mashina va asbob-uskunalar bilan ta’minlovchi (yoki ularni sotuvchi).
Lizing beruvchi	sotuvchidan kerakli mashina va uskunalarni sotib oluvchi hamda ularni o‘z mijozlariga etkazib beruvchi.
Ijarachi (lizing oluvchi)	ishlab chiqarish vositalarini shartnoma asosida ijaraga oluvchi.

1- chizma. Lizing jarayonining asosiy ishtirokchilari.[1]

Lizing operatsiyasini amalga oshirilishi quyidagi tartibda bo‘lishi mumkin. Banklar tomonidan amalga oshiriladigan lizing operatsiyalari bajarilishi jarayonining ketma-ketligi quyidagicha.

- Lizing oluvchi lizing beruvchi bankka buyurtma beradi.
- Lizing beruvchi bank buyurtmani o‘rganib, ijobiy xulosa qabul qilgan taqdirda, lizing oluvchiga asosiy shartlar belgilangan lizing shartnomasini yuboradi.
- Lizing oluvchi shartnoma shartlariga rozi bo‘lgan taqdirda, lizing shartnomasini imzolab, lizing beruvchi bankka yuboradi.
- Lizing oluvchi va lizing beruvchi o‘rtasida lizing shartnomasi tuzildi.
- Lizing beruvchi bank sotuvchiga buyurtma naryad jo‘natadi.
- Lizing beruvchi va sotuvchi o‘rtasida oldi-sotdi shartnomasi tuziladi.
- Lizing beruvchi bank lizing ob’ekti xakini sotuvchiga to‘lab beradi.
- Sotuvchi lizing ob’ektini lizing oluvchiga yuboradi.
- Lizing oluvchi bilan sug‘urta tashkiloti o‘rtasida sug‘urta shartnomasi tuziladi.
- Lizing oluvchi lizing beruvchi bankka to‘lovlarni to‘laydi.
- Lizing shartnomasi tugagandan so‘ng lizing ob’ekti lizing oluvchida qoldiriladi.

[1] Muallif tomonidan bajarilgan.

O‘zbekistonda 1995 yilda birgina "O‘zbeklizing interneyshnl" kompaniyasi faoliyat yuritgan bo‘lsa, ayni kunda bunday tashkilotlarning soni 40 dan oshgan. 2002 yilda sohaga oid qonunchilikka tub o‘zgartishlar kiritilgandan so‘ng, lizing operatsiyalari hajmi yiliga 30-40 foizdan o‘sib bormoqda.

O‘zbekiston Respublikasi hukumati tomonidan berilayotgan e’tibor tufayli lizing jadal rivojlantirilmoqda. Yangi tashkil etilgan va asbob uskunalari mavjud, lekin aylanma mablag‘lari bo‘lmagan firmalar uchun lizingdan foydalanish qulay xisoblanadi. Shu bois mamlakatimizda investitsiya faoliyatini rag‘batlantirishda asosiy kapitalni lizing asosida sotib olish va yangilash yo‘li bilan xususiy tadbirkorlikni rivojlantirish muximdir. Bu esa lizingni rivojlantirish uchun aloxida lizing tarmog‘ini shakllantirish maqsadida shart-sharoit yaratishni taqozo etadi. Lizing kompaniyalari va banklarning O‘zbekistonning barcha mintaqalarida filiallarini tuzish, ularni soliq va yig‘imlardan ozod qilish, shuningdek, moliyaviy barkarorligiga erishish uchun imkon yaratish va u orqali lizing operatsiyalarini kengaytirish kerak bo‘lmoqda. Qishloq joylarida bu tadbirlarning joriy etilishi qishloq xo‘jalik maxsulotlarini qayta ishlashga, yangi ish joylarini hosil qilishga imkoniyat yaratilishi maqsadga muvofiqdir.

Lizingga bo‘lgan talab engil va oziq-ovqat sanoati uskunalaridan xam yuqoridir. Savdo uskunalari lizinggi to‘la o‘zlashtirilmagan, bu esa kelajakda undan xam samarali foydalanishini talab etmoqda.

А.Т.Махкамбоев -ТДИУ доценти, и.ф.н.
А.А.Болтаев - ТДИУ магистранти

КОРХОНАЛАРДА ҲИСОБ СИЁСАТИНИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР АСОСИДА ТАШКИЛ ҚИЛИШНИНГ АХБОРОТ ТАЪМИНОТИ

Аннотация: *мазкур мақолада корхоналарда ҳисоб сиёсатини танлашда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида ахборот таъминотани шакллантириш ҳамда ахборот таъминотини шакллантиришда ахборот коммуникация технологияларида фойдаланишнинг амалий жиҳатлари баён этилган.*

Калит сўзлар: *МҲХС, ҳисоб сиёсати, ахборот, ахборот таъминоти, АКТ.*

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар иқтисодиётнинг тармоқлар ва соҳаларини янада ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Бунинг натижасида кейинги йилларда иқтисодиёт тармоқларнинг янада ривожланиш тенденцияси кузатилмоқда. Бундай натижаларга эришишда Президентимиз томонидан қабул қилинаётган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар дастури амал бўлиб хизмат қилмоқда.

Кейинги йилларда қабул қилинаётган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишда ривожланган мамлакатлар ва жахон тажрибасини ўрганиш

ҳамда уларни мамлакатимиз менталитетидан келиб чиққан ҳолда иқтисодиёт тармоқларига жорий этиш улкан самара бермоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорида белгилаб қўйилганидек, “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишни жадаллаштириш орқали хорижий инвесторларни зарур ахборот муҳити билан таъминлаш ва халқаро молия бозорларига кириш имкониятларини кенгайтириш, шунингдек, ҳисоб ва аудит соҳалари мутахассисларини халқаро стандартлар бўйича тайёрлаш тизимини такомиллаштириш”[1] бугунги кунда мамлакатимиз бухгалтерия ҳисоби тизимида муҳим ўзгаришларни талаб этади.

Корхоналарда молиявий маблағларни назорат қилиш ҳамда уларни бошқаришда бухгалтерия ҳисобининг муҳим бўғинларидан бири бўлган ҳисоб сиёсатини тўғри белгилаш нафақат ҳисоб тизимини бошқаришсамарали ташкил этиш балки корхоналар тўғрисидаги ахборотларни шакллантиришда асосий омиллардан бири ҳисобланади.

Ҳисоб сиёсатини танлаш ахборот таъминоти асосида амалга оширилади, бунда ҳисоб аналитик таъминоти тизими марказий бўғин сифатида намоён бўлади. ҳисоб сиёсатини танлаш жараёнини ахборот таъминоти бухгалтерия ва статистик ҳисоб маълумотлари, турли маркетинг ахборотларини ўз ичига олади. ҳисоб сиёсатини шаклланишида ахборот таъминотининг асосини биринчи навбатда бухгалтерия ҳисоби маълумотлари ташкил этади. Бухгалтерия ҳисоби ва бошқарув қарорларини қабул қилишдаги узвий боғлиқлик айнан шу билан белгиланади, чунки бошқариш учун бошқа омиллар билан бир қаторда, зарур ахборотларга эга бўлиш талаб этилади. Бунда тадқиқ этилаётган ахборот, аналитик қайта ишлаш йўли билан қайта ўзгартирилади.

Кенг маънода ҳисоб сиёсатини танлашни ахборот таъминоти деганда ахборот ресурслари ва улардан фойдаланиш усулларининг яхлитлиги тушунилади.

Ҳисоб сиёсатини танлашда фойдаланиладиган ахборот учун қўйилган вазифани хал этиш талабларига мос келиш мезони муҳим бўлиб ҳисобланади. Молиявий ахборот қимматини икки асосий йўналиш бўйича аниқлаш мумкин.

1) семантик – ахборотни ишончлилик даражасининг сифат баҳоси, унинг мазмунан қимматлилик даражаси;

2) прагматик – ахборотдан фойдаланишнинг кўлами, даврийлиги, хўжалик фаолиятининг ахборот таъминоти учун сарфланган харажатлар миқдори.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида технологик нуқтаи назардан корхонада бухгалтерия ҳисобини амал қилиш тизими

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4611-сонли Қарори. www.lex.uz

маълумотларини узлуксиз равишда умумлаштириш жараёни сифатида намаён бўлади. Бунда бухгалтерия маълумотларини умумлаштиришнинг оқилона даражасини топиш ўта муҳимдир. Агар маълумотларни умумлаштиришнинг даражаси паст бўлса бухгалтерия ҳисоби тизимидаги маълумотлар айланмасини бир тизимдан чиқиши ва бошқара олинмаслигига олиб келса, ҳисобот маълумотлари юқори умумлаштирилса уларни аналитик ва ахборотлилик даражасининг кескин камайиши юз беради.

Ҳозирги шароитда корхоналарни барқарор, юқори самарали ахборот тизимига эга бўлиш эхтиёжи ошиб бормоқда.

Лекин ахборот базасининг бугунги ҳолати бозор иқтисодиёти талабларига тўлақонли жавоб бермаётир, бу эса корхона ҳисоб сиёсатини танлашдаги ҳисоб таъминоти жараёнида ундан фойдаланишни мураккаблаштирмоқда. Бухгалтерия ҳисобининг миллий тизими самарали молиявий бошқарув ва иқтисодий таҳлил мақсадларига тўлиқ мослаштирилмаган. Бунда солиққа тортиш ва бухгалтерия ҳисоби услубиёти бўйича меъёрий хужжатларни номувофиқлиги стратегик режалаштиришдаги жиддий тўсиқ бўлиб ҳисобланмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг бугунги бухгалтерия ҳисобида эришилган натижаларни иқтисодий таҳлил қилишга қаратилган ва асосан назорат вазифасини бажаради. Шунинг учун бухгалтерия ҳисобининг ахборот маълумотлари бир қатор ҳолларда корхонани хақиқатдаги молиявий ҳолатини баҳолаш имконини беради. Улар асосида ҳисобланган кўрсаткичлар қисқа вақт фойдаланилади ва етарли даражада тезкорлик касб этмайди.

Қайд этилган муаммонинг ечими сифатида бошқарув ҳисобини ривожлантириш, деб эътироф этиш мумкин. Бу каби ҳисоб тизимини яратиш ва такомиллаштириш корхонани ҳисоб ахборот тизимини яратишдаги эхтиёждан келиб чиққан ҳолда хукумат ва корхоналар миқёсида мақсадли йўналтирилган тадбирларни амалга оширишни тақазо этади. Айниқса, ахборот истеъмолчиларнинг бир неча категориялари (статистика, солиқ органлари), мавжуд бўлган ҳозирги вазиятда ҳисоб ахборотини бўлинишига бу каби ёндашув янада долзарблик касб этади.

Ҳисобни молиявий ва бошқарув турларига бўлишда, ҳисоб ахбороти оқимини келтириш мумкин. ҳисобни молиявий ва бошқарув турларига бўлиш афзалликларидан бири бўлиб, уни корхонани хом ашё билан таъмин этиш ва тайёр маҳсулотни сотиш билан боғлиқ бўлимларда бевосита тезкор ҳисобни юритиш имконини бериши ҳисобланади. Тажрибаларнинг кўрсатишича, бундай тизимнинг мақсадга мувофиқлиги шу билан белгиланадики, унда таъминот сотиш ва бошқа хизматлар билан бевосита боғлиқ бўлган бўлимлар ходимлари, асосий вазифаси тезкор ҳисоб маълумотларини умулаштириш ва олинган ахборотларни бухгалтерия ҳисоби регистрларида тўғри акс эттириш бўлган бухгалтерия ходимларига нисбатан кўп холларда жавобгарликни хис этиши ва топшириқни ўз вақтида бажариши билан ажралиб туради.

Ҳисоб сиёсатини танлашни аналитик жиҳатдан асослаш учун нафақат ҳисоб, балки ҳисобдан ташқари маълумотлардан фойдаланиш ҳам мақсадга мувофиқдир. «ҳисобдан ташқари маълумотлар» атамаси, бу каби маълумотлар бухгалтерия ҳисобининг ахборот тизими доирасидан ташқарида йиғилиши, жамланиши ва қайта ишланишини билдиради. Оммавий ахборот воситаларидан, маркетинг ва логистика хизматлари томонидан олинувчи ахборот маълумотларини улар таркибига киритиш мумкин.

Ҳисоб ва ҳисобот маълумотлари, шунингдек қўшимча ахборот маълумотларини баҳолаш ва изохлаш ҳар бир муайян корхона учун мақбул бўлган ҳисоб сиёсатини танлаш жараёнини ахборот таъминотининг асоси бўлиб хизмат қилади.

Бизнинг фикримизча, компьютер техникасидан фойдаланиш билан техник ва дастурий воситалар корхона ҳисоб сиёсатини танлаш жараёнини ҳисоб таъминотининг муҳим ташкил этувчиси бўлиб хисобланади. Улар ахборот маълумотларини ўз вақтида йиғилиши ва қайта ишланишини таъмин этади, ташкилотни молиявий-хўжалик фаолияти ва турли ривожланиш сценарийларидан фойдаланилиши кўзда тутилган ҳисоб сиёсатини танлашни компьютер режимида моделлаштириш имконини беради. Компьютер технологиялари ёрдамида хақиқатдаги кўрсаткичларини режадагидан оғишини автоматик тарзда аниқлаш ва стратегик вазифаларга эришиш мақсадида уларни таҳлилини амалга ошириш мумкин.

Шу тариқа, бухгалтерия ҳисобини компьютерлашганлик даражаси самарали ҳисоб сиёсатини шаклланиш жараёнига катта таъсир кўрсатади. ўз навбатида, ахборотни қайта ишлаш технологияси айнан ташкилотнинг ҳисоб сиёсатида белгилаб қўйилади: қўл меҳнати ёки автоматлаштирилган усулда.

Бугунги иқтисодий шароитда корхоналарда ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқишнинг пировард мақсади бўлиб, бошқарув ҳисоби ва таҳлилнинг самарали, интеграциялашган тизимини яратиш ҳисобланади.

Д.Д.Турсунова - Ферганский политехнический институт, докторант

ПУТИ УЛУЧШЕНИЯ СРАВНИТЕЛЬНОГО АНАЛИЗА ФОНДООТДАЧИ ОСНОВНЫХ СРЕДСТВ

Аннотация: В статье рассматриваются роль и значение сравнительного анализа на предприятиях в условиях перехода к цифровой экономике.

Abstract: The article discusses the role and importance of comparative analysis in enterprises in the context of the transition to a digital economy.

Ключевий слова: сравнительный анализ, эффективность, хозяйственно-финансовая деятельность, эффективности использования основных средств, фондоотдача, фондоёмкость, фондоворуженность.

Key words: comparative analysis, efficiency, economic and financial activities, the effectiveness of the use of fixed assets, capital productivity, capital intensity, capital ratio.

Вопросы сравнительного анализа к настоящему времени наиболее полно изучены применительно к промышленным объединениям (предприятиям). Отдельными отраслевыми министерствами были утверждены типовые положения межзаводского (сравнительного) анализа и разработаны схемы его организации.

В других отраслях сравнительный анализ не получил должного развития, он - один из слабых участков экономической работы в фирмах и компаниях и т.п. Это объясняется следующими обстоятельствами.

Во-первых, фирмах и компаниях недооценивается роль сравнительного анализа в выявлении резервов повышения эффективности использования материальных, трудовых и финансовых ресурсов в этих организациях. Во-вторых, хотя методологические принципы сравнительного анализа и нашли освещение в учебной литературе, вопросы методики и его организации в различных звеньях отрасли, особенно в практический аспекты, не разработаны. В-третьих, отсутствуют конкретные рекомендации по системе показателей, методике и организации сравнительного (межхозяйственного) анализа в данных отраслях.

Межхозяйственный (сравнительный) анализ является специальным направлением общего экономического анализа. Но здесь объектом изучения служит хозяйственно-финансовая деятельность нескольких предприятий и организаций с целью выявить условия и причины различий в использовании ими основных ресурсов, оценить уровень хозяйствования на каждой из исследуемых единиц и на этой базе перенять передовой опыт работы. В своем письме редакции газеты "Экономическая жизнь" В.И Лепя предлагал, чтобы все помещаемые статистические данные гораздо строже, то есть заботливее, тщательнее систематизировать, всегда добиваясь данных для сравнения, всегда приводя данные за прошлые годы (месяцы и т.п.), всегда подбирая материал для анализа, для объяснения причин неуспеха, для выделения тех или иных успевавших или хотя бы опережающих остальные предприятия и т.д.

В интересующей нас области сравнение показателей отдельных предприятий и организаций с показателями отобранной совокупности и в целом по городу, району, региону или по системе позволяет обнаружить такие резервы, которые невозможно выявить при внутрихозяйственном анализе и наметить пути повышения эффективности использования основных средств на каждом предприятии.

Межхозяйственным анализе особенно важен для предприятий и организаций, по которым показатели, характеризующие эффективность использования основных средств, резко колеблются.

В этих условиях только объективный межхозяйственный анализ дает возможность точно и обоснованно оценить эффективности использования

основных средств отдельными организациями (предприятиями). Нужно иметь в виду, что резкие колебания (вариация) показателей по предприятиям зачастую порождены не только различием в уровне использования основных средств, но и иными факторами, которые во многих случаях не зависят от результатов деятельности самих предприятий. К таким факторам, в частности, относятся различная оснащенность предприятий основными средствами, технологическими оборудованиями, ресурсами, кадрами, различное территориальное расположение предприятий.

О целесообразности проведения межхозяйственного анализа в литературе высказано несколько точек зрения. Мы разделяем точку зрения тех экономистов, которые считают, что если бы не было различий, не было бы и нужды в сравнительном анализе. Результаты наших исследований показывают, что на различных предприятиях и в организациях имеются не только возможности, но и крайняя необходимость в проведении межхозяйственного анализа.

В практике экономической работы предприятий и организаций Узбекистана сравнительный анализ используется недостаточно, вернее, крайне редко. Обычно он ограничивается сопоставлениями показателей эффективности отдельных данных. Между тем их сопоставление едва ли может служить основанием для оценки итогов деятельности предприятий, так как устанавливаемые бизнес планы не всегда являются оптимальными и напряженными. Кроме того, при сравнении результатов деятельности отдельных коллективов по выполнению бизнес планов упускается из виду одно важное обстоятельство - с какими затратами материальных, финансовых и трудовых ресурсов эти результаты достигнуты. Межхозяйственный анализ более целесообразно проводит по качественным показателям, характеризующим уровень использования ресурсов. В отношении основных средств - важнейшего слагаемого материальных ресурсов в предприятиях - такими показателями выступают: фондоотдача, фондоёмкость, фондоворуженность и некоторые другие.

Немалый интерес представляет межхозяйственный анализ фондоотдачи по однотипным (по профилю) предприятиям, дислоцирующимся в различных районах и областях.

Иследуемие организации находятся примерно одинаковых хозяйственных условиях. В реальной экономической жизни не существует двух предприятий, абсолютно тождественных по масштабам, условиям и другим параметрам хозяйственной деятельности.

Чтобы получить более объективную картину с фондоотдачей, необходимо строить анализ на показателях, подвергшихся элимированию влияния на их величину структурных сдвигов в объёмных показателях. Дело в том, что в отдельных предприятиях структурные показатели не ровны (в особенности в сельской местности). Установить по этим предприятиям фондоотдачу по структуре не представляется возможным. Априори можно утверждать, что при прочих равных условиях фондоотдача основных средств

будет различными. Во-первых, здесь сказывается соотношение цен на те и другие ресурсы. Во-вторых, различные предприятия оснащены разными оборудованиями.

Чтобы устранить влияние структурных сдвигов в объёмных показателях необходимо проводить специальные эксперименты.

Руководствуясь чисто прагматическими соображениями, т.е. исходя, с точки зрения полезности той или иной информации, ее пригодности с ее помощью решать возникшие задачи, приходится довольствоваться определенной неточностью искомых числовых значений признаков, ибо другого, более рационального метода в конкретных условиях пока не найдено. Такие задачи непременно встречаются в сравнительном анализе и в анализе рядов динамики.

Процедура элиминирования влияния структурных сдвигов в на фондоотдачу распадается на два последовательных этапа. Первый - определение на основе показателя фондоотдачи, исчисленного по объёмному показателю. Второй этап собственно корректировка фондоотдачи, позволяющая элиминировать (исключать) влияние изменения структурных показателей фондоотдачи. Здесь по существу речь идет о его пересчете о помощью базисного индекса с постоянными весами.

Первый этап. Для измерения фондоотдачи по объёмным показателям пользоваться формулой:

$$\bar{x} = \frac{100 \cdot Фт}{К_{ха} + (100 - а)}$$

$\bar{x}$ - искомый фондоотдачи по объёмному показателю;

Фт - фондоотдача по общему объёму;

$К_{ха}$ - коэффициент соотношения показателей фондоотдачи по структуре;

а - удельный вес структурных показателей.

Очевидно, что величину фондоотдачи по объёмным показателям находят, умножая показатель фондоотдачи структурных сдвигов.

А.А.Амонов- СамИСИ катта ўқитувчиси
О.Х.Холиқулов – СамИСИ PhD докторанти,
С.З.Мўминов -“Самарқанд тамир дизайн”ИТКХК бош хисобчиси

ҚУРИЛИШ МАШИНА-МЕХАНИЗМЛАР ЭҲТИЁТ ҚИСМЛАРИ ҚАРЗГА ОЛИНИШИДА ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИҒИ ҲИСОБИ ВА АУДИТИНИНГ ҲУСУСИЯТИ

Аннотация: *Ушбу мақолада республикамизда фаолият юритиб келаётган қурилиш ташкилотларида машина-механизмлар эҳтиёт қисмларини қарзга олинишини ҳисоби ҳамда аудитини асосий вазифалари тадқиқ этилган.*

Калит сўзлар: *Қурилиш ташкилотлари, машина-механизмлар, бухгалтерия ҳисоби, аудит, хизмат кўрсатиш, инновацион ғоялар, шартнома, ҳисоб-варақ, қарз шартномалари, далолатнома, эҳтиёт қисмлар ҳисоби.*

Республикамизда рақамли иқтисодиёт ривожланиб бораётган бир даврда фаол инвестиция муҳитини, инновацион ғояларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш борасида ҳукуматимиз томонидан амалга оширилаётган изчил ижобий тадбирлар, ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатиш соҳасидаги алоҳида олинган тармоқларини ривожлантириш бўйича қабул қилинаётган бир қатор дастурий йўналишлар ишлаб чиқариш фаолияти, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини, шунингдек қурилиш соҳасининг юқори суръатлар билан ривожланишига олиб келмоқда. Чунончи республикамизда қурилиш тармоғини тубдан ривожлантириш масаласига республикамиз иқтисодиётини жадал тараққий топтиришнинг асосий шарти ва мезони сифатида катта аҳамият берилмоқда. Бундай ислоҳатларни ижобий йўлга қўйишда албатта, яъни қурилиш ташкилотларида машина-механизмлар иш фаолияти ҳисоби ва аудитини самарали йўлга қўйиш муҳим мезонлардан бири бўлиб ҳисобланади. Шунингдек қурилиш ташкилотларида машина-механизмлар иш фаолиятини яхшилаш борасида улар эҳтиёт қисмлари ҳолатини, яъни уларни қарзга олиниши тўғри ҳисобга олиш ҳамда улар аудитини тўғри амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Қурилиш ташкилотларига материаллар асосан таъминотчилардан, бош пудратчи ва субпудратчилардан, буюртмачилардан, таъминот-савдо корхоналаридан келиб тушади[1]. Шу аснода республикамизда мавжуд ишлаб чиқариш ва қурилиш корхоналарида машина-механизмлар эҳтиёт қисмларини ҳаракати ҳисоби ҳамда назоратини тўғри йўлга қўйиш, бизга маълумки, барча қурилиш ҳамда ишлаб чиқариш корхоналар фаолиятини яхшилашга асос бўлади.

Республикамизда фаолият юритаётган қурилиш ва ишлаб чиқариш корхоналари изчил, яъни узлуксиз йўлга қўйилган. Шунинг учун ҳар доим қурилиш машина-механизмлари эҳтиёт қисмларига эга бўлишликни

[1] Уразов К.Б. “Бошқа тармоқларда бухгалтерия ҳисобининг ҳусусиятлари” Дарслик. Тошкент.2019 й.

таъминлаш зарурдир. Айтиш жоизки, айрим вақтларда қурилиш машина-механизмлар иш фаолиятини самарали фойдаланиш даврида улар эҳтиёт қисмлари ўз вақтида етишмовчилик ҳолатлари ҳам учраб турадилар. Ана шундай вақтларда қурилиш машина-механизмлар эҳтиёт қисмларини қарзга олишга мажбур бўлишлик ҳолатлари юзага келиши таббийдир. Бундай вазиятда қарзга маълум бир нархда олинган қурилиш машина-механизмлар эҳтиёт қисмлари, нарх-наво ошиши муносабати билан амалда 10-20 фоиз баланд баҳода қайтариш ҳолатлари ҳам юзага келади. Шу аснода ушбу операцияларни бухгалтерия ҳисобини ўз вақтида юритиш ва тўғри акс эттириш бухгалтерия ҳисобининг муҳим вазифаларидан бири бўлиб ҳисобланади. Маълумот учун шуни айтиб ўтиш жоизки, мазкур ҳолатда биз, яъни қарз олувчи ҳам, қарз берувчи ҳам умумбелгиланган солиқ туридан, яъни қўшилган қиймат солиғи тўловчилари ҳисобланган корхоналар асосида илмий-амалий ёндошамиз.

Қурилиш машина-механизмлар эҳтиёт қисмлари қарзга олинганда, биз даставвал, шуни таъкидлаб ўтишимиз керакки, яъни товарларни реализация қилиш обороти – бу қўшилган қиймат солиғи ҳисоблаб чиқаришда қарз шартномалари асосида товар – моддий заҳираларни бериш деб тавсифланган. Аудитор қурилиш ва ишлаб чиқариш корхоналар фаолиятида, яъни қарз берувчи ҳам (машина-механизмлар эҳтиёт қисмларини қарзга беришда), қарз олувчи ҳам (машина-механизмлар эҳтиёт қисмларини қарз берувчига қайтаришда) бир-бирига қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) кўрсатилган ҳолда ҳисобварақ-фактура ёзиб берилганлиги ҳамда тўғри акс эттирилганлигини текшириш лозим.

Қўшилган қиймат солиғи ставкаси 20 фоиздан 15 фоизга туширилди. Бунинг ҳисобидан ўтган йили солиқ тўловчилар ихтиёрида 2 триллион сўм қолди. Жорий йилда бу рақам 11 триллион сўмни ташкил этиши кутилмоқда. Бир йилда тадбиркорлар ихтиёрида шунча маблағ қолиши, албатта, уларга ўз бизнесларини ривожлантириш учун жуда катта қўшимча имкониятлар яратади[1].

Шунга кўра, агар сиз қайтариб берилиши лозим бўлган қурилиш машина-механизмлар эҳтиёт қисмларини улар қарзга олинган нархдан юқори нархда олган бўлсангиз, қарзни қайтаришда ёзиб берилган ҳисобварақ-фактурада қарз шартномаси шартларига мувофиқ, қайтариб бериладиган қурилиш машина-механизмлар эҳтиёт қисмлари нархини ва ҚҚС суммасини кўрсатасиз. Товарларни (хизматларни) реализация қилишда солиқ базаси солиқ тўловчи 247-моддага мувофиқ ўзи ишлаб чиқарган ёки товарларни (хизматларни) реализация қилишнинг ўзига хос хусусиятларига қараб аниқланади[2]. Бунда қайтариб берилаётган қурилиш

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 24.01.2020 й.

[2] Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси Махсус қисм, X-бўлим, 34-боб, 247-моддаси. (2020 йил 1 январ ҳолатига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган ҳолда, янги таҳрири). ЎзР.Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.12.2019 й. 02/19/SK/4256-сон.

машина-механизмлар эҳтиёт қисмларини олиш таннархи ҚҚС бўйича солиқ солинадиган база ҳисобланади. Ушбу операциялар бўйича шартли мисолда кўриб чиқамиз, яъни "Самарқанд Таъмир Дизайн" ИТКХК (Қарз олувчи, ҚҚС тўловчи) қисқа муддатли қарз шартномаси бўйича ҚҚС ҳисобга олинган ҳолда 11,5 миллион сўмлик қурилиш машина-механизмлар эҳтиёт қисмлари тақдим этди.

"Самарқанд Таъмир Дизайн" ИТКХК қарз олувчининг олинган қурилиш машина-механизмлар эҳтиёт қисмлари ҳисоби бўйича қуйидаги бухгалтерия ёзувлари орқали аудит қилинади:

(минг сўм) 2-жадвал[1]

	Босқичлар	**Хўжалик операциясининг номи**	**Счётлар корреспонденцияси**		**Сумма**
			Дебет	**Кредит**	
.	Қарз олинди	Қурилиш машина-механизмлар эҳтиёт қисм-лари олинди ва кирим қилинди	1010 (1090)	6820	10 000,0
		Ҳисобга олинадиган ҚҚС суммаси	4410	6820	1 500,0
.	Қарз қайтарилди	Аввал қарзга олинган қурилиш машина-меха-низмлар эҳтиёт қисмлари қайтарилиши акс этти-рилди	6820	9220	10 000,0
		Ҳисобварақ-фактурага мувофиқ ҚҚС ҳисобланди	6820	6410	1 500,0
		Қайтарилаётган қурилиш машина-механизмлар эҳти-ёт қисмлари таннархи ҳи-собдан чиқарилди	9220	1010 (1090)	12 500,0
		Қурилиш машина-механизмлар эҳтиёт қисмлари чиқиб кетишидан олинган зарар акс эттирилди	9430	9220	2 500,0
		Қурилиш машина-механизмлар эҳтиёт қисмлари таннархи ва қарз шарт-номаси бўйича юклаб жўнатиш қиймати ўртаси-даги фарқ суммасига ҚҚС ҳисобланди (2 500,0 сўм х 15%)	9430	6410	375,0

Аудитор қурилиш ва ишлаб чиқариш корхоналари фаолиятида қурилиш машина-механизмлар эҳтиёт қисмлари ҳисоби ва уларнинг назоратини тўғри юритишда бевосита республикамизда амалдаги мавжуд меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида амалга оширишни тақозо этади.

[1] 2020 йил I-квартал. "Самарқанд Таъмир Дизайн" ИТКХК молиявий ҳисоб маълумотлари.

Юқорида келтирилган бухгалтерия ёзувларини 21-сон БҲМС асосида аудитор, аудиторлик ҳисоботида кўрсатилиши мақсадга мувофиқдир.

Б.Ф.Боронов – СамИСИ таянч докторанти

МОЛИЯВИЙ АКТИВЛАР ҲИСОБИ ВА ҲИСОБОТИНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация: Мақолада молиявий инструментларнинг таркибий элементи сифатида молиявий активлар ҳисоби ва ҳисоботининг долзарб масалалари ёритилган. Тадқиқот натижасида “молиявий инструментлар” ва “молиявий активлар” атамаларининг такомиллашган таърифлари ишлаб чиқилди.

Калит сўзлар: молиявий ҳисобот, молиявий инструментлар, молиявий активлар, молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот.

Республикамизда мустақиллик йилларида молиявий активларнинг тез суръатлар билан ривожланишига қарамасдан, ушбу мулк турлари ҳисоби ва аудитининг халқаро стандартлар талабларига мос келадиган назарий, ташкилий ва методологик асослари тўлиғича яратилган деб бўлмайди. Жумладан, республикамизда молиявий инструментлар ҳисобига оид миллий стандартлар яратилган эмас. “Молиявий активлар” атамаси ҳисобот шаклларига киритилмаган, молиявий активларнинг ҳисоб ва аудит объектлари сифатидаги моҳияти, тан олиниши, баҳоланиши, таснифи, таркиби, молиявий активларнинг реал бозор қийматини аниқлаш усуллари, улар асосида шакллантирилган ахборотларни ҳисоб ва ҳисоботда акс эттириш тартиблари ишлаб чиқилмаганлиги молиявий ҳисоботлар уйғунлиги ва ишончлигига таъсир кўрсатмоқда. Амалдаги стандартларда белгиланган айрим тартиб-қоидалар халқаро стандартларда белгиланган тартиблардан тубдан фарқ қилади. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4611 “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорида [1] МҲХСларига ўтиш вазифаси қўйилди. Шу билан бир қаторда солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш стратегиясида “Солиқ ва бухгалтерия ҳисоби қоидаларидаги тафовутларни қисқартириш чора-тадбирларини амалга ошириш ва уларни халқаро молиявий ҳисобот стандартларига тўлиқ мослаштириш” [2] вазифаси қўйилди. Юқоридагиларнинг барчаси, жумладан молиявий активлар ҳисобининг замон талабларига мос методологиясини ишлаб чиқишнинг объектив зарурияти мазкур йўналишда чуқур илмий тадқиқотлар олиб боришни тақозо этади.

Соҳага доир адабиётларда [4, 5, 6] молиявий активлар элементлари ҳисоби халқаро стандартларга мувофиқ мазмуни, таснифи, уларни тан олиш ва қийматини бозор баҳоларида баҳолаш, молиявий ҳисоботларда акс эттиришда илғор усуллардан фойдаланиш масалалари чуқур тадқиқ

этилмаган. Бундан ташқари корхоналарнинг пул маблағлари, молиявий характердаги дебиторлик қарзлари, чунончи шубҳали қарзларни тан олиш, баҳолаш, ҳисобдан чиқарилиши масалалари ҳам атрофлича очиб берилмаган. Буларнинг барчаси ушбу мавзуда илмий-тадқиқот олиб бориш, шунингдек, унинг мақсади ва вазифаларини белгилашга асос бўлади.

Молиявий активлар молиявий инструментларнинг таркибий қисми ҳисобланади. Молиявий инструментлар қуйидаги халқаро стандартлар асосида тартибга солинади (1-жадвал).

1-жадвал

Молиявий инструментларни ҳисобга олишга мўлжалланган молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларининг мақсади

МҲХС рақами	**МҲХСлари номи**	**Стандартнинг мақсади**
7-сон МҲХС (IFRS)	“Молиявий инструментлар: ахборотни очиқлаш”	Ушбу МҲХСнинг мақсади фойдаланувчиларга қуйидагиларни баҳолаш имкониятини берувчи ахборотларни молиявий ҳисоботларда очиқлашни ташкил этишга қўйиладиган талабларни белгилаш ҳисобланади: (а) молиявий инстрементларнинг ташкилотнинг молиявий ҳолатига ва молиявий натижаларига таъсири; (б) ҳисобот даври давомида ва ҳисобот даврининг тугалланиш санасида корхонанинг молиявий инструментлар билан боғлиқ рисклари характери ва кўлами ҳамда ташкилот бундай рискларни қандай тартибда бошқариши
9-сон МҲХС (IFRS)	“Молиявий инструментлар”	Ушбу стандартнинг мақсади молиявий активлар ва молиявий мажбуриятлар қисмига алоқадор бўлган молиявий ҳисоботларни тузиш ва тақдим этишнинг принципларини белгилаш бўлиб ҳисобланади, қайсики ушбу ахборотлар ахборот фойдаланувчилар томонидан корхона пул маблағларининг келгуси оқимлари суммаси муддат ва ноаниқликларни баҳолашга имкон берувчи уйғун ва фойдали бўлсин
32-сон БҲХС (IAS)	“Молиявий инструментлар: ахборотларни тақдим этиш [3]	Стандартнинг мақсади молиявий инструментларни мажбуриятлар ёки капитал сифатида тақдим этиш ҳамда молиявий активлар ва молиявий мажбуриятларни ўзаро ҳисоб-китоб қилиш тамойилларини белгилашдан иборатдир. У молиявий инструментларни, эмитент нуқтаи назаридан, молиявий активларга, молиявий мажбуриятларга ва улушли инструментларга таснифланишига; тегишли фоиз, дивидендлар, фойда ва зарарларнинг таснифланишига; ҳамда молиявий активлар билан молиявий мажбуриятлар ўзаро ҳисоб-китоб қилиниши керак бўлган ҳолатларга нисбатан қўлланилади
39-сон БҲХС (IAS)	“Молиявий инструментлар: тан олиш ва баҳолаш”	Ушбу стандартнинг мақсади молиявий активлар, молиявий мажбуриятлар ва номолиявий активларни харид қилиш ёки сотиш билан боғлиқ айрим шартномаларни тан олиш ва баҳолаш принципларини белгилаш бўлиб ҳисобланади

Олиб борилган тадқиқотлар, турли ахборот манбаларида “молиявий инструментлар” ҳамда молиявий активлар тушунчасига берилган таъриф ва тавсифларни ҳам ўрганиб чиқишни тақозо этди:

32-сон БҲМС “Молиявий инструментлар: ахборотларни тақдим этиш” стандартида қуйидагича таъриф келтирилган **“**Молиявий инструмент - бу бир тадбиркорлик субъектининг молиявий активини ва бошқа тадбиркорлик субъектининг молиявий мажбурияти ёки улушли инструментини кўпайишига олиб келадиган шартномадир [2] .

Бизнинг фикримизча молиявий инструментлар шартнома ёки ҳар қандай ҳужжат эмас, балки ушбу шартнома (ёки ҳар қандай ҳужжат) натижасида юзага келган молиявий активлар, молиявий мажбуриятлар ёки бошқа ҳиссали (улушли) инструментлар эканлиги таъкидланса мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.

Юқоридаги таърифлар асосида молиявий инструментларга қуйидагича таърифни келтирамиз: “**Молиявий инструментлар** – бу молиявий активлар, молиявий мажбуриятлар ёки бошқа ҳиссали инструментлар бўлиб улар молиявий характердаги шартномалар ёки бошқа ҳужжатлар асосида юзага келади”. Бизнинг фикримизча ушбу таъриф молиявий инструментларнинг асл моҳиятини тўлароқ тавсифлайди.

Молиявий активларнинг яхлит таърифини ишлаб чиқиш ҳамда ушбу таърифни республикамизнинг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги қонуни ва “Молиявий ҳисоботни тузиш ва тақдим этиш учун концептуал асос” номли стандартга киритиш лозим, деб ҳисоблаймиз. Фикримизча, ушбу қонун ҳужжатларида молиявий активларга қуйидаги яхлит таърифни бериш мақсадга мувофиқдир: ***молиявий активлар*** – бу корхона балансида эгалик ҳуқуқи (шартномалари) асосида акс эттириладиган ҳамда улар томонидан тасарруф этиладиган пул маблағлари, келгусида даромад келтирадиган ва пул киримини оширадиган барча турдаги молиявий инвестициялар, шунингдек ушбу активларга доир олинадиган счётлар (дебиторлик қарзлар) мажмуасидир.

Юқоридаги келтирилган таърифлар молиявий инструментларнинг асл моҳиятини тўлароқ тавсиялайди деб ўйлаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4611 “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги Қарори.

2.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 й. 10 июлдаги ПҚ-4389-сонли “Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорига 2-илова “Йўл харитаси”.

3.32-сон БҲМС “Молиявий инструментлар: ахборотларни тақдим этиш”. https://finansist.uz/uz/moliyaviy-hisobotning-xalqaro-standartlari-ozbekistonda-qollanilishi/

4.К.Б. Уразов. Молиявий ҳисобот: миллий ва халқаро стандартлар мувофиқлиги йўлида. // Бозор, пул ва кредит Ж. –2013. –№4. –57-61-б.

5.С.Н.Ташназаров. Молиявий ҳисоботнинг назарий ва методологик асосларини такомиллаштириш. Монография. - Publisher SIA OmniScriptum Publishing. GlobeEdit Publishing house. 2018. 280 p. ISBN-13:978-613-8-24050-1.

6.Р.Д.Дусмуратов, У.И.Тулаев. Молиявий хисобот: назарий, услубий ва амалий жиҳатлари.-Т:. “Extremum-Press”, 2012, -144 б.

И.Р.Авазов - Тошкент молия институти катта ўқитувчиси

МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТЛАРНИ КОНСОЛИДАЦИЯ ҚИЛИШ МУАММОЛАРИ

Аннотация: Мақолада шўъба ташкилотлар томонидан расмийлаштирилган молиявий ҳисоботларини Бош компаниялари томонидан консолидациялашган молиявий ҳисоботни молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида тузиш жараёнида учрайдиган муаммолар келтирилган ва бу муаммоларни ҳал қилиш масалалари ёритиб ўтилган.

Калит сўзлар: консолидациялашган молиявий ҳисобот, бош компания, шўъба ташкилотлар, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари, молиявий ҳисобот хўжалик юритувчи субъект.

Мамлакатимизда барқарор ва самарали иқтисодиётни шакллантириш борасида амалга ошириб келинаётган ислоҳотлар бугунги кунда ўзининг натижаларини намоён этмокда. Жумладан, қисқа вақт ичида иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, аҳоли даромадларининг ўсишини таъминлаш, самарали ташқи савдо ҳамда инвестиция жараёнларини кучайтириш, қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини барқарор ривожлантириш, банк-молия тизими фаолиятини мустаҳкамлашда аҳамиятли ютуқлар қўлга киритилди.

Молиявий ҳисобот ахборотларини халқаро стандартлар асосида компиляция қилишнинг муҳим шарти сифатида консолидациялашган бошқарув қарорларини қабул қилиш учун муҳим асос бўлиб ҳисобланади.

Хўжалик юритувчи субъектлар гуруҳининг консолидациялашган бухгалтерия ҳисоботларини тайёрлаш. Гуруҳнинг консолидациялашган молиявий ҳисобот жадвалларни, ушбу гуруҳни ташкил этувчи бир-бири билан боғлиқ бўлган ташкилотлар билан қонунчилик ҳужжатларида тартибга солинадиган молиявий ҳисобот консолидацияси жадвалларни тайёрлаш асосий тамойилларига мувофиқ амалга оширилади.

Молиявий ҳисоботларни консолидациялашнинг концептуал асосларига қўйиладиган талабларни давлат ва жамоат секторида амалга оширадиган ташкилотлар қуйидагича изоҳлайди: “Молиявий ҳисоботларни консолидация қилиш ғояси жудда оддий. Агар икки ёки ундан ортиқ ташкилот битта

умумий назорат остида бўлсалар, гуруҳнинг молиявий ҳолати тўғрисида тўлиқ ахборотларга эга бўлиш мақсадида улар битта ташкилотда “гуруҳ” сифатида қаралиши лозим”. Бунда ҳукуматларнинг сиёсий иродаси сифатида ўзаро ҳисоб-китобларда “ҳисоблаш усули”га ўтишни қўллаб-қувватлаш, шунингдек, тўртта асосий қадамни (амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш, халқаро стандартларни қўллаш, кадрлар масаласи ва ахборот технологиялари) амалга ошириш лозим.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг гуруҳига кирувчи ўзаро боғлиқ бўлган шўъба корхоналари молиявий ҳисоботи маълумотларини консолидация қилишнинг тамойиллари асосида амалда тартибга солинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга биноан умумлаштириш орқали консолидациялаштирилган молиявий ҳисоботни шакллантирсалар, бунда юқори малакали касбий тайёргарликка эга бўлган мутахассислар талаб этилади.

Консолидациялашган ҳисоботни тузилиши тўғрилигини исботлаш ва тасдиқлаш учун аудиторлар сўров, кузатув, активлар ва мажбуриятларни текшириш, маълумотларни тасдиқлаш, ҳужжатларни таҳлил қилиш, қайта ҳисоблаш, таҳлилий муолажалар каби умумқабул қилинган услуб ва усуллардан фойдаланишлари лозим. Аудиторнинг ҳар бир аниқлаган маълумотини баҳолай олиш, шунингдек унинг ишончлилиги ва мос келишини текшира билиш қобилияти зарурий шартлардан ҳисобланади.

Капитални консолидациялаштириш бу баланснинг “Ўз маблағлари манбалари” бўлимини бирлаштириш натижасида такрорий ҳисоблашишларни чиқариб ташлашдир. Бундай такрорий ҳисоблашлар ҳар доим юзага келади, чунки биринчидан, Бош корхонанинг шўъба корхона капиталидаги иштирок этиш улуши унинг балансида акс эттирилади, иккинчидан, бу улуш шўъба корхонасининг нотўғри ҳисобланган Устав капиталини консолидациялаштирилган ҳисоботга бирлаштириш жараёнида тузатилади.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳисоботи, бозорда давом этаётган рақобат, кўп жиҳатдан йирик компанияларни ташкил қилиниши ва улар томонидан тузилаган молиявий ҳисоботларини ҳаққоний ва шаффофлигини таъминлаш ўта муҳим масалалардан биридир. Иқтисодий муносабатларни ривожлантиришда узоқ муддатли алоқалар компанияларнинг доимий иш фаолиятини олиб бориш ва рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқаришнинг мавжудлигига эришиш муҳим масалалардан биридир.

Бунда компаниялар томонидан тузиладиган консолидациялашган молиявий ҳисоботларни тайёрлаш заруриятини юзага келтирувчи асосий омил бу муносабатлар доирасининг кенгайиши бўлди. Ишбилармонлик муносабатларининг маҳаллий ва халқаро даражаси аста-секин давлатлараро ва глобал даражадаги муносабатларга айланди. Узоқ муддатли иқтисодий муваффақият учун зарур бўлган аниқлик ва келишувга эришиш учун фикрлар, мақсадлар ва қарама-қаршиликларнинг кўплиги билан сезиларли

даражада мураккаблашади. Буларнинг барчаси учун мумкин бўлган тўсиқларни юмшатишга ёрдам берадиган бирқанча омиллар мавжуд. Бу омиллар ахборотларни улар билан боғланган соҳадаги ноаниқликни камайтирадиган маълумот сифатида аниқлаш мумкин.

Шу билан бирга, ҳисобот даврида сотиб олинган шўъба корхоналарига берилган инвестицияларини ўлчаш учун қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга асосан активлар, капиталлар ва мажбуриятларни аниқлаш ва сотиб олган компания томонидан шартномалар расмийлаштирилиб актив ва мажбуриятларни ҳақиқий қийматини аниқлаб берилиши зарур бўлади.

О.Х.Холиқулов – СамИСИ PhD докторанти,
А.У.Абдусаматов- “Асл нафис” МЧЖ бош ҳисобчиси

ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИДА МАШИНА-МЕХАНИЗМЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛИШ ТАРТИБИНИ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

Аннотация: *Мақолада республикамизда фаолият юритиб келаётган қурилиш ташкилотларида машина-механизмлар ҳисобга олишини тартиблари тадқиқ этилган.*

Калит сўзлар: *бухгалтерия ҳисоби, машина-механизмлар, шартнома, ҳисоб-варақ, қарз шартномалари, далолатнома, ҳисоб, метод.*

Республикамизда рақамли иқтисодиёт жадал ривожланиб бораётган бир шароитда турли мулкчилик шаклидаги корхоналарнинг иқтисодий ресурслари ҳамда мавжуд механизмлари таркибан ўзгариб бормоқда. Чунончи, қурилиш корхоналари иқтисодий ресурслари ичида узоқ ва қисқа муддатли моддий активлар сирасида машина ва механизмлар ўрни, шунингдек бошқа турдаги субъектлар устав капиталига киритилаётган бадаллар, машина ва механизмларни узоқ ва қисқа муддатли қарзлар ҳамда кредитлар эвазига кирими бухгалтерия ҳисобида муҳим аҳамият касб этади.

Ҳозирги кунда қурилиш соҳасида тубдан янгича қурилиш машина-механизмлар иш фаолиятидан фойдаланиш замон талабларидан бири бўлиб ҳисобланади. Қурилиш объектларини тезкорлик билан мустахкам ва сифатли барпо этишда қурилиш машина-механизмларини ўрни беқиёсдир.

Ўзбекистон республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидлаб ўтилганидек, “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида 479 та қишлоқ ва овулда, шаҳарлардаги 116 та маҳаллада кенг кўламли қурилиш ва ободонлаштириш ишлари бажарилди. Бунга 6,1 триллион сўм ёки 2018 йилга нисбатан 1,5 триллион сўм кўп маблағ сарфланди.Қишлоқ жойларда - 17 минг 100 та, шаҳарларда - 17 минг 600 та, жами 34 минг 700 та ёки 2016 йилга нисбатан салкам 3 баробар кўп арзон ва шинам уйлар қурилди[1].

[1]Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Олий Мажлисга Мурожаатномаси” 24.01.2020 й.

Республикамизда мавжуд қурилиш ташкилотларида қурилиш машина-механизмлари қуйидаги манбалардан қабул қилинади:

✓ ўрнатиш учун қўшимча маблағларни талаб қилмайдиган қурилиш машина-механизмларини қабул қилиш;

✓ фойдаланилган қурилиш машина-механизмларни қабул қилиш;

✓ бошқа корхона ва ташкилотлардан қурилиш машина-механизмларни қабул қилиш;

✓ қайтариб бермаслик шарти билан қурилиш машина-механизмларни қабул қилиш;

✓ таъсис бадали сифатида қурилиш машина-механизмларни қабул қилиш;

✓ бартер сифатида қурилиш машина-механизмларни қабул қилиш;

✓ қурилиш машина-механизмларни ижарага олиш.

Хўжалик юритувчи субъектлар мулкчилик шаклидан қатъий назар қурилиш машина-механизмларининг қабул қилиниши ёки уларни тугатилиши бухгалтерия ҳисобида белгиланган далолатномалар билан расмийлаштирилади. Агар қабул қилинаётган қурилиш машина-механизмлари бир корхонадан иккинчи бир корхонага берилган ёки сотилган бўлса, олаётган корхона раҳбарининг фармойишига асосан маҳсус комиссия тузилади. Бу комиссия аъзолари қурилиш машина-механизмлари бўйича қабул қилиш далолатномасини тузадилар. Далолатномада қурилиш машина-механизмларининг номи, жойлашган ўрни, баланс баҳоси (сотиб олиш баҳоси) кўрсатилади. Агар қабул қилинган қурилиш машина-механизмлари ишлатилган бўлса, ишлаган даврига таалуқли бўлган эскириш суммаси ҳам далолатномада кўрсатилади. Қурилиш машина-механизмларининг ўрнатилиши

Республика аҳамиятига эга бўлса, уларни қабул қилиш тўғрисидаги далолатнома маҳсус давлат қабул комиссияси томонидан тузилади.

Қурилиш ташкилотларида қурилиш машина-механизмлар бевосита сотиб олиш йўли билан кўпайиб боради, уларни сотиб олиш манбаи бўлиб, ташкилотнинг ўзига таалуқли манбалари ҳисобланади. Қурилиш машина-механизмларининг қабул қилинганлигини тасдиқловчи далолатнома тузилгандан кейин унинг бир нусхаси ташкилот бухгалтериясига тегишли техник хужжатлар билан топширилади.

Бухгалтерияда далолатномага асосан қабул қилинган қурилиш машина-механизмлари тегишли журналда кўрсатилиб, унга инвентар тартиб рақамлари берилади ва ҳар бир қурилиш машина-механизмлари учун маҳсус инвентар варақа очилади, бу инвентар варақа шу қурилиш машина-механизмларининг фойдаланиш давридаги ҳолатини кўрсатиб беради.

Қурилиш машина-механизмларига берилган инвентар тартиб рақамининг биринчи ва иккинчи рақамлари қурилиш машина-механизмларининг қайси тармоққа ва қайси гуруҳларга тегишлилигини билдиради. Давлат қабул комиссияси томонидан қабул қилинган ва далолатнома билан расмийлаштирилган қурилиш машина-механизмларига

паспорт очилади. Қурилиш машина-механизмлари бўйича юритиладиган паспортда қурилиш машина-механизмларининг техник ҳолати, қабул қилинган вақти, қиймати, эскириши, меъёри кўрсатилади. Қурилиш машина-механизмлари бўйича паспорт ёки инвентаризация варақаси юритилиши биринчидан ҳисобни, иккинчидан аналитик ҳисобни юритишда тегишли қулайликлар яратади. Қурилиш ташкилотларида қурилиш машина-механизмларига очилган инвентар варақалар тўлдирилади ва рўйхатга олинади. Айтиш жоизки, бухгалтерия ҳисобида бевосита қурилиш машина-механизмлари ҳолати ва ҳаракатини ҳисобга олишни назоратини таъминлаш аудиторни асосий усулларидан бири бўлиб хизмат қилади. Қурилиш ташкилотларида қурилиш машина-механизмларнинг ҳаракатини ижобий йўлга қўйишда уларни ҳисобини бирламчи бухгалтерия хужжатларида юритиш мақсадга мувофиқдир.

(1-жадвал)[1]

Қурилиш машина-механизмларини ҳисобга олиш ва қайд қилиш китоби

№	Қурилиш машина-механизмлар номи (ҚММ)	Ўл.б	Баланс баҳоси	Ой бошига қолдиқ		Кирим		Чиқим		Ой охири-га қолдиқ	
				Сони	Суммаси минг сўм	Сони	Суммаси минг сўм	Сони	Суммаси минг сўм	Сони	Суммаси минг сўм
I	**Қурилиш жа-раёнида ишти-рокига кўра**										
1	бевосита ишти-рок этадиган ҚММ лар	дона	410000,0	2	820000,0						
2	билвосита иш-тирок этадиган ҚММ лар	дона	450000,0	2	900000,0						
	Жами				**1720000,0**						
I	**Ишлаб чиқа-рилган моде-лига кўра**										
1	эски моделда ишлаб чиқарил-ган ҚММ лар	дона	480000,0	2	960000,0						
2	янги моделда ишлаб чиқарил-ган ҚММ лар	дона	420000,0	2	940000,0						
	Жами				**1900000,0**						
	Ҳаммаси				**3620000,0**						

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, қурилиш ташкилотларида қурилиш машина-механизмларини ҳолати ва ҳаракатини бевосита ҳисоб-китоблари ҳамда унинг аудити мана шу тартибда йўлга

[1] *1-жадвал муаллиф О.Х.Холиқуловнинг таклиф сифатидаги ишланмаси.

қўйилса, самарали кўрсаткичлар яққол кўзга ташланади. Аудитор қурилиш ташкилотларида қурилиш машина-механизмлар ҳолати ҳисоби ҳамда назоратида аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича таклифлар берилиши ижобий ҳолатдан далолатдир.

Рамазонов А.С. – Тошкент Молия институти, “Бюджет ҳисоби ва ғазачилик иши” кафедраси, ўқитувчи
Норқўчқоров А.З. – Тошкент Молия институти, “Бюджет ҳисоби ва ғазачилик иши” кафедраси, ўқитувчи

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ХАРАЖАТЛАРИ ИЖРОСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация: Ушбу тезисда давлат бюджети харажатлари ижросини такомиллаштириш борасида олиб борилаётган ислохотлар ва молиявий жиҳатдан бошқариш тизими, механизмларининг роли назарий жиҳатдан тадқиқ этилган ҳамда унда белгиланадиган устувор йўналишлар ва асосий вазифалар бўйича илмий тавсиялар келтирилган.

Калит сўзлар: давлат бюджети, бюджет харажатлари, молиявий бошқариш тизими, давлат мақсадли жамғармалари.

Давлат бюджети — бу давлатнинг иқтисодиётда кечаётган жараёнларга таъсир этиш қуролларидан бири ҳисобланиб, давлат бюджет харажатлари орқали жамият талабларига мос равишда пул маблағларини моддий ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳалари ўртасида қайта тақсимланиш жараёнини тартибга солиб туриши, иқтисодиётнинг устувор тармоқларининг ривожланишини рағбатлантириши, илмий-техника тараққиётининг жадаллашувига таъсир кўрсатиши мумкин. Бир сўз билан айтганда, бюджет харажатлари иқтисодиётни ва ижтимоий жараёнларни давлат томонидан бошқариш ва тартибга солишдаги муҳим восита – яъни, дастакдир.

Давлат бюджети харажатлари ўзининг функционал тайинланишига кўра қуйидаги гуруҳларга бирлаштирилган:

1. Ижтимоий-маданий тадбирларни молиялаштириш харажатлари (таълим, соғлиқни сақлаш, фан, маданият, оммавий ахборот воситалари, жисмоний тарбия ва спорт, ижтимоий таъминот муассасалари ва тадбирларини маблағ билан таъминлаш).
2. Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари (болали ва кам таъминланган оилаларга нафақалар, ижтимоий ёрдамнинг бошқа турлари).
3. Иқтисодиёт харажатлари (иқтисодиётнинг айрим соҳалари ва тармоқларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш).
4. Марказлашган инвестистияларни молиялаштириш харажатлари.

5. Давлат бошқарув органларини сақлаш харажатлари.
6. Маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларини сақлаш харажатлари (маҳаллалар, фуқаролар йиғинларини сақлаш).
7. Суд, прокуратура, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органларни сақлаш харажатлари.
8. Вазирлар Маҳкамасининг захира фондини шакллантириш харажатлари.
9. Молия вазирлиги ҳузуридаги Пенсия фондига дотастиялар.
10. Бошқа харажатлар.

2019 йил 30 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг «2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида»ги қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-4555 сонли қарори асосида 2020 йил учун республика бюджети харажатлари вазирлик ва идоралар кесимида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари томонидан, маҳаллий бюджетлар харажатлари эса халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари томонидан тасдиқланиши белгилаб қўйилди.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фаолиятига бевосита боғлиқ бўлган ҳамда тўлиқ маҳаллий бюджетлар ихтиёрида қолдириладиган даромад турлари кенгайтирилди.

2020 йилдан бошлаб барча давлат мақсадли жамғармалари ва четдан жалб қилинган ташқи қарз маблағлари ҳисобидан амалга оширилаётган давлат харажатлари консолидациялашган давлат бюджетида акс эттирилиб, бюджет қамрови ва очиқлиги даражаси кучайтирилди. Халқаро стандартларга мувофиқ умумий фискал балансининг ҳисобини юритиш йўлга қўйилди.

Янги таҳрирдаги Солиқ кодексида солиқларни ортиқча ундирганлик учун давлат солиқ хизмати органларининг жавобгарлиги кучайтирилди, замонавий усулларни қўллаган ҳолда хорижий амалиётда синалган солиқ назорати шакллари жорий этилди, шунингдек, солиқларни ҳисоблаш ва тўлаш тартиблари соддалаштирилди.

Ўз навбатида, амалга оширилаётган ислоҳотлар вазирликлар, идоралар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг биринчи даражали харажатларни, давлат дастурлари ва ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича тадбирларни ўз вақтида молиялаштириш борасида жавобгарлигини оширишни, манбаси аниқ бўлмаган тадбирларни амалга оширмасликни ҳамда бюджет интизомини янада қатъийлаштиришни талаб этади.

Давлат молиясини тизими ва бюджет интизомини янада мустаҳкамлаш, солиқ-бюджет тизимининг шаффофлигини ошириш, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг бюджет даромадлари прогноз кўрсаткичлари бажарилишида манфаатдорлигини кучайтириш, шунингдек, янги қонун ижросини таъминлаш мақсадида:

1. 2020 — 2024 йилларда давлат молиясини бошқариш тизимини такомиллаштириш стратегиясининг асосий йўналишлари этиб қуйидагилар белгиланди:

солиқ-бюджет сиёсатига стратегик ёндашувни татбиқ этиш мақсадида ўрта муддатли бюджет асосларини ишлаб чиқиш ҳамда йиллик бюджетни шакллантиришнинг янги «натижага йўналтирилган бюджет» тизимини жорий этиш;

макрофискал прогнозлар ишончлилигини таъминлаш бўйича институционал салоҳиятни ва бюджет жараёни иштирокчиларининг масъулиятини ошириш;

бюджет маблағларини тақсимловчилар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг бюджет соҳасидаги ваколатларини ва ҳисобдорлигини ошириш ҳамда уларнинг масъулиятини кучайтириш;

фискал таваккалчиликларни баҳолаш, молиявий активлар ва мажбуриятлар ҳисобини юритиш ҳамда уларни самарали бошқариш тизимини жорий этиш;

бюджет ҳисоби стандартларини унификация қилиш, ички назорат ва аудит тизимини такомиллаштириш орқали молиявий интизомни мустаҳкамлаш;

бюджет маълумотларининг очиқлиги, тўлиқлиги ва халқаро стандартларга мослигини таъминлаш;

бюджет жараёни устидан парламент ва жамоатчилик назоратини кучайтириш.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига 2020 — 2024 йилларда давлат молиясини бошқариш тизимини такомиллаштириш стратегиясини тасдиқлаш учун икки ой муддатда халқаро молиявий институтларнинг таклифларини инобатга олган ҳолда Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритиш мажбурияти юкланган.

2. Вазирлар Маҳкамаси, вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг бюджет-молия соҳасидаги асосий вазифалари қуйидагилар:

солиқ солиш объектлари ва солиқ солинадиган базани тўлиқ қамраб олиш, солиқлар йиғилиши даражасини ошириш, мавжуд захираларни сафарбар этиш ва янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш орқали тегишли бюджет даромадлари прогнозининг бажарилишини таъминлаш;

бюджет маблағларидан мақсадли ва оқилона фойдаланиш ҳамда уни тежаш, бюджет интизомини мустаҳкамлаш, бюджет маблағларидан фойдаланишнинг натижадорлиги бўйича ҳисобдорлик тизимини кучайтириш;

биринчи навбатда молиялаштириладиган (иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, озиқ-овқат, дори-дармон ва коммунал хизматлар) харажатларни ўз вақтида молиялаштириш ва кредитор қарздорликка йўл қўймаслик;

объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмаларни амалга ошириш учун назарда тутилган маблағларни, биринчи навбатда, олдинги йиллардан ўтувчи объектларни ишга туширишга йўналтириш;

Ўзбекистон Республикаси номидан ва Ўзбекистон Республикаси кафолати остида олинадиган ташқи қарз маблағларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг долзарб чора-тадбирларини молиялаштиришга йўналтириш ҳамда улардан самарали фойдаланиш орқали натижадорликни таъминлаш.

Сўнгги йилларда давлат бюджети харажатлари ичида асосий ўринни ижтимоий мақсадлардаги харажатлар ташкил қилмоқда.

1-жадвал

Давлат бюджети харажатлари (мақсадли фондларсиз) тўғрисида маълумот[1]

Кўрсаткичлар	2017 йил		2018 йил		2019 йил	
	млрд. сўм	фоизда	млрд. сўм	фоизда	млрд. сўм	фоизда
Давлат бюджети харажатлари	49343,68	100	62170	100	118008,6	100
Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари	27223,31	55,17	35034	56,35	63542,3	53,85
ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини ривожлантириш учун маблағ ва грантлар	12,0	0,02	15	0,02	37,8	0,03
Иқтисодиёт харажатлари	5280,74	10,70	6957,8	11,19	18481,0	15,66
Марказлашган инвестицияларни молиялаштириш	3234,71	6,56	3047,6	4,90	7048,5	5,97
Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, суд органлари харажатлари	1931,12	3,91	2409,5	3,88	5319,3	4,51
Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари	498,6	1,01	640,5	1,03	701,0	0,59
Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси	312,2	0,64	520,2	0,84	985,4	0,84
Бошқа харажатлар	10851,1	21,99	13545,4	21,79	21893,3	18,55

Мамлакатимизда ижтимоий соҳаларни жадал ривожлантиришга 2017-2019 йилларда ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Чунончи, 2017 йилда давлат бюджети жами харажатларининг асосий қисми, яъни 55,17 фоизи ижтимоий

[1] Moliya Vazirligi sayti (mf.uz) asosida tayyorlandi.

соҳа ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш чора-тадбирларини амалга оширишга йўналтирилди, унинг 58,70 фоизи таълим, 26,93 фоизи соғлиқни сақлаш соҳаларини молиялаштиришга сарфланди.

2018 йилда давлат бюджети жами харажатларининг 56,35 фоизи ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш чора-тадбирларини амалга оширишга йўналтирилди, унинг 55,67 фоизи таълим, 27,29 фоизи соғлиқни сақлаш соҳаларини молиялаштиришга сарфланди.

2019 йилда давлат бюджети жами харажатларининг 53,85 фоизи ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш чора-тадбирларини амалга оширишга йўналтирилди, унинг 52,78 фоизи таълим, 23,57 фоизи соғлиқни сақлаш соҳаларини молиялаштиришга сарфланди.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантириш, иқтисодий-ижтимоий барқарорликни таъминлаш ва миллий иқтисодиётда инвестистион фаолликни рағбатлантириш давлат бюджети вазифаларида алоҳида ўрин эгаллайди. Мамлакатимизда давлат бюджети даромадлари ва харажатлари бўйича олиб борилаётган бюджет сиёсати ҳозирги давр талабларига жавоб беради. Давлат бюджети ва унинг таркибий қисми ҳисобланган давлат мақсадли жамғармалари мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишига кўмаклашади. Ғазначиликда давлат мақсадли жамғармаларининг долзарблиги сақланиб қолади,чунки:

— жамғармалар бюджет орқали давлатнинг иқтисодиётга аралашувига имкон беради ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб- қувватлайди;

— жамғармаларнинг мақсади уларнинг маблағларидан самарали фойдаланишни давлат томонидан назорат қилишни енгиллаштиради;

— маълум ҳолда (ижобий салдо мавжудлигида) жамғармаларнинг маблағи бюджет тақчиллигини қоплаш учун жалб қилинади.

Бюджет мамлакат иқтисодиётининг асосий ўзаги бўлиб хизмат қилади. Иқтисодиётни модернизастиялаш шароитида бюджетни ижтимоий йўналтирилган харажатларини таъминлаш, фуқароларни ижтимоий ҳимоя килиш тизимини манзиллигини кучайтириш ва давлат дастурларини маблағ билан таъминлаш механизмининг самарадорлигини ошириш мақсадга мувофиқ бўлади. Ўзбекистон Республикаси тараққиётининг бугунги босқичида иқтисодиётни барқарор ва мутаносиб ривожлантириш асосида изчил иқтисодий ўсишни таъминлаш, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва фаровонлигини янада оширишдаги вазифаларни тўлиқ бажариш учун ғазначилик тизимида давлат мақсадли жамғармаларини бошқариш механизмини такомиллаштириш зарур.

О.М.Эсанов – СамИСИ ассистенти

САВДО ТАШКИЛОТЛАРДА ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР МУЛКИНИ ИЖАРАГА ОЛИШГА ОИД ОПЕРАЦИЯЛАР ҲИСОБИНИНГ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

Аннотация: мақолада савдо ташкилотларда жисмоний шахслар мулкини ижарага олишга оид операциялар ҳисобининг методологик асослари ёритилган.

Калит сўзлар: савдо ташкилотлар, жисмоний шахслар мулки, мулкни ижарага олиш, ижара тўлови, ижара тўловини солиққа тортиш, ижарага оид операциялар ҳисоби.

Рақамли иқтисодиёт шароитда кўплаб кичик бизнес субъектларида, чунончи савдо ташкилотлардаги асосий муаммолардан бири бўлиб фаолиятни юритиш учун керакли бўлган мулкни, чунончи офис ва сотиш учун бинолар, таварларни ташиш учун транспорт воситалари, хусусий автотранспорт воситалари, чунончи транспорт воситаларини сақлаш иншоатлари (гараж) ва бошқаларнинг етишмаслиги ҳисобланади. Бундай муаммоларни ҳал этишнинг асосий йўлларидан бири бўлиб жисмоний ва юридик шахслар мулкини вақтинчалик жорий ижарага олиш ҳисобланади.

Қуйида савдо ташкилотларда бир вақтда ўз ходимлари бўлиб ҳисобланган жисмоний шахслар мулкини ижарага олиш бўйича операциялар ҳисобининг методологик асосларига тўхталамиз.

Савдо ташкилотларда бир вақтнинг ўзида уларнинг ходимлари ҳисобланган жисмоний шахслар мулкини жорий ижарага олиш бўйича бухгалтерия ҳисобининг асосий объектлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- жорий ижарага олинган мулк;
- жорий ижара бўйича келишув (шартнома) қиймати;
- жорий ижара бўйича харажатлар суммаси;
- жорий ижара бўйича ходимларга ҳисобланган мулкий наф тарзидаги даромад суммалари;
- жорий ижара бўйича ходимлар даромадидан ундириладиган солиқ суммаси;
- жорий ижара бўйича ходимларга тўланган сумма;
- жорий ижара бўйича ходимлар олдидаги қарздорлик суммаси.
- жорий ижара бўйича ходимларга ҳисобланган мулкий наф тарзидаги даромад ҳамда ундан ушланадиган солиқнинг молиявий ва солиқ ҳисоботларида акс эттириладиган суммалари.

Юқоридагиларнинг барчаси корхоналарда жорий ижара бўйича ўз ходимлари билан бўладиган ҳисоблашишларни ўзига хослигидан дарак беради. Изланишлар ўз ходимлари мулкини жорий ижарага олиш ҳолларининг борган сари кўпайиб бораётганлигини, мазкур операциялар ҳисобини юритиш тартибларини меъёрий ҳужжатларда махсус

белгиланмаганлиги сабабли уларни хўжалик юритувчи субъектларда ҳисоб ва ҳисоботда турлича акс эттирилаётганлигини кўрсатмоқда. Шунингдек, амалиётда жисмоний шахслар ҳисобланган ходимлар мулкини корхона томонидан ижарага олишда тўланадиган ходимнинг мулкий наф тарзидаги даромадларини солиққа тортишда ҳам бухгалтер ва аудиторлар томонидан чалкамликларга йўл қўйилмоқда. Буларнинг барчаси хўжалик юритувчи субъектлар учун ушбу операциялар ҳисобининг яхлит методологик тартибларини меъёрий ҳужжатларда, чунончи Солиқ кодексида, “Харажатлар таркиби тўғрисида низом”да, 21-сон сон БҲМС “Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома” да махсус белгилашга зарурат борлигидан дарак беради.

Жисмоний шахслар ҳисобланган ходимлар мулкини корхона томонидан ижарага олишда корхонада асосан иккита турдаги мажбурият вужудга келади. Булар:

1) ходим олдида унга тўланадиган ижара ҳақи суммаси бўйича мажбурият;

2) бюджет олдида ходим мулкий нафи ҳисобланган ижара ҳақидан тўлов манбаида ушланадиган даромад солиғи суммаси бўйича мажбурият;

Ходим олдида унга тўланадиган ижара ҳақи бўйича мажбурият деганда корхона томонидан ходимга мулкни жорий ижарага бериш тўғрисидаги шартнома асосида тўлаш бўйича вужудга келадиган мажбурият тушунилади. Ушбу мажбурият суммаси ижарага олинган кўчмас мулк объектлари бўйича ижарага берилган майдонини бир бирлик майдон учун келишилган тўлов ҳақига кўпайтириш орқали топилади, яъни:

Иҳ = ИМҳ* Бб.б.м.

Бу ерда: **Иҳ –** ижара ҳақи; **ИМҳ-** ижара майдони ҳажми; **Бб.б.м.-** бир бирлик майдон учун тўлов ҳақи.

Юқоридаги жисмоний шахслар мулкини ижарага беришдан оладиган даромадларининг минимал миқдорлари уларнинг бир бирлиги учун ҳар йил учун республикамиз Президенти қарори билан тасдиқланадиган давлат бюджети параметрларида белгиланади. Чунончи, 2020 йил учун жисмоний шахслар мулкини ижара беришдан олинадиган даромадларнинг давлат бюджети параметрларида минимал миқдорлари бино ва иншоатлар ҳамда транспорт воситалари бўйича қуйидагича белгиланган (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал

Мол-мулкни ижарага берувчи жисмоний шахслар учун белгиланган ижара тўловининг энг кам СТАВКАЛАРИ (2020 йил учун)

	Ижарага бериладиган мол-мулк тури	***Белгиланган ставка миқдорини тавсифловчи***	***Ойлик ижара тўлови ставкаларининг энг кам миқдорлари, сўмда***

		кўрсаткич	***Тошкент ш.***	***Нукус ш. ва вилоят марказларидаги шаҳарлар***	***бошқа аҳоли пунктлари***
	Уй-жойлар:				
	турар жой	умумий майдоннинг 1 кв.метри учун	12000	7 500	3 500
	нотурар жой		25 000	15 000	6 500
	Автомобиль транспорти:				
	енгил автомобиль (йўловчилар, багаж ташишга мўлжалланган ҳамда ҳайдовчи ўрнини ҳисобламаганда, ўриндиқлари сони 8 тадан кўп бўлмаган автотранспорт воситаси)	1 та автотранспорт воситаси учун	500 000,0		
	микроавтобуслар, автобуслар ва юк автомобиллари		1000 000,0		

Изоҳ: *Мазкур ставкалар жисмоний шахсларнинг мол-мулкни ижарага беришдан олинган даромадларига солиқ солиш мақсадида қўлланилади.*

Бюджет олдида ходим учун мулкий наф ҳисобланган ижара ҳақидан тўлов манбаида ушланадиган даромад солиғи суммаси бўйича мажбурият деганда ходимга ҳисобланган ижара ҳақи кўринишидаги даромаддан бюджет фойдасига ушлаб қилинадиган солиқ суммаси тушунилади. Ушбу мажбурият суммаси ижара ҳақи суммасини ундириладиган солиқ ставкасига кўпайтириш ва 100 фоизга бўлиш орқали топилади, яъни:

Идс = Иҳ*Дсс

Бу ерда: **Идс** – ижара ҳақидан ундириладиган даромад солиғи суммаси; **Иҳ-** ижара ҳақи; **Дсс-** ижара ҳақидан ундириладиган даромад солиғи ставкаси.

Республикамизнинг солиқ қонунчилиги ҳужжатларига мувофиқ ходимларнинг моддий наф кўринишидаги ижарадан олган даромадлари тўлов манбаида 2019 йилнинг 1 январигача энг кичик ставкада солиққа тортилар эди. Чунончи, ушбу ставка 2017 йилда 8 %ни, 2018 йилда 7,5 %ни ташкил этган. 2019 йилнинг 1 январидан бошлаб эса ходимларнинг моддий наф кўриниши-даги ижарадан олган даромадлари тўлов манбаида умумбелгиланган 12 %лик ставкада солиққа тортилади.

Жисмоний шахслар ҳисобланган ходимларнинг мулкини ижарага олиш бўйича уларга ҳисобланган даромад ва даромад солиғи ҳисоб-китоби меъёрий ҳужжатларда махсус белгиланмаган. Фикримизча, ушбу ҳисоб-

китоб шаклини ҳамда уни тузиш тартибини меъёрий ҳужжатларга киритиш фойдадан холи бўлмайди.

Корхона ходимлари бўлган жисмоний шахсларга мулкни ижарага бериш бўйича ҳисобланадиган даромад, ушбу даромаддан тўлов манбаида ушлана-диган даромад солиғи ҳамда ходимнинг соф даромади тўловини счётларда акс эттирилиши қуйидагича акс эттирилиши лозим (2-жадвалга қаранг).

2-жадвал

Корхона ходимлари бўлган жисмоний шахсларга мулкни ижарага бериш бўйича ҳисобланадиган даромад, ушбу даромаддан тўлов манбаида ушланадиган даромад солиғи тўловини счётларда акс эттирилиши

	Операция мазмуни	**Бухгалтерия ёзуви**		
		Дебет	**Кредит**	**Сумма**
	Жисмоний шахсларга мулкни ижарага бериш бўйича ҳисоб-ланган даромад суммасига	2010, 2310, 2510, 9410, 9420	6990	10 000 000
	Жисмоний шахсларга мулкий нафидан тўлов манбаида ушланган даромад солиғи суммасига	6990	6410	1 200 000
.	Жисмоний шахсларга ўтказиб берилган соф даромад сусммасига мулкий нафидан тўлов манбаида ушланган даромад солиғи суммасига	6990	5110	1 200 000

Фикримизча, юқорида келтирилган таклиф ва тавсияларимиз корхона ходимлари бўлган жисмоний шахсларга мулкни ижарага бериш бўйича ҳисобланадиган даромад, ушбу даромаддан тўлов манбаида ушланадиган даромад солиғи ҳамда ходимнинг соф даромади тўловига доир ҳисоб-китобларни тўғри амалга оширишга ҳамда уларни ҳисоб ва ҳисоботда реал акс эттиришга имкон беради.

А.С. Рамазонов– Тошкент Молия институти, “Бюджет ҳисоби ва ғазачилик иши” кафедраси, ўқитувчи

ЯГОНА ҒАЗНА ҲИСОБВАРАҒИДАГИ МАБЛАҒЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация: Ушбу тезисда Ўзбекистон Республикасида бюджет маблағларидан самарали фойдаланишни амалга ошириш назарий жиҳатдан тадқиқ этилган. Давлат молиясини бошқаришни соҳасида молиявий ресурсларни самарали бошқариш тизимини янада ислох қилишда янги иновацион ғоялар ҳамда ривожланган давлатлар тажрибаларини қўллашнинг зарурлиги ҳамда унда белгиланадиган устувор йўналишлар ва асосий вазифалар бўйича илмий тавсиялар келтирилган.

Калит сўзлар: Бюджет ташкилоти, давлат молияси, ягона ғазна ҳисобварағи, бюджетдан ташқари маблағлар, молиявий бошқариш механизми, молиявий бошқариш воситалари, ривожлантириш стратегияси, ахборот коммуникациялари.

Ўзбекистон Республикасида бюджет маблағларидан самарали фойдаланишни амалга ошириш мақсадида очилган Марказий банкда Молия вазирлигининг ягона ғазна ҳисобварағи (ЯҒҲ) да Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармалари, бюджет мақсадли жамғармалари бюджетларига тўланадиган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар кирим қилинади ва қонун ҳужжатларига мувофиқ равишда Ўзбекистон Республикасининг консолидацияланган бюджет тизими бюджетлари даромадларида акс этади. Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳам мазкур ташкилотларга тушумлар сифатида ягона ғазна ҳисобварағига кирим қилинади ва акс эттирилади.

Давлат молиясини бошқаришни соҳасида молиявий ресурсларни самарали бошқариш тизимини янада ислох қилишда янги иновацион ғоялар ҳамда ривожланган давлатлар тажрибаларини қўллаган холда Давлат бюджети маблағларини самарали бошқаришни ташкил этиш хозирги куннинг мухим устивор вазифаларидан биридир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йилнинг апрелида Россия Федерациясига ташрифи давомида Москва шахрида Россия Федерал Ғазначилиги ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ўртасида техник ҳамкорлик тўғрисида имзоланган меморандум доирасида Давлат бюджети даромад ва харажатларини кассали режалаштиришни тартибга солиш масалари бўйича ишлаб чиқилган йўл харитаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси томонидан тасдиқланиб, ҳозирда хорижий тажрибаларни ўрганган холда Молиявий ресурсларни самарали бошқариш тизимида бир қатор амалий ишлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси вазирлар маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси молия вазирлигининг ягона ғазна ҳисобварағидаги маблағларни бошқаришни тартибга солиш тўғрисида”ги 2018-йил 22-майдаги 383-сонли қарорига асосан Молия вазирлиги Ғазначилиги Ягона ғазна ҳисобварағидаги вақтинча бўш маблағларни тижорат банклари депозитларига жойлаштириш бўйича ягона ваколатли орган этиб белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ягона ғазна ҳисобварағидаги вақтинча бўш маблағларни жойлаштириш тартиби тўғрисидаги низомга кўра:

илгари жойлаштирилган вақтинча бўш маблағлар депозит муддати тугагунига қадар тижорат банкларининг депозит хисобварақларида сақланади ва депозит шартномасида белгиланган муддатларда қайтарилади;

бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчилар, шу жумладан ғазна ижроси билан қамраб олинган бюджетдан ташқари жамғармалар вақтинча бўш маблағларини тижорат банклари депозитларига Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ғазначилигига буюртмалар тақдим этиш йўли билан жойлаштирадилар.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ЯҒҲ даги вақтинча бўш маблағларни жойлаштириш тартиби тўғрисидаги низомга кўра, Молия вазирлиги Ғазначилиги ва Марказий банк ўртасида тузиладиган шартномага асосан Марказий банк Молия вазирлигининг ЯҒҲдаги маблағларни тижорат банклари депозитларига жойлаштириш бўйича фискал агент вазифасини амалга оширади.

ЯҒҲдаги маблағларни депозитларга жалб қилиш мақсадида, тижорат банклари Ғазначилик билан умумий талабларни ва маблағларни депозитларга жойлаштириш тартибини белгиловчи бош шартнома тузади. ЯҒҲдаги маблағларнинг ҳисобини юритилиши, ўз вақтида қайтарилиши ва фоизларнинг ҳисобланишини назорат қилишни ташкил этиш мақсадида ғазначилик томонидан “Тўловлар маркази” дастурий маҳсулотидан фойдаланилади.

ЯҒҲдаги бўш маблағлар тижорат банклари депозитларига ғазначиликнинг буюртмаси асосида Марказий банк томонидан жойлаштиради. Ғазна ижроси билан қамраб олинган Давлат мақсадли жамғармалари ва бошқа мақсадли жамғармалар (ДМЖ ва БМЖ) шунингдек бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг ўзининг вақтинча бўш маблағларини тижорат банклари депозитларига ғазначиликка буюртмалар тақдим этиш йўли билан жойлаштирадилар. Ҳудудий ғазначилик бўлинмалари бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг вақтинча бўш маблағларни жойлаштириш бўйича буюртмаларини ички электрон каналлар орқали юборадилар.

ЯҒҲдаги маблағларни жойлаштириш Марказий банк томонидан қайтарувчанлик, тўлов қобилияти, ликвидлилик ва диверсификация тамойили асосида ЎзРВБ томонидан ўрнатилган биржа савдолари

қоидаларига мувофиқ ҳолда савдо тизими орқали амалга оширилади. Марказий банк битта тижорат банки томонидан депозитга жалб этилиши мумкин бўлган маблағ ҳажмининг лимитини ўрнатишга ҳақлидир.

Тижорат банкларининг депозитларига ЯҒҲдаги вақтинча бўш маблағларни жойлаштиришда тижорат банклари қуйидаги асосий талабларга мос бўлишлари лозим:

- ҳар йиллик ташқи аудит ижобий хулосасининг мавжудлиги;

-тижорат банкида Молия вазирлиги ғазначилиги томонидан илгари жойлаштирилган депозитлар бўйича муддати ўтказиб юборилган қарздорликнинг йўқлиги.

“Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ЯҒҲдаги вақтинча бўш маблағларни депозитларга жойлаштириш тартиби тўғрисида” ги низом талабларга жавоб берувчи, вақтинча бўш маблағлар депозитларига жойлаштирилиши мумкин бўлган тижорат банкларини аниқлаш, Молия вазирлиги Ғазначилиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг тегишли ахборот тизимида эълон жойлаштириш йўли билан ўтказилган танлов натижаларига асосан аниқланади.

Давлат мақсадли жамғармалари ва бюджетдан ташқари бошқа жамғармалар, шунингдек, бюджет ташкилотлари вақтинча бўш маблағларни тижорат банклари депозитларига ўзлари мустақил ёки ўз хоҳишлари билан Ғазначилик бўлинмаларига депозитга жойлаштириш учун вақтинча бўш маблағлар ҳажми ва жойлаштириш муддати мажбурий тартибда кўрсатилган буюртманомалар тақдим этиш йўли билан жойлаштиришлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари тижорат банклари депозитларига бир молия йили доирасида, давлат мақсадли жамғармалари ва бюджетдан ташқари бошқа жамғармалар, шунингдек, бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари тижорат банклари депозитларига 12 ойгача муддатга жойлаштирилади.

Молия вазирлиги Ғазначилиги танлов бошланишидан кечи билан бир кун аввал танлов иштирокчиларига қўйиладиган талаблар, маблағ ҳажми, минимал фоиз ставкаси, депозит муддати, танловнинг тугаш санаси, вақти ва танлов бўйича бошқа талабларни кўрсатган ҳолда эълон жойлаштиради.

ЯҒҲ маблағларини жойлаштириш бўйича битими амалга ошгандан сўнг, савдо тизими битимни рўйхатдан ўтказилиб унга рўйхат рақами берилиб, битим амалга ошганлигини тасдиқловчи ва депозитга жойлаштириш учун ўзаро ҳисоб-китобларни амалга оширишга асос бўлиб хизмат қилувчи биржа гувоҳномасини Марказий банк ва тижорат банкларига тақдим этади.

Депозит операциялари якунлангандан сўнг, Марказий банк биржа гувоҳномаси ва тузилган битимлар бўйича йиғма маълумотни Ғазначиликка юборади.

Ғазначилик томонидан ЯҒҲдаги маблағларни жойлаштириш бўйича депозит операциялари амалга оширилгандан сўнг кейинги иш кунидан кечиктирмасдан биржа гувоҳномалари асосида ЯҒҲдаги маблағларни

тегишли ғазна шахсий ҳисобрақамларидан тижорат банкларининг депозит ҳисобрақамларига кўчириб берилади.

ЯҒҲдаги вақтинча бўш маблағларини тижорат банкларининг депозитларига жойлаштиришдан олинган даромадларнинг 80 фоизи — Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети даромадига, 20 фоизи — Ўзбекистон Республикаси молия тизимини ижтимоий ривожлантириш ва ходимларни моддий рағбатлантириш жамғармасига ажратилади.

Бунда вақтинча бўш маблағларни жойлаштиришдан Ўзбекистон Республикаси Ўзбекистон Республикаси молия тизимини ижтимоий ривожлантириш ва ходимларни моддий рағбатлантириш жамғармасига олинган даромадлардан фойдаланиш фақат Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг қарори бўйича амалга оширилади.

ДМЖ ва БМЖ, шунингдек бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг вақтинча бўш маблағларини тижорат банклари депозитларига жойлаштиришдан олинган даромадлар икки иш куни мобайнида тўлиқ уларнинг тегишли ғазна ҳисобварақларига ўтказилади.

Тижорат банклари депозитларига жойлаштирилган вақтинча бўш маблағлардан олинган даромадлардан фойдаланиш ва фоиз сифатида олинган даромадларни солиққа тортиш Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси ва бошқа қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Хулоса қилиб айтганда, амалга оширилаётган ислоҳотлар давлат бюджети маблағаридан мақсадли фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва ундан даромадли дивидендлар олишни таъминлайди.

Жумладан, қабул қилинган норматив хужаатларга асосан қуйидаги ишлар амалга оширилиши режалаштирилган:

1. Ахборот комуникациялардан кенг фойдаланган холда Давлат бюджетига келиб тушиши кутилаётган даромадларни кассали режалаштиришни тартибга солиш натижасида Республика ва маҳаллий бюджетларнинг даромадлар базасини кенгайтириш;

2. Ахборот комуникациялардан кенг фойдаланган холда даромад ва харажатларни кассали режалаштиришни тартибга солиш натижасида Республика ва махаллий бюджетларнинг харажатларини амалга оширишда касса узилишини олдини олиш.

Бунда Давлат бюджети даромадларини кассали режалаштиришда Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси ва бошқа ваколатли органлардан кунлик, ойлик ва йиллик кутилаётган тушумлар бўйича маълумотларни олиш ва ушбу даромадлар келиб тушишига қараб харажатларни тўлаш учун рухсатномалар бериш;

3. Ахборот коммуникациялардан кенг фойдаланган даромад ва харажатларни кассали режалаштиришни тартибга солиш натижасида ягона ғазна ҳисобрақамидаги вақтинча бўш маблағларни тижорат банклари депозитларига жойлаштириш бюджетга қўшимча даромадлар келиб тушишини таъминлаш;

4.Молия вазирлиги ДМБАТ тизимини ва Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси ва бошқа ваколатли органларнинг ахборот тизимлари ўртасида ўзаро маълумот алмашинувини янада такомиллаштириш натижасида солиқ тўловчи юридик ва жисмоний шахсларни солиқ турлари бўйича хисобланган солиқларига қараб ундиришни ташкил этиш.

Холиқулов О.Х – СамИСИ PhD докторанти
М.М.Қурбонова- Равонак қурилиш ва саноат касб хунар коллежи иқтисодиёт фан уқитувчиси

ҚУРИЛИШ МАШИНА-МЕХАНИЗМЛАРИ БАЖАРГАН ИШ, ХИЗМАТЛАР ТАННАРХИ ҲИСОБИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Аннотация: *Ушбу мақолада қурилиш ташкилотларида машина-механизмлар томонидан бажарилган иш (хизмат)лар таннархи ҳисобининг назарий асослари тадқиқ этилган.*

Калит сўзлар: *ҳаражатлар ҳисоби, қурилиш ташкилотлари, бухгалтерия ҳисоби, маҳсулот, харажат, таннарх,бажарилган иш.*

Республикамиз рақамли иқтисодиёти ҳамда иқтисодий барқарорлиги ва аҳолининг муносиб ҳаёт кечиришини таъминлашда давлат органлари, хўжалик юритувчи субъектлар (қурилиш ташкилотлари) ва жисмоний шахслар учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, уларнинг қурилиш объектларидан самарали фойдаланиш масаласи алоҳида ўрин тутади.

Шу сабабли ўтган давр мобайнида қурилиш ташкилотлари ҳаракати, улар фаолиятини ҳар томонлама қўллаб қувватлаш, қурилиш машина-механизмлари томонидан иш (хизмат)ларни бажаришда бир қатор ислоҳотлар амалга оширилди. Натижада қурилиш ташкилотларида машина-механизмлар томонидан бажариладиган иш (хизмат) лар қурилиш ташкилотининг пировард маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи асосий субъектларга айланди.

Энг асосийси, бу ислоҳотлар натижасида халқимиз учун фаровон ва муносиб турмуш шароитини яратиб беришимиз керак. Бу ғоят долзарб ишларни ўзимиз қилмасак, ҳеч ким бизга четдан келиб қилиб бермайди[1].

Ўтказилган ислоҳотлар туфайли 2018-2019 йилларда 3700 та қурилиш лойиҳаси амалга оширилган[2]. Айтиш жоизки, айни вақтда амалга оширилган ишлар таҳлили шундан далолат берадики, қурилиш соҳасида эришилган ютуқлар билан бирга ўз ечимини топмаган ва бартараф этилмаган бир қатор муаммо ва камчиликлар анчаси тўпланиб қолган.

Қурилиш соҳасида машина-механизмлар иш (хизмат)ларни бажариш каби кўп тармоқли фаолиятини йўлга қўйишда, қурилиш ташкилотларини

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 24.01.2020 й. www.lex.uz.
[2] kun.uz расмий саҳифаси 2020 йил, 14 февраль

моддий-техник ресурслари билан таъминлаш ва уларга хизмат кўрсатишда, қурилиш соҳасида машина-механизмларини ижобий таъминлашда ҳам муаммолар мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Қурилиш-пудрат ташкилотлари рейтингини аниқлаш ва юритиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш” ги Қарори ана шундай муаммоларни ҳал қилиш ва 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган устувор вазифаларни ижро этиш мақсадида қабул қилинди. Ушбу меъёрий-ҳуқуқий хужжатда қурилиш ташкилотига тегишли ишлашга яроқли машина ва механизмлари мавжудлиги алоҳида ҳисобга олинган, жумладан:

1-жадвал[1]

	Қурилиш-пудрат ташкилотлари-нинг номи	**қурилиш транспорти (та)**		**Эксковатор (V чўмичли - 0,5 - 1,5 м3) (та)**		**10-25 тонна юк кўтарадиган авто-кран (та)**		**минорали кран (та)**		**кичик механизация воситалари (та)**	
		сони	балл	сони	балл	сони	балл	сони	балл	сони	балл
	Комплекс										
	Ихтисослаш-тирилган										
	Кичик										

Қайд этиш жоизки, қурилиш ташкилотларида меҳнат муносабатларини ташкил этиш ҳолати бугунги кун талабларига жавоб бермайди, уларнинг фаолиятида замонавий қурилиш машина-механизмларидан фойдаланишда бир қатор муаммолар сақланиб қолмоқда.

Шу муносабат билан, ҳукумат томонидан қурилиш ташкилотлари самарадорлиги ва рентабеллигини оширишда, айниқса қурилиш машина-механизмларини тубдан замонавийлаштиришда бозор инфратузилмаларини, инновацияларни, илм-фан ютуқларини кенг жорий этиш, шунингдек қурилиш соҳасида меҳнат муносабатларини янада такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилмоқда.

Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш шароитида қурилиш ташкилотларида қурилиш машина-механизмлар бажарган иш (хизмат) лар

[1] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Қурилиш-пудрат ташкилотлари рейтингини аниқлаш ва юритиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш ҳақида” Қарори. ID-10056.26.11.2019 й.

таннарх харажатларини тўғри ташкил этиш муҳим ва долзарб масала ҳисобланади. Қурилиш ташкилотларида ишлаб чиқариш харажатлари ва таннархни таҳлил қилиш энг қийин жараёнлардан бири бўлиб ҳисобланади. Бунинг асосий сабабларидан бири харажатларни жуда чалкашиб кетганлиги ва уларни ҳисобга олишнинг мураккаблиги ҳисобланади. Харажатларни таснифланишига ҳисоб тизимида алоҳида эътибор қаратишимиз лозимдир.

Қурилиш ташкилотларида харажатлар ҳисобини тўғри ҳисобга олиш асосий объектлардан бири бўлиб ҳисобланади. Бухгалтерия ҳисобида харажатлар ҳисобида айнан таннарх харажатларига алоҳида мезонларига аҳамият беришини талаб этади.

Б.Боронов - СамИСИ, таянч докторант

МОЛИЯВИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ ТАСНИФИ ВА УЛАРНИ МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТДА АКС ЭТТИРИШ

Аннотация: Мақолада инвестицияларнинг таърифи, молиявий инвестицияларнинг молиявий актив сифатидаги турлари ва уларни молиявий ҳисоботда акс эттириш масалалари ёритилган.

Таянч сўзлар: инвестиция, молиявий инвестиция, қайта сотишга мўлжалланган инвестиция, тўлангунга қадар ушлаб туриладиган инвестиция, сотиш учун мақбул бўлган инвестиция.

Инвестициялар деганда, дивиденд ёки фоизлар кўринишида ҳамда қайта баҳоланишидан даромад олиш мақсадида инвестиция объектига таваккалчилик асосида моддий ва номоддий ресурслар ва уларга бўлган ҳуқуқларни киритиш тушунилади.

Ўзбекистон Республикаси “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти” тўғрисидаги Қонуннинг янги таҳрирининг 5-моддаси қуйидагича ёритилган: “Инвестициялар мўлжалланган объектига кўра капитал, молиявий ва ижтимоий турларга бўлинади.

Асосий фондларни яратиш ва такрор кўпайтиришга, шу жумладан янги қурилишга, модернизация қилишга, реконструкция қилишга, техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга, шунингдек моддий ишлаб чиқаришнинг бошқа шаклларини ривожлантиришга киритиладиган инвестициялар капитал инвестициялар жумласига киради.

Акциялар, корпоратив, инфратузилмавий ва давлат облигацияларига, шунингдек қимматли қоғозларнинг бошқа турларига киритиладиган инвестициялар молиявий инвестициялар жумласига киради.

Инсон салоҳиятини, кўникмаларини ва ишлаб чиқариш тажрибасини ривожлантиришга, шунингдек номоддий бойликларнинг бошқа шаклларини ривожлантиришга киритиладиган инвестициялар ижтимоий инвестициялар жумласига киради.” [1]

Юқорида таъкидланганидек, инвестициянинг энг муҳим ва асосий турларидан бири молиявий активлар гуруҳига кирадиган молиявий инвестициялар ҳисобланади.

Молиявий инвестицияларни бозор қийматига эга бўлган молиявий актив сифатида қуйидагича таснифлаш мумкин бўлинади (1-расм):



1-расм. Бозор қийматига эга бўлган инвестициялар категориялари

Қайта сотишга мўлжалланган (Helt-for Trading-HFD) молиявий активларга мисол қилиб, қарзли ва ҳиссали қимматбаҳо қарзларни (акциялар ва облигациялар) киритиш мумкин, қайсики компания уларни 90 кун ичида сотишни режалаштиради. Уларни сотиш билан боғлиқ молиявий натижалар (фойда/зарарлар) фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботда акс эттирилади. Молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда бундай молиявий активлар бозор қийматида, яъни адолатли қийматида акс эттирилади.

Тўлангунга қадар ушлаб туриладиган (Held-to–Maturing-HTM) молиявий активларга авваламбор, облигациялар киради. Улар қайта сотиш учун мўлжалланмаган бўлади. Бундай активлар тўлангунга қадар бўлган муддатда ушлаб турилади. Мисол учун, облигация 5 йил муддат ичида чиқарилган бўлса, бизнес-моделнинг мақсади асосий қарзи ва фоизлари ҳисобидан пул маблағларини шаклантириш бўлиб ҳисобланади. Ушбу облигациялар муддатидан олдин тўланиши талаб этилмайди. Молиявий активлар амортизацияланадиган қийматида молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда акс эттирилади. Улар бўйича реализация қилинган даромадлар, масалан, фоизлар молиявий даромад сифатида фойда ва зарарларда акс эттирилади. Уларнинг адаолатли қиймати бўйича ўзгариши, фақат активларнинг қадрсизланиши ҳолатидан ташқари молиявий натижаларда акс эттирилмайди.

Сотиш учун мақбул бўлган (Available–for–Sale–AFS) активларга биринчи категория ҳамда иккинчи категорияга ҳам оид бўлмаган активлар киради. Фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботда фақат реализация қилинган фоиз даромадлари ва улар бўйича дивидендлар акс эттирилади. “HTM” дан фарқли ўлароқ, ушбу қимматли қоғозлар ҳисобот тузаётган санада жорий бозор қиймати, яъни адолатли қиймати бўйича молиявий ҳолат

тўғрисидаги ҳисоботда акс эттирилади. Бунда, олдинги бозор қиймати билан кейинги баҳоланган бозор қиймати ўртасидаги фарқ “Бошқа тўплам даромадлар”да акс эттирилади.

25-сон БҲХС “Инвестициялар” стандарти бекор қилинди. Сабаби, молиявий инвестициялар молиявий актив сифатида таснифланиб, уларни тан олиш, баҳолаш ва молиявий ҳисоботларда акс эттириш тартиби 32-сон “Молиявий инструментлар: тақдим қилиш”, 9-сон МҲХС “Молиявий инструментлар” стандартларида белгиланиб берилди. 12-сон МҲХС “Бошқа ташкилотларда қатнашиш тўғрисида ахборотларнинг очиқланиши” тўғрисидаги стандартда [2] бошқа ташкилотларда қатнашиши тўғрисида қуйидаги ахборотлар очиқланиши шартлиги кўрсатилган (1-жадвал):

1-жадвал

Бошқа ташкилотлар фаолиятига қатнашиш шаклларининг тавсифи

(i) шўъба ташкилотларга;	Амалдаги тажрибаларга мувофиқ бунда боғлиқ томон устидан тўлиқ назоратни ушлаб туради ва барча овоз бериш ҳуқуқидаги акцияларнинг 50% дан ортиғига эга бўлади. Бундай ҳолларда консолидацияланган ҳисобот тузиш талаб этилади.
(ii) ҳамкорликдаги тадбиркорлик ва ассоциациялашган ташкилотларга [3];	Амалдаги тажрибаларга мувофиқ, инвестиция киритаётган компания овозга эга бўлган акцияларнинг 20% дан 50% гача миқдордаги пакетига эга бўлади. Бу инвесторга инвестиция объекти фаолиятига салмоқли таъсир кўрсатиш ҳуқуқини беради, лекин бизнес қарорларини тўлиқ назорати остига олиш имкониятини бермайди. Бунда инвесторнинг молиявий ҳисоботида ҳиссали қатнашиш методи ёки адолатли қиймати бўйича акс эттирилади.
(iii) структуралашган ташкилотларга, қайсики ташкилот томонидан назорат қилинмайди (консолидациялашмайдиган структуралашган ташкилотлар)	Шундай ташкил этилган ташкилот ҳисобланадики, бунда овоз ёки анологик ҳуқуқ ким томонидан ташкилотни бошқаришни белгилайдиган доминант омил ҳисобланмайди, масалан, агар овоз ҳуқуқи фақат маъмурий вазифалар билан боғлиқ, салмоқли фаолиятга раҳбарлик қилиш битим асосида амалга ошади.

12-сон МҲХС талабларидан келиб чиқиб, молиявий ҳисоботларда инвестицияларга оид маълумотларни шакллантиришда инвестицияларнинг инвестиция киритилган корхонанинг фаолиятига таъсирининг салмоқлилик даражасига қараб акс эттириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Халқаро стандартлар талабларидан келиб чиқиб молиявий ҳисоботда инвестицияларга

оид ахборотларни акс эттиришни такомиллаштириш молиявий ҳисоб ва ҳисоботнинг сифатини оширишга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти” тўғрисидаги Қонуннинг http://xs.uz/uzkr/post/investitsiyalar-va-investitsiya-faoliyati-togrisida.

2. IFRS 12 “Раскрытие информации об участии в других организациях” https://nrm.uz/contentf?doc=469476_(ifrs)_12_raskrytie_informacii_ob_uchastii_v_drugih_organizaciyah.

3. (IAS) 28 “Инвестиции в ассоциированные организации и совместные предприятия” https://nrm.uz/contentf?doc=468283_(ias)_28_investicii_v_associirovannye_organizacii_i_sovmestnye_predpriyatiya&products=1_zakonodatelstvo_respubliki_uzbekistan.

Х.Ў.Пўлатов – СамИСИ ассистенти

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА КОРХОНАЛАР ТОВАР АЙЛАНМАСИ ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШИРИШ

Аннотация: Мақолада рақамли иқтисодиёт шароитида корхоналар товар айланмаси ҳисобини такомиллаштириш ҳамда ҳозирги замон талаблари асосида методологиясини ишлаб чиқиш, ҳуқуқий манфаатларини ҳам аниқлаш йўллари.

Калит сўзлар: Рақамли иқтисодиёт, товар айланмаси, кўрсаткичлар, маҳсус тармоғ, товар-пул муносабатлари.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида “Иқтисодиётнинг барча соҳаларини рақамли технологиялар асосида янгилашни назарда тутадиган Рақамли иқтисодиёт миллий концепциясини ишлаб чиқишимиз керак. Шу асосда “Рақамли Ўзбекистон-2030” дастурини ҳаётга татбиқ этишимиз зарур”[1] деб кўрсатиб ўтди. Рақамли иқтисодиётнинг энг муҳим жиҳати, иқтисодиётни сахталаштириш имконияти чекланади. Бу жуда кўп ижобий ишларни амалга ошириш учун асос бўлади:

- иқтисодиётда коррупция кескин қисқаради ва унинг олди олинади;
- маълум маънода иқтисодиёт соҳасида тартиб-интизом ўрнатилади ва мутасадди

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // “Халқ сўзи” газетаси. 2018 йил 29 декабрь.

- иқтисодиѐтда ялпи ички маҳсулотни (ЯИМ) ва бошқа макро ва микро иқтисодиѐт кўрсаткичларининг реал ҳажмини аниқлаш имконияти яратилади;

- иқтисодиѐтда нореал рақамларнинг иштирокига барҳам берилади ва тўғри бошқарув қарорларини қабул қилиш имконияти ҳам яратилади.ходимларнинг масъулияти ошади деп айтгандилар.

Мамлакатимиз Президенти. 2020 йилнинг “Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” деб номланиши Ўзбекистонни ривожланиш тарихидаги илк инқилобий даврни бошланиши деб ҳисобласак айни муддао бўлади[1].

Иқтисодиётнинг рақамли секторини ривожлантириш борасида давлат томонидан кенг кўламли чора-тадбирлар кўрилмоқда, электрон ҳужжат айланиши тизимлари жорий этилмоқда, электрон тўловлар ривожлантирилмоқда ва электрон тижорат соҳасидаги норматив-ҳуқуқий база такомиллаштирилмоқда.Давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш, рақамли иқтисодиётни жорий этиш ва ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш, инвестиция муҳитини яхшилаш, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича “Ҳаракатлар стратегиясини” амалга оширилмоқда.Ўзи рақамли иқтисодиёт нима деган саволга Иқтисодиёт ва саноат вазири Жамшид Қучқоров шундай жавоб берди [2] Рақамли иқтисод - бу бугунги кунда жаҳон иқтисодининг драйвери, ривожланиш белгиларидан бири.Рақамли иқтисод-замонавий миллий иқтисодларнинг қиёфасини ўзгартириб, уларнинг самарадорлигини ва шаффофлигини оширмоқда Оддий мисол, рақамли иқтисодда пенсия расмийлаштириш учун битта паспортнинг ўзи кифоя бўлади. Бу ҳақида президентимиз ҳам ўз мурожаатномасида айтиб ўтди. Фуқаро туман ёки шаҳар пенсия фондига мурожаат қилади ва улар архивдан у қаерда ишлаган, қанча ойлик олгани ҳақида барча маълумотларни олади. Оддий фуқаролар учун бу - қулайлик дегани.

Мақсад иқтисодий фаровонлик Ҳар бир давлатнинг асосий мақсади иқтисодий ўсиш ва фаровонлик - қолган ҳамма нарсалар шулардан келиб чиқади.

Хар бир мамлакатнинг фаравонлиги унинг ЯИМи билан белгиланади. Чунки ЯИМдан ташқарида ҳеч нарса йўқ, оддий сўз билан айтшганда. Халқнинг давлатнинг ҳаракат майдони – мана шу ялпи ички маҳсулот. ЯИМ катта бўлса бировга ёрдам пули нафақа беришингиз мумкин.

Президент қўйган вазифалардан яна бири - Ўзбекистон ЯИМини 5 йилда 100 миллард долларга чиқариш вазифасидир.Бугунги кунда Ўзбекистон ЯИМи 58 миллиард доллар бўлиб, аҳоли жон бошига 1725 доллардан тўғри келади.

[1] https://tfi.uz/uz/page/ilm-marifat

[2] Иқтисодиёт ва бизнес янгиликлари

2024 йилда ушбу кўрсатгич 1000 миллиард бўлса, у аҳоли жон бошига 2800 долларни ташкил қилади. Бунда аҳоли сони ошиши (36 млрд) ва доллар курсининг ошиши (12 000 сўм) ҳам ҳисобга олинган.

ЯИМ купаймаса фаровонликни таъминлашнинг иложи йук. Бор нарсани купайтирмасдан туриб унинг тақсимотини ўзгартириш билан камбағаллликни енгиб булмайди.Рақамли иқтисод бозор иқтисоди билан бир вақтда Ўзбекистон ялпи ички маҳсулотини оширишга хизмат қилади.[1]

Товар тушнчаси бор бунга турли адабиётларда ва интернет тармоғида келтирилган айрим таъриф ва тавсифларни қуйида келтирамиз. А.Ш.Шодмонов товар тушунчасига қуйидагича таъриф берган. «**Товар** - бу бирор-бир нафлиликка ва қийматга эга бўлган айрибошлаш учун яратилган меҳнат маҳсули. Ёки, бошқача айтганда, **товар** бирор-бир нафлиликка (истеъмол қийматига) ва алмашув қийматига эга бўлган, бозор учун ишлаб чиқариладиган маҳсулот ёки хизматлардир»[2].

К.Б.Уразовнинг фикрича, «**Товар** деганда корхонанингсотиш учун сотиб олинган ёки ишлаб чиқарилган моддий активлари тушунилади».[3]

Бу икки таърифни таҳлил қилиш орқали шуни тушунишимиз мумкунки, иқтисодиёт назарияси ва бухгалтерия ҳисобида товар тушунчалари бир-биридан фарқ қилади. Биз учун уларнинг қайси бири тўғрилиги эмас, балки, уларнинг фан нуқтаи назаридан товарларни қандай таърифланиши муҳим ҳисобланади. Биз бухгалтерия ҳисобида товар операцияларини ўрганишда товарларнинг ҳарактерли хусусиятларидан келиб чиқиб ёндашамиз

Корхонани товар айланмаси деганда бу корхонанинг нақт пул ва пластик курнишдаги маблагидир бунга улгуржи сотган товарни хам тушниш мумкин Шунингдек корхоналарда товар айланмасини рақамли иқтисодиёт шароитда илк қадамларни ташлади деп айтсак муболага бўлмайди бунга мисол қилиб айтганда бу солиқ тизмидир. қўшилган қиймат солиғи учун электрон счет фактуралар юритиш тартибини киритиши амалга оширилди.Бу тизим ишга тушганидан кейин, ҳар бир солиқчи солиқ тизими сайтига ўзининг шахсий кабинетига кириб ўз солиқларин кўрсатиб боради. шу асосда ҳар бир товарнинг ишлаб чиқарилганидан бошлаб то харидорга етиб боргунича кузатиб борилади. Йўлда бу товар йўқ бўлиб кетмаслиги керак

Хозирги кунда корхоналарда бухгалтерия ҳисобни юритишда 1С дастурни мисол қилсак булади бунда жуда қулайликлар кўп бухгалтерга электрон мадад десак муболага булмайди.

[1] Иқтисодиёт ва бизнес янгиликлари

[2] .Шодмонов А.Ш.. “Иқтисодиёт назарияси” “Тошкент фан ва технология” нашриёти. 2005. 130-бет.

[3] Уразов.К.Б. “Бухгалтерия ҳисоби” Сам ИСИ.2015.

Ғ.Б.Қувватов -Тошкент давлат иқтисодиёт университети таянч докторанти.

МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТЛАРНИ ПРОГНОЗЛАШДА АНЪАНАВИЙ УСУЛЛАРДАН МАТЕМАТИК УСУЛЛАРГА ЎТИШНИНГ МУҲИМЛИГИ

Аннотация. Ушбу мақолада рақамли иқтисодиётга ўтиш ва уни ривожлантириш шароитида хўжалик юритувчи субъектларининг молиявий ҳисоботларни прогнозлашда ананавий усуллардан математик усулларга ўтишнинг муҳимлиги, келгусида кутилаётган молиявий натижани тахлил қилиш орқали хулоса қилиш масалалари ёритилган.

Калит сўзлар: Молиявий ҳисобот, активлар, мажбуриятлар, капитал, даромад, харажатлар, фойда, зарарлар, прогнозлаш, ликвидлик.

Келажакка йўналтирилган ҳар қандай бошқарув бўлиб ўтган жараёнларнинг манбаъсига таянади. Келажакни прогнозлаш асосида ривожланишнинг аниқ тенденцияларини шакллантириш, унинг имкониятларини аниқлаш, турли тахдидларни ҳисобга олиш, кутиладиган самара ва натижани олдиндан кўра билиш имкони туғилади.

Молиявий ҳисоботни прогнозлаш корхона самарадорлиги ва натижавийлигини аниқ кўрсаткичлар тизимида қайта баҳолашни талаб этади. Пул оқимларининг кутилишлари ва уларнинг келажакдаги қийматини тўғри аниқлашга, мавжуд активлар ва уларни мақсадли тасарруф этиш, айланма маблағлар ва улардан самарали фойдаланиш, инвестицион сарфлар ва уларни молиялаштиришнинг мақбул ечимларини бериш, унинг аниқ механизмларини ишлаб чиқиш, мақбул дивиденд сиёсатини йўлга қўйиш имконини беради.

Молиявий ҳисоботларни прогнозлаш юзасидан жорижик олимлардан Е.Альтман,С.Винер, Г.Тейл, Ф.Тейлов, М.Альберта, Ю.Бригхема, Р.Дафта, А.Кинга, Р Колби, Т.Клера, М.Мескона, В.Ковалев, А.Шеремет, В.Глушенко, О.Ефимова ва бошқалар илмий тадқиқотлар олиб борганлар.

С.Вишневнинг фикрича, прогнозлаш деганда – келажакнинг ноаниқлигини камайтириш ва энг оқилона амалий ечимларни танлаб олиш мақсдига эга бўлган...объектив илмий асосланган қарор тушунилади.

Т.Г.Савицкаянинг фикрича, прогнозлаш юқори ишончлилик даражасига эга бўлган эҳтимолий хулосага айтилади[6].

Мотишинанинг фикрича, прогнозлаш келажакда мазкур ҳодисанинг юзага келиши мумкин бўлган холати ва уларни амалга оширишнинг муқобил йўллари ва даврларини назарда тутувчи илмий асосланган қароридир [4].

М.Рахимовнинг фикрича, прогнозлаш корхонанинг келажакдаги тахминий баҳоси, турли омиллар таъсиридаги вокеаликнинг келгусидаги кутилишларининг эҳтимолий хулосасидир[1].

Прогнозлаш асосида бизнеснинг келгусидаги кўлами ва оқибатларини ишончли баҳолаш имкони туғилади. Мазкур жараённи, содда тилда замонавий бизнеснинг келажак модели дейиш мумкин.

Тўғри, молиявий ҳисоботларни прогнозлаш иқтисодий ва молиявий кўрсаткичларнинг аниқ қийматини бермайди. Чунки натижалар турли (ички ва ташқи) омиллар ва (бошқарув қорорларига оид) таъсирлар оқибатида ўзгариб туради. Шу билан бирга прогнозлашда кўплаб тахминларга таянишга тўғри келади.

Прогнозлаш (турли моделларга таянган ҳолда) турли йўқотишлар ва содир бўлиши мумкин бўлган хатарларнинг олдини олиш имконини беради. Молиявий ҳисоботни прогнозлаш айнан шу жиҳат билан имокниятларни ошириш, муаммоларни ҳал этиш ёки турли йўқотишларнинг олдини олади. Шу билан бир қаторда молиявий ҳисоботларни прогнозлаш, бизнес режалар ва турли инвестицион лойиҳаларни амалга оширишда ҳам қўл келади.

Бизнес режа ва инвестицион лойиҳалар одатда охирги санадаги молиявий ҳисоботга таянган ҳолда тузиб чиқилади. Молиявий ҳисоботларни прогнозлаш улардан тубдан фарқ қилади. Бизнес-режа ва инвестицион лойиҳаларни тузишда бошқарув аппарати бизнеснинг қандай ривожланиши ҳақида тасаввурга эга бўла олмайди. Шунингдек, лойиҳани амалга ошириш ва унинг самарадорлигига бошқарувнинг қўшган ҳиссасини назорат қилиш имкони бўлмайди.

Молиявий ҳисоботни прогнозлаш усуллари. Молиявий ҳисобот моддалари фиксациялаш методи (ушбу усул устав капитали, қўшилган капитал, узоқ муддатли молиявий ўйилмалар, узоқ мудатли қарзлар ва бошқа моддаларга нисбатан ўзгаришсиз қоладиган усул ҳисобланади).

Моддалар орасида пропорционал боғлиқлик усули. Сотиш фоизи усули деб ҳам юритилади.

Регрессион таҳлил усули. Кўрсаткичлар ўртасида статистки боғлиқлик мавжуд бўлганда қўлланилади.

Эксперт баҳолаш усули. Қийин вазиятли жараёнларда фойдаланилади.

Доимий ўсиб борувчи метод. Ўсиш коэффицентлари асосида молиявий ҳисобот моддалари ҳисоб-китоб қилинади.

Элементлар бўйича режалаштириш усули. Молиявий ҳисобот моддасига, уларнинг гуруҳига нисбатан режа мавжудлигини назарда тутади.

Прогнозлашнинг молиявий модели қуйидаги бўлимлардан иборат бўлади: маълумот манбаалари; ҳисоб китоблар; оралиқ жадваллар; натижалар; графикалар.

Молиявий ҳисоботни прогнозлаш корхона бошқарув аппаратини турли ҳолатлар бўйича танловлар қилишга ундайди. Агар ушбу ҳолатлар бўйича тўғри қарорлар қабул қилинмаса, фаолият натижасида турли салбий ҳолатлар (ишлаб чиқариш хажмининг тушиб кетиши, даромад ва харажатлар номутоносиблиги, активларни молиялаштиришдаги муаммоларга дуч келинади).

Молиявий ҳисоботлар, одатда ташкилот узлуксиз ишлайди ва фаолиятини кўзлаган келажакда давом этади деган фараз асосида тайёрланади. Шу фаразнинг ўзи ҳам молиявий ҳисоботни прогнозлаш заруратини юзага келтиради.

Қабул қилинадиган қарорларга таъсир этиши мумкин бўлган ахборотлар проноз қилиш ва тасдиқлаш аҳамиятига эга бўлган ахборотлар сифатида ўрганилади.

Молиявий ахборотнинг прогноз қилиш ва тасдиқлашга аҳамиятли ахборотлари ўзаро узвий боғланган. Прогноз қилиш аҳамиятига эга ахборот кўпинча тасдиқлаш аҳамиятига ҳам эга бўлади. Мутлақо ишончли тақдимот учун молиявий ахборот тўлиқ, бетараф ва хатоликдан холис бўлиши зарур.

Тўлиқлик фойдаланувчининг тавсифланаётган ҳодисани тушуниши учун зарур бўлган барча маълумотни ўз ичига олади.

Бетарафлик молиявий ахборотни танлаш ёки тақдим қилишдаги холислик, фойдаланувчиларнинг қарорларида ўзгаришларни келтириб чиқариши мумкин бўлган ахборотларни акс эттиришни англатади.

Хатоликдан холи бўлиш ҳисоб-китоблар аниқлиги ва тўғрилигини ифодалайди.

Ахборотларнинг фойдалилигини оширадиган муҳим сифат хусусиятларига қиёсланувчанлик, текширувчанлик, ўз вақтидалик ва маълумотлар тушунарлилиги киради.

Молиявий ҳисоботларни прогнозлашда аниқланувчи кўрсаткичлар тизимига ҳисобот шакллари бўйича қуйидаги нисбий ифодаларни аниқлаш ва уларнинг математик ифодаси, уларнинг эталон бирликларини аниқлаш, молиявий ҳолатнинг келгусидаги кутилишлари, молиявий натижалар, пул оқимларини прогнозлашга тизимли моделни яратишнинг тавсиялари тузиб чиқиш мумкин.

Молиявий ҳолат билан боғлиқ нисбий ифоадалар таркибига 6 та таркиби бўйича гуруҳ кўрсаткичларни таркиблаш мумкин:

1. Активлар билан боғлиқ нисбий ифодалар (6 та бирлик):

УМА/А; А/УМА; ЖА/А; А/ЖА; УМА/ЖА; ЖА/УМА

2. Капитал билан боғлиқ нисбий ифодалар(2 та бирлик):

ЎММ/П; П/ЎММ

3. Мажбурият билан боғлиқ нисбий ифодалар(2 та бирлик):

М/П; П/М

4. Активлар ва капитал билан боғлик нисбий ифодалар (6 та бирлик):

ЎММ/УМА; УМА/ЎММ; ЎММ/ЖА; ЖА/ЎММ; ЎММ/А; А/ЎММ

5. Актив ва мажбуриятлар билан боғлиқ нисбий ифодалар:

М/ЖА; ЖА/М; М/УМА; УМА/М; А/М; М/А (6 та бирлик);

6. Капитал ва мажбуриятлар билан боғлиқ нисбий ифодалар (2 та бирлик):

ЎММ/М; М/ЎММ;

Белгилар изоҳи: А-активлар жами; УМА-узоқ муддатли активлар; А-жорий активлар; П-Пассив жами; ЎММ-ўз маблағлари манбаси; М-мажбуриятлар;

Ликвидлик, молиявий барқарорлик, тўловга лаёқатлилик кўрсаткичлари уларнинг энг муҳим кўрсаткичлари ҳисобланади. Иш ва бозор активлиги билан боғлиқ кўрсаткичлар, кредитга лаёқатликнинг асосий ва кўшимча кўрсаткичлари, иқтисодий ночорлик ва рейтинг баҳолаш кўрсаткичлари молиявий ҳолатни баҳолашнинг қўшимча кўрсаткичлари ҳисобланади. Бу бевосита инвестицион активлик, рақобатдошлик кўрсаткичларини баҳолашда муҳим манба ҳисобланади.

Молиявий ҳисоботларни прогнозлашда хар битта кўрсаткичнинг эталон бирлиги шакллантирилади ва унинг ўзгаришларини баҳолаш орқали корхонанинг келгусидаги молиявий ҳолатига объектив баҳо берилади.

Молиявий ҳисоботларнинг прогнозлашда математик усулларга ўтиш юзасидан қуйидагиларни таклиф қиламиз:

- молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларга ўтиши орқали уларнинг бизнесга йўналтирилганлигини таъминлаш лозим;
- молиявий ҳисоботларда уларнинг молиявий ҳолатни баҳолашга ўтиш лозим;
- кўрсаткичлар ўртасида статистки боғлиқлик мавжуд бўлганда регрессион таҳлил усулини қўллаш лозим;
- молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботни ёритиб беришда горизонтал ва вертикал қаторлар бўйича молиявий ҳисобот моддаларини кенгайтириш ва уларнинг аналитик кўрсаткичлар тизимини кенгайтириш лозим;
- бухгалтерия баланси ва молиявий натиажалар тўғрисидаги ҳисобот шаклларида маълумотларни ёритиб беришда уларга иловалар, қайд ва шархлар беришни белгилашни бизнес субъектларининг мавқеини оширишнинг муҳим воситаси сифатида ўрганиш лозим;
- молиявий ҳисоботлар қизиқувчиларининг кенг доираси учун ахборотлар базаси яратиш юзасидан интернет, электрон, рақамли манбаларнинг “маконини” йўлга қўйиш лозим.

Хулоса ўрнида алохида таъкидлаш жоизки, молиявий ҳисоботларни прогнозлашда ананавий усуллардан математик усулларга ўтиш молиявий ҳисоботларни рақамлаштириш имкониятини яратади бу орқали тадбиркорлик субъектлари (фирма ва компанияларнинг) яқин ва узоқ даврийликдаги ҳамкорлик алоқалари, шерикчилиги, акцияларни сотиш ёки сотиб олиш, инвестицияларни амалга оширишни қанчалик ўринли эканлигини билишлари, молия бозоридаги хатти ҳаракатларнинг муҳим йўналишларини белгилаш билан бир қаторда молиявий ҳисоботни прогнозлаш корхона бошқарув аппаратини турли ҳолатлар бўйича танловдан ўтказиш, корхонанинг келгусидаги молиявий ҳолатига объектив баҳо бериш имконига эга бўладилар.

Манба ва адабиётлар:

1. Рахимов М.Ю. Иқтисодиёт субъектлари молиявий ҳолатининг таҳлили. Т.: Иқтисод-молия, 2015. 356-б.
2. БХМС. Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш учун концептуал асос. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган. 1998 йил 26 июль №17-07/86
3. БХХС. 1-сон Молиявий ҳисоботларни тақдим этиш. 2005 йилдаги ўзгаришлари билан. 13-модда
4. Бердникова Т.Б. Анализ и диагностика финансово-хозяйственной деятельности предприятия – М.: ИНФРА-М, 2013. - с. 215
5. Савицкая Т.Г. Анализ хозяйственной деятельности предприятия. – М.: ИНФРА-М, 2013. - с. 704
6. Шеремет А.Д., Негашев Е.В. Методика финансового анализа деятельности коммерческих организаций. – М.: ИНФРА-М, 2013. - с. 208
7. Васильева Л.С., Петровская М.В. Финансовый анализ: электронный учебник – М.: ПРОСПЕКТ, 2012. - с. 544
8. Пожидаева Т.А. Анализ финансовой отчетности – М.: КНОРУС, 2012. - с. 320

З. Эшпўлатова- СамИСИ тадкикотчи

ДАРОМАДЛАР ҲИСОБИГА ЯНГИЧА ЁНДАШУВ

Аннотация: ушбу мақолада Президент қароридан келиб чиқадиган вазифалар, даромадларни ҳисобга олувчи халқаро стандартлар

Калитли сўзлар: даромадлар, молиявий ҳисобот, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари, тушумлар, бухгалтерларни халқаро сертификатлаш

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МҲХС)ни биринчи марта қўллаш шароитида кўпчилик мамлакатларда, жумладан Ўзбекистонда инвестицион муҳитни яхшилаш мақсадида бухгалтерия ҳисоби миллий стандартларини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш, МҲХСларини тўғридан-тўғри жорий этиш учун шарт-шароитлар ва муҳитни шакллантириш, компанияларда кенг кўламли таёргарлик ишларини амалга ошириш, бухгалтерларни халқаро стандартларга ўқитиш ва малакасини ошириш, халқаро сертификатлаш, молиявий ҳисобот элементи ҳисобланган даромадларни тавсифлаш, тан олиш, баҳолаш ҳамда ҳисоботларда акс эттириш методологиясини жорий этишга ҳамда шу соҳадаги тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Дунё даражасида эришилган натижалар ривожланаётган мамлакатларда тўлиқ жорий қилиниши амалга оширилган эмас, бундан ташқари

даромадларга оид МҲХСларни бир уринишда тўла ва сифатли жорий қилинишига эришиб бўлмайди. Уларни босқичма-босқич, мақсадли ҳамда кенг кўламли жорий қилиниши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелда ПФ-4720-сонли “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонлари, 2019 йил 17 январдаги ПҚ-4124 “Кон-металлургия тармоғи корхоналари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2019 йил 19 сентябрдаги ПҚ-3946-сонли “Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорларида [1] МҲХСлари асосида молиявий ҳисобот тузиш, халқаро аудитдан ўтказиш ҳамда молиявий ҳисоботларни чоп эттирилишига эришиш вазифалари юклатилган.

Мамлакатимизда бухгалтерия ҳисобини жаҳон андозаларига олиб чиқишда катта ишларни амалга оширишга киришилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги ПҚ-№4611 “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” Қарори [2] қабул қилинди. Ушбу қарорда қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилди:

акциядорлик жамиятлари, тижорат банклари, суғурта ташкилотлари, йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритилган юридик шахслар 2021 йилнинг 1 январидан бошлаб МҲХС асосида бухгалтерия ҳисобининг юритилишини ташкил этади ва 2021 йил якунларидан бошлаб молиявий ҳисоботни МҲХС асосида тайёрлайди;

бухгалтерларни халқаро сертификатлаш амалга оширилади (ACCA ва унинг дипломлари, CPA, CIPA);

бухгалтерия ҳисоби бўйича миллий стандартларни МҲХСларга уйғунлаштириш бўйича қатор вазифалар амалга оширилади;

молиявий ҳисоботни ихтиёрий равишда МҲХСга мувофиқ тайёрловчи тадбиркорлик субъектлари бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари бўйича молиявий ҳисоботни тақдим этишдан озод этилади;

ривожланган давлатларнинг илғор тажрибаси асосида ўқув жараёнининг сифати, имтиҳонларни ўтказиш ва натижаларини баҳолашнинг шаффофлигини таъминловчи МҲХС бўйича сертификатлашнинг самарали тизимини жорий этиш, шунингдек, МҲХС соҳасида талаб юқори бўлган мутахассисларни аккредитациядан ўтган ўқув марказларида ўқитиш бўйича ташкилий тадбирларни амалга оширишда ҳар томонлама кўмаклашиш;

МҲХС соҳасида мутахассисларни тайёрлаш бўйича жаҳоннинг муваффақиятли тажрибаларини оммалаштириш, шу жумладан бухгалтерия ҳисоби ва аудит соҳасига оид олий таълим муассасаларининг ўқув дастурларини халқаро аккредитациядан ўтказиш юзасидан бухгалтерия ҳисоби бўйича халқаро ташкилотлар (ACCA ва бошқалар) билан ҳамкорликни кенгайтириш.

Ушбу қуйилган вазифаларни ҳаётга тадбиқ этишда молиявий ҳисоботнинг элементи ҳисобланган даромадларни тан олиш, таснифлаш, баҳолаш масалаларида концептуал қоидаларни жорий қилиш муҳим аҳамият касб этади. Бунинг учун бухгалтерия ҳисоби бўйича меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда концептуал қоидаларнинг мазмунини тўғри ёритиш, уларнинг бир-бирига мувофиқлигини таъминлаш ўта муҳим аҳамият касб этади.

Корхоналар даромадларини ҳисобга олишда қўлланиладиган молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига қуйидагиларни киритиш мақсадга мувофиқ

МҲХС	**Уларнинг мазмуни**
Молиявий ҳисоботнинг концептуал асослари	Молиявий ҳисоботнинг мақсади, ахборотларнинг сифат тавсифи, қоидалар ва принциплар ҳамда молиявий ҳисобот элементларининг тавсифи келтирилган
1-сон МҲХС “Молиявий ҳисоботни тақдим қилиш”	Умумий фойдаланишдаги молиявий ҳисоботни, жумладан фойда ва зарарлар ҳамда бошқа умумлашган даромадлар тўғрисидаги ҳисоботни тақдим этиш асосларини белгилайди. Ҳисоботларда акс эттириладиган ахборотлар қаторини белгилаб беради.
15-сон МҲХС “Харидорлар билан шартномалар бўйича тушумлар”	Харидорлар билан шартномаларга мувофиқ юзага келадиган тушумлар ва пул оқимларининг хусусияти ва даромадларнинг олинишидаги ноаниқликларга оид фойдали ахборотларни акс эттиришда қўлланиладиган принципларни белгилаб беради. Ушбу стандарт 2018 йил 1 январдан жорий қилинган
17-сон БҲХС “Ижара”	Ижарага берувчи ва ижарага олувчилар учун ижара шартномасига нисбатан очиқланадиган ахборотларнинг таркиби ва мазмунига қўйиладиган талабларни белгилайди
20-сон БҲХС “Давлат субсидиялари ҳисоби ва давлат ёрдами тўғрисидаги ахборотларнинг тавсифи”	Давлат субсидиялари ҳисобга олиш ва давлат ёрдамларига оид ахборотларни очиқлашга доир принципларни белгилайди
41-сон БҲХС “Қишлоқ хўжалиги”	Биологик активлар, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ҳисобга оилишнинг принципларини белгилаб беради

Ушбу стандартларнинг талабларини ҳаётга жорий қилиш учун бизнинг фикримизча қуйидаги ишларни амалга оширишимиз керак:

1. 15-сон МҲХС “Харидорлар билан шартномалар бўйича тушумлар” стандартининг қўлланилиши бўйича услубий тавсиялар ишлаб чиқилиши керак. Даромадларни ҳисобга олувчи масалалар ва уларнинг ечимларини аниқ кўрсатган ҳолда тўплам ишлаб чиқиш керак. Даромадларни тан олиш мезонлари, унинг қўлланилиши бўйича амалий тажрибаларни кўпайтириш керак;

2. Халқаро стандартларга мувофиқ шартнома бўйича активлар, шартнома бўйича мажбуриятлар, бажарилишга оид мажбурият, операция нархи ва бошқа тушунчаларни амалиётга кенг тарғиб қилиш, уларнинг қўлланилиш бўйича услубий тавсиялар ишлаб чиқиш;

3. Фоизлар, роялти ва дивидендларни халқаро стандартларга мувофиқ тан олиш қоидаларини белгилаб олиш ва уларни жорий қилиш бўйича услубий тавсияларни ишлаб чиқиш;

4. Даромадларнинг таркибини халқаро стандартларга уйғунлаштириш;

5. Даромадларни иккита ҳисоботда акс эттириш; фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот ҳамда бошқа умумлашган даромадлар тўғрисидаги ҳисобот. Ушбу ҳисоботни тузишда илғор хорижий тажрибалардан фойдаланиш.

Ушбу келтирилган тавсияларнинг амалиётга жорий этилиши МҲХСларнинг қўлланилишига имкон яратади, корхоналарда инвестицион муҳитни яхшилайди, инвестиция оқими кенгаяди, корхоналарни модернизациялаш имконияти туғилади, корхоналарнинг даромадлилик даражасини ошади.

U.A.Shirinov -SIES senior teacher
S.Abdukarimov - SIES student

IMPROVING THE ACCOUNTING IN THE BRANCHES AND THEIR UNITS OF “UZBEKTELECOM” JSC

In our country, the demand for the telecommunication services is increasing day by day. That is why the need to more develop accounting in the organizations that delivers such services is becoming urgent.

Nowadays, the role of the branches and units in the telecommunication organizations is valuable. Because the majority of counting and servicing is the main object of the branches and units. A head organization providing telecommunication services makes special charters for their branches and organize their own activity via these charters.

The branches of the telecommunication services- providing organizations have their own accounting system, but not a completed balance sheet. Nowadays such system cannot promise to describe the activity and balance of the funds clearly and thoroughly. The reason for that is that there are interruptions in the connection between billing system and accounting reports, and the human factor in

comparing the relative information. Moreover, that the funds (cash and non-cash) collected from clients is not recorded on the bank accounts on that day is causing the doubts for reliability of the accounting reports.

When we look at the normative documents relating to the field, we found out the main objects of the branches and units. They are the followings:

- meeting the demand for the telecommunication services, expanding their line and improving the quality of the offered services to earn a good profit;
- improving, developing and reorganizing the networks and tools technically by the way of modernizing the networks of the present telecommunication, as well as that, on the basis of putting the achievements of the world in the practice.

The units of the organizations offering telecommunication services carry out the following main functions:

- provision of existing telecommunication services and introduction of new introduction of new telecommunication services;
- inspection of the technical condition of equipments in the telecommunication field and offering the services on the basis of an unique technical process together with other branches and units.

There are some problematic situations in the following accounting among branches and units:



1-picture. The problematic calculations among the branches and units.

Branches and units receive payments from clients through the followingways(2-picture):



2-picture. The types of receiving the payments for services.

Each of clients can make payments in cash to use the telecommunication services where the organization isplaced. Such payments are formalized by presenting the tickets, formalizing the reports of the incomes and outcomes in cash from the organization, organizing cash books. By giving clients the tickets, the funds reflect in the billing system at once, but it happens in accounting in the end of the relative month, as a result, controlling the funds becomes sluggish and there may be the possibility for illegal activities like frauds. Hence, that requires the improvements in the reporting of cashes in the units and branches.

There are some problems about the incomes through transferring and terminals. For instance, the banks servicing for the branches are not available at all districts. That causes excess expenditures for carrying out every bank operations. The works and the time wasted on transfers mean that it also needs the initiatives in accounting. We worked out the followings due to our researches (1-table):

1-table

The connections in the accounting system of the branches and units of "Uzbektelecom" JSC

	The meaning of operations	**The current system**	**The system being advised**	**The advantages**
	The availability of the main account	available	Not available	All branches work by the main account .The bank operations decline.
	Reflection of the income in cash	In the end of the month	On the payment day	The completed control of the funds in cash
	The operations on through terminals	The use of other banks' terminals	The use of the terminals of the banks servicing for the branches	The operations with the banks will declineand the excess expenditures will be headed off

	The accounts via the way of transferring the money	The use of another bank's services	The use of the service of the bank that servicing the branch	The operations with the banks will declineand the excess expenditures will be headed off
	The payment of the salaries for the employees	The use of another bank's services	The use of the service of the bank that servicing the branch	The operations with the banks will declineand the excess expenditures will be headed off, the employees can get their salaries in time.

On the basis of the suggestions in the table above, we offer the following transfers in the accounting report:

2-table

The transfers in the accounting system of the braches and units of the organizations offering telecommunication services

	Операциялар мазмуни	**Ҳозирги тизим**	**Тавсия қилинаётган тизим**	**Авфзалликлар**
	Reflecting the cash revenue	1. As receiving the cash revenue from clients Dt 5010 (Units) Ct 6315 (Units) 2. as the funds taken into the bank accounts from the cash registers Dt 5110 (Units) Ct 5010 (Units) 3. as taken from the units into the branches Dt 5110 (Branches) Ct 5110 (Units) 4. Банк хизмати учун Dt 9430 (Units) Ct 5110 (Units)	1.As receiving the cash revenue from clients Dt 5010 (Units) Ct 6315 (Units) 2. As taken from the cash register into the branch's transit bills Dt 5110 (Branches) Ct 5010 (Units)	1. The units do not make excessive bills payable and then the needless use of papers and time will decline. 2. Units do not make payments for the services of the banks and then the amount of expenditures will be reduced. 3. Cash inflow is reflected right on this day.
	The operations with the terminals.	1.As the payments by card Dt 5710 (Units) Ct 6315 (Units) 2. As taken from the terminals accounts into the main accounts Dt 5110 (Units) Ct 5710 (Units) 3. As taken from the units' accounts into the branches' ones Dt 5110 (Branches) Ct 5110 (Units) 4. For the service of the banks Dt 9430 (Units)	The installation of the terminals in each of the branches and units at every districts. 1.the branches make the following reports as receiving the payments by card Dt 5710 Ct 6315	1. the payments through terminals are reflected in the accounting of the branch on that day . 2. The units do not make payments for the service of the bank, and then the excessive expenses will go down. The effectiveness of using the funds will be maximum.

		Ct 5110 (Units)		
	The operations by transferring the funds	1. As receiving the payments by transferring the money. Dt 5110 (Units) Ct 6315 (Units) 2. As taken from the units' accounts into the branches' ones Dt 5110 (Branches) Ct 5110 (Units) 3. For the service of the bank Dt 9430 (Units) Ct 5110 (Units)	The contract between the clients and the organization is made, and then the payments directly go to the main accounts. 1. The branches make the following reports as receiving the payments by transferring. Dt 5110 (Branches) Ct 6315 (Branches)	1. The payments receiving by transferring the money reflects on that day. 2. The units do not do the payments for the banks' services. In the billing system, an employee can only carry out dialing the payments into subscribers' accounts, which head off the needless expenditures.
	Paying the salaries for the employees.	1. The branch transfers the salaries into its account in the bank servicing for it. Because though the units' workers work for the same branches, sometimes their card do belong to different banks.	The branch open the accounts for the workers in units in the same bank and pay the salaries. Dt 5540 Ct 5110	1 The units do not make the payments for the banks,reducing the amount of expenditures . 2. The employees can get the salaries online in time . 3. the decline in time spent on accounting in the branches and units, the human factors will go down.

The suggestions above serve for more improving the accounting system in the branches and units of "Uzbektelecom" JSC, economizing the company's funds and more developing the effectiveness of accounting.

А.Ш. Кулибоев–ТМИ, таянч докторант

БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИДА МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАРНИ АНИҚЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Аннотация: *Мазкур мақолада бюджет ташкилотларининг молиявий натижаларини аниқлаш тартиби ва уларни ҳисобда акс эттириш масалалари очиб берилган.*

Калит сўзлар: *бюджет ташкилоти, ривожлантириш жамғармаси, бюджет маблағлари, молиявий натижа, ҳисоб регистрлари, молиявий ҳисобот, ҳисоб сиёсати.*

Мамлакатимизда 2020 йилдан бошлаб давлат мақсадли жамғармалари, четдан жалб қилинган ташқи қарз маблағлари ҳисобидан амалга оширилаётган давлат харажатлари консолидациялашган давлат бюджетида

акс эттирилиши белгиланиб, бюджет очиқлик даражаси кучайтирилди. Давлат молиясини тизими ва бюджет интизомини янада мустаҳкамлаш, солиқ-бюджет шаффофлигини ошириш, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг бюджет даромадлари прогноз кўрсаткичлари бажарилишида манфаатдорлигини кучайтириш бўйича 2019 йилнинг 30 декабрида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг “2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида” ги қонуни ижросини таъминлаш чора–тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4555-сонли қарори қабул қилинди.

Қарорда 2020-2024 йилларда давлат молиясини бошқариш тизимини такомиллаштириш стратегиясининг асосий йўналишларидан бири сифатида

- бюджет ҳисоби стандартларини унификация қилиш, ички назорат ва аудит тизимини такомиллаштириш орқали молиявий интизомни мустаҳкамлаш;

- бюджет маълумотларининг очиқлиги, тўлиқлиги ва халқаро стандартларга мослигини таъминлаш белгиланган.

Маълумки, бюджет ташкилотларида Ўзбекситон Республикасининг “Бюджет кодекси” га мувофиқ Давлат бюджетининг ғазна ижроси молия йили мобайнида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган қўшимча вақт даврида амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3-сентябрдаги 414-сон қарорига мувофиқ бюджет ташкилотлари томонидан келгуси йилнинг январ ойида, яъни молия йилига қўшимча вақт мобайнида ўтган молия йили учун қуйидаги операциялар амалга оширилади:

ўтган йилги кредиторлик қарзлари тўланади;

тежаб қолинган маблағлар Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаларига ўтказилади.

Бюджет ташкилотлари томонидан молия йилига қўшимча вақт мобайнида ўтган йилги кредиторлик қарзлар, аввало, мазкур кредиторлик қарз вужудга келган харажатларнинг иқтисодий таснифи бўйича тегишли моддадан амалга оширилиши лозим. Агарда мазкур харажат моддасида маблағлар мавжуд бўлмаса, ёки ушбу кредиторлик қарзни қоплашга етмаса, у ҳолда ушбу кредиторлик қарз бюджет ташкилотининг ривожлантириш жамғармаси маблағлари ва бошқа бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан молия йилига қўшимча вақт тугагандан кейин қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Бюджет ташкилотлари томонидан молия йилига қўшимча вақт мобайнида (йилнинг январ ойида) амалга оширилган операциялар тегишлича ўтган молия йили учун амалга оширилган операциялар (ўтган йилнинг кредиторлик қарзларини тўлаш ва бюджет ташкилотининг ривожлантириш жамғармасига тежалган маблағларни ўтказиш) ва жорий молия йилининг операцияларига алоҳида ажратилган ҳолда юритилиши лозим.

Бюджет ташкилотларида жорий молия йилини якунлаш молия йилига қўшимча вақт мобайнида амалга оширилган юқорида келтирилган

операциялардан ташқари, инвентаризация ўтказиш ва инвентаризация натижаларини ҳисобда акс эттириш ишлари амалга оширилиши лозим.

Бюджет ташкилотлари томонидан инвентаризация ишларини ташкил қилиш, уни ўтказиш ва натижаларини ҳисобда акс эттиришда қуйидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга амал қилиниши мақсадга мувофиқ:

Ўзбекистон Республикасининг 19-сон Бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти “Инвентарлашни ташкил этиш ва ўтказиш” (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2 ноябр 1999 йил 833-сон билан рўйхатга олинган);

Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги Йўриқнома (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 22 декабр 2010 йил 2169-сон билан рўйхатга олинган) ва бошқалар.

Бундан ташқари ҳисобот йилининг охирида ҳамма ҳисобдор шахслар, турли дебитор ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар якунланган бўлиши лозим. Ҳисобдор шахсларга берилган аванслар бўйича ҳисоботлар тўлиқ топширилиши таъминланиши, шунингдек фойдаланилмаган аванс қолдиқлари қайтарилиши керак.

Бюджет ташкилотларида барча дебиторлик ва кредиторлик қарзларини аниқ ва тартибли равишда ҳисобда акс эттириш учун белгиланган тартибда таққослаш далолатномаси тузиш орқали ўзаро тасдиқланиши керак.

Шундан сўнг тегишли субсчётлар ёпилади ва маблағларнинг ҳар бир тури бўйича алоҳида ҳолда молиявий натижалар шакллантирилади. Мазкур операциялар дастлаб ҳисоб регистрларида, кейин эса, мазкур ҳисоб регистрлари асосида йиллик молиявий ҳисобот шаклларида акс эттирилади.

Бу ерда бюджет ташкилотларининг молиявий натижаларини аниқлаш масаласига алоҳида эътибор қаратишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Бюджет ташкилотларида молиявий натижалар деганда ташкилотнинг барча даромадлари (тушумлари) ва ҳисобланган барча хақиқий харажатларининг ўзаро солиштирилиши (айрилиши) натижасида келиб чиқадиган активнинг соф қиймати тушунилади.

Ёки бошқача қилиб айтганда, бюджет ташкилотларининг молиявий натижаси бу ташкилотнинг барча активлари (номолиявий активлари, молиявий активлари ва дебиторлари)дан унинг мажбуриятларини (кредиторлик қарзларини) айирмаси натижасида ҳосил бўладиган активнинг соф қиймати деб тушуниш мумкин.

Бюджет ташкилотининг молиявий натижаси унинг барча даромадларининг турлари (манбалари) бўйича алоҳида ҳолда аниқланади, яъни:

бюджет маблағлари бўйича;

тўловларни маҳсус турларига доир ҳисоблашувлар бўйича;

таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт маблағлари бўйича;

бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари бўйича;

бюджет ташкилотининг бошқа даромадлар бўйича.

Мазкур даромадлар турлари бўйича ҳар бирининг алоҳида ҳолда даромадлари (тушумлари ёки бюджет маблағлари бўйича ғазначилик орқали амалга оширилган касса харажатлари) ва ушбу даромадлар ҳисобидан амалга оширилган хақиқий харажатлари айрилади ва мазкур даромад тури бўйича молиявий натижа аниқланади. Агарда даромадлар амалга оширилган касса харажатларидан кўп бўлса, ижобий молиявий натижа ҳосил бўлади (яъни, молиявий натижаларни ҳисобга олувчи субсчётларнинг кредит томонида қолдиқ қолади).

Агарда даромадлар амалга оширилган касса харажатларидан кам бўлса, салбий молиявий натижа ҳосил бўлади (яъни, молиявий натижаларни ҳисобга олувчи субсчётларнинг дебет томонида қолдиқ қолади).

Юқоридаги даромадлар турлари бўйича бюджет ташкилотининг молиявий натижалари 2 та этапга бўлинган ҳолда аниқланади.

Яъни, 1-этапда бюджет ташкилотининг фақатгина жорий молия йили мобайнидаги (1-январдан 31 декабргача, бюджет маблағлари бўйича эса, молия йилига қўшимча вақт мобайнидаги давр ҳам киради) барча даромадлари ва мазкур даврдаги (1-январдан 31 декбаргача) амалга оширилган хақиқий харажатларини солиштириш натижасида аниқланади.

2-этапда эса, мазкур аниқланган молиявий натижа бюджет ташкилотининг ўтган йиллар мобайнидаги молиявий натижасига қўшилади. Бунинг натижасида бюджет ташкилотининг жорий даврга якуний молиявий натижаси аниқланади.

Бюджет ташкилотларининг жорий йилга молиявий натижалари қуйидаги счётларда акс эттирилади:

23 “Бюджет маблағлари бўйича жорий йилга молиявий натижалар”;

24 “Тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблар бўйича жорий йилга молиявий натижалар”;

25 “Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт маблағлари бўйича жорий йилга молиявий натижалар”;

26 “Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари бўйича жорий йилга молиявий натижалар”;

27 “Бошқа даромадлар бўйича жорий йилга молиявий натижалар”.

Шунингдек, бюджет ташкилотларининг жорий йилдаги якуний молиявий натижалари қуйидаги счётларда акс эттирилади:

280 “Бюджет маблағлари бўйича якуний молиявий натижа”;

281 “Тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблар бўйича якуний молиявий натижа”;

282 “Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт маблағлари бўйича якуний молиявий натижа”;

283 “Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари бўйича якуний молиявий натижа”;

284 “Бошқа даромадлар бўйича якуний молиявий натижа”;

285 “Бюджетга ва бюджетдан ташқари жамғармаларга ҳисобланган солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар”.

Бюджет ташкилотларининг якуний молиявий натижаларини аниқлаш жараёнида, яъни 2-этапида биз жорий молиявий натижаларни ҳисобга олучи счётларнинг ёпилишини қуйидаги жараёнда кузатишимиз мумкин:

280 “Бюджет маблағлари бўйича якуний молиявий натижа” субсчётининг кредитига (дебетига) жорий йилнинг охирида 230 “Бюджет маблағлари бўйича жорий йилга молиявий натижалар” субсчётининг кредит (дебет) қолдиғи ҳисобдан чиқарилади.

281 “Тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблар бўйича якуний молиявий натижа” субсчётининг кредитига (дебетига) жорий йилнинг охирида 240 “Тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблар бўйича жорий йилга молиявий натижалар” субсчётининг кредит (дебет) қолдиғи ҳисобдан чиқарилади.

282 “Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт маблағлари бўйича якуний молиявий натижа” субсчётининг кредитига (дебетига) жорий йилнинг охирида 250 “Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт маблағлари бўйича жорий йилга молиявий натижалар” субсчётининг кредит (дебет) қолдиғи ҳисобдан чиқарилади.

283 “Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари бўйича якуний молиявий натижа” субсчётининг кредитига (дебетига) жорий йилнинг охирида 260 “Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари бўйича жорий йилга молиявий натижалар” субсчётининг кредит (дебет) қолдиғи ҳисобдан чиқарилади.

284 “Бошқа даромадлар бўйича якуний молиявий натижа” субсчётининг кредитига (дебетига) жорий йилнинг охирида 270 “Бошқа даромадлар бўйича жорий йилга молиявий натижалар” субсчётининг кредит (дебет) қолдиғи ҳисобдан чиқарилади.

285 “Бюджетга ва бюджетдан ташқари жамғармаларга ҳисобланган солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар” субсчётида ташкилотларга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда уларнинг бюджетдан ташқари олган даромадлари учун ҳисобланган солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича берилган имтиёзлар суммалари ва уларнинг белгиланган мақсадлар учун ишлатилиши акс эттирилади.

Агарда, қонунчиликда бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, ташкилотларга солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар учун берилган имтиёзлар туфайли тежалган (бўшаб қолган) маблағлар ташкилотнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга ишлатилади.

Бюджет ташкилотларининг ҳисоб сиёсатида молиявий натижаларни ҳисобга олувчи жараёнлар ва ҳисоботда акс эттириш масалалари тўлиқ кўрсатилиши керак.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси “Бюджет кодекси” 2013 йил 26 декабрдаги ЎРҚ 360 – сонли Ўзбекистон Республикаси қонуни билан тасдиқланган.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг “2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида” ги қонуни ижросини таъминлаш чора–тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4555-сонли Қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сонли “Бюджет муассасаларини маблағ билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти (1-сонли) “Ҳисоб сиёсати” Ўз.Р АВ. томонидан 2016 йил 27 декабрда № 2853-сон билан рўйхатдан ўтган.
6. “Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Йўриқнома Ўз.Р АВ. томонидан 2010 йил 22 декабрда № 2169-сон билан рўйхатдан ўтган.
7. S.U.Mehmonov, A.Sh.Kuliboyev. Byudjet tashkilotlarining byudjetdan tashqari jamg’armalari hisobi. Oquv qo’llanma. –T.: “Iqtisod-Moliya”, 2018. -192

А.Т.Махкамбоев -ТДИУ доценти, и.ф.н.
О. И.Турғунов -ТДИУ магистранти

ХИЗМАТЛАР СОҲАСИДА СУҒУРТА БОЗОРИНИНГ ЎРНИ ВА УЛАРДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ТАШКИЛ ҚИЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Аннотация: *ушбу мақолада хизматлар соҳасида суғурта ташкилотларининг ўрни, уларда бухгалтерия ҳисобининг ўзига хос жиҳатлари баён этилган ҳамда ҳисоб сиёсатни ташкил қилишнинг услубий асослари акс эттирилган.*

Калит сўзлар: *хизматлар соҳаси, суғурта, суғурта бозори, бухгалтерия ҳисоби, ҳисоб сиёсати.*

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда хизматлар соҳасининг изчил ривожланиб бори натижасида уларнинг иқтисодиёт тармоқларидаги улуши сезирали даражада ўсиш тенденциясига эга бўлмоқда. Хизматлар соҳасининг ривожланишида суғурта бозори алоҳида ўринга эга ҳисобланади. Суғурта бизнесидаги муваффақият бевосита бозор иқтисодиёти институтлари фаолиятини ривожлантириш билан боғлиқ. Республикамиз Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонида[1] иқтисодиётни

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги 4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари бири сифатида “...суғурта, лизинг ва бошқа молиявий хизматларнинг ҳажмини, уларнинг янги турларини жорий қилиш ва сифатини ошириш ҳисобига кенгайтириш, шунингдек капитални жалб қилиш ҳамда корхона, молиявий институтлар ва аҳолининг эркин ресурсларини жойлаштиришдаги муқобил манба сифатида фонд бозорини ривожлантириш” энг муҳим устувор вазифаларидан бири этиб белгиланди. Ушбу йўналишдаги вазифаларнинг ижросини таъминлаш юқори малакали бухгалтерия хизматини шакллантириш ҳамда молиявий ресурслардан оқилона фойдаланишдан иборат. Бу ўз навбатида суғурта бизнесидаги самарадорлик ва натижадорликнинг ҳақиқий аҳволини ўз вақтида баҳолаб бориш имкониятини яратади ва унинг барқарорлигини кафолатлайди.

Суғурта ташкилотларида бухгалтерия ҳисоб ёрдамида мавжуд моддий қийматликлар, пул маблағлари ҳамда суғурта захираларининг ҳаракати мунтазам кузатилади ва назорат қилинади, суғурта маҳсулотларини сотиш билан боғлиқ харажатлар ва молиявий натижалари, тўловга қобилиятлилик даражаси аниқланади.

Суғурта ташкилотларида ҳам бухгалтерия ҳисоби умумий тартиб қоидаларга асосланиб, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган юридик шахслар, уларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳамда ундан ташқарида жойлашган шўъба корхоналари, филиаллари, ваколатхоналари ва бошқа таркибий бўлинмалари сингари бухгалтерия ҳисоби субъектлари ҳисобланади.

Суғурта ташкилотларида узоқ муддатли ва жорий активлар, мажбуриятлар, хусусий капитал, захиралар, даромадлар ва харажатлар фойда, зарарлар ҳамда уларнинг ҳаракати билан боғлиқ хўжалик операциялари эса бухгалтерия ҳисобининг объектлари ҳисобланади.

Мамлакатимизда фаолият юритаётган суғурта ташкилотларида ҳам барча хўжалик юритувчи субъектлар қатори бухгалтерия ҳисобининг асосий мақсади фойдаланувчиларни ўз вақтида тўлиқ ҳамда аниқ молиявий ва бошқа бухгалтерия ахбороти билан таъминлашдан иборатдир.

Суғурта ташкилотлари бухгалтерия ҳисобининг вазифалари қуйидагилардан иборат:

- бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақларида активларнинг ҳолати ва ҳаракати, мулкий ҳуқуқлар ва мажбуриятларнинг ҳолати тўғрисидаги тўлиқ ҳамда аниқ маълумотларни шакллантириш;

- самарали бошқариш мақсадида бухгалтерия ҳисоби маълумотларини умумлаштириш;

- молиявий, солиққа доир ва бошқа ҳисоботларни тузиш ва қатим этиш.

Бугунги кунда суғурта ташкилотлари бухгатерия ҳисобининг юқорида белгиланган вазифалари қуйидаги асосий қоидалар асосида амалга оширилади: бухгалтерия ҳисобини икки ёқлама ёзув усулида юритиш; узлуксизлик; хўжалик операциялари, активлар ва пассивларни пулда баҳоланиши; аниқлик; ҳисоблаш; олдиндан кўра билиш (эҳтиёткорлик);

мазмуннинг шаклдан устунлиги; кўрсаткичларнинг қиёсланувчанлиги; молиявий ҳисоботнинг бетарафлиги; ҳисобот даври даромадлари ва харажатларининг мувофиқлиги; активлар ва мажбуриятларнинг ҳақиқий баҳоланиши.

Фаолият юритаётган суғурта ташкилотлари бухгалтерия ҳисобини юритиш қоидалари бухгалтерия ҳисоби стандартлари билан тартига солинади. Мамлакатимизда хўжалик юритувчи субъектлар томонидан мулкчилик шаклидан қатьи назар барчаси Ўзбекитон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг 21-сон миллий стандарти асосида фаолият юритиши шартлиги белгилаб қўйилган. Лекин суғурта ташкилотлари ҳам хўжалик юритувчи субъект ҳисоблансада, уларда бухгалтерия ҳисобини юритиш суғурта ташкилотлари фаолиятини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан бир вақта 2008 йил 5 майда 1813-сон билан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан рўйхатдан ўтган “Суғурталовчилар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби Счётлар режаси” асосида юритилши ушбу тармоқнинг ўзига хос хусусиятларини белгилайди.

Шу билан биргаликда суғурта ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва ҳисобот тузишни ташкил қилишнинг аниқ йўналиши бўйича субъектнинг ҳисоб юритиш сиёсати шакллантирилишида Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонун ҳужжатларини қўллаш лозим.

Суғурта ташкилотларининг ҳисоб юритиш сиёсатини танлаш ва асослашга қуйидаги омиллар таъсир этади:

- мулкчилик шакли ва ташкилий-ҳуқуқий шакл (АЖ, МЧЖ ва бошқалар);
- фаолият тури ёки тармоқ бўйсунуви;
- ишлаб чиқариш кўлами ҳамда ишловчи ходимларнинг сони;
- солиқ солиш тизими билан муносабат (ҳар хил солиқлардан озод бўлиш, солиқ ставкалари, солиқ солиш бўйича имтиёзлар);
-бозор муносабатларига ўтиш шароитида ҳаракат қилиш эркинлигининг даражаси;
- бошқарув фаолиятининг техник жиҳатдан қуролланганлиги;
- корхонани маълумотлар билан таъминлашнинг самарали тизимининг мавжудлиги;
- бухгалтерия ходимларининг малака даражаси, корхона раҳбарларининг ташаббускорлиги, талабчанлиги ҳамда тадбиркорлиги;
- корхона иши самарасидан моддий манфаатдорлик ва мажбуриятлар бўйича моддий жавобгарлик тизими.

Ҳисоб сиёсатида Ўзбекистон Республикаси қонунларидаги ўзгаришлар билан боглиқ бўлмаган ўзгаришларнинг оқибатлари субъектнинг бухгалтерия ҳисобини юритишнинг ўзгартирилган усуллари қўлланила бошлаган вақтдаги (ойнинг биринчи кунида) текширилган маълумотлар асосида қиймат жиҳатидан баҳоланиши керак.

Суғурта ташкилотларида молиявий ҳисобни ташкил этишда ўзига хос концепцияларни рўёбга чиқаришда қуйидаги талаблар ҳисобга олинади:

- суғурта ташкилотининг мажбуриятлари ва мол-мулклари, мазкур ташкилот мулк эгаларининг мажбуриятлари ҳамда мол-мулкидан алоҳида ҳисобга олинади;

- ташкилот томонидан танлаб олинган ҳисоб сиёсати жорий йилнинг кейингисига нисбатан бир ташкилот чегарасида, шунингдек ўзаро боғлиқ ташкилотлар миқёсида қўлланилади.

Суғурта ташкилотларининг бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш учун бухгалтерия ҳужжатларининг айланиши ва уни тақдим этиш даврийлиги ҳамда кетма-кетлиги ҳисоб сиёсати билан тартибга солинади. Суғурта ташкилотларининг бухгалтерия ҳисобини юритиш жараёнида дастлабки ҳужжатлар ва ҳисоб регистрлари молиявий ва солиқ ҳисоботларини шакллантиришнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланиб, ҳисоб сиёсати орқали шакли ва тартиби белгилаб олинади. Суғурта ташкилотларида ишлаб чиқилган ҳисоб сиёсатини самарали амал қилишида бухгалтерия ҳисоби ва таҳлилнинг ўзаро мувофиқлашган ахборот тизимини яратиш муҳим аҳамият касб этади.

Холиқулов О.Х - СамИСИ PhD докторанти
М.Исломова -Ўзбекистон Республикаси монополияга қарши курашиш Қўмитаси Самарқанд вилоят худудий бошқармасининг ходимаси

ҚУРИЛИШ МАШИНА-МЕХАНИЗМЛАРИ ҚАЙТА БАҲОЛАНИШИНИ БУХГАЛТЕРИЯ БАЛАНСИДА АКС ЭТТИРИШНИНГ ҲУСУСИЯТЛАРИ

Аннотация:*Ушбу мақолада қурилиш ташкилотларида машина-механизмларини қайта баҳоланишини бухгалтерия балансида акс эттириш ҳусусияти ёритиб берилган.*

Калит сўзлар: *баланс, молиявий ҳисобот, бухгалтерия ҳисоби, амортизация, бошланғич қиймат, қайта баҳолаш, жамланган эскириш, қолдиқ қиймат, машина-механизмлар.*

Мамлакатимиз равнақида унинг ҳар бир тармоғи ва соҳаси ўз ўрнига эга. Чунончи, республикамизда 2018 йилда яратилган 407,5 трлн.сўмлик ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)нинг 26,3 фоизи товарлар ишлаб чиқариш соҳасига, 35,6 фоизи хизматлар кўрсатиш соҳасига, 32,4 фоизи қишлоқ хўжалиги ва ўрмон ҳамда балиқчилик хўжаликларига, 5,7 фоизи қурилишга тўғри келди. 2018 йилда республикамизда ЯИМнинг йиллик ўсиш суръати 2017 йилга нисбатан 5,1 фоизни ташкил этди, ҳисобот йилида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 10,6 фоизга,қурилиш 9,9 фоизга, қишлоқ

хўжалиги ва ўрмон ҳамда балиқчилик хўжаликлари 0,3 фоизга, хизмат кўрсатиш соҳаси ўртача 5,4 фоизга ошди[1].

Иқтисодиётда позитив ўзгариш кузатилмоқда. Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар 4,2 млрд долларни ташкил этиб, 2018 йилга нисбатан 3,1 миллиард долларга ёки 3,7 баробар ўсди. Инвестицияларнинг ЯИМдаги улуши 37%га етди. Иқтисодий ўсиш 5,6%ни ташкил этди, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 6,6%га, экспорт 28%га кўпайди, олтин-валюта захираларимиз 2,2 млрд долларга ортиб, 28,6 млрд долларга етди[2].

Мамлакатимиз илк бор халқаро кредит рейтингини олди ва жаҳон молия бозорида 1 миллиард долларлик облигацияларини муваффақиятли жойлаштирди. Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти томонидан Ўзбекистоннинг кредитга доир таваккалчилик рейтинги охирги 10 йилда биринчи марта яхшиланди. Энергетика, нефть-газ, геология, транспорт, йўл қурилиши, қишлоқ ва сув хўжалиги, ичимлик суви ва иссиқлик таъминоти ҳамда бошқа қатор тармоқларда чуқур таркибий ислоҳотлар бошланди. Саноатнинг 12 та етакчи тармоғида модернизациялаш ва рақобатдошликни кучайтириш дастурлари жадал амалга оширилмоқда. Натижада ўтган йили иқтисодий ўсиш 5,6 фоизни ташкил этди. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 6,6 фоизга, экспорт - 28 фоизга кўпайди. Олтин-валюта захираларимиз 2019 йил давомида 2,2 миллиард долларга ортиб, 28,6 миллиард долларга етди[3].

Қурилиш ташкилотларида қурилиш машина-механизмларини ҳар йилги қайта баҳолаш бухгалтерия балансида акс эттириш муҳим аҳамият касб этади. Қуйидаги қурилиш машина-механизмларни қайта баҳолашнинг бухгалтерия балансида қандай акс эттирилиши юзасидан тушунтириш олиб бориш мақсадга мувофиқдир. Қурилиш ташкилотларида қурилиш машина-механизмлари бевосита асосий воситалар таркибида эканлиги ҳаммамизга маълумдир.

Республикамизда мавжуд меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга асосан 2019 йилнинг январь ойида амалга оширилган асосий воситалар, яъни қурилиш-машина механизмларни қайта баҳолаш натижалари №21-сон БҲМС “Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби счётлари режаси ва уни қўллаш бўйича Йўриқнома” га мувофиқ бухгалтерия ҳисобида 0100, 0200, 0300, 0700, 0800 счётларида "8510" счётига боғланган ҳолда бухгалтерия ёзувлари орқали акс эттирилади[4]. Бошланғич қиймат ва ҳисобланган эскиришнинг қайта баҳоланган суммаси бухгалтерия балансида 2019 йилнинг 1 апрелидаги, 2019 йилнинг 1 июлидаги, 2019 йилнинг 1 октябридаги ҳолатига кўра

[1] www.stat.uz-Статистика Қўмитасининг ахборот хизмати.
[2] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги “Олий Мажлисга Мурожаатномаси”. 2020 йилги Мурожаатнома: Президентнинг маърузасидан асосий тезислар. lex.uz.
[3] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги “Олий Мажлисга Мурожаатномаси”.lex.uz.
[4] Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг №21-сон БҲМС “Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби счётлари режаси ва уни қўллаш бўйича Йўриқнома”. 09.09.2002 й.

ҳамда 2019 йилдаги балансда (2020 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра) "Ҳисобот даври бошига" устунининг "010", "011", "090", "100" сатрларида, қайта баҳолаш (сальдоси) қолдиғи эса тегишлича "430" сатрда акс эттирилади.

Айтайлик, “СУФАТ и Д” МЧЖ 2005 йилда ташкил этилган бўлиб, 2018 йилнинг 1 январь ҳолатига асосий воситалари, яъни қурилиш машина-механизмлари мавжуд бўлмаган. “СУФАТ и Д” МЧЖ 2018 йилнинг 16 февраль куни 760 000,0 сўмлик автобетоносместитель ZZ5257GJBN3847A-1 маркали, қурилиш машина-механизмларини харид қилди. Эскириш 2018 йилнинг 1 мартидан бошлаб ҳар ойда ҳисобланди ва 2018 йил учун 95 000,0 сўмни ташкил этди (760 000,0 х 15 фоиз[1] / 12 х 10). Демак **2018 йил учун: 2019 йилнинг 1 январига бухгалтерия балансида,** "Асосий воситалар" (қурилиш машина-механизмлар) активида:

- **"010" сатр** *"бошланғич (қайта тиклаш) қиймати бўйича"* **4-устун** - 760 000,0;
- **"011" сатр** *"эскириш суммаси"* **4-устун** – 95 000,0;
- **"012" сатр 4-устун (010 – 011)** – 665 000,0.

2019 йилнинг январь ойида 2019 йил 1 январдаги ҳолатига кўра ишлаб чиқариш ускунасини қайта баҳолаш индексларига мувофиқ қайта баҳолаш амалга оширилди[2]:

- бошланғич (қайта тиклаш) қиймати - 760 000,0 х 1,018 = 773 680,0;
- тўпланган эскириш суммаси – 95 000,0 х 1,018 = 96 710,0.

Дт 0130 Кт 8510 - 773 680,0;

Дт 8510 Кт 0230 - 96 710,0.

Қайта баҳолаш қолдиғи **2019 йилги** баланс пассивида "430" сатрда акс эттирилади:

(773 680,0 - 760 000,0) - (96 710,0 - 95 000,0) = 11 970,0

Бунда қурилиш машина-механизмлар қийматининг оширилишига бухгалтерия ёзувлари қуйидаги кўринишга эга бўлади (сўмда):

Дт 0130 Кт 0230 – 1 710,0;

Дт 0130 Кт 8510[3] *– 11 970,0.*

Демак **2019 йил учун: 2020 йилнинг 1 январига бухгалтерия балансида** қурилиш машина-механизмларининг эскириши 2019 йил учун 116 052,0 сўм (773 680,0 х 15 фоиз) ни ташкил этди[4].

"Асосий воситалар" (қурилиш машина-механизмлар) активида:

- **"010" сатр** *"бошланғич (қайта тиклаш) қиймати бўйича"* **3 ва 4-устунлар** - 773 680,0;

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси Махсус қисм. XII-бўлим.44-боб, 306-моддаси.(2020 йил 1 январ ҳолатига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган ҳолда, янги таҳрири). ЎзР.қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.31.12.2019 й.02/19/SK/4256-сон.

[2] 2019 йил 1 январ ҳолати бўйича асосий фондлар, ўрнатиладиган ускуналар ва қурилиш тугалланмаган объектларни (уларни харид қилиш, тайёрлаш, қуриш даврлари бўйича) ҚАЙТА БАҲОЛАШ ИНДЕКСЛАРИ*

[3] Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг №21-сон БҲМС “Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби счётлари режаси ва уни қўллаш бўйича Йўриқнома”. 09.09.2002 й.

[4] “СУФАТ и Д” МЧЖ нинг 2019 йиллик молиявий ҳисобот маълумотлари.

- **"011" сатр** *"эскириш суммаси"* **3-устун** – 96 710,0 ва **4-устун** – 212 762,0 (96 710,0 + 116 052,0);

- **"012" сатр (010 – 011) 3-устун** – 676 970,0 ва **4-устун** – 560 918,0.

Таъкидлаб ўтиш жойизки, бухгалтерия балансининг **3-устунида** одатда ҳисобот даври бошидаги маълумотлар, яъни аввалги ҳисобот давридаги баланснинг **4-устуни** маълумотлари кўрсатилади. 2020 йилнинг 1 январига бухгалтерия балансининг **"010" ва "011", "090", "100" сатрлари,** шунингдек **3-устун "430" сатрининг** 2019 йилнинг 1 январидаги баланснинг **4-устуни** тегишли сатрларига номувофиқлиги асосий фондлар (қурилиш машина-механизмлар) ни қайта баҳолаш натижасида келиб чиққан. Ушбу ҳолат албатта молиявий ҳисоботга илова қилинадиган тушунтириш хатида акс эттирилиши лозим.

Мамлакатимиз қонунчилигида кўрсатилганидек, агар асосий фондлар (қурилиш машина-механизм) ларини қайта баҳолаш ҳисобот йилининг биринчи санаси ҳолатига ўтказилса, қайта баҳолаш натижаларининг кўрсаткичлари ҳисобот йилининг бошига шаклланадиган молиявий ҳисоботга қабул қилинади. Бунда ўтган йилнинг охиридаги кўрсаткич ҳисобот йилининг бошидаги кўрсаткичга мос келмаслиги, асосий воситаларни ҳисобот йилининг биринчи санасига ўтказилган қайта баҳолашнинг натижаси деб тушунилади ва жорий даврнинг молиявий ҳисоботидаги тушунтириш хатида тўлиқ баён этилади[1].

Бухгалтерия ҳисоби методлари асосийларидан бу молиявий ҳисобот шакллари ҳисобланади. Шу боис ҳам ҳар бир ҳисобчи хўжалик юритувчи субъектларни мулкка эгалик қилиш ҳуқуқи, яъни молиявий ҳисобот шаклларидан бухгалтерия балансини тўлдириши тартибига алоҳида эътибор қаратиш муҳим аҳамият касб этади. 1-шаклнинг ҳар бир сатрига алоҳида эътибор бериш қатъий талаб этилади.

А.Р.Суванқулов– Тошкент Молия институти, “Бюджет ҳисоби ва ғазачилик иши” кафедраси, и.ф.н., доцент**.**

А.С. Рамазонов– Тошкент Молия институти, “Бюджет ҳисоби ва ғазачилик иши” кафедраси, ўқитувчи

ДАВЛАТ СЕКТОРИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация: Ушбу тезисда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4611-сонли “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорга асосан Ўзбекистон Республикасида давлат корхоналари ва хҳжалик юритувчи субъектларда бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисобот

[1]Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида “Молиявий ҳисобот шаклларини тўлдириш бўйича қоидалар”нинг 5-бандидан (рўйхат рақами 1209, 2003 йил 24 январь).

тузишни МҲХС асосида амалга оширишга ўтиш вазифалари, бу борада стратегияни ишлаб чиқиш зарурлиги ҳамда унда белгиланадиган устувор йўналишлар ва асосий вазифалар бўйича илмий тавсиялар келтирилган.

Калит сўзлар: Молиявий ҳисобот, халқаро стандарт, миллий ҳисобот.

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (кейинги матнларда — МҲХС) аксарият иқтисодий ривожланган мамлакатлар амалиётида кенг қўлланиб келмоқда.

Халқаро молиявий ҳисобот стандартлари (МҲХС-инглизча-International Financial Reporting Standards) - ташқи фойдаланувчиларга компания тўғрисида иқтисодий қарорлар қабул қилишлари учун зарур бўлган молиявий ҳисоботларни тайёрлаш қоидаларини тартибга солувчи ҳужжатлар тўпламидир.

1973 йилдан 2001 йилгача стандартлар Халқаро Бухгалтерия Стандартлари Қўмитаси (IASC- Board of the International Accounting Standards Committee) томонидан ишлаб чиқилган ва Халқаро Бухгалтерия Стандартлари International Accounting Standards (IAS) номи билан чиқарилган. 2001 йилда Халқаро Бухгалтерия Стандартлари Қўмитаси (IASC) Молиявий ҳисоботларнинг ҳалқаро стандартлари Кенгашига (IASB) ўзгартирилди. 2001 йил апрел ойида Молиявий ҳисоботларнинг ҳалқаро стандартлари Кенгаши амалдаги ҳисоботларнинг ҳалқаро стандартларини қабул қилди ва МҲХС деб номланган янги яратилган стандартларни чиқаришни давом эттирмоқда.

Халқаро стандартлар, баъзи миллий ҳисобот бериш қоидаларидан фарқли ўлароқ, қаттиқ кодланган қоидаларга эмас, балки принципларга асосланган стандартлардир.

Белгиланган тенденцияларни ҳисобга олган ҳолда, шунингдек, МҲХС бухгалтерия ҳисоботи ишончли ва шаффоф маълумотларини яратиш нуқтаи назаридан энг истиқболли ва динамик тизимни тақдим этишини ҳисобга олган ҳолда, МҲХС тўғрисидаги билим ҳар бир бухгалтер, компания менежери, иқтисодчиси ва таҳлилчиси учун самарали ишлаш учун зарурий шарт бўлиб қолди.

МҲХСни амалга ошириш жараёни узоқ давом этади ва ҳар бир стандартни синчковлик билан ўрганишни талаб қилади ва бу тизимни бир йилдан кўпроқ вақт давомида ишлаб чиқишни назарда тутади, бу эса МҲХСга ўтишни ташкил қилишда ҳисобга олиниши керак.

Жаҳон иқтисодиётини глобалашуви, халқаро муносабатларни кенгайиб бориши бухгалтерия ҳисоби, жумладан бюджет ҳисобининг халқаро стандартларини жорий этишни тақоза қилмоқда. Ҳозирги вақтда давлат бошқаруви ҳисобини ислоҳ қилишда давлат секторида бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартларини (кейинги матнларда-ДС МҲХС) жорий этиш масалалари атрофлича ўрганилмоқда.

Халқаро бухгалтерия амалиётида бюджет ҳисобини ислоҳ этиш жараёнида касса усулидан ҳисоблаш усулига ўтиш муҳим йўналиш деб

ҳисобланади. Бундан ташқари халқаро иқтисодий муносабатларининг глобаллашуви шароитида мамлакат мажбуриятлари ҳолати ва унинг ресурслари қандай бошқараётганлиги, шунингдек, молиявий ҳолатни таҳлил этиш орқали чет эл инвестициялари ҳажмининг ошиши ва донорлик маблағларини жалб этиш учун қўшимча имконият яратилади ҳамда давлат бюджети маблағларидан янада самарали фойдаланиш имконияти яратилиб, молия секторида молиявий интизом мустахкамланади.

Кейинги йилларда Ўзбекистонда ҳам халқаро амалиёт тажрибаларидан келиб чиқиб бюджет ҳисобини ислоҳ этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунда амалиётда қўлланилаётган бюджет ҳисобини ислоҳ этишнинг заруриятининг юзага келишини сабаблари қуйидагилардир:

•молиявий ҳисоботларнинг ахборот имкониятлари, уларнинг қамрови ва сифатини ошириш;

•давлат молиявий ҳисоботларини халқаро кўрсаткичлар билан солиштириш;

•давлат молиясини бошқариш тизимининг бошқа йўналишларида ислоҳотларни амалга оширишда молиявий ҳисобот ахборотларини қўллаш.

Ўзбекистон Республикасида давлат секторида бухгалтерия ҳисобини ислоҳ қилишнинг асосий талабларидан бири бу кенг тарқалган ва фойдаланувчилар учун тушунарли бўлган молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларига асосланган шаклларидан фойдаланиш заруратидир. Шу нуқтаи назардан, биз умумий мақсадли ҳисобот, яъни оммавий ҳисобот ҳақида гаплашмоқдамиз. Бу, авваламбор, махсус тайёрланган маълумотлар билан танишиш имконига эга бўлмаган ташқи фойдаланувчилар учун зарурдир.

Халқаро бухгалтерия амалиётида бюджет ҳисобини ислоҳ этиш жараёнида касса усулидан ҳисоблаш усулига ўтиш муҳим йўналиш деб ҳисобланади. Кейинги йилларда Ўзбекистонда ҳам халқаро амалиёт тажрибаларидан келиб чиқиб бюджет ҳисобини ислоҳ этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунда амалиётда қўлланилаётган бюджет ҳисобини ислоҳ этиш заруриятининг юзага келиши сабаблари қуйидагилардир:

•молиявий ҳисоботларнинг ахборот имкониятлари, уларнинг қамрови ва сифатини ошириш;

•давлат молиявий ҳисоботларини халқаро кўрсаткичлар билан солиштириш;

•давлат молиясини бошқариш тизимининг бошқа йўналишларида ислоҳотларни амалга оширишда молиявий ҳисобот ахборотларини қўллаш.

Умумий мақсадларга мўлжалланган молиявий ҳисоботлардан фойдаланувчилар орасида давлат органлари, солиқ тўловчилар, қонун ҳужжатлари тайёрлайдиган кишилар, кредиторлар, маҳсулот етказиб берувчилар, ОАВ вакиллари ва турли соҳа ходимларини келтиришимиз мумкин.

Маълумотлардан фойдаланувчиларнинг кенг доирасига ҳисоботларни тўлиқ тушуниш ва ундан фойдаланиш имкониятини тақдим этиш зарурати, биринчи навбатда, давлат бюджети даромадлари ва харажатларининг ҳолатини кенг жамоатчиликка етказиш билан боғлиқдир.

Давлат томонидан ўз вазифаларини бажариш жараёнида турли хизматлар амалга оширилади. Мамлакатда яратилаётган ЯИМнинг анча юқори улуши йўналтирилаётган (Ўзбекистонда 20% ортиқ) давлат бюджети даромадлари ва харажатларидан тўғри фойдаланишни кенг жамоатчилик томонидан назорат қилиниши унинг самарадорлигини оширади ҳамда давлат бошқарув тизимига бўлган ишончни мустахкамлаш учун хизмат қилади.

Масалан, давлат томонидан коммунал хизматлар кўрсатиш тизимини молиялаштириш амалга оширилиши натижасида у иқтисодий фаолиятнинг иштирокчисига айланади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳатлар натижасида “давлат-бизнес” ҳамкорлиги кенгайиб бормоқда. Бу давлат бюджети учун муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ички ва ташқи бозорларда ушбу секторларни ислоҳ этиш учун кредиторлар жалб қилиш имкониятини беради. Шундай қилиб, бутун дунё бўйлаб молиявий ҳисоботларнинг бир хиллиги ва таққосланишига эришиш учун давлат бошқаруви органлари ва мамлакат иқтисодиётининг бошқа тармоқлари хўжалик юритувчи субъектларининг ҳисоботлари, халқаро ва миллий стандартларнинг уйғунлиги жуда мос келади.

2014 йил 1 январдан амалга киритилган Ўзбекистон Республикаси «Бюджет кодекси»да бюджет ҳисоби ва ҳисоботини юритиш услубиёти бюджет ҳисобининг стандартларига мувофиқ белгиланиши алоҳида кўрсатиб ўтилган.

Бугунги кунда давлат секторида бухгалтерия ҳисоби халқаро стандартлари асосида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи тизимини такомиллаштириш концепциясига мувофиқ бюджет ҳисобининг стандартлари лойиҳалари ишлаб чиқилмоқда.

Ҳозирги кунда Бюджет ҳисоби стандартларининг қабул қилиниши қуйидагиларни амалга ошириш имконини беради:

- бухгалтерия ҳисобини юритиш бўйича миллий қонунчилик талабларини эътиборга олиш;
- ортиқча харажатларсиз бухгалтерия ва молия ходимларини тайёрлаш, ўқитишни ташкил этиш;
- амалдаги автоматлаштирилган бухгалтерия дастуридан (УзАСБО) баъзи кичик ўзгартириш ва қўшимчалар билан фойдаланиш;
- янги ўзгаришлар жараёнини ташкил этишни осонлаштириш.

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишни жадаллаштириш орқали хорижий инвесторларни зарур ахборот муҳити билан таъминлаш ва халқаро молия бозорларига кириш имкониятларини кенгайтириш, шунингдек, ҳисоб ва аудит соҳалари мутахассисларини

халқаро стандартлар бўйича тайёрлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4611-сонли “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Ушбу қарорга асосан Ўзбекистон Республикасида акциядорлик жамиятлари, тижорат банклари, суғурта ташкилотлари ва йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритилган юридик шахслар 2021 йил 1 январдан бошлаб МҲХС асосида бухгалтерия ҳисоби юритилишини ташкил этиши ва 2021 йил якунидан бошлаб молиявий ҳисоботни МҲХС асосида тайёрлаш ва топшириш юклатилди. Ушбу қарор иловасида тасдиқланган “йўл харитасига” биноан бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларини МҲХСга уйғунлаштиришни ҳисобга олган ҳолда уларни такомиллаштириш ҳамда давлат улуши иштирокидаги хўжалик жамиятлари ва давлат корхоналарида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисобот тузишни МҲХС асосида амалга оширишга ўтиш вазифалари белгиланди. Бу эса амалиётда ДС МҲХСни тайёрлаш ва тақдим этиш жараёнини тезлаштиришни талаб қилади.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари асосида бюджет ҳисобини ислоҳ этишнинг мақсади:

- ҳисоб юритишнинг услубий жиҳатларини халқаро амалиётда умумқабул қилинган меъёрларга мослаштириш асосида мамлакат рейтингини янада ошириш;
- давлат молиясини бошқаришда ҳисоботларнинг ахборот қамрови ва шаффофлигини ошириш;
- молиявий ва статистик ҳисоботларнинг интеграциялашувини таъминлаш;
- халқаро муносабатларнинг глобаллашуви шароитида чет эл инвестициялари ҳамда донорлик маблағлари ҳажмини кўпайтиришдир.

Д.А.Ташмухамедова - Тошкент молия интститути “Бюджет ҳисоби ва ғазначилик иши” кафедраси катта ўқитувчиси

ҲУДУДЛАР РИВОЖЛАНИШИНИ МОЛИЯВИЙ БОШҚАРИШ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация: Ушбу тезисда ҳудудий ривожланишни молиявий жиҳатдан бошқариш тизими, механизмларининг роли назарий жиҳатдан тадқиқ этилган. Ҳудудий ривожланишни молиявий бошқариш стратегиясини ишлаб чиқиш зарурлиги ҳамда унда белгиланадиган устувор йўналишлар ва асосий вазифалар бўйича илмий тавсиялар келтирилган.

Калит сўзлар: ҳудудий иқтисодий ривожланиш, ҳудудий молиявий бошқариш, молиявий бошқариш тизими, молиявий бошқариш механизми, молиявий бошқариш воситалари, ривожлантириш стратегияси.

Мамлакатимиз иқтисодиётини барқарор ривожлантириш, ҳудудлар фаровонлиги ва аҳоли ҳаёт даражасини оширишга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирлар амалга ошириб борилмоқда. Уларни самарали амалга ошириш мақсадида ҳудудлар ва тармоқларни комплекс ривожлантириш, ишлаб чиқариш кучларини мутаносиб жойлаштириш, тармоқ ва ҳудудий инвестиция дастурлари ишлаб чиқилиши ҳамда амалга оширилишини таъминлаш, корхона ва ташкилотларнинг экспорт фаолиятини мувофиқлаштириш каби вазифалар белгиланди.

Ҳудудий ривожланиш – бу молиявий ресурслар ҳаракатининг табиий-моддий ва қиймат шаклларининг ривожланиши ҳамда бутун ҳудудий тизим, яъни унинг таркибий элементлари (ҳудудларнинг табиий-иқлимий, геосиёсий, иқтисодий, молиявий, демографик, ахборот ва институционал тузилмаси) ўртасидаги ўзаро боғлиқлик тизимининг бир бутунликда ишлашини таъминлаш мақсадида ушбу молиявий ресурсларнинг узлуксиз айланишидир.

Молиявий бошқариш моҳиятини очишга тизимли ёндошишни қўллаш ушбу молиявий бошқарувнинг таъсир даражаси муайян даврдаги ижтимоий самарадорликни акс эттириши лозим деган хулосага олиб келадики, бунда, албатта, самарали технологиялар ва меъёрий-ҳуқуқий базадан фойдаланишни ҳисобга олмоқ керак. Сабаби, баъзи иқтисодий сегментларнинг яхши ишлаши товар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият юритувчи хусусий бизнес учун хуш келмайди, демак бу ерда нарх-навони шакллантирувчи сигналлар йўқлиги ёки бузиб кўрсатилиши оқибатида бозор механизми ишламайди. Табиийки, бу ҳудудлар жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини тўхтатувчи омилдир. Бу эса ҳудудий тизимнинг барча субъектлари истеъмол қиладиган, аммо уларни ишлаб чиқариш хусусий тадбиркорлар қатламига манфаат келтирмайдиган ижтимоий товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишга бўлган объектив эҳтиёж учун асос бўлади. Бундай шароитда талаб ва таклиф қонунининг ишлаши минтақа аҳолисининг умумий манфаатлари нуқтаи назаридан мантиққа тўғри келм Молиявий-хўжалик ва ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг асосий соҳаси бўлган мулкчилик муносабатларни ўз ичига олган ҳудудий ривожланишни молиявий бошқариш механизми самарали ишлаши учун ҳудудий иқтисодий жараёнлар субъектларининг иқтисодий манфаатларини олий мақсад бўлиши лозим.

Молиявий-хўжалик ва ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг асосий соҳаси бўлган мулкчилик муносабатларни ўз ичига олган ҳудудий ривожланишни молиявий бошқариш механизми самарали ишлаши учун ҳудудий иқтисодий жараёнлар субъектларининг иқтисодий манфаатларини олий мақсад бўлиши лозим.

Ҳудудий ривожланишни молиявий бошқариш стратегиясининг устувор йўналишлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

– режалаштириш ва прогнозлаш усулларини фаол татбиқ этиш;

– минтақа доирасида территориал дифференциацияни бюджет орқали тартибга солишнинг ҳам вертикал, ҳам горизонтал тизимини ривожлантириш;

– ҳудудий даромадларни бошқариш сифатини комплекс баҳолаш мезонлари ва усулларини ишлаб чиқиш.

Ҳудудлар ривожланишини молиявий бошқариш тизимини шакллантириш жараёни бюджет-молия приоритетлари, ҳудудларнинг молиявий салоҳиятини бошқариш сифатини оширишда марказлашган ва марказлашмаган давлат жамғармаларидан фойдаланишнинг барча турларини ўз ичига олган.

Ҳудудларнинг молиявий салоҳиятини бошқариш сифатини баҳолаш қуйидагиларга асосланади: институционал тузилмаларнинг самарали ўзаро алоқаси ва ҳудудларни молиявий бошқариш жараёнининг трансакцион харажатларини оптималлаштириш; ҳудудий бюджет ижроси устидан молиявий-бюджет назорати ўрнатиш ва мустақил аудит ўтказиш; бюджетни ўрта муддатли режалаштириш, ҳудудлар бюджети таъминланганлиги ва солиқ юкини ҳисоблашнинг меъёрий усуллари; ҳудудларнинг тўлашга қодирлиги ва молиявий барқарорлигини комплекс баҳолаш (мониторинг) тизимини ишлаб чиқиш.

Мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг ҳудудий ривожланиши мақсадли ўсишга (ривожланишга), минтақадаги молиявий-хўжалик мажмуани молия воситасида тизимли тартибга солиш ва бошқарувга таяниши керак. Биринчи навбатда, бозор талабларига жавоб берадиган, юқори даромад келтирадиган, стратегик масалалар ечимига хизмат қиладиган корхоналарни ривожлантириш, илғор лойиҳаларни амалга ошириш талаб этилади. Бу диверсификацияланган ҳудудий иқтисодиёт яратилишга, келажак авлод манфаатларини ҳамда техноген жараёнлар таъсирини имкон қадар қисқартириш масалаларини назардан қочирмайдиган ижтимоий адолат принциплари тантанасини таъминловчи шароит яратилишига олиб келиши лозим. Турли институтларнинг ўзаро алоқасини мувофиқлаштирувчи ҳамда юзага келадиган муаммоларни ҳал этиш учун барча воситаларни сафарбар қилувчи ва шу билан бирга вақт ўтган сайин ўзгариб борувчи тизим ривожлантириш механизми вазифасини бажариши лозим.Мазкур жараён молиявий-ташкилий усуллар ва ҳудудий ривожланишни бошқариш механизмлари ўзига хос тарзда жамланганлиги билан тавсифланади.

Ҳудудларни молиявий тартибга солиш чоралари ҳамда маълум асосий молиявий параметрал кўрсаткичлар йиғиндисидан фойдаланган ҳолда ҳудудларни молиявий бошқарувнингсамарали тизимини ташкил этиш лозим

бўлиб, бу ёндашишлар ҳудудий ривожланиш жараёнларини тўғри баҳолаш ва уларга ўз вақтида таъсир ўтказиш имконини беради.

Ҳудудий ривожланишни давлат томонидан молиявий бошқаришнинг солиқ-бюджет усулларини ривожлантириш бўйича кўрсатилган ҳудудларнинг табиатдан фойдаланиш (ҳудуддаги табиий ресурсларини тасарруф этиш), қурилиш бозори, иқтисодиётнинг турли соҳаларида инвесторларга имтиёзлар бериш борасида ваколатларини кенгайтириш лозим.

Д.С. Ташназарова – ТДИУ, тадқиқотчи
Т.Ҳ. Турабоев – СамИСИ, магистр
С.И. Адҳамов – СамИСИ, магистр

БУХГАЛТЕРИЯ БАЛАНСИНИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР АСОСИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Аннотация: Мақолада корхоналарда бухгалтерия балансини халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш тўғрисида тушунчалар ва қоидалар келтирилган. Бухгалтерия балансини халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш илмий жиҳатдан асосланган. Корхоналарда бухгалтерия балансини халқаро стандартлар асосида тузиш услубиятини яхшилашга қаратилган тавсиялар берилган.

Калитли сўзлар: Бухгалтерия баланси, баланс моддалари, актив, капитал, мажбурият, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳатлар натижасида ҳар бир соҳада ижобий натижаларга эришилмоқда. Шу жумладан бухгалтерия ҳисоби тизимида ҳам бир қатор ўзгаришлар бўлмоқда. Масалан, бухгалтерия ҳисоби тизимини бухгалтерия ҳисоби халқаро стандартлари ва молиявий ҳисобот халқаро стандартлари асосида ташкил қилиш масаласини келтириш мумкин. Халқаро ҳисоб тизимига ўтиш натижасида ҳисоботларнинг тўғрилиги, шаффофлиги, маълумотларнинг тўлиқлиги, ҳисоботнинг барча фойдаланувчилари учун тушунарли, аниқ ва фойдали ҳисоб маълумотлари билан таъминлашга эришилади.

2020 йил 24 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-4611 «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора – тадбирлар тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Мазкур қарорда молиявий ҳисобот халқаро стандартларига (МҲХС) ўтишни жадаллаштириш орқали хорижий инвесторларни зарур ахборот муҳити билан таъминлаш ва халқаро молия бозорларига кириш имкониятларини кенгайтириш, шунингдек, ҳисоб ва аудит соҳалари мутахассисларини халқаро стандартлар бўйича тайёрлаш тизимини такомиллаштириш масалаларига чуқур урғу берилган.

МҲХСга ўтиш молиявий ҳисоботнинг шаклларини, жумладан бухгалтерия балансини халқаро стандартларга уйғунлаштиришни тақозо этади.

«Баланс» атамаси лотинча bis - икки марта, banx - тарози палласи сўзларидан таркиб топган бўлиб, том маънода «икки палла» деган маънони англатади ва тенглик, мувозанат тушунчаси сифатида ишлатилади.

Бухгалтерия баланси – корхона маблағлари ва уларнинг ташкил топиш манбалари ҳолатини пул шаклида гуруҳлаш ва акс эттириш усулидир.

Активлар – бу корхона томонидан ўтган ҳодисалар натижасида назорат қилинадиган ресурслар бўлиб, улардан фойдаланиш келгусида корхонага иқтисодий наф келтиради.

Мажбуриятлар – бу корхона фаолиятида ўтган ҳодисалар натижасида юзага келган ҳақиқий мажбуриятлари ҳисобланиб, уларнинг сўндирилиши (узилиши) иқтисодий нафни мужассамлантирувчи корхона ресурсларнинг ташқарига чиқиб кетишига олиб келади.

Капитал – бу компаниянинг барча мажбуриятлар чиқарилиб ташлангандан кейин қолган активларга бўлган улушдир.

Молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот **(МҲХС бўйича)**	Бухгалтерия баланси **(БҲМС бўйича)**
АКТИВЛАР	АКТИВ
1.Оборотдан ташқари активлар	1.Узоқ муддатли активлар
2.Айланма маблағлар	2.Жорий активлар
ХУСУСИЙ КАПИТАЛ ВА МАЖБУРИЯТЛАР	ПАССИВ
1.Хусусий капитал	1.Ўз маблағлари манбаи
2.Узоқ муддатли мажбуриятлар	2.Мажбуриятлар
3.Қисқа муддатли мажбуриятлар	

Молиявий ҳисоботнинг 1-шакли - «Бухгалтерия баланси»нинг қатъий белгиланган шакли бўйича миллий ҳисоб тизимида юритилади. Бухгалтерия балансини ҳар бир корхона ўз фаолияти ва мулкчилик шаклидан келиб чиққан ҳолда тузиш тавсия этилади. Бухгалтерия баланси халқаро стандартда молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот деб аталади. Халқаро стандартларда ушбу ҳисоботнинг формати келтирилмаган. Лекин, корхоналар молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда тўғридан-тўғри акс эттириши лозим бўлган ахборотлар қаторини белгилаб берилган ва уларга минимал талабларни қўйган. Бундан ташқари халқаро стандартда корхона ўзининг танлови билан молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда ёки тушунтиришлар ва очиқлашларда акс эттириши лозим бўлган ахборотлар қатори келтирилган. Демак, бундай ҳолларда корхоналар профессионал ташкилотлар томонидан тавсия этилган намунавий форматлар асосида молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботнинг ўз корхоналарига уйғун бўлган ва халқаро стандартлар талабларига жавоб берадиган форматини ишлаб чиқади. Ҳисоботга бундай ёндашув олдинги умумий тасдиқланган шаклларда бўш қолиб кетадиган сатрларга барҳам беради. Корхона ўзининг инвестициявий

жозибадорлигини ошириш мақсадида ҳисоботга илмий ва профессионал ҳамда ижодий ёндашади.

Молиявий ҳисобот – бу молиявий бухгалтерия ҳисобининг мақсади, функциялари ва вазифаларини амалга ошириш воситаси бўлиб ҳисоб процедурасида муҳим якуний натижавий босқич ҳисобланиб, унинг ёрдамида корхонанинг ўтган даври учун умумэътироф этилган қоидалар асосида ташкилотнинг молиявий ҳолати, унинг молиявий иқтисодий фаолияти натижалари ҳамда пул маблағлари ҳаракатига доир энг объектив ва сифатли жамланган ахборотларни ўзида мужассамлаштирган тизимдир[1]. У ички ва асосан ташқи ахборот фойдаланувчиларга қарорлар қабул қилиш ва назорат учун ахборотга бўлган умумий эҳтиёжини таъминлашга қаратилган.

Молиявий ҳисоботнинг асосий мажбурий шакллари (МҲХС бўйича)	**Молиявий ҳисоботнинг асосий мажбурий шакллар (БҲМС бўйича)**
1. Молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот	1.Бухгалтерия баланси
2. Фойда ва зарарлар ҳамда бошқа тўплам даромадлар тўғрисидаги ҳисобот	2.Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот
3. Пул оқимлари ҳақидаги ҳисобот	3.Пул оқимлари ҳақидаги ҳисобот
4. Хусусий капиталнинг ўзгариши тўғрисидаги ҳисобот	4.Хусусий капитал тўғрисида ҳисобот
Изоҳлар, ҳисоб сиёсатининг қисқача тавсифи ва бошқа тушунтиришлар	

Изоҳлар – бу молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот, тўплам даромадлар тўғрисидаги ҳисобот, алоҳида фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот, хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот ва пул маблағлари тўғрисидаги ҳисоботларга қўшимча маълумотларни берувчи ахборотларни қамраб олади. Изоҳлар кўрсатилган ҳисоботлардаги моддаларни баён этилиши ёки деталлашган расшифировкасини ҳамда ушбу ҳисоботларга очиқлашларни, шунингдек, ҳисоботда тан олиниши кўзда тутилмаган моддалар ҳақида ахборотларни ўз ичига олади. Бу бўлимда баланснинг моддаларидаги ўзгаришларни моддалар бўйича таснифлаш тавсия этилади.

Хулоса қиладиган бўлсак, молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботни халқаро стандартлар асосида тузишда тадқиқотчилар олдида турган энг муҳим вазифалардан биттаси ҳисоботда акс эттирилаётган активлар, мажбуриятлар ва хусусий капиталга оид моддаларни тан олиш, баҳолаш услубий асосларини ишлаб чиқиш ҳамда ҳисоботнинг халқаро стандартлар талабларига жавоб берадиган намунавий форматларини ишлаб чиқиб амалиётга тавсия этиш бўлиб ҳисобланади.

[1] С.Н. Ташназаров, Д.С. Ташназарова. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари. Самарқанд. 2019. 96-бет.

III ШЎЪБА. “ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ ТАРМОҚЛАРИ СУБЪЕКТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ХАЛҚАРО АУДИТ СТАНДАРТЛАРИ АСОСИДА АУДИТОРЛИК ТЕКШИРУВИДАН ЎТКАЗИШНИНГ ТАШКИЛИЙ ДАСТАКЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ”

З.Н.Курбанов - и.ф.д., профессор

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ КАРХОНАЛАРИДА СОЛИҚ АУДИТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ МУАММОЛАРИ

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 9 декабрдаги **“2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида” ги** ЎРҚ-589-сонли ва 2019 йил 30 декабрдаги “**Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги** ЎРҚ-599-сонли қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 июлдаги ПҚ-4389-сон “Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ва 2019-йил 30-декабрдаги “**Ўзбекистон Республикасининг “2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида” ги қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”** қарорлари мамлакатимизда солиқ бюджет сиёсатини такамиллаштиришда асос бўладиган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар бўлиб ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда “солиқ аудити” тушунчаси мамалакатимиз ва хорижий адабиётларда тез-тез ишлатиладиган тушунча бўлиб қолмоқда. Бироқ, меъёри ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам, иқтисодий адабиётларда ҳам “солиқ аудити” тушунчаси ҳар хил талқин қилинмоқда.

Солиқ аудитининг муҳимлигини Т. Д. Барсулая қуйидагича ифодалайди: ҳозирги вақтда аудиторлик хизмати турлари ичида солиқ аудитига кўпроқ эҳтиёж туғилмоқда. Экспертларнинг баҳолашича Россия аудиторлик компаниялари тушумининг 30 фоизи солиқ аудитига тўғри келмоқда.[1]

Яна бир Россиялик иқтисодчи Л.В. Усатова ўзининг илмиий ишларида солиқ аудитини қуйидагича эътироф этган: “Солиқ аудити-бу бухгалтерия ва солиқ ҳисобларининг ҳолатини, шунингдек ташкилотларнинг солиқлар ва йиғимлар бўйича ҳисоб китобларини мустақил текширишдир”.[2]

Россия Федерацияси Президенти ҳузуридаги аудиторлик фаолияти бўйича комиссия томонидан мақулланган (2000 йил 11 июлдаги 1-сонли баёни) «Солиқ масалалари бўйича солиқ аудити ва бошқа хизматлар. Солиқ

[1] Барсулая Т.Д. Налоговый аудит. Учебник: учебное пособие / Барсулая Т.Д. — Москв : Русайнс, 2019. — 582 с. — ISBN 978-5-4365-3384-1. — URL: https://book.ru/book/932100 (дата обращения: 14.12.2019).

[2] Усатова Л.В. Организация процесса налогового аудита расходов. Журнал экономический анализ: теория и практика, 2008, 24 (129), 26-31стр

органлари билан мулоқат» номли аудиторлик фаолиятини методикасида солиқ аудити қуйидагича ёзилган: “Солиқ аудити деганда иқтисодий субъектнинг бухгалтерия ва солиқ ҳисоботларини ҳақиқийлиги ва қонунчилик томонидан белгиланган нормаларга мос келишлиги даражасини, иқтисодий субъектлар томонидан бюджетга тўланадиган солиқлар ва бошқа тўловлар ва бюджетдан ташқари фондларга ажратмаларни ҳисобда акс эттирилишини аудиторлик ташкилотлар томонидан махсус аудиторлик топшириқни бажарилиши тушунилади”.[1]

Ушбу методикада солиқ аудитига берилган таъриф, солиқ аудитини моҳиятини тўлиқроқ очган дейишимиз мумкин.

Р.Д.Дўсмуратов ўзининг дарслик, монография ва бошқа илмий ишланмаларида аудитнинг умумий жиҳатларини акс эттириш билан бирга, солиқларнинг ҳар бири бўйича аудит қилишни ёритиб берган.[2]

К.Р.Хотамовнинг фикрича “Солиқ аудити – бу мустақил аудиторлик ташкилотлари томонидан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг барча элементлари ва имтиёзларни тўғри қўлланилганлиги солиқ ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мослигини текширишдир”.[3]

Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Солиқ кодексининг 140-моддасида солиқ аудити тўғрисида қуйидагилар эътироф этилган: “Муайян давр учун солиқлар ва йиғимларни ҳисоблаб чиқариш ҳамда тўлашнинг тўғрилигини текшириш солиқ аудитидир. Солиқ аудити солиқ тўловчиларнинг (солиқ агентларининг) юқори даражадаги таваккалчилик тоифасига мансуб солиқ тўловчига (солиқ агентига) нисбатан ўтказилади”.[4]

Бизнинг фикримизча, солиқ аудити фақат солиқ хизмати органлари томонидан эмас, балки улар билан биргаликда бошқа аудиторлик фаолиятини олиб бориш ҳуқуқига эга бўлган аудиторлик компаниялар ҳам ўтказишлари мумкин.

Жаҳон амалиётида ҳам, мамлакатимизда ҳам молиявий назоратнинг турларидан бири бўлиб солиқ назорати ҳисобланади.Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Солиқ кодексининг 135-моддасида солиқ назоратига таъриф берилмасада, у қуйидагича эътироф этилган: “Ваколатли органларнинг солиқ тўловчилар ва солиқ агентлари томонидан солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назорат қилишга доир фаолияти солиқ назоратидир”.[5] Ушбу кодекснинг 136-моддасида солиқ назоратини қуйидаги шаклларда солиқ текширувлари; солиқ мониторинги

[1] Методика аудиторской деятельности «Налоговый аудит и другие сопутствующие услуги по налоговым вопросам. Общение с налоговыми органами» [одобрена Комиссией по аудиторской деятельности при Президенте РФ 11.07.2000 Протокол № 1] // «Консультант Плюс». 21.12.2019.

[2] Дўсмуратов Р.Д. Аудиторлик фаолияти: Назария, услубиёт ва амалиёт. Монография. - Т.: «Молия», 2007. – 276 б.

[3] Ҳотамов К.Р.” Билвосита солиқлар ҳисоби, таҳлили ва аудитини такомиллаштириш” диссертация и.ф.д., Т:. 2016.136 б.

[4] Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Солиқ кодекси. ЎРҚ-599, 2019-йил 30-декабрь.

[5] Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Солиқ кодекси. ЎРҚ-599, 2019-йил 30-декабрь.

шаклида амалга ошириш кўзда тутилган.[1] Шунингдек, Кодекснинг 137-моддасида солиқ текширувларининг қуйидаги

1) камерал солиқ текширувлари;

2) сайёр солиқ текширувлар;

3) солиқ аудити каби турлари келтириб ўтилган.[2] (1-расм).

Солиқ назорати ва текширувларининг турлари орасида солиқ аудити янги тушунча бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун ҳам солиқ аудитининг моҳияти ва мазмунига тўлиқ тўхталиб ўтамиз. Янги Солиқ кодексида солиқ назоратининг янги тартиби (камерал текширув, сайёр текширув, солиқ аудити) солиқ тўловчининг таҳлика-таҳлили асосида текшириш кўзда тутилган. «Таҳлика-таҳлил дастури инсон омилисиз автоматлаштирилган ҳолда фаолият кўрсатаётган барча хўжалик субъектларини мезонлар асосида хавфлилик даражасига қараб 3та сегментга, яъни яшил, сариқ, қизил йўлакларга ажратади.



1-расм. Солиқ текшируви турлари

Хавфлилик даражаси паст бўлган (яшил йўлакча) корхоналарга нисбатан ҳеч қачон солиқ текширувлари амалга оширилмайди ва ушбу корхоналарга юқори даражадаги солиқ хизматлари кўрсатилади. Хавфлилик даражаси ўртача бўлган (сариқ йўлакча) корхоналарга нисбатан фақат камерал солиқ текшируви амалга оширилади ва ушбу корхоналарга хато-камчиликларни бартараф этиш бўйича ҳисоботини тузатиш имкони берилади ҳамда уларга молиявий жарималар қўлланмайди. Солиқларни тўлашдан бўйин товлаш, бухгалтерия ҳужжатлари ва ҳисобварақ-фактураларни сохталаштириш ҳолатлари аниқланган хавфлилик даражаси ўта юқори бўлган (қизил йўлакча) корхоналарга нисбатан солиқ аудити текшируви тадбирлари амалга оширилади ва ушбу корхоналар доимий назоратда бўлади. Ушбу тадбирлар солиқ назоратини амалга оширишнинг

[1] Шу ерда.

[2] Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Солиқ кодекси. ЎРҚ-599, 2019-йил 30-декабрь.

шаффофлигини таъминлаб, юзага келиши мумкин бўлган коррупция ҳолатларининг олдини олади (2-расм).



2-расм. Солиқ тўловчилар хавфлилик даражасининг 3та сегменти

Юқоридагилардан келиб чиқиб, солиқ аудитига қуйидаги таърифни бериш мумкин: “Солиқ аудити – бу хўжалик юритувчи субъектлар томонидан солиқлар ва йиғимларни тўғри ҳисобланиши, ўз вақтда ва тўлиқ бюджетга тўланишида солиқ қонунчилигига риоя қилинишини мустақил текшириш ҳамда солиқ масалалари бўйича хизматлар кўрсатишдир”. Таърифдан кўриниб турибдики, солиқ аудити ўз ичига аудиторлик текшируви ва солиқ масалалар бўйича хизматларни олади.

Илмий изланишлар шуни кўрсатмоқдаки, иқтисодчи ва мутахасислар “солиқ аудит”ини аудитнинг бир тури, ички аудит, хизмат кўрсатиш тури сифатида ҳар хил талқин қилишмоқда. Масала, О.А. Миронова ва А.Ф. Ханафеевларнинг фикрича, солиқ аудити аудитнинг бир туридир, “тегишли хизматлар” эмас. Бу муаллифлар ўзларининг фикрларини давом эттириб, солиқ аудити доирасида солиқ режалаштириши амалга оширилади, бюджет билан ҳисоб-китоблар назорат қилинади, шунинг учун ҳам аудиторлик ташкилотлари томонидан ўтказиладиган ташқи аудитнинг мустақил тури деган хулоса қилишади.[1] Д.В. Орлов эса, солиқ аудитини солиқ тўловчиларга

[1] Миронова О.А., Ханафеев А.Ф. Развитие налогового аудита: проблемы и перспекти-вы / О. А. Миронова, А. Ф. Ханафеев // Аудиторские ведомости. - 2014. - №5. - С. 27 – 37.

кўрсатилаётган алоҳида хизмат тури сифатида моҳиятини очишга ҳаракат қилган.[1]

Бизнинг фикримизча, солиқ аудити аудитнинг алоҳида тури ҳисобланади. Шудан келиб чиққан ҳолда, солиқ аудитини молиявий ҳисобот аудитидан фарқли жиҳатларини кўриб чиқамиз (1-жадвалга қаранг). Аудитор солиқ аудитини ўтказишда хўжалик юритувчи субъект томонида олиб бораётган солиққа тортиш тизимини ўрганади.

Аудит жараёнида қуйидагиларни текшириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

- хўжалик юритувчи субъект томонидан тўланадиган солиқ турларини;
- солиқ турлари бўйича солиққа тортиш базасини тўғри аниқланишини;
- солиқ имтиёзларини тўғри қўлланилишини ўрганиш;
- солиққа тортиш базаси ва солиқ суммаларини тўғри ҳисобланганлигини текшириш;
- солиқлар ва йиғимларни ўз вақтида бюджетга тўланганлигини аниқлаш;
- солиқ органларининг текшириш натижалари бўйича қўшимча ҳисобланган солиқ суммалари ва пеняларни тўланганлиги;
- солиқлар ва йиғимларни молиявий ва солиқ ҳисобларида тғŕри акс эттирилганлиги;
- солиқ ҳисоботидаги маълумотларни ҳақиқийлиги ва ишончлилиги текширилади.

1-жадвал.

Солиқ аудитини молиявий ҳисобот аудити билан боғлиқлиги ва фарқли жиҳатлари

Таққослаш мезони	Молиявий ҳисобот аудити	Солиқ аудити
Тартибга солувчи меъёрий ҳужжатига кўра	Ўзбекистон Республикаси “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонун, Аудитнинг миллий ва халқаро стандартлари, ички аудит стандартлари	Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси, Аудитнинг халқаро стандартлари, Солиқ аудитини ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низом, Солиқ аудитини ўтказиш бўйича услубий қўлланма.
Объектига кўра	Бухгалтерия ҳисоби тизими, молиявий ҳисобот шакллари	Солиққа тортиш объекти, солиқлар ҳисоби, молиявий ва солиқ ҳисоботлари
Мақсадга кўра	Молиявий ҳисоботда акс эттирилган	Солиқ ҳисоботларидаги маълумотларнинг

[1] Орлов, Д. В. Развитие методологии и организации налогового аудита в коммерческих банках: автореф. дис. … канд. экон. наук:08.00.12 [Электронный ресурс] / Орлов Дмитрий Валерьевич. – Режим доступа: http://www.psu.ru.18.12.2019.

	маълумотларнинг ҳақиқийлиги ва ишончлигини аниқлаш	ишончлилигини аниқлаш, солиқ суммаларини тўғрилигини текшириш
Аудит текширувини тайинланиши	Мажбурий ва ташабус тарзида	Солиқ аудити солиқ тўловчиларнинг (солиқ агентларининг) юқори даражадаги таваккалчилик тоифасига мансуб солиқ тўловчига (солиқ агентига) нисбатан ўтказилади.
Даврийлиги	Даврий ҳисобланиб, йиллик интервал бўйича ўтказилади	Солиқ аудити фақат охирги солиқ аудитидан кейинги даврни, бироқ янги солиқ аудитини ўтказиш йилидан бевосита олдинги беш календарь йилдан кўп бўлмаган даврни қамраб олиши мумкин.
Ўрганиладиган жараёнлари	Бухгалтерия ҳисоби тизими, молиявий ҳисоботида акс эттирилган маълумотларнинг ҳақиқийлиги ва ишончлигини	Солиқлар ва йиғимлар бўйича ҳисоб-китобларнинг тўғрилигини, солиқ ҳисоботида акс эттирилган маълумотларнинг ҳақиқийлиги ва ишончлигини, солиқ қонунчилигига риоя қилишни
Ҳисобот	Молиявий ҳисоботнинг ишончлиги тўғрисида хулоса	Солиқ Кодексининг 156-моддасига асосан Солиқ аудити натижалари далолатнома билан расмийлаштирилади
Қайд этиш	Ҳудудий давлат солиқ инспекцияларида рўйхатга олинади	Қарор қабул қилади: 1) солиқлар ва пенялар қўшиб ҳисоблаш ёки буни рад этиш; 2) солиқ тўловчини солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун жавобгарликка тортиш ёки буни рад этиш.

Хориж мамлакатлари амалиётида солиқ аудити қайси орган томонидан ўтказилади ҳамда қандай хусусиятларга эгалигига тўхталиб ўтамиз.

АҚШ да солиқ аудити давлат органлари бўлган Федераль солиқ хизмати томонидан ўтказилади. Бу мамлакатда Солиқ бошқармаси (Internal Revenue Service (IRS) – ички даромад хизмати (ИДХ) - солиқ ҳисоботи шаклларидаги ахборотларни тўғрилиги ва тўлиқ акс эттирилганлигини

назорат қилишга мажбурдир.[1] Бу вазифани амалга ошириш учун Солиқ бошқармаси (IRS) Қонунда рўхсат берилганидек солиқ тўловчиларнинг мажбуриятларини бажарилиши текширилади. Кейинги 10 йил маъбойнида ҳар йили ўртача 1,36 фоиз солиқ ҳисоботлари солиқ текширувидан ўтказилмоқда. АҚШда ўртача ҳар йили 154 миллион солиқ ҳисоботлари тузилади. Солиқ аудитини ўтказишда юқори даромадга эга солиқ тўловчилар танланади.

Гонконгда эса солиқ текширувлари фақат Солиқ Вазирлиги (IRD-Inland Revenue Department) томонидан амалга оширилади. IRD таркибида алоҳида иккита депертамент мавжуд бўлиб, улар солиқларни текшириш департаменти ва аудит гуруҳи. Аудиторлик гуруҳнинг иши солиқ тўловчиларни тўлиқ ўрганиш ва рискларни бошқариш методларини текширишга йўналтирилган. Агар Аудиторлик гуруҳи охирги йил солиқ ҳисоботларини ўрганишда қонунбузарлик аниқласа, аудиторлар томонидан олдинги 6 йиллик солиқ ҳисоботлари қайта кўрилади.[2]

Хитойлик тадқиқотчилар Самуэль Чан, Джеральд Чау ва Патрик Леунгларнинг илмий маълумотларига кўра, Хитойда солиқ аудити фақат солиқ органлари томонидан амалга оширилади. Солиқлар ва йиғимлар бўйича Давлат солиқ бошқармасининг (SAT) статистик маълумотларbга кўра Хитойда 2016 йилда 313000 солиқ тўловчилар солиқ текширувидан ўтказилган ва жами 119 млрд. юан миқдорида жарима қилинган.[3]

Қазоғистон Республикасининг “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонунида солиқ аудити умумий аудит доирасида тегишли хизматлар сифатида қаралади. Текширишлар натижаси хулоса билан расмийлаштириш белгиланган.[4]

Халқаро амалиётда солиқ аудитини ўтказишда аудитнинг халқаро стандартларидан кенг фойдаланинади. Солиқ аудитини ўтказишда қуйидаги аудитнинг халқаро стандартларидан ” АХС 200 “Мустақил аудиторнинг умумий мақсадлари ва аудитни Аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ ўтказиш”, АХС 800-«Махсус масалалар-махсус мақсадли асосларга мувофиқ тайёрланган молиявий ҳисоботлар аудити», Аудитнинг Халқаро Стандарти (АХС) 805 “Махсус масалалар – айрим молиявий ҳисоботлар ҳамда молиявий ҳисоботдаги махсус элементлар, счётлар ёки моддалар аудити”.

Юқоридагиларга асосланган ҳолда қуйидаги хулосаларни қилиш мумкин: солиқ аудити солиқ текширувининг бир тури эканлиги;

солиқларни тўлашдан бўйин товлаш, бухгалтерия ҳужжатлари ва ҳисобварақ-фактураларни сохталаштириш ҳолатлари аниқланган хавфлилик даражаси ўта юқори бўлган (қизил йўлакча) корхоналарга нисбатан солиқ

[1] http://www.tadviser.ru/index.php/_(Internal_Revenue_Service,_IRS) 21. 12.2019.
[2] Daniel Ho, Peter Lau, Tax audit in Hong Kong// The International Tax Journal. 21.12.2019.
[3] Samuel Chan, Gerald Chau, Patrick Leung Tax audit and investigation in China and Hong Kong// The International Tax Journal, February-January, 2017
[4] Закон «Об аудиторской деятельности» Республики Казахстан от 20 ноября 1998 года.

аудити текшируви тадбирлари амалга оширилади ва ушбу корхоналар доимий назоратда бўлади;

солиқ аудити “Солиқ аудити – бу хўжалик юритувчи субъектлар томонидан солиқлар ва йиғимларни тўғри ҳисобланиши, ўз вақтда ва тўлиқ бюджетга тўланишида солиқ қонунчилигига риоя қилинишини мустақил текшириш ҳамда солиқ масалалари бўйича хизматлар кўрсатишдир” деган хулосани қилишимиз мумкин.

Бизнинг таклифларимиз: Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексига киритилган “солиқ аудити” нормасига асосан Ўзбекистон Республикасининг “ Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонунига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;

Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг тегишли моддаларига асосан солиқ аудитини ўтказиш тартиби тўғрисидаги меъёрий ҳужжатни ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда тасдиқлаш;

солиқ аудитини ўтказишда аудитнинг халқаро стандартларидан фойдаланиш бўйича тартиб ишлаб чиқиш;

солиқ аудитини ўтказувчи солиқ хизмати органлари ходимларини малакасини ошириш ва қайта тайёрлашни таъминлаш.

К.Б. Уразов – СамИСИ и.ф.д., профессор
Ф.Т. Норкулов – СамИСИ магистранти

ЙЎЛОВЧИ ТАШИШ АВТОТРАНСПОРТИ ИШ ФАОЛИЯТИНИНГ АУДИТОРЛИК ТЕКШИРУВИ ВА ТАҲЛИЛИ

Республикамизнинг географик ўрни, табиий-иқлимий шароити, уни дунёнинг бошқа мамлакатлари билан боғловчи дарё ва денгиз йўлларининг йўқлиги, шунингдек бошқа объектив ва субъектив шароитлар сабабли мамлакатимиз транспорт тармоғида автотранспорт ўзига хос ўрин эгаллайди. Чунончи, республикамизда ташилаётган юк ҳажмининг 85 фоизи, йўловчи ташиш ҳажмининг 96 фоизи айнан автотранспортга тўғри келади. Бу, ўз навбатида, автотранспорт хизматларини кўрсатувчи корхоналарни мамлакатимиз иқтисодиётида катта аҳамият касб этишини, шунингдек уларни бухгалтерия ҳисоби ва аудитнинг муҳим субъектларидан бири эканлигини билдиради.

Йўловчи ташиш ҳажми ва автотранспорт хизматлари сифатига бўлган талабнинг борган сари ошиб бораётганлиги автотранспорт воситалари (АТВ) иш фаолиятини доимий такомиллаштириб боришни, улар фаолияти самарадорлигини оширишни тақоза этади. Бу, ўз навбатида, автотранспорт корхоналарида АТВлар иш фаолиятини обдон аудиторлик текширувларидан ўтказиш, бунда чуқур таҳлил қилиш асосида фойдаланилмай қолинаётган ички имкониятларни кўрсатиб бериш талабини қўяди.

Изланишлар шуни кўрсатмоқдаки, ҳозирги пайтда автотранспорт корхоналарида ўртказилаётган аудиторлик текирувларида АТВлар иш фаолияти чуқур таҳлил этилмасдан қолмоқда. Аудиторлик текширувларида асосий эътибор автотранспорт корхоналарининг молиявий ҳисобот шаклларида акс эттириладиган умуммолиявий кўрсаткичлар, чунончи даромадлар, харажатлар, солиқ тўловлари, активлар, мажбуриятлар ва хусусий капитал элементлари реаллигини аниқлаш ва баҳолашга қаратилмоқда. Бундай ёндашув,табиий равишда, автотранспорт корхоналари бошқарув тизими учун ўта муҳим бўлган ҳар бир АТВдан фаол ва самарали фойдаланиш бўйича мавжуд муаммоларни очиб беришга, мос равишда, таъсирчан бошқарув қарорларини қабул қилишга тўлиқ имкон бермайди.

Йўловчи автотранспорт хизматларига ихтисослашган корхоналарда аудиторлик текшируви ва таҳлилининг режа ва дастурларига, бизнингча, молиявий ҳисобот моддаларидан ташқари қуйидаги масалаларни ҳам киритиш зарур:

•автомобилларда йўловчи ташишни ташкиллаштиришни такомиллаштириш йўлларини кўрсатиб бериш;

•АТВларни линияларга чиқиш коэффициентини ошириш йўлларини кўрсатиб бериш;

•АТВларни кечаю-кундуз ишлаш имкониятларини аниқлаш;

•АТВларда шахаричи ва шаҳарлараро йўловчи ташишни ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш имкониятларини белгилаш ва бошқалар.

Аудит олдида турган ушбу ва бошқа долзарб масалалар бажарилишининг муҳим шартлари бўлиб автотранспорт корхоналарида АТВлар ҳолати ва ҳаракатига доир бошланғич ҳужжатларни тўғри ва ўз вақтида расмийлаштириб борилганлиги, улар иш фаолияти ҳисоби ва ички назоратини яхши йўлга қўйилганлиги ҳисобланади.

АТВлар ҳолати ва ҳаракати, улар иш фаолияти ҳисобини юритиш ва назорат қилиш, мос равишда уларни аудиторлик текширувидан ўтказиш ва таҳлил қилишда асосий ахборот манбалари ҳисобланадиган бошланғич ҳужжатлар сирасига қуйидагилар киради:

• йўл варақаси;

•транспорт воситаларини таъмирлаш учун омбордан бериладиган эҳтиёт қисмлар ва материаллар бўйича тузиладиган забор карталар;

• баклардаги ёқилғи қолдиқларини ўлчаш далолатномалари;

• АТВни техник кўриги далолатномаси;

•ёқилғи тарқатиш қайтномаси;

• ёғлаш материаллари сарфи қайдномаси;

• Автошиналарни ҳисобдан чиқариш далолатномаси;

•АТВлар иш фаолияти карточкалари;

• Автошиналар иш фаолияти ҳисоби капточкаси;

• Аккумулятор батериялари иш фаолияти ҳисоби карточкалари;

• АТВларга ёқилғи сарфи ҳисоби карточкалари;

• АТВларнинг техник кўриги ва таъмирланиши ҳисоби карточкалари ва бошқалар.

Юқоридаги бошланғич ҳужжатлардан ташқари АТВлар иш фаолиятини аудиторлик текширувларидан ўтказиш ва таҳлилини амалга ошириш учун қуйидаги ҳисоб регистрларининг маълумотлари муҳим манба бўлиб ҳисобланади:

•АТВлар ҳаракат хавфсизлиги бўйича инструктажлар ҳисоби журнали;

•рейслар олди ҳайбовчиларни тиббий ўтказиш ҳисоби журнали;

• йўл варақаларини бериш ва қабул қилиш ҳисоби журнали;

• АТВлар иш фаолияти ҳисоби журнали;

• АТВлар бакларидаги ёқилғи қолдиқлари ва спидометр кўрсаткичлар ҳисоби китоби;

• диспетчерлик журнали;

• гараждан чиқиш ва гаражга қайтиш ҳисоби китоби.

Шунингдек, АТВлар иш фаолиятига аудиторлик баҳосини беришда қуйидаги статистик ҳисоботлар муҳим аҳамият касб этади:

- Форма 1- транспорт (йиллик). Автомобиль транспорт и хўжалик автойўллари узунлиги тўғрисида ҳисобот ;

- Форма 1- транспорт (чораклик).Автомобиль транспорти иши ҳақида ҳисобот;

-Форма 7- транспорт (йиллик). 2019 йил учун транспорт тўғрисида ҳисобот;

-Форма 7- транспорт (чораклик).Транспорт тўғрисида ҳисобот.

АТВ иш фаолияти аудиторлик текширувлари и таҳлили, бизнингча, қуйидаги икки хил даражада амалга оширилиши мақсадга мувофиқ:

(1) юқори даражада, яъни яхлит корхона бўйича;

(2) қуйи даражада, яъни ҳар бир АТВ кесимида.

АТВлар иш фаолиятини юқори ва қуйи даражаларда аудиторлик текширувларида баҳолаш негизига, бизнингча, қуйидаги миқдор ва сифат кўрсаткичларни олиш мақсадга мувофиқ (1-расмга қаранг).



1-расм. АТВлар иш фаолиятини ифодаловчи миқдор ва сифат кўрсаткичлар тизими

Аудиторлар томонидан 1-расмда келтирилган кўрсаткичлар умумийликдан хусусийликка қараб, яъни дастлаб яхлит корхона бўйича, шундан сўнг ҳар бир АТВ бўйича аниқланиши, таҳлил қилиниши мақсадга моликдир. Фикримизча, айнан шундай кетма-кетликдаги аудиторлик текшируви ва таҳлили АТВ иш фаолиятини яхшилаш ва самарадорлигини ошириш бўйича корхона раҳбариятига мавжуд ички имкониятларни сафарбар этиш бўйича тегишли бошқарув қарорларини қабул қилишга имкон беради.

Қуйида АТВ иш фаолиятини ифодаловчи айрим миқдор ва сифат кўрсаткичларни аудит текширувидан ўтказиш ва таҳлил қилиш тартибларини, шунингдек аудиторлик тавсияларининг автотранспорт корхоналарида қўллашни қандай самара беришини йўловчи ташиш айланмаси (пассирооборот) мисолида кўриб чиқамиз.

Корхона миқиёсида йўловчи ташиш айланмаси (пассирооборот) кўрсаткичи маълум ҳисобот даврида унда мавжуд бўлган АТВлар ёрдамида қанча йўловчи ташилганлигини ифодалайди. Мазкур кўрсаткич корхонадаги жами АТВлар томонидан ҳақиқатда ташилган йўловчилар сонлари йиғиндисидан иборат бўлади. Демак, жами корхона бўйича йўловчи ташиш айланмаси миқдори ҳар бир АТВ томонидан ташилган йўловчилар сонига бевосита боғлиқдир. Шу боис ҳам мазкур кўрсаткичга аудиторлик баҳосини беришда корхонада йўловчи ташиш бўйича мавжуд сиғимдан келиб чиқиб ва ушбу сиғимга эришишда ҳар бир АТВнинг қўшган ҳиссасига баҳо берилиши лозим. Меъёрдаги сиғимнинг белгиланган даражасида ташилмаган йўловчилар сони АТВларда йўловчи ташиш айланмаси бўйича йўқотилган имкониятни билдиради. Аудиторлик текширувида, ҳисобот даврлари бўйича йўловчи ташиш айланмаси бўйича жами корхонада йўқотилган имконият миқдори аниқланиши, шунингдек ушбу йўқотилган имкониятнинг ҳар бир АТВга тўғри келувчи миқдори ёки улуши аниқланиши лозим. Бундай ҳисоб-китоблар корхона раҳбариятига мавжуд АТВларининг мавжуд йўловчи ташиш сиғимидан тўлиқ фойдаланишга доир чора-тадбирларни қабул қилишга, чунончи мазкур кўрсаткич бўйича яхши натижаларга эришган ходимларни рағбатлантиришга, ёмон кўрсаткичларга эга бўлган ходимларга нисбатан эса тегишли жазолаш тадбирларини кўришга имкон беради.

Йўловчи ташиш айланмасининг миллий валютадаги миқдори автотранспорт хизматларидан олинган тушум, яъни даромадни ифодалайди. Яхлит корхона бўйича тушум суммаси унда барча АТВлар бир хилда ҳисса қўшган дегани эмас. Одатда, айрим АТВлар бўйича йўловчи ташиш сиғими юқори, бошқа бирлари бўйича эса ушбу кўрсаткич жуда паст бўлиши мумкин. Шу боис ҳам, автотранспорт хизматларидан тушган тушумни ҳар бир АТВ кесимида уларнинг йўловчи ташиш сиғимидан фойдаланиш даражасига қараб аниқлаш улар бўйича йўқотилган тушум суммасини баҳолаш имконини беради. Бу, ўз навбатида, кам самара бераётган АТВлар бўйича тегишли бошқарув қарорларини қабул қилишга, пировардида яхлит корхона бўйича йўловчи ташиш самарадорлигини ошишига олиб келади.

Ҳ.Н. Мусаев- СамИСИ и.ф.д., доцент
Ш.К.Умарова- СамИСИ**,** магистрант

ҲИЗМАТ КЎРСАТИШ СУБЪЕКТЛАРИДА АУДИТОРЛИК ТЕКШИРУВЛАРИНИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР АСОСИДА ЎТКАЗИШ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация: мақолада ҳизмат кўрсатиш соҳасида хорижий инвестицияларни жалб этиш ва уларни аудиторлик текширувларининг ҳалқаро стандартлари асосида ўтказиш масалалари кўрсатилган. Халқаро стандартларни амалиётга татбиқ этишга қаратилган тавсиялар берилган.

Калитли сўзлар: хорижий инвестиция, аудиторлик текшируви, аудитнинг халқаро стандартлари, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари, аудит жараёнида ҳалқаро стандартлардан фойдаланиш.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар натижасида иқтисодиётимизга олиб киритилаётган хорижий инвестицияларнинг ҳажми сезиларли даражада ошмоқда. Жумладан, 2019 йилда тўғридан-тўғри киритилган хорижий инвестициялар ҳажми 4,2 миллиард долларни ташкил этиб, 2018 йилга нисбатан 3,1 миллиард долларга ёки 3,7 баробар ўсди. Инвестицияларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 37 фоизга етди.[1]

Ҳар қандай хўжалик юритувчи субъект корхонасига хорижий инвестицияларнинг жалб қилиниши иқтисодий ахборотларнинг нечоқлик асосланганлигига боғлиқ. Корхонанинг молиявий-хўжалик фаолиятининг асосий кўрсатгичлари бухгалтерия ҳисоби маълумотлари асосида шакллантирилади. Шу сабабдан ҳам корхоналарда бухгалтерия ҳисоби хизматининг тўғри йўлга қўйилганлиги муҳим аҳамиятга эга. Ташқи ва ички ахборот фойдаланувчиларига тақдим этиладиган ахборотларнинг тўғри ва ишончлилигини баҳолаш учун аудиторлик текширувлари ўтказилади. Аудиторлик текширувларини халқаро стандартлар асосида ўтказиш инвесторларни аудиторлик ҳисоботи ва хулосасига бўлган ишончини янада оширади. Шу сабабдан ҳам Президентимизнинг 2018 йил 19 сентябрда ПҚ-3946 сонли “Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида аудиторлик ташкилотлари аудиторлик фаолиятини фақат Халқаро бухгалтерлар федерацияси томонидан ишлаб чиқилган халқаро аудит стандартлари асосида амалга ошириши белгиланган.[2]

Аудиторлик текширувларини халқаро стандартлар асосида ўтказиш молиявий ҳисобни ҳам халқаро стандартлар асосида юритиш заруриятини келтириб чиқарди. Шу боис мамлакатимиз Президенти томонидан 2020 йил 24 февралда “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Мазкур қарор билан акциядорлик жамиятлари, тижорат банклари, суғурта ташкилотлари ва йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритилган юридик шахсларнинг 2021 йил 1 январдан бошлаб молиявий ҳисоботини халқаро стандартлар талаблари асосида тузиш белгиланди.[3] Молиявий ҳисоботларни халқаро стандартлар асосида тузиш, тақдим этиш ва аудиторлик текширувларидан ўтказиш муҳим ҳисобланади. Ўз навбатида, ҳисоботларни халқаро стандарт талаблари асосида тақдим этиш корхона молиявий ҳолатига ҳалқаро даражада баҳо беришга имконият яратади.

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. -“Халқ сўзи”, 2020 йил 25 январь.
[2] Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, 2018 йил 19 сентябрь.
[3] Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори, 2020 йил 24 февраль.

Корхонада бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлар асосида юритилиши корхона молиявий кўрсатгичларининг адолатли қиймат асосида баҳолинишини ҳам таъминлайди. Шу сабабли халқаро стандартлар асосида тузилган молиявий ҳисобот аудитини ўтказиш натижаси юқори самара беради. Чунки, аудитнинг асосий мақсади ахборот фойдаланувчиларнинг молиявий ҳисоботга бўлган хавф-хатарини пасайтириш, ишончлилигини оширишдан иборат.

Татқиқот натижалари шуни кўрсатдики, халқаро амалиётда молиявий ҳисоботлар аудитини ўтказишда қуйидагиларга эътибор бериш керак:

- молиявий ҳисоботларда фирибгарлик ёки хато туфайли юзага келган натижалар асосланиши керак. Бундай аудиторлик текширувлари аудиторга молиявий ҳисоботнинг барча муҳим жиҳатларига фикр билдириш имконини беради;
- молиявий ҳисоботларни аудитнинг халқаро стандартлари (АХС) талабларига мувофиқ текшириш учун улар молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мос келиши керак. [1]

Миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш мақсадида маълум таркибий ўзгаришлар, кенг миқёсдаги хусусийлаштириш жараёнлари амалга оширилмоқда. Хўжалик юритувчи субъектлар бошқариш тизими ҳам халқаро талабларга мослаштирилмоқда. Бу ўз навбатида аудиторлик текширувларини халқаро стандартлар асосида амалга оширишнинг аҳамиятини янада оширади. Бундай ижобий ўзгаришлар хизмат кўрсатиш корхоналарига ҳам таалуқлидир.

Аудиторлик хизматлари бозорининг ривожланиши аудиторлик фаолиятини тартибга солишда халқаро стандартларга мувофиқ замонавий ёндашувларни жорий этиш долзарб эканлигини ифодалайди. Шу сабабдан ҳам ҳозирда аудитор Аудитнинг халқаро стандартлари (АХС)нинг мақсадларини тушуниш ва унинг талабларини бажариш имкониятига эга бўлиш учун халқаро стандартлар мазмунини, уни қўллашга доир қўлланма ва шарҳловчи материалларни яратиш керак булади. Лекин, мамлакатимизда халқаро стандартларни тўлик амалиётга татбиқ этиш ҳамда кадрлар малакасини ошириш бўйича меъёрий-хуқуқий асос, дарслик ва ўқув қўлланмаларнинг етишмаслиги сезилмоқда. Шу боис олий таълим муассасаларида соҳа мутахассисларини тайёрлашга ва қайта тайёрлашга катта эътибор берилмоқда. Ўрганиладиган фанларнинг ўқув дастурларида ҳам халқаро талаблар ўз аксини топган.

Татқиқот натижаларига асосан иқтисодиёт тармоқларида аудитнинг халқаро стандартларини кенг жорий этишга қаратилган қуйидаги тавсияларни берамиз:

- халқаро аудит стандартларига бўйича аудиторлик фаолиятининг меъёрий-ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш;

[1] Мустақил аудиторнинг умумий мақсадлари ва аудитни аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ ўтказиш, 200-сон АХС.

- аудиторлик ташкилотлари фаолиятларининг эркинлиги ва очиқлигини таъминлаш;
- аудиторлик ташкилотлари ўртасида соғлом рақобатни шакллантириш;
- аудиторлик ташкилотларининг халқаро аудиторлик компаниялари билан ўзаро алоқаларини мустаҳкамлаш;
- хорижий аудиторлардан чет эл инвестицияси иштирокидаги корхоналарни аудиторлик текширувидан ўтказишда кенг фойдаланиш;
- аудит бўйича соҳа олимлари ва амалиётчи аудиторларни хорижда малака оширишлари учун имкониятлар яратиш;
- аудитнинг халқаро стандартларини ўргатиш бўйича махсус курсларни ташкил этиш.

Д.Р. Рафеев – доцент СамИЭС**,**
Н.Ж. Жамшедова – студентка СамИЭС

АУДИТ ДОСТОВЕРНОСТИ БУХГАЛТЕРСКОГО БАЛАНСА (НА ПРИМЕРЕ ООО «AZIYA-TONG»)

Аннотация: в статье рассмотрены сущность, значение и порядок аудита достоверности бухгалтерского баланса.

Ключевые слова: аудит , достоверность, статья баланса, финансвая отчеотность, платежспасобность ликведность,

На современном этапе развития аудита в его результатах заинтересованы не только собственники, но и сами хозяйствующие субъекты, нормальное развитие которых зачастую невозможно без привлечения средств инвесторов, спонсоров и кредиторов. Чтобы привлечь финансовые вложения хозяйствующий субъект должен быть преуспевающим, а его финансовая отчетность должна вызывать доверие у потенциальных инвесторов и кредиторов.

За последние десятилетия значительно повысились требования к организации системы учета, отчетности и аудита. Появились новые формы и методы ведения учета, в том числе с применением компьютерных систем. Финансовая отчетность превратилась в основной источник информации, позволяющий оценить финансовое и имущественное состояние хозяйствующих субъектов. В этих обстоятельствах аудит финансовой отчетности превратился в важнейший инструмент, способствующий повышению качества финансовой отчетности, ведущей составляющей которого является ее достоверность. Ни один солидный банк не предоставит кредита клиенту, не имеющему проверенную аудиторами финансовую отчетность, так же, как и ни один серьезный инвестор не будет иметь дело с организацией, отчеты которой за ряд лет не проверены авторитетным аудитором.

В целях дальнейшего улучшения условий для развития рынка аудиторских услуг и внедрения современных подходов в регулировании

аудиторской деятельности в соответствии с международными стандартами были приняты ряд решений, в числе которых относятся:

- Постановление Президента Республики Узбекистан от 19 сентября 2018 года № ПП-3946 «О мерах по дальнейшему развитию аудиторской деятельности в Республике Узбекистан».
- Постановление Президента Республики Узбекистан от 24 февраля 2020 года № ПП-4611 «О дополнительных мерах по переходу на международные стандарты финансовой отчетности».

Достоверность финансовой отчетности во всех существенных отношениях представляет такую степень точночти ее показателей, при которой квалифицированный пользователь этой отчетности делает правильные выводы и принимает правильные экономические решения.

Центральное место в отчетности занимает бухгалтерский баланс. Он является не просто источником информации, а языком бизнеса. Даже беглое его чтение может дать опытному аналитику достаточно полную картину о текущем финансовом состоянии организации, устойчивости ее положения, возможные перспективы. Поэтому умение читать баланс необходимо не только профессиональным бухгалтерам, но и руководителям организаций, акционерам, налоговым инспекторам, финансовым и банковским работникам.

На предприятии ООО «AZIYA-TONG» была проведена инициативная аудиторская проверка финансовой отчетности аудиторской организацией «KOMIL-ISHONCH» за период с 1 января 2018 года по 30 июня 2018 года.

Были составлены план и программа аудита, в соответствии с которыми осуществлялась проверка правильности составления отчетности организации.

Аудиторская проверка заключалась в оценке достоверности и соответствия во всех существенных аспектах финансовой отчетности и иной финансовой информации законодательству о бухгалтерском учете.

Аудиторская проверка проводилась в соответствии с национальными и международными стандартами аудиторской деятельности. Данные стандарты требуют планирования и проведения аудиторской проверки таким образом, чтобы получить достаточную уверенность в том, что финансовая отчетность не содержит существенных искажений. Аудиторская проверка включала проведение аудиторских процедур, направленных на получение аудиторских доказательств.

Проверка была произведена на основе следующих нормативных документов:Закон о бухгалтерском учете Республики Узбекистан; Закон об аудиторской деятельности Республики Узбекистан; Закон об обществах с ограниченной и дополнительной ответственностью; Национальные стандарты бухгалтерского учета Республики Узбекистан; Национальные стандарты аудиторской деятельности Республики Узбекистан.

Аудиторской проверкой были охвачены следующие вопросы:

- Достоверность статей баланса и финансовой отчетности в целом;

- Достоверность расчетов по налогам и другим обязательным платежам;
- Состояние учета и отчетности с точки зрения соответствия их Законам и другим нормативным документам Республики Узбекистан.

Поверка показателей бухгалтерского баланса начиналась с процедуры арифметических подсчетов итогов по группам статей, разделам и валюты баланса по активу и пассиву, а также сверки полученных результатов с данными, указанными в бухгалтерском учете организации. Кроме того, проверялось соблюдение требования непротиворечивости, в частности наличие тождественности показателей граф «На начало отчетного года» и «На конец отчетного года» предыдущего года.

Проверкой состояния бухгалтерского учета и достоверности статей баланса было установлено следующее:

1) Основные средства и их износ. По состоянию на 01.01.2018 года на балансе числились основные средства по первоначальной стоимости на 300 899 тыс. сум. Накопленная амортизация составляла 36 301 тыс. сум. Остаточная стоимость основных средств составила 264 588 тыс. сум.

По данным предприятия на 01.07.2018 года балансовая стоимость основных средств составила 240 866 тыс. сум.

При проверке состояния учета основных средств и их износа отклонения не выявлены.

2) Долгосрочные инвестиции. По состоянию на 01.07.2018 года по данным предприятия сумма долгосрочных инвестиций составила 4 000 тыс. сум., состоящих из акций АКИБ «Ипотека банк». При проверке отклонений не выявлено.

3) Производственные запасы. По состоянию на 01 07 2018 года на балансе предприятия числятся производственные запасы на сумму 814 802 тыс. сум. Инвентаризация ТМЗ аудитором проведена не была, так как это не было востребовано руководством предприятия. Балансовые данные соответствуют учетным документам.

4) Авансовые платежи по налогам. По данным предприятия авансовые платежи на 01.07.2018 года составили 57 474 тыс. сум., по данным проверки – 58 068 тыс. сум. Занижение на 594 тыс. сум. Произошло из-за отклонений в расчетах ЕНП за 1-е полугодие 2018 года.

5) По всем остальным статьям баланса отклонений также выявлено не было.

По данным проверки валюта баланса на 01.07.2018 года составляет 4 936 797 тыс. сум., из них: долгосрочные активы 244 866 тыс. сум., оборотные активы 4 691 931 тыс. сум. Из всех активов предприятия собственный капитал составляет 596 007 тыс. сум, что составляет 12,1%, обязательства составили 4 340 790 тыс. сум, что составляет 87,9%, в том числе краткосрочные – 4 340 790 тыс. сум.

Таким образом можно сделать вывод, что в целом бухгалтерский баланс и другие формы финансовой отчётности составляется в соответствии

с требованиями.

В соответствии Международным стандартом аудита №700 «Формирование мнения и составление заключения о финансовой отчетности» по результатам осуществленной проверки аудитор должен выразить мнение о достоверности этой отчетности.

Полученные в ходе аудиторской проверки аудиторские доказательства дали аудиторской организации достаточные основания для выражения мнения о достоверности финансовой отчетности. По мнению аудиторской организации финансовая отчетность ООО «AZIYA-TONG» за период с 1 января 2018 года по 30 июня 2018 года достоверно отражает во всех существенных аспектах финансовое положение, результаты его финансово-хозяйственной деятельности и соответствует требованиям законодательства о бухгалтерском учете.

Нами также были изучены основные экономические показатели ООО «AZIYA-TONG» за первое полугодие 2018 года (таблица 1).

Таблица 1

Основные экономические показатели
ООО «AZIYA-TONG» за первое полугодие 2018 года.

	Показатели	**За проверяемый период**
	Чистая выручка от реализации продукции (товаров, работ и услуг), тыс. сум.	1 967 829
	Среднегодовая остаточная стоимость основных средств, тыс. сум.	252 727
	Среднегодовая стоимость оборотных средств, тыс. сум.	814 802
	Среднесписочная численность работников, чел.	16
	Фондовооруженность, тыс. сум.	15795,4
	Фондоотдача, сум.	7,786

В целом основные экономические показатели предприятия позволяют предприятию стабильно вести свою деятельность и получать прибыль.

Среди экономических показателей важное значение имеет коэффицент платёжоспособности. Под платежеспособностью предприятия понимают наличие у него денежных средств и их эквивалентов, достаточных для расчетов по краткосрочной задолженности, требующей немедленного погашения.

Для того чтобы убедиться в абсолютной платежеспособности предприятия необходимо рассчитать и проанализировать коэффициенты ликвидности (таблица 2).

Таблица 2

Показатели ликвидности в ООО «AZIYA-TONG» за первое полугодие 2018 года.

Показатели	Оптимальные значения	За проверяемый период
1. Коэффициент абсолютной ликвидности	0,2-0,5	0,06
2. Коэффициент промежуточной ликвидности	0,3-1,0	0,89
3. Коэффициент общей ликвидности	1,0-2,0	1,08

Для расчета показателей используется цифровая информация из формы №1 «Бухгалтерский баланс». Для удобства сопоставления активов и пассивов составляется агрегированный аналитический баланс, в котором активы группируются по степени ликвидности в порядке убывания их ликвидности, в пассиве – по срокам погашения обязательств в порядке возрастания сроков уплаты.

В целом можно говорить о приемлемом уровне ликвидности предприятия, так как коэффициенты промежуточной и общей ликвидности соответствуют нормативным значениям. В то же время абсолютная ликвидность ниже рекомендуемых значений. Это обусловлено тем, что на фоне сокращения текущих обязательств увеличились оборотные активы (второй и третий показатели), но снизилась доля денежных средств в сумме оборотных активов, что и привело к снижению первого показателя (абсолютной ликвидности).Это свидетельствует о том, что у организации оборотные средства позволяют погасить долги по краткосрочным обязательствам.

На основании проведенного анализа выявлено, что в ООО «AZIYA-TONG» рассчитанные показатели ликвидности свидетельствуют об улучшении ликвидности баланса предприятия. Предприятие обладает необходимыми основными и оборотными средствами для обеспечения своей деятельности. Показатели результативности финансово-хозяйственной деятельности свидетельствуют о прибыльности. В целом можно сказать, что хозяйство функционирует стабильно.

По итогам исследования можно дать следующие рекомендации для совершенствования системы бухгалтерского учета на предприятии ООО «AZIYA-TONG»:

- с целью обеспечения эффективности системы внутреннего контроля целесообразно введение внутреннего аудита как штатной единицы;
- усовершенствовать автоматизированный учет для облегчения работы персонала и сведения ошибок к возможному минимуму;
- интегрировать бухгалтерскую программу с системой Банк-Клиент для автоматизации учета операций с банком и сокращения объема работ,

выполняемых вручную, тем самым сократив количество возможных ошибок;

- повышать профессиональный уровень работников.

К.Б. Уразов- СамИСИ и.ф.д., профессор
А.А. Аннаев – СамИСИ МА-119 гуруҳ магистранти.

МАДАНИЯТ СОҲАСИ МУАССАСАЛАРИНИНГ ҲИСОБ ВА АУДИТ СУБЪЕКТЛАРИ СИФАТИДАГИ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Кишилик жамиятининг равнақида маданият соҳасининг ўрни беқиёсдир. Ушбу соҳа, маълумки, одамларнинг маънавий талабларини қондиради, улар онги, билими, дунё қараши ва маданиятини юксалишига хизмат қилади. Айнан шу боис ҳам, республикамизда маданият соҳасини ривожлантиришга катта эътибор қаратиб келинмоқда. Чунончи, Президентимиз томонидан илгари сурилган 5 та муҳим ташаббусларнинг биринчиси ёшларнинг мусиқа, рассомлик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига қизиқишларини ошириш ҳисобланади.

Республикамиз Президенти ўзининг Олий Мажлис депутатлари ва Сенат аъзоларига қилган Мурожаатномасида маданият соҳани ривожлантириш заруратлари ва аҳамиятига алоҳида эътиборни қаратиб, қуйидагиларни таъкидлади:

«**…**ҳаммамиз учун…юксак маданият эгаси бўлиш узлуксиз ҳаётий эҳтиёжга айланиши керак.

…маданият ва санъат муассасаларига алоҳида эътибор қаратиш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш чораларини кўриш зарур.

Жорий йилда бюджет маблағлари ҳисобидан 22 та театр ва маданият объектлари қурилади ва реконструкция қилинади. Шунингдек, давлат-хусусий шериклиги асосида 20 та маданият маркази ва истироҳат боғлари фаолияти йўлга қўйилади.

Кинематография соҳасида бадиий жиҳатдан етук асарлар яратиш, замонавий киноиндустрияни ривожлантириш, жумладан, янги кинотеатрлар қуришни таъминлаш лозим.

Жорий йилда давлат буюртмаси асосида кино маҳсулотлари ишлаб чиқаришни молиялаштириш такомиллаштирилади… Кинематографияни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини ҳамда “Кинематография тўғрисида”ги қонунни ишлаб чиқишимиз лозим.

Бундан ташқари, бу йил маданий ҳаётимиздаги муҳим воқеа – Шаҳрисабз шаҳрида иккинчи Халқаро мақом фестивалини муваффақиятли ўтказишимиз керак»[1].

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг ОлийМажлисдепутатлари ва Сенат аъзоларига Мурожаатномаси // Халқ сўзи, 2020 йил 25 январь

Маданият соҳаси муассасалари Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи давлат тилида ёзилган муҳрга, мустақил балансга, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ғазначилигида бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар бўйича шахсий ғазна ҳисобварақларига эга бўлган иқтисодий бирликлар ҳисобланади. Улар ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига ҳамда ўз уставига амал қиладилар.

Маданият соҳаси муассасалари иқтисодий бирликлар сифатида ҳисоб ва аудитнинг ҳам муҳим субъектлари сирасига киради. Номланиши бўйича маданият муассаларининг асосий турлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади (1-расмга қаранг).



1-расм.Ўзбекистон Республикасида маданият соҳасига кирувчи муассасалар

1-расмда келтирилган маданият соҳаси муассасалари ҳисоб ва аудит субъектлари сифатида ўзига хос мақомга, таснифий белгиларга, даромад, сарфлар, таннарх, фойда ва бошқа кўрсаткичларни шакллантиришнинг бошқа тармоқлардан тубдан фарқланувчи тартибларига эга.

Ўзбекистон Республикаси халқ хўжалиги тармоқларининг умумдавлат таснифлагичига (ХХТУТ) кўра маданият соҳасига кирувчи субъектларга қуйидаги тармоқ кодлари бириктирилган (1-жадвалга қаранг)

1-жадвал

Маданият соҳаси субъектларига бириктирилган тармоқ кодлари

ХХТУТ хос рақами	Тармоқлар	Изоҳ
93000	Маданият ва санъат.	
93110	Кутубхоналар.	Кутубхоналар, ўқиш хоналари бор кутубхоналар, мустақил кўчма кутубхона манбаалари (илмий

		муассаларга киритилган кутубхоналардан ташқари).
93120	Фильм ва фонотекалар.	Республика, вилоят, туман фильм ва фонотекалари.
93130	Музей ва кўргазмалар.	
93131	Музейлар.	Архитектура, маиший, геологик, табиат-илмий, ўлкашунослик, тарихий, санъат (бадиий, тасвирий санъат, адабиёт, картина галереялари), мемориал соҳалар бўйича бошқа музейлар.
93132	Кўргазмалар.	Саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, бадиий ва бошқа кўргазмалар.
93141	Клуб муассасалари.	Маданият саройлар ва уйлари, муқим ва кўчма клублар (автоклублар, клуб-вагонлар, сузувчи маданият базалари ва бошқалар.). Архитекторлар, актерлар, шифокорлар, кино, адабиёт, бастакорлар, олимлар, сайёҳлар, халқ ижоди уйлари ва бошқалар.
93145	Мактабдан ташқари тарбия.	Болалар ва ўқувчилар саройлари ва уйлари, болалар бадиий тарбия мактаблари, ёш техник ва табиатшунослар станциялари ва бошқа мактабдан ташқари тарбия муассасалари. Болалар мусиқа, бадиий ва хореография мактаблари (ўрта мактаблардан ташқари).
93150	Халқ дорулфунунлари.	Маданият, жамоат-сиёсий, иқтисодий, тиббий, педагогик, хуқуқий ва бошқа билимлар халқ дорулфунунлари.
93160	Истироҳат ва маданият боғлари.	Истироҳат ва маданият боғлари, кўчма аттракцион ва ўйинлар.
93170	Ботаника ва ҳайвонот боғлари.	Ботаника ва ҳайвонот боғлари, кўчма ва муқим ҳайвонлар сақлагичлар (илмий мақсаддагилардан ташқари).
93180	Телевидения ва радиоэшиттириш таҳририятлари.	Телевидения ва радиоэшиттириш таҳририятлари, вилоят телевидения ва радиоэшиттриш қўмиталари (бадиий ва мусиқа жамоалаирсиз). Вилоят ва шаҳар телевидения ва радиоэшиттриш таҳририятлари, радиотелемарказлар, телевизион техник марказлар ва бошқалар
93190	Китоб палаталари.	Китоб палаталари (илмий муассасаларга киритилгандан ташқари).
93610	Томоша тадбирлари.	
93611	Театрлар.	Опера ва балет, мусиқали комедия, мусиқали-драматик, драматик, болалар, ёш томошобинлар, қўғирчоқ ва халқ театрлари (муқим ва кўчма).
93612	Кинотеатрлар.	Кинотеатрлар ва бошқа муқим кино жиҳозлари, кўчмакино.
93613	Концерт ташкилотлари ва жамоалари.	Филармониялар, концерт бирлашмалари, оркестрлар, эстрада жамоалари, хорлар, капеллалар. Рақс, қўшиқ ва рақс ансамбллари, мюзик-холлар, халқ мусиқа жамоалари. Телевидения ва радиоэшиттириш бадиий ва мусиқа жамоалари.
93614	Цирклар.	Цирклар (муқим ва кўчма), халқ цирк жамоалари.

93615	Тасвирий студия ва бадиий безаш ташкилотлари.	Тасвирий санъат ва бадиий безаш студиялари ва устахоналари, халқ тасвирий студиялари. Бадиий безак комбинатлари.
93620	Киностудия, овоз ёзиш студиялари.	
93621	Кинофильмлар тайёрлаш ва овоз ёзиш (иш ва хизматлар кўрсатишлар аҳоли буюртмасисиз)	
93622	Ҳаваскорлик кинофильмларини тайёрлаш ва овоз ёзиш хизмати.	
93630	Кинофильмларни ижараси.	
93690	Маданият ва санъат соҳасининг хўжалик бошқаруви.	Томошалар ташкилотларини бошқарувчи бирлашмалар. дирекциялар, идоралар ва бошқа ташкилотлар, театр кассалари бирлашмалари, кинотеатрлар дирекцияларини бирлашмалари.

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси Европа Иттифоқининг иқтисодий фаолият турларини статистик таснифлаши (КДЕС/NACE) негизида ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий фаолият турларининг умумдавлат таснифлагичига (ИФУТ) ўтганлиги муносабати билан маданиятсоҳасигак кирувчи муассасаларга мос равишдаги иқтисодий фаолият турлари кодлари ҳам алоҳида бириктирилган. Мисол учун, ижод, санъат ва кўнгил очиш соҳасидаги фаолият турларига ИФУТ бўйича қуйидаги фаолият турлари кодлари бириктирилган (2-жадвалга қаранг).

2-жадвал

Ижод, санъат ва кўнгил очиш соҳасидаги фаолият турларига бириктирилган кодлар

Бўлим	**Гуруҳ**	**Синф**	**Кичик синф**	**НОМ**	ИФУТ 1-таҳрир	ХХТУТ
90				**Ижод, санъат ва кўнгил очиш соҳасидаги фаолият**		
	90.0			Ижод, санъат ва кўнгил очиш соҳасидаги фаолият		
		90.01	90.01.0	Театрлар фаолияти	92310 92340	93611 93613 93615 93614
		90.02	90.02.0	Спектакллар намойишини техник жиҳатдан қўллаб-	92310 92320	93611 93613

				қувватлаш	92340	93615 93614
		90.03	90.03.0	Санъат соҳасидаги фаолият	92310 92400	93615 87100
		90.04	90.04.0	Театр ва концерт заллари фаолияти	92320	93611 93613

.

Маданият соҳасида театрлар ўта муҳим ўрин тутади. Республикамизда амалда бўлган «Давлат театрлари тоифаларини белгилаш тартиби тўғрисида Низом»га[1] мувофиқ Маданият вазирлиги тизимидаги давлат театрлари қуйидаги тоифаларга бўлинади:

*тоифадан ташқари бўлган давлат театрлари;

*1-тоифа давлат театрлари;

*2-тоифа давлат театрлари;

*3-тоифа давлат театрлари.

Номи юқорида зикр этилган Низомга кўра давлат театрларининг тоифалари қуйидаги мезонлар асосида белгиланади:

-йил давомида саҳналаштирилган янги спектакллар сони;

-театрнинг жорий репертуаридаги спектакллари сони;

-йил давомида намойиш этилган спектакллар сони;

-томошабинлар сони (белгиланган режадан келиб чиққан ҳолда, фоиз ҳисобида тўлдириш коэффициенти, ўриндиқлар сонига нисбатан ўртача йиллик);

-ўз даромадларининг (ҳомийлик хайрияларидан ташқари) театр умумий йиллик харажатларидаги улуши;

-халқаро ва республика миқёсидаги мавқеи;

-ўз биноси ва доимий ҳаракатдаги стационар майдони мавжудлиги;

-театрнинг Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги расмий веб-сайтининг ҳолати.

Давлат театрларининг тоифасини белгилаш Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги томонидан тасдиқланадиган Ишчи гуруҳ томонидан кўриб чиқилади.

Мезонларни баҳолаш рейтинги натижалари асосида қуйидаги давлат театрларининг тоифалари белгиланади:

*1-тоифа давлат театрлари - максимал баллнинг 80 фоизидан юқори;

*2-тоифа давлат театрлари - максимал баллнинг 71-80 фоизи;

*3-тоифа давлат театрлари- максимал баллнинг 55-70 фоизи.

Рейтинг натижалари максимал баллнинг 55 фоизидан кам бўлган давлат театрлари Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги томонидан

[1] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 18 апрелдаги «Давлат театрлари ва концерт-томоша муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида№ 329 - сон қарори билан тасдиқланган.

танқидий ўрганиб чиқилади ҳамда улар фаолиятини ривожлантириш бўйича тегишли чоралар кўрилади.

Тоифадан ташқари бўлган давлат театрларига белгиланган тартибда "Миллий" ва "Академик" мақомлари берилган давлат театрлари киради.

"Томоша" болалар мусиқий театр-студияси" ва "Дийдор" ёшлар экспериментал театр-студияси" давлат муассасаларининг базавий лавозим маошлари 2-гуруҳ асосида қўлланилади.

Давлат театрларининг тоифаси Ишчи гуруҳнинг хулосасига кўра Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирининг буйруғи билан расмийлаштирилади.

Маданият муассасаларининг даромадлари улар томонидан ўтказиладиган тадбирлар (концертлар, спектакллар, театрлаштирилган ва цирк томошалари, ижодий учрашувлар, турли шоу-дастурлар, фестиваллар, томошаларнинг шакли ва жанридан қатъий назар, бошқа маданий-оммавий тадбирлар) учун олдиндан маълум қийматларда (нархларда) чиқарилган билетлар суммалари йиғиндисидан иборат бўлади.

Билет – бу тадбирларга бир марта ташриф буюриш ҳуқуқини берувчи ҳужжат (электрон ёки қоғозда белгиланган тартибда чоп этилган билет, бепул таклифнома, абонемент).

Республикамизда амалда бўлган «Давлат театрлари ва концерт-томоша муассасаларининг билет нархларини шакллантириш тартиби тўғрисида Низом»га[1] мувофиқ тадбирларга кириш ҳуқуқини берувчи битта билетнинг базавий нархи (**Бт**) давлат театрлари ва концерт-томоша муассасаларининг бюджет ва бюджетдан ташқари харажатлар сметаларини ҳар йили шакллантириш даврида қуйидаги формула асосида аниқланади:

$$\textbf{Бт} = \textbf{Ат}/\textbf{Тс}.$$

Бу ерда: **Ат** -ўтган йилги асосий фаолиятдан тушган тушум**; Тс** -ўтган йилги томошабинлар сони;

Тадбирларга кириш ҳуқуқини берувчи битта билетнинг нархи қуйидагиларни инобатга олиб, базавий нархга нисбатан дифференциал оширилган ҳолда шакллантирилади:

*томоша залидаги жойларнинг жойлашуви (олд, ўрта, орқа ва балкон ўриндиқлар);

*ўтказиладиган тадбирларнинг тури (оддий, байрам, премьера);

*ўтказиш куни ва вақти (кундузги, кечки, иш куни, дам олиш ёки байрам кунлари) ҳамда бошқалар.

Тадбирларга кириш ҳуқуқини берувчи билет нархларини белгилашда ҳамда бюджетдан ташқари маблағларни шакллантиришда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган давлат театрлари ва концерт-томоша муассасаларини сақлаш билан боғлиқ харажатларнинг бюджетдан ташқари тушумлари ҳисобига қопланадиган

[1] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 18 апрелдаги «Давлат театрлари ва концерт-томоша муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида№ 329 - сон қарори билан тасдиқланган.

улушни босқичма-босқич ошриб бориш режа-жадвалига қатъий риоя қилиш лозим.

Кўчма ва гастроль тадбирларига билетларнинг нархлари индивидуал ҳисоб-китоб ёки қабул қилувчи томон билан тузилган шартнома асосида белгиланади.

Аҳолининг кам таъминланган қатламларига (меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, боқувчисини йўқотган ва кам таъминланган оилалар аъзолари) ушбу муассасаларнинг ёзма мурожаатига асосан давлат театри ва концерт-томоша муассасаси раҳбарининг тегишли буйруғига асосан тадбирларга билет нархининг 50 фоизигача чегирма берилиши мумкин, бироқ, чегирма берилган билетлар сони умумий билетлар сонининг 50 фоизидан ошмаслиги зарур.

Тадбирларга кириш ҳуқуқини берувчи таклифномалар сони умумий билетлар сонининг 5 фоизидан ошмаслиги лозим.

Таълим муассасаларида тадбирларни ўтказишда, очиқ майдонлар ва кичик заллардаги чиқишларда билетларнинг нархлари театрлар ва концерт-томоша муассасалари директорларининг буйруғи асосида мазкур театрлар ва концерт-томоша муассасаси асосий залининг билетларига белгиланган базавий нарх даражасидан паст қилиб белгиланиши мумкин.

Хорижий жамоалар ва алоҳида ижрочиларнинг спектакллари ва концертларига, халқаро, республика, минтақавий санъат фестивалларига, шунингдек гастроль ва тадбирларига билетларнинг нархлари томонлар келишувига асосан шакллантирилади.

Тадбирларга томошабинлар кам келганда, ушбу муассасалар томошабинлар залининг тўлдирилиш даражасини ошириш мақсадида билет нархлари ҳақиқий харажатдан келиб чиқиб қайта кўриб чиқилиши мумкин.

Тадбирларга электрон билетларни сотиш Вазирлар Маҳкамасининг "Билет операцияларининг ягона электрон базасини яратиш ва жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида" 2019 йил 10 январдаги 18-сон қарорига асосан амалга оширилади.

Давлат ва давлат-шерикчилик шаклидаги маданият муассасалари улар фаолиятини молиялаштириш манбалари бўйича ҳам ўзига хос хусусиятларга эга. Улар фаолиятини молиялаштиришнинг асосий манбалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

*Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

*пулли хизматлар кўрсатишдан тушган маблағлар;

*мол-мулкни ижарага беришдан олинган даромадлар;

халқаро молия институтлари, хорижий ташкилотлар, донор мамлакатлар ва ташкилотларнинг грантлари;

*юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

*қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

Бунда давлат театрлари ва концерт-томоша муассасаларига бюджет маблағлари ўз даромадлари билан қопланмаган қисми учун ажратиб берилади.

Давлат театрлари ва концерт томоша муассасалари бюджет муассасалари учун белгиланган тартибда тасдиқланган ва рўйхатдан ўтказилган харажатлар сметасига мувофиқ молиялаштирилади. Бунда давлат театрлари ва концерт-томоша муассасасининг:

*даромад ва харажатлари прогноз кўрсаткичлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бюджет ташкилотларининг смета харажатларини тузиш ва рўйхатга олиш жараёнида шакллантирилади ҳамда даромадлар ва харажатлар сметасининг ажралмас қисми ҳисобланади;

*ўз даромадлари билан қопланмаган қисми учун ажратилган бюджет маблағлари бўйича бюджет қонунчилигига мувофиқ белгиланган тартибда харажатлар сметаси тузилади ва рўйхатга олинади.

Давлат театрлари ва концерт-томоша муассасалари томонидан жалб қилинган ҳомийлик маблағлари бюджет маблағларини камайтиришга асос бўлмайди.

Давлат театрлари ва концерт-томоша муассасалари ҳар йили 31 декабрга қадар келгуси йил фаолиятининг асосий прогноз кўрсаткичлари (спектакллар сони, янги саҳналаштирилган спектакллар сони, кутилаётган томошабинлар сони, гастроль сафарлари сони ва бошқалар) Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги билан келишилган ҳолда аниқлайдилар.

Давлат театрлари ва концерт-томоша муассасалари ҳар йили харажатлар сметасини тузиш ва руйхатга олиш жараёнида даромадлар ва харажатлар прогнозини шакллантирадилар.

Давлат театрлари ва концерт-томоша муассасаларга ўз даромадлари билан қопланмаган харажатларнинг қисми учун ажратилган бюджет маблағлари бўйича харажатлар сметасида, биринчи навбатда, штат жадвалига асосан иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар ҳамда ягона ижтимоий тўловлар харажатлари назарда тутилади.

Давлат театрларига ижодий ходимларни жалб этиш, хорижий давлатлар мутахассисларнинг иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлари Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги билан келишилган ҳолда театрлар томонидан бюджетдан ташқари маблағлар (ўз даромадлари) ва қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

Давлат театрлари ва концерт-томоша муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Давлат маданият муассасалари ва давлат архивлари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини жорий этиш ва уларни моддий рағбатлантиришни кучайтириш тўғрисида" 2018 йил 14 майдаги ПҚ-3727-сон қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг "Давлат маданият муассасалари ва давлат архивлари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантиришнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш ҳақида" 2018 йил 19 июндаги 458-сон қарори ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида амалга оширилади.

Юқоридагиларнинг барчаси маданият соҳаси муассасаларида ҳисоб ишларини ҳамда аудиторлик текширувларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартиб-қоидалар асосида ташкил қилишни тақоза этади.

И.Н.Қўзиев - Тошкент молия институти иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

АУДИТОРЛИК ҲИСОБОТИНИ ТУЗИШ МЕТОДОЛОГИЯСИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Аннотация: Мазкур мақолада аудиторлик текширувининг якуний босқичида расмийлаштириладиган аудиторлик ҳисоботини аудитнинг халқаро стандартлари асосида тузиш масалалари ёритиб берилган. Мавзуни ёритишда аудиторлик ҳисоботини тузиш ва расмийлаштириш давомида учрайдиган хато ва камчиликлар баёни келтирилган ҳамда таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: аудит, аудитор, аудиторлик текшируви, аудиторлик ҳисоботи, аудитнинг халқаро стандартлари аудиторлик хулосаси.

Ўзбекистон Республикасида кейинги йилларда бизнеснинг ривожланиши ва уни самарали бошқариш муаммосини ҳал этиш, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини қўллаш, бу жараёнда ички ва ташқи аудит каби хизматлар фаолиятида аудит ҳамда сифат назоратининг халқаро стандартларини жорий этиш бўйича ишлар амалга оширилди. Аудиторлик ҳисоботини тузиш методологиясини такомиллаштириш билан боғлиқ илмий ишлар ҳисоботни янада ишончлиги, тўлиқлиги ва тўғрилигини таъминлайди.

Аудиторлик ташкилоти аудитор ҳисоботида хўжалик юритувчи субъект хўжалик фаолияти билан боғлиқ хатолик ва далилларнинг бузиб кўрсатилишига оид аудиторлик далилларни ёки молиявий ҳисобот кўрсаткичларига муҳим таъсир этувчи омилларни баён этилиши ҳисобланади. Ҳозирги кунда аудиторлик ташкилотлари ушбу камчиликларни акс эттиришда қандай йўл тутиши кераклиги стандартларда аниқ кўрсатилмаган. Бундан ташқари, ўтказилган аудит жараёнида хўжалик юритувчи субъект фаолияти билан боғлиқ далиллар бўйича аудитор зарур деб ҳисоблаган маълумотларни кўрсатиши лозимлиги масаласи ва уни қандай акс эттирилиши ўз ечимини топмаган.

Аудитор ҳисоботи хўжалик юритувчи субъект фаолияти билан боғлиқ ҳамма муҳим камчиликлар тўғрисида ҳисобот вазифасини бажармайди, чунки аудитор томонидан фақат аудиторлик текшируви давомида аниқланган камчиликлар кўрсатилади. Аудиторнинг ёзма ахбороти аудиторлик текшируви жараёнида тайёрланади, хўжалик юритувчи субъект раҳбариятига аудиторлик текшируви тугаганда тақдим қилинади.

Аудиторнинг ёзма ҳисоботининг айрим масалалари хўжалик юритувчи суъбект ходимлари билан аудит ўтказиш жараёнида уларнинг жавобгарлик

даражаси, маълумотлардан фойдаланиш ҳуқуқи, маълумотларга алоқадорлиги даражасига қараб, улар билан оғзаки ёки ёзма хат орқали муҳокама қилиниши мумкин. Масалан, аудиторга муайён ҳужжат тақдим этилмаган бўлса, айрим бўлимлар бўйича тақдим қилинган дастлабки ҳужжатлар тўлиқлигини текширади, ушбу ахборот аудиторнинг ёзма ҳисоботида қайд қилинади, агар ходим аудиторлик текшируви пайтида ушбу ҳужжатни топа олмаган бўлса, ушбу ҳолат аудиторлик ҳисоботида қайд қилинади.

Агар кейинчалик ушбу ҳужжатнинг нусхаси тақдим қилинса, аудитор ўзининг хулосаси, ҳисоб-китоблари, ёзма ҳисоботи ва бошқаларни ўзгартириши мумкин. Шу сабабли, бошланғич ҳужжатнинг нусхасини олиш зарурлиги тўғрисидаги ҳисобот текширилаётган хўжалик юритувчи субъектнинг бухгалтерия аппаратига юборилиши зарур. Агар аудитор аудиторлик далилларини тўплаш бўйича ишларни тугатишдан олдин бундай ҳужжатлар тақдим қилинмаса, айрим ҳужжатларнинг йўқлиги ҳолати аудитор ёзма ҳисоботида қайтадан кўрсатилади. Ҳамма кирим ва чиқим ҳужжатлари аудитор томонидан мажбурий тартибда бошқа ишчи ҳужжатларда акс эттирилиши керак.

Аудитор ҳисоботида хато ва камчиликлар бўйича қуйидаги ишлар қилиниши лозим:

1) Бухгалтерия ҳисоби кўрсаткичларидаги хато ва камчиликларни тузатиш;

2) Корректировка проводкаларини бериш;

3) Молиявий ҳисобот кўрсаткичларидаги хатоликларни тузатиш.

Ушбу ўзгартиришларни киритиш бўйича аудитор томонидан қўйилган талабларнинг бажарилиши муҳим характерга эга бўлса ва ушбу ўзгартириш аудиторнинг фикрига таъсир қиладиган бўлса, ўзгартириш киритиш мажбурий ҳисобланади. Ушбу ўзгартиришлар аудитор томонидан хўжалик юритувчи субъектга ижобий аудиторлик хулосаси берилиши учун асос бўлади.

Агар аудитор ёзма ҳисоботининг дастлабки вариантида муҳим характерга эга бўлган камчиликлар мавжуд бўлса, хўжалик юритувчи субъект ходимлари томонидан аудиторнинг талаблари албатта бажарилган бўлиши, ёзма ҳисоботнинг охирги вариантида тузатишларни таҳлил қилиши ва баҳолаши керак.

Ушбу масалада аудитнинг халқаро стандартларида қуйидаги:

АХС №240-«Молиявий ҳисоботлар аудитидаги фирибгарликка нисбатан аудитор мажбуриятлари»;

АХС №265-«Ички назоратдаги камчиликлар юзасидан раҳбарият ва мулк эгалари вакиллари билан ахборот алмашинуви»;

АХС №315-«Муҳим бузиб кўрсатишлар рискларини тадбиркорлик субъектини ва унинг муҳитини билиш асосида аниқлаш ва баҳолаш» стандартларидан фойдаланилади.

Чет элда, шу жумладан, Россияда «Бухгалтерия ҳисоботида

фактларнинг бузиб кўрсатилишида аудиторнинг ҳаракати» номли аудиторлик қоида (стандарти)га кўра, аудиторлик ташкилоти томонидан бухгалтерия ҳисоботидаги четга чиқиш фактлари аниқланганда, ушбу ахборотларни ўзининг ишчи ҳужжатларида батафсил акс эттиради.

Бундан ташқари, аниқланган фактларнинг бузиб кўрсатилиши текширилаётган хўжалик юритувчи субъект раҳбариятига тақдим қилинадиган ёзма аудиторнинг ҳисоботида кўрсатилиши керак.

Аудиторнинг ёзма ҳисоботининг дастлабки вариантини ўрганиб, текширилаётган ташкилот раҳбарияти томонидан ушбу хато ва камчиликларни тузатиш бўйича тегишли қарор қабул қилиниши мумкин. Хато ва камчиликлар бухгалтерия ҳисобида расмийлаштирилиб, бухгалтерия ёзуви амалга оширилиши, тегишли аналитик ва синтетик счётларнинг янги регистрларида ёзув қилиниб, шу асосда молиявий ҳисобот тузилган бўлса, ўзгартириш киритиш етарли ҳисобланади.

X. N.Abdullayev - Toshkent davlat yuridik universiteti o'qituvchisi

RAQAMLI IQTISODIYOT SHAROITIDA TRANSPORT KORXONALARIDA ENERGIYA AUDITINING O'TKAZISHNING AXAMIYATI

Annotatsiya: maqolada transport korxonalarida energiya auditini o'tkazishning tashkiliy jihatlari va xarajatlarni kamaytirish usullari haqida amaliy tavfsiyalar berilgan.

Kalit so'zlar: energiya auditi, transport korxonalari, energiya nazorati, tejash strategiyasi, energiya tizimlari.

Ma'lumki, jahon iqtisodiyotida yetakchi o'rin tutadigan mamlakatlar tajribasida, global raqobatdoshlikka erishish va dunyo bozorlariga chiqish, birinchi navbatda, iqtisodiyotni izchil isloh etish va tarkibiy jihatdan o'zgartirishlarning barchasi transport logistika xizmatlari bozorini rivojlanishi bilan bog'liq**.** Mamlakatimizda 2020 yil yanvar-mart oylarida transport xizmatlari 13335,2 mlrd. so'm,ni tashkil qilib transport xizmatlari o'tgan yilning aynan shu davriga nisbatan. 103,1 % ga o'sdi[1]. Iqtisodiyotning turli sohalarida energiya samaradorligini oshirish uchun foydalanilmagan katta imkoniyatlar mavjud. Mamlakatimizda amalga oshirilayotgan iqtisodiy isloxotlar yangi bosqichga chiqib innovatsion iqtisodiyot va raqamli iqtisodiyot kabi tushunchalar paydo bo'ldi. Lekin shu bilan birga har qanday iqtisodiy sharoitda xam korxonalarning xarajatlarini minimmallashtirish asosiy vazifalardan biri bo'lib qoladi. Energiyani tejash

[1] O'zbekiston Respublikasi statistika qo'mitasi ma'lumotlari. https://stat.uz/ru/press-tsentr/novostikomiteta/8877-razvitie-sfery-uslug-v-respublike-uzbekistan-za-yanvar-mart-2020-goda

samaradorligini oshirishda nafaqat yangi asbob-uskunalarni, ilg'or texnologiyalarni joriy etish, mavjud uskunalarni takomillashtirish va modernizatsiya qilish, barcha mahalliy va ikkilamchi resurslardan keng foydalanish, balki energiya sarfini to'g'ri tashkil etish, ya'ni energiyani boshqarish va energiya auditi ham muhim ahamiyatga ega. Energiya auditi (energiya nazorati) yaxshilanadigan iqtisodiy samarador choralarni aniqlash usuli hisoblanib, korxonaning kompleks energiya ekspertizasini o'z ichiga oladi. Masalan: dastlabki ma'lumotlarni to'plash, energiya iste'moli va taqsimot balanslarini tuzish, moliyaviy va texnik ma'lumotlarni tahlil qilish, tejamkor yo'qotishlarni aniqlash, energiya tejash choralarini ishlab chiqish, tavsiyalar berish va ularni amalga oshirish samarasini aniqlash. Mamlakatimizda energiya auditini o'tkazish Vazirlar maxkamasinini 2006-yil 7-avgustdagi 164-sonli " Yoqilg'i-energetika resurslari iste'molchilarini energetika tekshiruvidan o'tkazish va ekspertizadan o'tkazish qoidalarini tasdiqlash to'g'risida"[1] gi qarori bilan tartibga solinadi.

Transport korxonalarida energiya auditi - bu korxonaning energiya sarf-xarajatlari tarkibi va samaradorligini aniqlash, eng ko'p energiya sarflaydigan qismlarni qidirish, yo'qotishlarning sabablarini aniqlash va ularni bartaraf etish bo'yicha tavsiyalar tayyorlash uchun o'tkaziladigan korxonaning keng qamrovli so'rovidir. Bu korxonada energiyadan foydalanish samaradorligini tekshirish bo'yicha xizmatlar to'plami hisoblanadi. Yoqilg'i-energetika resurslariga narxlarning doimiy o'sishi birinchi navbatda ko'rsatiladigan xizmatlar tannarxiga ta'sir qiladi, shuning uchun zamonaviy transpor korxonalari uchun energiyadan foydalanish samaradorligini oshirish chora-tadbirlari ustuvor hisoblanadi.

Transport korxonalarida energiya auditi o'tkazilishining asosiy maqsadi yoqilg'i-energetika resurslaridan foydalanish samaradorligini baholash va korxona xarajatlarini kamaytirish bo'yicha samarali choralarni ishlab chiqishni o'z ichiga oladi.

Energiya auditi (energiya nazorati) muddati korxonaning tuzilishi bilan belgilanadi: kichik korxonalar uchun - 2-3 oy, o'rta korxonalar uchun 3-6 oy; katta korxonalar uchun - 12 oygacha bo'lib transport korxonalarida odatda 2-3 oy davom etadi.

Transport korxonalarida energiya auditi (energiya nazorati)ni o'tkazish jarayonida korxonaning energiya sarflaydigan ob'ektlari tekshiriladi; uning energiya tizimlari va o'lchash tizimlarining holatini baholash; texnologik tsiklning energiya samaradorligini tahlil qilish; energiya balanslarini tuzish, energiya iste'moli standartlari tizimini modellashtirish kabi tizimli ishlar amalga oshiriladi.

Energiya tekshiruvlari (energiya tadqiqotlari) natijasida ular "Energiyani tejash dasturi" ni tuzadilar va texnik hisobot (energiya pasporti) ishlab chiqadilar.

Energiya auditini o'tkazishda, muhandislik xizmatlarining boshqa segmentlarida bo'lgani kabi, ularning sifati, bajarish muddati va narxi ushbu biznesning o'ziga xos mavzusiga qarab sezilarli darajada farq qiladi. Energiya

[1]O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Maxkamasining 07.08.2006 yildagi 164-son qarori.https://lex.uz/docs/1038881

auditida ushbu xususiyatlarning aniq bir o'lchovi yo'q. Bu energiya auditorini tanlashdagi qiyinchiliklarni yuzaga kelishi mumkinligini tushuntiradi.

Energiya auditorlarining takliflari, odatda, maslahat xarakteriga ega. Shunday qilib, energiya auditorlarining har qanday ishi shunchaki qog'ozda qolishi mumkin, chunki chora-tadbirlarning amalga oshirilishi buyurtmachi korxonasining mutaxassislari va rahbariyatiga bog'liq.

Auditorlar tomonidan energiya auditini o’tkazuvchi xaridorga quyidagi ma'lumotlar kiritilgan hisobot taqdim etilishi lozim:

- korxonaning hozirgi energetika tarmog'ining qisqacha tavsifi;
- energiya uskunalarining ro'yxati va texnik tavsiflari;
- sinov va o'lchash usullari;
- energiya sarflaydigan tarkibiy qismlar ko'rsatilgan mavjud ishlab chiqarish tizimlarining tavsifi berilgan;
- energiya sarfini kamaytirish bo'yicha tavsiyalar beradi;
- energiyani tejash bo'yicha hisob-kitoblarning natijalari[1].

Hozirgi kunda mamlakatimizda energiya auditini o’tkazish xizmatlarini ko’rsatadigan 20 dan ortiq tashkilotlar mavjud bo’lib, ko’rsatiladigan xizmatlar asosan kelishilgan narxda belgilanib asosan, 1.000.000 so’mdan 300.000.000-400.000.000 so’mgacha bo’lisi mumkin. Rivojlangan mamlakatlar tajribasi shuni ko’rsatadiki, korxonalar energiya resurslari ustidagi amaliyotlar (energiyani tejash,energiya auditini o’tkazish, turli tavfsiyalar berish) ni servis xizmatlarini ko’rsatuvchi energiya korxonalariga topshiradilar. Bunday energiya korxonalar faqat korxonaning energiya samaradorligini nazorat qilib, butun bir jarayonni o’z ichiga oladi[2].

Transport korxonalarida energiya auditining imkoniyatlari - energiya tejash strategiyasi va taktikasini to'g'ri aniqlash, energiyani tejash choralarini belgilash, korxonaning energiya mustaqilligiga erishish, ishlab chiqarish va ishlab chiqarish xarajatlarining bevosita va bilvosita xarajatlarini kamaytirish, kreditlar va investitsiyalar olish kabi unsurlar bilan belgilanadi.

Xarajatlarni kamaytirish miqdori:

- korxona tarkibiga, iste'mol qilingan hajmlar va energiya tashuvchilar turlariga, tashkilotga bog'liq;
- elektr ta'minoti va energiya tizimlarining holati;

-energiyani tejash bo'yicha bir qator tadbirlarni amalga oshirish orqali ta'minlanadi[3].

Xulosa o’rnida shuni aytish mumkinki, dunyoda energiya iste'mol qilish tendentsiyalari haqida gapirishni istardim. Axir, Yer aholisi, siz bilganingizdek, 8 milliard kishiga yetdi va o'sishda davom etmoqda. Umuman olganda, turli

[1] Байков Н.П. Топливно-энергетический комплекс. // МЭиМО, 1998, № 8

[2] И.Андронова энергоаудит как фактор обеспечения энергетической безопасности страны. Москва 2012г. https://cyberleninka.ru/article/n/energoaudit-kak-faktor-obespecheniya-energeticheskoy-bezopasnosti-strany/viewer

[3] Энергетическая стратегия России до 2020г., авторский коллектив под руководством Яновского А.Б., 2008 г.

mamlakatlar va qit'alarda notekis bo'lib qolgan turmush darajasi o'sishda davom etmoqda. Hayot tarzi va aholining evolyutsiyasi insoniyatning ishlab chiqaruvchi kuchlarining texnologik jihatdan yaxshilanishiga, atrof-muhit va energiya tejash tendentsiyalariga qaramay, Yer yuzida yoqilg'i-energetika resurslari iste'molining doimiy o'sishiga olib keladi. Ko'rsatilgan ilg'or tendentsiyalar tufayli yoqilg'i-energetika resurslarini iste'mol qilish dinamikasi sezilarli darajada ortda qolmoqda va jahon hamjamiyatining iqtisodiy rivojlanish sur'atlaridan orqada qolishda davom etmoqda. Kelgusi 10 yil uchun eksport qilinadigan energiyaning asosiy turlari neft va tabiiy gaz bo'lib qoladi. Shu bilan birga mamlakatimiz mavjuda neft va gaz zaxiralaridan unumli foydalanishi asosiy maqsad hisoblanadi.

Energiya auditi ishlab chiqarishni rivojlantirish rejasini hisobga olgan holda energiya tejashning to'g'ri yo'lini topishga, ustuvor, arzon narxlardagi chora-tadbirlarni aniqlashga va umuman energiya tejaydigan korxonalarning istiqbollarini ishlab chiqishga imkon beradi.

Biz bu o’rinda shuni transport korxonalariga taklif qilamizki, energiya auditining korxonaning ichki auditi sifatida belgilangan vaqtlarda o’tkazilishini yo’lga qo’yish hamda energiya nazoratini korxonaning muxandislari va moliya-iqtisod bo’limi yoki buhgalterlar tomonidan o’tkazilishini yo’lga qo’yish maqsadga muvofiq. Bu eng avvalo vaqtni va harajatlarni optimallashtirishga imkon beradi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. O’zbekiston Respublikasi statistika qo’mitasi ma’lumotlari. https://stat.uz/ru/press-tsentr/novostikomiteta/8877-razvitie-sfery-uslug-v-respublike-uzbekistan-za-yanvar-mart-2020-goda

2. O’zbekiston Respublikasi Vazirlar Maxkamasining 07.08.2006 yildagi 164-son qarori. https://lex.uz/docs/1038881

3. Байков Н.П. Топливно-энергетический комплекс. //МЭиМО, 1998,№ 8

4. И.Андронова энергоаудит как фактор обеспечения энергетической безопасности страны. Москва 2012г. https://cyberleninka.ru/article/n/energoaudit-kak-faktor-obespecheniya-energeticheskoy-bezopasnosti-strany/viewer

5. Энергетическая стратегия России до 2020г., авторский коллектив под руководством Яновского А.Б., 2001 г.

К.Б. Уразов- СамИСИ и.ф.д., профессор
М.Х.Хусанов- СамИСИ магистрант

КОРХОНАЛАРДА МАХСУС САВОЛ ТАРЗИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН АУДИТОРЛИК ТЕКШИРУВЛАРИ АЛОҲИДА ТУРЛАРИ ВА УЛАРНИНГ УСЛУБИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Республикамизда тадбиркорлик субъектлари томонидан махсус савол тарзида ўтказиладиган аудиторлик текширувларига бўлган талаб борган сари ошиб бормоқда. Чунончи, изланишларимиз олиб борилган «Komil-Ishonch» аудиторлик ташкилотида қуйидаги масалалар бўйича махсус савол тарзидаги аудиторлик текширувлари ўтказилганлиги ва бундай турдаги текширувлар сонини ошиб бораётганлигини кўрсатмоқда (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал

«Komil-Ishonch» аудиторлик ташкилотида махсус савол тарзида ўтказилган аудиторлик текширувлари, уларнинг буюртмачилари ва сони тўғрисида маълумотлар[1]

	Махсус савол мавзуси (йўналиши	Буюртмачилар	Текширувлар сони		
			2017 й.	2018 й.	2019 й
1	Корхонанинг бошқа юридик ва жисмоний шахслар учун банк кредитини олишда кафолатчи бўлиш имкониятларига аудиторлик баҳосини бериш	Кафолатчи корхоналар ва банк муассасалари	5	7	10
2	Корхонанинг тендерда иштирок этиш учун мулкий ҳолатига баҳо бериш	Қурилиш ташкилотлари	1	1	1
3	Корхонанинг инвестицион мажбуриятлари бажарилишини баҳолаш	Юридик ва жисмоний шахслар	1	2	2
4	Товар-моддий заҳиралар инвентаризациясини ўтказиш ва улар реал қийматини баҳолаш	турли мулк ва мақомдаги корхоналар	0	1	1
5	Корхона хусусий капиталида таъсисчилар улушини аниқлаш	турли мулк ва мақомдаги корхоналар	1	1	2
6	Гуманитар ёрдам сифатида олинган дори-дармонларнинг мақсадли сарфига аудиторлик баҳосини бериш	ННТлар	1	2	2
7	Олинган грантларнинг мақсадли сарфига аудиторлик баҳосини бериш	ННТлар	2	2	2
8	Олинган субсидиялар сарфининг аудиторлик таҳлили	ННТлар	1	1	1
9	Касаба уюшмалар маблағларини мақсадли ишлатилишининг ҳолати	Касаба уюшмалар	1	1	1

[1] «Komil-Ishonch» аудиторлик ташкилоти материаллари асосида муаллифлар ишланмаси

10	Корхона даромадлари буйича йўқотилган имкониятларни аниқлаш ва баҳолаш	Авторанспорт ва бошқа тармоқ корхоналари	-	**1**	-
11	Хорижий валютадаги дебиторлик ва кредиторлик қарзлар реал ҳолатини аниқлаш	Турли мулк ва мақомдаги корхоналар	1	-	1
12	Самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари (СМК) ва самарадорликнинг йиғма кўрсаткичи (СЙК) бўйича режани бажарилиш ҳолатини текшириш	АЖ, устав капитали давлат улуши бўлган субъектлар	2	3	4

Таъкидлаш жоизки, махсус савол тарзида ўтказиладиган аудиторлик текширувларининг юқорида келтирилган барча турлари, бир томондан, меъёрий-ҳуқуқий таъминоти жиҳатдан умумий ўхшашлик жиҳатларига эга. Бундай ўхшашлик жиҳатларига уларнинг қуйидаги қонунларга ва қонуности ҳужжатларида белгиланган тамойиллар ва тартибларга асосланган тарзда ўтказилиши киради:

*хўжалик юритувчи субъектлар, чунончи акциядорлик жамиятлари, масъуляти чекланган жамиятлар, хусусий корхоналар, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар, нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида қонунлар;

*бухгалтерия ҳисоби тўғрисида қонун;

*аудиторлик фаолияти тўғрисида қонун;

*бухгалтерия ҳисобининг миллий ва халқаро стандартлари;

*аудитнинг миллий ва халқаро стандартлари, чунончи 3-сон АФМС «Аудитни режалаштириш, 300-сон АХС "Молиявий ҳисобот аудитини режалаштириш», 80-сон АФМС "Махсус саволни текшириш натижалари бўйича аудитор ҳисоботи"ва 800 АХС «Махсус мақсад концепциясига мувофиқ тайёрланган молиявий ҳисобот аудитининг хусусиятлари»;

*алоҳида олинган кўрсаткичларни ҳисоб-китоб қилиш, уларни бухгалтерия ҳисоби, молиявий, статистика ва солиқ ҳисоботларида акс эттириш тўғрисидаги Низомлар, йўриқномалар ва бошқа ҳужжатлар.

Махсус савол тарзида ўтказиладиган аудиторлик текширувларининг юқорида келтирилган барча турлари, иккинчи томондан, бир-биридан мақсади, текшириш режаси ва дастури, текшириш муолажалари, ҳисоб-китоб алгоритмлари ва тартиблари, аудиторлар томонидан расмийлаштириладиган иш ҳужжатлари, аудиторлик ҳисоботи ва аудиторлик хулосасининг таркибий тузилиши, мазмуни ва бошқа жиҳатлари бўйича фарқли жиҳатларга эга. Қуйида махсус савол тарзида ўтказиладиган айрим аудиторлик текширувларининг мақсади, уларнинг режа ва дастури, аудиторлик муолажалари кетма-кетлиги, текширув натижасида шакллантириладиган иш ҳужжатлари, ушбу аудиторлик иш ҳужжатларидан амалиётда фойдаланиш йўналишлари, шунингдек махсус савол тарзидаги аудиторлик текшируви бўйича аудиторлик ҳисоботини тузиш ва аудиторлик хулосасини

шакллантиришдаги хусусиятларни таъсисчиларнинг корхона хусусий капиталидаги улушини аниқлаш бўйича махсус савол тарзидаги аудиторлик текшируви мисолида кўриб чиқамиз.

Изланишлар таъсисчиларнинг корхона хусусий капиталидаги улушини аниқлаш бўйича махсус савол тарзидаги аудиторлик текшируви бўйича аудиторлик ташкилотларига буюртмачилар томонидан қуйидаги ҳолларда келиб тушишини кўрсатмоқда:

1.Таъсисчилар, чунончи хорижий инвесторлар таъсисчилар сафидан чиқиш ҳолларида;

2. Таъсисчиларнинг корхона хусусий капиталидаги улушини бошқа шахсларга сотиш, ҳадя қилиш, қтказиш ва бошқа ҳолларда;

3. Корхоналарни қайта ташкил этиш ҳолларида, чунончи:

а) **қўшиб юбориш**, яъни ўз фаолиятини тугатган икки ёки бир нечта корхонанинг барча ҳуқуқлари ва мажбуриятларини унга бериш йўли билан янги корхонани вужудга келтириш ҳолатида;

б) **қўшиб олиш,** яъни бир ёки бир нечта корхона фаолиятини тўхтатиб, уларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини бошқа корхонага бериш ҳолатида;

в) **бўлиш,** яъни корхона фаолиятини тўхтатиб, унинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини янги тузилаётган корхоналарга бериш ҳолатида;

г) **ажратиб чиқариш,** яъни корхоналарнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бир қисмини унга бериш йўли билан янги корхонани вужудга келтириш ҳолатида;

д) **ўзгартириш,** яъни янги вужудга келган юридик шахсга қайта ташкил этилган юридик шахснинг барча ҳуқуқлари ва мажбуриятларини бериш йўли билан корхонанинг ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўзгартириш ҳолатида.

4.Таъсисчилар ўртасида хусусий капиталдаги улуш бўйича мунозаралар ёки келишмовчиликлар пайдо бўлган ҳоллдарда.

Таъсисчиларнинг корхона хусусий капиталидаги улушини аниқлаш бўйича махсус савол тарзидаги аудиторлик текширувининг бош мақсади бўлиб, ҳисоб ва ҳисоботда корхона хусусий капиталининг реал акс эттирилганлиги ҳамда таъсисчиларнинг ушбу капиталдаги улуши суммасини холисона аниқлаш ва тасдиқлаш ҳисобланади.Ушбу мақсаддан келиб чиқиб, таъсисчиларнинг корхона хусусий капиталидаги улушини аниқлаш бўйича махсус савол тарзидаги аудиторлик текшируви дастурига киритиладиган асосий саоллар бўлиб қуйидагилар ҳисобланади.

Биринчидан, талаб қилинаётган санага корхонанинг баланси бўйича хусусий капитали элементларининг ҳисоб ва ҳисоботда реал акс эттирилганлигини текшириш. Бунда хусусий капиталнинг элементлари деганда қуйидагилар тушунилади:

*устав капитали;

*қўшилганкапитал;

*резерв капитали;

*тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар);

*мақсадли тушумлар;

*келгуси тўловлар учун резервлар.

Иккинчидан, корхона устави ва таъсис шартномаси бўйича белгиланган таъсичиларнинг устав капиталидаги улушларини ҳақиқатда киритилганлигини текшириш;

Учинчидан, корхона устави ва таъсис шартномаси бўйича белгиланган таъсисчиларнинг устав капиталидаги улуши асосида уларнинг ҳар бирининг корхона жами хусусий капиталидаги, шунингдек унинг ҳар бир элементидаги улуши суммасини ҳисоб-китоб қилиш;

Тўртинчидан, хорижий таъсисчиларнинг хусусий капиталдаги улуши суммасини хорижий валютадаги миқдорини аниқлаш;

Бешинчидан, таъсисчиларнинг жами хусусий капиталидаги, шунингдек унинг ҳар бир элементидаги улуши суммасини тасдиқлаш ва таъсисчилар йиғилиши олдида асослаб бериш.

Корхоналар хусусий капитали суммасини ҳисоб ва ҳисоботда реал акс эттирилганлиги аудиторлик текширувидан ўтказиш ва унда таъсисчиларнинг ҳиссаларини аниқлаш аудиторлар томонидан қуйидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида амалга оширилади:

*Ўзбекистон Республикасининг бухгалтерия ҳисоби тўғрисида қонуни, 13.04.2016 йил;

*Ўзбекистон Республикасининг аудиторлик фаолияти фаолияти тўғрисида қонуни, 25.05.2000 йил, N 78-II;

*Ўзбекистон Республикасининг бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари, чунончи 14-сон БҲМС "Хусусий капитал тўғрисида ҳисобот" (АВ томонидан 07.04.2004 й. 1335-сон билан рўйхатга олинган, Молия вазирининг 01.03.2004 й. 36-сон буйруғи билан тасдиқланган), 15-сон БҲМС «Бухгалтерия баланси» (АВ томонидан 20.03.2003 й. 1226-сон билан рўйхатга олинган, Молия вазирининг 12.03.2003 й. 45-сон буйруғи билан тасдиқланган);

*80-сон АФМС "Махсус саволни текшириш натижалари бўйича аудитор ҳисоботи" (Молия вазирининг 27.01.2003 й. 13-сон буйруғи билан тасдиқланган ва АВ томонидан 19.02.2003 й. 1220-сон билан рўйхатга олинган);

*Молия вазирининг 27.12.2002 й. 140-сон "Молиявий ҳисобот шакллари ва уларни тўлдириш бўйича қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида"ги буйруғи (АВ томонидан 24.01.2003 й. 1209-сон билан рўйхатга олинган);

*бошқа қонун ва қонуности меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар.

Ушбу меъёрий ҳужжатлар аудиторлар томонидан фойдаланувчиларни текширишга буюртма берган корхонанинг маълум ҳисобот санасига тузилган бухгалтерия баланси асосида уни таъсисчиларнинг корхона хусусий капиталидаги ҳиссаларини аниқлашда бухгалтерия баланси жиддий бузилишларга эга эмаслигини таъминлаш кераклигини тақозо этади. Аудиторлик текшируви бухгалтерия балансининг устав капитали ва хусусий капиталнинг бошқа моддалари ҳаққонийлигини ва уларни балансда қонун

ҳужжатларига мос равишда акс эттирилганлигини баҳолашга асосланади. Аудиторлар томонидан ўтказилган аудиторлик текшируви фикрни ифодалаш учун етарлича асослар бериши лозим.

Таъсисчиларнинг корхона хусусий капиталидаги улушини аниқлаш кетма-кетлиги ва тартибини «Комил-Ишонч» аудиторлик ташкилоти томонидан МЧЖ шаклидаги «KAMONGARON» Ўзбекистон-Эрон қўшма корхонасида ўтказилган текширув материаллари асосида кўриб чиқамиз.

МЧЖ шаклидаги «KAMONGARON» Ўзбекистон-Эрон қўшма корхонаси илк бор 2005 йил 4 октябрда Самарканд вилояти Адлия бошқармаси томонидан рўйхатга олинган. 2014 йил 8 апрелда МЧЖ шаклидаги «KAMONGARON» Ўзбекистон-Эрон қўшма корхонаси устави ва таъсис шартномаларига ўзгартиришлар киритилган ҳамда улар Самарқанд вилояти Адлия бошқармаси томонидан 2014 йил 8 апрелда 15-сон хулосаси асосида қайта рўйхатга олинган. Ушбу ўзгаришларга асосан МЧЖнинг таъсисчилари ҳамда устав капитали миқдори ва унинг таъсисчилар ўртасидаги тақсимоти қуйидагича белгиланган (1-жадвалга қаранг).

Ҳисоб ва ҳисобот маълумотларига кўра МЧЖнинг 532 252,45 АҚШ доллари ёки 980 946,6 минг сўм миқдоридаги янги қайд этилган устав капитали тўлиқ шаклланган.

1-жадвал

«KAMONGARON» Ўзбекистон-Эрон қўшма корхонаси таъсисчилари ва уларнинг устав капиталидаги улуши тўғрисида маълумотлар

№	Таъсисчилар	Устав капиталидаги ҳиссаси		
		Ҳиссаси, %	АҚШ доллари	Сўмда
1	Аминов Улфат Облоёрович	18,02	95 904,98	112 219 426,93
2	Аминов Фахриддин Облоёрович	47,09	250 638,67	562 305 353,00
3	«Abolfazl SALAR» савдо фирмаси (Эрон)	34,89	185 708,8	306 421 835,71
	Жами	**100,00**	**532 252,45**	**980 946 615,18**

Таъсисчиларнинг 2016 йил 11 июлдаги умумий йиғилиши қарорига асосан МЧЖнинг ташкилий–ҳуқуқий мақоми ҳамда таъсисчилар таркибига ўзгаритиришлар киритилган. Чунончи, у Ўзбекистон-Эрон қўшма корхонаси мақомидан маҳаллий МЧЖга айлантирилган. Мос равишда, таъсисчилар сафидан «Abolfazl SALAR» савдо фирмаси (Эрон) тўлиқ чиқарилган. Ушбу ўзгаришлар сабабли МЧЖ шаклидаги Ўзбекистон-Эрон қўшма корхонаси ўз мурожаатига кўра, Самарқанд вилояти адлия бошқармаси реестридан чиқарилган.

МЧЖ таъсисчиларининг 2016 йил 11 июлдаги умумий йиғилиши қарори билан унинг таъсис шартномаси ва Устави янги таҳрирда тасдиқланган. Улар 2016 йил 21 июлда 05162-сон билан Ургут туман «Ягона ойна маркази» томонидан рўйхатга олинган. Мос равишда МЧЖга 206 йил 21 июлда Ягона ойна маркази томонидан 1030- сонли янги гувоҳнома

берилган. Ушбу ҳужжатларнинг нусхалари иловада келтирилган. Уларга асосан янгидан рўйхатдан ўтган «KAMONGARON» МЧЖ собиқ МЧЖ шаклидаги Ўзбекистон-Эрон ҚКнинг ҳуқуқий ва мулкий вориси ҳисобланади.

Янги таъсис шартномаси ва Уставга мувофиқ МЧЖнинг янги устав капитали 674 524 779,93 (олти юз етмиш тўрт миллион беш юз йигирма тўрт минг етти юз етмиш тўққиз сўм, 93 тийин) миқдорида белгиланган ва у таъсисчилари сифатида олдинги Ўзбекистон томонидан таъсисчилар бўлган Аминов Улфат Облоёрович ва Аминов Фахриддин Облоёрович ўртасида қуйидагича тақсимланган (2-жадвал).

2-жадвал

«KAMONGARON» МЧЖ таъсисчилари ва уларнинг устав капиталидаги улуши тўғрисида маълумотлар

	Таъсисчилар	**Устав капиталидаги ҳиссаси**	
		Сўмда	**Улуши, фоизда**
	Аминов Улфат Облоёрович	112 219 426,93	16,64
	Аминов Фахриддин Облоёрович	562 305 353,00	83,36
	Жами	**674 524 779,93**	**100,0**

МЧЖ таъсисчиларининг 2016 йил 11 июлдаги умумий йиғилиш қарори билан хорижий таъсисчининг таъсисчилар сафидан чиқарилиши билан ҳар бир таъсисчининг МЧЖ хусусий капиталидаги улуши 2016 йил 1 июль ҳолатига тузилган баланс асосида ҳисоб-китоб қилинган. Ушбу ҳисоб-китобларга кўра, МЧЖнинг хорижий таъсисчи олдидаги қарзи аниқланган. Ушбу қарздорлик хорижий таъсисчининг устав капиталидаги улуши асосида хусусий капиталнинг ҳар бир элементлари бўйича уларнинг жами суммаси миқдорида аниқланган. Мазкур ҳисоб-китоблар 3-жадвалда келтирилган.

3-жадвал

«KAMONGARON» Ўзбекистон-Эрон қўшма корхонаси таъсисчиларининг корхона хусусий капиталидаги улуши ҳисоб-китоби

	Таъсисчилар	**УК даги ҳис-саси, %**	**Хусусий капиталдаги улуши, минг сўм**					
			Устав капи-тали	**Қўшил-ган капи-тал**	**Резерв капи-тали**	**Тақсим-ланмаг-ан фойда**	**Максад-ли тушум-лар**	**Жами**
1	«Abolfazl SALAR» савдо фирмаси (Эрон)	34,89	306421,8	12393,1	935241,8	-146268,7	23940,0	1131728,1
2	Аминов Улфат Облоёрович	18,02	112219,4	6400,8	483034,0	-75544,9	12364,5	538473,9
3	Аминов Фахриддин Облоёрович	47,09	562305,4	16726,7	1262268,2	-197414,5	32311,1	1676196,8
	Жами	**100,0**	**980946,6**	**35520,6**	**2680544,0**	**-419228,1**	**68615,6**	**3346398,8**

Таъсисчилар томонидан аудиторлик текширувида аудиторлар томонидан қилинган ҳисоб-китоб бўйича уларнинг МЧЖнинг хусусий капиталидаги улуши суммалари тўлиғича маъқулланган. Аудиторлик ташкилоти томонидан махсус саволни текшириш бўйича тузилган аудиторлик ҳисоботи асосида тузилган таъсисчилар йиғилиш баённомаси қарорига асосан МЧЖнинг таъсисчилар сафидан чиқарилган хорижий таъсисчи «Abolfazl SALAR» савдо фирмаси (Эрон) олдидаги қарзи 1 131 728 101,62 (бир миллиард бир юз ўттиз бир миллион етти юз йигирма саккиз минг бир юз бир сўм, 62 тийин) миқдорида тасдиқланган.

Шундай қилиб, юқоридаги ҳисоб-китобларга кўра, МЧЖнинг янги давлат рўйхатидан ўтган санасига, яъни 2016 йил 21 июль ҳолатига тузиладиган янги таъсис балансида унинг хусусий капитали элементлари ҳамда хорижий таъсисчи олдидаги қарзи қуйидагича акс эттирилиши лозим:

	Счет раками ва номи	**Суммаси, сўмда**
1-бўлим пассив «Ўз маблағлари манбалари»		
1	8330 «Устав капитали»	674 524 779,93
2	8400 «Қўшилган капитал»	23 127 487, 37
3	8500 «Резерв капитали»	1 745 302 259,60
4	8700 «Таксимланмаган фойда»	- 272 959 468,62
5	8840 «Максадли тушумлар»	44 675 636,63
	Жами	**2 214 670 694,91**
2-бўлим пассив «Мажбуриятлар»		
	6600 «Таъсисчилар олдидаги қарзлар»	1 131 728 101,62

Фикримизча, таъсисчиларнинг корхона хусусий капиталидаги улушини аниқлаш бўйича махсус савол тарзидаги аудиторлик текширувини ўтказишнинг юқорида тавсифи келтирилган тартибини меъёрий ҳужжатларга, шунингдек ўқув ва амалий қўлланмаларга киритиш фойдадан холи бўлмайди.

Суванқулов А. Р. – ТМИ доценти, и.ф.н.
Ўралов Н. Р. - ТМИ магистранти

ЎЗБЕКИСТОНДА БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА ИЧКИ АУДИТ ВА МОЛИЯВИЙ НАЗОРАТНИ ЎРНИ

Аннотация: Мазкур мақолада бюджет ижросини такомиллаштириш, унинг самарадорлиги ошириш масалалари ёритиб берилган. Мавзуни ёритишда соҳада олиб борилаётган ислоҳотлар, чиқаётган норматив ҳуқуқий ҳужжатлар баёни келтирилган ҳамда таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: бюджет, молиявий назорат, назорат органлари.

Бюджет ижросини такомиллаштириш, унинг самарадорлиги ошириш ҳар қандай мамлакат учун муҳим аҳамиятга эга. Иқтисодий ривожланган мамлакатларда бюджет жараёнини такомиллаштириш мақсадида ўрта муддатли бюджетлаштириш, натижага қаратилган бюджетлаштириш усуллари кенг жорий қилинмоқда. Ўзбекистонда 1999 йилдан бошлаб ўрта муддатли бюджетлаштириш жараёнининг айрим элементлари жорий этила бошланди. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 9 декабрдаги ЎРҚ-589-сон "2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни[1]га асосан 2020-2022 йилларга мўлжалланган ўрта муддатли давлат бюджети биринчи марта қонун сифатида қабул қилинди.

Ижтимоий жараёнларга ажратилаётган бюджет маблағлари ошаётганлиги сабабли кўпгина иқтисодий ривожланган мамлакатларда бюджет харажатларининг Ялпи ички махсулотлардаги улуши 25 фоиздан 40 фоизгача етмоқди. Ўзбекистонда ҳам давлат бюджетининг улуши ошиб бормоқда ва 2020 йил давлат бюджетида унинг улуши деярли 20 фоизни ташкил этиши режалаштирилган бўлса, 2022 йилга бориб унинг улуши -24,5 фоизга етиши кутилмоқда.

Ушбу маблағлардан самарали ва мақсадли фойдаланишни ташкил этиш учун мамлакатимиз хукумати томонидан бир қатор амалий ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан. Ўзбекистоннинг Бюджет кодекси, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги таркибида Бош бюджет назорат-тафтиш Бош бошқармаси негизида Давлат назорат Бош бошқармаси ташкил этилиши, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасида ва уларга буйсунувчи қуйи муассасаларида марказлаштирилган молия-бухгалтерия хизматлари ички аудит ва молиявий назорат хизматлари ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодекси”ни тасдиқлаш тўғрисидаги Қонуни[2]ни “Бюджет тизими бюджетларининг ижросини назорат қилиш” деб номланган IX – бўлимида давлат молиявий назорати – бу бюджет тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг молиявий назорат объектлари томонидан бузилиши ҳолларини аниқлаш, бартараф этиш ва унга йўл қўймаслик, шунингдек бюджет соҳасида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида давлат молиявий назорат органлари томонидан амалга оширилиши белгиланган.

[1] Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 9 декабрдаги ЎРҚ-589-сон "2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни

[2] Ўзбекистон Республикасининг "Бюджет кодексини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2013 йил 26 декабрдаги ЎРҚ-360-сон Қонуни

Давлат молиявий назорати барча бюджет маблағлари харакати, яъни даромад ва харажатлари устидан тегишли давлат органлари томонидан амалга оширилади.

Давлат молиявий назорат органлари давлат молиявий назоратини давлат молиявий назорат органлари ёки ваколатли орган томонидан тасдиқланадиган назорат қилиш йиллик режаларига мувофиқ амалга оширади.

Айрим ҳолларда режадан ташқари давлат молиявий назоратини амалга оширишга:

•Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг;

•давлат молиявий назорат органига бюджет тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги фактлари тўғрисида маълумотлар келиб тушган ҳолларда давлат молиявий назорат органлари раҳбарларининг қарорлари асосида йўл қўйилади.

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва унинг тасарруфидаги ваколатли органлар давлат молиявий назорат органларидир.

Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг даромадлари қисми бўйича давлат молиявий назорати берилган ваколатлар доирасида давлат солиқ хизмати органлари томонидан амалга оширилади.

Давлат молиявий назорати тафтиш, текшириш (шу жумладан бюджет тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг аввалги тафтишда ёки текширишда аниқланган бузилиши ҳолларини бартараф этиш юзасидан назорат тартибидаги текшириш) ва ўрганиш шаклида амалга оширилади.

Давлат молиявий назоратининг турлари:

•дастлабки назорат — молиявий операциялар бажарилгунига қадар ғазначилик бўлинмалари ва молия органлари томонидан амалга ошириладиган;

•жорий назорат — молиявий операциялар бажарилиши жараёнида ғазначилик бўлинмалари, молия органлари ва давлат солиқ хизмати органлари томонидан амалга ошириладиган;

•якуний назорат — молиявий операциялар бажарилганидан сўнг давлат молиявий назорат органлари томонидан амалга ошириладиган назоратлардир.

Ўзбекистонда бюджет харажатларидан самарали фойдаланиш мақсадида бюджет ташкилотларида халқаро стандартларга асосланган ички аудит хизматини ташкил этиш борасида амалий ишлар бажарилмоқда. Бунинг учун бюджет ташкилотларида халқаро стандартларга асосланган бухгалтерия хисобини жорий этиш, бюджет ташкилотларида фаолият юритаётган бухгалтер ва ички аудит хизматчиларини малакасини ошириш мақсадида ўқув марказларини ташкил этиш, уларни тегишли ўқув

қўлланмалари, информацион технологиялари асосида дастурларни ишлаб чиқиш ва уларни амалий жараёнларга киритиш борасида аниқ тадбирлар белгиланмоқда. Бу эса Ўзбекистонда бюджет даромад ва харажатларини назоратини такомиллаштириш, уларни самарадорлигини ошириш имкониятини бериш билан бирга иқтисодиётга солиқ юкини камайтириш имкониятини беради.

Ўзбекистонда 2020-2022 бюджет йилларида Ялпи ички махсулот (ЯИМ)да давлат бюджетининг улуши ошиши кутилмоқда.

Шу билан бирга 2020 йилда бюджет дефицити 3,4 трлн. сўмдан, 2021 йилда 1,2 трлн сўмгача камайиб, 2022 йилда давлат бюджети профицити режалаштирилган. Бу эса ижобий бюджет маблағларини умумий фискал балансни барқарорлиштиришга йўналтириш орқали уни дефицитини 3,7 трлн. сўмга камайтириш ва давлатнинг қарзларини сўндиришга деярли 5,0 трлн. сўмга яқин маблағ йўналтириш имкониятини беради. Бу эса давлатнинг ташқи қарзларини камайтириш имкониятини беради.

Ҳ.Н.Мусаев - СамИСИ и.ф.д., доцент
Д.А. Нематова - СамИСИ магистрант

АУДИТОРЛИК ТЕКШИРУВЛАРИНИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРГА ЎТКАЗИШ ВА АМАЛИЁТГА ЖОРИЙ ЭТИШ

Аннотация: Мақолада аудиторлик текширувларини халқаро стандартларга ўтказиш ва амалиётга жорий этиш масалалари келтирилган. Миллий стандартлардаги камчиликлар кўрсатилган ва халқаро стандартлар билан илмий жиҳатлари таққосланган. Халқаро стандартларга ўтиш учун тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: аудит стандартлари, аудитнинг халқаро стандартлари, аудитнинг халқаро стандартларига ўтиш.

Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтиши турли хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи янги иқтисодий институтларни яратишни зарурият қилиб қўйди. Улар орасида аудиторлик институти муҳим ўринни эгаллайди. Ҳозирги пайтда корхоналар фаолияти тўғрисидаги ишончли маълумотларга талаблар ошиб бормоқда. Аудит ва аудиторлик фаолияти бозор инфраструктураси ҳисобланади. Бозор иқтисодиётининг ривожланиши аудиторлик фаолиятига янгича талаблар қўймоқда. Иқтисодиёт ривожланишини ялпи босқичга кўтарган аудиторлик хизматларига талаб янада ошмоқда. Молиявий ҳисоботларни халқаро стандартларга мувофиқ тайёрлаш ва тақдим этиш ҳамда аудитнинг халқаро стандартлари асосида юритишни янада долзарб қилиб қўяди. Ҳозирги кунда аудиторлик текшируви учун асос бўлувчи меъёрий-ҳуқуқий база яратилган.

Лекин, ушбу масалада аудиторлик текширувини халқаро стандартларга ўтказиш долзарб масалалардан бўлмоқда.

Республикамизда “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги қонуни ва бошқа турдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга асосан аудитнинг халқаро стандартларига ўтиш учун имкониятлар мавжуд. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Бухгалтерлар ва аудиторларнинг республика профессионал жамоат бирлашмалари билан биргаликда АХСни жорий қилиш бўйича чора-тадбирлар белгиланган. Мамлакатимизда АХСга ўтишнинг зарурияти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралда қабул қилинган "Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ги ПҚ-4611 сонли Қарорида алоҳида эътибор берилган. Ўзбекистон Республикасининг "Аудиторлик фаолияти тўғрисида"ги Қонунини янада такомиллаштириш мақсадида 2013 йил 2 апрелда қабул қилинган ЎРҚ-352 сонли қарорда аудиторлик текшируви, профессионал хизматларни тақдим этиш ва сифатни бошқариш тизимини ташкил этиш тартиби белгиланган. АХС ва МҲХСни жорий этишда аудиторлар ва бухгалтерларнинг республика профессионал жамоат бирлашмалари муҳим ўрин тутади. Ушбу жамоат ташкилоти малакали бухгалтерлар ва аудиторларни тайёрлаш, аудитнинг халқаро стандартларига ўтишда алоҳида вазифаларни амалга оширмоқда. Ушбу вазифалар қуйидагилардан иборат:

• АХСдан фойдаланиш ҳуқуқини олиш учун Халқаро Бухгалтерлар Федерацияси билан шартнома тузиш;

• Халқаро Бухгалтерлар Федерацияси томонидан ишлаб чиқилган АХС матнини давлат тилига таржима қилиш ва тасдиқлатиш;

• Давлат ва рус тилидаги АХС матнини Молия вазирлигининг веб-сайтида эълон қилиш;

• АХСга ўтишга оид бошқа ҳужжатларини ишлаб чиқиш.

Аудиторлик ташкилотлари эндилилда аудиторлик текширувларини ўтказишда фақат аудитнинг халқаро стандартлари орқали амалга оширадилар. Халқаро аудит стандартларини миллий аудит стандартлари билан таққослаш шуни кўрсатдики, АФМСнинг АХСдан фарқи аудиторлик хулосаларида ҳам мавжудлиги аниқ бўлди. Ўзбекистондаги аудиторлар одатда ижобий хулосани тақдим этадилар, агар улар муҳим ноаниқликлар мавжуд бўлса, бу аудитор учун катта хавф туғдириши мумкин ёки аудитор томонидан нотўғри қарор қабул қилишига олиб келади, чунки молиявий ҳисоботлар салбий хулосага эга бўлиб, у барча моддий жиҳатдан ишончли ҳисобланади. Халқаро амалиётда тушунтириш хати ва шартсиз равишда ижобий хулосага эга бўлган шартсиз ижобий хулосанинг мавжудлиги аудиторнинг жавобгарлигини кучайтиради. Бундай хулоса корхонанинг келажакдаги фаолиятида ноаниқликлар мавжудлиги ёки иш ҳажми ёки келишмовчиликлар бўйича бирон бир жиддий чекловлар мавжудлиги тўғрисида огоҳлантириш имкониятини беради. Юқоридагиларга асосланиб,

шартли ижобий хулоса билан шартсиз ижобий хулосани аудит амалиётига киритиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Аудиторлик ҳисоботи — аудиторлик текширувининг бориши, бухгалтерия ҳисобини юритишнинг белгиланган тартибидан аниқланган четга чиқишлар, молиявий ҳисоботдаги қоидабузарликлар тўғрисидаги муфассал маълумотлардан, шунингдек аудиторлик текшируви ўтказиш натижасида олинган бошқа ахборотдан иборат бўлган ва хўжалик юритувчи субъект раҳбарига, мулкдорига, қатнашчилари (акциядорлари)нинг умумий йиғилишига йўлланган ҳужжат. Аудитор ҳисоботида аниқланган четга чиқишлар ва қоидабузарликларни бартараф этиш бўйича тавсиялар, шунингдек хўжалик юритувчи субъектнинг молия-хўжалик фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича тавсиялар ва таклифлар мавжуд бўлиши керак.

Агар аудиторлик текшируви хўжалик юритувчи субъект қатнашчилари (акциядорлари) ёки назорат қилувчи ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари топшириғига биноан аудиторлик ташкилоти томонидан ўтказилаётган бўлса, аудиторлик ҳисоботи аудиторлик текшируви топшириғига биноан ўтказилаётган шахсга ҳам тақдим этилади.

Аудиторлик ҳисоботидаги ахборот махфий ҳисобланади ва ошкор қилиниши мумкин эмас. Ушбу ахборотдан фойдаланган шахслар ахборотни ошкор қилганлик учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортиладилар[1].

Юртимиздаги ҳар бир акциядорлик жамияти ҳар йили мажбурий аудиторлик текширувидан ўтиши керак. Бунда биз МЧЖ “ZAMIN OIL AUDIT” аудиторлик ташкилоти томонидан “Самарқанддонмаҳсулотлари” АЖнинг 2019 йилда текширувдан ўтгани ва бунга берилган хулосани мисол келтиришимиз мумкин. “Бизнинг фикримизча хўжалик юритувчи субъект “Самарқанддонмаҳсулотлари” АЖнинг 2019 йил 31 декабрь ҳолатидаги молиявий ҳисоботи барча мухимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун хужжатлари талабларига мувофиқ келади[2].”

Ўзбекистонда АХСга ўтиш режалаштирилган ва ўтиш даврида юзага келадиган асосий муаммолар кўриб чиқилган. Олиб борилган тадқиқот натижаларига асосланиб қуйидаги таклиф ва тавсияларни берамиз:

- АХСни қўллашнинг қонунчилик базасини такомиллаштириш;
- аудиторларнинг аудиторлик текширувларида АХСдан фойдаланиш бўйича тайёргарлик даражаларини ошириш;
- аудиторларнинг касбий маҳоротларини ошириш;
- аудиторларнинг фаолият натижалари сифатини ошириш;

[1] “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонун,18-модда.

[2] “Самарқанддонмаҳсулотлари” акциядорлик жамиятининг 2019 йил 31 декабрь ҳолатидаги молиявий хисоботларига билдирилган аудиторлик хулосаси.

- АХС талаблари асосида аудиторлар фаолиятини назорат қилиш механизмларини такомиллаштириш;

-Олий ўқув юртларида “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” таълим йўналишида ўқув рисолалари ва фан дастурларини қайта ишлаш;

- бухгалтерия ҳисоби ва аудитга оид тайёрланадиган ўқув адабиётларнинг мазмунини АХСга мослаштириш.

О.Х.Холиқулов – СамИСИ PhD докторанти,
Ч.М.Абдужалилов –“СУФАТ и Д “ ТМБ хисобчиси

ҚУРИЛИШ МАШИНА-МЕХАНИЗМЛАР ЭҲТИЁТ ҚИСМЛАРИ ҚАРЗГА БЕРИЛИШИДА ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИҒИ ҲИСОБИ ҲАМДА УЛАР АУДИТИНИНГ ҲУСУСИЯТЛАРИ

Аннотация: *Мақолада республикамизда мавжуд қурилиш ташкилотларида машина-механизмлар эҳтиёт қисмларини қарзга берилишини ҳисоби ҳамда аудитини ҳусусиятлари ёритиб берилган.*

Калит сўзлар: *бажарилган ишлар, қурилиш ташкилотлари, асосий воситалар, машина-механизмлар, бухгалтерия ҳисоби, аудит, шартнома, ҳисоб-варақ, қарз шартномалари, далолатнома, эҳтиёт қисмлар ҳисоби.*

Республикамиз миллий иқтисодиётини стратегик ривожланиб бораётганлиги муносабати билан республикамизда турли мулкчилик шаклидаги корхоналарнинг иқтисодий ресурслари ҳамда мавжуд механизмлари таркибан ўзгариб бормоқда. Халқаро ҳисоб таълимоти ва амалиётида машина ва механизмларни асосий восита сифатида тан олинганлиги ушбу активлар йилдан йилга республикамиз қурилиш ташкилотлари амалиётига ҳам чуқур кириб бормоқда, бинобарин улар замонавий қурилиш ташкилотлар, чунончи акциядорлик жамиятлари, масъулияти чекланган жамиятлар, шўъба ва қарам жамиятлар, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар, хусусий корхоналар ва бошқалар мулкида борган сари салмоқли аҳамиятга молик бўлиб бормоқда. Ҳалқаро миқёсда рақобатбардош комплекс яратиш, унинг порлоқ келажагини таъминлай олиш бевосита хорижий ўзгаришларни ва талабларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. Ҳар қандай соҳада халқаро тажрибанинг қўлланилиши орқали миллий модел яратилиши мумкин. “Бугун биз шиддат билан ўзгариб бораётган замонда яшамоқдамиз. Дунё миқёсида манфаатлар кураши, рақобат тобора авж олиб, халқаро вазият кескинлашиб бормоқда”[1]. Шу боис ҳам республикамизда ҳалқаро андозаларга асосан бухгалтерия ҳисоби ва аудитни тубдан ривожлантириш масалалари давлат дастури бўйича амалга оширилмоқда. Айтиб ўтиш жойизки, 2017-2021 йилга мўлжалланган

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 28.12.2018 й. www.lex.uz.

давлат дастури “Ҳаракатлар стратегияси” да қуйидаги устувор вазифа бежиз, таъкидланганмаган, яъни:

- одамларнинг экологик хавфсиз муҳитда яшашини таъминлаш, маиший чиқиндиларни қайта ишлаш комплексларини қуриш ва модернизация қилиш, уларнинг *моддий-техника базасини мустаҳкамлаш*, аҳолини чиқиндини йўқ қилиш бўйича замонавий объектлар билан таъминлаш[1].

Ўзбекистон Республикаси тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи ва (ёки) товарларнинг (хизматларнинг) реализация қилувчи қуйидагилар қўшилган қиймат солиғини тўловчилар деб эътироф этилади. Солиқ базаси қуйидаги ҳолларда товарларнинг (хизматларнинг) Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланган тартибга мувофиқ аниқланадиган бозор қийматидан келиб чиққан ҳолда аниқланади: товарларни (хизматларни) бошқа товарларга(хизматларга) айирбошлаш реализация қилишда[2]. Чунончи, ушбу ҚҚС суммаси қабул қилувчи тарафда “бюджетга тўланиши лозим бўлган солиқ суммасини аниқлашда товарларни (ишларни, хизматларни) олувчи ҳақиқатда олинган ва (ёки) солиқ тўловчи томонидан ишлаб чиқарилган ҳамда ўз эҳтиёжлари учун фойдаланилган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича тўланиши лозим бўлган (тўланган) қўшилган қиймат солиғининг суммасини ҳисобга олиш ҳуқуқига эга”[3] Солиқ кодексининг 197-моддасига мувофиқ қўшилган қиймат солиғи тўловчи бўлса, яъни ҳисобга олиниши ва аудит қилиниши лозим, топширувчи тараф эса уни бюджетга тўлаш учун ҳисоблаши керак. Товар қарз шартномасига мувофиқ, қарзга олинган товар-моддий бойликларнинг **хили, сифати** ва миқдорига баравар товар-моддий бойликларни қайтариб бериш лозим. Қарз шартномаси пул ёки ашёлар топширилган пайтдан бошлаб тузилган ҳисобланади[4]. Шунга кўра, агар сиз қайтариб берилиши лозим бўлган қурилиш машина-механизмлар эҳтиёт қисмларини улар қарзга олинган нархдан юқори нархда олган бўлсангиз, қарзни қайтаришда ёзиб берилган ҳисобварақ-фактурада қарз шартномаси шартларига мувофиқ, қайтариб бериладиган қурилиш машина-механизмлар эҳтиёт қисмлари нархини ва ҚҚС суммасини кўрсатасиз. Бунда қайтариб берилаётган қурилиш машина-механизмлар эҳтиёт қисмларини олиш таннархи ҚҚС бўйича солиқ солинадиган база ҳисобланади. Ушбу операциялар бўйича шартли мисолда кўриб чиқамиз, яъни “СУФАТ И Д” МЧЖ (Қарз берувчи, ҚҚС

[1] “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони. «Халқ сўзи» газетасининг 2017 йил 8 февралдаги 28 (6722)-сони.

[2] Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси Махсус қисм, X-бўлим, 34-боб, 248-моддаси. (2020 йил 1 январ ҳолатига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган ҳолда). ЎзР.Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.12.2019 й.02/19/SK/4256-сон.

[3] Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси 39-боб, 218-моддаси 1-қисми.(2019 йил 1 январ ҳолатига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган ҳолда). ЎзР. 24.12.2018 й.ЎРҚ-508-сон.

[4] Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодексининг 732-моддаси. 29.08.1996 й. (2018 йил 12 октябр ҳолатига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган ҳолда).

тўловчиси) “Самарқанд Таъмир Дизайн” ИТКХК (Қарз олувчи, ҚҚС тўловчи) қисқа муддатли қарз шартномаси бўйича ҚҚС ҳисобга олинган ҳолда 11,5 миллион сўмлик қурилиш машина-механизмлар эҳтиёт қисмлари тақдим этди. “Самарқанд Таъмир Дизайн” ИТКХК "СУФАТ И Д" МЧЖ га қарз шартномасида белгиланган муддатларда ҚҚС ҳисобга олинган ҳолда 11,5 миллион сўмлик айнан шу қурилиш машина-механизмлар эҳтиёт қисмларини қайтариб берди, бироқ бунда “Самарқанд Таъмир Дизайн” ИТКХК корхонаси ушбу қурилиш машина-механизмлар эҳтиёт қисмларини ошган нархда, 1,5 миллион сўмга (ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда) сотиб олди.

“СУФАТ И Д” МЧЖ қарз берувчининг қурилиш машина-механизмлар эҳтиёт қисмлари ҳисоби қуйидаги бухгалтерия ёзувлари асосида аудит қилинади:

1-жадвал[1]

№	Босқичлар	Хўжалик операциясининг номи	Счётлар корреспонденцияси		Сумма
			Дебет	Кредит	
1.	Қарз берилди	Қурилиш машина-механизмлар эҳтиёт қисмларини топшириш акс эттирилди	5830	9220	10 000,0
		ҚҚС ҳисобланди (1 млн. сўм х 15%)	5830	6410	1 500,0
		Топширилган қурилиш машина-механизмлар эҳтиёт қисмлари таннархи ҳисобдан чиқарилди	9220	1010 (1090)	10 000,0
2.	Қарз қайтарилди	Аввал қарзга берилган қурилиш машина-механизмлар эҳтиёт қисмлари қайтарилиши акс эттирилди	1010-1090	5830	10 000,0
		Ҳисобга олинадиган ҚҚС суммаси	4410	5830	1 500,0

Аудитор бевосита аудит ўтказиш жараёнида қурилиш машина-механизмлар эҳтиёт қисмлар аудитини белгиланган қонун хужжатлар асосида амалга ошириши мақсадга мувофиқдир. Ҳар қандай қурилиш ва ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланувчи корхоналарда қурилиш машина-механизмлар эҳтиёт қисмларини қарзга бериш ҳамда қарзга олиш операциялари юзага келади.

Республикамиз амалдаги қонунчилигида қарз шартномаси бўйича бир тараф (қарз берувчи) иккинчи тарафга (қарз олувчига) пул ёки тургa хос аломатлари билан белгиланган бошқа ашёларни мулк қилиб беради,

[1] 2020 йил I-квартал. “СУФАТ И Д” МЧЖ молиявий ҳисоб маълумотлари.

қарз олувчи эса қарз берувчига бир йўла ёки бўлиб-бўлиб, ўшанча суммадаги пулни ёки қарзга олинган ашёларнинг хили, сифати ва миқдорига баравар ашёларни (қарз суммасини) қайтариб бериш мажбуриятини олади.

О.Х.Холиқулов – СамИСИ PhDдокторанти

ҚУРИЛИШ МАШИНА-МЕХАНИЗМЛАРИНИНГ ҲИСОБ ВА АУДИТ ОБЪЕКТЛАРИ СИФАТИДАГИ ТАСНИФИЙ АСОСЛАРИ

Аннотация: *Ушбу мақолада қурилиш ташкилотлари машина-механизмларининг ҳисоб ва аудит объекти сифатидаги таснифи ёритиб берилган.*

Калит сўзлар: *объект, қурилиш машина-механизмлари, бухгалтерия ҳисоби, аудит, асосий воситалар, лойиҳа, ҳаражатлар, актив, қурилиш ишлари.*

Мамлакатни модернизация қилиш, иқтисодий-ижтимоий ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш, инновацион жараёнларини жадаллаштириш ҳамда бозор иқтисодиёти шароитида хизмат кўрсатиш соҳаси ва қурилиш ташкилотлари фаолияти самарадорлигини ошириш ҳамда уларда мавжуд қурилиш машина-механизмларини иш фаолиятини узлуксиз бандлигини амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга.

2017 - 2021 йилларда умумий қиймати **40 миллиард АҚШ доллари** миқдоридаги **649** та инвестиция лойиҳасини назарда тутувчи тармоқ дастурларини рўёбга чиқариш режалаштирилмоқда. Натижада кейинги **5 йилда** саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш **1,5 баравар**, унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши **33,6 фоиздан 36 фоизгача**, қайта ишлаш тармоғи улуши **80 фоиздан 85 фоизгача** ошади. Қишлоқ жойларда **15 мингта арзон уй-жой**, **415 километрлик сув таъминоти** қувурлари, **316 километрлик газ таъминоти қувурлари** ва **291 километрлик ички йўллар** қуриш режалаштирилган. 2017-201 йилларга мўлжалланган “Ҳаракатлар Стратегияси”да белгаланган қуйидаги устувор вазифаларга ҳам алоҳида эътибор қаратишимиз муҳим саналади.

✓ лойиҳалаш ва қурилиш ташкилотларига моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, янги қурилиш технологияларини жорий этишга йўналтирилган солиқ ва бошқа турдаги имтиёз ва енгилликлар бериш[1].

Миллий иқтисодиётимизнинг барча тармоқларида асосий эътиборни моддий-техник, меҳнат ва молиявий ресурслардан оқилона ва самарали фойдаланишга, унумсиз сарфларни ва нобудгарчиликларни бартараф қилишга қаратмоқ асосий вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади. Бундай

[1] “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони. «Халқ сўзи» газетасининг 2017 йил 8 февралдаги 28 (6722)-сони.

улкан ишларни амалга оширишда бухгалтерия ҳисоби ва аудитнинг роли муҳим аҳамият касб этади. Мамлакатимизда фаолият юритиб келаётган қурилиш ташкилотларида мавжуд машина-механизмлар ҳаракати, ҳолати ва уларни иш фаолияти кўрсаткичлари бухгалтерия ҳисобида реал маълумотлар асосида таъминланиб бевосита назорати ижобий йўлга қўйилиши мақсадга мувофиқдир. Шу боис ҳам қурилиш ташкилотларида машина-механизмлар билан қурилиш ишларини бажаришга кетган ҳаражатлар ҳам мавжуд меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар орқали қуйидагича назорати йўлга қўйилади:

✓ қурилиш ишларини бажариш харажатлари ва фоизини аниқлаш ва бухгалтерия балансига киритиш мумкин бўлса[1].

Қурилиш ташкилотларида қурилиш машина-механизмларининг ҳисоб ва аудит объекти сифатида қурилиш ишларини бажаришга кетган ҳаражатлар ҳам муҳим ҳисобланади. 2020 йил 1 январдан бошлаб бевосита Республикамизда бухгалтерия ҳисоби ва аудит тизимида бевосита миллий ва ҳалқаро стандартларни уйғунлашувини таъминлаш асосий вазифаларидан бири бўлиб қолди. Ушбу мулоҳазалар асносида, қурилиш машина-механизмлар бажарган қурилиш ишларига кетган ҳаражатлар ҳалқаро стандартларда қуйидагича ҳисобга олинган:

✓ асосий воситалар (қурилиш машина-механизм)ларни ва материалларни қурилиш майдонига олиб келиш ва олиб чиқиш бўйича харажатлар[2].

Қурилиш ташкилотларида қурилиш машина-механизмларига қилинган ҳаражатларни аниқ ҳисобини юритиш учун бухгалтерия ҳисоби ва аудитда уларни объект сифатида тан олинишига алоҳида эътибор қаратишни талаб қилади. Қурилиш ташкилотларида бухгалтер қурилиш машина-механизмларини ҳисобга олишда уларни аниқ турлари, номланиши ва бажарадиган ишларини аниқ билишини тақозо этади. Қурилиш ташкилотларида қурилиш машина-механизмлар ҳолати ва ҳаракатини бухгалтерия ҳисобида тўғри ва ўз вақтида акс эттириш учун қуйидаги счётлар режасини қўллашни таклиф этамиз. (1-жадвал)

1-жадвал[3]

Счётлар номери	ҚУРИЛИШ МАШИНА ВА МЕХАНИЗМЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАРНИНГ НОМЛАНИШИ	Счетлар мақоми
0130	**БИРКОВШЛИ ЭКСКАВАТОРЛАР**	***актив***
0130.1	0,2 куб м гачақурилиш машина вамеханизмлар	
0130.2	0,275 дан 0,6 куб м гача бирковшли экскаваторлар	
0130.3	0,65 дан 1 куб м гача бирковшли экскаваторлар	
0130.4	1,25 куб м дан ортиқ бирковшли экскаваторлар	
0131	**ГУСЕНИЦАЛИ КРАНЛАР, ЭКСКАВАТОР-КРАНЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР**	***актив***

[1] Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти БҲМС №17- “*Капитал қурилишга оид пудрат шартномалари*”. 02.11.1998.58-сон.
[2] Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти БҲҲС№11 “*Қурилиш шартномалари*”. 01.01.1995 й.
[3] Муаллиф О.Х.Холиқулов ишланмаси.

0131.1	юк кўтариши 25 - 40 т гача гусеницали кранлар, экскаватор-кранлар	
0131.2	юк кўтариши 40 т дан ортиқ гусеницали кранлар, экскаватор-кранлар	
0132	**СКРЕПЕРЛАРҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР**	***актив***
0132.1	ўзи юрадиган скреперлар	
0132.1	автогрейдерлар	
0133	**ТРАКТОРДАГИ БУЛЬДОЗЕРЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР**	***актив***
0133.1	6-10 т трактордаги тяга синфи бўйича бульдозерлар	
0133.2	15 т трактордаги тяга синфи бўйича бульдозерлар	
0133.3	25 т ваундан ортиқ трактордаги тяга синфи бўйича бульдозерлар	
0133.4	Қувур ётқизувчи кранлар	
0134	**ПНЕВМОҒИЛДИРАКЛИ КРАНЛАР, МАХСУС ШАССИЛИ КРАНЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР**	***актив***
0134.1	25 - 40 т юк кўтариши бўйича пневмоғил-дирақли кранлар, махсус шассили кранлар	
0134.2	40 т дан ортиқ пневмо ғилдиракли кранлар, махсус шассили кранлар	
0135	**МИНОРАЛИ КРАНЛАРНИҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР**	***актив***
0135.1	**10 дан 14 т гача юк кўтариши бўйича** минорали кранлар	
0135.2	**15 т ва ундан ортиқ юк кўтариши бўйича** минорали кранлар	
0136	**АВТОМОБИЛДА ЮРАДИГАН КРАНЛАРНИҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР**	***актив***
0136.1	10 т ваундан ортиқ юк кўтаридиган кранлар	
0136.2	Юк ва юкпассажирли кўтаргичлар	
0136.3	Автогидро кўтаргичлар	
0136.4	Бирковшли юкортгичлар	
0136.5	Тракторлар	
0136.6	Трактор ва автомобиль асосида бўлган бурғулаш машиналари	
0136.7	Қозиқоёқларга ўрнатилган копёрлар	
0136.8	Ўзи юрадиган катоклар	
0136.9	Инвентарь ва кўчма бетон қоришмасини аралаштирадиган қурилма	
0137	**АСФАЛЬТ ҚУРИЛИШИДАГИ МАШИНА-МЕХАНИЗМЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЕТЛАР**	***актив***
0137.1	Асфальт аралаштирадиган қурилма	
0137.2	Асфальт ётқизгичлар	
0137.3	Асфальт қопламасини кўчирадиган фрезер машиналар	
0138	**ОҒИР ЮК ТАШИЙДИГАН ПРИЦЕПЛАР (ТРЕЙЛЕРЛАР)НИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР**	***актив***

0138.1	40 т ва ундан ортиқ юк кўтариши бўйича оғир юк ташийдиган прицеплар (трейлерлар)	
0138.2	Қозиқоёқларга ўрнатилган дизель-тўқмоқлар	
0138.3	Қурилиш-сайқаллаш машиналари	
0138.4	Таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатадиган устахоналар (автомобилдаги)	
0138.5	Асбоб-куролларни тақсимлаш кўчма пункти	
0138.6	Гидротўқмоқлар	
0138.7	Коммуникацияларни зовурларсиз ётқизиш машиналари	

Юқоридаги жадвал маълумотлари асосида қурилиш машина-механизмлар ҳолати ва ҳаракатини ҳисоб ва аудити объекти сифатида яхшиланиш борасида қуйидаги тавсияларни бериб ўтамиз:

- қурилиш ташкилотларида мавжуд қурилиш машина-механизмлари ҳолати бўйича 1С - бухгалтерия ҳисоби дастурий таъминотида қулай шароит яратади;
- қурилиш ташкилотларида қурилиш машина-механизмлари мавжудлиги доимий ҳисобга олиниш назорати яхшиланади;
- ташқи фойдаланувчилар учун қурилиш машина-механизмлар ҳолати ва ҳаракати тўғрисида реал маълумотга эга бўлишлигини таъминлайди;
- давлат статистика қўмитасига топшириладиган 1КБ - статистик ҳисоботда маълумотларни тақдим қилиш тартиблари енгиллашади.

Аудитор бевосита қурилиш такшилотларида қурилиш машина-механизмларини реал мавжудлигини қатъий назорати бўйича таклиф ва тасияларни ишлаб чиқиши лозимдир. Бу борада қурилиш ташкилоти бухгалтерия ҳисобида алоҳида инобатга олишини тақозо этади.

О.М. Эсанов – СамИСИ ассистенти

ХОДИМЛАРГА БЕРИЛГАН КРЕДИТ ВА ҚАРЗЛАР БЎЙИЧА ҲИСОБ-КИТОБЛАР ҲИСОБИ ҲАМДА АУДИТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Аннотация: Мазкур мақолада корхоналарда ўз ходимларига берилган кредитлар ва қарзлар бўйича ҳисоб-китоблар ҳисоби ва аудитини такомиллаштириш масалалари ҳамда уларнинг ечимлари ёритилган.

Калит сўзлар: ходимларга берилган кредитлар ва қарзлар, узоқ муддатли ва қисқа муддатли берилган кредит ва қарзлар, қайтариш муддати ўтмаган кредит ва қарзлар, қайтариш муддати ўтган кредит ва қарзлар, даъво муддати ўтмаган ва ўтган кредит ва қарзлар;

Рақамли иқтисодиёт шароитида ходимлар билан бўладиган молиявий муносабатлар айниқса уларга берилган кредитлар ва қарзлар бўйича ҳисоб-китоблар муҳим ўрин тутади. Маскур ҳисоб-китобларнинг корхоналар ва улар ходимлари ўртасидаги молиявий муносабатларда муҳим ўрин тутиши, ҳамда мос равишда, уларнинг бухгалтерия ҳисобининг ўзига хослиги қуйидагиларда ёрқин намоён бўлади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, корхоналар томонидан ходимларга берилган кредитлар ва қарзлар корхоналарнинг ўзига хос таснифий белгиларига ва тавсифига эга бўлган активларидандир. Бу активларни қуйидаги белгилари бўйича таснифлаш мумкин. Айниқса ахборот фойдаланувчилар нуқтаи назаридан қараганда муҳим ҳисобланади (1-расмга қаранг). Юқорида зикир этилган ходимларга берилган кредит ва қарзларни қуйидаги белгилари бўйича ҳам тавсифлаш ўта муҳимдир масалалардан биридир.

Мазмунига кўра ҳам узоқ муддатли, ҳам қисқа муддатли берилган кредит ва қарзлар корхона учун, бир томондан, ижтимоий-иқтисодий мақсадлардаги инвестициялар, иккинчи томондан эса, дебиторлик қарзлар бўлиб ҳисобланади.

Корхонада амалга ошириладиган оборотга нисбатан берилган кредит ва қарзлар активларнинг узоқ ва қисқа муддатларга оборотдан четланган қисми ҳисобланади. Ходимларга ҳаддан кўп ва катта миқдорларда кредит ва қарзларнинг берилиши, шунингдек уларни ўз вақтида қайтарилмаслигига йўл қўйишлар, пировард натижада корхоналарнинг ўзларида маблағ танқислиги сингари салбий оқибатларга олиб келиши мумкин.

Характерига кўра ходимларга берилган кредит ва қарзлар бўйича ҳисоб-китоблар ҳам товар характеридаги ва нотовар характеридаги ҳисоб-китобларга бўлинади.

Даромад келтиришига кўра ходимларга берилган кредит ва қарзлар корхонага қўшимча даромад келтирадиган ва умуман даромад келтирмайдиган активлар ҳисобланади.

Ходимларга берилган кредитлар ва қарзлар бўйича ҳисоб-китоблар аудитининг асосий мақсади бўлиб, ушбу мазмундаги операцияларнинг қонунийлиги, уларни тўғри ҳужжатли расмийлаштирилганлиги, кредит ва қарзларни берилиши, қайтарилиши, улар бўйича фоизлар, сўндирилган ва сўндирилмаган қарзларни ҳисоб ва ҳисоботда реал акс эттирилганлиги тўғрисида исботу-далилларни йиғиш ва таҳлил қилишда муҳим ҳисобланади. Айнан шундай исботу-далилларни тўлиқ тўпланиши ташқи аудиторларга молиявий ҳисоботга холис аудиторлик хулосасини беришга асос бўлади.

Фикримизча, ходимларга берилган кредитлар ва қарзлар бўйича ҳисоб-китоблар ўта муҳим аудит объектлари эканлигига қарамасдан, улар бўйича ҳисоб-китобларни аудит текширувидан ўтказишнинг ташкилий ва ахборот таъминоти, шунингдек методологик тартиблари адабиётларда, чунончи дарсликлар, ўқув ва амалий қўлланмаларда етарлича ёритилмаганлигини кўриш мумкин. Изланишлар давомида, аудиторлик текширувлари

амалиётида ҳам ушбу муҳим текширув объектига нисбатан етарлича чуқур ёндашишлар қилинмаётганлигини ҳам кўриш мумкин.



1-расм. Корхоналар томонидан ходимларга берилган кредит қарзларнинг таснифи

Фикримизча, аудит жараёнида у комплекс ёки махсус савол тарзида ўтказилишидан қатъий назар, ходимларга берилган кредит ва қарзлар бўйича ҳисоб-китоблар аудити дастури қуйидаги масалаларни ўз ичига қамраб олиши керак:

✓ ходимларга берилган кредит ва қарзлар бўйича ҳисоб-китоблар аудити ўтказилаётган давр бошидаги ҳолатининг қонунийлиги, уларнинг тўғри тан олинганлиги ҳамда ҳисоб ва ҳисоботларда реал кўрсатилиши;

✓ аудит ўтказиш даврда ходимларга берилган кредит ва қарзларнинг тўғри ҳужжатлаштирилганлиги ҳамда уларнинг бош китоб малумотларига мослиги;

✓ ходимларга берилган кредит ва қарзларнинг шартномаларда белгиланган муддатларда қайтарилганлиги, уларни тўғри ҳужжатлаштирилганлиги ҳамда уларнинг бош китоб малумотларига мослиги;

✓ ходимларга берилган кредит ва қарзлар бўйича уларни воз кечиш ҳолларининг қонунийлиги ва ҳужжатли асосга эгалиги, воз кечишдан

кўрилган зарарларни тўғри ҳужжатлаштирилганлиги ҳамда ҳисоб ва ҳисоботда реал акс эттирилганлиги;

- ✓ ходимларга берилган кредит ва қарзлар бўйича уларни ундириб олиш бўйича судга берилган даволарнинг қонунийлиги ва ҳужжатли асосга эгалиги, уларни ҳисоб ва ҳисоботда реал акс эттирилганлиги;
- ✓ ходимларга берилган кредит ва қарзлар бўйича ҳисоб-китобларнинг аудит текшируви ўтказилаётган давр охиридаги ҳолатининг қонунийлиги, тўғри тан олинганлиги ҳамда ҳисоб ва ҳисоботда реал акс эттирилганлиги;

Юқоридаги аудити дастурига киритиладиган масалалар ечими бунга имкон берувчи ахборот манбаларини талаб қилади. Бунда айниқса тизимли ҳисоб маълумотларининг мавжудлиги ва бундай ахборотларни корхоналарда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга асосан шакллантирилганлигига бевосита боғлиқ бўлади.

Корхонанинг ҳисоб ва ҳисоботларида моддий зарарни қоплаш ҳамда ходимларнинг қарзларига доир маълумотларнинг мавжудлиги, корхонада қонунбузарчилик ҳолати мавжудлиги, ижро интизомининг суслигидан, молиявий муносабатларда салбий ҳолатлар мавжудлигин билдиради. Шунинг учун ҳам аудит жараёнида ушбу қарзлар тўғрисидаги ҳисоб ва ҳисоботлар маълумотларининг қанчалик реаллигини текшириш зарур. Юқоридагилардан ташқари аудит текширувида аниқланган моддий зарарларни қоплаш бўйича ходимлар қарзларини белгиланган тартиб-қоидалар асосида ҳисобга олинганлиги ёки ҳисобга олинмаганлигини текшириш муҳим аҳамият касб этади.

Ж. Қ.Сайфуллоев -Тошкент молия институти магистранти

СОЛИҚ АУДИТИНИ ЎТКАЗИШ ЗАРУРАТИ

Аннотация: Мазкур мақолада солиқ аудитини ўтказиш зарурати ҳамда солиқ аудити учун муҳим ҳисобланган ва текшириладиган ҳужжатлар турлари кўрсатиб ўтилган.

Калит сўзлар: солиқ аудити, солиқ аудитини ўтказиш зарурияти.

Солиқларни аудиторлик текширувидан ўтказиш зарурияти аудитини ўтказиш, аудиторлик ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган хизматлар ҳуқуқий таъминотини такомиллаштириш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрдаги «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора – тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-4848-сон Фармонида ҳам ўз аксини топди. Жумладан, мазкур Фармонда «ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва қонунга итоаткор тадбиркорлик субъектларининг барқарор фаолиятини кафолатларининг асосий механизмларидан бири сифатида аудиторлик ташкилотлари ва

солиқ маслаҳатчилари кўрсатаётган хизматлар сифати ва тақдим этаётган хулосаларнинг ҳаққонийлиги учун жавобгарликни кучайтириш юзасидан уларнинг фаолияти ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш»нинг белгиланиши ҳам қайсидир маънода ўз аҳамиятига эгадир[1].

Солиқ аудити хўжалик юритувчи субъектнинг фаолиятини муаййан даврлари учун солиқлар ва бошқа тўловларнинг базасини тўғри ҳисоблаб чиқилганлиги ва солиқ ҳисоботларининг тўғри тўлдирилганлигини солиқ ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ эканлигини назоратдан ўтказиш ҳисобланади.

Солиқ аудитини ўтказиш аудиторлик ташкилотлари томонидан ўтказиладиган аудиторлик текширувининг бир қисми сифатида ёки Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги солиқ кодекси талабларига мувофиқ ташкил қилиниши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги солиқ кодексига мувофиқ солиқ аудити Хўжалик юритувчи субъектнинг юқори даражадаги таваккалчилик тоифасига мансуб бўлган солиқ тўловчи эканлилиги ҳисобга олиниб ташкил этилади. Шунингдек Давлат Солиқ Қўмитасининг Солиқ аудитини ўтказиш тўғрисидаги низом лойиҳасига мувофиқ қудаги ҳолатларда ўтказилиши назарда тутилмоқда[2]:

солиқ органининг талабномасига жавобан аниқлаштирилган солиқ ҳисоботини тақдим этмаган (шу жумладан аниқлаштирилган талабномадан кейин), ёхуд аниқланган тафовутлар бўйича асос келтирмаган, ёки тақдим қилинган асосномалар қонун ҳужжатларига мувофиқ эмас деб топилган солиқ тўловчиларда;

юқори даражадаги таваккалчилик тоифасига мансуб бўлган солиқ тўловчиларда (солиқ агентларида);

ихтиёрий тугатилаётган солиқ тўловчиларда.

Аудиторлик текшируви жараёнида ўтказиладиган солиқ аудити эса аудит текшируви ҳисоботининг бир қисми ҳисобланади. Чунки корхона томонидан ҳисобланган ҳамда бюджетга тўланган барча турдаги солиқлар солиқ аудитининг тўлиқ объектини қамраб олади.

Биламизки хўжалик юритувчи субъектнинг фаолияти жараёнида вужудга келадиган солиққа оид мажбуриятлари тўлиқ бажарилиши муҳим аҳамиятга эга. Мақсадли аудит текшируви жараёнида қуйидаги ҳолларда солиқ оид ҳужжатларни текшириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади: Бошланғич бухгалтерия ўтказмалари (проводкалари) ва тасдиқловчи хужжатлар, тўлов топшириқномалари, электрон тарздаги пул ўтказмалари бўйича кўчирмалар, счёт-фактуралар, шартномалар,

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрдаги «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора – тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-4848-сонли Фармони

[2] https://regulation.gov.uz/ru/document/15583

бош ва аналитик ҳисобни юритиш китоблари, журналларда қайд этилган ўтказмалар ва журналларда қайд этилган ўтказмаларда акс эттирилмаган ҳолда; молиявий ҳисоботга нисбатан бошқа тўғриланишлар, харажатлар тақсимланиши бўйича ҳисоб-китоблар ва йиғма жадваллари, қайдномалар, маълумотларнинг солиштирмалари ва очиб бериладиган маълумотлар, молиявий ҳисоботшакллари; солиқ ҳисобот шакллари; меҳнат шартномасига оид ҳужжатларда қўпол хатоликлар мавжуд бўлган тақдирда солиқ аудитини ўтказиш зарур ҳисобланади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки солиқ аудитини ўтказиш зарурати мамлакатимизда тадбиркорлик фаолияти амалга ошираётган хужалик юритувчи субъектлар ўртасида соф рақобат бўлишини таъминлаш ҳамда солиққа оид меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларга риоя қилинганлигини текширишдан иборат.

Шунингдек солиқ тўловчилар томонидан тақдим этилаётган солиқ ҳисобот шаклларини аҳамиятини ошириш ва ушбу ҳисобот шаклларини халқаро стандартлар талабларига мослаш бугунги куннингэнг долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Шу боисдан солиқ тўловчиларни ҳуқуқий саводхонлигини ошириш асосий вазифаларимиздан бири ҳисобланади.

Шу боисдан мамлакатимизда солиққа оид янгиликлар муҳим ўзгаришлар доимий равишда тадбирлар кўринишида хабардор қилиниб келинмоқда.

Г.У.Бекниязова - Российский университет кооперации к.э.н., доцент кафедры бухгалтерского учета,

СТРАХОВЫЕ ВЗНОСЫ
INSURANCE PREMIUMS

Аннотация. В статье рассматривается деятельность внебюджетных фондов Российской Федерации с точки зрения их исторического развития, изменения, функциональности и назначения. Приведена классификация внебюджетных фондов РФ, приведены их особенности, общие и отличительные черты. Кроме того, в статье исследованы и изложены изменения в законодательстве, связанные с деятельностью и полномочиями внебюджетных фондов.

Ключевые слова: налоги, внебюджетные фонды, государственный бюджет, Пенсионный фонд России, Фонд социального страхования, Фонд обязательного медицинского страхования.

Annotation. The article examines the activities of extra-budgetary funds of the Russian Federation in terms of their historical development, change, functionality and purpose. The classification of extrabudgetary funds of the RF is

given, their features, common and distinctive features are given. In addition, the article explores and describes changes in legislation related to the activities and powers of extra-budgetary funds introduced in 2017.

Keywords: taxes, off-budget funds, the state budget, the Pension Fund of Russia, the Social Insurance Fund, the Mandatory Medical Insurance Fund.

В государственной системе финансов существует такое важное звено как внебюджетные фонды. Этим определением называют финансовые ресурсы, которые имеют целевое назначение и находятся в руках местных региональных (или центральных) органов самоуправления. Целевой характер обусловливает формирование внебюджетных финансовых фондов. А финансовое право регламентирует их использование.

Сразу важно подчеркнуть особенность внебюджетных фондов. Общегосударственные и другие целевые фонды создаются для того, чтобы финансировать важнейшие социальные экономические программы. Образование внебюджетных фондов происходит иначе. Также по особой схеме расходуются денежные средства из них.

С помощью внебюджетных фондов органы власти перераспределяют национальный доход – финансируют определенные социальные слои и группы населения.

Существует историческое обоснование появления внебюджетных фондов. Задолго до того, как возник единый государственный бюджет, в обществе начали появляться особые счета и фонды. Постепенно государственная власть расширяла поле своей деятельности, соответственно, росла потребность в новых расходах, на которые требовались средства. Данные средства (как правило, временно) хранились в специальных фондах и имели определенные цели использования. Как только необходимые государственные расходы покрывались этими средствами, фонд переставал существовать. Временный характер их существования объясняет факт их нестабильной численности – ведь с возникновением одних, прекращали свою деятельность другие. Хотя наблюдалась тенденция к увеличению как количества, так и объемов этих фондов. Данная тенденция объяснялась возникновением новых функциональных государственных задач, тем более государство все чаще вело предпринимательскую деятельность. Но большая численность данных фондов имела и свои недостатки: средства между различными фондами распределялись неравномерно, возникала необходимость дополнительного управления ими, что опять же вело к расходам.

Постепенно на определенном этапе развития системы финансов возник бюджет государства. Бюджетные средства и целевые фонды имеют принципиальное отличие друг от друга. Средства из целевых фондов могут использоваться только на определенные цели. Позже начинается процесс ассимиляции внебюджетных фондов с государственным бюджетом. И на современном этапе развития этот процесс продолжается. Определенные

фонды объединяются между собой, эти объединения включаются в государственную бюджетную систему. Примером может послужить факт вхождения части внебюджетных фондов Российской Федерации в состав федерального бюджета в последние десятилетия.

Целевая направленность внебюджетных фондов является их отличительной чертой. Их цель – покрытие финансовых расходов, не предусмотренных в бюджете.

Нормы и положения налогового законодательства Российской Федерации регулируют правила исчисления, уплаты, взыскания взносов во внебюджетные финансовые фонды.

Классифицировать внебюджетные фонды можно по назначению их использования следующим образом:

1. К целевому назначению относят:

1.1. Экономические группы финансовых средств, которые используются хозяйственными государственными службами. Из этих средств предоставляются кредиты и субсидии государственным или частным компаниям.

1.2. Социальные. Из этих фондов получают поддержку определенные группы населения наших граждан.

1.3. Научно-исследовательские группы призваны финансировать исследования в области науки.

1.4. Кредитные внебюджетные фонды формируют ресурсы для возврата государством задолженностей и процентов по ним.

2. К управленческому назначению относят:

2.1 Общегосударственные фонды.

2.2 Региональные.

В промышленно развитых странах финансовой системе присуще не только наличие внебюджетных фондов, имеющих целевое назначение, но и присоединенных бюджетных средств. Вместе они образуют фонды, которые определяются как «специальные». Нельзя недооценивать роль специальных фондов для экономики развитых государств. Так, в ряде стран из этих фондов финансируется от 30 до 50% всех государственных расходов. В других их объем настолько велик, что его можно сравнивать с государственным бюджетом.

Специальные фонды могут иметь различные правовые статусы. В связи с данным критерием классификации их разделяют на местные и государственные.

Государственными специальными фондами распоряжаются центральные органы власти. Данные фонды имеют значение общегосударственных. Валютные государственные фонды, инвестиционные, центральные дорожные и некоторые другие относятся к государственным специальным фондам.

Фонды, целью создания которых являлось кредитование каких-либо мероприятий, называются местными специальными фондами.

Государственные специальные фонды пополняются из обязательных отчислений физических и юридических лиц. Все финансовые средства фонда являются собственностью государства, так как только на законодательном уровне регулируется доход и расход данных фондов.

Для чего они нужны и какие функции выполняют? Государственные внебюджетные фонды влияют на производительность государственных предприятий, так как они способны кредитовать или субсидировать последние; обеспечивают защиту и охрану окружающей среды; предоставляют иностранным государствам денежные займы.

Социальные страховые фонды, которые пополняются отчислениями работодателей от заработной платы сотрудников, также относятся к внебюджетным.

В нашей стране существует три фонда, имеющих социальную направленность.

Первый из них – Пенсионный Фонд России (сокращенно ПФР). Данный фонд формирует страховые взносы работодателей, индивидуальных предпринимателей, физических лиц и других работающих категорий населения. Кроме того, в ПФР отчисляются средства – добровольные взносы. Средства в Пенсионном Фонде накапливаются. Их предназначение – выплаты пенсий от государства.

Второй фонд – Фонд социального страхования (ФСС). ФСС, являясь частью государственной системы, представляет собой специализированную организацию с четкой структурой, он был создан именно для защиты граждан. При этом необходимые выплаты пособий гражданам гарантируются Федеральным законодательством. Он также пополняется за счет страховых взносов, которые отчисляют работодатели, индивидуальные предприниматели и физические лица. Кроме того, доходы от вложений в ценные бумаги и вклады также пополняют ФСС. Имеется в данном фонде и статья расходов, призванная помочь гражданам, пострадавшим в крупных катастрофах или авариях государственного уровня – на нее идут средства из государственного федерального бюджета.

Из денежных средств данного фонда выплачиваются пособия нетрудоспособным гражданам (к ним относятся больничные и декретные). Оплачиваются выходные дни, назначенные дополнительно родителям и опекунам по уходу за ребенком-инвалидом. Санаторно-курортное лечение и оздоровительные детские лагеря также могут быть оплачены фондом. На средства ФСС содержатся спортивные школы для детей, и проводится разъяснительная работа с местным населением.

Третий из фондов – ФФОМС – Федеральный фонд обязательного медицинского страхования. Из его средств оплачиваются расходы, связанные с медицинским обслуживанием людей. Для выполнения данной функции был создан данный фонд. Граждане Российской Федерации имеют право на получение медицинской и медикаментозной помощи, гарантированной Федеральными законами.

Пополняется бюджет ФФОМС благодаря отчислениям из Федерального бюджета, налоговым отчислениям и выплатам различных пеней, штрафов и недоимок.

Накапливаемые в данном Фонде денежные средства призваны помогать неработающему населению (в том числе детям), реализовывать обязательные медицинские мероприятия, обеспечивать необходимыми медикаментами определенные категории граждан. Кроме того, ФФОМС контролирует эффективность и рациональность использования денежных средств, которые поступили в систему медицинского обязательного страхования.

Три данных фонда являются частью федеральной собственности, так как они несут функцию социальной защиты граждан. Фонды в обязательном порядке предоставляют правительству страны отчетность о своей деятельности. А правительство рассматривает и утверждает представленные отчеты.

Внебюджетные государственные фонды получают отчисления от работодателей предприятий, фирм, организаций, которые исчисляются только бухгалтером данной компании, но не самим работником. Начисления происходят следующим образом: рассчитывая заработную плату отдельного сотрудника, бухгалтерия по специально утвержденным тарифным ставкам считает сумму отчислений и производит последние в каждый из фондов.

Для работающего населения Российской Федерации установлены следующие ставки в 2020 году:

Пенсионный Фонд России получает 22% от зарплаты или 10% при заработной плате 1292 тысяч рублей. Сумма выплачивается не позднее 15 числа ежемесячно одним платежом (раньше существовала практика разбивать ее на страховую и накопительную части).

Фонд социального страхования – 2,9%. Также производится единый ежемесячный платеж до 15 числа.

Фонд обязательного медицинского страхования получает отчисления в размере 5,1% без ограничений по объему заработной платы. Лишь в некоторых случаях Федеральный закон предусматривает пониженные ставки для работодателей.

Пониженные тарифные ставки во внебюджетные фонды – это более низкий процент доходов, отчисляемый в фонды, который могут использовать отдельные хозяйствующие субъекты. Однако с 2017 года администрировать пониженные страховые взносы призвана Федеральная налоговая служба.

Кроме того существует дополнительная оценка условий труда на предприятиях. И в зависимости от нее выплаты в Пенсионный бюджетный фонд могут варьироваться. Типы условий труда подразделяются на три основных: оптимальный, допустимый и вредный. По результатам спецоценки процент отчислений для работников химического производства, шахт и горячих цехов может быть снижен с 9 до 8 и даже 2 процентов..

С 2017 года перестал действовать закон № 212-ФЗ. С этого времени

глава 34 НК РФ призвана регулировать отношения в части страховых взносов. Главное из них заключается в передаче части полномочий внебюджетных фондов в компетенцию Федеральной налоговой службы. Было передано право контроля уплаты страховых взносов, взыскания задолженности и приему отчетности. Законодательными актами данные изменения зафиксированы: пп. 2 п. 1, п. 2.1 ст. 32 НК РФ в ред., действует с 01.01.2017.

Форма отчетности также подверглась изменениям, как сроки и место ее подачи. Расчет по страховым взносам, соответственно, сдается в налоговые органы. Однако остались без изменений отчетные периоды – первый квартал, полугодие и девять месяцев. Расчетным периодом также остался календарный год. Объект налогового обложения также не изменился. По-прежнему, без изменения в ФСС подлежит сдаче расчет по начисленным и уплаченным страховым взносам на обязательное социальное страхование на случай временной нетрудоспособности и в связи с материнством и по обязательному страхованию от несчастных случаев на производстве и профессиональных заболеваний, а также по расходам на выплату страхового обеспечения.

Таким образом, произошли значительные изменения в сферу страховых взносов, которые необходимо учитывать всем хозяйствующим субъектам страны.

Литература:

1. Налоговый кодекс Федеральный закон от 03.07.2016 № 243-ФЗ КонсультантПлюс [Электрон.ресурс].-Электрон дан.[М.,2020] (Дата обращения: 07.02.2020)
2. Данченко С.П. Страховые взносы в 2019 году: назад в будущее //Журнал «Урощенная система налогообложения: бухгалтерский учет и налогообложения» №7, июль 2019 г.
3. Данченков В.И. Общее и особенное во взаимодействии налоговой и таможенной систем // Российский экономический интернет-журнал. – 2019. – № 3.

М.О.Мамаюнусова – СамИСИ магистранти

МОЛИЯВИЙ АКТИВЛАР АУДИТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Аннотация: Ушбу мақолада молиявий активлар, уларнинг таркиби, бугунги кунда аудитнинг ҳолати ҳамда МҲХСлар ва АХСлари асосида такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Калитли сўзлар: молиявий активлар, молиявий активлар аудити, пул маблағлари, дебиторлик қарзлари, инвестициялар, аудитнинг халқаро стандартлари

Молиявий активлар пул ва банк ҳисоблари, нақд пулга айланиши мумкин бўлган дебиторлик қарзлари, қимматли қоғозлар ва инвестицияларни ўз ичига олади.

Шундан келиб чиқиб, молиявий активларни аудиторлик текширувдан ўтказишнинг асосий мақсади уларнинг ҳисобининг молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига (МҲХС) мувофиқ юритилаётганлиги бўйича холисона хулоса беришдан иборат.

Ушбу мақсадни амалга ошириш учун қуйидаги вазифаларни ҳал этиш зарур:

1. Пул маблағларини инвентаризация ўтказиш йўли билан кассадаги мавжуд пул маблағлари, қимматбахо қоғозлар миқдори ва суммаларининг ҳақиқий қолдиғини аниқлаш, касса муомалаларини ҳисобга олишда «Касса муомалаларини юритиш тўғрисида»ги Низомга асосланганлигини ва риоя қилинаётганлигини аниқлаш; банк муассасасидаги ҳисоб-китоб, валюта ва бошқа махсус счётлар бўйича амалга оширилган муомалаларни текшириб чиқиш; ўтказилган текшириш асосида оралиқ далолатнома тузиш ва хулоса қилиш;

2. Аудиторлик гуруҳи пул маблағлари ва касса муомалаларини ҳужжатлар асосида текширишни бошлашдан олдин, одатда, кассадаги нақд пуллар, қимматли қоғозлар ва қатъий ҳисобот бланкларини текширувдан ўтказади. Бунда пул маблағларини ҳисобга олишга доир Республикамиздаги қонунлар ва меъёрий ҳужжатларга асосланиш зарур. Бунда асосий эътибор қуйидагиларга қаратилади: кассани инвентаризация қилиш муддатларига риоя қилинишини текшириш; касса дафтаридаги қолдиқнинг бухгалтериядаги ҳисоб регистрлари (журнал ордер, бош китоб)даги қолдиқларга тенглигини текшириш.

3. Банкдаги пул маблағларини аудит қилишда: ҳисоб-китоблар, валюта ва махсус счётлардан олинган банк кўчирмаларидаги қолдиқларнинг корхона бухгалтериясидаги тегишли ҳисоб регистрлардаги қолдиқларга тенглигини текшириш; ҳисоблашув, валюта ва махсус счётлар бўйича муомалаларнинг банк кўчирмасига илова қилинган дастлабки ҳужжатларга мувофиқлигини текшириш; ҳисоблашув, валюта ва махсус счётлардан корхона кассасига олинган нақд пул маблағларининг тўлиқ кирим қилинганлигини текшириш; банкдаги счётлардан пул маблағининг бошқа ташкилотларга тўғри ўтгазилганлиги ва шу ташкилотнинг шахсий счётларига тўғри ёзилганлигини текшириш; банкдаги счётлардан депонентланган суммалар, алиментлар ва бошқа суммаларнинг тўғри ўтказилганлигини текшириш; олинган материал қийматликлар, ишлар ва хизматлар учун бошқа ташкилотларга ўтказилган пул маблағларининг қарама-қарши текширув ўтказиш ва натижаларини расмийлаштириш.

4. Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида»ги Қонунда қимматли қоғозларнинг асосий хусусиятлари очиб берилган бўлиб, унга мувофиқ қимматли қоғозлар икки гуруҳга бўлинади: 1. Эгалик қилиш муносабатларини ифодаловчи - акциялар ва пайлар; 2. Кредит

муносабатларини ифодаловчи - облигациялар, оддий ва ўтказма векселлар, депозит ва инвестицион сертификатлар, ипотекалар ва бошқалар.

Қонунда акцияларга қуйидагича таъриф берилган “Акциялар - ўз эгасининг акциядорлик жамияти капиталида қатнашишини тасдиқлайдиган ва ушбу жамият фойдасининг маълум бир қисмини дивиденд сифатида олиш ҳуқуқини таъминлайдиган, жамиятни бошқариш, шунингдек, фойдани ва жамиятни тугатиш чоғида мулкларни тақсимлашда қатнашиш ҳуқуқини берадиган қимматли қоғозлардир.”

Қимматли қоғозлар аудити уларга тааллуқли бухгалтерлик ҳисоботи маълумотларининг хаққонийлигини текширишдан бошланади. Бундай текширув корхонанинг бошқа мулкларини текширишдаги каби инвентаризация (ашёвий рўйхат) ўтказиш йўли билан амалга оширилади. Қимматли қоғозларни инвентаризация (ашёвий рўйхат) қилиш қуйидаги вазифаларни ҳал этади: уларнинг хақиқатдаги мавжудлигини аниқлаш; ҳақиқатда мавжуд қолдиқларни бухгалтерлик ҳисоби маълумотлари билан таққослаш орқали сақланиши устидан назорат ўрнатиш; қимматли қоғозлардан олинадиган даромадларнинг тўлиқлиги ва ўз вақтидалигини текшириш; уларнинг сақланиши учун зарур шарт-шароитлар яратилганлигини текшириш (корхонада сақланганида); қимматли қоғозлар билан боғлиқ даромадлар ва йўқотишларни ҳисобда акс эттиришнинг хаққонийлигини аниқлаш.

Депозитарийда сақлаш учун топширилган қимматли қоғозлар инвентаризацияси «узоқ муддатли молиявий қўйилмалар» ва «қисқа муддатли молиявий қўйилмалар» счётларидаги қолдиқ суммалари депозитарийлар маълумотлари билан таққослаш орқали амалга оширилади. Депозитарийлар маълумотлари инвентаризация ўтказилаётган пайтда депозитарийга юборилган сўров натижасида олиниши мумкин. Корхона қимматли қоғозлар ҳисобга олиш (листинг)нинг мақсади сотишга тавсия этилаётган қимматли қоғозлар сифати ҳақида потенциал инвесторларга аниқ тасаввур беришдан иборат.

Қимматли қоғозлар аудитининг кейинги босқичида ҳақиқий мавжуд қимматли қоғозларни бухгалтерия ҳисоби маълумотлари билан солиштирилади. Бунда қимматли қоғозларнинг инвентаризация натижасида аниқланган ортиқ чиққанларини ҳам, кам чиққанларини ҳам ўзининг ҳужжатларида акс эттириши ва булар ҳақида корхона раҳбариятига билдириши лозим.

Аудит жараёнида бошқа корхоналарнинг устав капиталига ҳисса қўшиш кўринишидаги қилинган молиявий қўйилмаларни таҳлил қилиб даромад олиш шартларини ҳамда бундай қўйилмалар самарадорлиги ва ҳисобга тўлиқ акс эттирилганлигини аниқлаш лозим бўлади. Молиявий қўйилмалар аудитининг якунловчи босқичи улар самарадорлигини таҳлил қилиш бўлиб, қуйидаги коэффициентлар динамикасини аниқлаш ва таҳлил қилишдан иборат: 1та акцияга тўгри келадиган дивиденд; бир йиллик дивиденд даромади; 1 та акциянинг ўртача бозор баҳоси; акциялар бозор

бахосининг акциянинг баланс (номинал) кийматига нисбати; 1 та акциянинг бозор бахоси; компания балансида акциянинг бахоланиши (номинал киймати).

Қимматли қоғозлар бозори ривожланган давлатларда даромаднинг 0,15- 0,25 (яъни 15-25 % и) бўлиши нормал ҳолат бўлиб ҳисобланади.

Молиявий активлар аудити такомиллаштиришнинг асосий йўналишларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

1. Молиявий активлар ҳисоби, жумладан пул маблағлари, савдо ва бошқа дебиторлик қарзлари, инвестициялар ҳисобини МҲХСлари асосида ташкил этиш керак. Бунинг учун дебиторлик қарзларини соф қийматда акс эттириш, инвестицияларни ҳиссали қатнашиш методи асосда баҳолаш тартибига ўтиш талаб этилади. Агар молиявий активларни МҲХСлари асосида ҳисобини ташкил қилмасак, у ҳолда уларни Аудитнинг Халқаро Стандартлари (АХС) асосида ўтказиб бўлмайди;

2. Молиявий активларни аудит қилишнинг кетма-кетлиги ва аудит режасини АХС асосида ташкил қилиш керак. Аудит натижасида инвестицияларнинг реал қиймати тўғрисидаги ахборотларнинг ҳаққонийлигига баҳо бериш керак. Фақат халқаро аудитдан ўтган молиявий ҳисоботгина ишончли ва ҳаққоний бўлади.

3. Аудит жараёнида пул оқими тўғрисидаги ҳисоботнинг 7-сон БҲХС “Пул оқими тўғрисидаги ҳисобот” стандартига мувофиқ тузилганлиги, дебиторлик қарзларида даргумон дебиторлик қарзларини баҳолаш асосида дебиторлик қарзларининг қадрсизланишидан зарар суммасини тўғри аниқланганлигини ўрганиш, инвестициялар ҳисобида салмоқли таъсир кўрсатадиган инвестициялар, консолидацияланган молиявий ҳисобот тузишни талаб этадиган инвестицияларга таснифланишининг асосланганлигини текшириш керак бўлади.

Ушбу МҲХС ва АХСларига мувофиқ аудит ўтказилишининг таъминлаш бўйича таклифларимизнинг амалиётга жорий қилиниши молиявий ҳисоботларда молиявий активларга оид ахборотларнинг ишончлилиги, ҳаққонийлиги ҳамда АЖларининг инвестициявий жозибадорлигини оширишга хизмат қилади.

Ш.А.Алиев -*ТМИ магистранти*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА АУДИТНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Аннотация: Ушбу мақолада мамлакатимизда халқаро аудит стандартларини қўллаш масалалари ҳамда халқаро аудит стандартларини қўллаш бўйича хориж тажрибаси ёритиб берилган. Шунингдек, халқаро стандартларни мамлакатимиз амалиётида қўллашда жамоат бирлашмаларининг роли ўрганилган.

Калит сўзлар: Халқаро аудит стандартлари, бозор инфратузилмаси, акциядорлик жамиятлари, корпоратив бошқарув, молиявий ҳисобот.

Мамлакатимиз иқтисодиётини янада ривожлантириш, инвесторларни қўллаб-қувватлаш, шаффоф инвестицион муҳит яратиш, республикамиздаги йирик саноат корхоналарда инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш, ҳамда уларни ҳалқаро молия бозори иштирокчисига айлантириш учун халқаро талабларни ҳисобга олган ҳолда акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизимининг самарадорлигини ошириш, шунингдек, ҳалқаро стандарлар асосида молиявий ҳисоботларини тайёрлаш, ҳамда ҳалқаро аудит стандартлари асосида аудиторлик текширувини амалга ошириш бугунги кунда долзарб масалалардан биридир. Мамлакатимиздаги аудиторлик ташкилотларига бўлган ишонч паст даражадалиги, аудиторлик текширувини корхоналар тайёрлаган молиявий ҳисоботларнинг ҳаққонийлигини тасдиқдаш кафолати деб қаралмаслиги, республикамизда халқаро аудит стандартларни жорий этиш лозимлигига эҳтиёж тўғдирди. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2018 йил 19 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3946 Қарорининг қабул қилиниши аудиторлик фаолиятида ҳалқаро аудит стандартларини ривожлантиришда муҳим ҳисобланади. Ушбу Қарорнинг 5-бандига мувофиқ “Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонунига тегишли ўзгартиришлар кучга кирадиган кундан бошлаб аудиторлик ташкилотлари аудиторлик фаолиятини фақат Халқаро бухгалтерлар федерацияси томонидан нашр этиладиган халқаро аудит стандартлари асосида амалга оширади”[1]деб белгилаб қўйилган. Бу ҳолат ўз-ўзидан мамлакатимизда халқаро аудит стандартлари асосида аудиторлик текширувларини ўтказишни талаб қилади.

Бозор инфратузилмасининг унсурлари, авваламбор, аудиторлик ташкилотлари фаолиятининг ўзимизга хос, ишчи ҳужжатларини ишлаб чиқариш заруриятини туғдиради. Шу билан биргаликда бозор муносабатларини жадаллаштиришда республикамизнинг жаҳон бозорига чуқурроқ интеграциялашуви иқтисодий ислоҳотларни ривожлантиришни, иқтисодий муносабатларни янада кенгроқ амалга ошириш учун аудиторлик фаолиятини халқаро стандартларига мослаштиришни ҳам тақозо қилмоқда.

Мамлакатимизга ҳалқаро молия интитутларининг инвестиция фондларни жалб қилишда аввало, корхоналар молиявий ҳисоботларини Молиявий ҳисобнинг ҳалқаро стандартлари асосида тузиш ва халқаро аудит стандартларига мувофиқ аудиторлик хулосасини молиявий ҳисобот фойдаланувчиларга тақдим этиш талаб этилади. Аудитнинг халқаро андозалари Халқаро бухгалтерия андозалари бўйича қўмита (ХБАБҚ)

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3946-сон Қарори. www.lex.uz

таркибида доимий қўмита ҳуқуқларига эга бўлган Аудиторлик амалиёти бўйича халқаро қўмита томонидан ишлаб чиқилади. Ушбу қўмита 1973 йилда тўққиз мамлакат, яъни Канада, Австрия, Германия, Франция, Япония, Мексика, Нидерландия, Буюк Британия ва АҚШнинг профессионал бухгалтерия тузилмалари томонидан таъсис этилган.

Аудиторлик амалиёти бўйича халқаро қўмита Халқаро бухгалтерлар федерацияси кенгаши номидан аудит стандартларини чоп этди, шунингдек, аудит текширишларини ўтказиш билан бир вақтда қўшимча хизмат кўрсатиш бўйича халқаро стандартларни ишлаб чиқди.

Аудитнинг халқаро стандартларини мамлакатимиз амалиётида қўллаш зарурлиги қуйидагиларда ўз аксини топади:



1-расм. Аудитнинг халқаро стандартларини миллий амалиётда қўллаш зарурлиги[1]

Аудиторлик стандартлари аудиторлик текширувларининг барча жиҳатларини белгилаб беради. Жумладан, аудиторлик текшируви вақтида даллилларни тўплаш, уларни хулоса тузиш вақтида исбот сифатида кўрсатиш жараёнида аудиторлик стандартлари муҳим роль ўйнайди. Шунингдек, аудиторлик стандартлари текширувда мавжуд ҳақиқий ахборот ва аудит процедурасини белгилашга хизмат қилади. Аудиторлик стандартлари нафақат далиллар йиғиш, балки, ўша далилларни йиғиш пайтида аудитордан талаб қилинадиган малака ва ахлоқ қоидаларини, текширув пайтида қўлланилиши мумкин бўлган аудиторлик амалларини, шунингдек ушбу далилларни тўплашда қўлланиладиган усулларни ҳам белгилаб беради. Демак, аудиторлик стандартлари мижоз корхонада аудиторлик текшируви

[1] Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

ўтказилиш вақтида бутун бир жараённи бошқариб туришга самарали хизмат кўрсатади.

Ф.А.Қурбонов - *ТМИ 1-босқич магистранти*

КАССА МУУОМАЛАЛАРИНИ АУДИТИНИ ЎТКАЗИШНИНГ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация: *Ушбу тезис касса муомалаларини йуритишда йўл қўйиладиган камчиликлар, уларни бартараф этиш ва касса муомалаларини аудиторлик текширувидан ўтказиш масалалари ўз ифодасини топган.*

Калит сўзлар: *Нақд пул, касса, касса дафтари, чек дафтари, касса кирим ва чиқим ордери.*

Аудиторлик фаолиятининг иқтисодиётдаги ўрни ва роли инобатга олиниб, бугунги кунда бутун дунё миқёсида уни янада ривожлантириш ва юқори савияга кўтариш масаласига катта эътибор берилмоқда. Республикамизда ҳам ўтган йиллар давомида аудиторлик фаолиятининг норматив-ҳуқуқий ва услубий базаси шакллантирилди, лицензиялашнинг соддалаштирилган тизими жорий этилди, аудиторлик хизматлари бозорининг шаклланиши ва маҳаллий аудиторлик ташкилотларининг бу соҳадаги халқаро тармоқларга кириши учун шароитлар яратилди. Айниқса, Президентимизнинг 2018 йил 19 сентябрдаги ПҚ 3946-сонли “Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ушбу фаолиятни тубдан ислоҳ қилишга кенг йўл очди. Унда республикамизда аудиторлик фаолиятини янада ривожлантиришнинг асосий йўналишлари белгилаб берилган бўлиб, соҳа мутахассисларига қатор муҳим вазифалар юклатилган. Бу фазифаларни амалга ошириш ва мақсадга эришишда халқаро тажрибани ўрганиш муҳим аҳамият касб этиши табиий.

Аудиторлик текширувларининг сифати ва самарадорлиги таъминлашда аудит объектлари хусусан касса муомалалари аудитини тўғри ташкил этиш муҳимдир.

Касса муомалаларини аудиторлик текширувдан ўтказишнинг асосий мақсади кассадаги миллий ва хорижий валютадаги нақд пул маблағларини аудиторлик текширувидан ўтказиб, “Пул оқимлари тўғрисидаги” ҳисобот бўйича маълумотларнинг ишончлилиги ва банкдаги пул маблағларини ҳисобга олинишини Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларига мувофиқлиги тўғрисида хулоса шакллантириш, уларни сақланиши ва ишлатилишининг мақсадга мувофиқлиги, самарадорлиги ҳамда қонунийлигини таъминлаш, шунингдек ҳисобга олишни такомиллаштиришдан иборат.

Ана шу мақсаддан келиб чиқиб аудитор бир неча вазифаларни амалга оширади:

- инвентаризация ўтказиш йўли билан кассадаги мавжуд пул маблағлари, қимматли қоғозлар миқдори ва суммаларининг ҳақиқий қолдиғини аниқлаш;
- касса муомалаларини ҳисобга олишда «Юридик шахслар томонидан касса операцияларини амалга ошириш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатга олинган №2687, 22 июнь 2015й) Марказий банк бошқарувининг қарорига қай даражада амал қилинаётганлигини аниқлаш;
- ўтказилган текшириш асосида оралиқ далолатнома тузиш ва хулоса қилиш[1];
- ташкилот кассасидаги пул маблағларининг хавфсизлиги устидан ташкилотнинг назоратини текшириш[2];

Аудит ўтказиш жараёнида бизга маълумот манбалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади

- корхонанинг ҳисоб сиёсати;
- КО-1 “Касса кирим” ва КО-2 “Касса чиқим” ордерлари;
- КО-3 ёки КО-3а шакл. «Кирим ва чиқим касса ҳужжатларини рўйхатга олиш журнали»;
- КО-4 шакл «Касса дафтари»;
- КО-5 шакл «Кассир томонидан қабул қилинган ва берилган пулларни;
- кассир ҳисоботи;
- аванс ҳисоботлари;
- ҳисобдор шасларнинг тасдиқланган рўйхати;
- касса лимити белгиланганлиги тўғрисида буйруқ;
- чек дафтарчаси;
- моддий жавобгар шахслар билан моддий жавобгарлик шартномалари;
- назорат-касса машинаси ҳужжатлари;
- депонентланган пул-маблағларини рўйхатга олиш китоби;
- Бухгалтерия ҳисоботлари (1- шакл “Бухгалтерия баланси” 4- шакл “Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот”).

Аудиторлик текшируви ўтказилаётганда аудитор, аввало, ички назорат тизими ҳолатини таҳлил қилиши, касса интизомига риоя етилишига дастлабки баҳони бериши ва хатоликка йўл қўйилиши мумкин бўлган енг нозик масалаларни аниқлаши лозим. Қуйидаги амалларнинг бажарилмаганлиги ички назорат тизимига нисбатан ишончни пасайтиради:

- касса инвентаризациянинг ўтказилмаганлиги;
- кассанинг жиҳозланишининг талабга жавоб бермаслиги;
- ҳужжатларни тўсатдан текшириш ва таққослаш ўтказилмаганлиги;
- кассада бошқа ташкилотларга тегишли моддий қийматликларнинг мавжудлигининг аниқланиши.

[1] Дусмуратов Р.Д., Файзиев Ш.Н., Қўзиев И.Н., Авлоқулов А.З., Пўлатов Ғ.В. “Аудит” ўқув қўлланма 2-қисм – Т “Иқтисод-Молия” 2008й. 248 бет 154 бет 2 банд

2 Лебедева Е.М. “Аудит” ўқув қўлланма «Академия», 2009. — 176б

Ички назорат тизимини ўрганишда сўровнома ҳам ўтказиб дастлабки хулосани ўзи учун олиши мумкин.

Бизнингча амалиётда касса муомалалрида хатоликларнинг қуйидаги турлари енг кўп тарқалган деб ҳисоблаймиз:

- ҳеч бир асоссиз банкдан нақд пул олиш ва уларни мақсадсиз ишлатиб юбориш (кассани инвентаризация қилиш орқали аниқланади);
- мансабдор шахслар, бухгалтерия ходимлари ва бошқа ходимларнинг тушуми бўйича ҳужжатлардаги пул-маблағларнинг мос тушмаслиги (текширилаёган шахс томонидан тайёрланган ҳужжатларни текшириш орқали аниқланади);
- пул маблағларининг утишмаслиги ёки умуман мавжуд эмаслиги;
- касса ҳужжатлари ва касса ҳисоботларидаги жамланмаларни нотўғри санаш орқали нақд пулларнинг ортиқча ҳисобдан чиқарилиши (арифметик ҳисоб-китоблар бўйича аниқланган);
- асосларсиз ёки сохта ҳужжатлар бўйича касса маблағларининг ортиқча ҳисобдан чиқарилиши (шахсларнинг ҳисоб-китоб ва тўлов баённомаларига киритилишининг ҳақиқийлигини текшириш орқали аниқланади);
- депонентланган иш ҳақиларини қайд етмаслик ва уларни меъёр доирасида сақламаслик ҳолатлари.

Бизнинг фикримизча, аудитор бу хатоликларга йўл қўйилганлигини текшириш учун қуйидаги масалаларга эътибор бериши лозиим деб ҳисоблаймиз:

- пул маблағларининг ҳужжатларини тўғри ҳисобга олинишини. Касса кирим ва касса чиқим ҳужжатларини кирим ва чиқим ордерларини рўйхатга олиш китобларида акс эттирилганлиги, шундан сўнг кассир, бош бухгалтерга тақдим етиладиган пул ҳужжатлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот тақдим этилишининг бир-бирига мутаносиблигини;
- кундалик нақд пул тушумига эга бўлган корхоналарнинг кунлик тушумини банкка топширилиши устидан назоратни текшириб, уни кучайтириш бўйича тавсиялар бериш;
- назорат-касса машинаси кўрсаткичи билан касса дафтаридаги умумий сумма ва охирги қолдиқнинг бир-бирига мослигини текшириш зарур;
- 5000 касса ҳисобварағидаги муомалаларнинг тўғри ва тўлиқ акс эттирилганлигига эътибор бериши лозим.

Н.К. Алимова –СамИСИ ассистенти

Меҳмонхона мажмуаларида даромадлар аудитини ўтказишнинг умумий тартиби

Аннотация: *Ушбу мақолада республикамизда фаолият юритиб келаётган меҳмонхона мажмуаларида даромадлар аудитинининг умумий тартиблари тадқиқ этилган.*

Калит сўзлар:*Бухгалтерия ҳисоби, аудит, меҳмонхона хизматлари, меҳмонхона даромадари, меҳнат шартномаси.*

Меҳмонхоналар мажмуалари бошқа хўжалик юритувчи субъектлардан фарқ қиладиган хусусиятларга эга. Мавжуд хусусиятлар меҳмонхонанинг даромадларини ўрганишда ва аудит текширувига сезиларли таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам аудитор текширилаётган объект бўйича барча маълумотларга эга бўлиши керак. Шундагина меҳмонхона мажмуаларида аудит ўтказишнинг мақсади аниқ ва пухта қуйилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонунда аудиторлик текшируви мақсади белгиланиб ўтилган:

«Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборот тўғрилиги ва қонун ҳужжатларига мослигини аниқлаш мақсадида хўжалик юрутувчи субъектнинг молиявий ҳисоботини ҳамда у Билан боғлиқ молиявий ахборотни аудиторлик ташкилотлари томонидан текширишдир».

Элвин Аренсва Джеймс Лоббекларнинг фикрларича:[1]

«Мустақил аудитор томонидан молиявий ҳисобни оддий аудит қилишдан мақсад – молиявий ҳолатнинг, фаолият натижаларининг ҳамда пул воситалари оқимининг умум қабул қилинган бухгалтерия тамойилларига асосан ҳисоботларда объектив равишда акс эттирилганлиги ҳақида ўз фикрини билдириш» ҳисобланади.

Меҳмонхоналар даромадларини аудиторлик текширувидан ўтказишдан мақсад – даромадларнинг тўғри туркумланганлигини, уларга доир ҳисоб-китоб операцияларини Ўзбекистон Республикасида амалада бўлган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида амалга оширилганлигини аниқлаш ва текширишлар натижасида топилган камчиликларни бартараф этишга доир йўл-йўриқлар кўрсатиш ҳамда профессионал маслаҳатлар бериш.

Аудит мақасадини белгилашнинг мазмуни бу шундай тизимни яратиш ҳисобланадики, қайсики аудиторга керакли ҳажмда аудиторлик далилларини тўплашга ҳамда аудит ўтказиш пайтидаги аниқ ҳолатлардан келиб чиққан ҳолда айнан қайси маълумотларни тўплаш тўғрисидаги муаммони ечишга ёрдам беради.

[1]**Аренс А., Лоббек ДЖ. Аудит: Пер. с англ.; Гл. редактор серии проф. Я. В. Соколов. – М.: Финансы и статистика, 2003. (141 бет).**

Текширилаётган ҳар бир объект бўйича аудитнинг бош ва аниқ йўналтирилган мақсадларини ажратиб олиши лозим:

Бош мақсадлар текширилаётган ҳар бир объект учун тегишли ҳисобланади ҳамда улар умумий мулоҳазалар билан баён этилади.

Текширилаётган ҳар бир объектлар бўйича алоҳида йўналтирилган *аниқ мақсадлар* (албатта бош мақсадлардан келиб чиққан ҳолда) объектларнинг ҳусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ўрнатилиши лозим.

Аудитор меҳмонхона мажмуасининг даромадларини аудитида қуйидаги аммалларни бажариши лозим:

- меҳмонхона ўз даромадларини “Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида”гиНизомга асосан қай тарзда таснифлаганлигини, бунда меҳмонхона учун қайси хизматлар асосий эканлигини ва қайсилари ёрдамчи эканлигини ҳам текшириш;
- меҳмонхонанинг ҳисоб сиёсатида жойлаштириш хизматлари учун қандай тўлов тартиби белгиланганлигини (бир сутка ёки ҳар соат учун);
- меҳмонхона ҳисоб сиёсатида мижозларга ҳақиқатдан кўрсатилган хизматларнинг муддатини қайси шаклда белгиланганлигини аниқлаш, яъни:меҳмонхонада яшаган ҳар бир календарь кун ёки меҳмонларнинг меҳмонхонадан чиқиб кетиш куни; бронлашдан даромад уни ҳақиқатдан тўланганидан олдин меҳмонхона тушумига киритилмаётганлигини аниқлаш;
- ҳисоб сиёсатида бошқа даромадларнинг таснифланганлигини аниқлаш, яъни: бухгалтерия ҳисобида ва молиявий ҳисоботда операцион ва реализациядан ташқари даромадларнинг тўғри акс эттирилганлиги; хизматларни расмийлаштиришда назорат-касса техникалари қўлланилишини аниқлаш.
- Даромадлар турлари бўйича бухгалтерия счётларида тўғри олиб борилаётганлигини текшириш;
- Баланснинг даромадларга тегишли счётлар қолдиқларининг тўғрилигини аниқлаш;
- Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда мавжуд даромадларга тегишли барча моддалар суммаларининг тўғри ҳисобланганлигини текшириш;
- Ҳақиқатдан ҳам барча суммалар ҳисоботларда тўлиқ акс эттирилганлигини текшириш.

Меҳмонхона фаолиятининг ўзига хослигини намоён этадиган хусусиятларидан бири бўлиб, бронлаш учун тўловлар ва чой чақа билан боғлиқ қўшимча даромадлар ҳисобланади. Айнан чой чақа кўринишидаги даромадларни текширишда аудитор қуйидагиларни аниқлаши керак:

- чой чақа кўринишидаги тушумлар ҳисоб сиёсатида қандай тарзда таснифланганлигини;
- “Меҳнат шартномаси”да ушбу даромадлар ходимлар ўртасида қай тарзда тақсимланиш тартиби белгиланганлигини.

Аудитор чой чаққа кўринишидаги даромадларни аудит қилишда уларнинг қандай шаклда келиб тушганлигига ва уларни бухгалтерия ҳисобида қай тарзда акс эттирилганлигини ҳисобга олган ҳолда текшириши лозим. Шуларни инобатга олган ҳолда аудитор чой чаққа кўринишидаги даромадларнинг бухгалтерия ҳисобида тўғри акс эттирилганлигини аниқлаш мақсадида қуйидагича маълумотлардан фойдаланиши лозим (1-жадвал).

1-жадвал

Меҳмонхона бухгалтерия ҳисобида “Чой чаққа”ларнинг келиб тушиши ҳамда уларнинг ҳисобда акс эттирилишининг турли кўринишлари

№	“Чой чаққа”ни келиб тушиш шакли	Даромадни тан олиш тартиби	Бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби
1.	Сервис учун тўлов счётга киритилган бўлиб, алоҳида қаторда акс эттирилади ва тўлиқ мижоз томонидан тўланади.	Асосий фаолиятдан даромадлар таркибида ҳисобга олинади.	1. Дт 4010 Кт 9030 Дт4010 Кт 6410
2.	“Чой чаққа” мижознинг ҳоҳишига кўра тўланади ва тизимли ҳисобланмайди, бунда: 1. “Чой чаққа” суммаси айнан бир шахсга тегишли бўлмайди; 2. мукофотланиши керак бўлган ходим мижоз томонидан шахсан кўрсатилади.	1. бошқа даромадлар таркибида ҳисобга олинади. 2. мақсадга кўра йўналтирилган суммаларни етказиб бериш учун меҳмонхона воситачи вазафасини бажаради.	1. Дт 5010, 5110 Кт 9390. Дт 5010, 5110 Кт 6710. Дт 6710 Кт 5110. 2. Дт 6710 Кт 5110. Дт 5010, 5610 Кт 9030. Дт 5010, 5610 Кт 6410. Дт 6710 Кт 8890

Бизнинг фикримизча, 8890 счётнинг ишлатилиши нотўғри ҳисобланади, чунки чой чаққа иқтисодий мазмунига кўра мақсадли молиялаш эмас, балким бошқа даромадлар таркибига киради.

Ж.Қ.Сайфуллоев -ТМИ магистранти

СОЛИҚ АУДИТИДА ДАЛИЛЛАРНИ ТЎПЛАШ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация: Ушбу мақолада солиқ аудити ҳақида тушунча ҳамда солиқ аудити жараёнида далилларни олиш масалалари ва уларнинг турлари ёритиб берилган.

Калит сўзлар: Солиқ аудити, солиқ аудити далиллари, солиқ текшируви.

Мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлардан бири бу солиқ тизимини янада такомиллаштириш ҳисобланади. Бу борада қилинаётган ишларнинг сар ҳисоби беқиёсдир. Жумладан солиқ тўловчиларга сифатли хизмат кўрсатиш, уларнинг фаолиятига асоссиз аралашувларни олдини олиш ва энг аввало қонунларга итоаткор

тадбиркорлик субьектларни доимо давлат томонидан қўллаб қувватланишини амалда кўрсатиш ҳисобланади. Бунинг учун солиқ тўловчилардан қуйидаги ишларни амалга ошириш талаб этилади;

Солиқ қонунчилигига риоя этишни таьминлаш;

Солиқларни ўз вақтида тўланиши ва солиқ ҳисоботларни вақтида тақдим этиб бориши;

Солиқ текширувига оид ҳужжатларни тақдим килиш каби масалалар қўйилган.

Ўзбекистон Республикасида 2019 - йил 1 январдан бошлаб янги таҳрирдаги солиқ кодекси амалиётга жорий қилинди ва унда биринчи марта солиқ тизимига оид қонунларида “солиқ аудити” тушунчаси киритилди. Янги таҳрирдаги солиқ кодексининг 140 – моддасига мувофиқ солиқ аудити тушунчасига қуйидагича таьриф берилди:

Муайян давр учун солиқлар ва йиғимларни ҳисоблаб чиқариш ҳамда тўлашнинг тўғрилигини текшириш солиқ аудитидир.[1]2 Дарҳақиқат, солиқларни тўғри ҳисоблаб чикариш ва бюджетга ўз вақтида тушишини доимий назоратини олиб бориш солиқ органларининг асосий функсияларидан бири ҳисобланади.

Юқоридаги таьрифдан келиб чиқиб солиқ аудитига қуйидагича тариф бериш мумкин: Солиқ аудити бу – хўжалик юритувчи субъектнинг фаолиятини муаййан даврлари учун солиқлар ва бошқа тўловларнинг базасини тўгри ҳисоблаб чиқилганлиги ва солиқ ҳисоботларининг тўғри тўлдирилганлигини солиқ ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ эканлигини назоратдан ўтказиш ҳисобланади.

Солиқ аудитини ўтказишда далилларни олиш ҳамда олинган далилларнинг мослигини текшириш мақсадга мувофиқ. 500 – сонли аудитнинг халқаро стандартига мувофиқ аудитнинг далиллари деб - Аудиторлик фикри учун асос бўлган хулосаларга эришишда аудитор томонидан фойдаланилган маълумот. Аудиторлик далили молиявий ҳисоботлар учун асос бўлган бухгалтерия ёзувлари ва бошқа маълумотлардан ташкил топади.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятидан қатъий назар қуйидаги ҳужжатлар аудит текширувининг далиллари ҳисобланади: бошланғич бухгалтерия ўтказмалари (проводкалари) ва тасдиқловчи хужжатлар, тўлов топшириқномалари; электрон тарздаги пул ўтказмалари бўйича кўчирмалар, счёт-фактуралар, шартномалар, бош ва аналитик ҳисобни юритиш китоблари, журналларда қайд этилган ўтказмалар ва журналларда қайд этилган ўтказмаларда акс эттирилмаган ҳолда, молиявий ҳисоботга нисбатан бошқа тўғриланишлар, харажатлар тақсимланиши бўйича ҳисоб-китоблар ва йиғма жадваллари, қайдномалар, маълумотларнинг солиштирмалари ва очиб бериладиган маълумотлар,

[1]Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги солиқ кодексининг 140 – моддаси.

молиявий ҳисоботшакллари, солиқ ҳисобот шакллари, меҳнат шартномасига оид ҳужжатлар.

Олинган далилларнинг мослигини текшириш ва унинг ҳақиқатда тўғри эканлигини тасдиқлаш лозим. Чунки солиқ аудити учун танлаб олинган далиллар солиқ аудитини асосий қисми ҳисобланади.

Солиқ аудити учун танлаб олинган далиллар қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим: солиқ аудити учун танлаб олинган далилларнинг етарли эканлиги ва солиқ аудити учун танлаб олинган далилларнинг номутаносиб ёки унинг ишончли эканлиги.

Ушбу олинган далиллар солиқ аудити ўтказиш учун қуйидаги имкониятларни яратаиб беради:

солиқ ҳисобини юритиш ва солиқ декларатцияларини тузиш тўғрилигини текшириш;

Ҳар бир солиқ тури бўйича солиққа тортиладиган базанинг тўғри шакллантирилганига ишонч ҳосил қилиш;

Солиқларни тўғри ҳисоблаш ва бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга ўз вақтида ўтказилишини таъминлаш;

трансферт нархларини ва трансферт операцияларнинг фойда солиғига таъсирини аниқлаш;

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак солиқ аудитини ўтказиш даврида энг муҳим хўжалик юритувчи субъект ҳамда давлат бюджети ўртасида солиққа оид норматив ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқлигини ўрганиш ҳисобланади.

Ҳ.Н.Мусаев - СамИСИ и.ф.д., доцент
Ш.З.Жалилов - СамИСИ магистрант

ЎЗБЕКИСТОНДА АУДИТОРЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ ШАКЛЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ ВА РИВОЖЛАНТИРИЛИШИ

Аннотация: мақолада мамлакатимизда аудиторлик фаолиятининг шаклланиш босқичлари ва уни янада ривожлантириш истиқболлари ифодаланган.

Калит сўзлар: аудит, аудиторлик фаолияти, аудиторлик фаолиятининг шаклланиши, аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш истиқболлари.

Ўзбекистон Республикаси Мустақилликка эришгандан сўнг ўзи танлаган йўлдан бориб, бозор иқтисодиётига асосланган кучли демократик жамият қуришга киришди. Мустақил давлатнинг ҳуқуқий асослари унинг Конституцияси ва бошқа қонун ҳужжатларида ўз ифодасини топди. Мустақиллик йилларида ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий аҳамиятга эга бўлган қатор ислоҳотлар амалга оширилди. Даставвал, мамлакатнинг янги

миллий валютаси муомалага киритилди, мулклар давлат тасарруфидан чиқарилди ва хусусийлаштириш орқали кўпмулкчиликка асосланган иқтисодиёт барпо этилди. Мамлакат иқтисодиётидаги бундай ўзгаришлар бошқарув тизими, шу жумладан, хўжалик юритувчи субъектларда юритилаётган бухгалтерия ҳисоби ва назоратига янгича талаб ва вазифаларни қўйди. Эндиликда, корхона ва фирмалар мавжуд ресурслардан самарали фойдаланишлари, ўз харажатларини ўзлари қоплашлари, ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш тамойиллари асосида ишлашларига тўғри келди. Бозор инфратузилмаларидан ҳисобланган аудит ва аудиторлик хизматлари ҳам мустақиллигимиз шарофати, бозор иқтисодиётига ўтишнинг натижасидир. Ўзини-ўзи бошқариш, назоратнинг нодавлат шаклига ўтиш аудиторлик фаолиятининг келиб чиқишига сабаб бўлди. Аудит ва аудиторлик фаолиятининг мазмун-моҳияти махсус адабиётлар ва меъёрий ҳужжатларда етарлича ифодаланган. Мухтасар қилиб айтганда, “Аудиторлик фаолияти деганда, аудиторлик ташкилотларининг аудиторлик текширувларини ўтказиш ва ... профессионал хизматлар кўрсатиш борасидаги тадбиркорлик фаолияти тушунилади”. Аудиторлик текширувлар буюртмачилар билан аудиторлик ташкилотлари ўртасида тузилган шартномалар асосида ўтказилади. Текширув объекти бўлиб, корхоналарнинг молиявий ҳисоботи ва у билан боғлиқ бўлган маълумотлар ҳисобланади. Текшириш якунида молиявий ҳисоботга холисона баҳо (хулоса) берилади. Аудиторлик текширувларини ўтказувчи малака сертификатига эга бўлган аудиторларга катта масъулият юклатилган. Қўйилган вазифаларни сифатли бажариш учун аудиторлар миллий иқтисодтётимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар , бухгалтерлар ва аудиторлар олдидаги вазифаларни мукаммал билишлари ва амалга оширишлари керак.

Республикамизда, яқин ўттиз йил мобайнида аудиторлик фаолиятини шакллантириш ва босқичма-босқич ривожлантиришда салмоқли ишлар амалга оширилди. Жумладан, аудиторлик фаолиятининг ҳуқуқий асаослари яратилди, аудиторлик текширишларни ўтказишга қаратилган миллий стандартлар ишлаб чиқилди, Ўзбекистон Республикаси Аудиторлар Палатаси, Бухгалтердар ва аудиторлар ассоцацияси ташкил этилди, аудиторлик фаолитини юритишга рухсат бериш тартиби бозор иқтисодиёти ҳамда талабларга мослаштирилиб борилмоқда. Ушбу соҳа учун мутахассис-кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилган.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, мамлакатимизда аудиторлик фаолиятини шакиллантириш ва ривожлантириш маълум босқичларни ўз ичига олади.

Буларнинг мазмуни қуйидагилардан иборат.

Аудиторлик фаолиятининг дастлабки босқичи. Ушбу босқичда аудиторлик фаолиятига оид қонун ҳужжатлари қабул қилинди ва аудитнинг тасдиқловчи шакли кенг жорий этилди.

Аудиторлик фаолиятини ривожлантириш бўйича миллий стандартларни ишлаб чиқиш босқичи. Ушбу босқичда аудиторлик

текширувларини ташкил қилиш, ўтказиш ва уларнинг натижаларини расмийлаштиришга қаратилган йигирмадан зиёд аудитнинг миллий стандартлари ишлаб чиқилди ва улардан фойдаланилди. Ушбу босқичда мақсадли ва йўналтирилган аудит шакллари кенг қўлланиладиган бўлди.

Ички аудит ва аудиторлик хизматларини ташкил қилиш билан боғлиқ бўлган босқич. Фаолият кўрсатаётган корхоналарда активларнинг кўпайиши, фаолият ҳажмининг ошиши ушбу субъектларда ички аудитни ташкил қилишни долзарб қилиб қўйди. Натижада, ”Аудиторлик ташкилотлари тўғрисида”, “Корхоналардаги ички аудиторлик хизмати тўғрисида”ги низомлар қабул қилинди. Ички аудиторлик хизматини кўрсатишга қаратилган стандартлар ишлаб чиқилди. Юқорида келтирилган босқичлар аудиторлик фаолиятининг норматив-ҳуқуқий ва услубий базасини шакллантиришга қаратилган бўлсада, ушбу соҳада маълум камчиликлар, ўз ечимини кутаётган муаммоллар мавжуд. Мамлакат иқтисодиёти ривожланишини янги босқичга кўтариш, ижтимоий-иқтисодий соҳаларда илм-фан ютуқлари, инновацион технологияларини қўллаш, корхоналар экспорт салоҳиятини янада ошириш ва хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш вазифалари аудиторлик фаолияти ривожланишининг янги -тўртинчи сифат босқичини белгилади. Ушбу масалага қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Мазкур қарорга асосан аудиторлик фаолиятини янада ривожлантиришга қаратилган қуйидаги устувор йўналишлар белгиланди:

- аудиторлик фаолиятига, асосан қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш;
- аудитнинг халқаро стандартларига босқичма-босқич ўтиш;
- аудиторларнинг масъулиятини янада ошириш;
- аудиторлик текширувлари ва хизматлари сифатини ошириш;
- аудиторлик ташкилотлари иши сифати назоратини кучайтириш;
- аудиторларнинг касбий маҳоратини ошириш;
- аудиторлик малака сертификатини бериш масалаларини янада такомиллаштириш;
- аудиторлик фаолияти учун мутахассис-кадрлар тайёрлашни тубдан яхшилаш.

Мазкур устувор йўналишлардаги вазифаларнинг амалга оширилиш, шак-шубҳасизки аудиторлик фаолиятининг янада ривожланишини таъминлайди.

З.У. Мухаммадиев – СамИСИ ўқитувчиси

КОРХОНАЛАРНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШНИ “МАҚСАД-ЖАРАЁН-НАТИЖА” ЗАНЖИРИ АСОСИДА АУДИТОРЛИК ТЕКШИРУВЛАРИДАН ЎТКАЗИШ МОДЕЛИ

Изланишлар шуни кўрсатмоқдаки, корхоналарни модернизациялаш бўйича аудитнинг ахборот фойдаланувчилар, чунончи ички ва ташқи инвесторлар талабларига жавоб берувчи яхлит самарали модели тўлиғича шаклланган эмас. Амалиётда ўтказилаётган мажбурий ва ташаббус тарзидаги ташқи аудитда, шунингдек ички аудит хизмати томонидан олиб борилаётган текширувларда корхоналарни модернизациялаш жараёнларига чуқур эътибор берилаяпти деб бўлмайди.

Бизнинг фикримизча, инвесторлар томонидан корхоналарни модернизациялаш ва унинг натижалари тўғрисидаги ҳисоб ва ҳисобот ахборотлари комплекслилиги ва реаллигига қўйилаётган талаблардан келиб чиқиб, корхоналарни модернизациялаш аудитини “мақсад-жараён-натижа” занжири асосида ташкил қилиш ва ўтказиш мақсадга мувофиқ. Бизнингча, ўтказилаётган аудитнинг хоҳ комплекс аудит, хоҳ тематик аудит бўлишидан қатъий назар, уларда корхоналарни модернизациялаш аудитига махсус модел мақомини бериш мақсадга мувофиқ. Биз ушбу моделни шартли равишда “Корхоналарни модернизациялашни “мақсад-жараён-натижа” занжири асосида аудиторлик текширувидан ўтказиш модели” деб номладик. Ушбу моделнинг биз томонимиздан тавсия этилаётган таркибий тузилиши 1-расмда келтирилган.

Корхоналарни модернизациялашни “мақсад-жараён-натижа” занжири асосида аудиторлик текширувидан ўтказишнинг биз томонимиздан тавсия этилаётган модели, расмдан кўриниб турибдики, таркибан 3 та блокни ўз ичига олади. Булар:

*Блок 1. Корхоналарни модернизациялаш бўйича текширув предмети ва объектлари;

*Блок 2. Корхоналарни модернизациялаш бўйича текширув дастаклари, усуллари ва ахборот таъминоти;

*Блок 3. Корхоналарни модернизациялашни аудит текширувидан ўтказиш, унинг натижаларини расмийлаштириш ва муҳокама қилиш.

Моделнинг 1-блоки корхоналарни модернизациялаш бўйича “мақсад-жараён-натижа” занжирининг ҳар бир ҳалқасига кирувчи аудит текшируви объектларини ўзида мужассамлаштиради. Чунончи, “Мақсад” халқаси корхоналарда модернизациялаш бўйича режалаштирилган лойиҳаларни, “Жараён” халқаси модернизациялаш лойиҳаларини ҳақиқатда амалга ошириш жараёнларини, “Натижа” халқаси эса модернизациялаш лойиҳаларини амалга оширишдан олинган натижаларни акс эттиради.



1-расм. Корхоналарни модернизациялашни “мақсад-жараён-натижа” занжири асосида аудиторлик текширувидан ўтказиш моделининг таркибий тузилиши

Маълумки, мақсад сифатида модернизациялаш корхоналарни барқарар ва жадал ривожланишига эришиш учун унинг таъминот, ишлаб чиқариш ва сотиш қувватларини, шунингдек бошқарув тизимини фан ва технологиялар ютуқлари асосида тубдан янгилаш, замонавийлаштириш ва мукаммаллаштиришни англатади. Ушбу мақсад аниқ миқдор ва сифат кўрсаткичларни ўзида мужассамлаштирувчи модернизациялаш лойиҳаларида ўз аксини топади. Айнан шундан келиб чиқиб, биз моделимиз 1-блокининг "Мақсад" халқасига аудиторлик текширувларининг асосий объектлари сифатида қуйидаги модернизациялаш лойиҳаларини киритдик: 1.Капитал қурилиш лойиҳалари; 2.Реконструкция ва кенгайтириш лойиҳалари; 3.Янги асбоб-ускуналар, техника, технология, биологик активлар ва бошқа асосий восита (АВ)ларни харид қилиш лойиҳалари; 4.Номоддий актив (НА)ларни яратиш ва харид қилиш лойиҳалари.

Юқорида номлари келтирилган модернизациялаш лойиҳалари корхоналарни модернизациялашга оид ўзига хос режалари бўлиб ҳисобланади. Улар корхонада модернизациялашга бўлган заруратни ёки талабни (эҳтиёжни) ифодаловчи миқдор ва сифат кўрсаткичларни ифода этади. Шу боис, "Мақсад" халқасида ҳар бир лойиҳа бўйича аудиторлик текширувларининг объектлари сирасига қуйидаги кўрсаткичларни киритишни лозим деб ҳисоблаймиз (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал

Корхоналарни модернизациялашга бўлган заруратни ёки талабни (эҳтиёжни) ифодаловчи миқдор ва сифат кўрсаткичлар тизими

Т/р	Кўрсаткичлар
1	Ўтган ҳисобот йил охирига асосий воситалар ва номоддий активларнинг эскириш коэффициенти
2	Ўтган ҳисобот йил охирига тугалланмаган капитал инвестициялар суммаси
3	Ўтган ҳисобот йил охирига тугалланмаган капитал инвестициялар улуши коэффициенти
4	Ҳисобот йили бошига асосий воситалар ва номоддий активларни модернизациялашга бўлган талаб (эҳтиёж) даражаси
5	Ҳисобот йили бошига асосий воситалар ва номоддий активларни модернизациялашга зарур бўлган капитал инвестицияларга талаб (эҳтиёж) суммаси

Жараён сифатида корхоналарни модернизациялаш маълум давр мабойнида корхоналарда таъминот, ишлаб чиқариш ва сотиш қувватларини, шунингдек бошқарув тизимини фан ва технологиялар ютуқлари асосида тубдан янгилаш ва замонавийлаштириш бўйича ҳақиқатда қилинган ишлар мажмуасини, шунингдек уларга ажратилган капитал инвестицияларни реал ўзлаштирилишини ифодалайди. Ушбу жараён модернизациялаш лойиҳалари ҳақиқатдаги ижросини ифодаловчи миқдор ва сифат кўрсаткичларда ўз

аксини топади. Айнан шундан келиб чиқиб, биз моделимиз 1-блокининг “Жараён” халқасига аудиторлик текширувларининг асосий объектлари сифатида қуйидагини киритдик: 1.Капитал қурилиш ишларининг бажарилиши; 2.Реконструкция ва кенгайтириш ишларининг бажарилиши; 3.Янги асбоб-ускуналар, техника, технология, биологик активлар ва бошқа АВларни харид қилиниши;4.НАларни яратилиши ва харид қилиниши

“Жараён” халқасида ҳар бир лойиҳа кесимида аудиторлик текширувларининг объектлари сирасига қуйидаги кўрсаткичларни киритишни ҳамда уларни қуйидагича ҳисоб- китоб қилишни лозим деб ҳисоблаймиз (2-жадвалга қаранг).

2-жадвал

Корхоналарда модернизациялашни ҳақиқатда амалга оширилганлигини ифодаловчи миқдор ва сифат кўрсаткичлар тизими

Т/р	Кўрсаткичлар
1	Ҳисобот йилида модернизациялашга сарфланган тугалланган капитал инвестициялар суммаси
2	Ҳисобот йилида модернизациялашга сарфланган жами капитал инвестициялар суммаси
3	Ҳисобот йилида модернизациялаш эвазига асосий воситаларнинг янгиланиш даражаси
4	Ҳисобот йилида модернизациялаш эвазига номоддий активларнинг янгиланиш даражаси
5	Таъминот жараёнини модернизациялашга капитал инвестицияларнинг жами корхонани модернизациялашга капитал нвестициялардаги улуши
6	Ишлаб чиқаришни модернизациялашга капитал инвестицияларнинг жами корхонани модернизациялашга капитал нвестициялардаги улуши
7	Сотиш жараёнини модернизациялашга капитал инвестицияларнинг жами корхонани модернизациялашга капитал нвестициялардаги улуши
8	Бошқарув жараёнини модерни-зациялашга капитал инвести-цияларнинг жами корхонани модернизациялашга капитал нвестициялардаги улуши
9	Турли бошқа жараёнларни модернизациялашга капитал инвестицияларнинг жами корхонани модернизациялашга капитал нвестициялардаги улуши

Натижа сифатида корхоналарни модернизациялаш уларда янги моддий ва номоддий активларни, чунончи замонавий меҳнат қуроллари ва воситалари, техника ва технологиялар, дастурий таъминотлар, усул ва услубларни вужудга келишида, шунингдек ушбу активлар асосида ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмини, фойда, рентабеллик ва бошқа кўрсаткичларни

сезиларли ошишида намоён бўлишлигида ўз аксини топади. Айнан шундан келиб чиқиб, биз моделимиз 1-блокининг “Натижа” халқасига аудиторлик текширувларининг асосий объектлари сифатида қуйидагини киритдик:

1.Янги бино ва иншоатлар кирими; 2.Реконструкция ва кенгайтирилган объектлар кирими; 3.Янги асбоб-ускуналар, техника, технология, биологик активлар ва бошқа АВлар кирими; 4.Янги НАлар кирими.

“Жараён” халқасида аудиторлик текширувлари объектлари сирасига корхонада модернизациялаш эвазига олинган янги моддий ва номоддий активлар қиймати, шунингдек модернизациялаш самарадорлигини ифодаловчи қуйидаги миқдор ва сифат кўрсаткичларни киритиш лозим деб ҳисоблаймиз (3-жадвалга қаранг).

3-жадвал

Корхоналарни модернизациялаш натижаларини ифодаловчи миқдор ва сифат кўрсаткичлар тизими

Т/р	Кўрсаткичлар
1.	Кирим қилинган янги бино ва иншоатлар қиймати
2.	Реконструкция ва кенгайтирилган объектларнинг кирим қиймати
3	кирим қилинган янги асбоб-ускуналар, техника, технология, биологик активлар ва бошқа АВларнинг қиймати
4	Кирим қилинган янги номоддий активлар қиймати
5	Меҳнат унумдорлигининг ошиши
6.	Ишлаб чиқариш ҳажмининг ошиши
7	Сотиш ҳажми (даромад)нинг ошиши
8	Маҳсулот сифати ва экспортбоплигининг ошиши
9	Бир бирлик маҳсулот таннархининг пасайиши
10	Соф фойданинг ошиши
11	Асосий воситалар қайтимининг ошиш
12	Асосий воситалар сиғимининг камайиши
13	Асосий воситалар рентабеллигининг ошиши

Корхоналарни модернизациялашни “мақсад-жараён-натижа” занжири асосида аудиторлик текширувидан ўтказишнинг биз томонимиздан тавсия этилаётган моделнинг 2-блоки текширув дастаклари, усуллари ва ахборот таъминотини ўзида мужассамлаштиради. Бунда аудиторлик текшируви дастаклари деганда унинг режаси ва тастури тушунилади. Мазкур дастаклар, юқорида таъкиланганидек, яхлит комплекс аудит режаси ва дастурининг таркибий қисмлари сифатида ёки махсус савол (тематик) аудитнинг режаси ва дастури сифатида тасдиқланиши керак. Корхонани модернизациялаш бўйича аудиторлик текшируви режаси ва дастури биз томонимиздан тавсияэтилаётган модулнинг 1-блокига киритилган “мақсад-жараён-натижа” занжиридаги барча объектларни ўзида мужассамлаштириши лозим деб ҳисоблаймиз. Айнан шундай режа ва дастурнинг мавжудлиги корхоналарни

модернизациялашни “мақсад-жараён-натижа” занжири бўйича яхлит ва атрофлича аудиторлик кўригидан ўтказиш имконини беради.

Корхоналар модернизациялашни “мақсад-жараён-натижа” занжирида аудиторлик текширувидан ўтказишда турли ахборот манбаларидан фойдаланилади. Уларнинг асосийлари сирасига қуйидагилар киради: инвестиция лойиҳалари, хўжалик шартномалари, молиявий ҳисобот, бош китоб, журнал-ордерлар, қайдномалар, моддий ва ишлаб чиқариш ҳисоботлари, турли бошланғич ҳужжатлар.

Корхоналарни модернизациялашни “мақсад-жараён-натижа” занжири асосида аудиторлик текширувидан ўтказишнинг биз томонимиздан тавсия этилаётган моделнинг 3-блоки бевосита текширувларни ўтказиш, улар натижаларини умумлаштириш ва расмийлаштириш, шунингдек аудит натижаларини корхоналар амалиётига тадбик этиш муолажаларини ўз ичига олади. Мазкур муолажалар биз томонимиздан тавсия этилаётган модулнинг 1-блокига киритилган “мақсад-жараён-натижа” занжиридаги барча объектлар бўйича ўтказилиши лозим.

Биз корхоналарни модернизациялашни “мақсад-жараён-натижа” занжири асосида аудиторлик текширувидан ўтказишнинг тавсия этилаётган моделни “Самарқанд-Парранда” АЖ амалиётида қўллашга харакат қилдик. Ушбу АЖ бўйича модернизациялаш ва унинг натижавий кўрсаткичларига биз томонимиздан шакллантирилган аудиторлик баҳосини 4-жадвалда мужассамлаштирдик.

4-жадвал

“Самарканд-Парранда” АЖда 2018 йилда амалга оширилган модернизациялаш жараёнлари ва улар натижаларининг ҳолатига аудиторлик баҳоси

Т/р	Кўрсаткичлар	Меъёрий миқ-дор (режа)	Эришилган миқ-дор	Аудиторлик хулосаси ва тавсияси
1	Ўтган ҳисобот йил охирига асосий воситаларнинг эскириш даражаси (Эдк), %	50	71,0	Салбий, АВ эскириш даражаси юқори, уни янгилаш эвазига пасайтириш зарур
2	Ўтган ҳисобот йил охирига номоддий активларнинг эскириш даражаси (Эдк), %	50	0	Салбий, янги НАларга инвестициялар киритиш чораларини кўриш лозим
3	Ўтган ҳисобот йил охирига тугалланмаган капитал инвестициялар улуши (ТКИк), минг сўм	**0**	0	Салбий
4	Ҳисобот йили бошига асосий воситалар ва моддий активларни модернизациялашга бўлган талаб (Ммд), млн сўм	6587	0	Салбий, талаб миқдоридаги маблағларни топиш зарур

6	Ҳисобот йили бошига асосий воситалар ва моддий активларни модернизациялашга зарур бўлган капитал инвестицияларга талаб суммаси (Мски), млн.сўм	**0**	6587	Ички ва ташқи молиялаштириш манбаларини жалб этиш лозим
7	Ҳисобот йилида модернизация-лашга сарфланган тугалланган капитал инвестициялар суммаси (Ткис), минг сўм	0	**0**	Салбий, модернизациялаш мавжуд эмас
8	Ҳисобот йилида модернизация-лашга сарфланган жами капитал инвестициялар суммаси (МСжкис), минг сўм	-	**27500**	Капитал инвестициялар ҳажми кам
9	Ҳисобот йилида модернизация-лаш эвазига асосий восита-ларнинг янгиланиш даражаси (АВяд), %	10	5	паст даражада, уни 50 %гача ошириш лозим
10	Ҳисобот йилида модернизация-лаш эвазига номоддий актив-ларнинг янгиланиш даражаси (НАяд)	0	0	йўқ, кескин чора кўриш лозим
11.	Ишлаб чиқаришни модерниза-циялашга капитал инвести-цияларнинг жами корхонани модернизациялашга капитал нвестициялардаги улуши (ЖКИу), %	10	3	50 %гача етказиш лозим
12.	Меҳнат унумдорлигини ошиши (ΔМу), %	5,0	2,0	Кўрсаткичлар ҳолати қониқарсиз, уларни ошириш бўйича кескин чоралар кўриш лозим
13.	Ишлаб чиқариш ҳажмининг ошиши(ΔИчх), %	5,0	2,0	
14	Сотиш ҳажми (даромад)нинг ошиши (ΔСд), %	5,0	3,0	
15	Маҳсулот сифати ва экспорбоплигининг ошиши (ΔЭс), %	5,0	1,0	
16	Бир бирлик маҳсулот таннархининг пасайиши (ΔТх), %	5,0	7,0	
17	Соф фойданинг ошиши (ΔСф), %	5,0	0,6	
18	Асосий воситалар қайтимининг ошиш (ΔФқ), %	3,0	0,2	
19	Асосий воситалар сиғимининг камайиши (ΔФс), %	3,0	0,2	
20	Асосий воситалар рентабеллигининг ошиши (ΔФр), %	3,0	0,2	

Фикримизча, корхоналарни модернизациялашни “мақсад-жараён-натижа” занжири асосида аудиторлик текширувидан ўтказишнинг тавсия этилаётган моделини ҳам ташқи, ҳам ички аудиторлар томонидан барча мақомдаги субъектларда қўллаш фойдадан холи бўлмайди.

IV ШЎЪБА. “РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ СУБЪЕКТЛАРИ ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИК КЎРСАТКИЧЛАРИНИ БАҲОЛАШ ВА ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ УСЛУБИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ”

М.Қ.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.
О.М.Пардаев – СамИСИ декани, и.ф.д., профессор в.б.

ИҚТИСОДИЙ ЎСИШНИНГ МАКРОИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛИ ВА УНИНГ НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ

Мамлакат тараққиётида макроиқтисодий ўсиш бевосита унинг миллий иқтисодиётида намоён бўлади. Миллийй иқтисодиёт ҳам ўзига хос хусусиятларга эга. Бу бевосита мамлакат ичидаги юз берадиган иқтисодий фаолиятда ўз аксини топади. Айнан шу иқтисодиёт мамлакат аҳолисининг том маънодаги фаровонлиги, яшаш сифатининг даражасини белгилайди. Ушбу иқтисодиётнинг ошганлиги аҳолисининг том маънодаги фаровонлиги, яшаш даражаси ва сифатининг кўтарилганлигида намоён бўладиди.

Мамлакат иқтисодий тараққиётининг бир йўналиши, унинг иқтисодий ўсишида намоён бўлади. Иқтисодий ўсишнинг бир йўналиши, мамлакат ялпи миллий маҳсулоти (ЯММ) ва ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ)нинг ва унинг таркибий қисмларининг ўсиш суръати билан ифодаланади. **Мамлакат ЯММ** деганда, шу мамлакатнинг ичкарисида ва шу мамлакатга тегишли бўлган, аммо ташқарисида жойлашган иқтисодиёт субъектлари томонидан бир йил давомида яратилган товарлар ва хизматларнинг бозор қиймати билан ўлчадиган қиймати тушунилади. Худди шундай мамлакат ЯИМга ҳам таъриф бериш мумкин. **Мамлакат ЯИМ** деганда, шу мамлакатнинг фақат ичкарисида жойлашган иқтисодиёт субъектлари томонидан бир йил давомида яратилган товарлар ва хизматларнинг бозор қиймати билан ўлчадиган қиймати тушунилади.

Макроиқтисодий таҳлилда иқтисодий ўсиш масаласи устуворликни ташкил қилади. Шу туфайли ушбу категориянинг таърифини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ. Бу борада олимларимиз турли фикрларни айтишганлар. Буларнинг айримлари қуйидаги жадвалда келтирилган (1-жадвал).

1-жадвал

Иқтисодий ўсишнинг таърифи бўйича олимларнинг қарашлари[1]

Муаллифлар	Иқтисодий ўсишнинг таърифи	Манбаси
А.Ўлмасов, А.Вахабов	Иқтисодий ўсиш – бу иқтисодиётнинг ривожланиши, яъни ҳаётий неъматлар бўлган товар ва хизматларнинг ишлаб	А.Ўлмасов, А.Вахабов Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. – “Иқтисод-молия”, 2014. – 269 бет.

[1] Тадқиқот натижасида муаллифлар томонидан шакллантирилди.

	чиқарилишининг кўпайиб боришидир.	
Ш.Ш.Шодмонов, Б.Э.Мамарахимов	Иқтисодий ўсиш бевосита ЯИМ мутлақ ҳажмининг ва аҳоли жон бошига тўғри келадиган миқдорининг ўсиши, сифатининг яхшила-ниши, ва таркибининг тако-миллашувида ифодаланади.	Ш.Ш.Шодмонов, Б.Э.Мамарахимов Иқтисодиёт назарияси. Маърузалар матни. – “Иқтисод-молия”, 2016. – 323 бет.
Т.Жўраев	Иқтисодий ўсиш бевосита ЯИМ миқдорининг мутлақ ва аҳоли жон бошига ҳамда иқтисодий ресурс сарфлари бирлиги ҳисобига кўпайиши ҳамда сифатининг ва тарки-бининг такомиллашувида ифодаланади.	Т.Жўраев. Иқтисодиёт назарияси. Ўқув қўлланма. – “Фан ва технология”, 2017. – 323 бет.
Бизнинг таъриф	Иқтисодий ўсиш деганда, бевосита товар ва хизматларни ўзида мужассам этган ЯИМ умумий ҳажми ва унинг аҳоли жон бошига маълум бир даврда ўсиши тушунилади.	Мазкур асарда.

Иқтисодий ўсишга бир қанча омиллар таъсир этади. Ушбу омиллар микроиқтисодиёт, мезоиқтисодиёт ва макроиқтисодиёт даражасида амал қилади. Чунки ҳар бир корхонадаги маҳсулот ва хизматларнинг ўсиши, пировардида макроиқтисодиёт ҳажмида намоён бўлади. Бу ўз навбатида макроиқтисодий ўсишни ташкил қилади.

Иқтисодий ўсиш мазмун ва моҳияти жиҳатидан бир қанча йўналишда ифодаланиши мумкин. Буни ушбу жадвалда кўриш мумкин (2-жадвал).

2-жадвал

Макроиқтисодий ўсишнинг мазмуни, моҳияти ва унинг ўзига хос жиҳатлари

Т/р	**Макроиқтисодий ўсишнинг асосий йўналишлари ва омиллари**	**Макроиқтисодий ўсишнинг мазмуни, моҳияти**
1.	Мазмуни бўйича	Кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш
2.	Босқичлари	Ишлаб чиқариш, тақсимот, айрибошлаш ва истеъмол
3.	Барча босқичларда ҳаракатлантирувчи кучлари	Ишчи кучи, ишлаб чиқариш воситалари, такомиллашган замонавий технологиялар
4.	Асл манбаи	Ер ости ва устидаги табиий бойликлар
5.	Омиллари	Экстенсив, интенсив, модернизация-лаш, диверсификация қилиш, иннова-ция, рақамли иқтисодиётни жорий

		қилиш
6.	Сифатий белгилари	Яратилган ЯИМнинг ижтимоий талаб ва таклифга мослиги
7.	Миқдорий белгилари	Иқтисодий ўсишнинг даражаси, сўмда ва фоизда
8.	Натижаси	Миллий бойликни кўпайтириш ва мамлакатнинг рақобатбардошлигини ошириш
9.	Мақсади	Аҳолининг фаровонлиги, яшаш даражаси ва сифатининг ошиб бориши

Иқтисодиё ўсиш одатда иккита йўл билан ҳисобланади. Биринчиси, ЯММнинг йиллик ўсиши бўлса, иккинчиси ЯИМнинг йиллик ўсишида ўз ифодасини топади. Ҳозирги шароитда мамлакатимизнинг статистик амалиётида асосан ЯИМ ҳажми билан ўлчанади. Бу асосан жорий баҳода ва қиёсий баҳода амалга оширилади. Жорий баҳодаги ўсиш суръати номинал ўсиш, деб юритилса, қиёсий баҳодаги (базис баҳодаги) ўсиш суръати реал иқтисодий ўсишни ифодалайди. Аммо статистик тўпламларда асосан жорий баҳода берилади.

Иқтисодий ўсиш учта кўрсаткичда ифодаланади.

1. ЯИМнинг ўсиш коэффициенти (Кўс = ЯИМжй / ЯИМбй).
2. ЯИМнинг ўсиш суръати (ЯИМўс = Кўс * 100).
3. ЯИМ ўсиш суръатининг фарқи (ΔЯИМўс = ЯИМўс – 100).

Мазкур кўрсаткичларнинг даражаси бир қанча омилларга боғлиқ. Бу омиллар юқорида кўрсатилган омиллар (экстенсив, интенсив, модернизациялаш, диверсификация қилиш, инновация, рақамли иқтисодиётни жорий қилиш) билан бирга макро- даражадаги ижтимоий-иқтисодий омилларга ҳам боғлиқ. Буларга қуйидагилар киради:

1. Талаб билан боғлиқ омиллар (аҳолининг пул даромадлари, истеъмол таварлари ва хизматларнинг нархи, товар ва хизматларнинг сифати, аҳолининг жамғариш даражаси кабилар)

2. Таклиф билан боғлиқ омиллар (ишлаб чиқарилган товар ва хизматларнинг ҳажми, уларнинг ҳудудлар бўйича таъминланиши, аҳолининг талабига сони ва сифатининг мослиги, импорт товарларининг ҳажми ва ҳ.к.).

3. Истеъмол ҳолати билан боғлиқ омиллар (аҳолининг жинси ва ёши бўйича табақаланиши, аҳолининг иш билан бандлик даражаси, иш ҳақининг даражаси, бошқа манбалардан олинадиган даромадлилик даражаси, савдо хизматининг сифати каби омиллар).

Макроиқтисодий таҳлилда иқтисодий ўсишнинг салмоқлилик даражаси ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ушбу кўрсаткич ЯИМнинг 1 % ўсиш суръатининг миқдори билан ўлчанади. Буни аниқлаш учун қуйидаги жадвални келтирамиз (3-жадвал).

3-жадвал

Ўзбекистонда 2020-2021 йилларда иқтисодий ўсишнинг салмоқлилик даражаси[1]

Йиллар	Мамлакат ЯИМнинг ҳажми, млрд. сўм	ЯИМнинг 1 % ўсишининг салмоқлилик даражаси, млрд сўм.
2020 йил	653 546	6 535,5
2021 йил	786 227	7 862,3
2022 йил	929 076	9 290,8

Кўриниб турибдики, 2020 йилда ЯИМнинг 1 % ўсиши 6 535,5 млрд. сўмни ташкил қилган бўлса, 2022 йилда унинг миқдори 9 290,8 млрд. сўмни ташкил қилмоқда. Мазкур ҳолатда 1 %нинг салмоқлилик даражаси 2022 йилда 2020 йилдаги кўрсаткичига нисбатан 142,2 %га (9290,8 * 100 / 6535,5) юқорилигидан далолат бериб турибди.

О.М.Пардаев – СамИСИ декани, и.ф.д., профессор
Т.О.Мамаюнусов – СамИСИ талабаси

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА БОШҚАРУВНИ ТЎҒРИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Мамлакатимизни ривожланишнинг янги босқичига олиб чиқиш учун иқтисодиётимизни рақамлаштириш давр талабига айланиб бормоқда. Иқтисодиётни рақамлаштириш бу жараёнларни таҳлил қилиш натижаларидан фойдаланиш ва катта ҳажмдаги маълумотларни қайта ишлаш асосида турли хилдаги ишлаб чиқаришлар, технологиялар, асбоб-ускуналар, товар ва хизматларни сақлаш, сотиш ва етказиб бериш самарадорлигини жиддий равишда оширишга имкон беради. Бошқарувда рақамли иқтисодиётнинг ўрни жуда мухимдир, чунки рўй бераётган ходиса ва жараёнларни сониялар ичида тахлил қилиб қарор чиқариш бошқарув ҳисобининг энг муҳим вазифаларидандир.

Рақамли иқтисодиётда молиявий ресурсларни бошқариш ҳар бир корхона олдида турган энг асосий ва стратегик вазифалардан бири ҳисобланади. Бу йўналишнинг корхонани бошқариш тизимида стратегик аҳамиятга эгалиги молиявий ресурслар ва бошқа ресурслар (моддий ресурслар, меҳнат ресурслари ва бошқалар)ни жалб қилишнинг ўзаро боғлиқлиги билан изоҳланади. Бундай ўзаро боғлиқликнинг ратционал, мақсадга мувофиқ ва самарали ташкил этилиши кўп жиҳатдан корхона иқтисодий барқарорлигини белгилаб беради, шунингдек иқтисодий субъект

[1] Ўзбекистон Республикасининг 2020 йилга мўлжалланган давлат бюджети тўғрисидаги қонуни. Олий Мажлиснинг қонунчилик палатаси томонидан 2019 йил 21 ноябрда қа бул қилинган. Сенат томонидан 2019 йил 30 ноябрда маъқулланган. 2-иловада келтирилган маълумотлар асосида муаллифлар ҳисоб-китоби.

фаолиятидан манфаатдор бўлган мулкдорлар, ходимлар, контрагентлар, давлат ва жамият моддий фаровонлиги ўсишига хизмат қилади.

Рақамли иқтисодиётда молиявий ресурсларнинг (муҳим) аҳамиятга эгалиги уларни бошқаришнинг функцияларини белгилаб берувчи мустақил фаолият сифатида молиявий менежментни ташкил этиш заруриятини шарт қилиб қўяди. Молиявий менежментнинг-илмий адабиётларда бир қанча тарифлари мавжуд. Қуйида улардан баъзилари келтирамиз:

•Молиявий менежмент-бошқарувни молиявий шакллантириш тизимини, хўжалик субъектларининг молиявий ресурсларидан фойдаланиш, тақсимлаш ва ташкилотнинг пул воситаларининг самарали оборотларини ишлаб чиқиш, ташкил қилиш;

•Молиявий менежмент-молиявий ресурсларни жалб қилиш ва фойдаланиш бўйича ҳар хил субъектлар ўртасидаги муносабатлар тизими;

•Молиявий менежмент-корхоналарнинг стратегик ва тактик мақсадларига эришишга йўналтирилган, молиявий ресурслар бошқарувининг фани ва амалиёти;

•Молиявий менежмент-корхонанинг мол-мулки ва молиявий ресурсларини бошқариш;

•Молиявий менежмент-корхонанинг молиявий оқимларини бошқариш;

• Молиявий менежмент-корхонанинг зарурий ликвидлигини таъминлаш ва тўлов балансини қувватлаш мақсадларида активлар ва пассивларни бошқариш;

•Молиявий менежмент-даромад (фойда) кўринишларига айланаётган пул муносабатларини (молиявий), харажатларни (фондлар, ресурсларни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш), фондлар ва ресурсларни самарали назорат қилишни бошқариш тизими.

Молиявий менежментнинг таърифларидан маълум бўладики – бу корхонанинг стратегик ва жорий мақсадларини амалга оширишга йўналтирилган молиявий ресурсларни ва молиявий фаолиятни бошқаришдир. “Молиявий менежмент тизими иқтисодчилар томонидан компанияларда истиқболдаги ва фаоият юритишидаги стратегик ва жорий молиявий мақсадларни режалаштириш, амалиётга тадбиқ этиш, назорат ва тахлил қилиш, ўз вақтида тўғрилаш ҳамда тартибга келтиришдаги илмий жиҳатдан асосланган ўзаро боғлиқликдаги методлар ва инструментлар комплекси сифатида тушунилади”. Ҳар қандай бошқариш тизими каби молиявий менежмент ҳам объект ва субъектга, яъни бошқарилувчи ва бошқарувчи тизимостларига эга. Бунда корхоналарнинг пул маблағлари ва уларнинг манбалари, шунингдек корхоналар, хўжалик фаолиятининг бошқа иштирокчилари, молия тизимининг турли бўғинлари ўртасида юзага келадиган молиявий муносабатлар бошқариш объекти ҳисобланади. Мулкдорлар, молиявий менежерлар, мос ташкилий тузилмалар ва хизматлар молиявий менежмент тизимида бошқариш субъектлари сифатида қатнашади, бўлимларнинг таркибий қисмлари эса бошқарилувчи тизимостилари

сифатида юзага чиқади. Бунда энг асосий бошқарув субъекти корхонанинг мулкдорлари ҳисобланади. Ҳозирги шароитда молиявий директор бошқарув аъзоларининг ёки директорлар кенгашининг аъзоси ҳисобланиб, бошқарув иерархиясида етакчи ўринлардан бири ҳисобланади. Молиявий директор бош директор билан биргаликда акциядорлар олдида тўғридан-тўғри жавобгарликни ўз зиммасига олади, молиявий натижалар бўйича инвесторлар ва бизнес эгаларига ҳисобот беради. Молиявий директорга номзодлар директорлар кенгаши томонидан шахсан тасдиқланади. Бу жиҳат молиявий директорнинг мустақиллиги ва ўз фаолияти бўйича акциядорларга ҳисобот беришини англатади.

Шундай қилиб, молиявий директор ва у бошқарадиган молия хизмати ҳар қандай ўрта ва йирик корхонада муҳим рол ўйнайди. Молиявий директор фаолияти бир вақтнинг ўзида уч хил доирада: функционал, корпоратив ва бошқарув кўринишида амалга оширилишини таъкидлаш лозим. Шунинг учун ҳам молия хизматининг замонавий раҳбари илмли, кенг дунёқарашга эга ижодий фикрлайдиган мутахассис, амалий муаммолар (пул оқимларини бошқариш, корхона фаолияти ҳақидаги тезкор маълумотлар билан ички ва ташқи фойдаланувчиларни таъминлаш, инвестицион лойиҳаларни баҳолаш, молиявий ресурсларни қидириб топиш ва жалб қилиш ҳамда бошқалар)ни ҳал қилиш қобилиятига эга, шунингдек стратегик вазифалар (бирлашиш ва қўшиб олишлар, инвесторлар билан ўзаро ҳамкорлик самарадорлиги таҳлили ва бошқалар)ни ҳал қила оладиган бўлиши лозим.

Рақамли иқтисодиётда молиявий менежментнинг мақсадлари турли-туман бўлиши мумкин. Узоқ муддатли истиқболда улар корхонани ривожлантиришнинг умумий стратегиясига мос келиши, уни амалга оширишни таъминлаши лозим. Амалиётда кенг тарқалган ва анъанавий бошқарув мақсадларига қуйидагиларни киритиш мумкин.(1 чизма)

Шу билан биргаликда рақамли иқтисодиётда корхоналар фаолияти мураккаб ва кўп қиррали, шунинг учун ҳам асосий мақсад ва бошқарув самарадорлигининг тегишли мезонлари ўзаро мос келиши лозим.



1 чизма. Бошқарувнинг ҳисобининг мақсадлари

Бунда қуйидагиларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ:

- ❖ Молиявий хўжалик фаолиятининг турли хил жиҳатларини ўзида акс эттириши;
- ❖ узоқ муддатли истиқболга йўналтирилган бўлиши;
- ❖ вақт, риск ва ноаниқлик омилларини ҳисобга олиш;
- ❖ илмий асосланган ва объектив баҳоланган бўлиши.

Ҳозирги вақтда корхона мулкдорлари моддий фаровонлигини максималлаштириб бориш мақсади юқорида келтирилган шартларга юқори даражада жавоб беради.

Бизнингча рақамли иқтисодиёт шароитида бошқарувни тўғри йўлга қўйиш нафақат корхоналар келажагини балки мамлакат келажагини хам тўғри ташкил этишга замин яратади.

М.Қ.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.
О.М.Пардаев – СамИСИ декани, и.ф.д., профессор ва.б.

МАМЛАКАТИМИЗДА ИҚТИСОДИЙ ЎСИШНИНГ ҲОЛАТИ ВА УНИНГ ИСТИҚБОЛИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Мамлакатимизда макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ўсиш тенденциялари ҳам бугунги кун талабига бемалол жавоб берадиган даражада ривожланмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг мамлакатимизни парла-ментига қилган мурожаатномасида 2019 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг якунларига тўхталар экан “Энергетика, нефть-газ, геология, транспорт, йўл қурилиши, қишлоқ ва сув хўжалиги, ичимлик суви ва иссиқлик таъминоти ҳамда бошқа қатор тармоқларда чуқур таркибий ислоҳотлар бошланди. Саноатнинг 12 та етакчи тармоғида модернизациялаш ва рақобатдошликни кучайтириш дастурлари жадал амалга оширилмоқда. Натижада ўтган йили иқтисодий ўсиш 5,6 фоизни ташкил этди. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 6,6 фоизга, экспорт – 28 фоизга кўпайди. Олтин-валюта захираларимиз 2019 йил давомида 2,2 миллиард долларга ортиб, 28,6 миллиард долларга етди”[1] деб таъкидлади.

Яна бир муҳим жиҳат, “2020 йилда макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш ва инфляцияни жиловлаш – иқтисодий ислоҳотлар жараёни-даги бош вазифамиздир”[2], деб таъкидлангани бўлди. 2020 йилда мамла-катимизда инфляция даражаси 5,0 фоизни ташкил этиши ҳам қайд этилди. Айнан шу мурожаатномада 2020 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига ҳам батафсил тўхталди. Ўтган йилда мамлакатимизнинг иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда мутаносибликка

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январда Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // “Халқ сўзи” газетаси. – 2020 йил 25 январь. – 1-бет.
[2] Ўша жойда. – 2-бет.

эришгани, модернизация ва диверсификация ҳисобидан мамлакатимиз иқтисодиёти барқарор суръатларда ривожланганини қайд этиш билан бирга олдимизда ўта муҳим вазифалар борлигига ҳам эътиборни қаратди. **“Халқимиз шуни яхши билиши керак: олдимизда узоқ ва машаққатли йўл турибди. Барчамиз жипслашиб, тинимсиз ўқиб-ўргансак, ишимизни мукаммал ва унумли бажарсак, замонавий билимларни эгаллаб, ўзимизни аямасдан олдинга интилсак, албатта, ҳаётимиз ва жамиятимиз ўзгаради”[1].**

Мамлакатимизда олиб борилаётган пухта ўйланган сиёсат натижасида иқтисодиётимиз барқарор суръатлар билан ривожланиш баробарида ташқи қарзларимиз камлигича сақланиб қолмоқда. Бундай ҳолатни хорижий инвестициялар ва умуман, четдан қарз олиш масаласига чуқур ва ҳар томонлама пухта ўйлаб ёндашиш натижаси, деб баҳолаш мумкин. “Айниқса, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар 4,2 миллиард долларни ташкил этиб, 2018 йилга нисбатан – мана шу рақамга эътиборингизни қаратмоқчиман – 3,1 миллиард долларга ёки 3,7 баробар ўсди. Инвестицияларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 37 фоизга етди”[2]..

Иқтисодий ўсишнинг яна бир муҳим омили мамлакатимизда солиқ юки муттасил камайиб бораётганлиги билан изоҳланади. 2020 йилдан бошлаб иқтисодиёт соҳасидаги “солиқ турлари 13 тадан 9 тага камайтирилди[3]. Буларнинг ҳаммаси иқтисодиётимизнинг юқори суръатлар билан барқарор ривожланиш йўлига тушиб олганлигидан, уни бошқаришда туғри иқтисодий сиёсат юритилаётганлигидан далолатдир.

Мамлакат иқтисодиётининг ўсиш суръати охирги йилларда 5,5 %дан юқори ўсишни таъминлаб келмоқда ва шу келгуси йилларда ҳам сақланиб қолмоқда. Ушбу ҳолатни охирги йиллардаги макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ўсишида ҳам кўришимиз мумкин (1-жадвал).

1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида 2020 режаси ва 2021-2022 йилларда макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ўсиши суръати[4]

№	Кўрсаткичлар	2020 йил	Мақсадли йўналтириган миқдори	
			2021 йилга	2022 йилга
1.	Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ), млрд. сўм	653 546	786 227	929 076
2.	Ялпи ички маҳсулот-нинг ўсиш суръати, %	5,5	5,8	6,2
3.	Истеъмол баҳоси инде-кси, ўтган йилнинг	12,5-13,0	11,0	9,5

[1] Ўша жойда – 1-бет.
[2] Ўша жойда. – 1-бет.
[3] Ўша жойда. – 1-бет.
[4] Ўзбекистон Республикасининг 2020 йилга мўлжалланган давлат бюджети тўғрисидаги қонуни. Олий Мажлиснинг қонунчилик палатаси томонидан 2019 йил 21 ноябрда қа бул қилинган. Сенат томонидан 2019 йил 30 ноябрда маъқулланган. 2-илова

	декабрига нисбатан, %			
4.	Саноат маҳсулотининг ўсиш суръати, %	6,5	6,7	7,0
5.	Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликлари-нинг ўсиш суръати, %	4,0	4,1	4,2
6.	Савдо айланмасининг ўсиш суръати, %	5,6	5,7	6,0

Жадвалда кўриниб турибдики, эришилган тараққиётнинг муҳим кўрсаткичи, мамлакатимизнинг иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда мутаносибликка эришгани, модернизация ва диверсификация ҳисобидан барқарор суръатлар билан ривожланганидир. Шунинг учун модернизация, диверсификация ва инновацион иқтисодиётнинг бугунги кундаги мувоффақиятларимизнинг муҳим омили сифатида майдонга чиқди. Зеро, иқтисодиёт тармоқларини янги техника ва технологиялар билан жиҳозлаш эвазига модернизация қилиш, ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ва хизматларни кенгайтириш билан уларнинг рақобатбардошлигини ошириш бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган ишларнинг устувор вазифалари сирасига киритилган.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг ўзига хос хусусиятларидан бири, унинг ижтимоийлашганлигидир. Бу ҳолат давлат бюджетининг асосий қисми ижтимоий соҳага йўналтирилганлиги билан ифодаланади. Буни 2020 йилда Давлат бюджетининг режаси 158 960,1 млрд. сўм қилиб белгиланган. 2021 йилда 191 781,6 ва 2022 йилда 226 318,5 млрд. сўм миқдорида прогноз қилинган. Буларнинг ярмидан кўпи ижтимоий соҳага йўналтирилганлигида кўришимиз мумкин.

Булардан ташқари иқтисодиётнинг ҳарбийлашган, индустриал, аграр каби шакллари ҳам мавжуд. Агар давлат бюджетининг асосий қисми ҳарбий мақсадлар учун сарфланса, бундай иқтисодиётни ҳарбийлашган ва мос равишда қайси йўналишга кўпроқ маблағ сарф қилинса, шундай иқтисодиёт, деб аталиши мумкин. Бизнинг иқтисодиётимиз ижтимоийлашган иқтисодиёт, деб юритилади.

Мамлакат иқтисодиётидаги мухим ижобий ўзгаришлардан бири, унинг таркибий ўзгаришлардаги ҳолатида кўринмоқда. Бундан бир қанча йиллар муқаддам аграр иқтисодиёт устувор бўлган иқтисодиётимиз, бугунги кунда индустриал иқтисодиётга айланиб бораётганлигидан далолат бериб турибди. Яна бир муҳим жиҳат – мамлакт иқтисодиёти жаҳон андозалари даражаси томон интилиб бормоқда. Унинг таркибида хизмат кўрсатиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаларининг жадал суръатлар билан ўсиши, мамлакат ЯИМдаги улушининг ошиб бориши кузатилмоқда.

Мамлакат иқтисодиётининг охирги йилларда эришган яна бир характерли хусусияти шундаки, унинг умумий экспорти яқиндагина фақат хомашёдангина иборат бўлган бўлса, бугунги кунга келиб, уларнинг улуши ҳам кескин ўзгарди. Жумладан 2019 йилда тайёр маҳсулотнинг мамлакат

экспортидаги улуши қарийб 2/3 қисмини ташкил қилди. Бу кўрсаткич 2019 йилда 28 %га кўпайди[1]. Бу ҳам кўрсатадики, мамлакатимиз иқтисодиётида шу қисқа даврда анча мувоффақиятларга эришдик. Мазкур соҳани Муҳтарам Президентимиз таъкидлаганидек, “иқтисодиётимиз ривожини, аҳоли бандлиги ва даромадлари ўсишини таъминлайдиган энг муҳим соҳалардан бири бўлган қишлоқ хўжалигини стратегик ёндашувлар асосида тараққий эттириш зарур”[2].

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки қишлоқ хўжалик соҳасининг мамлакт ЯИМдаги улуши камайиб бормоқда. Аммо бу маҳсулотларни ишлаб чиқаришнинг камайганлиги учун эмас, балки бошқа соҳаларда ишлаб чиқаришнинг кескин ошиб бораётганлигидан далолатдир. Бундай тенденция келажакда ҳам сақланиб қолади. Муҳтарам Президентимиз таъкидлаганидек, “Аграр тармоқда фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш билан бирга, пахта ва ғалла етиштиришни кластер шаклига босқичма-босқич ўтказиш бўйича изланишларимизни давом эттирамиз. Мева-сабзавот, шоличилик, чорвачилик, ипакчилик каби бошқа тармоқларда ҳам бугунги кун талабига жавоб берадиган кластерларни ташкил этиш ишларини давом эттирамиз. Бу йил 2 миллиард долларлик, кейинги 5-7 йилда эса 3-4 баробар кўп мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш учун маҳсулот етиштиришни кескин кўпайтириш чораларини кўриш зарур”[3]. Кўриниб турибдики, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича 2020 йилда сезиларни ўсишга эришилади. Ушбу соҳада яратилаётган маҳсулотлар умуман камайган эмас ва бундан кейин ҳам камаймайди. Агар 2019 йил натижалари бўйича режа кўрсаткичларини ҳам инобатга оладиган бўлсак, ўсиш тенденцияси ҳамон сақланиб қолган ва бу узлуксиз давом этадиган жараёндир.

Ушбу ҳолатлар кўрсатиб турибдики, мамлакатимиз қишлоқ аҳлининг фидокорона меҳнати билан ғалла ва бошқа энг муҳим ҳаётий зарур бўлган маҳсулотлар бўйича тўлиқ иқтисодий мустақилликка эришдик ва шу тенденция сақланиб қолади. Чунки, кечагина жуда кўп озиқ-овқат маҳсулотларини четдан олиб келган бўлсак, бугунги кунда ўз эҳтиёжларимизни тўлиқ қондирган ҳолда ўзимиздан ортиқча қисмини ташқарига экспорт қилиш имкониятини яратдик. Бу жуда қисқа пайтда эришилган жуда катта ютуқларимиздандир.

[1]Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январда Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // “Халқ сўзи” газетаси. – 2020 йил 25 январь. – 1-бет.
[2] Ўша жойда – 3-бет.
[3] Ўша жойда. – 3-бет.

У.Худойбердиев - СамИСИ “Иқтисодий таҳлил ва Статистика” кафедраси доценти
Н.Остонов - СамИСИ талабаси

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ГЎШТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

Аннотация: Ушбу мақола Ўзбекистон Республикасида гўш ишлаб чиқариш имкониятларини ўрганиб чиқган ҳолатда бугунги кундаги Республикадаги гўштга бўлган талабни аниқлаб ушбу талабни қанчалик даражада қондира олишини ўрганишдан иборат.

Калит сўзлар: Истеъмол, физологик меъёр, рационал меъёр, ишлаб чиқариш, ёрдамчи хўхалик, кластер, нарх, талаб, таклиф, кредит, турмуш даражаси.

Инсонлар ўзларининг физиологик холатини тиклаш учун озиқ-овқат махсулотларини истеъмол қилади. Бу озиқ-овқат махсулотларининг ичида гўшт махсулотлари муҳим аҳамиятга эга. Чунки унинг таркибида инсон организми учун зарур бўлган микроэлемент ва витаминлар мужассамдир.

Олимлар хар бир инсоннинг гўшт истеъмоли буйича йиллик физиологик меъёрларини ҳисоблаб чиқишган.



Manba: National Nutrition and Physical Activity Survey 2011-12, ABS

Ушбу меъёрга асосан аҳолининг ойлик ва йиллик гўшт истеъмол миқдорини ҳисоблаш қийин эмас.

Бунга кўра:

- 18 ёшдан катта эркаклар учун бир ойда 2,64 кг, бир йилда 31,68 кг
- 18 ёшдан катта аёллар учун бир ойда 1,35 кг, бир йилда 16,2 кг
- 2 ёшдан 18 ёшгача булган ўғил болалар учун бир ойда 1,2 кг, бир йилда 14,4 кг
- 2 ёшдан 18 ёшгача булган қиз болалар учун бир ойда 0,87 кг, бир йилда 10,44 кг гўшт истъмол қилиш тавсия этилади.

Ўзбекистон мустақил бўлгач мамлакат раҳбарлари ахоли турмуш даражасини яхшилаш бўйича чора-тадбирлар чорвачилик махсулотларини кўпроқ етиштириш бўйича Президент Қарорлари, Вазирлар Махкамасининг тегишли қарорлари қабул қилинган.

Қуйидаги жадвалда Ўзбекистонда тегишли қарорлар асосида гўш етиштириш ҳажмидаги ўзгаришларни кўришимиз мумкин.

Ўзбекистонда 2014-2018 йилларда гўшт етиштириш хажмлари

№	Йиллар / Кўрсаткичлар	2014	2015	2016	2017	2018
1	Гўшт (тирик вазнда, минг тонна)	1906,3	2033,4	2172,5	2286,8	2414.9
2	Ўсиш суръатлари (%) А) Занжирсимон усулда	100,0	106,7	106,8	105,3	105,7
	Б) Базис усулда	100,0	106,7	114,0	120,0	127,7

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, мамлакатимизда гўшт етиштириш йилдан йилга мунтазам равишда кўпайиб бормоқда. Хар йили ўртача гўшт ишлаб чиқариш 5,0% дан кўпроққа ўсмоқда. Буларнинг асосий сабаблари:

-биринчидан, ахоли йилдан йилга кўпайиб бораябди

-иккинчидан, мамлакат ахолисининг турмуш даражаси яхшиланиб бораётганлиги сабабли, хар бир оиланинг гўшт истеъмоли кўпайиб бормоқда.

Мамлакатимизда гўшт ишлаб чиқаришнинг ижобий тарафлар билан бир вақтда қатор камчиликлари хам мавжуд. Улар кўйидагилардир:

- йирик гўшт етиштириб берувчи чорвачилик комплекслари ташкил этилмаган.

- мавжуд чорва махсулотлари тайёрловчи дехқон хўжаликлари ем-хашак етиштириш учун етарли даражада ер майдони билан таъминланмаган.

- чорвачилик билан шуғулланадиган дехқон хўжаликлари ва оилалар хўжаликлари зотдор мол навлари билан етарлича таъминланмаган. Аҳолидаги чорва молларидан кўра зотдор моллар 1,5-2,0 баробар кўп гўшт қилади.

- молларни, паррандаларни боқиш учун ем-хашак нархлари жуда юқори. Улар гўшт таннархининг қимматлашишига олиб келади.

Муоммонинг яна бир томони ахолининг шаҳсий ёрдамчи хўжаликларида етиштирилган гўшт махсулотлари истеъмоли тўғрисида хисоботлар юритилмайди.

Юртимизда гўшт ва гўшт махсулотлари истеъмолини рационал физиологик меъёр даражасига етказиш долзарб масалалардан бири бўлиб,

унга комплекс ёндашув лозим. Сермахсул қорамол ва парранда зотларини яратишдан бошлаб, уни парваришлаш, ем-хашак, дон билан таъминлаш, кушхонада сўйиш, гўштни сақлаш ва уни харидорга етказиб бериш каби барча жараёнларни назоратга олиш махсулотни нафақат ишлаб чиқаришни оширишига олиб келади, балки озиқ овқат ресурсларининг хавфсизлигини таъминлайди.

Чорвачилик талабларига кўра бир бош махаллий қорамолга 0,3 гектар, наслли қорамолга 0,6 гектар яйлов талаб этилади. Агар шахсий томорқа эгаси чорва молини етиштирганда хам ё бозордаги олиб сотарга ёки қассобга арзонга беришга мажбур. Яъни бизда чорвачилик ва гўшт етиштириш борасида аниқ тизим йўқ.

Юқоридаги камчиликларни бартараф этиш учун Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигини 2020-2030 йилларда ривожлантириш стратегияси ишлаб чиқилди. Бунда асосий турдаги қишлоқ хўжалиги махсулотларини етиштиришда банд бўлган ерларда қўшимча махсулот ишлаб чиқаришга рухсат берилган. Аҳолини гўшт ва гўшт махсулотлари билан таъминлашни яхшилашда йирик чорвачилик комплексларини ташкил этиш, уларга солиқ ва банк кредитларидан имтиёзлар бериш, лалми майдонлардан меъёр асосида ер ажратиш лозим. Қолаверса, чорва махсулотларини етиштириш, харид қилиш ва сотишда йуқолиб қолган боғлиқликни тиклаш, аҳолига чорва моллари ва парранда етказиб берадиган, уларни ем-хашак билан таъминлаб, махсулотни харид қиладиган тайёрлов ташкилотларини барпо этишимиз керак. Шу йул билан бозорни гўшт ва гўшт махсулотлари билан тўлдириб, нарх-навони тушуриш, аҳоли талабини тўлақонли қондириб, импорт қилувчи мамлакатдан экспорт килувчига айланишимиз мумкин.

Етиштирилаётган гуштнинг 80% дан кўпроғини деҳқон хўжалиги ва аҳоли томонидан тайёрланади. Бундай шароитда кўпайиб бораётган мамлакат аҳолисини, ҳамда гўшт истеъмоли ошиб бораётган пайтда аҳолининг гўштга бўлган талабини қондириш қийин масала бўлиб қолади. Шунинг учун ҳам худудларда кластер усулида фаолият юритадиган йирик чорвачилик комплексларини ташкил қилиш лозим. Бу комплексларга ем-ҳашак етиштириш учун керакли миқдорда ер майдони, ем тайёрловчи корхона, кушхона ва харидор субъектлар бириктирилиши лозим. Бундан ташқари туманлар, қишлоқ хўжалиги бошқармалари қошида маҳсулдор ва зотдор қора молларни қаердан олиш мумкинлиги, уларни қандай боқиш усулларини, ветеринария хизматларини ва бошқа ташкилий ишларда гўшт етиштирувчи аҳолига маслаҳатлар бериш билан шуғулланувчи марказлар ташкил этилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда “Ҳар бир оила тадбиркор” шиори остида кўплаб лойиҳалар амалга оширилмоқда. Бу борада мутассаддилар томонидан оилаларга товуқ, курка, қуён боқиш учун керакли шарт-шароит ва имкониятлар яратилса, мамлакат аҳолисининг гўштга бўлган талаби тўлиқ кондирилиб, гўшт ва гўшт маҳсулотларининг нархлари арзонлашган бўлар эди.

И.Н. Исманов - Фарғона политехника институти «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» кафедраси мудири и.ф.д., профессор

ТАЪЛИМ ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТИШДА ЗАРАРСИЗЛИК НУҚТАСИНИ ТАҲЛИЛИ

Ўзбекистон Республикасида олий таълимни тизимли ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини белгилаш, замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, олий таълимни модернизация қилиш, илғор таълим технологияларига асосланган ҳолда иқтисодиёт тармоқлари учун рақобатбардош мутахассиларни тайёрлаш бугунги куннинг долзарб масалаларидан ҳисобланади. Мазкур масалалар ҳал қилиш эса Ўзбекистон Республикаси президентининг 2019 йил 8 октябрь, ПФ-5847-сон фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясидаги асосий йўналишлардан бири бўлган Олий таълим муассасаларининг молиявий мустақиллиги ва барқарорлигини таъминлаш, моддий-техник таъминотини мустаҳкамлаш орқали амалга оширилади. Бунда олий таълим муассасаларини босқичма-босқич ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтказиш, молиявий барқарорликни таъминлаш, меҳнатга ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш, молиялаштиришнинг самарали ва шаффоф механизмларини жорий этиш, иқтисодиёт тармоқларининг кадрларга бўлган эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда, шунингдек истиқболда олий таълим муассасаларининг рейтинги ва ўз харажатларини қоплаш даражасидан келиб чиқиб бакалавриат таълим йўналишлари (магистратура мутахассисликлари) бўйича тўлов-контракт миқдорларини мустақил белгилаш тизимига босқичма-босқич ўтиш, олий таълим муассасаларининг таълим хизматлари экспорти ва қўшимча хизматлар кўрсатишга доир фаолиятини ривожлантириш масалаларига эътиборни қаратиш лозим бўлади.

Бу эса олий таълим муассасаларининг молиявий-иқтисодий фаолиятини тезкор ва стратегик режалаштириш ва бошқариш учун таҳлил қилишнинг жуда оддий ва айни пайтда самарали усуллардан фойдаланишни тақозо этмоқда.

Мазкур таҳлилни амалга ошириш операцион таҳлил орқали амалга оширилиши ва унда халқаро амалиётда қўлланилаётган кўрсатилган хизматлар миқдори, харажатлар хажми ва олинадиган фойданинг боғлиқлигини, яъни CVP моделидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлиб, кўрсатилган таълим хизматлар тури ва шакли бўйича олинган даромадлар қилинган харажатлар билан таққосланиб фойда ёки зарар аниқланади.

Хизмат кўрсатиш ҳажми, харажат ва фойда алоқадорлигини таҳлили (CVP таҳлил) бу тушум = доимий харажатлар + ўзгарувчан харажатлар + фойда ёки тушум = доимий харажатлар + бир бирликка ўзгарувчан

харажатлар * маҳсулот миқдори + фойда моделидан иборат бўлиб унинг асосий вазифаларини қуйидагилардан иборат деб ҳисоблаш мумкин:

- харажатларни тўлиқ қоплаш имконини берувчи сотиш хажмини – зарарсизлик нуқтасини аниқлаш;
- хизмат кўрсатишда зарарсизлик хажмини аниқлаш;
- зарур бўлган фойда миқдорига эга бўлиш юзасидан сотиш хажмини аниқлаш;
- таълим муассасасининг рақобатдошлигини таминловчи сотиш хажмини баҳолаш;
- режалаштирилган даражадаги талаб ва даромадни таминлашга имкон берадиган таълим хизматлари нархини белгилаш;
- таълимнинг энг самарали технологияларини танлаш;
- оптимал таълим хизматларини кўрсатиш режасини қабул қилишни амалга ошириш.

CVP таҳлилнинг асосий элементлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- критик хажм;
- қоплаш коэффиценти;
- хавфсизлик нормаси;
- сотиш таркиби;
- харажатлар таркиби;

Харажатлар, хизмат кўрсатиш /сотиш хажми ва фойда (CVP) ўртасидаги боғлиқликни таҳлил қилиш таълим муассасаси рахбариятига улар ўртасидаги ўзаро таъсир механизмини тушунишга ёрдам берадиган кучли воситадир. Таҳлил фойдани шаклланишига таъсир этувчи қуйидаги беш омилнинг ўрганади:

1. таълим хизмати нархлари
2. кўрсатилган хизмат хажми
3. хизмат бирлигига ўзгарувчан харажатлар
4. доимий харажатлар миқдори
5. сотилган хизматлар таркиби.

CVP–таҳлили таълим муассасасининг бошқарувчиларига ушбу омиллар таъсири остида даромад қандай ўзгаришини аниқлашга ёрдам берганлиги сабабли, у таълим хизматини қандай турини кўрсатиши, хизматларни қандай нархда сотиш кераклиги, қандай бозор стратегиясига эга бўлиши, қандай харажатлар таркибини танлаши тўғрисида қарорларни қабул қилиш учун муҳим воситадир.

CVP - таҳлил таълим муассасасига ўзгарувчан ва доимий харажатлар, нарх ва хизмат кўрсатиш ҳажми ўртасидаги энг мақбул нисбатни топишга имкон беради. Таълим муассасаси ўз фаолият стратегиясини танлашда асосий рол маржинал даромад кўрсаткичига тегишли.

Маржинал даромад - бу хизматларни сотишдан тушган даромаддан ўзгарувчан харажатлар чегириб ташланганидан кейин қолган миқдор. Шунинг учун, бу қиймат хизматлар кўрсатишдаги доимий харажатларни қоплаш учун ишлатилиши мумкин ва унинг қолдиғи даврдаги даромадни

англатади. Бундай ҳолда, операциялар кетма-кетлигига эътибор бериш керак: маржинал даромад аввал доимий харажатларни қоплайди ва унинг қолдиғи фойда ёки зарар бўлади.

Маржинал даромад ёки сарфлар улуши бўйича ёндошув - бу уларнинг ҳаракати моделига қараб, харажатларни тақсимлаш тамойили асосида молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот тузиш тартибини белгилайди. Харажатлар функционал асосга қараб эмас, балки доимий ва ўзгарувчан (бўлинадиган фаолият турига қараб) турларга бўлинган холда маржинал даромад бўйича ёндошувига асосланган фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботни тузиш ва таҳлил этиш қуйидаги мисолда кўриб чиқилган.

Маржинал даромад ёндошуви бўйича фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот

(5230900 -Бухгалтерия ҳисоби ва аудит таълим йўналиши бўйича таълим хизматларини кўрсатиш)

минг сўм ҳисобида

Кўрсатгичлар	Вариант 1 Бир талаба учун		Вариант 2 19 нафар талаба учун		Вариант 3 25 нафар талаба учун	
	Жами	1 хизмат бирлиги учун	Жами	1 хизмат бирлиги учун	Жами	1 хизмат бирлиги учун
Хизматларни сотишдан тушум	8831	8831	167789,7	8831	220775	8831
Ўзгарувчан харажатлар	434,3	434,3	8251,7	434,3	10857,5	434,3
Маржинал даромад	8396,7	8396,7	159538	8396,7	209917,5	8396,7
Доимий харажатлар	159538		159538		159538	
Соф операцион фойда ёки зарар	-151141		0		50379,5	

Биринчи вариант (Хизмат бирлиги учун)

Ой давомида ҳар бир қўшимча сотилган хизмат доимий харажатларни қоплаш учун зарур бўлган қўшимча 8396700 сўмни олиб келади.

Иккинчи вариант. (Зарарсиз) Ҳар бир хизматни сотиш 8396700 сўм маржинал даромад келтиради. Зарасизлик нуқтасига етиш учун таълим муассасаси йилига 19 талабани ўқитиши керак. Бу ҳолда таълим муассасаси жами маржинал даромад миқдорини 159538000 сўм миқдорида тўплаш имкониятига эга бўлади ва 159538000 сўм доимий харажатлар миқдорини тўлиқ қоплайди

Бундай ҳолда, 19 нафар талабага хизматни сотиш таълим муассаси учун зарасизлик нуқтасини таъминлайди.

Учинчи вариант.(Фойда келтирувчи) Қўшимча 6 нафар талабани ўқитиш бўйича хизмат кўрсатиш таълим муассасасига 25 та талабани, яъни

бир академик гурух таркибидаги талабалар учун хизматни сотилишига эришиш имконини беради. Бундай ҳолда, таълим муассасаси 159538000 сўмлик доимий харажатларни қоплайди ва 50 379 500 сўмлик соф операцион фойда олади.

Тахлил маълумотларидан кўриниб турибдики таълим муассасаси таълим йўналиши ва шаклини танлаш имкониятидан келиб чиқиб уларни хар қайсиниси учун зарасизлик нуқтасини белгилаб олиши мумкин.

Таъкидлаш жоиз бўладики бунда, бугунги кунда ривожланиб келаётган рақобат муҳити таълим хизматлари нархини кескин ошириш мумкин эмаслигини ва бу орқали таълим муассасасининг фойдасини кўпайтирира олмаслиги, шу билан бирга таълим сифатини ошириш бўйича қўшимча харажатларга зарурат туғилиши муаққарар эканлигини билган ҳолда янги таълим йўналишларини очиш ҳамда таълим сифатини ошириш орқали буюртмачилар эътиборини қозонишлари зарур бўлади.

N. M.Maxmudov -Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti “Makroiqtisodiy tahlil va prognozlashtirish” kafedrasi professori
N. R.Avazov -Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti “Iqtisodiyot” fakulteti talabasi

RAQAMLI IQTISODIYOTNI RIVOJLANTIRISH ASOSIDA INVESTITSION FAOLLIKNI OSHIRISH YO‘NALISHLARI

Annotatsiya: *Mazkur maqolada raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish asosida mamlakatda investitsion faollikni oshirish yo‘nalishlari tahlil qilingan. Maqolada shuningdek, raqamli iqtisodiyotni afzalliklari keltirilib, uning investitsion muhitga ta’siri o‘rganilgan. Shuningdek O‘zbekiston iqtisodiyotida investitsiyalarning o‘zlashtirilishi tahlil qilinib, raqamli iqtisodiyotni rivojlanitrish va investitsion faollikni oshirishga qaratilgan takliflar ishlab chiqilgan.*

Kalit so‘zlari: *raqamli iqtisodiyot, investitsiya, investitsion faollik, investitsion muhit, iqtisodiy o‘sish, raqamli texnologiyalar.*

Raqamli iqtisodiyot bugungi kunda dunyoning ko‘plab mamlakatlari iqtisodiyotiga jadal kirib bormoqda. Raqamli texnologiyalarning tez sur’atlar bilan rivojlanishi, iqtisodiyotning globallashuv jarayonlarini tezlashtirishini yuzaga keltirdi. Iqtisodiyotning barcha jabhalarida ulardan samarali tarzda foydalanish bugungi kun talabiga aylanmoqda. Raqamli transformatsiya tez sur’atda o‘zgaryotgan bugungi kun dunyosi uchun asosiy vositadir.

Bundan tashqari hozirgi kunda O‘zbekistonda investitsion faollikni oshirishga qaratilgan bir qancha islohatlar amalga oshirilmoqda. Investitsiyalar bu iqtisodiyotni rivojlantiruvchi asosi omillardan bo‘lib hisoblanadi. Iqtisodiyotda investitsiyalarning hajmini oshirish asosida mamlakatda jadal iqtisodiy o‘sishga erishish hamda makroiqtisodiy barqarorlikni ta’minlash mumkin. Mamlakatimiz

Prezidenti Sh.M.Mirziyoyev investitsiyalarga to‘g‘risida quyidagi firklarni bildirib o‘tgan edilar: “Jahon tajribasi shuni ko‘rsatadiki, qaysi davlat faol investitsiya siyosatini yuritgan bo‘lsa, o‘z iqtisodiyotining barqaror o‘sishiga erishgan. Shu sababli ham investitsiya – bu iqtisodiyot drayveri, o‘zbekcha aytganda, iqtisodiyotning yuragi, desak, mubolag‘a bo‘lmaydi. Investitsiya bilan birga turli soha va tarmoqlarga, hududlarga yangi texnologiyalar, ilg‘or tajribalar, yuksak malakali mutaxassislar kirib keladi, tadbirkorlik jadal rivojlanadi”[1].

Investitsiyalar – investorlar tomonidan o‘z maqsadlariga erishish uchun tegishli faoliyat turiga kiritilgan va pulda ifodalangan har qanday fuqarolik huquqlari obyektidir[2].

Investitsiyalar hajmining oshishi mamlakatda shakllangan investitsion muhitga bog‘liqdir. Investitsion muhit investorlar uchun qanchalik qulay shakllngan bo‘lsa, investorlarning bu mamlakatga investitsiya kiritishga moyilligi yuqori bo‘ladi. Investitsion muhitga ijobiy ta’sir qiluvchi asosiy omillardan biri bu raqamli iqtisodiyot hisoblanadi. Raqamli iqtisodiyotning rivojlanishi investitsion muhitning investorlar uchun qulayligini yanda oshirishga xizmat qiladi.

O‘zbekistonni rivojlantirish bo‘yicha Harakatlar strategiyasida ham qulay investitsion muhitni shakllantirish asosida xorijiy investitsiyalar hajmini oshirishga alohida urg‘u berilgan:

- investitsiya muhitini takomillashtirish, mamlakat iqtisodiyoti tarmoqlari va hududlariga xorijiy, eng avvalo, to‘g‘ridan-to‘g‘ri xorijiy investitsiyalarni faol jalb qilish[3].

Xorijiy to‘g‘ridan-to‘g‘ri investitsiyalar globallashuvning asosiy drayveri va hozirgi global iqtisodiyotda eng muhim rolni o‘ynaydi. U mamlakatlarning ishlab chiqarish jarayonini qo‘shimcha kapital bilan ta’minlaydi va iqtisodiy o‘sish darajasini oshiradi[4].

Raqamli iqtisodiyot – bu iqtisodiy faoliyat bo‘lib, u insonlar uchun qulayliklarni ta’minlagan holda mahsulot va xizmatlarni yaratuvchi virtual muhit hisoblanib, raqamli texnologiyalardan foydalaniladi va har kuni onlayn tarzda odamlar, bizneslar, qurilmalar, ma’lumotlar va jarayonlar orasidagi millionlab bog‘lanishlarni amalga oshiruvchi tizimdir. Iqtisodiy foaliyatlarning keng xilma-xilligi raqamlashtirilgan ma’lumotlar va bilimdan asosiy omil sifatida foydalaniladi. Internet, bulutli hisoblash (cloud computing), katta ma'lumotlar (big data), moliyaviy texnologiya (financial technology) va boshqa raqamli texnologiyalar ma’lumotlarni raqamli shaklda to‘plash, saqlash va tarqatish uchun foydalaniladi, bundan tashqari ular ijtimoiy o‘zaro ta’sirni butunlay o‘zgartiradi.

Raqamli iqtisodiyotning afzalliklari quyidagilarda namoyon bo‘ladi:

---

[1] O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning 2019-yil uchun mo‘ljallangan eng muhim ustuvor vazifalar haqidagi Oliy Majlisga Murojaatnomasi.// Xalq so’zi, 2018 yil 29 dekabr.

[2] Mustafakulov Sh.I., “Investitsion muhit jozibadorligi: nazariya, metodologiya va amaliyot”. Monografiya – T.: “Ma’naviyat” O‘zbekiston Respublikasi Bank-moliya akademiyasi. 2017-y. 18-b.

[3] “O‘zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo‘yicha harakatlar strategiyasi to‘g‘risida” to‘g‘risidagi O‘zbekiston Resspublikasi Prezidenti Farmoni. PF-4947. 2017-yil 7-fevral. https://lex.uz/docs/-3107036

[4] Hui-Ching Hsieh, Sofia Boarelli, Thi Huyen Chi Vu. “The effects of economic policy uncertainty on outward foreign direct investment”. International Review of Economics and Finance 64 (2019) 377–392.

- raqamli iqtisodiyot sharoitida mahsulotlarni izlash harajatlari keskin kamayadi, chunki istalgan ma'lumotni online qabul qilish offline qabul qilishdan osonroqdir;

- raqamli iqtisodiyotdagi tovarlarning bir iste'molchi tomonidan iste'mol qilinishi boshqa mahsulotlarga bo'lgan talab va ularning sifatini pasaytirmaydi;

- raqamli iqtisodiyotda mahsulotlarni tashish va ular to'g'risidagi ma'lumotlarni tarqatish harajatlari nolga teng;

- raqamli texnologiyalar yordamida iste'molchining xarakterini osonlik bilan o'rganish mumkin. Bu esa o'z o'rnida birga-bir (one to one) bozorlarni yaratadi;

- raqamli texnologiyalar mahsulot brendi va nufuzini yaratishni ham osonlashtiradi;

- raqamli iqtisodiyotda savdo-sotiqlar elektron shaklda chegaralarni oson kesib o'tadi.

O'zbekistonda qulay investitsion muhitni shakllantirishga qaratilgan islohatlar natijasida iqtisodiyotda investitsiyalar hajmi oshib bormoqda(1-rasm).



1-rasm.***2009-2019 yillarda asosiy kapitalga o'zlashtirilgan investitsiyalar hajmi*** *(mlrd. so'm)*[1]

Asosiy kapital o'zlashtirilgan investitsiyalar statistikasiga e'tibor qaratiladigan bo'lsa, unda bu davrda asosiy kapitalga investitsiyalar 2009-yilda 12531,9 mlrd. so'mni, 2010-yilda 15409,1 mlrd. so'mni, 2011-yilda 18291,3 mlrd. so'mni, 2012-yilda 22067,0 mlrd. so'mni, 2013-yilda 27557,3 mlrd. so'mni, 2014-yilda 33715,3 mlrd. so'mni, 2015-yilda 40737,3 mlrd. so'mni, 2016-yilda 19963,2 mlrd. so'mni, 2017-yilda 60719,2 mlrd. so'mni, 2018-yilda 107333,0 mlrd. so'mni va 2019-yilda 189900,0 mlrd. so'mni tashkil qilgan. Ayniqsa 2019-yilda 189,9 trln. so'm (dollar ekvivalentda 21,5 mlrd. AQSh doll.) yoki 2018-yilga nisbatan 133,9 % asosiy kapitalga investitsiyalar o'zlashtirilgan.

2019-yilda YaIMga nisbatan asosiy kapitalga o'zlashtirilgan investitsiyalar 37,1 % ni tashkil etib, 2018-yildagi ko'rsatkichga nisbatan 6,5 % punktga ko'paygan. Mazkur ko'rsatkich 2017-yilda – 23,9 % ni hamda 2018-yilda – 30,6 % ni tashkil etgan.

[1] www.stat.uz O'zbekiston Respublikasi Davlat statistika qo'mitasi rasmiy sayti ma'lumotlari asosida muallif ishlanmasi.

Asosiy kapitalga o‘zlashtirilgan investitsiyalarning yuqori o‘sish sur’atlariga erishilishida to‘g‘ridan-to‘g‘ri xorijiy investitsiya va kreditlarning yuqori o‘sish sur’atlari asosiy omil bo‘lgan. Ular 2018-yilga nisbatan 3,9 martaga o‘sib, jami asosiy kapitalga o‘zlashtirilgan investitsiyalar hajmining – 31,0 % ini, shundan, to‘g‘ridan-to‘g‘ri xorijiy investitsiyalarning 19,6 % (yoki 3,6 marta o‘sishni) tashkil qilgan.

Yuqoridagi statistik ma’lumotlar asosida O‘zbekiston iqtisodiyotida investitsiyalar hajmi oshib borayotganligini kuzatish mumkin. Lekin O‘zbekistonn iqtisodiyotida bundan ham ko‘p hajmdagi investitsiyalarni o‘zlashtirishga potensial yetarli darajada mavjud hamda bundan ham ko‘p investitsiyalarni iqtisodiyot talab qiladi. Investitsiyalar hajmini oshirish uchun invetitsion muhitni yanda qulaylashtirish talab etiladi. Bunga esa raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish asosida erishish mumkin. Mamlakatda raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish asosida investitsion faollikni oshirishga qaratilgan quyidagi takliflarni amaliyotga joriy qilish maqsadga muvofiq hisoblanadi:

- iqtisodiyot tarmoqlariga raqamli texnologiyalar olib kiruvchi investorlarni har tomonlama qo‘llab-quvvatlashni yanada kuchaytirish hamda ularga turlli ko‘rinishdagi imtiyozlar berish tizimini yanda yaxshilash;
- investitsiyalar samaradorligini oshirish maqsadida investitsiyalarni eng avvalo korxonalarni modernizatsiya qilishga yo‘naltirishni joriy qilish;
- respublika iqtisodiyotiga bevosita kapital mablag‘larni keng jalb qilishni ta’minlaydigan huquqiy, ijtimoiy- iqtisodiy va boshqa shart-sharoitlarni muntazam takomillashtirish;
- respublikamizga jahon darajasidagi texnologiyani yetkazib berayotgan, iqtisodiyotning zamonaviy tarkibini vujudga keltirishga ko‘maklashayotgan xorijiy sarmoyadorlarga imtiyoz va preferensiyalarni taqdim etish tizimini takomillashtirish.

Yuqoridagi takliflarni amaliyotga tadbiq etish asosida mamlakatda raqamli iqtisodiyotni yanda rivojlantirish hamda investitsion faollikni oshirish mumkin.

Xulosa o‘rnida aytish mumkin-ki, raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish bugungi kunning eng dolzarb masalalaridan bo‘lib hisoblanadi. Raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish asosida mamlakatda yuqori iqtisodiy o‘sish sur’atlariga erishish mumkin. Bundan tashqari raqamli iqtisodiyotning rivojlanishi mamlakatda xufyona iqtisodiyotning barham berlishiga olib keladi. Bu esa ham davlatga, ham aholiga va eng muhimi tadbirkorlarga qo‘shimcha qulayliklar yaratib beradi. Raqamli iqtisodiyotning rivojlanishi mamlakat investitsion muhitiga ham ijobiy ta’sir ko‘rsatadi. Raqamli iqtisodiyotning rivojlanishi asosida mamlakatda qulay investitsion muhit shakllanib boradi. O‘zbekistonda bugungi kunda investitsion faollikni oshirishga qaratilgan islohatlar natijasida mamlakat iqtisodiyotida investitsiyalarninh hajmi oshib bormoqda. Bu esa yuqori iqtisodiy o‘sish sur’atlariga erishishga hamda mamlakatda makroiqtisodiy barqarorlikni ta’minlashga olib kelmoqda. Eng muhimi hozirgi kunda O‘zbekiston iqtisodiyotida raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish asosida investitsion faollikni oshirish eng

dolzarb masalalardan bo‘lib hisoblanadi. Chuki buning asosida iqtisodiyotni bundan ham yuqori darajada rivojlantirish mumkin.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning 2019-yil uchun mo‘ljallangan eng muhim ustuvor vazifalar haqidagi Oliy Majlisga Murojaatnomasi.// Xalq so’zi, 2018 yil 29 dekabr.
2. Mustafakulov Sh.I., “Investitsion muhit jozibadorligi: nazariya, metodologiya va amaliyot”. Monografiya – T.: “Ma’naviyat” O‘zbekiston Respublikasi Bank-moliya akademiyasi. 2017-y. 18-b.
3. “O‘zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo‘yicha harakatlar strategiyasi to‘g‘risida” to‘g‘risidagi O‘zbekiston Resspublikasi Prezidenti Farmoni. PF-4947. 2017-yil 7-fevral. https://lex.uz/docs/-3107036
4. Hui-Ching Hsieh, Sofia Boarelli, Thi Huyen Chi Vu. “The effects of economic policy uncertainty on outward foreign direct investment”. International Review of Economics and Finance 64 (2019) 377–392.
5. Maxmudov N.M., Avazov N.R. “O‘zbekiston iqtisodiyotini rivojlantirishda investitsiyalardan samarali foydalanish yo‘llari”: Ilmiy-ommabop risola. – T.: TDIU, 2019-y. 104 b.
6. www.stat.uz O‘zbekiston Respublikasi Davlat statistika qo‘mitasi rasmiy sayti ma’lumotlari.
7. www.tsue.uz Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti rasmiy sayti ma’lumotlari.

У.Худойбердиев – *СамИСИ доценти,*
К.Мухаммадиева – *СамИСИ магистранти.*

ЎЗБЕКИСТОНДА ТИББИЙ ХИЗМАТЛАР РИВОЖЛАНИШИ КЎРСАТКИЧЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Аҳоли соғлиғи барча вақтларда эътиборда бўлган. Қадимги пайтларда одамларнинг касалликларини турли хил шахслар: табиблар, кохинлар, муллалар даъволаб келган. Лекин касаллик турлари кўп бўлгани сабабли, уларни даволашнинг иложи бўлмасдан, кўплар касаллиги туфайли вафот этишган. Фан, техника ва технологиянинг ривожланиши, айниқса тиббий ва фармацевтика фанларини ривожланиши натижасида касалликларнинг турлари аниқланиб, уларни даволаш усуллари такомиллаштирилди.

Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки йиллариданоқ аҳолининг соғлиғини сақлашга катта эътибор қаратилди. Давлат бюджетидан соғлиқни сақлашга катта маблағ ажратилиб намунавий лойиҳадаги қишлоқ врачлик пунктлари (ҚВП), стационар шифохоналар, ихтисослаштирилган тиббий марказлар ташкил этилди.

Бу тиббий марказларга қуйидагилар киради:

1. Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази.
2. А. Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия маркази.
3. Республика ихтисослаштирилган урология маркази.
4. Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси.
5. Ихтисослаштирилган илмий-амалий педиатрия маркази.
6. Ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий маркази.
7. Ихтисослаштирилган дерматология ва венерология илмий-амалий тиббиёт маркази.
8. Ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий маркази.

Бу ихтисослаштирилган марказлардан ташқари кечиктириб бўлмайдиган тез тиббий ёрдамга муҳтож кассаллар учун жойларда шошилинч тиббий муассасалар ташкил этилди.

Фақат 2001 йили шошилинч тиббий ёрдам тизимининг мамлакат миқёсида ташкил этиш ва жиҳозлаш учун 11.5 млрд. сўм ва 61.5 миллион АҚШ доллари миқдорида хорижий кредитлар сарфланган.[1]

Мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида, ижтимоий соҳадаги давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири бўлган она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш масаласи етакчи ўринни эгаллайди. Бу борада хотин қизларга, айниқса туғриқ ёшида бўлган кенг тушунтириш ишларини олиб бориш, хомиладор аёллар билан хомиланинг яхши, соғ ривожланиши бўйича доимий назорат олиб бориш учун Республика перинтал маркази ва унинг Тошкент шаҳридаги ва вилоят марказларидаги филиаллари ташкил этилди. Натижада оналар ва гўдаклар ўлими сезиларли даражада камайди.

1-жадвал

Ўзбекистонда тиббиёт хизматларининг 2012-2017-йилдаги асосий кўрсаткичлари

		2012	2013	2014	2015	2016	2017	2017 й 2012 йилга нисбати,%
1	Шифохона муассасалари сони	1225	1128	1058	1071	1106	1135	92.7
2	Шифохона ўринлари сони, минг	138.3	134.0	130.9	129.7	132.0	135.7	98.1
3	Стационарда даволанган беморлар сони, минг киши	4974.7	5150.3	5294.0	5293.9	5581.5	5984.8	120.3
4	Амбулатория-поликлининка муассасалар	6389	6421	6054	6220	6542	5296	82.9

[1] Аҳоли ўртасида соғлиқни сақлаш бўйича олиб борилган ишлар, натижасида полиомиэлит, ичтерлама, дифтерия каби юқумли касалликлар билан касалланишлар умуман тугатилди деса бўлади. Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг мустақиллик йилларида (1900-2010 йиллар) асосий тенденсия ва кўрсатгичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прагнозлари. Т. “Ўзбекистон”. 2011: 110-бет

	сони							
5	Амбулатория-поликлиника муассасалар қуввати бир сменада қатновлар, минг	424.3	418.5	406.7	407.0	411.9	405.3	95.5
6	Болалар поликлиникалари сони	2418	2418	2104	1997	1783	1102	45.6
7	Барча мутахасисликдаги шифокорлар сони, минг	81.3	81.7	82.0	83.4	84.1	85.4	105.0
8	Битта шифокорга тўғри келадиган, киши	369	373	378	379	382	383	103.8
9	Ўрта тиббиёт ходимлар сони, минг киши	324.6	327.4	332.4	336.4	341.3	348.2	107.3

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, ушбу даврда шифохона муассасалари кўпаймаган, айниқса 2014 йилда 1058 тагача камайган. Шифохоналардаги ўринлар сони ҳам 2012-2017 йилларда кўпаймаган, ваҳоланки улардаги даволанувчилар сони 4974.7 мингдан (2012 йил), 5984.8 минг кишига (2017 йил), яъни 20.3%га кўпайган. Ушбу даврда амбулатория-поликлиникалар сони ҳам камаймаган, 2012 йилги 6389 тадан 2017 йилга келиб 5296 та бўлган. Болалар поликлиникаси сони камайиши, қишлоқ врачлик пунктлари ва поликлиникаларни оилавий поликлиникаларга айлантирилгани билан боғлиқ. Оилавий поликлиникалар болалар шифокор мутахассислари билан таъминланди ва болалар ҳам ота-оналари (катталар) бир жойда тиббий хизматлар оладиган бўлди.

Давлатимиз раҳбари тиббий хизматлар кўлами ва сифатини яхшилашга қаратилган, тиббий соҳани ривожлантириш бўйича 30га яқин фармон ва қарорлар қабул қилди. Бу ҳужжатлар асосида 793та қишлоқ врачлик пунктлари негизида оилавий поликлиникалар, 441 та тез тиббий ёрдам шахобчаси ташкил этилди.[1] Агарда 2016 йилда 806 та тез тиббий ёрдам станцияси фаолият кўрсатган бўлса, 2017 йилда уларнинг сони 2100 дан ошган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг “Соғлиқни сақлаш соҳасидаги хусусий секторни янада ривижлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 1 апрелдаги ПК-2863 қарорига асосан хусусий тиббиёт муассасалари шуғулланиши мумкин бўлган тиббий ихтисослик 50 тадан 126 тага кўпайтирилди. Натижада Тошкент шаҳрида Жанубий Корея, Ҳиндистон, Туркия; Жиззах шаҳрида Жанубий Корея; Фарғона Қарши каби шаҳарларда Ҳиндистон каби давлатлар билан қўшма клиникалар ташкил этилди. Натижада хусусий тиббиёт муассасалари сони 3860 дан ошиб кетди.

Кейинги йилларда соғлиқни сақлаш тизимида ишлайдиган ходимларнинг иш ҳақи бир неча бор оширилди. Натижада чет эл тиббиёт клиникаларида ишлаётган юқори малакали мутахассис ватандошларимиз мамлакатимизга қайтиб фаолиятини бошладилар.

[1] Тиббиёт соҳасидаги ислоҳатлар аҳолининг ҳаётдан розилиги, эл-юртимиз тараққиётига хизмат қилсин. Халқ сўзи газетаси, 2017 йил 19-октябр.

Соғлиқни сақлаш соҳасидаги юқори технология ва сифатли ёрдам кўрсатиш тиббий хизмат ҳажмининг муттасил ошишига олиб келди. 2017 йилга келиб соғлиқни сақлаш бўйича хизматлар ҳажми 1701.5 млрд. сўмни ташкил этди, 2011 йилга нисбатан 4.8 кўпайганлиги (2017 йилда-354.4 млрд. сўм) таъминланди.

Аҳолининг соғлиғини сақлаш дори-дармонсиз бўлмайди. Бу борада давлатимиз раҳбарининг “Нукус-фарм”, “Зомин-фарм”, “Косонсой-фарм”, “Сирдарё-фарм”, “Бойсун-фарм”, “Бўстонлик-фарм” ва “Паркент-фарм” эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиши тўғрисида”ги фармони юртимизда фармасевтика соҳасини ривожлантириш, дори-дармон воситаларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аҳолини сифатли дори ва тиббиёт воситалари билан таъминлашни яхшилаш билан бир қаторда, уларни экспорт қилиш имконини ҳам яратди. Натижада маҳаллий фармасевтика корхоналари ишлаб чиқараётган дорилар тури 2300дан ошиб кетди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий мажлисга мурожаатномасида “Соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, тиббий хизмат сифатини ошириш бўйича ислоҳотларимизни ҳам қатъият билан давом эттирамиз” деб таъкидлаган. Бу борада давлат тиббиёт ташкилотлари ва аҳолини дори воситалари, тиббиёт буюмлари билан таъминлашга 2019 йилга нисбатан 1,3 баробар кўп, яъни қарийиб 1,5 триллион сўм ажратилиши, 281 та тиббиёт муассасасини қуриш ва таъмирлашга бюджетдан 1,1 триллион сўм сарфланиши режалаштирилган. Шу билан биргаликда давлат-хусусий шерикчилик асосида, ҳамда хорижий инвесторларни жалб этиш чораларини кўриб, тиббиётни янада соғлом рақобат асосида ривожлантириш белгиланмоқда.

Pardayev M. Q.-Professor at SIES
Kadirova Sh.I.- Master student at SIES

MANAGEMENT OF PRODUCION COSTS AND THEIR IMPACT ON THE ECONOMIC EFFICIENCY

Annotation *the article depicts the management of production costs and their affect on economic efficiency, and the economies of scale.*

Key words *production costs, production efficiency, economic efficiency, economies of scale.*

Introduction

The increase competitiveness of the domestic and foreign markets has demanded the improvement of management practices by the managers in order to enhance the technical and economic efficiency.

The company's profitability depends on some factors. The important factors are economy of scale, time dedicated to firm activity, use of equipment, application of management technologies, distance of consumer markets, environmental conditions, possibility of placing the product in the market, economic efficiency measures and etc.

Production cost

Production cost is the cost incurred by a company when manufacturing product or providing service. Production cost includes different expenses such as labor, raw materials, consumable manufacturing supplies and general overhead. Moreover, taxes or royalties owed by natural recourses extracting business companies are also considered costs. For a cost to qualify as production cost, it must be directly tied to the generation of revenue for the company.

Production efficiency

Production efficiency is an economic level at which the economy can no longer manufacture extra amounts of product without lowering the production level of another good. Efficient production is reached when good is made at its lowest average total costs. Additionally, production efficiency measures whether the economy is manufacturing as much as possible without wasting precious resources. The main purpose of production efficiency is to find a balance between the use of resources, the rate of production and quality of products being produced. If the economy is not able to create more of good without sacrificing the production of another, in this case a maximum level of production has been reached.

Economic efficiency

Economic efficiency determines an economic state in which each recourses is absolutely allocated to serve each individual or entity in the profitable way simultaneously minimizing waste and inefficiency. Economic efficiency can described as any changes made to help one entity would harm another. In terms of production costs, goods are manufactured at their minimum possible costs, as are the variable inputs of production.

Production vs. Efficiency

Productivity serves as measurement of output normally expressed as some units per an amount of time, such as 100 units per hour. Efficiency relates to how well a goal is accomplished, normally by considering the number of recourses used, and waste created, in comparison to goods produced.

Efficiency measurement

Efficiency is measured by dividing a worker's actual output rate by the standard output rate and multiplying the outcome by 100 percent. The standard output rate is worker's normal rate of performance or the volume of work a trained employee may produce per unit of time using a prescribed method and with the usual effort and experience. As production efficiency increase, production costs go down.

What are the economies of scale?

Economies of scale defines as the costs benefit experienced by a company when it enhance its level of production. The benefit rises because of the inverse the connection between per-unit fixed cost and the quantity produced. Economies of scale also result in a fall in average variable cost with an increase in output. This is brought about by operational efficiency and synergies as a result of an increase in the level of production.

Economies of scale can be implemented by a company at any time of production process. Manufacturing refers to the economy concept of production and involves every activities connected to the commodity not involving the consumer. Thus, the firm can make a decision whether to implement economies of scale in its marketing division by hiring a big number of experts. A company can also adopt the same in its input sourcing division by replacing from human labor to machine.

Effects of economies of scale on production cost

1. It decreases the per unit fixed cost. As a result of increased manufacturing, the fixed cost acquires spread over more output than before.

2. It decreases the per unit variable costs. Economies of scale reduces the per unit variable costs. This occurs as the enhanced scale of production increases the efficiency of the production.

Main elements of economies of scale

1. Purchasing.

Companies may be able to reduce average costs by purchasing raw materials requires for the production process in bulk or from special wholesales.

2. Managerial.

Companies may be able to reduce average costs by enhancing the management structure within the firm. The company might hire skilled or more experienced managers.

3. Technological.

A technologically advance might completely change the production process. For example, fracking changed the oil industry some years ago. However, not all firms can afford to invest in expensive fracking equipment to take advantage of modern technology.

Conclusion

As economy shift and matures the manufacturing companies will need to shift and mature along with it. If manufacturing industries fail to compete on a global level, they may get left behind.

One way to insulate the manufacturing from both predictable and unpredictable economic fluctuations is by enhancing the efficiency of processing equipment and techniques. Improved production equipment and processes often results in the increase in uptime, reduce in downtime, improve in formula control, upgrade in traceability and integrate in automation in processing systems.

By investing in these elements, the manufacturing company will be more equipped to cope with any economic changes that come along while increasing profits.

Т.Кудратов - СамВМИ “Чорвачиликда иқтисодий самарадорлик ва бухгалтерия ҳисоби” кафедраси доценти
Р.Кудратов - Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти “Менежмент” кафедраси катта ўқитувчиси, и.ф.н

МОДДИЙ АЙЛАНМА МАБЛАҒЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИ ТАҲЛИЛИ КЎРСАТКИЧЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация

Мақолада моддий айланма маблағлардан(материаллардан) фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичларининг микроиқтисодиёт ва иқтисодий таҳлилий адабиётларида тавсифланиши ва ҳисобланиши бўйича усулларининг мазмунини ўрганиш асосида уларда мавжуд бўлган ютуқ, камчилик ва нуқсондарга баҳо берилганлиги ва уларни такомиллаштириш бўйича муаллифларнинг тавсиялари баён қилинган. Моддий айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иқтисодий самарадорлик турларига *бўлиб ўрганиш тавсия этилган.Ишлаб чиқариш самарадорлигини ишлаб чиқаришда яратилган ялпи маҳсулот суммасини (ҳажмини) шу маҳсулотни яратишда сарф бўлган материал харажатлар ҳажмига нисбатан аниқлашни, иқтисодий самарадорликни иқтисодий самарани (яъни ялпи фойда ҳажмини) сарф бўлган моддий ишлаб чиқариш(материал) харажатлари ҳажмига нисбатан аниқлашни, ҳамда шулар асосида омилли таҳлилни амалга ошириш тавсия этилганлиги ушбу мақолада баён қилинган (акс эттирилган).*

Калит сўзлар

Модий айланма маблағлар (материаллар)**.** Самарадорлик. Ишлаб чиқариш самарадорлиги. Иқтисодий самарадорлик.Материаллар қайтими. Материаллар сиғими. Модий айланма маблағлар рентабеллиги.

Модий айланма маблағлардан (материаллардан) самара фойдаланиш ишлаб чиқариш ҳажмининг кенгайишига ва корхона фаолияти самарадорлигининг ошишига олиб келувчи омиллардан бири бўлиб, ҳисобланади. Шунинг учун унинг кўрсаткичларини аниқ белгилаш ва даражасини аниқ ҳисоблаш ҳамда таҳлилини ҳаққоний амалга ошириш зарур,чунки улар асосида жараён натижалари –ишлаб чиқариш ва иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларига баҳо берилади. Ҳаётда, иқтисодчи олимлар томонидан яратилган иқтисодий ва таҳлилий адабиётларда модий айланма маблағлардан (материаллардан) фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичлари мазмуни бўйича турлича, бир бирига мос келмайдиган усулларда

(шаклларда) баён қилиниб,таърифланиб келинмоқда. Ушбу кўрсаткичлар ва уларни ҳисоблаш усулларини қиёслама ўрганиш асосида, уларда содир бўлган ютуқлар, камчиликлар ва нуқсонларга баҳо берилди ва уларни такомиллаштириш бўйича қуйидаги фикрлар тавсия этилди: материаллар қайтимини аниқлашда ишлаб чиқариш самараси бўлиб ҳисобланган ишлаб чиқаришда яратилган ялпи маҳсулотни моддий ишлаб чиқариш харажатларига нисбатан , материаллар рентабеллигини аниқлашда иқтисодий самара бўлган ялпи фойдани моддий ишлаб чиқариш харажатларига нисбатан ҳисоблаш ва таҳлил қилиш тавсия этилди . Шундай ёндошилса, модий айланма маблағлардан (материаллардан) фойдаланиш ишлаб чиқариш самарадорлиги ҳам, иқтисодий самарадорлиги ҳам аниқ ва тўғри ҳисобланган бўлади. Булар ўз навбатида модий айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлик кўрсаткичларинингтаҳлилини ҳаққоний ва объектив амалга ошириш имконияти беради.

Материаллар ва методлар.

Мақолада фойдаланилган ва таҳлил қилинган материаллар бўлиб, рус ва ўзбек олимлари томонидан яратилган фермер хўжалиги иқтисодиёти, қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти, қишлоқ хўжалик иқтисодиёти ва менежменти, иқтисодий таҳлил, қишлоқ хўжалик корхоналари фаолиятининг таҳлили, молиявий ва бошқарув таҳлили каби дарслик ва ўқув-услубий қўлланмалар каби адабиётларда , моддий айланма маблағлар (материаллар) самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар бўйича баён қилинган таърифлар, қоидалар, фикрлар (ҳамда уларни ҳисоблаш формулалари) ҳисобланади. Келтирилган материалларни ўрганиш ва таҳлил қилишда қиёслама ва омилли таҳлил методларидан (усулларидан) фойдаланилди.

Натижалар ва уларнинг таҳлили.

Корхоналарда моддий айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлиги асосан материаллар қайтими, материаллар сиғими ва рентабеллиги кўрсаткичлари орқали ифодаланиб,таҳлил қилиниб келинмоқда. Иқтисодий адабиётлар дунёсида акс эттирилган моддий айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичларини қиёслама ўрганиш шуни кўрсатдики, уларни ифодаловчи кўрсаткичлар мазмуни ва ҳисобланиш усуллари бўйича бир биридан фарқ қилиш ҳолатларининг мавжуд лиги маълум бўлди. Масалан, моддий айланма маблағлардан фойдаланишнинг бевосита самарадорлик кўрсаткичи бўлиб, материаллар қайтими ҳисобланади, Материаллар қайтими, ўрганилган иқтисодий адабиётларнинг айримларида, товар маҳулоти қийматини моддий харажатлар қийматига нисбатан, бошқа бирларида етиштирилган маҳсулот қийматини материал харажатларга нисбатан,яъна айримларида сотилган маҳсулот қийматини моддий айланма воситаларнинг ўртача йиллик қийматига нисбатан,яъна бошқа бирларида ишлаб чиқаришда яратилган натижа-ялпи маҳсулот ҳажмини моддий ишлаб чиқариш харажатлари ҳажмига нисбатан ҳисоблаш усуллари баён қилинган. Буларнинг айримларини қуйида 1-жадвалда келтирилган маълумотларидан кўриш

мумкин. Булардан ташқари бошқа иқтисодий адабиётларда ҳам бир биридан фарқ қилиш ҳолатлари кўп учрайди, уларни бу ерда келтирмадик. Энди, ушбу кўрсаткич ва уни ҳисоблаш усулининг мазмунига нисбатан ўз фикримизни билдирамиз. Материаллар қайтимини ҳисоблаш усуллари орасида ялпи маҳсулот ҳажмини моддий ишлаб чиқариш харажатлари ҳажмига нисбатан аниқлаш усулини тўғри деб ҳисоблаймиз ва омилли таҳлилни шу қоида асосида амалга оширишни маъқуллаймиз, чунки ушбу усул материаллардан фойдаланиш ишлаб чиқариш самарадорлигининг мазмунини, яъни материаллар қайтими кўрсаткичининг мазмун-моҳиятини батафсил ифодалайди.

1-жадал

Моддий айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлик кўрсаткичларининг айрим иқтисодий адабиётларда ёритилиши

Ваҳобов А.В. ва бошқ. Молиявий ва бошқарув таҳлили. Дарслик 154-155 бетлар	Савицкая Г.В. Анализ хозяйст. деятелъности предприятий АПК. Учебник. 593 стр.	Муртазаев О. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. Дарслик.177-178 бетлар	Қудратов Т. Қишлоқ хўжалик корх.фаолиятининг таҳлили.Дарслик. 115-116 бетлар
1.Материаллар қайтими: $M_Q = \frac{TMQ}{MX}$	1. Материаллар қайтими: $M_Q = \frac{EMQ}{MX}$	1. Материаллар қайтими: $M_Q = \frac{SM}{MAVQ}$	1. Материаллар қайтими: $M_Q = \frac{\sim M}{MX}$
2. Материаллар сиғими $\boxtimes_S = \frac{MX}{TMQ}$	2. Материаллар сиғими $M_S = \frac{MX}{EMQ}$	2. Материаллар сиғими $M_S = \frac{MAVQ}{SM}$	2. Материаллар сиғими $M_S = \frac{MX}{YM}$
3. Моддий оборот маблағлари рентабеллиги $R_{MOM} = \frac{SF}{MAMQ}$	3.Моддий ресурслар рентабеллиги $R_{MR} = \frac{AFF}{MX}$	3.Моддий айланма воситалар рентабеллиги $R_{MV} = \frac{F}{MAVQ}$	3.Моддий ресурслар рентабеллиги $R_{MR} = \frac{YF}{MX}$
$TMQ -$ товар маҳулоти қиймати, MX –моддий харажатлар қиймати, SF-соф фойда, $MAMQ -$ обор. мабл.ўртача қиймати (260 бет)	$EMQ -$ етиштирилган маҳсулот қиймати, MX –материал харажатлар, $\overline{\overline{=}}FF$ –асосий фаолиятдан олинган фойда.	SM –Сотилган маҳсулот, $MAVQ$ –Моддий айланма воситалар ўртача қиймати, F –Фойда	YM –ялпи маҳсулот, $MX -$ моддий ишлаб чиқариш харажатлари., YF –сотишдан олинган ялпи фойда

Бу кўрсаткич ишлаб чиқаришда яратилган натижанинг (ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмининг) ишлаб чиқаришга сарф бўлган моддий харажатлар(материал харажатлар) ҳажмига нисбатан аниқланиши ҳақиқатга тўлиқ мос келади.Бошқа усулларга, товар маҳулоти қийматини моддий

харажатлар қийматига нисбатан ёки сотилган маҳсулот қийматини моддий айланма воситаларнинг ўртача йиллик қийматига нисбатан анифланадиган кўрсаткичларга бизнинг эътирозимиз бор. Масалан, товар маҳулоти қийматинитг моддий харажатлар қийматига нисбатан аниқланадиган материаллар қайтими кўрсаткичи материаллардан фойдаланиш ишлаб чиқариш самарадорлиги даражасини бевосита ифодалай олмайди, чунки товар маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажмини тўлиқ қамраб олалмайди , у ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулотнинг бир қисмини ифодалайди, холос. Бошқача айтганда, ишлаб чиқаришда яратилган маҳсулотнинг , яъни ялпи маҳсулотнинг бир қисми бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун моддий айланма маблағлар (материаллар) қайтими кўрсаткичини ҳисоблашда ишлаб чиқаришда яратилган жами маҳсулот ҳажми (ялпи маҳсулот қиймати)ни ифодаловчи кўрсаткичдан фойдаланиш зарур. Товар маҳсулоти ва сотилган маҳсулот ҳажми (қиймати)ни ифодаловчи кўрсаткичдан фойдаланиш маъқул бўлмайди. чунки улар ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмини тўлиқ қамраб олалмайди, яъни товар маҳсулоти ялпи маҳсулотнинг бир қисмини, сотилган маҳсулот эса товар маҳсулотининг бир қисмини ташкил қилади, холос. Ишлаб чиқарилган маҳсулот (ялпи маҳсулот) ўз ичига товар маҳсулотини, қайта ишлашга берилган маҳсулотни, хўжаликнинг ўзида истеъмол қилинга маҳсулотни ва бошқаларни олади. Демак, материаллар қайтимни ҳисоблашда ушбу кўрсаткичларнинг ҳаммаси ҳисобга олиниши шарт. Шунинг учун моддий айланма маблағлар (материаллар) қайтими кўрсаткичини ҳисоблашда ишлаб чиқаришда яратилган жами маҳсулот ҳажми (ялпи маҳсулот қиймати)ни ишлаб чиқаришга сарф бўлган моддий ишлаб чиқариш харажатлари(материал харажатлари) ҳажмига нисбатан аниқланиши ҳақиқатга тўғри келади деб ҳисоблаймиз ва уни қуйидаги формула орқали ҳисоблашни тавсия қиламиз:

$$MAM_Q = \frac{YM}{MX}$$

Бу ерда, аAM_Q −моддий айланма маблағлар (материаллар) қайтими, YM −ишлаб чиқарилган (етиштирилган) маҳсулот ҳажми (ялпи маҳсулот ҳажми), MX − моддий ишлаб чиқариш харажатлари ҳажми.

Моддий айланма маблағлар сиғими моддий айланма маблағлар қайтимининг аксини ифодалайди.Бу қуйдагича ифодаланади:

$$MAM_S = \frac{MX}{YM}$$

Моддий айланма маблағлар (материаллар)дан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичи бўлиб, рентабеллик ҳисобланади.Ушбу кўрсаткичнинг ифодаси ҳам иқтисодий адабиётларда ҳар хил мазмунларда баён қилиниб келинмоқда. Масалан, айрим адабиётларда асосий фаолиятдан олинган фойданинг материал харажатлари ҳажмига нисбатан, бошқа бирларида фойданинг моддий айланма воситаларнинг ўртача йиллик қийматига нисбатан, яна айримларида соф фойданинг моддий оборот маблағларининг ўртача йиллик қийматига нисбатан , яна бошқа бирлари

сотишдан тушган ялпи фойданинг моддий ишлаб чиқариш харажатларига нисбатан аниқлаш баён қилинган. Энди, ушбу фикрларга ўз муносабатимизни билдирамиз.Масалан, асосий фаолиятдан олинган фойда асосида аниқланган моддий айланма маблағлар рентабеллиги вариантига эътирозимиз бор, чунки ушбу фойда маҳсулотни сотишдан олинган ялпи фойда, асосий фаолиятнинг бошқа даромади (фойдаси) ва бошқа харажати (зарари) кўрсаткичлари таъсири остида шаклланади. Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари ва харажатлари маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнидан ташқарида юзага келади, бевосита маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнига алоқаси йўқ.Шунинг учун моддий харажатлар сарф бўлган ишлаб чиқариш жараёнида яратилиб, юзага келган фойдани олиш зарур деб ҳисоблаймиз.Ушбу фойда бўлиб, ишлаб чиқариш жараёнида яратилган ва сотиш жараёнида шаклланган (мана мен борман деб ўзини намоён етган-кўрсатган) ялпи фойда ҳисобланади.

Бошқа бирларида рентабеллик соф фойда асосида аниқланган.Буни ҳам тўғри деб бўлмайди, чунки соф фойда ишлаб чиқариш жараёнига мутлақо алоқаси бўлмаган молиявий кўрсаткичлар асосида шаклланади. Ушбу фойдага қадар асосий фаолият фойдаси, умумхўжалик фаолияти фойдаси, солиқ тўлангунга қадар бўлган фойда шаклланади,охирида соф фойда шаклланади.

Айрим олимлар моддий айланма маблағлар рентабеллигини фойданинг моддий айланма воситаларнинг ўртача йиллик қийматига нисбатан аниқлашни баён қилишган.Бу ерда фойданинг аниқ номи кўрсатилган эмас.Фойданинг 5-та тури бор, шулардан қайси олинган, шуни аниқ кўрсатиш керак. Моддий айланма маблағлар рентабеллиги ишлаб чиқариш рентабеллигини ифодаламайди, у моддий айланма маблағлардан фойдаланиш иқтисодий самарадорлигини ифодалайди, Шунинг учун иқтисодий самара таъсирида юзага келувчи рентабеллик моддий айланма воситаларнинг ўртача йиллик қийматига нисбатан эмас, у фақат ишлаб чиқариш харажатларига нисбатан ҳисобланиши керак.Биз буни қуйидаги формула асосида аниқлашни тавсия утамиз:

$$R_M = \frac{YF}{MX}$$

Бунда, $R_M -$ моддий айланма маблағлар рентабеллиги., $YF -$ ялпи фойда., $MX -$ моддий ишлаб чиқариш харажатлари.

Юқорида баён қилинган фикрлар орасида моддий айланма маблағлар рентабеллигини, ишлаб чиқаришда яратилган ва сотиш жараёнида шаклланган ялпи фойда ҳажмини моддий ишлаб чиқариш харажатлари ҳажмига нисбатан аниқлаш мақсадга мувофиқдир деган фикр мавжуд. Ушбу фикрни биз тўғри деб ҳисоблаймиз,чунки ушбу фикр биз шу вақтгача баён қилиб келган ва ҳозир тавсия қилаётган фикримизга мос келади.Демак, моддий айланма маблағлар рентабеллигини ялпи фойда ҳажмини моддий ишлаб чиқариш харажатлари ҳажмига нисбатан аниқлашни тўғри деб ҳисоблаймиз.

Хулоса

Моддий айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлик кўрсаткичлари ва уларни ҳисоблаш усулларини такомиллаштириш мақсадида қуйидаги фикрларни тавсия этамиз:

1.Моддий айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини ишлаб чиқариш ва иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари турдарига бўлиб ўрганишни.,

2. Моддий айланма маблағлардан фойдаланиш ишлаб чиқариш самарадорлиги (қайтими ва сиғимини) кўрсаткичларини ,ишлаб чиқариш самараси (ялпи маҳсулот) билан моддий ишлаб чиқариш харажатлари ҳажмининг ўзаро нисбати тариқасида ҳисоблашни.,

3. Моддий айланма маблағлардан фойдаланиш иқтисодий самарадорлик кўрсаткичини (яъни рентабеллик даражасини), ишлаб чиқаришда яратилиб, сотиш жараёнида шаклланган ялпи фойда ҳажмини моддий ишлаб чиқариш харажатлари ҳажмига нисбатан ҳисоблашни тавсия этамиз.

Фойдаланилган адабиётлар

1.Ваҳобов А.В., Иброҳимов А.Т. Ишонқулов Н.Ф.,, “Молиявий ва бошқарув таҳлили”. Дарслик. Т.: “Шарқ”, 2005йил,280 бет.

2. Муртазаев О., Ахроров Ф.Б. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. Дарслик. Т.:“Илм Зиё”,2017 йил, 416 бет

3. Романова Л.Е. и др. Экономический анализ. Учебное пособие. Питер-2011год, 332 стр.

5. Савицкая Г.В. Анализ хозяйственной деятелъности предприятий АПК. Учебник. Минск ооо « Новое знание», 2001 год, 686 стр.

6. Умурзақов Ў.П. ва бошқалар. Фермер хўжалиги иқтисодиёти. Ўқув қўлланма. Т.: ”Иқтисод ва молия”,2008 йил, 274 бет

7.Умурзақов Ў.П. ва бошқалар. Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти ва менежменти”. Ўқув қўлланма. Т.:”Иқтисод ва молия”,2008 йил, 268 бет

8. Қудратов Т.,Файзиева Н. Қишлоқ хўжалик корхоналари фаолиятининг таҳлили. Дарслик. Самарканд-2010йил, 272 бет

9. Қудратов Т.,Файзиева Н. Корхоналар фаолиятининг таҳлили ва назорати. Дарслик.- Т.: “Ворис” нашриёти, 2012 йил, 256 бет

10. Қудратов Т., Иброҳимов М. Иқтисодий таҳлил. Ўқув қўлланма. Т.: “Илм зиё”, 2017 йил, 8-нашри.

11.Қудратов Т.,Кудратов Р.Т. Иқтисодий таҳлил ва аудит. Лекциялар курси. Самарқанд,2019йил, 98 бет

З.Т.Гаибназарова - кандидат экономических наук, доцент, докторант кафедры «Корпоративное управление» Ташкентский государственный технический университет имени Ислама Каримова

МЕТОДЫ ОЦЕНКИ СТОИМОСТИ НАЦИОНАЛЬНОГО ЧЕЛОВЕЧЕСКОГО КАПИТАЛА

Аннотация. В статье рассмотрены методы оценки стоимости национального человеческого капитала учеными экономистами зарубежных стран, а также приведены источники накопления человеческого капитала, национальное богатство мира на начало XXI века, в конце статьи приведен авторское заключение.

Ключевые слова: национальный человеческий капитал, стоимость человеческого капитала, затраты, дисконтирование, метод оценки

В настоящее время методы оценки стоимости национального человеческого капитала продолжают совершенствоваться и формироваться. Использовались два основных метода: затратный - по совокупным инвестициям в человеческий капитал и дисконтный - расчеты стоимости человеческого капитала по заданной норме доходности национального богатства. Эти же методы используются, как известно, и для оценок стоимости объектов и инвестиционных проектов.

Американский экономист Дж. Кендрик один из первых применил затратный метод расчета стоимости национального человеческого капитала. Эта методика оказалась удобной для США, где имеются обширные и достоверные статистические данные [1,2]. Дж. Кендрик включил в инвестиции человеческого капитала затраты семьи и общества на воспитание детей до достижения ими трудоспособного возраста и получения определенной специальности, на переподготовку, повышение квалификации, здравоохранение, на миграцию рабочей силы и др. В накопления он также включил вложения в жилищное хозяйство, бытовые товары длительного пользования, запасы товаров в семьях, затраты на научные исследования и разработки. В результате расчетов он получил, что человеческий капитал в 1970-х годах составлял более половины в накопленном национальном богатстве США (без учета государственных инвестиций). Метод Кендрика, однако, не позволяет оценивать «чистую стоимость» человеческого капитала (за минусом его «износа»). Этот метод не содержал методики выделения из общей суммы затрат части затрат, используемой на воспроизводство человеческого капитала и на реальное его накопление, на его рост.

Вклад науки (НИОКР) в человеческий капитал исследовал Национальный научный фонд США совместно с экспертами ОЭСР. Фонд разработал систему показателей научно-технического прогресса, в том числе затрат на НИОКР (разработанное фондом «Руководство Фраскат» стало международным стандартом для сравнительного анализа результатов

научных исследований). В руководстве изложена методология оценки текущих расходов на НИОКР и их накопления как нематериального капитала и фактора экономического роста [3].

Значительный вклад в разработку расширительной концепции национального богатства (с учетом вклада человеческого капитала) внесли аналитики Всемирного банка, которые опубликовали серию работ, обосновавших эту концепцию. В методологии Всемирного банка обобщены результаты и методы оценки человеческого капитала других школ и авторов. В методике Всемирного банка, в частности, учитываются накопленные знания и другие составляющие человеческого капитала. Результаты этих расчетов приведены в таблице 1., а инвестиции в ЧК, по которым оценивалась его стоимость, - на рисунок 1.

Таблица 1.

Оценки человеческого капитала в ряде стран мира в конце XX века [4,5]

Страны	Общий объем, трлн. долл.	Человеческий капитал, в % к:		
		Национальному богатству стран	Мировому итогу	Уровню США
Мировой итог	365	66	100	384
Страны «семерки» и ЕС	215	78	59	226
из них:				
США	95	77	26	100
страны ОПЕК	45	47	12	47
страны СНГ	40	50	11	42
Прочие страны	65	65	18	68
в том числе Китай	25	77	7	26
Бразилия	9	74	2	9
Индонезия	9	75	2	9
Мексика	8	77	2	8
Индия	7	58	2	7
Пакистан	4	80	1	4



Рис.1. Источники накопления человеческого капитала [6]

По этой методике были рассчитаны стоимости ЧК групп стран в начале XXI века, приведенные в таблице 2. Источники выбраны по группировкам

затрат на соответствующие направления, это - наука, образование, культура и искусство, здравоохранение и информационное обеспечение.

Таблица 2.

Национальное богатство мира на начало XXI века [5]

Страны	Национальное богатство		В том числе по видам капитала, трлн. долл.		
	всего, трлн. долл.	на душу населения, тыс долл	Человеческий	Природный	Физический
Мировой итог	550	90	365	90	95
Страны «семерки» и ЕС	275	360	215	10	50
Страны ОПЕК	95	195	45	35	15
Страны СНГ	80	275	40	30	10
Прочие страны	100	30	65	15	20

Человеческий капитал, как следует из таблицы 1, в большинстве стран превышает половину накопленного национального богатства. Для развитых стран это отражает высокие уровни и качество человеческого капитала. Для развивающихся и слаборазвитых стран - высвечивает недостатки методологии расчетов стоимости человеческого капитала по затратам, которая не отражает высокую долю потерь инвестиций, высокие доли отрицательного и пассивного человеческого капитала. И в целом - не отражает качество и эффективность национального человеческого капитала.

Следует еще раз подчеркнуть, что изложенная выше методика оценки человеческого капитала по затратам, достаточно корректная для развитых стран с эффективными государственными системами и эффективными экономиками, дает значительную погрешность для развивающихся стран и стран с переходными экономиками. Так, например, человеческие капиталы развивающейся страны и развитой страны имеют отличающиеся в разы и на порядки производительности труда и человеческого капитала.

В этом смысле Саймон Кузнец четко отметил, что опыт развитых стран пригоден только для развивающихся стран с высоким уровнем стартового человеческого капитала, что, к сожалению, не имеет места для всех развивающихся стран, включая Узбекистан, у которой стартовый человеческий капитал в настоящее время очень низок.

Изложенные выше методы оценки стоимости человеческого капитала обладают своими достоинствами и недостатками. Затратный метод по инвестициям в человеческий капитал сравнительно полезен на уровне индивидуального человеческого капитала, в меньшей степени - на корпоративном уровне человеческого капитала. На уровне национального человеческого капитала этот метод не учитывает непроизводительные, потерянные, в том числе, разворованные инвестиции, например, инвестиции

в индивидуумов, не занимающихся созидательной деятельностью, инвестиции в некомпетентность, в ложные инновации и проекты и т.д.

Другими словами: затратный метод не учитывает инвестиции в отрицательный накопленный человеческий капитал, который препятствует процессам развития. Не различает он также пассивный и креативный человеческие капиталы.

В то же время затратный метод на уровне национального человеческого капитала четко определяет парадигму и концепцию развития страны: направлена ли она на развитие человеческого капитала, на повышение качества жизни населения, на развитие образования, науки и инновационной системы или направлена на иные цели. Это довольно легко определить по долям государственных инвестиций от ВВП в культуру, образование, здравоохранение и науку.

Литература

1. Кендрик Дж. Совокупный капитал США и его функционирование. М.: Прогресс, 1976

2. Кендрик Дж. Экономический рост и формирование капитала // Вопросы экономики, 1976, № 11.

3. Survey of Current Business, 1994, № 11, p. 37-71.

4. Нестеров Л., Аширова Г. Национальное богатство и человеческий капитал // ВЭ, 2003, № 2;

5. Экономическая теория. / Под ред. Николаевой И.П. - М.: Юнити, 2004. - С.:417.

6. Нестеров Л., Аширова Г. Национальное богатство и человеческий капитал // ВЭ, 2003, № 2

7. Гаибназарова З.Т. Развитие человеческого капитала для расширения возможностей трудоустройства в Узбекистане // Научно-аналитический журнал Наука и практика Российского экономического университета им. Г.В. Плеханова. 2016. № 4 (24). С. 57-63.

8. Гаибназарова З.Т. Совершенствование системы высшего образования - основной фактор формирования человеческого капитала // Научно-аналитический журнал Наука и практика Российского экономического университета им. Г.В. Плеханова. 2017. № 3 (27). С. 72-78.

9. Гаибназарова З.Т. Управление персоналом и инновациями в Узбекистане: проблемы трансфера технологий // Научно-практический журнал Социально-трудовые исследования. 2018. №4 (33). С. 113-119.

G'aniyev Shahriddin i.f.n., dotsent
Шодмонова Шахзода талаба Toshkent moliya instituti

BANKLARDA LIZING OPERATSIYALARINING HUQUQIY ASOSLARI VA AHAMIYATI

Annotatsiya: Maqolada O'zbekistonda lizing operatsiyalarining huquqiy asoslari va ahamiyatini aniqlash va amalga oshirish bo'yicha asosiy yondoshuvlar o'rganilgan. Banklarda lizing operatsiyalarining hozirgi zamon tushunchasiga etibor berilgan. Xususan, dunyo mamlakatlarini texnologik yo'nalishi bo'yicha tushunchlar imkon darajada tasavvur va ularni rivojlanishning istiqboli ko'rsatib berilgan.

Kalitli so'zlar: lizing, lizing ob'ekti, tezkor lizingning, lizing shartnomasi, lizing buyurtmasi, qimmatli qog'ozlar, lizing munosabatlari, bank krediti.

O'zbekiston davlat mustaqilligiga erishganidan so'ng respublika va uning xalqi manfaatlariga mos keladigan ijtimoiy-iqtisodiy siyosatini o'tkazish imkoniyati tug'ildi. Bu siyosatning ustuvor yo'nalishi bozor munosabatlariga bosqichma-bosqich o'tishdan iborat. O'z navbatida bozor iqtisodiyoti ko'p bo'g'inli infratuzilmani yaratishni talab etadi. Lizing bozor infratuzilmasining ajralmas qismi bo'lib, mamlakatimiz uchun nisbatan yangi moliyaviy dastakni o'zida mujassam etadi. 1990 - yillarning birinchi yarmida bozor islohotlari natijasida bank, kredit muassasalari va korxonalar ilgari iqtisodiyotimizda qullanilmagan ko'pgina moliyaviy dastaklardan foydalana boshladilar, ayni shu yillarda lizing tuzilmalarini faol tashkil etish, iqtisodiyotning ushbu sohasiga investitsiyalarni jalb qilish, lizing munosabatlarning huquqiy asoslarini shakllantirish boshlandi.

Lizingning bir qator afzalliklari bor, unga quyidagilarni kiritish mumkin:

- tezkor lizingning soddaligi va qulayligi;
- lizing shartnomasini bekor qilish va lizing mol-mulki barvaqt ma'naviy eskirish riskini kamaytirish mumkinligi;
- lizing mol-mulkiga mustaqil xizmat ko'rsatish imkoniyatini olish;
- qimmatli qog'ozlar chiqarish va joylashtirishga nisbatan chiqimlarning birmuncha pastroq darajasi;
- ko'plab mamlakatlarda lizing beruvchilar va lizing oluvchilar uchun yaratiladigan soliq qalqonidan foydalanish mumkinligi;

Lizing munosabatlarini yo'lga qo'yish va keng miqyosda rivojlantirish tadbirkorlikni avj oldirish uchun katta imkoniyatlar ochadi, chunki lizing o'z zaminidagi afzalliklar tufayli lizing bitimining har bir qatnashchisi uchun manfaat keltirishi kerak. Chunonchi, lizing mulkini ishlab chiqaruvchi (sotuvchi) undan foydalanib, avvalo mashina va uskuna sotiladigan qo'shimcha imkoniyatni topadi va shu tufayli mahsulot sotish hajmi kengayib boradi.

Lizing munosabatlarini amalga oshirish xar tomonlama manfaatli bo‘lib, lizing operatsiyalarini amalga oshirish xam mulk sotuvchisiga, ham lizing oluvchiga o’zaro manfaatlidir.

Amaliyotda lizing munosabatlarini moliyaviy faoliyat sifatida keng qo’llanilishiga lizing shartnomasi ishtirokchilariga keltiradigan manfaatlar bilan asoslanadi.[1]

Tijorat banklari tomonidan amalga oshirilgan lizing operatsiyalarining o’sishiga 2002 yil 28 avgustda “Lizing faoliyatlarini rivojlantirishni yanada rag‘batlantirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi O‘zbekiston Respublikasi Birinchi Prezidentining Farmoni ta’sir ko’rsatdi. Prezident farmoni lizing xizmatlarini amalga oshirishni bank krediti bo‘yicha belgilangan soliqqa tortish sharoitlari bilan tenglashtirib berdi. Ya’ni O‘zbekiston Respublikasi Birinchi Prezidentining 2002 yil 28 avgustdagi «Lizing faoliyatini rivojlantirishni yanada rag‘batlantirish chora-tadbirlari to‘g‘risida»gi Farmoni iqtisodiyot tarmoqlarini, xususan kichik va xususiy tadbirkorlikni zamonaviy texnologiya uskunalari bilan jihozlashda, shuningdek, mamlakatimizning ishlab chiqaruvchilari tomonidan tayyorlab chiqarilgan asbob-uskuna va texnikani sotishda lizing faoliyati rolini oshirish maqsadida chiqarilgan zaruriy me’yoriy hujjat bo‘lib, mamalakatimizda lizing munosabatlarini rivojlantirishda yangicha bosqichni boshlab berdi. Ushbu farmonga ko‘ra 2002 yilning 1 sentyabridan boshlab lizing to‘lovlari - qo‘shilgan qiymat solig‘idan, lizingga berish uchun O‘zbekiston Respublikasi hududiga olib kelinadigan texnologiya va uskunalari - vakil bankning tegishli tasdig‘i mavjud bo‘lgan taqdirda boj to‘lovlari va sotishga soliqlardan ozod qilindi. Bunday holat uz navbatida tijorat banklari uchun lizing operatsiyalar bo‘yicha olinadigan daromadlarni ko’paytirish imkoniyatini ochib berdi.

Lizing oluvchi lizing shartnomasini tuzish uchun uning asosiy depozit xisobvarag‘iga xizmat ko’rsatayotgan bankka quyidagi hujjatlarni taqdim etishi lozim:

- lizing buyurtmasi;
- lizing ob’ektining texnik-iqtisodiy ko‘rsatkichlari va uning sotuvchisi to‘g‘risidagi ma’lumotnoma;
- lizingning butun davrini ichiga olgan pul oqimi tahlili kursatilgan biznes-reja:
- oxirgi hisobot sanasiga tuman (shahar) davlat soliq inspeksiya tomonidan qabul qilingan buxgalterlik balansi, moliyaviy natijalari haqida hisobot, muddati utgan debitorlik va kreditorlik qarzdorlik haqidagi ma’lumotnoma, 90 kundan ortiq muddatdagi qarzdorlikni solishtirish dalolatnomalari.

Lizing beruvchi banklar lizing berish yuzasidan qaror qabul qilish uchun lizing oluvchidan uning lizing to’lovlarini amalga oshirish imkoniyatlarini baholash uchun zarur bo’lgan hujjatlarni so’rab olishlari mumkin.

Buyurtma lizing beruvchi bank tomonidan ko’rib chiqilayotganda

[1] Kisel A.I., Logacheva N.M. Finansoviy lizing: otlichitelnie cherti i preimushestva // Ekonomika i sovremenniy menedjment: teoriya i praktika: sb. st. po mater. VIII mejdunar. nauch.-prakt. konf. – Novosibirsk: SibAK, 2011.

quyidagilarning tahlili amalga oshiriladi:

- buyurtma beruvchi daromadlarining lizing tulovlarini amalga oshirish uchun etarliligi;
- buyurtmada bayon etilgan ma'lumotlarning bir-biriga zid emasligi;
- lizing beruvchi bank oldidagi majburiyatlarni buyurtma beruvchi tomonidan uz vaqtida bajarish imkoniyatining mavjudligi.

Ushbu hujjatlar ro'yxati lizing loyihasining maqsadga muvofiqligini ko'rib chiqish uchun zarur bo'lgan ma'lumotlarning to'liq ro'yxati bo'lib hisoblanmaydi, zarur hollarda lizing kompaniyalari moliyalashtirilayotgan loyihaga daxldor boshqa ma'lumot va hujjatlarni rasmiy ravishda so'rashga haqlidirlar.

Bugungi kunda O'zbekiston hukumati tomonidan berilayotgan e'tibor tufayli lizing jadal rivojlantirilmoqda. Yangi tashkil etilgan va asbob uskunalari mavjud, lekin aylanma mablag'lari bo'lmagan firmalar uchun lizingdan foydalanish qulay xisoblanadi. Lizing kompaniyalari va banklarning O'zbekistonning barcha mintaqalarida filiallarini tuzish, ularni soliq va yig'imlardan ozod qilish, shuningdek, moliyaviy barkarorligiga erishish uchun imkon yaratish va u orqali lizing operatsiyalarini kengaytirish kerak bo'lmoqda. Qishloq joylarida bu tadbirlarning joriy etilishi qishloq xo'jalik maxsulotlarini qayta ishlashga, yangi ish joylarini hosil qilishga imkoniyat yaratadi.

Lizing bozor infratuzilmasining ajralmas qismi bo'lib, mamlakatimiz uchun nisbatan yangi moliyaviy dastakni o'zida mujassam etadi. 90-yillarning birinchi yarmida bozor islohotlari natijasida bank, kredit muassasalari va korxonalar ilgari iqtisodiyotimizda qo'llanilmagan ko'pgina moliyaviy dastaklardan foydalana boshladilar, ayni shu yillarda lizing tuzilmalarini faol tashkil etish, iqtisodiyotning ushbu sohasiga investitsiyalarni jalb qilish, lizing munosabatlarning huquqiy asoslarini shakllantirish boshlandi.

Xalqaro lizingda qatnashuvchilar uchun ustunliklar lizing shartnomasida qatnashuvchi mamlakatlarning qonunchiligi bilan belgilanadi. Lizingni baholashda amaldagi soliq qonunlarini hisobga olib risklar va manfaatlarning hisob-kitobi muhimdir. Lizing beruvchi lizing oluvchiga qarz berganida ancha yuqori darajadagi riskni zimmaga olganligi sababli yuqoriroq diskont stavkasiga loyiq bo'ladi. Shu sababli lizing shartnomasini baholaganda lizing krediti yuzasidan qilingan sof chiqimlarni belgilash maqsadga muvofiqdir.

Закирова С.А. -к.э.н. доцент кафедры «Международная экономика» УМЭД
Назаров.Н. Ғ -докторант,ТГЭУ

РОЛЬ СВОБОДНЫХ ЭКОНОМИЧЕСКИХ ЗОН В ПОВЫШЕНИЕ КОНКУРЕНТОСПОСОБНОСТИ РАЗВИТИЯ РЕГИОНОВ СТРАНЫ

В последние годы в Узбекистане проводят целенаправленную политику модернизации и технологического обновления, без которых невозможно производство конкурентоспособной продукции. Особая роль в ней отводится

создание свободных экономических зон как действенное направление в решение поставленных конкретных экономических задач, а также реализация стратегических программ и проектов. В Стратегии действий дальнейшего развития Узбекистана на 2017-2020 гг. чётко поставлена приоритетная задача «создание новых и повышение эффективности действующих свободных экономических зон, технопарков, малых промышленных зон».

Свободные экономические зоны — это одна из форм экономического сотрудничества, но вместе с этим и источник для привлечения иностранных инвестиций, передовой иностранной техники, оборудования, технологий и управленческого опыта, и развития экспортного потенциала. Многие страны рассматривают его также как средство, позволяющее обеспечить рост валютных поступлений, повысить занятость населения, получить новые возможности для подготовки и переподготовки кадров, насытить внутренний рынок высококачественными товарами.

В чём отличие СЭЗ от других форм сотрудничества? Свободные экономические зоны отличаются друг от друга целью и подходами создания. Например, в промышленно развитых странах, таких как США, Великобритания, Франция свободные экономические зоны часто создавались для активизации внешнеэкономических связей, реализации региональной политики, направленной на развитие малого и среднего бизнеса в депрессивных районах, выравнивание межрегиональных различий. В этих целях предпринимателям предоставлялась большая, чем в других районах страны, свобода деятельности и значительные финансовые льготы. Эти программы не имели специальной ориентации на привлечение иностранного капитала.

Такая же цель стоит и в ряде развивающихся государств. Однако в отличие от промышленно развитых стран в этих государствах упор при создании СЭЗ делается на привлечение иностранного капитала, технологий, модернизацию промышленности, повышение квалификации рабочей силы. Свободные экономические зоны, функционирующие в развивающихся странах, имеют ряд общих черт развития.

Во-первых, наибольшее распространение в этих странах получили экспортно-производственные зоны. Создание таких зон определяется рядом экономических причин, и прежде всего, потребностью развития и производства промышленных товаров на экспорт, привлечения в страну иностранного капитала, передовой науки и технологии, современной технической информации.

Во-вторых, особый режим хозяйствования в свободных экономических зонах становится более либеральным и льготным для иностранных предпринимателей. Это связано с усилением международной конкуренции между свободными экономическими зонами и соответственно попытками доказать свои сравнительные преимущества перед подобными другими СЭЗ.

В-третьих, в процессе функционирования свободных экономических зон происходит торгово-промышленная диверсификация их деятельности,

комплексное развитие. Поэтому современная НТР на первый план выдвигает свободные экономические зоны, в которых сосредоточиваются наукоемкие отрасли производства, связанные с разработками новой и высокой технологии.

Отметим, что создание СЭЗ и их функционирование позволяет решать целый ряд сложных и важных для различных стран задач:

повышает международную конкурентоспособность национального производства;

увеличивает приток в страну свободно конвертируемой валюты - как в результате наращивания экспорта отечественных товаров и услуг, так и в форме иностранных инвестиций;

ускоряет развитие новых видов производства и изменяет структуру национального производства;

это научно-техническое развитие страны;

решает ряд социальных проблем (увеличение занятости и сокращение числа безработных, подготовка квалифицированных специалистов и др.);

приобщает к современному менеджменту, эффективным формам организации производства,

а также повышается культура производства в данной стране и другие важные задачи.

Обсуждая эффективность и перспективы развития СЭЗ, эксперты нередко обращаются к опыту Китая. При этом упоминается быстрый экономический рост на протяжении 25 лет (8-10% ежегодно) и отдельные факторы, которые ему способствуют. Это:

1. Низкий уровень налогов и государственных расходов (13-15% ВВП).
2. Низкий уровень социальных расходов в бюджете.
3. Открытость экономики вступившего в ВТО Китая.
4. Использование как одного из ключевых инструментов развития особых экономических зон.

Вполне очевидно, что каждый из этих факторов вносит определенный вклад в экономический рост. Относительно величины налогов приведем пример с налогом на прибыль. Так, до последнего времени размер ставки налога на прибыль китайских корпораций составлял около 33%. Однако налог составляет 17%, если речь идет об иностранной корпорации.

Очень примечательна политика Китая в создание свободных экономических зон в регионах. Изначально иностранным инвесторам были предоставлены неосвоенные территории. Следует отметить, что 80% затрат легли на китайскую сторону, а иностранные инвесторы пришли практически на все готовое и развернули свою производственную деятельность. Правительство Китая реализовала огромную строительную программу, построила практически на голом месте современнейшую инфраструктуру (дороги, мосты, связь, жилье, офисы и т.д.). В 1984 г. Китай открыл для внешней торговли 14 городов. Далее началось освоение новых районов, которые затем получили статус «открытых для внешнего мира». На

территории особых районов осуществляется специфическая экономическая политика и особая система управления. Иностранные инвесторы пользовались многими таможенными и налоговыми льготами, им были предоставлены большие права и полномочия. Также иностранным инвесторам разрешалось создавать финансовые организации, магазины, супермаркеты, а также открывать фондовые биржи и выпускать акции.

В настоящее время Беспошлинные зоны быстро развиваются, в них уже функционируют несколько тысяч предприятий, а вложенный капитал исчисляется десятками миллиардов долларов США. Особенно успешно идет развитие в Вайгаоцяо (Шанхай) и в Тяньцзиньском морском порту. Нельзя не отметить также, что устройство беспошлинных зон не требует больших капиталовложений, а эффект приносит ощутимый спустя короткий период времени.

Создание таких «открытых» зон позволило Китаю приобрести самые совершенные виды техники и технологии, заимствовать современные методы управления производством, получать надежную информацию о положении на мировых товарных и финансовых рынках, повышать уровень подготовки своих кадров.

Но следует отметить, что Китайская Народная Республика преодолела многие препятствия и трудности, но с поставленной целью успешно справилась. В среднем ежегодно в эту страну поступает порядка 40 млрд долл. США иностранных инвестиций.

В Узбекистане создана прочная законодательная и нормативная база, регламентирующая деятельность СЭЗ, сформирована широкая система налоговых и таможенных льгот и преференций, способствующая привлечению в развитие СЭЗ как иностранных, так и отечественных инвестиций. В настоящее время в 10 регионах республики созданы и функционируют 14 СЭЗ.

В Узбекистане создание СЭЗ позволит поднять развитие районов, городов, если предоставить благоприятные таможенные льготы иностранным предпринимателям.

В Узбекистане целесообразно проводить политику освоение районов, где имеется много трудовых ресурсов, благоприятная географическая местоположение, таких районов очень много. В настоящее время в Узбекистане есть много строительных организаций, которых можно заинтересовать в строительстве инфраструктуры для СЭЗ, для этого желательно привлечь кредиты международных организаций. Многие страны, такие, как например Германия, за счёт кредитов реализовала долгосрочные проекты, которые в настоящее время оправдали себя и дают колоссальные доходы, и не только доходы, но и обеспечивают рабочими местами население страны. Тем самым можно решить и проблему, которая отмечена в Стратегии действий - это сократить дифференциацию в уровне социально-экономического развития регионов за счет расширения масштабов модернизации и диверсификации экономики территорий, ускорить развитие

сравнительно отстающих районов и городов, прежде всего посредством наращивания их промышленного и экспортного потенциала. Тем самым решиться и проблема урбанизации, население не будет стремиться в город, если рядом будет благоприятная инфраструктура и достойный заработок.

Таким образом, создание СЭЗ станет эффективным приоритетным направлением государственной политики.

Использованная литература

1. Стратегия действий по дальнейшему развитию Узбекистана на 2017-2021 гг. http://infocom.uz/2017/02/08/o-strategii-dejstvij-po-dalnejshemu-razvitiyu-respubliki-uzbekistan/

2. Кудратов, З. Г. Роль свободных экономических зон в развитии экономики Узбекистана / З. Г. Кудратов, Б. Б. Тошбоев, Ш. Т. Йулдошев. — Текст : непосредственный, электронный // Молодой ученый. — 2014. — № 4 (63). — С. 552-557. — URL: https://moluch.ru/archive/63/9677/ (дата обращения: 16.04.2020).

Ў.О.ҲАМРОКУЛОВ – Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси магистратура йўналиши тингловчиси

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТДА ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОРҚАЛИ АҲОЛИ ТУРМУШ ФАРОВОНЛИК ДАРАЖАСИ СИФАТИНИ ОШИРИШ

Аннотация

Мазкур мақолада туризмнинг аҳоли турмуш фаровонлигидаги ўрни ва аҳамияти, иш билан бандлик масаласини ошириш, реал даромадни кўпайтириш каби масалалар ёритиб ўтилган

Калит сўзлар: туризм, фаровонлик, реал даромад, хизматлар

Ҳозирги замонавий дунё иқтисодиётида хизмат кўрсатиш соҳаси, яъни туристик фаолиятга алоҳида эътибор қаратилиб келинмоқда. Жумладан Республикамизда туристик фаолиятга доир янгича ислоҳотлар олиб борилмоқда.

Аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтириш, моддий неъматлар ва хизматлар мўл-кўллигини таъминлаш, кишилар истеъмолини ҳажм ва таркиб жиҳатидан уларнинг тобора ўсиб борувчи эҳтиёжлари даражасига яқинлаштириш ҳар қандай прогрессив тизимнинг бош мақсади, унинг ривожланиш стратегиясидир. Бугунги кунда юртимизда Ҳаракатлар стратегияси доирасида, уни амалга ошириш бўйича қабул қилинган барча социал-иқтисодий дастур ва режаларда аҳоли турмуш даражасини ва сифатини юксалтириш, кенг кўламли ва катта амалий натижалар беришга

қаратилган ислоҳотлар орқали иқтисодий ўсиш сурьатларини жадаллалтириш, аҳоли жон бошига тўғри кела-диган ялпи ички махсулот хажмини ривожланган мамлакатлар даражасига яқинлаштириб бориш сиёсати изчиллик билан амалга оширилмоқда. Ушбу пировард мақсадга эришишда ҳар бир соҳа ва тармоқларнинг, жумладан туризмнинг ҳам ўз ўрни ва алоҳида аҳамияти бор.

Нима учун айнан туризм соҳасининг аҳоли турмуш даражасига таъсирини чуқурроқ, кенг асосда тадқиқ этишни, иқтисодий ҳаётимизнинг бу ҳар иккала узвий, ўзаро чамбарчас боғликда бўлган жиҳатларини ўрганишни зарур деб топдик? Биринчидан, туризмнинг аҳоли турмуш даражасини шаклантиришдаги роли юқори бўлишига, демак, ушбу тармоқни жадал ривожлантириш сиёсати унинг айнан аҳоли турмуш даражасини юксалтириш муаммоларини ечишдаги алоҳида аҳамиятидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилиши лозимлигига қарамасдан, мавжуд адабиётларда асосий эътибор туризмнинг мамлакат ялпи ички маҳсулотининг шаклантиришдаги, айрим ҳоллардагина унинг аҳоли бандлигини таъминлашдаги роли ва аҳамиятига қаратилган. Ваҳоланки, туризмнинг аҳоли турмуш даражаси ва сифатига таъсири фақат иқтисодий ўсиш ёки аҳоли бандлигини таъминлаш билан чегараланиб қолмасдан, балки яна бошқа бир неча муҳим йўналиш ва соҳаларда ҳам намоён бўлади. Иккинчидан, «Ўзбекистон Республикасини 2035 йилгача ривожлантириш стратегияси» бўйича тайёрланган лойиҳага мувофиқ. Ўзбекистонда 2035 йилга бориб мамлакатда ялпи ички маҳсулот ҳажмини 479 млрд. АҚШ долларига етказиш, туризмнинг ундаги улушини эса ҳозирги кундаги 1,4 фоиздан 28 фоизгача кўтариш назарда тутилаяпти.[1]Бундан хулоса шуки, яқин ва узоқ келажакда Ўзбекистонда миллий иқтисодиётнинг юқори ўсиш суръатларини таъминлашда айнан туризм соҳаси асосий, етакчи ролни ўйнаши керак, демак, аҳоли ҳаёт фаровонлигини юксалтириш муаммосини ҳал этишда ҳам унинг роли бошқа соҳа ва тармоқларга нисбатан тезроқ ортиб боради.

Туризм сохаси аҳоли турмуш даражаси ва сифатига бир неча йўналишларда таъсир кўрсатади. Тадқиқот натижаларида умумлаштирилган ҳолда туризм соҳасининг аҳоли турмуш даражаси ва сифатига таъсирини бир неча йўналишларини аниқладик.

Биринчидан, туризм соҳасида банд бўлган аҳоли реал даромадлари кўпаяди. Ҳозирги кунда туризм соҳаси мамлакат миллий иқтисодиёти таркибида энг тез суръатлар билан ривожланаётган, фаолият кўлами тобора кенгайиб бораётган ва шу туфайли ўта истиқболли соҳалардан бирига айланди. 2017 йилда Ўзбекистонга ташриф буюрган туристлар сони 1,5 млн кишини ташкил этган бўлса,2018 йилда уларнинг сони 4,8 млн кишига етди, яъни шу давр мобайнида у 3 мартадан зиёдроққа ошди. Ички туризм эса бундан ҳам тезроқ суръатлар билан ривожлана бошлади. Табиийки, туристлар оқимида юз бераётган бундай жиддий ўзгаришлар туристларни

[1] https://www.norma.uz/nashi_obzori/prezentovana_strategiya_razvitiya_uzbekistana_do_2035_goda

қабул қилиб, уларга турли хил хизматлар тақдим этаётган меҳнат аҳоли даромадларининг кўпайишида ўз аксини топади.

Иккинчидан, туризм соҳасига кирмайдиган, лекин туристларнинг турли товар ва хизматларга бўлган хилма-хил эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ бўлган барча тармоқ ва соҳаларда банд бўлганлар, банк, молия, суғурта, тиббий соҳа, маданият, санъат, туристлар хавфсизлигини таъминлаш хизматлари ишчи-ходимларнинг иш ҳажми кенгаяди,натижада улрнинг иш ҳақи даромадлари кўпаяди. Ҳозир мамлакатимизда туризм турларини кўпайтириш, саёхатчиларга янги туристик хизматларни таклиф қилиш, туризм базасини кенгайтириш ички ва ташқи туризмни жадал суръатлар билан ривожлантиришнинг асосий йўналиши сифатида қаралмоқда. Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиеёв Олий Мажлисга мурожаатномасига (2018 йил) бу масалага алоҳида эътибор қаратиб, шундай деган: «Бизда туризм кўпинча қадимий шаҳарларимиз, тарихий-маданий ёдгорликлар доирасида чекланиб қолмоқда». Ваҳоланки мамлакатимизнинг бетакрор табиати, миллий қўриқхоналар, тоғли ҳудудларда туризмни ривожлантириш учун катта салоҳият мавжуд.[1]Шу билан бир қаторда, экотуризм, аграр туризмни ривожлантириш, бу соҳаларда янги иш ўринларини яратиш қишлоқ жойларида яшовчи аҳоли кенг қатламлари даромадларини кўпайтиришнинг асосий омилларидан бирига айланиши муқаррар.

Учинчидан, туризм ва туризм соҳасида ҳамда туристларнинг эҳтиёжларини қондириш учун зарур бўлган товар ва хизматларни ишлаб чиқариш ҳамда реализация қилиш билан боғлиқ соҳа ва тармоқларда янги иш ўринлари яратилади. Туризмнинг ривожланиши туризм соҳасидаги корхоналарга (турагентликлар, туристларни жойлаштириш корхоналари: меҳмонхона, отель, санаторий, пансионат ва ҳоказолар), туристик корхоналарга қарашли овқатланиш шаҳобчалари (ресторан, ошхона, кафе, бар ва бошқалар) ҳамда дам олиш ва кўнгил очиш масканларида янги иш ўринларини ташкил этиш имконини беради. Бундан ташқари, туризм соҳасининг ривожланиши ушбу тармоқ билан бевоситава билвосита алоқадор тармоқ ва соҳаларда ҳам янги иш ўринлари яратишга имконият туғдиради (туризмга инвестицияларнинг мультипликатив самараси). Туризм билан бевосита алоқадор тармоқ ва соҳаларга савдо, умумий овқатланиш, транспорт, алоқа корҳоналарини киритиш мумкин. Бундан ташқари, туризм билан билвосита алоқадор соҳалар ва тармоқларда ҳам янги иш ўринлари яратишга шароит туғилади. Булар: аэропорт, вокзал, элчихона, суғурта ташкилотлари, тиббий муассасалар, хавфсизлик ва тартибни сақлаш хизматлари ва бошқалар. Туризм келтирган мультипликатив сама-ра эвазига туризм ва унга боғлиқ бўлган барча соҳа ва тармоқларда кўплаб янги иш ўринлари яратилади ва бу муқаррар равишда Ўзбекистонда бандлик муаммосини ҳал этишда катта ижобий самаралар беради.

1 Ўзбекистон Республикаси Ш.М.Мирзиеёвнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. Ҳалқ овози, 2018 йил, 19-декабр.

Тўртинчидан, туризмнинг ривожланиши давлат бюджети даромадларининг кўпайишига олиб келади. Туризм соҳасида ва туристларнинг эҳтиёжларини қондиришда у билан ҳамкорликда ишлайдиган барча соҳа ва тармоқларда фаолият ҳажми кенгайиб, даромадлари ошади ва бунга мос равишда давлат бюджети даромадалари ҳам кўпаяди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг «Туризмни тезкор ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар режаси тўғрисида»ги Фармони[1] билан 2019-2025 йиллар учун Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш кўзда тутилган. Унга мувофиқ, 2025 йилда туризмнинг ЯИМдаги улушини 5 фоизга етказиш, хорижлик сайёҳлар сонини 9-10 млн. нафаргача кўтариш, жумладан мамлакатимизга узоқ хориждан келувчи сайёҳлар сонини 2 млн. кишига етказиш мўлжалланмоқда. Туризм хизматлари экспортидан келадиган даромадлар шу давр мобайнида 950 млн. доллардан 2,2 млрд. долларгача, яъни 2,3 мартага оширилиши кўзда тутилган. Мутахассисларнинг фикрига кўра, туристларга хизмат кўрсатишда, уларнинг товар ва хизматларга бўлган эҳтиёжларини қондиришда туризм соҳаси билан бевосита в билвосита алоқадор бўлган тармоқ ва соҳалардаги ишлаб чиқариш ҳажми туризмда яратилган хизматлар ҳажмидан ҳам кўп бўлади.

Бешинчидан, туристлар ва маҳаллий аҳоли ўртасида алоқа ва муносабатлар ўрнатилади. Саёхат чоғида туристлар маҳаллий аҳолининг урф-одатлари ва аньаналарини ўрганадилар, тарихий меъроси ва маданияти билан яқиндан танишадилар, улар билан мулоқотда бўладилар. Ўз навбатида, маҳаллий аҳоли мамлакатда турист бўлиб келган меҳмонларнинг ҳаётидан, уларнинг тарихи ва маданиятидан ҳабардор бўлиш, бу хусусда қизиқарли маълумотлар олиш имкониятига эга бўладилар, дунёқарашлари кенгайиб, ҳаётий тажрибалари ортади. Буларнинг барчаси нафақат туристларнинг, балки маҳаллий аҳолининг ҳам турмуш сифатига катта ижобий таъсир кўрсатмай қолмайди.

Хулоса ўрнида айтиш керакки, юқорида зикр этилганлардан ташқари, туризм аҳоли турмуш даражаси ва сифатига турли мамлакатлар ўртасида ўзаро иқтисодий муносабатларнинг мустаҳкамланиши орқали, шунингдек, таълимни ривожлантириш, янги билимларни ўзлаштириш, тажриба алмашиш, умр кўриш давомийлигини узайтириш ва бошқа жихатлар билан ҳам катта ижобий таъсир кўрсатади.

[1] Ўзбекистон Республикаси Прзидентининг 05.01.2019 йилги ПФ-5611 сон Фармони www.lex.uz Ўзбекситон Республикасининг Адлия вазирлиги расмий сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди

Ш.С.Олтаев – СамИСИ катта ўқитувчиси, и.ф.н

ЎЗБЕКИСТОНДА ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ ШАРОИТИДА БАНДЛИКНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ.

Аннотация: ушбу мақолада хорижлик ва маҳаллий иқтисодчи олимларнинг ёндашувлари асосида инновацион бандликнинг шаклланиш хусусиятлари баён қилинган. Ўзбекистон Республикаси ҳудудларида инновацион бандликни шакллантириш имкониятлари таҳлил қилинган, инновацион бандликни микродаражада баҳолаш методологияси таклиф этилган.

Калит сўзлар: инновация, бандлик,молиявий ресурс, инвестиция, индекс, маҳсулот, хизмат, кластер, технология, фонд, ихтисослашув, интеллектуаллаштириш, кичик бизнес, оилавий тадбиркорлик.

Республикамизда бирон бир соҳани ёки тармоқни ривожлантириш, авваламбор молиявий ресурслар ёки инвестицияларни кенг кўламда жалб қилиш билан боғлиқ. Шу боис Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш мақсадлари унинг инвестиция сиёсати хусусан чет эл инвестиция сиёсатида тўлиқ акс эттирилишини тақозо этмоқда.

“Аҳоли бандлигини таъминлаш, аввало, касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртлари битирувчиларини ишга жойлаштириш бўйича зарур шароитлар яратиш ижтимоий-сиёсий тизимнинг энг муҳим устувор йўналиши бўлиб қолади”[2], дея таъкидлайди, Юртбошимиз Ш.М.Мирзиёев.

Ҳозирги даврда иш билан бандликнинг ўзига хос хусусиятлари, белгиларини тўлиқ ва аниқ ифода этувчи янгича “матрица” асосидаги лойиҳани ишлаб чиқиш тақозо этилмоқда. Институционал ёндашув корхоналарда меҳнатни ташкил қилишни таҳлил қилиш орқали ички меҳнат бозори механизмлари ишлашини тадқиқ қилишда имкон беради. Иш билан бандлик таҳлилига институционал ёндашув “ишчи-иш берувчи” муносабатлари барқарорлигини таъминловчи ва кафолатловчи меҳнат шартномаларига алоҳида эътибор беришни назарда тутади. Ушбу шартномалар таҳлили узоқ муддатли меҳнат хизматлари алмашинуви воситаси сифатида ноаниқ шартномалар назариясида янгилик ҳисобланади.

Юқорида қайд этилган ёндашувларнинг ҳеч бирида иш билан бандлик категорияси моҳиятининг таҳлили комплекс равишда ўрганилмаган. Балки, унинг ташқи намоён бўлиш шакллари ва ўзаро боғлиқлигига эътибор қаратилган. Мазкур назарий концепциялар бўйича тадқиқотчилар ўртасида “иш билан бандлик” категорияси тўғрисида турлича қарашлар мавжуд. Шунингдек, “унумли иш билан бандлик”, “оптимал иш билан бандлик”, “оқилона иш билан бандлик”, “самарали иш билан бандлик”, “фойдали иш билан бандлик”ҳақида ягона тўхтамга келинган эмас.

“Инновацион иш билан бандлик”нинг моҳиятини аниқлаш учун инновация категориясига мурожаат қилиш лозим. Инновация тушунчасининг

нисбийлик нуқтаи назаридан кўриб чиқиш унинг ягона кўринишдаги таърифи мавжуд эмас. Адабиётларда инновацияни моҳиятини аниқлашда икки хил ёндашув кенг тарқалган: 1) ижодий фаолият натижаси, 2) янги самарали маҳсулотлар, ёндашувлар, тамойилларга кириш жараёни тушунилади[1].

Бизнинг фикримизча, инновациянинг ҳозирги кундаги тушунчасига технологик янгиликларни ва рақамли иқтисодиётга ўтиш жараёнини киритиш мумкин. Хусусан, инновацион жараёнларнинг кенг миқёсдаги моҳияти институционал, ташкилий ва бошқарувни ўз ичига олади. Инновациянинг замонавий назариясида унинг тўрт асосий гуруҳи ажратибкўрсатилади: биринчидан, якуний маҳсулот ёки хизматлардаги ўзгаришлар; иккинчидан, янгиларини яратиш ва мавжуд технологик жараёнлар ва жиҳозлар, воситалар, материалларни такомиллаштириш; учинчидан, комплекс ташкилий-таркибий янгиликлар, бошқаришнинг янги усуллари ва воситаларидан фойдаланиш; тўртинчидан, кадрлар хизмати ва ижтимоий-психологик муносабатлар соҳасида янгиликлар, меҳнат жамоаларида персонални танлаш, моддий ва маънавий рағбатлантириш, психологик муҳитни яхшилаш шаклларини такомиллаштириш.

Инновацион иш билан бандлик категорияси ибораси таҳлилига кўра, у назарий ва амалий кўринишдаги фаолиятларнинг бирикиши сифатида аниқланади.

Ўзбекистон ҳудудларида инновацион иш билан бандликни шакллантиришнинг барча имкониятлари ва шарт-шароитларини гуруҳлар бўйича қуйидагича тизимлаштиришни таклиф этамиз:

- иқтисодий шарт-шароитлар. Хусусан, ресурслар билан таъминланганлик, технологиялар соҳаси ва иқтисодиёт таркиби, асосий фондлар, меҳнат унумдорлиги, меҳнат бозори ва бошқалар;
- демографик ва ижтимоий шарт-шароитлар;
- сиёсий шарт-шароитлар;
- институционал шарт шароитлар;
- ижтимоий-маданий шарт-шароитлар.

Республикамиз ҳудудларида инновацион турдаги иш билан бандликни шакллантириш йўлларини таҳлил қилиш учун ҳудудлар меҳнат бозорини қуйидагича туркумлашни таклиф этамиз:

- Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари иш билан бандликнинг инновацион турини ривожлантириш учун етарли салоҳиятга эга;
- иш билан бандликнинг таркибий тавсифи, иқтисодий ўзига хосликлари бўйича ҳудудларни кўп ўлчамли гуруҳлаш;
- ҳудудларни иш билан бандлик таркибий кўрсаткичини гуруҳлаш билан уларнинг инновацион фаоллиги ўртасида боғлиқликни аниқлаш.

Ўзбекистонни барча ҳудудларида инновацион бандликнинг ривожланиши учун етарли салоҳият мавжуд бироқ унинг алоҳида элементлари ҳудудларда турли даражада ифодаланади.

Буни рақамларда кўришимиз мумкин. Статистик маълумотларга кўра, 2018/2019 ўқув йили учун қабул квоталариЎзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан 4-июнь куни қабул қилинган қарор билан 2018/ 2019 ўқув йилида мамлакатимиз олий ўқув юртларига кириш учун қабул квоталари тасдиқланди.

Умумий қабул квотаси деярли 8500 нафар талабага ортди - 78701 (давлат грант бўйича - 19725, шартнома асосида - 58976) дан 87165 гача.

Бакалавриатнинг кундузги бўлимларида ўтган йилгига нисбатан 1714 нафар кўпроқ талаба қабул қилинади - 69460, шу жумладан грант бўйича - 17669, шартнома бўйича - 51791.

Бакалаврларни махсус сиртқи бўлимларга қабул қилиш квотаси деярли икки баробарга ошди, яъни 11765 талаба, шу жумладан 15 грант ва 11750 тўлов контракт асосида[4].

Ўзбекистон ҳудудларида иш билан банд аҳолининг таълим таркиби таҳлили шуни кўрсатадики, Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё, Хоразм вилоятлари ва Тошкент шаҳрида олий маълумотлилар кўрсаткичи республика ўртача кўрсаткичидан юқори[3].

Юқорида келтирилган рақамлардан кўриниб турибдики Ўзбекистон Республикасида қабул квотаси 2018-2019 ўқув йилида олдинги ўқув йилига нисбатан қарийб 11% га ошган. Бу эса келажакда олий маълумотли ишчиларни улушини оширади, натижада инновацион ривожланишга замин яратади.

Инновацион иш билан бандликни шакллантириш йўллари бўйича минтақавий меҳнат бозори гуруҳларини аниқлаш мақсадида кўрсаткичлар тўпламини кластерлаш ва олинган натижаларни ўзаро таққослаш мақсадга мувофиқ. Статистика маълумотларини таҳлил қилиб, ушбу таснифда биз иш билан бандлик таркибининг алоҳида жиҳатларини тавсифлайдиган кўрсаткичлар йўналишини кўриб чиқамиз:

- хизматлар соҳасидаги иш билан бандлик;
- кичик бизнес соҳасидаги иш билан бандлик;
- оилавий тадбиркорлик соҳасидаги иш билан бандлик;
- иш билан банд бўлганлар таркибида тадқиқот ва ишланмалар билан банд ходимлар улуши;
- иш билан банд бўлганлар таркибида олий маълумотлилар улуши.

Ҳисоб-китоб натижаларини қайд этишдан олдин кластерли таҳлил ҳақида қисқача тўхталиб ўтамиз. Кластерли таҳлил деганда, объектлар ўртасидаги фарқлар бошқа кластер фарқидан камроқ бўладиган тарзда гуруҳларга бирлаштириш имконини берадиган ҳолат тушунилади. Кластерлаш усулларининг аксарияти бирлаштирувчи ҳисобланади. Инновацион бандлик таркибини тавсифлайдиган кўрсаткичлар тўплами бўйича минтақавий меҳнат бозорларини рақамли таснифлаш учун SPSS статистик усуллар стандарт пакетидан фойдаланилади.

Бизнинг таклифларимиз республика ҳудудлари меҳнат бозорларини инновацион иш билан бандликни ривожлантириш йўллари нуқтаи назаридан гуруҳларга ажратиш амалга ошириш мумкин бўлган умумий аломатлардан бири бўлиб ҳисобланади. Инновацион бандликни тўлароқ баҳолаш учун минтақа меҳнат бозорининг бир неча йил давомида битта турга мансублигини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ. Бу эса, ўз навбатида, турлар барқарорлигини, шунингдек, бир хил тур доирасида меҳнат бозорларини аниқлашга имкон беради.

Ўзбекистон ҳудудларида инновацион иш билан бандлик иқтисодиётнинг турли секторлари ва корхоналарида юзага келмоқда. Биз, ушбу изланишлар орқали инновацион турдаги бандликни микродаражада баҳолаш методологиясини таклиф этдик.

Ўйлаймизки, билдирилган таклиф ва мулоҳазалар ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланиб, бандлик муаммоларини ечишда амалиётга жорий этилса, Республикамиз аҳолиси бандлигини таъминлашда янги-янги йўллар очилишига сабаб бўлади.

Фойдаланган адабиётлар рўйхати.

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 29 ноябрдаги Ўзбекистон Республикаси “Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида” ги Фармони. //Халқ сўзи, 2017 йил 30 ноябрь.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасининг янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги Фармони.//Халқ сўзи, 2017 йил 8 февраль.

3. Ўзбекистон Республикасининг статистик ахборотномаси. 2018 йил январь-декабрь. Тошкент, 2019 йил.

4. www.abituriyent.uz

Н.Н.Мавланов - PhD. ТМИ, “Аудит ва иқтисодий таҳлил” кафедраси доценти в.б.,

КРЕДИТГА ЛАЁҚАТЛИЛИК ТАҲЛИЛИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация. Ушбу тезисда корхоналарнинг кредитга лаёқатлилигини баҳолашнинг амалдаги тартиби ва ундаги мавжуд камчиликлар келтириб ўтилган. Мавжуд камчиликларни бартараф этиш йўналишлари келтириб ўтилган. Ушбу йўналишлардан келиб чиқиб, кредитга лаёқатлилик таҳлилини услубиёти ишлаб чиқилиши банклар учун ҳам, корхоналар учун ҳам кредит рискини сезиларли даражада пасайтиришга эришади.

Калит сўзлар. Кредит, кредитга лаёқатлилик, баҳолаш мезони, коэффициентлар усули, кредит риски, кредит рискини пасайтириш, қиёсий

таҳлил, кредит таъминоти, комплекс таҳлил, скоринг модели, электрон дастур.

Республикамиз иқтисодиётининг барқарор ривожланишида, аҳолининг моддий аҳволининг яхшиланишида хўжалик юритувчи субъектларнинг ўрни беқиёсдир. Бунга ёрқин мисол ҳозирги кунда тез суръатларда ривожланаётган шарқий осиё давлатларини келтиришимиз мумкин. Республикамизда ҳам тадбиркорлик субъектларини ривожланишига жуда катта эътибор қаратилмоқда. Жумладан текширувлар сонини кескин қисқартириш, тадбиркорлик субъектлари фаолиятига давлат аралашувини камайтириш, турли имтиёзларнинг жорий этилиши бунинг ёрқин мисолидир. Тадбиркорлик субъектларининг ривожланишига тусқинлик қилувчи энг асосий омиллардан бири молиявий ресурсларнинг етишмовчилиги ҳисобланади. Республикамизда тадбиркорлик субъектларининг асосий қисми молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжни асосан банк кредитлари ҳисобига қоплаб келмоқда. Кредит олиш жараёнида тадбиркорлик субъектлари бир қатор муаммоларга дуч келмоқдалар. Булар қаторига кредитга қўйиладиган таъминотнинг етишмаслиги, янги ташкил этилган корхоналарнинг молиявий аҳволидаги қийинчиликлар, кредит жалб қилиш узоқ вақт талаб этиши, кредит олиш жараёни ортиқча харажатларнинг мавжудлиги (таъминотни суғурта қилиш, нотариус харажатлари) кабиларни киритишимиз мумкин. Ҳозирда банклар корхоналарга кредит ажратишда асосий эътиборни кредит таъминотига, таъминотни суғурта қилдиришга, кафил корхона бўлишига қаратишмоқда, аммо бизнес режанинг қай даражада мукаммал ишлаб чиқилганлигига ва кредитга лаёқатлигини комплекс таҳлил қилиш асосида баҳолаш назардан четда қолмоқда. Бунга ёрқин мисол қилиб, банклар корхоналарнинг кредитга лаёқатлигини баҳолашда асосан 3 та кўрсаткичдан фойдаланиб келмоқда, яъни булар қоплаш коэффициенти, ликвидлилик коэффициенти ва мустақиллик коэффициентларидир. Ушбу учта кўрсаткичдан фойдаланган ҳолда корхоналарнинг кредитга лаёқатлигига баҳо бериб кредит ажратилиши ёки ажратилмаслиги ҳақида қарорини қабул қилмоқда. Биз уйлаймизки ушбу учта кўрсаткич нафақат молиявий аҳволини баҳолашга балки молиявий ҳолатининг ўзини ҳам баҳолашга етарли эмас. Чунки, молиявий ҳолати ва ундаги ўзгаришларни баҳолашда молиявий коэффициентлар билан бир қаторда актив ва пассив моддаларнинг ўзгаришини, молиявий барқорорликни, баланс ликвидлигини, айниқса айланма маблағлар айланишини чуқур ўрганишни талаб этади. Корхона фаолиятига комплекс баҳо беришда молиявий ҳолат билан бир вақтда молиявий натижаларини, дебиторлик ва кредиторлик қарзларини, пул оқимларини, хусусий капиталини жумладан, меҳнат салоҳиятини таҳлил қилиш жуда муҳим аҳамият касб этади.

Шу жиҳатдан корхоналарнинг кредитга лаёқатлигини таҳлили ва баҳолашни хориж ва маҳаллий тажрибасини қиёсий таҳлил қилиш асосида янги тизимини яратиш, унинг услубий ва дастурий таъминотини шакллантириш масалаларини ҳал этиш бугунги куннинг долзарб

муаммоларидан бири ҳисобланади. Масалалар қуйидаги муҳим йўналишлар бўйича ҳал этилади:

-корхоналар кредитга лаёқатлигини таҳлил этиш ва баҳолашнинг назарий-услубий асосларини такомиллаштириш;

-корхоналар кредитга лаёқатлигини таҳлил этиш ва баҳолашнингахборот таъминоти ишлаб чиқиш;

-корхоналар кредитга лаёқатлигини молиявий ҳисобот маълумотлари асосида баҳолаш ва таҳлил этишнинг кўрсаткичлар тизими шакллантириш;

-корхоналар кредитга лаёқатлигини баҳолашнинг қиёсий таҳлили амалга ошириш;

-корхоналарни кредитга лаёқатлигини комплекс таҳлил этиш тизими ишлаб чиқиш;

-корхоналар кредитга лаёқатлигини баҳолашнинг комплекс таҳлилининг скоринг модели ишлаб чиқиш.

Ушбу йўналишлар асосида корхоналарнинг кредитга лаёқатлилигини баҳолаш услубиётининг ишлаб чиқилиши нафақат банклар учун кредит рискини сезиларли даражада пайишига балки корхоналарнинг ҳам кредит ўзвақтида ва тўлиқ қайтариш имконини беради.

О. М.Пардаева – СамИСИ мустақил тадқиқотчиси

ОИЛА ХЎЖАЛИКЛАРИДА САМАРАДОРЛИКНИ ИФОДАЛОВЧИ КЎРСАТКИЧЛАР ВА УЛАРНИНГ ТАСНИФИ

Аннотация: мақолада оила хўжаликларида самарадорликни ифодаловчи кўрсаткичлар ва уларнинг таснифи ва аниқланиш йўллари илк бор қараб чиқилган. Унда оила хўжаликларида ижтимоий самарадорлик бевосита камбағаллик тушунчаси билан боғлиқ ҳолда қараб чиқилган.

Калит сўзлар: оила, оила хўжалиги, самарадорлик, иқтисодий самарадорлик, самарадорлик кўрсаткичлари, даромадлар, тадбиркорлик даромадлари, умумий даромадлар, камбағаллик, тадбиркорлик.

Оила хўжаликларида самарадорлик ўзига хос бўлиб, бу иккита йўналишда олиб борилади. Буларга иқтисодий ва ижтимоий самарадорлик кўрсаткичларини инобатга олиш лозим.

Оила жўжаликлари иқтисодий самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичларга қуйидагилар киради:

- оила хўжаликлари умумий даромадларининг харажатларни қоплаш даражаси;

- оила хўжаликларида тадбиркорликдан олинган даромадларнинг харажатларга нисбати;

- оила хўжаликлари тадбиркорликдан олинган даромадларнинг умумий даромадлардаги улуши.

Оила жўжаликлари ижтимоий самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичларга қуйидагиларни киритишни тавсия қиламиз:

- оила хўжаликлари умумий даромадларининг битта оила аъзосига тўғри келиши;
- оила хўжаликларида тадбиркорликдан олинган даромадларнинг битта оила аъзосига тўғри келиши;
- оила хўжаликларида тадбиркорликдан олинган даромадларнинг пенсия ва хайрия каби даромадлардаги улуши.

Буларнинг ўзаро боғлиқлиги қуйидаги расмда келтирилган (1-расм).

Ушбу расмда келтирилган ҳар бир кўрсаткични аниқлаш лозим бўлади. Биринчи кўрсаткич оила хўжаликлари умумий даромадларининг харажатларни қоплаш даражасини (Дхқд) аниқлаш учун оила хўжаликларида олинган умумий даромадларни (Ду) оила хўжалигининг барча харажатларига (Ху) бўлиш кифоя. Бунинг учун қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$\textbf{Дхқд = Ду / Ху ;}$$

Иккинчи крсаткич оила хўжаликларида тадбиркорликдан олинган даромадларнинг тадбиркорликка кетган харажатларга нисбати (Дтхт) билан ифодаланади. Оилавий тадбиркорликдан олинган даромадлар ҳажми айнан шу йўналишга сарф қилган харажатларни қай даражада қоплаётганлигини кўрсаткди. Ушбу кўрсаткични аниқлаш учун тадбиркорликдан олинган даромадлар ҳажмини (Дт) тадбиркорликка кетган харажатларга (Хт) бўлиш йўли билан аниқлаш мумкин. Бунинг учун қуйидаги формула тавсия қилинади:

$$\textbf{Дтхт = Дт / Хт ;}$$

Учинчи кўрсаткич оила хўжаликлари тадбиркорликдан олинган даромадларнинг умумий даромадлардаги улуши (Дтуду) бўлиб ҳисобланади. Бу кўрсаткич шуни ифодалайдики, тадбиркорликдан олинган даромадлар оила хўжалиги умумий даромадларида қанча кўп бўлса, оиланинг фаровонлиги шунча ошиб бораётганлигидан далолат беради. Ушбу кўрсаткични аниқлаш учун тадбиркорликдан олинган даромадни (Дт) оила хўжалигининг умумий даромадлари ҳажмига (Ду) бўлиш кифоя. Буни аниқлаш учун қуйидаги формуладан фойдаланилади:

Оила жўжаликлари ижтимоий самарадорликни аниқлаш бугунги кунда объектив зарурият ҳисобланади. Муҳтарам Президентимиз 2020 йил 24 январдаг Парламентга мурожаатномасида шу йилга белгиланган устувор вазифалардан бири камбағалликни тугатишга қаратилди. Бу масала ўта муҳим масалалардан бири бўлиб ҳисобланади. Чунки мамлакатимиз аҳолисининг 12-15 фоизи ёки аҳолининг 4-5 миллиони камбағал яшайди, деб таъкидлади[1].

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январда Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // “Халқ сўзи” газетаси. 2020 йил 25 январь. 19-сон. – 3 бет.



1-расм. Оила хўжаликларида самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар таснифи

Дтуду = Дт / Ду ;

Буларни инобатга олиб, Муҳтарам Президентимиз 2020 йил 24 январдаг Парламентга мурожаатномасида “Камбағалликни камайтириш – бу аҳолида тадбиркорлик руҳини уйғотиш, инсоннинг ички куч-қуввати ва салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш, янги иш ўринлари яратиш бўйича комплекс иқтисодий ва ижтимоий сиёсатни амалга ошириш, демакдир”[1], деб таъкидлади.. Камбағаллик атамаси илмий ва расмий адабиётларда умуман қўлланилмасдан келаётган эди. Аммо бу камбағаллик барҳам топганидан эмас, балки бу бизнинг руҳиятимизда деярли йўқ деган тушунчани ҳосил қилиш учун ишлатилмаган эди. Бироқ аҳолининг бир қисми камбағаллигича ҳаёт кечириб келаётганлиги ҳеч кимга сир эмас.

Эндиликда камбағалликни тугатиш борасида бир қанча чора-тадбирлар белгиланди. Хусусан, Давлатимиз раҳбари: “Жаҳон банки, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт дастури ва бошқа халқаро ташкилотлар билан бирга Камбағалликни камайтириш дастурини ишлаб чиқишни таклиф этаман. Бу борада халқаро меъёрлар асосида чуқур ўрганишлар ўтказиб, камбағаллик тушунчаси, уни аниқлаш мезонлари ва

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январда Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // “Халқ сўзи” газетаси. 2020 йил 25 январь. 19-сон. – 3 бет.

баҳолаш усулларини қамраб олган янги методологияни яратиш лозим”[1], деган кўрсатмани берди. Кўриниб турибдики, камбағалликни тугатиш мсаласи мамлакатимиз учун устувор вазифалардан бирига айланган.

Шундай шароитда оила хўжаликларида ижтимоий самарадорликни аниқлаш масаласи ҳам ўта долзарб масалалар сирасига киради. Ушбу гуруҳга кирувчи кўрсаткичлардан биринчиси оила хўжаликлари умумий даромадларининг битта оила аъзосига тўғри келиши (Доа) билан ифодаланади. Мазкур кўрсаткич даромадларнинг ҳар бир оила аъзосига қанча тўғри келганлигини ифодалайди. Чунки иккита оиланинг бирида 4 киши, иккинчисида 6 нафар аъзоси бўлса оиланинг барча даромадлари бир хил бўлса, албатта оила аъзоларига тўғри келадиган умумий даромадлар даражаси ҳар хил бўлади. Шу туфайли масаланинг ушбу жиҳатларини ҳам инобатга олиб ҳар бир оила аъзосига тўғри келадиган умумий даромадларни аниқлаш лозим, деб ҳисоблаймиз. Ушбу кўрсаткични аниқлаш учун оила хўжалигининг барча даромадларини (Ду) оила аъзолари сонига (Оас) бўлинади. Бу қуйидаги формула билан ҳисобланади.

Доа = Ду / Оас ;

Ижтимоий кўрсаткичлардан яна бири оила хўжаликларида тадбиркорликдан олинган даромадларнинг битта оила аъзосига тўғри келишида (Дтоа) ўз ифодасини топади. Чунки оилавий тадбиркорлик камбағалликнинг олдини оладиган муҳим омиллардан бири. Аммо бунинг нечоғлиқ ижтимоий самарадорлик даражаси кучли ёки йўқлигини билиш учун ушбу кўрсаткични аниқлаш мақсадга мувофиқ. Яна ўша мисолга қайтадиган бўлсак, иккита оилавий тадбиркор бир хил даромад қилди, деб фараз қилсак, бирида 4 киши, иккинчисида 6 нафар аъзоси бўлса, албатта оила аъзоларига тўғри келадиган тадбиркорликдан олинган даромадлар даражаси ҳар хил бўлади. Шу туфайли оилавий самарадорликни аниқлашда масаланинг ушбу жиҳатларини ҳам инобатга олиш лозим. Мазкур кўрсаткични аниқлаш учун оилавий тадбиркорликдан олинган даромадларни (Дт) оила аъзолари сонига (Оас) бўлинади. Бу қуйидаги формула билан ҳисобланади.

Дтоа = Дт / Оас ;

Оила хўжаликлари ижтимоий аҳволини ифодаловчи кўрсаткичлардан учинчиси – оила хўжаликларида тадбиркорликдан олинган даромадларнинг пенсия ва хайрия каби даромадлардаги улуши (Дтиж) ҳисобланади. Ҳозирги кунда оилавий тадбиркорликка кенг йўл очиб берилган паллада фақат пенсия,нафақа ёки хайрияларга қараб қолмасдан тадбиркорликдан олинадиган даромадларни кўпайтиришни тақозо қилади. Ушбу ҳолатга баҳо бериш учун мазкур кўрсаткични аниқлашни тавсия қиламиз. Ушбу кўрсаткични аниқлаш учун оилавий тадбиркорликдан олинган даромадларни (Дт) шу оила аъзоларига бериладиган пенсия, нафақа, хайрия каби

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январда Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // “Халқ сўзи” газетаси. 2020 йил 25 январь. 19-сон. – 3 бет.

даромадларга (Дпн) нисбати олинади. Бунинг учун қуйидаги формуладан фойдаланишни тавсия қиламиз:

Дтиж = Дт / Дпн ;

Юқорида қараб чиқилган оила хўжаликлари фаолиятининг иқтисодий ва ижтимоий самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар илк бор ишлаб чиқилди. Ушбу кўрсаткичлар орқали нафақат оилавий тадбиркорликнинг самарадорлигига, балки оилаларнинг камбағаллик ва бойлик даражасига ҳам баҳо бериш мумкин.

Т.Қудратов-СамВМИ чорвачиликда иқтисодий самарадорлик ва бухгалтерия ҳисоби кафедраси доценти
И. Кудратова-Самарқанд ижтимоий иқтисодиёт коллежи ўқитувчиси

ХУСУСИЙ КАПИТАЛ ТАРКИБИ ВА САМАРАДОРЛИГИ ТАҲЛИЛИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАСИ

Аннотация

Мақолада хусусий капитал таркиби ва унинг самарадорлиги кўрсаткичларининг иқтисодий таҳлил, молиявий таҳлил, молиявий таҳлил ва бошқарув таҳлили,корхоналар фаолиятининг таҳлили каби адабиётларда ёритилиши, ҳисобланиши ва таҳлил қилиниш бўйича усулларининг мазмунини қиёслама ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида уларда мавжуд бўлган ютуқ, камчилик ва нуқсондарга баҳо берилганлиги ва улар асосида уларни такомиллаштириш бўйича муаллифларнинг фикрилари-тавсиялари акс эттирилган. Хусусий капитал бўйича таркибининг ҳисоби ва ҳисоботининг юритилиши ҳамда иқтисодий таҳлил амалга оширилиши Ўзбекистон Республикасининг "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Қонунига мос ҳолда ташкил қилиниши ва амалга оширилиши шарт эканлиги акс эттирилган. Хусусий капитал иқтисодий самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткич- хусусий капитал рентабеллигининг мазмуни ва ҳисобланиш усулининг тавсифи акс эттирилган.

Калит сўзлар

Хусусий капитал. Устав капитали. Қўшилган капитал. Захира капитали. Тақсимланмаган фойда. Ўз маблағлари манбаи. Самарадорлик. Хусусий капитал самарадорлиги. Хусусий капитал рентабеллиги.Соф фойда.

Кириш

Хусусий капитал корхонанинг қудрати қай даражада эканлигини ифодаловчи,таърифловчи ва баҳоловчи кўрсаткичдир, яъни у корхонанинг молиявий мустақиллиги даражасининг (молиявий мустақиллик коэффициентининг) шаклланишида асосий омил бўлиб,хизмат қилади. Шунинг учун унинг таркиби ва таркибий тузилишининг таҳлилига ва айниқса иқтисодий самарадорлиги динамикасининг омилли таҳлилига катта эътибор бериш зарур, чунки унинг ҳажмини яънада кўпайтириш ва самарадорлиги даражасини яънада ошириш имкониятлари фақат таҳлил орқали аниқланади, оқибатда уларни хўжалик фаолиятига жалб қилиш учун ўз вақтида чора-тадбирлар кўрилади. Шунинг учун ҳам унингҳажми, таркиби ва иқтисодий самарадорлиги кўрсаткичларини тўғри ҳисоблаш ва

таҳлилини объектив амалга ошириш зарур, хатолик ва нуқсонларга йўл қўймаслик керак. Шу нуқтаи назардан хусусий капитал ва унинг самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичларнинг таърифи, қоидаси ва ҳисобланиш усулларининг иқтисодий таҳлил адабиётларида ёритилиши ва таркибининг Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Қонунида акс эттирилиши, улардаги маълумотлар ва фикрларнинг ўзаро солиштирилиши ва таҳлил қилиниши натижасида ютуқлар, нуқсонлар ва камчиликлар аниқланди ва асосли хулосалар қилинди ва тавсиялар берилди. Юқорида келтирилган маълумотлар , фикрлар ва тавсиялар ушбу мақолада акс эттирилди.

Материаллар ва методлар

Мақолада фойдаланилган ва таҳлил қилинган материаллар бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Қонуни, рус ва ўзбек олимлари томонидан яратилган иқтисодий таҳлил, молиявий ва бошқарув таҳлили ,қишлоқ хўжалик корхоналари фаолиятининг таҳлили, каби дарслик ва ўқув-услубий қўлланмалар каби адабиётларда , хусусий капитал ва унинг самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар бўйича келтирилган таърифлар, қоидалар, фикрлар (ҳамда уларни ҳисоблаш формулалари) ҳисобланади. Қонунда хусусий капитал таркиби тўғрисидаги кўрсаткилар иқтисодий таҳлил адабиётларида келтирилган маълумотлар билан ҳамда улардаги маълумотлрни ўзаро солиштириш орқали ўрганилди. Материалларни ўрганишда ва таҳлил қилишда,хулосалар чиқаришда ва тавсиялар беришда қиёслама таҳлил ва омилли таҳлил методларидан (усулларидан) фойдаланилди.

Натижалар ва уларнинг таҳлили

Хусусий капитал таркиби Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Қонунида аниқ белгилаб қўйилган, яъни унинг таркиби устав капитали, қўшилган капитал, захира капитали ва тақсимланмаган фойдадан ташкил топган[1]. Ушбу қонун асосида хусусий капитал ҳисоби ва ҳисоботи юритилиши ҳамда улардаги маълумотлар асосида иқтисодий таҳлил амалга оширилиши керак, лекин амалиётда ушбу ишлар Қонун талабига қандайдир даражада мос келмаган ҳолда олиб борилаётганлиги ҳам мавжуд. Масалан, бухгалтерия ҳисоби учун тасдиқланган ҳисобварақлар режасининг 1V-қисмида “Хусусий капитал” акс эттирилган, Унда Қонунда белгиланган хусусий капиталнинг тўртта туридан ташқари яна қуйидаги учта кўрсаткич ҳам акс эттирилган:1.Сотиб олинган хусусий акциялар., 2) мақсадли тушумлар., 3) келгуси харажатлар ва тўловлар учун захиралар. Бухгалтерия баланси пассивининг 1-бўлими “Ўз маблағлари манбалари” таркибида хусусий капитал турлари билан биргаликда номлари зикр этилган уч турдаги кўрсаткичлар ҳам акс эттирилган,

[1] **Ўзбелистон Руспубликасининг Қонуни “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”,2016 йил 13 апрель (ЎР қонун ҳужжатлари тўплами.,2016 й., 15-сон, 142 модда)**

Ҳисобварақлар режасидаги “Хусусий капитал” ва бухгалтерия балансидаги “Ўз маблағлари манбаи” кўрсаткичлари бир бирига мос келади, лекин улардаги маълумотлар қонунда белгиланган меъёрга мос келмайди. Хусусий капитал ва Ўз маблағлари манбаи мазмунан бир хил маънони англатмайди, улар бир биридан фарқ қилади деб ҳисоблаймиз. **Хусусий капитал деганда** Қонунда ўз аксини топган капиталлар мажмуасини (йиғиндисини) тушунмоқ керак. **Ўз маблағлари манбаи** деганда хусусий капитал билан мақсадли ва бошқа тушумлар мажмуасини (йиғиндисини) тушунмоқ керак. Шунинг учун “Ҳисобварақлар режаси”да ҳам бухгалеурия балансининг “Ўз маблағлари” бўлимида ҳам хусусий капитални чегаралаган ҳолда акс эттириш керак. Шундай ёндошилмаса модиявий-иқтисодий таҳлилда кўп чалкашликларга олиб келади. Ҳозирги пайтда хусусий капитални ўз маблағлари деб тушутганлар ҳам ва хусусий капитални ўз маблағларининг асосий қисми деб тушутганлар ҳам иқтисодий таҳлилни амалга ошириб,талабаларга дарс, сабоқ бериб келаётирлар.

Хусусий капитал таркиби, таркибий тузилиши ва ундан фойдаланиш самарадорлигининг таҳлилини тўғри амалга ошириш ва асосли хулосалар чиқариш учун хусусий капитал таркибига кирувчи капитал турларини аниқ чегаралаш зарур. Хусусий капитал таркибига “Сотиб олинган хусусий акциялар”ни киритиш мумкин деб ҳисоблаймиз.Лекин бу фикрни ҳам қонун орқали расмийлаштириш зарур, яни қонуннинг 19-моддасига қўшимча киритиш орқали амалга ошириш мумкин. Хусусий капитал билан корхонанинг ўз маблағларини бир хил маънода (мазмунда) тушунилса, уни албатда қонун билан расмийлаштириш зарур, чунки уни ҳамма ўқувчи – талаба ҳам, ҳисобчи ҳам, таҳлилчи ҳам, изланувчи ҳам , хўжалик раҳбари ҳам билиши зарур.Агар ҳозирги ҳаракатдаги қонун ўз кучида қолса,буларни бир биридан фарқлаб, бухгалтерия баланси ва ҳисоботида ҳам, ҳисобварақлари режасида ҳам, молиявий-иқтисодий таҳлилда ҳам алоҳида - алоҳида таърифлаб, шарқлаб акс эттириш ва ўрганиш зарур.

Хусусий капитал иқтисодий самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткич бўлиб, хусусий капитал рентабеллиги ҳисобланади. Хусусий капитал рентабеллиги таҳлилини амалга оширишда ҳозирги даврда соф фойда, хусусий лапитал ва ўз маблағлари манбаи кўрсаткичларидан фойдаланиб келинмоқда. Хусусий капитал рентабеллиги даражаси соф фойда ҳажмини хусусий капиталнинг ўртача йиллик ҳажмига ёки ўз маблағлари манбаининг ўртача ҳажмига бўлиш орқали ҳисобланиб келинмоқда. Буни қуйидаги маълумотларидан кўриш мумкин.

1) Шоалимов А.Х. дарслигида[1] хусусий капитал рентабеллигини соф фойдани ўз маблағларининг ўртача йиллик қийматига нисбатан аниқлаган (119 бет):

$$\mathbf{R_{XK} = \frac{SF}{XK} = \frac{Sof\ fo\boxtimes‰a}{O'z\ mablag'larining\ o'rtachayillik\ qiyma潔i}}$$

[1] Shoalimov A.X. va boshqalar. Iqtisodiy tahlil va audit. Darslik.Toshkent-2017

2) Ваҳобов А.В. дарслигида[1] хусусий капитал рентабеллигини соф фойдани хусусий капиталнинг ўртача йиллик қийматига нисбатан аниқлаган (336 бет):

$$\mathbf{R_{ХК} = \frac{SF}{XK} = \frac{Sof\ foyda}{Xususiy\ kapital\ o'rtachayillik\ qiymati}}$$

3) Савицская Г.В. дарслигида[2] хусусий капитал рентабеллигини соф фойдани хусусий капитал ҳажмига нисбатан аниқлаган (438 бет):

$$\mathbf{R_{ХК} = \frac{SF}{XK} = \frac{Sof\ foyda}{Xusus\langle y\ kapital}}$$

4) Қудратов Т. дарслигида[3] хусусий капитал рентабеллигини соф фойдани хусусий капиталнинг ўртача йиллик қийматига нисбатан аниқлаган (199 бет**)**:

$$\mathbf{R_{ХК} = \frac{SF}{XK} = \frac{Sof\ foy\langle a}{Xususiy\ kap\ talning\ o'\langle tachayillik\ qiymati}}$$

Ушбу маълумотлардан кўриниб турибдики, хусусий капитал рентабеллигини ҳисоблаш ва таҳлил этишга бир хил ёндошув йўқ. Шулардан биз Қонун билан тасдиқланган хусусий капитал ҳажмига нисбатан рентабеллик даражасини аниқлаш усулини маъқуллаймиз ва у асосида омилли таҳлилни амалга ошириш тўғри деб ҳисоблаймиз ва шуни таҳлилда қўллашни тавсия қиламиз.

Бизнинг мақсадимиз кимларни айблаш емас, аҳволни яхшилаш, тўғрилаш бўйича фикр-тавсия беришдир. Шунинг учун қуйидаги фикрларимизни баён қиламиз (тавсия етамиз):

Хулоса

1.Хусусий капитал таркиби ва таркибий тузилишининг таҳлилини, унинг ҳажми ва самарадорлиги динамикасининг омилли таҳлилини тўғри, объектив ва илмий асосли амалга ошириш учун ҳаракатдаги “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги қонун чегарасидан чиқмаган ҳолда амалга оширишни тавсия этамиз .

2. Хусусий капитал иқтисодий самарадорлигини ифодаловчи рентабеллик кўрсаткичини соф фойдани хусусий капиталнинг ўртача йиллик қтйматига (ҳажмига) нисбатан ҳисоблашни тавсия утамиз

3.Агар хусусий капитал таҳлилини бухгалтерия баланси таркибидаги “Ўз маблағлари манбаи” асосида амалга ошириш зарур бўлса, Қонуннинг “Хусусий капитални ҳисобга олиш” деган 19-моддасига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиб, тасдиқлаб олиш зарур деб ҳисоблаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар

1.Ваҳобов А.В., Иброҳимов А.Т. Ишонқулов Н.Ф.,, “Молиявий ва бошқарув таҳлили”. Дарслик. Т.: “Шарқ”, 2005йил,280 бет

[1] Vahobov A.V., Ibrohimov A.T. Ishonqulov N.F.,, “Moliyaviy va boshqaruv tahlili”. Darslik.
[2] Савицкая Г.В. Анализ хозяйственной деятелъности предприятий АПК. Учебник
[3] Qudratov T.,Fayziyeva N. Korxonalar faoliyatining tahlili va nazorati. Darslik.- T 2012

2. Пардаев М.Қ.,Шоалимов А.Х.,Пардаев И.Р.,Исроилов Ж.И. Бошқарув таҳлили. Маърузалар курси. Самарқанд,2004 йил,256 бет

3. 7.Романова Л.Е. и др. Экономический анализ. Учебное пособие. Питер-2011год, 332 стр.

4. Савицкая Г.В. Анализ хозяйственной деятелъности предприятий. Учебник. Минск « Новое знание», 2001 год, 686 стр

5.Шоалимов А.Х. ва бошқалар. Иқтисодий таҳлил ва аудит. Дарслик.Тошкент-2017 йил, 392 бет

6. Қудратов Т.,Кудратова И. Қишлоқ хўжалик корхоналари фаолиятининг таҳлили. Ўқув қўлланма. Самарканд-2008 йил, 192 бет

7. Қудратов Т.,Файзиева Н. Қишлоқ хўжалик кпрхоналари фаолиятининг таҳлили. Дарслик. Самарқанд, 2010йил, 272 бет

8. Қудратов Т.,Файзиева Н. Корхоналар фаолиятининг таҳлили ва назорати. Дарслик.- Т.: “Ворис” нашриёти, 2012 йил, 256 бет

9. Қудратов Т., Иброҳимов М. Иқтисодий таҳлил. Ўқув қўлланма. Т.: “Илм зиё”, 2017 йил, 8-нашри.

Ахроров З.О. – СамИСИ таянч докторанти

СОЛИҚЛАР МОЛИЯВИЙ КАТЕГОРИЯ СИФАТИДА

Аннотация. Маколада солиқларнинг моҳиятига борасидаги баъзи назарий қарашлар, солиқларнинг молиявий муносабатларни ташкил этиш борасидаги хусусиятлари, иқтисодиётда солиқ муносабатларини йўлга қўйиш ҳақида фикрлар ўз аксини топган.

Калит сўзлар: солиқ, солиқ муносабатлари, молия, ишлаб чиқариш, категория.

Солиқлар узоқ тарихи давомида ишлаб чиқариш муносабатлари тизимида илмий тушунча ва мунозаралар сифатида амал қилишига қарамай, солиқларни тадқиқ қилиш уларнинг предмети, моҳияти, табиати, таркиби, хусусиятлари, кенгайтирилган қайта ишлаб чиқариш тизимида солиқларнинг ўрни ва бошқа масалалар тўлиқ ёритилмаганлиги ёки аниқланмаганлигини кўрсатди.

Афсуски, солиқларнинг умумий таърифи уларни бозор муносабатларининг тикланиши ва ривожланиши шароитида хўжалик юритиш амалиётида фойдаланиш мумкин бўладиган қиймат категорияларини амалга оширишга имкон бермайди.

Солиқлар ва солиқ муносабатлари тўғрисидаги конкрет амалий муаммоларни ўрганиш давомида биз кўп маротаба унинг энг умумий назарий масалаларига дуч келамиз. Шу муносабат билан, солиқлар ва солиқ муносабатлари тўғрисидаги фундаментал муаммоларини ишлаб чиқиш,

молиявий сиёсат вазифаларини ҳал этишнинг илмий асосланиши жиддий амалий аҳамият касб этади.

Афсуски, кўпинча амалиёт ходимлари ўртасида амалий вазифаларни ҳал этишда назариянинг муҳим эмаслиги тўғрисидаги (масалан, “Иқтисодий ҳодисалар ва уларнинг функцияларининг моҳияти тўғрисидаги мунозаралар жиддий аҳамиятга эгами? Асосийси – бу ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилишда иқтисодий ҳодисалардан фойдаланиш амалиётидир” ва ҳ.к.) фикрларни эшитб қоламиз. Фикримизча, иқтисодий ҳодисаларнинг моҳияти ва функциялари тўғрисидаги бундай фикрлар ўз асосига кўра ишончли эмас. Чунки назария фақат ўзи учунгина мавжуд бўлмайди. У кенг маънода, амалиётни “рўёбга чиқарувчисидир”, бироқ бу амалиётни илмий умумлаштиришда назариянинг ролини асло камайтирмаслиги лозим, у иқтисодий муносабатларни мустаҳкамлашнинг энг муҳим шарти ва омили ҳисобланади. Демакки, ҳар қандай иқтисодий кўрсаткичнинг амалий таъсирчанлигини таъминлаш имконсиздир.

Шу билан бир вақтда, умуман олганда солиқларнинг умумий назарияси масалалари (солиқ категорияси тушунчаси, унинг объектив зарурлиги, такрор ишлаб чиқаришдаги роли, солиқларнинг функциялари ва бошқалар) таҳлили ҳақида фундаментал тадқиқотлар мавжуд эмас. Булар қуйидаги ҳолатлар билан боғлиқдир: биринчидан, бозор муносабатларига ўтгунга қадар, солиқлар роли таҳлили, уларнинг ҳозирги роли билан таққослаганда, иқтисодий жиҳатдан, камроқ аҳамиятга эга бўлганлиги, иккинчидан, солиқларнинг функцияси тўғрисидаги турлича талқинларнинг мавжудлигидир. Буларнинг барчаси шундан гувоҳлик беради, умуман иқтисодий категория сифатидаги солиқларнинг моҳияти эмас, балки бюджет даромадларини шакллантириш мақсадида кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш тизимида уларнинг алоҳида хусусиятлари ва вазифаларигина ўрганилмоқда.

Маълумки, ҳар қандай иқтисодий категориянинг моҳияти иқтисодий муносабатлар таркибини, категориянинг ўзига хос хусусиятларини, муносабатларнинг асосини ва унинг ижтимоий-иқтисодий тавсифини аниқлаши зарур.

Умуман олганда бизнинг иқтисодий адабиётларимизда молиявий категория ҳисобланган солиқлар моҳиятининг барча жиҳатларини топиш мумкин. Охирги 15 йилда ёзилган деярли барча адабиётларда солиқ муносабатларининг назарий таҳлили бирмунча бир андозада тадқиқ этилганлигини кўрмаслик мумкин эмас, уларда даставвал солиққа тортиш аҳамияти ва бюджетга тўлашлар тартиби аниқланади, солиқ турлари тавсифи берилади, солиқ тўловчи ва бюджет муносабатлари аниқланади, у ёки бу турдаги солиқларни киритиш тўғрисидаги баҳслар олиб борилади, солиқларнинг моҳияти аниқланади, функциялари таҳлил этилади ва бошқалар. Солиқларнинг тушунчаси ва моҳияти тўғрисидаги масалаларда, бугунги кунда (ватанимиз) олимлар(и) орасида молия соҳасидаги каби жиддий фарқланувчи тасаввурлар йўқ. Ушбу ҳолат ўз-ўзидан эътироз

чақирмаслиги мумкин эмас, чунки концепциялар ва таклифларнинг турличалиги орқасида объектив воқеликнинг тушунчаларида мураккаб ва зиддиятли акс эттириш жараёни туради.

Солиқ муносабатларининг асоси нима ҳисобланади, солиқлар молиянинг бир қисми ҳисобланадими, нима учун бозор муносабатларининг шаклланиши шароитларида билвосита солиқлар ва уларнинг давлат бюджетига марказлашуви ривожланади, солиқ категорияси ва унинг бошқа қиймат категориялари билан ўзаро алоқадорлигининг ижтимоий-иқтисодий ва умумиқтисодий мазмуни нимадан иборат каби саволларга батафсил жавоблар ҳозирча йўқ.

Солиқ муносабатлари таркибига объект ва субъектлар тавсифини ўз ичига олади. Солиқ муносабатлари марказлашган ва марказлашмаган фондларни яратиш ва улардан фойдаланиш, фондлар ва солиқ йиғувчилар (давлат органи бўлиши шарт эмас) ўртасидаги муносабатлар бўйича вужудга келади. Бу ҳолатни солиқлар ва солиққа тортиш масалалари бўйича барча назарий тадқиқотларда кўриш мумкин: дастлабки қарашда уларнинг барчаси ҳам ҳақлидек кўринади.

Бироқ, ушбу ҳолатдан бошқа бири келиб чиқади: солиқ муносабатлари нима учун вужудга келади, агарда пул манбаларининг марказлаштирилган ва марказлаштирилмаган фондлари бўйича бўлса, унда миллий даромадни яратишнинг асоси нима ҳисобланади. Худди мана шу ерда назарий йўналишдаги мураккабликлар бошланади.

Агарда солиқ муносабатлари молиявий муносабатлар ҳисобланадиган бўлса (бу эса ҳеч қандай шубҳа туғдирмайди), уларнинг умумийлиги тегишли иқтисодий (моддий) манфаатлар бўлиши лозим, чунки иқтисодий манфаатларсиз иқтисодий муносабатлар ҳам бўлмайди. Солиқ тўловчининг иқтисодий манфаати самарали молиявий муносабатлар ташкил этилиши ва умумхўжалик ва махсус фондлар яратилиши асосида фойда олишда ифодаланади. Солиқ тўловчининг молиявий солиқ манфаати эса шаклланган солиқ муносабатларида ўзи эришган моддий аҳволга таянишнинг кафолатини таъминлашда кўринади.

Агарда солиқ муносабатлари (яъни солиқ тўловчилар ва бюджет ўртасидаги муносабатлар) субъектлар иқтисодий манфаатлари кесишган жойда вужудга келса ва улар объектив ҳисобланса, у ёки бу манфаатларини амалга ошириш тегишли (мос равишдаги) субъектларсиз имконсиздир. Чунки солиқ муносабатлари, уларнинг иқтисодий категория сифатида бир бутунлиги нуқтаи назаридан, ҳам биринчи, ҳам иккинчи субъектга боғлиқ ҳисобланади.

Солиқ тўловчиларнинг бўлмаслиги, автоматик тарзда, давлат манфаатларини таъминлаш мумкин эмаслигини англатади. Чунки давлат тегишли ресурсларсиз, яъни умумдавлат фондларини яратиш учун зарур ҳисобланувчи субъектларнинг солиқ тўловларисиз ва ўз иқтисодий функциясига мувофиқ ҳолда харажатларни амалга оширмасдан туриб мавжуд бўла олмайди. Ахир ишлаб чиқарувчилар ўз хўжаликларида турлича

мақсадлардаги фондларни яратган ҳолдагина, ўз иқтисодий манфаатларини рўёбга чиқара олишлари мумкин, бу бюджетдан ташқари ташкилотларнинг (корхоналарнинг) хўжалик юритиш амалиёти бидан бевосита тасдиқланади. Манфаатларни рўёбга чиқаришнинг ушбу усули қанчалик самарали эканлиги эса мутлақо бошқа масаладир.

Демак, солиқ соҳасидаги иқтисодий муносабатлар – бу ишлаб чиқарувчиларнинг иқтисодий манфаатларини амалга оширишнинг жами йиғиндиси эмас. Чунки бундай манфаатларни солиқ муносабатларисиз, яъни субъектлар ва бюджет ўртасидаги муносабатлар орқали ҳам амалга ошириш мумкин.

Солиқ муносабатларининг моҳиятини юқоридагидек талқин этиш, бизга солиқ муносабатлари – бу солиққа тортиш категориясининг анча ривожланган, кўринувчан, ўзгартирилган шакли деб умумлаштиришга имкон беради.

Демак, солиққа тортиш категорияси – бу нафақат солиқ муносабатлари (яъни иқтисодий адабиётларда талқин этилаётганидек, марказлаштирилган ва марказлаштирилмаган фондлар яратилиши бўйича вужудга келувчи муносабатлар), балки солиқ тўловчилар иқтисодий манфаатларининг тизими ёки йиғиндисидир. Бизнингча, солиққа тортиш - бу шаклдан кўра (яъни солиқ муносабатларидан) нимадир кўпроқ нарса, у солиқ муносабатлари тушунчасига қараганда кўпроқ бирламчи, асосий, аниқловчи, қадимийроқдир.

Агарда бунда ишлаб чиқарувчиларниг иқтисодий манфаатларининг амалга оширилиши ишлаб чиқариш муносабатлари асосида юз беради деган фикрга қўшилсак, унда солиққа тортишни ҳам (яъни иқтисодий муносабатларнинг бир қисми ҳисобланувчи солиқ манфаатларининг амалга оширилиши) албатта бирламчи ишлаб чиқариш муносабатлари соҳасига киритишни талаб этади.

Афсуски, мавжуд назарий аҳамият касб этувчи илмий ишларда бундай масала ўртага қўйилмайди. Солиқларнинг моҳияти берилган таърифларда аниқланишича, нафақат формал фарқлар кўп, балки солиққа тортиш, солиқ тўловлари ва солиқ муносабатлари тушунчалари ўртасидаги фарқлар ҳам берилмаган. Ушбу турли иқтисодий тушунчаларни бир-бирига очиқчасига ўхшатиш мавжуд. Бу шунингдек, худди молияни молиявий муносабатлар билан ўхшатиш каби номақбулдир. Шак-шубҳасиз, солиққа тортиш ва солиқ муносабатлари марказлаштирилган фондларни яратиш ва фойдаланиш билан боғликдир.

Бизнинг тушунчамиз ва бошқлар ўртасидаги фарқ шундан иборатки, солиққа тортиш – бу бирламчи ишлаб чиқариш муносабатлари ҳисобланади, солиқ муносабатлари эса уларнинг ҳосиласидир, холос. Бундай мазмуннинг мотивини тан олишнинг, биринчи қарашда кам аҳамиятли фактининг тан олинишининг ўзи эса, солиқлар тўғрисидаги замонавий назариянинг кўплаб жиҳатларини, унинг амалий қўлланилишигача бўлган, анча чуқур даражадаги, назарий фикрлашларга олиб боради.

Юқорида баён этилганларни ҳисобга олиб, шундай хулоса қилишимиз мумкинки, солиқлар сифатида иқтисодий муносабатлар моддий ва номоддий ишлаб чиқаришда, унинг иқтисодий манфаатлари асосида иштирокчилари ўртасида вужудга келади. Ушбу эҳтиёж ишлаб чиқарувчининг иродаси ва онгига боғлиқ эмас, яъни уни объектив равишда бозор муносабатлари шароитида бюджет даромадларини шакллантириш зарурлигига олиб келади. Масалан, алоҳида солиқ тўловчига у бевосита солиқларни тўлашдан қочган ҳолда ўзининг бутун даромадини еб қўйиши мумкиндек туюлсада, у бунда унинг олдида турган бюджет ва қарз шаклидаги (уларсиз кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни ташкил қилиб бўлмайдиган) манбаларга дуч келади.

Солиқ категорияси мазмуни ва элементларини тўлиқ таҳлил қилишга давогарлик қилмаган ҳолда айтиш мумкинки, уни очиб бермасдан туриб, солиқларнинг моҳиятига тўлиқ кириб бориш, солиқлар тўғрисида етарлича ва аниқ билимга эга бўлиш мумкин эмас. Шуни ҳам айтиш муҳимки, солиқ бир бутун тузилма сифатида, элементлардан биринг, айниқса солиқсиз тўловлар ёки солиқ йиғимларининг моҳиятини ва шунингдек бюджетни ҳам билдирмайди.

Солиққа тортиш бу бирламчи ишлаб чиқариш муносабатларининг белгисидир. Бошқача айтганда, ишлаб чиқарувчиларнинг ишлаб чиқариш муносабатларида нафақат соф ишлаб чиқариш манфаатлари, балки улар билан биргаликда давлат бюджети, яъни бюджет манфаатлари ҳам амалга оширилади. Реал иқтисодий ҳаётда ушбу манфаатлар бир-бири билан шунчалик қоришиб кетганки, уларни таққослаш ёки ажратиш нореал ва имконсиздир.

Мусаев Р.М. – СамИСИ доценти
Ходжиметова Д.З. – СамИСИ магистранти

ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА КОРХОНАЛАР МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛЛАРИ

Аннотация. Мақолада корхоналар молиявий барқарорлигини таъминлаш иқтисодиётни модернизациялаш омили сифатида баҳоланиб, молиявий барқарорликнинг моҳияти, уни акс эттирувчи турли кўрсаткичлар ва молиявий барқарорликни таъминлаш йўллари бўйича хулоса ва таклифлар келтирилган.

Калит сўзлар: корхона, модернизация, молиявий барқарорлик, мезон.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида корхоналар молиявий-иқтисодий фаолияти энг муҳим тавсифи унинг тўловга қобиллиги ва

молиявий барқарорлигини таъминлаш муҳим ҳисобланади. Агар корхона молиявий барқарор, тўловга лаёқатли бўлса, у шу йўлдаги корхоналар олдида инвестициялар жалб қилишда, кредитлар олишда, таъминотчиларни танлашда ва юқори малакали кадрларни жалб қилишда устунликка эга бўлади.

Корхона қанчалик барқарор бўлса, у бозор конъюнктурасининг кутилмаган ўзгаришларига чидамли бўлади ва шу билан бирга бу иқтисодий ночорлик соҳасида кичик риск бўлиб кўринади.

Ҳозирги шароитда иқтисодиётни ривожлантиришнинг бош вазифаси ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, шу жумладан, миллий ва халқаро бозорларда корхоналарнинг барқарор ўринларни эгаллаши ҳисобланади. Бозор иқтисодиёти шароитида корхоналар молиявий-хўжалик фаолияти фаолияти ўз-ўзини молиялаштириш, ўз молиявий ресурслари етмаган тақдирда молиявий ресурсларни жалб қилиш бўлиб ҳисобланади.

А. Йўлдошев томонидан корхоналарнинг молиявий барқарорлигини таъминлашнинг асосий омилларидан бири уларнинг мавжуд ишлаб чиқариш ва молиявий ресурсларидан самарали фойдаланиш, корхонада молиявий ресурсларнинг миқдорий ва сифат кўрсаткичлари ўртасида мутаносибликка эришишдан иборат деб эътироф этилади[1].

Проф. Э.Акрамов молиявий барқарорлик тоифаси корхонанинг молиявий ҳолатини зарурий бир хил даражада туриши ва пасаймаслигини ифодаловчи кўрсаткич эканлигини таъкидлайди[2].

Профессор Т.С. Маликовнинг фикрига кўра, хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий барқарорлигини умумий (автономия коэффициенти, қарз капиталининг концентрациялашув коэффициенти, қарз ва ўз маблағларининг нисбати коэффициенти) ва нисбий кўрсаткичлар (захира ва харажатларнинг ўз капитали билан таъминланганлик коэффициенти, молиявий мустақиллик коэффициенти, ўз капиталининг манёврлилик коэффициенти) ифодалайди[3].

Молиявий барқарорликнинг ортиқча соддалаштириб аниқланиш ҳолатлари К.Макконнелл ва С.Брюнинг «Экономикс» китобида ўз аксини топган. Айнан шу ишда молиявий барқарорлик омилларига нисбатан миқдорий ёндашув аниқ ифодаланган. Жумладан, унда хақиқатда молиявий барқарорлик етарлича даражада асосланмаган бўлса-да қуйидаги аниқланиш келтирилган: «Иқтисодий ўсиш назариясига келганда, унинг асосий муаммоси қуйидагича шакллантирилади»; «Тўлиқ бандлик шароитида ишлаб чиқариш қувватлари ёки ялпи миллий маҳсулот ҳажмини қандай қилиб кўпайтириб бориш мумкин?»[4].

---

[1] Йўлдошев А. Корхоналар молиявий барқарорлигини таъминлаш масалалари. //Бизнес-эксперт. 2016 йил №12(108)-сон.

[2] Акрамов Э.А. Корхоналарнинг молиявий ҳолати таҳлили. - Т.: Молия, 2003. – Б. 64-85.

[3] Маликов Т.С. Молия: хўжалик юритувчи субъектлар молияси. Ўқув қўлланма. –Т.: Iqtisod-moliya, 2009. – Б. 254-257

[4] Макконнелл К.Р., Брю С.Л.. Экономикс. В 2 Т. - М.; «Республика, 1992. Т.1. С.380.

Л.Т. Гиляровская корхоналар молиявий барқарорлигини биринчи навбатда анча юқори тадбиркорлик риски, ўзгарувчан ишбилармонлик шароитида самарали ишлаш (мулк эгалари фаровонлигини ошириш, шунингдек корхонанинг рақобатбардош устунликларини кучайтириш) қобилияти[1], деб таъкидлайди. Айнан ушбу таъриф иқтисодиётни модернизациялаш шароитида долзарбдир.

Шунга мос равишда молиявий барқарорликни ҳисоблаш ҳам соф миқдорий ўлчамларга келтирилади. Таъкидлаб ўтилган ишда молиявий барқарорликни иқтисодий ўсиш жараёнлари билан чамбарчас боғлиқ ҳолда аниқлаш ва ҳисоблашнинг ҳақиқатда фақат иккита ўзаро боғлиқ ҳолда ажратиб кўрсатилган;

⇒маълум вақт оралиғида реал ялпи ички маҳсулотнинг кўпайиши сифатида;

⇒маълум вақт оралиғида реал ялпи ички маҳсулотнинг аҳоли жон боши ҳисобига кўпайиши сифатида.

Молиявий барқарорлик ва миллий иқтисодий потенциали ўзаро боғлиқлигининг тўғрилиги шак-шубҳасиз аниқ ва шубҳаларга берилмайди. Амалий нуқтаи назардан эса у фақат инвестициялар ва молиявий барқарорликнинг боғлиқлиги нуқтаи назардан тасаввур қилинади. Албатта, инвестицион фаоллик молиявий барқарорликнинг энг муҳим шарт-шароитларидан бири ҳисобланади, лекин бунда у тўлиқ аниқловчи эмас. Инвестицияларнинг молиявий барқарорлик жараёнидаги ролини махсус қараб чиқиш мақсадга мувофиқ, аммо буни молиявий барқарорлик тушунчасининг асосий мазмуни очиб берилгандан кейин амалта ошириш лозим.

Молиявий барқарорлик ҳолати рақобат муҳити таъсиридан ўзгаради. Рақобатга лаёқатлилининг асосий ўлчамларини энди ривожланаётган ёки миллий иқтисодиёти ўзгаришларга учраётган мамлакатлар эмас, балки ўзларининг иқтисодий ўсишдаги муаммоларни учинчи дунё мамлакатлари ўсиб борувчи бозорлари билан боғланган, саноат жиҳатдан ривожланган мамлакатлар белгилаб беради. Улар ялпи талабнинг ўсишини ўзларининг миллий ёки биргаликдаги ишлаб чиқаришлар томонидан билдирилтан таклиф билан мос равишда тўлдиради. Булардан ташқари, агар молиявий барқарорлик муаммоларига ёндашиш ҳақида гап кетганда, унинг омилларини баҳолашга ёндашишиинг ўзгариши каби далилларга алоҳида тўхталиб ўтиш ҳам зарур бўлади. Умуман омилларни ўрганишга ёндашув одатига асосан иккита-экстенсив ва интенсив мезонлар бўйича амалга оширилади.

Шундай қилиб, миллий иқтисодиётнинг самарали тузилиши, нафақат молиявий барқарорлик мазмунига, балки унинг омилларига ҳам дахлдор

[1] Крайняй И. Ю., Голиков С. Д., Григорьев В. В. Сущность финансовой устойчивости предприятия как основного критерия его финансового состояния //Международный журнал гуманитарных и естественных наук. – 2019. – №. 5-4.

бўлади. Ўзбекистонда иқтисодий ривожланишнинг энг кескин муаммоларини ҳисобга олиб, бу иш доирасида нафақат ЯИМнинг аҳоли жон бошига ўсиш муаммоларига, балки кутилган таркибий самарани таъминлаш мумкин бўлган молиявий барқарорликни молиялаштиришнинг хусусиятларига асосий эътибор қаратилиши лозим бўлади.

Молиявий барқарорлик ва уни таъминлаш ҳамда уларни баҳолашга нисбатан ёндашувлардан шуни хулоса қилиш мумкинки, молиявий барқарорлик ва уни таъминлашни илмий асослаш ва унинг кўрсаткичларини таснифлаш учун асосан ўрганилаётган объект (соҳа ёки тармоқ) ўзига хос хусусиятлари ва ихтисослигидан келиб чиққан ҳолда ёндашишни талаб этади.

Молиявий барқарорлик ва уни таъминлашни мутлақ кўрсаткичлар тизимини заҳира ва харажатлар ҳажми ўртасидаги фарқ кўринишида юзага келадиган заҳира ва харажатларни шакллантирувчи маблағлар манбаларининг ортиқлиги ёки етишмаслиги сифатида умумий талқин этиш мақсадга мувофиқ.

Иқтисодий муносабатларнинг глобаллашуви, бозор муҳитининг ноаниқлиги, кучли рақобат муҳити, ўзгарувчан талаб ва қонунчиликдаги ўзгариш ва янгиликлар корхона барқарорлигига узлуксиз таъсир кўрсатиб туради. Корхонанинг турли хусусиятдаги таъсирларга барқарорлиги келгусида унинг “яшаб қолиши” ва тараққий этишини белгилаб беради.

Корхоналар молиясида етакчи иқтисодчи олимлар ва мутахассислар корхоналарнинг барқарорлигини баҳолаш бўйича турли хил мезонларни ажратиб кўрсатадилар. Бу корхоналарнинг рақобатбардошлиги, ижтимоий муҳитдаги барқарорлиги, савдо жараёнини ташкил қилувчи техник воситалар билан жиҳозланганлиги, молиявий ҳолати, мослашувчанлик ҳолати, бошқарув самарадорлиги ва иш фаоллигидир.

Корхонанинг жорий давр учун барқарорлиги ноаниқликларнинг хавфли даражагача кўтарилиш хатарини пасайтиради.

Жорий барқарорликка ресурсларга бўлган жорий талаб ва уларга эгалик қилиш ва улардан фойдаланиш имкониятлари ўртасидаги мувозанатга эришиш, ушбу мувозанатни маълум давр мобайнида сақлаб қолиш орқали эришилади. Бунда корхонанинг бозор сегментида фаолият кўрсатиши ва рақобат муҳитининг аниқ шарт-шароитларини шак-шубҳасиз эътиборга олиш муҳимдир. Бундан ташқари корхоналар фаолияти доимий равишда талаб ўзгариши таъсири остида бўлади.

Корхонанинг барқарорлигини таъминлаш қатъий чора-тадбирлар ёки вазиятли бошқарув ёрдамида амалга оширилмайди. Бу корхона фаолиятига боғлиқ бўлган турли ноаниқликларни келтириб чиқарувчи шарт-шароитларни бартараф этиш учун режали амалага оширилидагин комплекс вазифа ҳисобланади. Барқарорликни таъминлаш унга салбий таъсир кўрсатувчи ва барқарорсизликка олиб келувчи омилларга қарши туриш демакдир.

Муайян корхонани ташқи шароитлар ўзгаришига қарамасдан, раҳбариятнинг ўз ички алоқалар тизимини ва ҳаётий аҳамиятга эга муҳим жиҳатларини сақлаб қолишга имкон берувчи бошқарув даражасига эга бўлган тақдирдагина барқарор деб талқин этишимиз мумкин. Барқарор яшовчанлик ташкилот тизимининг молиявий ресурс, ливидлилик, бозорнинг барқарорлиги, рақобат муҳитидаги барқарорлики каби белгилар мажмуини ўзида акс эттиради.

Барқарорликни баҳолаш ташқи муҳит ўзгариши билан корхона ривожланишини прогнозлаш имконини берадиган жорий ҳолатни ифодаловчи сифат ва миқдор кўрсаткичларни таҳлил қилиш орқали амалга оширилади. Барқарорликни баҳолашнинг асосий муаммоси – унинг даражасини тўғридан тўғри ифодаловчи ягона кўрсаткичнинг мавжуд эмаслигидир.

Иқтисодий жараёнлар нафақат корхона миқёсида, балки унинг ташқи муҳитида ҳам жуда хилма-хил, шу боис, замонавий иқтисодчилар уларни бир-бири билан боғлайдиган яхлит кўрсаткични ифодалаб бериш имкони йўқ деган хулосага келдилар. Корхонанинг барқарорлиги тўғрисида хулосага келиш учун кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Барқарорлик мезони ва кўрсаткичлари сифатида қуйидагилардан фойдаланиш мумкин:

–фаолият самарадорлиги;

–ресурс салоҳиятидан фойдаланиш даражаси;

–фойда олиш мақсадида қўлланиладиган ва талаб қилинадиган молиявий, товар ва бошқа ресурсларнинг балансланганлиги;

–фаолиятни амалга ошириш шароитларининг ўзгариб туришига тезкорлик билан мослаша олиш ва жавоб қайтариш имкониятининг мавжудлиги.

Фаолият самарадорлиги барқарорликни аниқлашда зарур мезон ҳисобланиб, унинг ёрдамида корхонанинг ривожланиш даражасини ва унга зарур бўладиган ресурсларни аниқлаш, уларни мавжуд имкониятлар билан ўзаро таққослаш, фаолият хусусияти ва мавжуд тўсиқларни аниқлаш мумкин. Корхона фаолиятининг умумий балансланганлиги, салбий таъсир кўрсатувчи омилларни бартараф этилгач унинг динамик мувозанатига эришуви тўғрисида хулоса чиқаришни таъминлайди.

Корхоналарнинг молиявий барқарорлиги қуйидагилар билан характерланади:

- ташқи қарз манбаларидан молиявий мустақиллик;
- молиявий ресурслардан эркин ва самарали фойдаланиш борасида корхонанинг қобилияти;
- хўжалик фаолиятини таъминлаш учун зарур бўлган ўз маблағлари суммаларининг корхонада барқарор мавжудлиги[1].

[1] Маликов Т.С. Молия: хўжалик юритувчи субъектлар молияси. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисод-молия, 2010. – 250 б.

Корхона салоҳияти аксарият иқтисодчилар томонидан молиявий категорияга тааллуқли деб ҳисобланади. Чунки бунда барча маълумотлар молиявий ҳисоботгарни таҳлил қилиниши орқали олинади, бироқ барқарорликка баҳо бериш салоҳиятни аниқлашнинг бошқа усулларини қўллашни талаб этади.

Бизнингча, корхона барқарорлигини баҳолаш унинг бозор, инвестицион, ишлаб чиқариш, молиявий, энг муҳими инновацион салоҳияти ва ундан самарали фойдаланиш даражасини баҳолашни қамраб олиши зарур. Корхоналарнинг барқарорлигини аниқ баҳолаш имконини берувчи муқобил кўрсаткичлардан қўшимча фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

А.М.Арипова -Ташкентский финансовый институт, преподаватель кафедры «Бюджетный учет и казначейское дело»

РАЗВИТИЕ ИНВЕСТИЦИОННОЙ СФЕРЫ – В ЦЕНТРЕ ЭКОНОМИЧЕСКИХ РЕФОРМ

Аннотация: В данном тезисе отражены основные аспекты развития инвестиционной сферы Республики Узбекистан, а также указана ее весомая роль в осуществлении широкомасштабных экономических реформ.

Ключевые слова: инвестиции, инвестор, инвестиционный климат, инвестиционная деятельность, экономические реформы, инвестиционная политика, либерализация экономики, экономический рост, экономическое развитие.

Формированию положительного инвестиционного климата в Узбекистане, путем совершенствования законодательства в сфере инвестиционной деятельности, благоприятной для иностранных инвесторов, уделялось большое внимание уже с первых лет независимости.

Правительство Республики Узбекистан, вступив на новый этап развития и формирования современного государства, приступило к проведению широкомасштабных реформ, направление которых определила принятая Стратегия действий по дальнейшему развитию Узбекистана в 2017–2021 годах, охватывающая различные аспекты либерализации национальной экономики. Особое место в этом основополагающем документе принадлежит повышению эффективности инвестиционной политики, улучшению инвестиционного климата государства.

В результате принятых мер в настоящее время инвестиционная сфера Узбекистана является одной из самых передовых в странах Центральной Азии. Она включает в себя ключевые элементы международного инвестиционного права, в частности, положение о гарантиях прав иностранных инвесторов, предоставления им определенных преференций и другие важные критерии.

В настоящее время создана весомая законодательная база для правового регулирования в области привлечения иностранных инвестиций, которая включает в себя Законы «Об инвестиционной деятельности», «Об иностранных инвестициях», «О гарантиях и мерах защиты прав иностранных инвесторов», «О свободных экономических зонах», а также Указ Президента Республики Узбекистан «О дополнительных мерах по стимулированию привлечения прямых иностранных инвестиций» и другие нормативные акты.

В соответствии с законодательством Республики Узбекистан, иностранный инвестор получил право на свободное распоряжение доходом, полученным в результате инвестиционной деятельности, свободную конвертацию денежных валютных средств в банках для осуществления текущих международных операций, репатриацию прибыли, погашение кредитов, выплату командировочных расходов и другие переводы неторгового характера.

Положительным моментом для инвесторов является то, что все лицензии на право осуществления отдельных видов деятельности выдаются без ограничения срока их действия, кроме лицензий на право осуществления нескольких видов стратегической деятельности. Для бизнеса обеспечена устойчивость нормативно-правовых норм, сохранен благоприятный режим налогообложения для иностранных инвестиций, а также со стороны руководства страны гарантирована всесторонняя поддержка и надежная правовая защита инвесторов, что является весомым стимулом для расширения притока зарубежных инвестиций [1].

Президент Республики Узбекистана Ш.М. Мирзиёев, выступая 28 декабря 2018 года с ежегодным посланием к Олий Мажлису, отметил, что «…только активно привлекая инвестиции, вводя новые производственные мощности, мы добьемся ускоренного развития нашей экономики. А положительные результаты в экономике позволят последовательно решать накопившиеся проблемы в социальной сфере… Мы будем поддерживать те отрасли, где создается продукция с высокой добавленной стоимостью… Конечной целью инвестиций является повышение уровня жизни каждого человека, проживающего в Узбекистане, а главными приоритетами – развитие социальной сферы, обеспечение молодежи достойным образованием, продвижение здорового образа жизни» [2]. В связи с утвержденными приоритетами развития страны, Глава государства провозгласил 2019 год «Годом активных инвестиций и социального развития» и озвучил следующие актуальные задачи широкомасштабных экономических реформ:

- для коренного улучшения деловой среды и инвестиционного климата государства, создать необходимые условия для открытой экономики и здоровой конкуренции;

- ускорить развитие частного сектора для увеличения количества рабочих мест и сокращения государственного присутствия в экономике;

- всячески способствовать диверсификации экономики и повышению производительности труда, противодействию «теневому сектору», дальнейшей либерализации валютной политики, стабилизации монетарной политики в целях достижения высоких темпов экономического роста;

- уделять отдельное внимание подготовке квалифицированных кадров, способных активно участвовать в достижении стратегических целей экономического развития и реализации инвестиционной политики государства.

В результате решения вышеперечисленных задач предполагается достичь положительных результатов в вопросах качественного формирования предварительных инвестиционных проектов по регионам и отраслям для инвесторов, выразивших желание вкладывать свой капитал в нашу экономику, решить организационные и правовые вопросы размещения участников свободных экономических зон и малых промышленных зон, предоставления льгот и преференций инвесторам, наладившим инновационную и высокотехнологичную производственную деятельность и выпускающим экспортоориентированную продукцию.

В 2019 году планируется освоить почти 138 трлн. сумов инвестиций из всех источников, что на 16% больше, чем в 2018 году. По сравнению с 2018 г. объем прямых иностранных инвестиций увеличится почти в 1,5 раза и достигнет $4,2 млрд. За счет этого будет введено в строй 142 современных предприятия [2].

Инвестиции являются драйвером роста экономики и поэтому стоят особняком в вопросах экономического развития и реформ, проводимых в республике, способствующим развитию других сфер и регионов страны, привлечению новых технологий и высококвалифицированных специалистов.

Как заявил президент Республики Узбекистан Шавкат Мирзиёев: «Конечная цель инвестиций – повышение уровня жизни каждого человека» [2].

Список использованной литературы:

1. Сергей Воронин. Улучшение инвестиционного климата – необходимое условие увеличения притока иностранных инвестиций в экономику Узбекистана. Журнал «Бозор, пул ва кредит» №2, 2019 года.

2. Послание Президента Республики Узбекистан Ш.М. Мирзиёева Олий Мажлису Республики Узбекистан. 28.12.2018 года. https://president.uz/ru/lists/view/2228 (дата обращения: 20.12.2019 года).

3. Кто сколько вложит в Узбекистан. https://uz.sputniknews.ru/infographics/20190116/10523646/Skolko-inostrantsy-vlozhat-v-Uzbekistan-v-2019-godu (дата обращения: 20.12.2019 года).

А.Н.Холиқулов– СамИСИ Иқтисодий таҳлил ва статистика кафедраси мудири, и.ф.н., доцент
Д.Р.Махмудова– СамИСИ магистранти

КИЧИК БИЗНЕС КОРХОНАЛАРИ БОШҚАРУВ САМАРАДОРЛИГИГА ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ ОМИЛЛАР ВА УЛАРНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ ЙЎЛЛАРИ

Кичик бизнес корхоналарининг ҳар бири хўжалик юритувчи субъект сифатида маълум самарадорлик билан ишлаши лозим ва бунда албатта бошқарув самарадорлигига, ҳамда бошқарув усулларини такомиллаштириб туриш зарурияти туғилади. Бунинг учун самарадорликни ифодаловчи барча кўрсаткичларга таъсир этувчи омиллар тизимини ишлаб чиқиш ва уларнинг таъсирини аниқлаш лозим бўлади. Бунда кичик бизнес корхоналари бошқарув самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар билан бирга уларнинг натижавий кўрсаткичларини ҳам алоҳида ўрганишга тўғри келади. Чунки бошқарув тўғри ва оқилона бўлсагина, натижа кўрсаткичлари юқори ҳамда самарадорлик юқори бўлади.

Ушбу назарий хулосага таянадиган бўлсак, кичик бизнес корхоналари бошқарувининг натижавий кўрсаткичлардан бири кичик бизнес корхоналаридан келадиган умумий даромадлар ҳажми, яъни умумий тушум бўлиб ҳисобланади. Ушбу кўрсаткичнинг ўзгаришига таъсир қилувчи омиллар иқтисодий адабиётларда деярли чоп қилинмаган. Буларни инобатга олиб ушбу кўрсаткичларга таъсир этувчи омиллар тизимини ишлаб чиқдик. Бизнинг фикримизча ушбу кўрсаткичнинг ўзгаришига қуйидаги омиллар таъсир қилади:

- вилоятимизда фаолият кўрсатаётган кичик бизнес корхоналарининг сони;

– шу корхоналарда фаолият кўрсатаётган ходимлар сони;

– хар бир ходимга тўғри келадиган бир кунлик ўртача тушум;

- ҳисобот даврида ўртача иш куни.

Уларнинг натижа кўрсаткичи билан боғлиқлигини қуйидаги формула билан ҳисоблашни тавсия қиламиз:

$$\mathbf{У_т = К_с * Х_с * Т_{1х} * Ў_{ик}\ ;\ (1)}$$

Бунда: $У_т$ – кичик бизнес корхоналаридан келадиган умумий даромадлар ҳажми, яъни умумий тушум;

$К_с$ - вилоятимизда фаолият кўрсатаётган кичик бизнес корхоналарининг сони;

$Х_с$ – шу корхоналарда фаолият кўрсатаётган ходимлар сони;

$Т_{1х}$ – хар бир ходимга тўғри келадиган бир кунлик ўртача тушум;

$Ў_{ик}$ – ҳисобот даврида ўртача иш куни.

Таҳлилнинг асосий вазифаси шуки, мазкур омилларнинг натижага яъни бошқарув самарадорлигига таъсирини аниқлашдан иборат. Бунинг

учун, энг аввало, уларнинг фарқини аниқлаш лозим. Ушбу фарқни аниқлаш учун қуйидаги формулани тавсия қиламиз:

$$\Delta У_т = (К_с^{х} * Х_с^{х} * Т_{1х}^{х} * Ў_{ик}^{х}) - (К_с^{р} * Х_с^{р} * Т_{1х}^{р} * Ў_{ик}^{р}); \quad (2)$$

Натижа кўрсаткичининг, яъни кичик бизнес корхоналаридан келадиган умумий даромадлар ҳажми, яъни умумий тушумнинг ўзгаришига биринчи омилнинг, яъни вилоятимизда фаолият кўрсатаётган кичик бизнес корхоналарининг сонининг таъсирини аниқлаш учун, натижани шу омилнинг ҳақиқий миқдори билан қайта ҳисоблаб олинади ($К_с^{х} * Х_с^{р} * Т_{1х}^{р} * Ў_{ик}^{р}$) ва ушбу миқдордан натижанинг режадаги миқдори ($К_с^{р} * Х_с^{р} * Т_{1х}^{р} * Ў_{ик}^{р}$) айрилилади. Бунинг учун қуйидаги формуладан фойдаланишни тавсия қиламиз:

$$\Delta У_{т.Кс} = (К_с^{х} * Х_с^{р} * Т_{1х}^{р} * Ў_{ик}^{р}) - (К_с^{р} * Х_с^{р} * Т_{1х}^{р} * Ў_{ик}^{р}); \quad (3)$$

Кичик бизнес корхоналаридан келадиган умумий даромадлар ҳажми, яъни умумий тушумнинг ўзгаришига иккинчи омилнинг, яъни шу корхоналарда фаолият кўрсатаётган ходимлар сони кўрсаткичи таъсирини аниқлаш учун, натижани шу омилнинг ҳақиқий миқдори билан қайта ҳисоблаб олинади ($К_с^{х} * Х_с^{х} * Т_{1х}^{р} * Ў_{ик}^{р}$) ва ушбу миқдордан натижанинг биринчи омил ўзгариши билан қайта ҳисобланган миқдори ($К_с^{х} * Х_с^{р} * Т_{1х}^{р} * Ў_{ик}^{р}$) айрилилади. Бунинг учун қуйидаги формуладан фойдаланишни тавсия қиламиз:

$$\Delta У_{т.Хс} = (К_с^{х} * Х_с^{х} * Т_{1х}^{р} * Ў_{ик}^{р}) - (К_с^{х} * Х_с^{р} * Т_{1х}^{р} * Ў_{ик}^{р}); \quad (4)$$

Натижа кўрсаткичининг, яъни Кичик бизнес корхоналаридан келадиган умумий даромадлар ҳажми, яъни умумий тушумнинг ўзгаришига учинчи омилнинг, яъни хар бир ходимга тўғри келадиган бир кунлик ўртача тушумнинг таъсирини аниқлаш учун, натижани шу омилнинг ҳақиқий миқдори билан қайта ҳисоблаб олинади ($К_с^{х} * Х_с^{х} * Т_{1х}^{х} * Ў_{ик}^{р}$) ва ушбу миқдордан натижанинг иккинчи омил ўзгариши билан қайта ҳисобланган миқдори ($К_с^{х} * Х_с^{х} * Т_{1х}^{р} * Ў_{ик}^{р}$) айрилилади. Бунинг учун қуйидаги формлуадан фойдаланишни тавсия қиламиз:

$$\Delta У_{т.Т1х} = (К_с^{х} * Х_с^{х} * Т_{1х}^{х} * Ў_{ик}^{р}) - (К_с^{х} * Х_с^{х} * Т_{1х}^{р} * Ў_{ик}^{р}); \quad (5)$$

Натижа кўрсаткичининг, яъни Кичик бизнес корхоналаридан келадиган умумий даромадлар ҳажми, яъни умумий тушумнинг ўзгаришига тўртинчи омилнинг, яъни ҳисобот даврида ўртача иш кунининг таъсирини аниқлаш учун, натижани шу омилнинг ҳақиқий миқдори билан қайта ҳисоблаб олинади ($К_с^{х} * Х_с^{х} * Т_{1х}^{х} * Ў_{ик}^{х}$) ва ушбу миқдордан натижанинг учинчи омил ўзгариши билан қайта ҳисобланган миқдори ($К_с^{х} * Х_с^{х} * Т_{1х}^{х} * Ў_{ик}^{р}$) айрилилади. Бунинг учун қуйидаги формуладан фойдаланишни тавсия қиламиз:

$$\Delta У_{т.ўик} = (К_с^{х} * Х_с^{х} * Т_{1х}^{х} * Ў_{ик}^{х}) - (К_с^{х} * Х_с^{х} * Т_{1х}^{х} * Ў_{ик}^{р}); \quad (6)$$

Барча омиллар таъсири натижанинг умумий фарқига тенг бўлиши лозим. Бунинг учун қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$\Delta У_т = \Delta У_{т.Кс} \pm \Delta У_{т.Хс} \pm \Delta У_{т.Т1х} \pm \Delta У_{т.ўик}; \quad (7)$$

Ушбу формулага амалий маълумотларни қўллаб ечиладиган бўлса натижа ўзгаришига омиллар таъсирини аниқлаш билан бирга уни яхшилашнинг ички имкониятлари ҳам ахтариб топилади. Бунинг учун иқтисодий таҳлилда фойдаланиладиган занжирли алмаштириш усулидан фойдаландик[1].

Ушбу назарий усулнинг бевосита амалиётда қўлланилишини кўриб чиқиш учун қуйидаги Самарқанд вилояти Статистика бошқармасининг маълумотларини келтирамиз (1-жадвал).

1-жадвал

Самарқанд вилояти Статистика бошқармасининг 2015 ва 2018 йилдаги натижавий кўрсаткичлари[2]

№	Кўрсаткичлар	2016 йил	2018 йил	Фарқи (+,-)
1	Кичик бизнес корхоналаридан келадиган умумий даромадлар ҳажми, яъни умумий тушум. $У_т$. (млрд сўм)	2462248,8	2631495,2	169246,4
2	Фаолият кўрсатаётган кичик бизнес корхоналарининг сони, Кс (та)	17261	25643	8382
3	Шу корхоналарда фаолият кўрсатаётган ходимлар сони, $Х_с$ (минг киши)	1286,3	1568,4	282,1
4	Хар бир ходимга тўғри келадиган бир кунлик ўртача тушум. $Т_{1х}$ (минг сўм)	363,6	218,1	-145,3
5	Ҳисобот даврида ўртача иш куни. $Ў_{ик}$	305	300	-5

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики ҳисобот даврида Фаолият кўрсатаётган кичик бизнес корхоналарининг сони ўтган йилга нисбатан 8382 тага кўпайган, шу билан бирга Шу корхоналарда фаолият кўрсатаётган ходимлар сони 282,1 минг кишига кўпайган, Хар бир ходимга тўғри келадиган бир кунлик ўртача тушум 1817,4 минг сўмга ошган. Аммо, Ҳисобот даврида ўртача иш куни 5 кунга камайган. Оқибатда Самарқанд вилоятига Кичик бизнес корхоналаридан келадиган умумий даромадлар ҳажми, яъни умумий тушум суммаси 1693,3 млрд. сўмга ошган. Бироқ ушбу жадвал маълумотлари Кичик бизнес корхоналаридан келадиган умумий даромадлар ҳажми, яъни умумий тушумнинг ўзгаришига қайси омиллар қай даражада таъсир қилганлигини тасвирлай олмайди. Шу туфайли омилли

[1] Пардаев М.Қ., Холиқулов А.Н. Иқтисодиёт субъектларида омилли таҳлилни такомиллаштириш. Монография. Т.: Наврўз нашриёти. 2014 й. 64-108 бетлар.

[2] Самарқанд вилояти Статистика бошқармасининг 2015-2018 йиллардаги маълумотлари асосида муаллифнинг ҳисоб-китоби.

таҳлил учун қуйидаги қуйидаги жадвалдан фойдаланишни тавсия қиламиз (2-жадвал).

Қуйидаги биз тавсия қилган усулдан, яъни занжирли алмаштириш усулидан ҳар бир омилнинг натижа ўзгаришига таъсирини амалий маълумотларни қўллаган ҳолда аниқлаш йўлларини кўриб чиқамиз.

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, ҳисобот йилида Кичик бизнес корхоналаридан келадиган умумий даромадлар ҳажми, яъни умумий тушум 169246,4 (2631495,2 - 2462248,8) млрд. сўмга ошган. Бу ўзгариш қуйидаги омиллар таъсирида рўй берган.

2- жадвал

Самарқанд вилоятида Кичик бизнес корхоналаридан келадиган умумий даромадлар ҳажми, яъни умумий тушумга алоҳида омиллар таъсирини ҳисоблаш

Кўрсаткичлар	Ўтган йили	Ҳисобот йили	Занжирли алмаштириш			
			$К_с$	$Х_с$	$Т_{1х}$	$Ў_{ик}$
Фаолият кўрсатаётган кичик бизнес корхоналарининг сони, Кс (та)	17261	25643	25643	25643	25643	25643
Шу корхоналарда фаолият кўрсатаётган ходимлар сони, $Х_с$ (минг киши)	1286,3	1568,4	1286,3	1568,4	1568,4	1568,4
Хар бир ходимга тўғри келадиган бир кунлик ўртача тушум. $Т_{1х}$ (минг сўм)	363,6	218,1	363,6	363,6	218,1	218,1
Ҳисобот даврида ўртача иш куни. $Ў_{ик}$	305	300	305	305	305	300
Кичик бизнес корхоналаридан келадиган умумий даромадлар ҳажми, яъни умумий тушум. $У_т$ (млн сўм)	2462248,8	2631495,2	3657925,1	4460149,1	2675353,5	2631495,2

1. Фаолият кўрсатаётган кичик бизнес корхоналарининг сонининг таъсирини кичик бизнес корхоналаридан келадиган умумий даромадлар ҳажми, яъни умумий тушумга таъсирини топиш учун қуйидаги ҳисоб китобни амалга оширамиз:

$$\Delta У_{т.Кс} = (25643 * 1286,3 * 363,6 * 305) – (17261 * 1286,3 * 363,6 * 305) =$$
$$= 3657925,1 – 2462248,8 = 1195676,3$$

Фаолият кўрсатаётган кичик бизнес корхоналарининг сонининг 8382 (25643 – 17261) кўпайганлиги Кичик бизнес корхоналаридан келадиган умумий даромадлар ҳажми, яъни умумий тушум ҳажмини 1195676,3 млрд. сўмга кўпайтирган.

2. Шу корхоналарда фаолият кўрсатаётган ходимлар сони кўрсаткичининг натижа кўрсаткичига таъсирини қуйидагича ҳисоблаймиз:

$$\Delta У_{т.Хс} = (25643 * 1568,4 * 363,6 * 305) – (25643 * 1286,3 * 363,6 * 305) =$$

$$= 4460149,1- 3657925,1 = 802224$$

Шу корхоналарда фаолият кўрсатаётган ходимлар сони кўрсаткичининг 282,1 минг кишига ошганлиги Кичик бизнес корхоналаридан келадиган умумий даромадлар ҳажми, яъни умумий тушум ҳажмини 802224 млрд сўмга (4460149,1- 3657925,1) оширган.

3. Хар бир ходимга тўғри келадиган бир кунлик ўртача тушум кичик бизнес корхоналаридан келадиган умумий даромадлар ҳажми, яъни умумий тушум ҳажмига таъсирини қуйидаги ҳисоб-китоблар билан топамиз:

$$\Delta М_{т.т1м} = (25643 * 1568,4 * 218,1 * 305) -(25643 * 1568,4 * 363,6 * 305) =$$

$$= 2675353,5 – 4460149,1= - 1784795,6$$

Кўриниб турибдики, ҳар бир ходимга тўғри келадиган бир кунлик ўртача тушум 145,3 минг сўмга камайганлиги натижа кўрсаткичининг 1784795,6 минг сўмга (2675353,5 – 4460149,1) камайишига сабаб бўлган.

4. Ҳисобот даврида ўртача иш кунининг ўзгариши натижа кўрсаткичи ўзгаришига таъсири қандай бўлганлигини қуйидагича ҳисоблаб топамиз:

$$\Delta М_{т.ўик} = (25643 * 1568,4 * 218,1 * 300) – (25643 * 1568,4 * 218,1 * 305)$$

$$= 2631495,2– 2675353,5 = - 43858,3$$

Бундан аёнки, ҳисобот даврида ўртача иш кунининг 5 кунга камайиши сабабли кичик бизнес корхоналаридан келадиган умумий даромадлар ҳажми, яъни умумий тушум ҳажми 43858,3 млрд. сўмга (2631495,2– 2675353,5) камайган.

Юқоридаги ҳисоб китоблардан кўриниб турибдики, кичик бизнес корхоналаридан келадиган умумий даромадлар ҳажми, яъни умумий тушум 2016 йилдагига нисбатан 169246,4 млрд сўмга (2631495,2 - 2462248,8) кўпайган. Бу ўз навбатида тўртта омил таъсири остида рўй берган:

$$\Delta У_{т} = 1195676,3 + 802224 - 1784795,6 – 43858,3 = 169246,4$$

Бу ҳисоб китоблардан кўриниб турибдики, фаолият кўрсатаётган кичик бизнес корхоналарининг сони, ҳамда шу корхоналарда фаолият кўрсатаётган ходимлар сони натижа кўрсаткичига ижобий таъсир қилган ва аксинча ҳар бир ходимга тўғри келадиган бир кунлик ўртача тушум, ҳамда ҳисобот даврида ўртача иш куни омили таъсири эвазига эса кичик бизнес корхоналаридан келадиган умумий даромадлар ҳажми, яъни умумий тушум 1828653,9 минг сўмга камайган.

Т.Б.Имомқулов - Тошкент молия институти мустақил тадқиқотчиси**:**

ИНВЕСТИЦИЯВИЙ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШ ВА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ЭТИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Мақолада инвестиция салоҳиятининг назарий жиҳатлари кўриб чиқилган, инвестиция салоҳиятини ривожлантириш бўйича назарий тавсиялар берилган, инвестиция салоҳиятига таъсир этувчи ички ва ташқи омиллар ўрганилган, инвестиция салоҳиятига хорижий инвестицияларни жалб қилиш уствор йўналишлари кўрсатиб ўтилган.

Таянч сўз ва иборалар: инвестиция, инвестиция салоҳияти, инвестиция муҳити, инвестиция фаолияти, инвестиция даражаси, инвестиция сиёсати, тўғридан-тўғри инвестиция, диверсификация, модернизация, капитал оқими.

Голобаллашув шароитида, ҳар қандай мамлакатнинг иқтисодий ривожланганлик даражаси ушбу мамлакатдаги инвестиция фаолиятининг кўлами ва ривожланиш суръатларига бевосита боғлиқ. Жаҳонда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб қилиш механизмини такомиллаштириш, уларнинг истиқболли тармоқларга киришини рағбатлантириш ва улардан самарали фойдаланиш муаммоларини ўрганиш бугуннинг долзарб мавзуларидандир. Глобаллашув шароитида халқаро иқтисодий муносабатларда давлатлар ўртасида инвестициявий ҳамкорлик қилишнинг роли ортиб бормоқда. Жаҳон мамлакатларида барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва улардан самарали фойдаланиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Айниқса, иқтисодий ўсиш суръатлари юқори бўлган ривожланаётган давлатларда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2000-2017 йилларда жалб қилинган тўғридан- тўғри хорижий инвестициялар ҳажми Ҳиндистонда 20 мартагача, Туркияда 15 марта, Вьетнамда 8,9 марта, Камбоджада 8,2 марта, Мьянмада 7,2 марта, Панамада 6 марта ошди. Ўз навбатида хорижий инвестицияларнинг юқори иқтисодий самараси натижасида айтилган даврда ушбу мамлакатларда ўртача иқтисодий ўсиш суръати ҳам баланд бўлиб, 6,5- 10,5 фоизга етган .

Ўзбекистонда иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификациялаш асосида унинг рақобатбардошлигини ошириш мақсадида хорижий инвестициялар, аввало тўғридан- тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш устувор йўналиш сифатида танланган. Шунинг учун ҳам 2017- 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида: “... етакчи халқаро ва хорижий молиявий институтлар билан алоқаларни кенгайтириш, пухта ўйланган ташқи қарзлар сиёсатини амалга оширишни давом эттириш, жалб қилинган

хорижий инвестиция ва кредитлардан самарали фойдаланиш” устувор вазифа сифатида белгилаб қўйилди.

Мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий жараёнлар натижасида. Хусусан, 2018 йилда 18 та давлатлараро расмий ташрифлар амалга оширилди ва 52 миллиард АҚШ долларилик 1 минг 80 та лойиҳа бўйича келишувларга эришилди. Қабул қилинган 2018 йилги Давлат дастурини рўёбга чиқариш доирасида 21 триллион сўм ва 1 миллиард АҚШ долларига тенг 76 мингта 245 лойиҳа амалга оширилди. Бундан ташқари, иқтисодий ривожланишни рағбатлантириш, ишбилармонлик муҳити ва инвестициявий жозибадорликни яхшилаш, аҳоли даромадларини ошириш ва бизнес учун солиқ юкини камайтиришга қаратилган Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси қабул қилинди. Жаҳон банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Ислом ва Осиё тараққиёт банклари, бошқа халқаро Молия институтлари билан ҳамкорликдаги инвестициялар ҳажми 8,5 миллиард АҚШ долларини ташкил этди. Шу борадаги ишлар натижасида ўтган йили 1 миллиард доллардан зиёд инвестициялар ўзлаштирилган, 133 та янги корхона ишга туширилган.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, қуйидаги хулосаларни келтириш мумкин:

1. Чет эл тажрибасини таҳлил қилиш натижаларининг кўрсатишича, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар иқтисодий ривожланишини таъминловчи молиялаштириш манбаси бўлиш билан бирга, билвосита таъсирлар (spillover tffect) шаклида мамлакатга замонавий техника ва технология, инновациялар, ноу- хау ва бошўарув усулларини жалб қилишга ёрдам беради. Улар инсон капиталининг ўсиши, иқтисодиётни модернизациялаш ва рақобатбардошликни ошириш, ахборот-коммуникация тизимининг ривожланишини таъминлаш оқали мамлакатда барқарор иқтисодий ривожланишга замин яратади.

2. Чет эл капиталини миллий иқтисодиётга фаол жалб қилиш билан бирга,

иқтисодиётнинг абсорбцион салоҳиятини ошириш, улар билан бирга кириб келаётган замонавий техника ва технологияни ишлата оладиган юқори малакали кадрларни тайёрлаш инвестициялардан фойдаланиш самарадорлигини кучайтиришни таъминлайди.

3. Мамлакатимизда аниқланган муаммолар таҳлили натижаларига кўра, меъёрий - хуқуқий базани такомиллаштириш, чуқур институционал ислоҳотларни амалга ошириш, эркин иқтисодий зоналар самарадорлигини ошириш, инфратузилмани ривожлантириш, корпоратив бошқарувни тубдан ислоҳ қилиш, қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш, ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш хорижий инвестициялардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “

Ўзбекистон Республикасиниянада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги ПФ-4947 сонли Фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 28 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисга Мурожаатномаси.

3.Валиев Б.Б. Миллий иқтисодиёт рақобатбардошлиги, унинг илмий-назарий асослари ва баҳолаш усуллари // Иқтисодиёт ва таълим.-Тошкент,2-17, №2,-11-15 б.

4.http//www.unctad.org.__

Ю.П.Урунбаева - (PhD)., кафедры экономическая теория СамИЭС
Б.Мардонов - (PhD)., кафедры экономики СамИЭС
М.И.Умурзокова Магистр**.**

ПУТИ ПОВЫШЕНИЯ УРОВНЯ ЖИЗНИ НАСЕЛЕНИЕ

Аннотация - раскрывается значимость и необходимость повышения уровень жизни населения и его значения в экономике, а так же перспектив его развития.

Ключевые слова: уровень жизни населения, качество жизни, потребности, потребление, издержки потребления, благосостояние, сбережения населения, заработная плата, доходы населения, свободное время.

Свойства человека формируются и изменяются под влиянием всего комплекса условий его жизнедеятельности. Так, частота попадания в турпоездку, конечно, имеет прямое отношение к социально-культурному уровню и коррелирует с другими его характеристиками, вплоть до тех, которые отражают поведение человека в быту во время свободного времени от работы, его трудовую активность, в широком смысле слова, в частности, активность лиц – пенсионеров или приравненных к ним лиц в свободное время. А доля свободного времени этих лиц в период продолжительности его жизни составляет до 18%. Но было бы грубой ошибкой полагать, что побудив или заставив людей на платной основе чаще находиться в турпоездках, удастся автоматически обеспечить улучшение отношения их к полезному делу, т.е. укреплению общественного порядка или воспитанию подрастающего поколения.

Соотнося свойства лиц пенсионного возраста с процессами труда в сфере образования, здравоохранения или культуры, правомерно рассматривать приращение их опыта, т.е. знаний или здоровья и т.д. в качестве конечных социальных результатов. Однако это не означает, что они создаются кем-то (т.е. врачами, учеными), подобно тому, как скажем, пенсионер может вплотную заниматься воспитанием трудоначинающими лицами, а инвалиды могут (с учетом возраста) принимать активное участие спортом, разновидностей на уровне, достаточном для того, чтобы они могли

выбрать по степени инвалидности или способности. Конечный социальный результат – это всегда итог ее только субъектов сферы туризма, готовых ныне оказать различные услуги, но также и потребления, точнее говоря, избирательного и, как правило, активного усвоения бесплатных материальных и нематериальных благ.

Зависимость таких результатов от конкретных видов оказываемых услуг, в том числе, протекающих в сфере туризма, заведомо не может быть

однозначным. Соответственно в принципе нельзя определить, напр., общественную норму затрат инвалидов или пенсионеров на производство «единицы здоровья» (это не исключает возможность плодотворного анализа соответствующих зависимостей, если осознается их корреляционный характер). Таким образом, ни с точки зрения полезности, ни с позиции оценки доли их свободного времени и затрат полезного времени, конечные социальные результаты не являются аналогами продуктов других сфер экономики, чем сферы туризма. Это исключает возможность их прямого соизмерения, суммирования и т.п. Вместе с тем, очевидна необходимость сопоставлять, напр., вклад сферы туризма в социальный рост жизнедеятельности людей, имеющих больше свободного времени и повышение уровня жизни населения, в целом.

К одному ряду с материальными благами, как средствами удовлетворения потребностей лиц непосредственно создаваемыми в той или иной сфере экономики, можно отнести их деятельность в сфере услуг, как типовую и не ее конечного результата, воплощенного в человеке, а совокупность воздействия этой сферы на личность конкретного потребителя услуг. Так, если речь будет идти о туризме, своеобразным продуктом является не сам по себе труд гида (он с экономической точки зрения представляет собой процесс труда), но также и не культурный уровень, приобретаемый ими в период туристической поездки. Продукт в данном случае – это акт воздействия субъектов туризма на туристов, точнее говоря, акт их взаимодействия.

В практическом плане сказанное означает, в частности, что, определяя объем услуг субъекта сферы туризма, следует исходить не из числа туристов, посещающих театр или музей (по необходимости), а из числа посещений. Туристическую фирму, функционирующую при полупустой площадке, трудно признать работающей столь же результативно (во всяком случае, в экономическом смысле), как коллектив, собирающий полную аудиторию, хотя со стороны деятельности (затрат труда) они могут мало различаться. В

то же время, если считать услугой сам труд гида или его полезные свойства, пришлось бы признать, что он сказывается даже тогда, когда проводится подготовка к турпоездке, либо не учитывается подготовительная работа (до поездки) в состав затрат времени.

В действительности, турист, покупаю путевку, приобретает (пусть и бесплатно) не посещение куда-либо (музей или историческое место), а работу гидов, не говоря уже о собственном культурном уровне или

гарантированном приращении этого уровня на определенную величину. Турист получает право на взаимодействие с окружающей средой. Оно предполагает деятельность лиц создающих эту среду (как в момент осмотра, так и в процессе его подготовки к почитателям - т.е. туристам) и некий конечный социальный итог, объектом экономического отношения становится акт общения с окружающей средой, демонстрирующим конкретный исторический памятник. На это претендует турист – потребитель туристического продукта и это ему гарантируется.

Услуга субъектов социальной сферы (нематериальное благо) представляет собой процесс, в котором участвует как производитель, так и потребитель. Это типичные системные явления, которые исчезают из поля зрения, когда внимание полностью сосредотачивается на одной из взаимодействующих сторон. Если этой стороной становится производитель, происходит подмена услуги ее предпосылками, затратами труда, если потребитель – подмена посредственными и, как правило, достаточно отдаленными результатами потребления услуг. И то, и другое не позволяют адекватно анализировать эффективность функционирования социальной сферы. Напротив, если сосредоточить внимание не на деятельности в нематериальном производстве личности потребителя как такового, а на актах взаимодействия, идентификации социальных услуг, в том числе для нужд практики (т.е. обслуживающей), не вызывает особых трудностей.

Примерами натуральных измерителей услуг могут служить число проведенных курсов лечения, численность лиц, прошедших краткосрочные

курсы по той или иной программе, предварительное ознакомление за круглым столом осматриваемого объекта (здания, сооружения, стенда, исторического памятника и т.п.). В данном случае составлены качественные характеристики социального обслуживания, о которых пойдет речь ниже, поскольку, прежде всего, необходимо финансировать «квоты» услуг и присущую им размерность. Эта размерность всегда представляет собой произведение натурального измерителя, некоторого процесса полезного воздействия на человека свободного от основного рабочего дня (время) и числа потребителей (посетителей) из числа пенсионного возраста или не работающих, но имеющих значительное свободное время, фактически воспользовавшихся данным воздействием.

Определив, что представляет собой услуга социальной сферы, можно уверенно строить натуральные показатели результативности для различных услуг субъектов социальной сферы. Однако натуральные показатели несовместимы между собой, и, как правило, не отражают различий в качестве однородных услуг. От этих недостатков свободны стоимостные показатели, без которых трудно обойтись, когда речь идет об экономическом анализе. Разработка таких показателей, разумеется, также предполагает фиксацию свойств услуги, как объекта оценки. Однако в этом случае внимания требует уже не одна лишь натуральная форма продукта нематериального производства, тем более, что вопрос о денежной оценке его

результатов в силу исторических обстоятельств оказался в существенной мере затемнен. В ходе длительной дискуссии о продукте услуг, в широком смысле слова, предельно затруднены поиски его рационального решения.

Ныне стало общепризнанным, что рост производства, в том числе материального, во многом зависит от масштабов и структуры личного потребления социальных услуг. В какой-то мере это признавал и А.Смит, если судить по отдельным его замечаниям: напр., о роли образования. Однако в целом, для него единственной реальной альтернативой вложениям в материальное производство выступило расточительство праздных слоев общества. В рассуждениях А.Смита о производительном труде отчетливо просматривается ситуация, когда развитие экономики корреспондировало скорее о численности занятых, чем об уровне и качестве их жизни [1].

Некоторые другие исследователи, говоря о проблеме производительности труда, в основном придерживались ее первоначальной постановки, что привело к иной линии полемики, в рамках которой начались дебаты «О полезности разных видов деятельности». В этом отношении «полезность» вполне относится к категории полезности сферы услуг, от результативности которого зависит рост жизненного уровня населения в целом. Так как полезно все, что удовлетворит чью-либо потребность в услугах.

К великому сожалению такая полемика не нашла своего развития в современной экономической литературе. Со временем эта полемика будет восприниматься, говоря словами Й. Шумпетера, как “пыльный музейный предмет[2]”.

Отсюда неоднократно повторяется мысль: когда речь идет о полезности услуг, доминирующее значение имеет не сфера занятости, а непосредственная включенность в воспроизводство капитала соответственно.

М.С.Хамроев – СамИСИ, “Молия” кафедраси таянч докторанти

ЗАМОНАВИЙ СУҒУРТА ХИЗМАТЛАРИ ТАРИХИГА НАЗАР

Аннотация

Мазкур мақолада ривожланган мамлакатлар суғурта хизматлари тарихи, ривожланиш тенденциялари ва Ўзбекистон суғурта бозорининг бугунги ҳолати ёритиб ўтилган.

***Таянч сўзлар**: суғурта бозори, суғурта мукофоти, суғурта фаолияти, суғурта компаниялари, суғурта рисклари, суғурта муносабатлари.*

Суғурталаш мулкдорлар манфаатларини фавқулодда ҳодисалардан муҳофаза қилиш билан бир қаторда, тадбиркорлик фаолиятининг муҳим шакли ҳамда молиявий маблағлар муомаласи амалга ошириладиган

тармоқлардан бири ҳисобланади. “Суғурта” *(инглизча “insurance” сўзидан олинган)* деганда юзага келиши эҳтимоли бор зарарни махсус ташкилотга тўланган аъзолик тўловлари орқали қоплашни таъминлаш тушунилади. Янада тушунарлироқ қилиб айтганда, суғурта муайян воқеа (суғурта ҳодисаси) юз берганида, юридик ёки жисмоний шахслар тўлайдиган суғурта мукофотларидан шакллантирилган пул фондлари ҳисобидан ўша кишиларга суғурта товонини суғурта шартномаси асосида тўлаш йўли билан уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш демакдир.

Суғуртанинг илк кўринишлари қадимги Миср, Месопотамия ва Грецияда пайдо бўлган. Қадимги юнонларнинг кўпчилиги кемалар орқали Ўрта ер денгизи атрофидаги давлатлар билан савдо алоқаларини йўлга қўйишган. Кемаларни турли табиий офатлардан суғурта қилиш милоддан аввалги саккизинчи-олтинчи асрлардаёқ бошланганини Демосфен ўз рисолаларида қайд этиб ўтган.

Римда гладиаторлар ўз ҳаётларини суғурта қилдирган деган маълумотлар ҳам бор. Гладиаторлар ҳалок бўлса, фарзандлари ва оила аъзоларига моддий ёрдам кўрсатилган. Ўша пайтлар амалга оширилган суғурталар, яъни суғурта шартномалари оғзаки равишда тузилган. Ёзма ҳолдаги суғурта шартномаларининг пайдо бўлиш ва ривожланиш тарихи эса ўрта асрларга бориб тақалади.

Том маънодаги суғурта шартномалари XIII асрда кема эгаларининг турли фалокатлар оқибатида етказилиши мумкин бўлган зарардан ўзларини ҳимоя қилишлари туфайли пайдо бўлган. Дастлабки ёзма суғурта шартномаси 1347 йили Италиянинг Женоа шаҳрида имзоланган ва илк суғурта полиси “Санта Клара” кемасига берилган. Ўшанда ушбу кема Маёркка денгиз сафарига кетаётганди. Полислар муайян шахслар томонидан ўз исмларини ёзиш орқали тузилганди.

XIV асрда суғурта операцияларининг янги шакли вужудга келган. Унда фақат фойда олиш кўзда тутилган. Масалан, Италия Ўрта ер денгизи атрофидаги савдо алоқаларининг гегемони ҳисобланган. Бу мазкур мамлакатда денгиз суғуртаси жуда тез ривожланишига замин яратган. Маълумотларга кўра, 1393 йили Италияда ҳар бир нотариус ҳафта мобайнида ўртача 80 нафар мижоз билан суғурта полиси тузган.

Италияда денгиз суғуртаси ва у билан боғлиқ шартномавий муносабатлар ривожланиши туфайли суғурта қонунчилигини яратиш эҳтиёжи туғилади. Ниҳоят, 1466 йили Венецияда Денгиз суғуртаси кодекси қабул қилинади.[1]

Манбаларда дастлабки ёзма суғурта шартномаси XVI асрда Англияда тузилгани ҳам қайд этилган. Шу аср ниҳоясида мамлакатда суғурта фаолияти ва суғурта шартномаларини расмийлаштириш жадал ривожлана бошлаган. 1559 йилда сэр Н.Бекон Англия парламенти йиғилишларидан бирида шундай

[1] Смородина М.И.Финансы страхования: учеб. пособие. –М.: Изд-во МГТУ им. Н.Э. Баумана, 2010 й.

деган: “Сафарга отланаётган ҳар бир ақлли савдогар пулини суғуртага тикиб, ўз кемасини ҳимоя қилсин”.

1666 йили Лондонда содир бўлган даҳшатли ёнғин 70 мингдан ортиқ одамнинг умрига зомин бўлади.[1] Орадан кўп ўтмай суғуртанинг ёнғин хавфидан суғурталаш тури вужудга келиб, унга дахлдор шартномалар такомиллашади. Суғурта шартномаларининг кўпайиши суғурта жамиятлари ва компаниялари тузилиши, уларнинг сони ортиши билан узвий боғлиқликда кечади.

АҚШда суғурта саноати Британия модели асосида барпо этилди. У ерда 1735 йили биринчи суғурта компанияси ташкил топди. 1761 йил 21 майда эса илк бор ҳаёт суғуртаси полиси жорий этилди ва бутун мамлакат миқёсида тарқала бошлади.

Россияда суғурталаш ва суғурта шартномасига тааллуқли муносабатлар бошқа мамлакатлардагига нисбатан анча суст ривожланган. Бунга ҳамон крепостнойлик ҳуқуқи сақланиб қолгани ва ҳуқуқий капиталистик иқтисод йўлидаги тўсиқлар сабаб бўлган.

1827 йили барон Штиглитс ва россиялик бошқа тадбиркорлар “Россия ёнғинга қарши суғурта жамияти”ни туздилар. 1861 йил крепостнойлик ҳуқуқи бекор қилингач ҳамда ер, мулк, пул-кредит тизими ва бошқа иқтисодий ислоҳотлардан кейин мамлакатда суғурта бозори янада ўса бошлади. Агар 1851 йили ёнғиндан суғурталаш жами 282 миллион рубль бўлган бўлса, 1865 йили 868 миллион, 1886 йили 4 миллиард рублни ташкил қилган. Айнан шу даврда суғурталовчилар суғурта синдикати тариф мослашувини имзолашди. Россияда бу биринчи монополия бирлашмаси эди.

1861 йил 10 октябрда император Александр II шаҳарларда суғурта жамиятларини тузиш тўғрисида фармон чиқарди. Икки йилдан сўнг Тула ва Полтавада ёнғинга қарши жамиятлар ташкил топди. Кейинчалик бундай жамиятлар Россиянинг бошқа шаҳарларида ҳам пайдо бўлди.

1913 йилга келиб, Россияда транспорт, ҳаёт, бахтсиз ҳодиса ва ёнғинга оид суғурта турлари билан боғлиқ шартномалар кўпайди. Лекин улар орасида ҳаётни суғурталаш унчалик ривожланмаган бўлиб, жами суғурта шартномаларининг тўртдан бир қисмини ташкил этарди. Аниқроғи, ўша кезлар суғурта кўпроқ фуқароларнинг эмас, балки давлат манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида амалга ошириларди. 1918-1920 йиллардаги фуқаролар уруши туфайли ҳокимиятни эгаллаган большевиклар суғурталашдан воз кечишга ҳаракат қилишди. Оқибатда ҳаёт суғуртаси ва мулкий суғурта бекор қилиниб, уларнинг ўрнига табиий офатдан зарар кўрганларга бепул ёрдам кўрсатиш йўлга қўйилди. Лекин бу сиёсат амалда ўзини оқламади. 1921 йил март ойида янги иқтисодий сиёсат (НЭП) жорий этилгач, суғурталашга эътибор яна кучайди. Жумладан, Давлат мулк

[1] Щербаков В.А., Костяева Е.В. Страхование. Учеб. Пособие. –М.: КНОРУС, 2014 й.

суғуртаси тўғрисидаги декрет қабул қилинди. Шу асосда Давлат суғуртаси (Госстрах) ташкил топди.[1]

Суғурта шартномаларининг Франция ҳудудидаги ривожланиш тарихи ҳам ўзига хос. Ушбу мамлакат Савдо кодексида фақатгина денгиз суғуртаси қайд этилган, Фуқаролик кодексида эса суғурта шартномаси ҳақида атиги битта модда мавжуд эди. Фуқаролик кодексида таваккалчиликка асосланган шартномалар қаторига суғурта шартномалари ҳам киритилганди. Лекин у ҳақдаги қоидалар жуда қисқа эди. Негаки, ўша модданинг ўзида бу шартнома шу турдаги бошқа шартномалар каби денгиз қонунчилиги билан тартибга солиниши назарда тутилганди. Шу боис суғурта шартномасининг амалда бўлиши фақатгина денгиз суғуртаси доирасида чекланарди. Жюлио де ла Морендр бу ҳақда қуйидагича фикр билдирган: “XIX асрнинг бошларида фақатгина денгиз суғуртаси шартномасини учратиш мумкин бўлиб, Франция Фуқаролик кодексидаги бу бўшлиқ 1930 йилнинг 13 июлига келиб “Суғурта шартномаси тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилиниши билан тўлдирилган”. Қонун денгиз суғуртаси билан боғлиқ бўлмаган бошқа суғурта шартномаларини ўз ичига олган.[2]

Юртимизда суғурта хизматлари ва суғурта шартномасининг кириб келиши чоризм ҳукмронлиги даврига тўғри келди. 1918 йилга қадар Бухоро амирлиги ҳудудларига туташ жойларда Россия суғурта билан боғлиқ капиталистик филиаллари ва бўлимлари ташкил қилинди. Улар давлат идоралари, улгуржи савдо ва транспорт корхоналари биноларини, пахта ва ёғ заводларини асосан ёнғин ҳамда бошқа фалокатлардан суғурта қилишган. Бора-бора чор хукумати ўлкани пахта базасига айлантиришни кўзлаб, жамоа хўжаликларини суғурталашга эътибор қаратди. Шаҳарларда эса иморатларни ёнғиндан суғурталаш йўлга қўйилди. Кейинчалик собиқ Иттифоқ қонунлари асосида шахсий суғурта ҳам жорий этилди.

Умуман олганда, ўрта асрларда шаклланган суғурта шартномаси бизнинг давримизда жадал ривожланиб, янги-янги турлари пайдо бўлди. Истиқлол йилларида мамлакатимизда ҳам мустақил суғурта бозори шаклланди.

Хусусий мулкка эга бўлиш бозор иқтисодиёти шаротида ҳар бир инсоннинг иқтисодий манфаатларини янада чуқурроқ қондириши, эҳтиёжлар кўпайиб боришига мутаносиб равишда етарли маблағ бўлишини таъминлаб, шахснинг иқтисодий жиҳатдан ҳимоялаши билан ифодаланади. Конституциямизнинг 36-моддасида ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли эканлиги белгилаб қўйилган. 53, 54-моддаларда эса хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясида бўлиб, қатъий муҳофаза қилиниши алоҳида кўрсатиб ўтилган.[3] Суғурта билан боғлиқ кафолатларни

[1] Щербаков В.А., Костяева Е.В. Страхование. Учеб. Пособие. –М.: КНОРУС, 2014 й.

[2] Черных М.Н., Каячев Г.Ф., Каячева Л.В. Страхование: финансовые аспекты. Учеб. Пособие. –М.: КНОРУС, 2015 й.

3 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси

ҳам хусусий мулкчиликнинг муҳофаза қилиш шаклларидан бири деб ҳисоблаш мумкин.

Юртимизда суғурта бозори ва хизматлари ривожланиши билан бир қаторда, соҳага доир қонунчилик асослари мустаҳкамланиб, ҳаётий ўзгаришларга мос равишда такомиллаштирилиб борилмоқда. “Суғурта фаолияти тўғрисида”, “Умумий фойдаланишдаги ҳаво, темир йўл, ички сув ва автомобиль транспорти йўловчиларининг мажбурий шахсий суғуртаси тўғрисида”, “Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”, “Иш берувчининг фуқаровий жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”, “Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисида”ги ҳамда “Туризм тўғрисида”ги қонунларнинг жорий этилиши[1] ана шундай эзгу саъй-ҳаракатлар самарасидир. Суғурта фаолиятини қонунан тартибга солишда Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.[2]

Ўзбекистон суғурта бозоридаги бугунги кундаги долзарб муаммоларни бартараф этиш учун қуйдаги чора-тадбирларни амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади:

1. Суғурта фаолиятини давлат томонидан тартибга солишнинг ягона сиёсатини белгилаш :

– суғурта муносабатларини тартибга солувчи янги қонун хужжатлари ишлаб чиқиш ва мавжудларини такомиллаштириш;

– давлат, ташкилот ва фуқароларнинг мажбурий суғурта соҳасидаги манфаатлари суғурта йўли билан ҳимояланишини таъминловчи меъёрий ҳуқуқий асосни такомиллаштириш.

2.Суғурта ташкилотларининг тўплаган маблағларини инвестициялашнинг самарали шаклларини ишлаб чиқиш орқали уларни жойлаштириш, амалга ошириладиган суғурта операцияларининг фойда келтиришини ошириш учун қўшимча кафолат яратиш.

3. Суғурта бозорининг инфратузилмасини такомиллаштириш.

4. Суғурта соҳасидаги халқаро ҳамкорликни тартибга солиш.

Суғурта хизматларига бўлган ички талабнинг ортиши, суғуртанинг давлат томонидан фаол қўллаб-қувватланиши, инфратузилманинг ривожланиши ички бозорда ҳам, чет эл, энг аввало, МДҲ мамлакатлари бозорларида ҳам рақобатлаша оладиган йирик молиявий барқарор қайта суғурта компаниялари пайдо бўлишига имконият яратади. Бу эса, ўз навбатида, Ўзбекистоннинг суғурта компаниялари ташқи бозорларига фаол кириб боришига, бинобарин, республикамизнинг иқтисодиётига инвестиция ресурслари оқиб келишига шарт-шароит яратади.

1 www.lex.uz Адлия вазирлигининг расмий сайти маълумотлари асосида

2“Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-4412 сонли Қарор, 2 август, 2019 й

А.А.Эрматов - Фарғона политехника институти, докторант,

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИДА КОРПОРАТИВ МОЛИЯ ТАМОЙИЛЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ АСОСЛАРИ

Аннотация: Мақолада акциядорлик жамиятларида корпоратив молия тамойилларидан фойдаланиш асосларининг мухим жихатлари кўрсатиб ўтилган. Компанияларнинг корпоратив бошқарув жараёнида ишлаб чиқишлари зарур бўлган сиёсатлар ва уларнинг турлари батафсил санаб ўтилган.

Калит сўзлар: корпоратив молия, корпоратив бошқарув, активларни бошқариш, капитални бошқариш, инвестицияларни бошқариш, пул маблағлари оқимини бошқариш, молиявий таваккалчилик ва банкротликни олдини олиш.

Ўзбекистон Республикасида жамият тараққиётининг барча жабҳаларида, энг аввало, иқтисодий соҳада ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва эркинлаштириш борасида аниқ дастур ишлаб чиқилган. Бу дастурни жорий этишдан кўзланган асосий мақсад – Ўзбекистоннинг демократик ва бозор ислоҳотларини амалга ошириш, жаҳон ҳамжамиятига кенг интеграциялашуви ва барқарор олға бориши учун мустаҳкам замин яратишдир.

Республиканинг иқтисодий ва молиявий барқарорликка эришишининг муҳим омиллари бўлиб, ишлаб чиқариш ҳажмини орттириш, пул қадрсизланишини пасайтириш, экспорт ҳажмини ошириш, хорижий инвестицияларни жалб этиш ва бошқа шу каби макроиқтисодий ўсишни таъминловчи кўрсаткичларни яхшилаш билан бир қаторда мамлакатда фаолият олиб бораётган йирик компаниялар ва акциядорлик жамиятларининг молиявий ва иқтисодий барқарор хўжалик субъектлари сифатида ривожлантириш ҳисобланади.

Акциядорлик жамиятларининг мустаҳкам молиявий ҳолатини сақлаб туриш учун капиталдан самарали фойдаланиш, унинг манбасини тўғри танлаш, капиталнинг юқори рентабеллик даражасини ушлаб туриш ва тўлов қобилиятини мавжудлигини таъминлаш зарур. Шу билан бир қаторда йирик компанияларда корпоратив ошкораликка эришиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири саналади. Бу компанияларнинг инвестицион жозибадорлигини оширади. Юқорида санаб ўтилган шартларни бажарилиши эса корпоратив молиянинг асосий мақсадини ташкил қилади.

Юртбошимиз Ш.Мирзиёев ўзининг 24 январ 2020 йилда Олий мажлисга йўллаган мурожаатномасида ҳам бу масалага алоҳида тўхталиб, “Навоий ва Олмалиқ тоғ-кон металлургия комбинатлари каби йирик саноат корхоналарида янги инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш билан бирга, ушбу корхоналарни халқаро молия бозорининг тўлақонли иштирокчисига айлантириш лозим. Бунинг учун 2020 йилда халқаро стандартлар асосида молиявий ҳисоботларни тузиш, захираларни қайта ҳисоблаш, корпоратив ошкораликни татбиқ этиш каби ишларни якунлаш зарур.”,-деб таъкидлаб ўтди[1].



1-чизма. Корпоратив молиянинг бошқарув йўналишлари

Акциядорлик жамиятларини ривожланишида бошқарув бўғинининг молиявий раҳбари катта рол ўйнайди. XX асрнинг биринчи ярмида молиявий раҳбарлар корхонанинг ривожланиши ва пулли ҳисоб-китобларни амалга ошира олиши учун асосан маблағларни жалб қилиш билан банд эдилар. 50-йилларнинг концепцияси молиявий раҳбарларнинг ўз мажбуриятлар соҳасини кенгайтириб олишга, яъни узоқ муддатли инвестицион лойиҳаларни танлаш вазифасини ҳам бажаришга мажбур этди.

Ҳозирда қуйидаги муаммолар билан тез-тез тўқнаш келинмоқда. Булар рақобатнинг кучайиб бориши, илмий-техник ривожланишнинг жадаллашуви, инфляция ва фоизлар ставкасининг тез-тез ўзгариши, валюта курсларининг ўзгариши, солиқ қонунчилигидаги ўзгаришлардир. Молиявий муаммоларни ҳал этишда юқоридаги омилларни инобатга олиш зарурлиги сабабли молиянинг бошқарувдаги стратегик роли ортади.

Ресурслардан самарасиз фойдаланиш иқтисодий ривожланишнинг пасайишига олиб келади. Ресурсларни нотўғри тақсимлаш ҳисобига

[1]Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 24.01.2020 й.

жамиятнинг талаблари қондирилмаса, бу жамият ривожига салбий таъсир кўрсатади. Иқтисодиётда ресурларни тўғри тақсимлаш ҳаётий аҳамиятга эга. Фуқароларнинг хусусий талабларини тўлиқ қондирилиши керак. Шундай қилиб молиявий рахбарнинг самарали фаолияти сотиб олиш, молиялаштириш, активларни бошқариш, фирманинг фаолиятига кўмаклашиш ва иқтисодиётнинг умумий ривожига ёрдам беради.

Корпоратив бошқарув тамойилларининг 1-чизмада кўрсатиб ўтилган беш йўналиши йирик компаниялар ва акциядорлик жамиятларининг фаолиятларини самарали ташкил этиш ва хатосиз бошқаришлари учун зарур деб ҳисобланган комплекс бошқарув сиёсатларини ўз ичига қамраб олади десак муболаға бўлмайди. Бу ишлаб чиқилган сиёсатлар асосида аниқ ўрнатилган тартиб қоидаларга кўра хўжалик субъектларининг бошқарилиши, уларнинг ўз режаларида кўрсатиб ўтган натижаларига юқори аниқлик билан эришишларини таъминлаб беради. Қуйида корпоратив молиянинг бошқарув йўналишлари бўйича қамраб олинган ҳамда жамиятлар ва компаниялар томонидан ишлаб чиқилиши зарур бўлган сиёсатларнинг тавсия этилган рўйхати келтириб ўтилган.

Корпоратив молиянинг бошқарув йўналишлари:

1. Активларни бошқариш бўйича:

1.1. Активларни шакллантириш сиёсати.

1.2. Айланма активларни бошқариш сиёсати*:*

а) заҳираларни бошқариш сиёсати; б) дебиторлик қарзларни бошқариш сиёсати; в) пул маблағларини бошқариш сиёсати; г) айланма активларни молиялаштириш сиёсати.

1.3. Узоқ муддатли активларни бошқариш сиёсати:

а) асосий воситаларни бошқариш сиёсати; б) номоддий активларни бошқариш сиёсати; в) узоқ муддатли активларни молиялаштириш сиёсати.

2. Капитални бошқариш бўйича:

2.1. Капитал таркибини тузиш сиёсати.

2.2. Хусусий капитални бошқариш сиёсати.

2.3. Жалб қилинган капитални бошқариш сиёсати.

3. Инвестицияларни бошқариш бўйича:

3.1. Реал инвестицияларни бошқариш сиёсати:

а) капитал инвестицияларни бошқариш сиёсати; б) инновацион инвестицияларни бошқариш сиёсати.

3.2. Молиявий инвестицияларни бошқариш сиёсати:

а) инвестицион портфелни тузиш сиёсати; б) инвестицион фондни тузиш сиёсати.

4. Пул маблағлари оқимини бошқариш бўйича:

4.1. Жорий пул маблағлари оқимларини бошқариш сиёсати.

4.2. Инвестицион пул маблағлари оқимларини бошқариш сиёсати.

5. Молиявий таваккалчиликларни бошқариш ва банкротликни олдини олиш бўйича

5.1. Молиявий таваккалчиликларни бошқариш сиёсати.

5.2. Банкротликка қарши молиявий сиёсати.

Қонун хужжатларида ҳаётдаги барча ҳолатларни инобатга олиш имкониятининг йўқлиги сабабли, тартиб ва қонунчиликка асосланган жамиятни қўллаб қувватлаш учун рахбарларлар ва ходимлар ижтимоий масъулиятлилик билан ҳаракат қилишлари зарур. Бу айниқса, давлат ижтимоий ҳаражатларини қисқартиришга мажбур бўлганда ёки ушбу ҳаражатларга қўшимча равишда қатъий талабларни ўрнатган ҳолларда аниқ намоён бўлади. Бироқ юқорида санаб ўтилган ҳолатлар билан бирга ижтимоий масъулиятлилик пасайишига хизмат қилувчи қуйидаги ҳолатлар ҳам мавжуд:

1. Фойдани максималлаштириш тамойилининг бузилиши;
2. Ижтимоий масалаларга самарасиз ҳаражатларнинг сарфланиши;
3. Кенг жамоатчиликка қилинган ишлар тўғрисидаги ҳисоботнинг сохталиги;
4. Ижтимоий муммоларни ҳал қилишга етарли кўникмаларнинг йўқлиги.

Шундай қилиб, жамиятлар ўз ресурслари ва ҳаракатларининг мақбул улушини ўзи фаолият кўрсатаётган худудга ва жамият фойдасига йўналтиришлари зарур. Бу фаолиятга кетган ҳаражатлар жамоатчиликнинг жамиятга бўлган муносабатининг яхшиланиши, атроф муҳитнинг долзарб муаммоларини ҳал этилиши ва жамият холатининг умумий яхшиланиши билан қопланиб кетади.

Акциядорлик жамиятлари билан бир қаторда бошқа кичик ишлаб чиқариш субъектлари ҳам ижтимоий масъулиятлилик билан ҳаракат қилишлари зарур.

Бироқ, шуни унутмаслик керакки, ҳар қандай ташкилот учун биринчи ўринда - омон қолиш мақсади ва ундан кейингина - жамият муаммолари туради. Ҳар қандай ҳолда ҳам ташкилотлар ўз фаолиятларини жамиятнинг иқтисодий ва молиявий барқарор ўсиш режаларига мос равишда юритишлари зарур.

F.E.Jomonqulova – Samarqand iqtisodiyot va servis instituti dotsenti**.**
N.Sh.Tojiyev - Samarqand iqtisodiyot va servis instituti assistenti**.**

MASOFAVIY TA’LIMDA AXBOROT-KOMMUNIKATSION TEXNOLOGIYALARNING O‘RNI

Annotasiya: Maqolada masofaviy o‘qish – bu yangi axborot texnologiyalari , telekommunikatsiya texnologiyalari va texnik vositalariga asoslangan ta’lim tizimi va u ta’lim oluvchiga ma’lum standartlar , hamda ta’lim qonun – qoidalari asosida o‘quv shart –sharoitlari va o‘qituvchi bilan muloqotni ta’minlab berib, o‘quvchidan ko‘proq mustaqil ravishda shug‘ullanishni talab qilishi, bunda o‘qish jarayoni ta’lim oluvchini qaysi vaqtda va qaysi joyda

bo‘lishiga bog‘liq emas haqida so‘z yuritiladi.

Kalit so‘zlar: “Ta’lim” Axborot tizimi kompleksi , “Masofaviy ta’lim” tushunchasi, Learning Management Systems – LMS, Virtual Learning Environments – VLE, LMS Moodle tizimi, «Test» moduli, GIFT.

O‘zbekiston mustaqillikka erishgach, hayotimizning barcha jabhalarida bo‘lganidek, ta’lim tizimida ham juda katta islohotlar amalga oshirildi, ayniqsa, ta’lim-tarbiya jarayoniga zamonaviy axborot kommunikatsion texnologiyalarini olib kirish, ta’limni kompyuterlashtirish muammolarini hal qilish alohida ahamiyat kasb etadi. Oliy ta’lim tizimida ijodkorlik va tashabbuskorlik qobiliyatiga ega bo‘lgan, yuksak malakali, yangi texnika va texnologiyalarga tez moslanishga layoqatli, kelajakda kasbiy va hayotiy muammolarni mustaqil hal qila oladigan kadrlarni tayyorlashda ta’lim jarayonida fanlar bo‘yicha zamonaviy o‘qitish metodlarini yaratish va ular bilan fan manbalarini ta’minlash muhim ahamiyatga ega.

Hozirgi kunda multimediya vositalaridan foydalangan masofaviy ta’limni tashkil qilish, o‘rganuvchilarning mustaqil fikrlashlari va bilim olishlari sifatini yaxshilaydi.

Rivojlangan davlatlarda ta’lim tizimining rivojlanib borishi tahlilidan shuni ko‘rish mumkinki, zamonaviy axborot va telekommunikatsion texnologiyalarning rivojlanib borishi bilan bir qatorda masofaviy o‘qitish modeli ham shakllanib bormoqda.

Ta’lim muammolari bilan shug’ullanuvchi mutaxassislar masofaviy ta’limni XXI asrdagi ta’limning asosiy shakllaridan biri deb hisoblamoqdalar. Shuning uchun masofaviy ta’lim hozirgi paytda yuqori malakali mutaxassislar tayyorlash hamda insonlaming bilim olishga nisbatan ehtiyojlarini qondirishning samarali tizimiga aylanib bormoqda [1.37].

Masofaviy o‘qitishning asosiy shakllaridan biri axborot texnologiyalaridan foydalanish bo‘lib, u dasturlangan ta’lim g’oyasini rivojlantiradi, ta’lim texnologik variantlarining hali o‘rganilmagan yangi qirralarini ochadi. Axborot texnologiyalari - bu o‘quvchiga axborotni tayyorlash va uzatish jarayoni bo‘lib, uning vositasi kompyuter hisoblanadi [1.49].

Masofaviy ta’lim jarayonidagi ta’lim tizimini boshqaruvchi dasturiy mahsulot bo‘lgan LMS (Learning Management System) tizimlaridan foydalangan holda tashkil etish mumkin [2.184].

Bunday e-learning sistemalarni, ko‘pincha, boshqaruv ta’limoti (Learning Management Systems - LMS) yoki virtual yaratish qurollari (Virtual Learning Environments - VLE) deb ataladi. LMS - bu nafaqat onlayn-kurslarni tuzish va ishlash, balki, uning yordamida o‘quv veb saytlari bilan ishlash uchun mo‘ljallangan malumotlar omboridir.

LMS tizimi masofali o‘quv jarayonida keng qamrovli imkoniyatlar va o‘quv jarayonida qo‘l keladigan ko‘plab o‘quv materiallarining keng ko‘lamda yoritilishi, bilim saviyasini tekshirish va boshqaruvida ishlash imkonini yaratadi. Hozirgi vaqtda LMS tizimi jahonning yirik universitetlarida qo‘llab kelinmoqda. LMS tizimida taxminan 2 mln nafar faoliyat olib boruvchilar qayd etilgan, 200-ta

davlatda 70-tildagi 46 ming o‘quv portallari va 300 nafar dasturchi-ishlab chiqaruvchilar faoliyat olib bormoqda [3.104].

LMS yordamida bir o‘qituvchining yetarlicha sa'y-harakatlari bilan elektron o‘quv kursini yaratish mumkin. LMS kurslarini yaratish uchun avvalambor ma'ruza matnlari, amaliy va laboratoriya ishlari, taqdimotlar, audio va video uchun materiallar tayyor bo‘lsa, ularni LMS ga yuklashingiz mumkin. LMS da elektron ma’lumotlaringizni joylashtirish va o‘z kursingizni yaratish juda oson. LMS tarkibda «Test» moduli mavjud bo‘lib, u uning nisbatan murakkab qismlaridan biri hisoblanadi.

Ta’lim jarayonida teskari aloqa ta’lim muhitining juda muhim bo‘lgan qismi bo‘lsa, natijaviy baholar esa ta’limning zaruriy qismlaridan biri hisoblanadi. Test yaxshi loyihalangan bo‘lib, o‘quvchilar manbani kerakli darajada o‘zlashtirib olishlari uchun o‘qituvchiga zarur bo‘lgan ma’lumotlarni taqdim qiladi. Agar teskari aloqa yetarlicha tezkor bo‘lsa, u holda uning yordamida o‘zlarining ishini baholash va keyingi faoliyatini belgilab olish imkonini berishi mumkinligi sababidan test jarayoni o‘quvchilar uchun zarur bo‘lgan qurolga aylanishi mumkin [3.107].

Test moduli 2 ta komponent (qism, jihoz) dan tashkil topgan: test va savollar ombori. Test savollar bazasidan qo‘shilgan turli tipdagi savollardan tashkil topadi. Har bir urinish avtomatik ravishda belgilanadi. O‘quvchi testni tugatganidan so‘ng test savollariga to‘g’ri javoblarni ko‘rishi mumkin. Bundan tashqari ushbu modulga o‘qituvchiga baho qo‘yish uskunasi tegishlidir .

Savollar turli tipda berilishi mumkin. Masalan: bir variantli javobi bilan, ko‘p variantli javobi bilan va javob yozish imkoniyati borligi. Bundan tashqari o‘quvchilar mazkur savol-javobini tushuntirib berishlari mumkin. Masofali kursni loyihalashda savollar omborini bo‘limlar, semestrlar va boshqa tashkiliy sxemalar kabi mavjud mavzularda yaratish mumkin.

Test elementlari test topshiriqlari majmuini yaratish imkonini beradi. Testlar topshiriqlari to‘g’ri - noto‘g’ri, qisqa matnli javob, yozishmalar, insho va boshqalarni tashkillashtirishda ko‘mak beradi. Barcha savollar ma'lumotlar bazasida saqlanadi va keyinchalik o‘sha kursda (yoki boshqalarda) qayta ishlatilishi mumkin. Sinovlar o‘qituvchilar tomonidan (to‘g'ri javoblarni ko‘rsatish) yoki nazorat qilish (baholash) bo‘lishi mumkin.

To‘g'ridan-to‘g'ri LMS Moodle tizimida savollar bankini yaratish jarayoni juda ko‘p vaqt va internetga doimiy ulanishni talab qiladi. O‘qituvchining ishini yengillashtirish va savollar bankini offlayn tayyorlash uchun GIFT test formatidan foydalanish juda qulaydir, bu nafaqat testlarni offlayn tayyorlash, balki uni tayyorlab bo‘lgandan so‘ng LMS ga yuklash imkoniyatini ham beradi.

O‘quvchining xotirasini GIFT formatidagi funksiyalar va maxsus belgilar bilan zeriktirmaslik uchun Microsoft Wordda yaratilgan maxsus shablonni ishlatish tavsiya etiladi. Ushbu shablon savollar banki tezkor tayyorgarlik jarayoninini sezilarli darajada tezlashtiradi.

Yuqoridagilardan tashqari ta’limni joriy etishning navbatdagi bosqichi birgalikda ishlashga qaratilgan LMS elementlaridan foydalanish hisoblanadi.

Tizimda ushbu vositalar uchun ko‘plab uskunalar taqdim etiladi: wiki, glossariylar, bloglar, forumlar, seminarlar va h.k. Shu bilan birga o‘quv mashg’ulotlarini assinxron tarzda, materiallarni o‘z sur’atida, real vaqtda, onlayn ma’ruzalar va seminarlarni tashkillashtirganda har bir talaba ishtiroki amalga oshirilishi mumkin. Forumlarda guruhlar haqida munozaralar o‘tkazish, xabarlarni baholash, ularga har qanday formatdagi fayllarni qo‘shish mumkin. Shaxsiy xabarlar va sharhlarda - muallim bilan muayyan muammolarni shaxsan muhokama qilish imkoniyati mavjud. Suhbat davomida, munozaralar real vaqtda amalga oshiriladi. Xabarnomalar barcha kursiy ishtirokchilarga yoki shaxsiy guruhlarga zudlik bilan joriy voqealar haqida ma’lumot beradi: har bir talabaga yangi topshiriq haqida yozishingiz shart emas, guruh avtomatik ravishda xabarnomalar oladi.

Ushbu tizim ta’lim sifatini nazorat qilish vositalariga ega. LMS har bir talabaning portfelini yaratadi va saqlaydi: uning taqdim etgan barcha ishi, o‘qituvchining mulohazalari va izohlari, forumdagi xabarlar va x.k. LMS-tarmoqdagi talabalarning faoliyatiga "tashrif buyurish"ni va ilmiy ishlarning davomiyligini nazorat qilish imkonini beradi. Natijada, o‘qituvchi talabalar

to‘g’risidagi statistikani to‘plashi mumkin: kim nimani yuklab olgan, qaysi uy vazifalari bajarilgan, yechgan testi qanday baholangan x.k. Shunday qilib, o‘quvchilar mavzuni qanday o‘zlashtirganligini tushunib yetadi va shu bilan birgalikda qo‘shimcha o‘rganish uchun materiallar ham taklif qila oladi.

LMS dan muvaffaqiyatli foydalanish uchun texnik vositalar bilan bir qatorda quyidagi tashkiliy masalalarni hal qilish kerak:

- oliy ta’lim muassasasining elektron o‘quv jarayonini qo‘llab-quvvatlash maqsadida axborot va o‘quv muhitini tayyorlash;
- elektron muhitda o‘qitish uslublarini ishlab chiqish, kompyuter texnologiyalari sohasida malakali kadrlar tayyorlashning tizimini jadallashtirish;
- o‘quv materiallari bilan elektron ta'lim olishni yetarli darajada ta'minlash;
- elektron o‘qitish uchun o‘qituvchilar tayyorlash;
- o‘qituvchilar tomonidan istiqbolli va tizimdan foydalanish zarurligi;
- oliy ta’lim muassasasida axborotlashtirishning multifaktor vazifalarini hal etish uchun yetarli darajada yuqori malakali dasturchilar mavjudligi.

ADABIYOT

1. Abramkin G.P., Tokareva O.V. Opit ispolzovaniya elektronnix obuchashayushix sredstv na prakticheskix zanyatiyax po informatike v VUZE. http://nnz.newmail.ru/dis psi.htm

2. Abdukadirov A.A., Eshnazarova M.Yu. Elektronnie uchebniki v sisteme distansionnogo obrazovaniya // Pedagogika jene psixologiya. - Almata, 2010. №4. B.184-187.

3. Abdukadirov A.A., Pardayev A.X. Masofali ukitish nazariyasi va amaliyoti. T.: Fan, 2008. B.104, 107..

М.М. Ибрагимов *- СамИСИ катта ўқитувчи*
У.А. Ширинов *- СамИСИ катта ўқитувчи*
О.Т. Ширинова *- СамИСИ магистранти*

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА СУҒУРТА ХИЗМАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Рақамли қитисодиёт шароитида кичик ва хусусий бизнесни ривожлантириш, тадбиркорлик субъектлари учун қулай шарт-шароитлар яратишда суғурта фаолияти субъектларининг ўрни бениҳоя катта бўлмоғи лозим. Бошқачароқ таъриф берадиган бўлсак, иқтисодиётни янада эркинлаштириш жараёнини тегишли бозор инфратузилмаси, яъни банк-молия тизими, лизинг, аудиторлик, суғурта, инжиниринг ва бошқа тузилмаларни ривожлантирмасдан туриб амалга ошириш мумкин эмас.

Суғурта хизматлари иқтисодиётни турли хил молиявий хатарлардан ҳимоя қилувчи воситалардан биридир. Бироқ мамлакатимиз молия бозорида бу хизматларнинг ўрни ҳозирча етарли эмас.

Статистик маълумотларга кўра, мамлакатимизда 30 дан ортиқ суғурта компанияси фаолият юритмоқда. Соҳага оид қонунчиликнинг такомиллашиб боришида йирик анжуманлар, кўргазмалар, ташкил этилаётган семинар ва ўқув машғулотларида бу борадаги ютуқ ҳамда камчиликлар таҳлил қилиб борилаётгани ҳам ёрдам бераётир. Уларда мамлакатимиз ва хорижлик мутахассислар соҳадаги янгиликлар, тармоқни ривожлантириш истиқболлари, мамлакатимиз иқтисодиётини сармоялашда суғурта бозорининг аҳамиятини кучайтириш масалалари бўйича тажриба ва фикр алмашмоқда, ҳаётни суғурталаш бозорини ривожлантириш, мамлакатимиздаги молия, тадбиркорлик ва банк фаолиятига оид таваккалчиликлар билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинмоқда.

Мамлакатимизда суғурта бозорини ривожлантириш, суғурта ташкилотларининг самарали фаолият юритиши учун ҳуқуқий, ташкилий-техник шароитлар яратиш, аҳоли ва мижозлар учун қулай жой ва ҳудудларда суғурта хизматлари шохобчаларини ташкил этиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бунинг самарасида йил сайин маҳаллий компаниялар сони ортмоқда ва бу суғурта бозорида соғлом рақобат муҳитини яратиш, тақдим этилаётган хизматлар сифатининг ошишига хизмат қилмоқда. Айни пайтда мамлакатимизда умумий суғурталаш ва ҳаётни суғурта қилиш соҳалари бўйича 27 та суғурта компанияси рўйхатдан ўтган. Бугунги кунда вилоятларда ўн мингга яқин мутахассис турли суғурта хизматларини таклиф этмоқда.

2019 йилнинг олти ойида суғурта ташкилотлари томонидан йиғилган суғурта мукофоти ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,5 баробар ошган бўлсада, суғурта тушуми аҳоли жон бошига 50 минг сўмдан тўғри келган.

Ушбу соҳанинг мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотидаги улуши атиги 0,4 фоизни ташкил этмоқда. Қиёс учун, бу кўрсаткич Жанубий Кореяда 11 фоиз, Германияда 6 фоиз, Россияда 1,5 фоизни ташкил этади.

Бунинг асосий сабабларидан бири – суғурта хизматлари етарли даражада жозибадор эмаслиги. Мисол учун, ўтган олти ойда умумий суғурта тармоғида 887 миллиард сўм суғурта мукофоти йиғилган бўлсада, ушбу даврда мижозларга тўланган суғурта қопламасининг ҳажми мукофотнинг атиги 11 фоизига тўғри келган. Дунёда эса бу кўрсаткич ўртача 50-60 фоиздир.

Рақамли иқтисодиёт шароитида суғурта хизматларини ривожлантириш учун қуйидаги масалалрга эътибор қаратиш лозим.

- Аҳоли ва тадбиркорларнинг суғуртага ишончини ошириш зарур. Молия вазирлиги ҳамда Монополияга қарши курашиш қўмитасига суғурта даъволарини кўриб чиқиш муддатлари ва ҳужжатларини қисқартириш, суғурта ҳодисасини адолатли баҳолаш ва тўловларни тезкор тўлаш тизимини жорий қилиш лозим.
- Суғурта ташкилотларининг инвестиция фаолиятини қўллаб-қувватлаш механизмларини кенгайтириш давр талабидир. Жумладан, суғурта компанияларининг лизинг фаолияти билан шуғулланишини рағбатлантириш ва лизинг хизматлари бўйича солиққа тортиш тизимини такомиллаштириш шарт.
- Иқтисодиёт тармоқларини суғурта хизматлари билан қамраб олиш муҳим масалалардан биридир. Молия вазирлиги ҳамда Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигига қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортини суғурталаш харажатларининг бир қисмини давлат томонидан субсидиялаш механизмларини жорий этиш зарур.
- Миллий суғурта компанияларининг халқаро молия бозорларига чиқишини таъминлаш, илғор корпоратив бошқарув тизимини жорий қилиш орқали халқаро рейтинглар олиш бўйича ҳам аниқ вазифалар ишлаб чиқиў лозим.
- Суғурта соҳасида замонавий кадрлар тайёрлаш, мутахассисларни нуфузли хорижий билим юртларида ўқитиш ва етакчи компанияларда малакасини ошириш зарур.
- Мамлакатимизда мажбурий тиббий суғурта тизимини жорий қилиш давр талаби, бунга пухта тайёргарлик кўриш, тиббий хизматларнинг минимал ижтимоий пакетини шакллантириш керак.

Суғурта компаниялари эса қуйиагиларга эътибор қаратиши лозим:

- суғурта ҳимоясининг нархи ва сифати мутаносиб уйғунлиги;
- мажбуриятларга қатъий риоя этиш ва ҳаракатларнинг тезкорлиги;
- ҳар бир мижознинг талаб ва истакларига алоҳида ёндашув;
- замонавий суғурта технологиялари ва турли хилдаги суғурта дастурлари;
- халқаро сифат стандартлари бўйича хизмат кўрсатиш ва мослашувчан тариф ставкалари.

Келажакда ривожланиш стратегияси - корпоратив ва хусусий суғурта бозорида ўз мавқеини мустаҳкамлаш, экспорт-импорт суғуртасини жадаллаштириш, суғуртада инновацион технологияларни ривожлантириш, мижозлар билан алоқа ўрнатишга алоҳида ёндашиш, бунда суғуртага оид масалаларни ҳал этишда ҳар бир Суғурталовчига юқори даражада эътибор бериш.

Юқоридаги таклиф ва тавсияларимиз рақамли иқтисодиёт шароитида суғурта хизматларини ривошланишига хисса қўшади деган фикирдамиз.

Sh. I.Artikova - SamISI doktaranti

INNOVATSION IQTISODIYOT SHAROITIDA XIZMAT KO'RSATISHNI RIVOJLANTIRISH ORQALI BANDLIKNI TA'MINLASH

Annotatsiya. Maqolada innovatsion iqtisodiyot sharoitida aholini ish bilan bandligini ta'minlashda xizmatlar ko'rsatkichini rivojlantirish holati Samarqand viloyati hududlari aholisi misolida yoritilgan.

Kalit so'zlari. Bandlik, ishsizlik, innovatsiya, xizmat ko'rsatish, davlat ish bilan bandlik xizmati, ishsizlik nafaqasi.

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyev 28 dekabr 2018 yil Oliy Majlisga Murojaatnomasida aholi o'rtasida ishsizlikni kamaytirish, odamlar va oilalar daromadlarini oshirish, 2019 yil uchun bandlikka ko'maklashishning yangi davlat dasturini tasdiqlash, bu borada ishsizlarni kasbga o'qitish, ularga huquqiy va tashqi maslahatlar berish hamda boshqa ijtimoiy yordam usullaridan foydalanishni amalga oshirish to'g'risida alohida to'xtalib o'tgan.

Bugungi innovatsion va raqamli iqtisodiyotga o'tish sharoitida aholini ish bilan ta'minlash va uning daromadlarini oshirish eng dolzarb muammolardan biri hisoblanadi.

Ma'lumki, viloyat davlat ish bilan bandlik xizmati faoliyati joylardagi ish bilan bandlikka ko'maklashish markazlari bilan muvofiqlikda amalga oshiriladi. Viloyatdagi demografik holatning yaxshilanib borishi, mahalliy iqtisodiyotdagi tarkibiy o'zgarishlar va amalga oshirilayotgan islohotlar ko'lamining kengayib borishi ijtimoiy-iqtisodiy jarayonlarni boshqarish va tartibga solish bilan bog'liq masalalarni ahamiyatini yanada oshiradi.

Aholi bandligini ta'minlash mamlakatni ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish, aholi turmush darajasini yuksaltirish, jamiyatda ijtimoiy barqarorlikka erishishning asosiy omillaridan biri. Bu masala Oliy Majlis Senatining yalpi majlisida ham muhokama etilib, ma'qullangan ish o'rinlarini tashkil etish va aholini bandligini ta'minlash dasturida o'z aksini topgan. Bandlikni ta'minlash uchun xizmat ko'rsatish sohasida kichik biznesni rivojlantrish muhim ahamiyatga egadir.

Xizmatlar sohasini rivojlantirishda kichik tadbirkorlik sohasini mamlakat iqtisodiyotidagi ulushini tahlil qilganimizda, yalpi hududiy mahsulotdagi ulushi 2018 yilda 52,1 foiz bo'lgan bo'lsa, 2019 yilda bu ko'rsatkich 56,0 foizga o'sganligini ko'rishimiz mumkin. Samarqand viloyati bo'yicha xizmatlarning ulushi 71,1 foizni tashkil etib, respublika bo'yicha Samarqand viloyati Surxandaryo (71,9%) va Farg'ona (71,8%) viloyatlaridan keyingi o'rinda turadi. 2019 yil 99 139,3 mlrd. so'mlik xizmatlar ko'rsatilib (respublika jami xizmatlar hajmining 52,1%), o'tgan 2018 yilga nisbatan o'sish sur'ati 104,8%ni tashkil qildi. Samarqand viloyatida kichik tadbirkorlik sub'yektlari tomonidan tovar, xizmatlar eksportidagi ulushi jamiga nisbatan 76,2 foizni, importning ulushi esa 69,4 foizni tashkil etmoqda.

Samarqand viloyatining doimiy aholisi soni 2019 yilda 3878,6 ming shundan, shahar aholisi 14308,3 ming kishiga yetdi. Viloyat aholisi 2010 yilda 3140,2 ming kishini tashkil etgan bo'lib, 2019 yilda 2010 yilga nisbatan 19,1 % ga o'sgan. Viloyatda mehnat resurslari salmog'i 2010 yilda 1742,3 ming kishi bo'lib, 2019 yilda 2032,2 ming kishiga yetgan. Bu ko'rsatkich 2010 yilga nisbatan 2019 yilda 116,6 % ga o'sgan. Ish bilan band bo'lgan aholi soni 2010 yilda 12219,9 ming kishi, 2019 yilda 1463,3 ming kishiga yetgan yoki mos davrga nisbatan 118,9 % ga o'sishi kuzatildi. Bu ko'rsatkich O'zbekiston Respublikasi bo'yicha aholining bandlik darajasi 67,4 %, ishsizlik darajasi esa 9,3 % ga teng.

Samarqand viloyatida ishsizlik darajasi 2010 yilda 4,8 %, 2019 yilda esa 9,6 % ga teng bo'lib, ko'rilayotgan davrda bu ko'rsatkich o'sish tendensiyasiga ega. Aholini bandlik darajasi 66,3 %ni tashkil etmoqda.

Bizning fikrimizcha, mehnat bozorini tartibga solish siyosati quyidagi maqsadlarga erishishni nazarda tutadi:

- ishchi kuchiga talab va taklif o'rtasidagi muvozanatga erishish;
- ishsizlarni mehnatga yo'naltirishni rag'batlantirish;
- ish bilan band bo'lmagan fuqorolarning ish izlashda kasbiy harakatchanligini oshirish;
- ish izlayotgan har bir kishini ish bilan ta'minlamoq.

Davlat ish bilan bandlik siyosati doirasida ish bilan banlikka ko'maklashish ikki yo'nalishda: passiv va faol ish bilan bandlik siyosati ko'rinishlarida amalga oshiriladi. Iqtisodiyotning yuksalish davrida ish bilan bandlik xizmati nafaqat yangi turdagi faoliyatlarga ishchi kuchini joylashtirish, balki mehnat resurslaridan maksimal darajada foydalanish, ishsizlarni qayta o'qitishni turli dasturlarini ishlab chiqish, zarur malakaga ega ishchilarni tanlab olish usullari va ishchi kuchiga talabni oshirish imkoniyatlari hamda shart-sharoitlariga ega bo'ladi. Mehnat bozorini tahlil qilishda ish bilan bandlikka ko'maklashish doirasidagi yo'nalishlar muhim ahamiyatga ega bo'lib, ish bilan bandlik xizmatining samarali faoliyatini baholash, ish bilan bandlik siyosati yo'nalishlarini ishlab chiqish, balki ish bilan bandlik muammolari bo'yicha yangi yechimlar taklif qilish imkoniyatlari yuzaga keladi.

Mamlakatimiz bo'yicha mehnat bozorining holatini tahlil qiladigan bo'lsak, ish bilan band aholi soni 2010 yilda 11628,4 ming ishchini tashkil etgan bo'lib, bu

ko'rsatkich 2019 yilda 13608,8 ming kishiga yetdi. Savdoda esa 2010 yilda 1235,6 ming kishidan 2019 yil 1461,6 ming kishiga o'sganligini ta'kidlab o'tish mumkin. Sog'liqni saqlash va ijtimoiy xizmatlar sohasida 2010 yilda 596,2 ming kishidan iborat bo'lgan bo'lsa, 2019 yilga kelib 620,7 ming kishini tashkil qildi.

Respublika bo'yicha mehnat organlarida ro'yxatdan o'tgan ishsizlar 2010 yilda 16,1 ming kishidan iborat bo'lib, 2019 yilga kelib 34,7 ming kishiga yetdi yoki 2010 yilga nisbatan 13,2 % ga o'sdi.

Ishsizlarni kasbga tayyorlash va qayta tayyorlash, o'quv jarayonida zamonaviy o'quv texnologiyalari va usullarini ta'lim dasturiga kiritish hamda foydalanish kelajakda mehnat bozorida raqobatbardoshligini oshiradi.

Mintaqalardagi mehnat bozorida ishsizlik bo'yicha nafaqalarning miqdori va ularni to'lash shartlarini belgilashda bozor iqtisodiyoti rivojlangan mamlakatlarida ikki xil yondashish vujudga kelgan. Birinchisi, o'zining ixtiyorsiz ishdan bo'shatilgan xodimining turmush darajasini keskin tushib ketishiga yo'l qo'ymaslikdan iborat. Bu holda ishsizlik bo'yicha nafaqalar oldingi ish haqlarini hisobga olish bilan hisoblab chiqiladi. Ikkinchi yondashish, har xil sabablar bilan umuman ishlamayotganlar yoki ishga yollanishda jiddiy qiyinchiliklarni boshidan kechirayotganlarda yashash uchun boshqa vositalar mavjudligini tekshirish bilan yoki tekshirmasdan yashash minimumini ta'minlashdan iboratdir.

Ishsiz deb e'tirof etilganlarga moddiy yordam ko'rsatishda sug'urtalash tizimlari asosiy tizimlardan biri hisoblanadi. Ular bozor iqtisodiyotiga ega mamlakatlarning mutloq ko'pchiligida mavjud. Xususan, O'zbekiston Respublikasining ,,Aholi ish bilan taminlash to'g'risida"gi qonunida ham ish haqining eng kam miqdori darajasidagi yoki ishlashning keyingi yillarida olingan o'rtacha ish haqiga foizli nisbatda nafaqa to'lash ko'zda tutilgan.

Aholini ish bilan bandligini ta'minlashda bu yo'nalish bo'yicha quyidagi tadbirlarni amalga oshirish zarur: davlat ish bilan bandlik xizmati tarkibida xodimlarni kasbga yo'naltirish va psixologik qo'llab-quvvatlash bo'limlarini tashkil etish; kasbga yo'naltirishni psixologik jihatdan qo'llab-quvatlash bo'yicha ilmiy asoslangan dasturlarni ishlab chiqish; bu yo'nalish bo'yicha yetuk mutaxassislar va psixologlar maslahatini berish va boshqalar.

Mehnat bozori oqilona shakllanishining asosiy va hal qiluvchi sharti - mehnat resurslari bilan ish joylari o'rtasidagi o'zaro mutanosiblikni ta'minlashdir. Oxirgi yillar davomida ishsizlik nafaqasini olganlar miqdori keskin tushishi tendensiyasi sodir bo'lgan. Bunga sabab ish so'rab murojaat qilganlarning aksariyat qismini ishga joylashtirganligi, ayrimlarining jamoat ishlariga jalb qilinganligi yoki malakasini oshirish, qayta kasbga tayyorlashdan o'tkazilganlarning miqdori o'sganligi bilan izohlanadi.

Hozirgi kunda mamlakatimiz iqtisodiyotining oldida turgan ustivor vazifalardan biri mehnat bozorini samarali shakllantirish hamda ishchi kuchiga talab va taklif o'rtasida muvozanatga erishishdir. Mehnat bozorida ishchi kuchiga talab va taklif nisbatlari nomutanosibligining ijtimoiy-iqtisodiy oqibatlarini yumshatish zaruriyati uni tartibga solishning samarali iqtisodiy mexanizimini takomillashtrishni taqozo etmoqda.

Bizning fikrimizcha, mintaqalarning milliy xususiyatidan kelib chiqib, oilaviy tadbirkorlik va milliy hunarmanchilikni, zargarlik, temirchilik, kulolchilik, zardo'zlik, kashtachilik va boshqa turdagi mehnat faoliyatini yanada rivojlantirish maqsadga muvofiqdir.

Ж.О.Аминбоев - ТМИ 1-босқич магистранти

БЮДЖЕТГА ТЎЛОВ ИНТИЗОМИНИ ТАЪМИНЛАШДА МУКОФОТ (REWARD CARD) КАРТАЛАРИ ЖОРИЙ ЭТИЛИШИНИНГ АҲАМИЯТИ

Аннотация: *Ушбу тезисда нақд пулларнинг банкдан ташқари айланмаси натижасида юзага келадиган солиқдан қочиш ҳолатларининг олдини олишга қаратилган таклифлар ўз ифодасини топган.*

Калит сўзлар: *Нақд пул, debet card, reward card, солиқ, банк, нақд-пулсиз ҳисоб-китоблар.*

Молиявий барқарорлигини таъминлаш ва халқаро майдонда ўз ўрнига эга бўлиш учун ривожланаётган ва ривожланган мамлакатлар доимо кураш олиб борган ҳолда Давлатлар монетар ҳамда фискал (солиқ) сиёсатни юритади ва бу ўз навбатида, Давлатнинг жамият олдидаги функцияларини бажариш омили сифатида аренага чиқади.

Бугунги кунда кузатилаётган энг самарали бозор муносабатларига таянган ривожланган мамлакатларининг ялпи ички маҳсулоти ҳажмидаги солиқларнинг улиши, қарийб 20% улушга эга эканлиги хеч кимга сир эмас. Мисол тариқасида Германия федератив республикаси (кейинги ўринларда ГФР) амалиётини кўрсак, ГФР бюжетининг 80%ни солиқлар таъминлайди ва шу сабабли иқтисодиётни ривожлантириш учун давлат томонидан кўрсатиладиган асосий таъсир сифатида кўрилади. Албатта мазкур ҳолатдан бизнинг мамлакат ҳам мустасно эмас.

Шуни алоҳида тақидлаш лозимки ушбу кўрсаткич ҳамма солиқ тўловчилар ҳам давлат олдидаги мажбуриятини бирдек бажараётганлигини англатмайди. Албатта, солиқ тўловчиларининг мажбуриятларини ўз вақтида бажармаслигига кўп омиллар таъсир кўрсатади, шу омиллардан биттаси солиқ агентининг фаолиятни тўғри йўлга қўйиш ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 23-моддасида зиммасига солиқларни ҳисоблаб чиқариш, солиқ тўловчидан ушлаб қолиш ва бюджетга ўтказиш мажбурияти юклатилган шахслар солиқ агентлардир деб белгиланган[1]. Ушбу модда орқали, давлат солиқларни солиқ агентлари ёрдамида республика бюджетига йиғиб олиш тартиби назарда тутилган.

Юқорида такидлаганимиздек, монетар сиёсатни юритиш Ўзбекистон

[1] Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси (ЎзР 30.12.2019 й. ЎРҚ-599-сон Қонуни билан тасдиқланган). 23-модда 1-қисм

Республикаси Марказий Банки, фискал сиёсатни юритиш эса Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан амалга оширилади.

Мамлакатда яратилган маҳсулот (иш, хизмат)лар ҳажмига тенг равишда Марказий Банк томонидан миллий валюта (сўм) эмиссия қилинади (истеъмолга чиқарилади). Мазкур чиқарилган пуллар банк орқали айлансагина яширин иқтисодиётга барҳам берилади ва бу ўз навбатида солиқ солиш базасини аниқлиги, шафофлигини таъминлаши билан бир қаторда бюджетга солиқлар тўғри ҳисобланиши ва тўланишига замин яратади ҳамда инфиляция даражаси барқарор бўлишини таъминлайди. Ваҳоланкий бундай рақамли иқтисодиёт тизимининг равон ишлаши натижасида мамлакат иқтисодиётининг барқарор ривожланишига замин яратилади. Афсуски, ҳозирги кунгача мамакатимизда нақд пулнинг банкдан ташқари айланмаси сезиларли даражада камайишига эришилмади ва бу ўзнавбатида муаммога айланмоқда.

Мамлакатимизнинг аксарият савдо-сотиқ муносабаталари нақд пулда амалга оширилиши давом этмоқда. Ваҳоланки, бундай жараён дунё мамлакатларида нақд-пулсиз ҳисоб-китоблар тизими механизмида амалга оширилмоқда. Ўз навбатида, Нақд пулли ҳисоб-китоблар тизими Республикамизда инфляция даражасини ошишига ҳамда солиқ солиш базасини яшириш имкониятини яратиб бермоқда.

Маҳсулот (иш, хизмат)лар асосий истеъмолчиси халқ эканлигидан келиб чиқадиган бўлсак, масалага жисмоний шахслар истеъмоли учун дебет карталари орқали амалга ошириладиган тўлов харажатларини мукофотлаш орқали ечим топиш мумкин деб ҳисоблаймиз.

Бунинг учун ҳар бир жисмоний шахсга, унга хизмат кўрсатувчи банк томонидан ҳисоб рақам очилиб дебет карта бериш баробарида мукофот (reward card) карталарини ҳам очиб бериш лозим.

Ушбу тизим қандай ишлайди:

1. Банкда ҳисоб рақам очилади;

2. Жисмоний шахсга иккита пластик карточка берилади (Debet card ва reward card);

3. Debet card орқали харид амалга оширилади;

4. Мазкур қилинган харажат натижасида reward card орқали мукофот олинади.

Муҳтасар қилиб айтганда шахсий эҳтиёж учун қилинган харажат сизга даромад яъни иқтисодий наф келтира бошлайди.

Фикримизни қуйидаги мисол орқали кўриб чиқамиз. Масалан, Алининг кўлида жами икки юз минг сўм пул маблағи бор, ушбу маблағ тенг улушларда накд ҳамда нақдсиз шаклда деб фараз қиламиз. Али хўжалик истеъмоли учун керакли нарсалар олиш мақсадида бозорга борди ва харидни амалга ошириш натижасида юз минг сўм тўлаши керак бўлди. Мазкур вазиятда Али нақд шаклда тўловни амалга оширса унга ижобий таъсир бўлмайди. Лекин нақд-пулсиз шаклда тўловни амалга оширса яъни дебет карта (Debet card) орқали, унинг мукофот картасига (reward card) маълум

миқдорда пул тушганли тўғрисида банк-мижоз дастури орқали хабар келганига гувоҳ бўлади.

Инсон омилларини ҳисобга олиб *(инсон ҳар доим наф келтирадиган нарсаларга қараб интилади)* айтилганда, ушбу харакат инсонни бир марта руҳлантирибгина қолмай, кейинги сафар ҳам тўловни шу тартибда амалга оширишига ундайди.

Натижада, истеъмолчи товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчидан дебет карта ёрдамида тўлов қилиш учун ўз ҳуқуқини талаб қила бошлайди. Дебет карта ёрдамида тўловни амалга ошириш талаби ўз навбатида бозорда дебет карта ёрдамида амалга ошириладиган тўловлар таклифи ортишига сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида “Албатта, рақамли иқтисодиётни шакллантириш керакли инфратузилма, кўп маблағ ва меҳнат ресурсларини талаб этишини жуда яхши биламиз. Бироқ, қанчалик қийин бўлмасин, бу ишга бугун киришмасак, қачон киришамиз?! Эртага жуда кеч бўлади. Шу боис, рақамли иқтисодиётга фаол ўтиш – келгуси 5 йилдаги энг устувор вазифаларимиздан бири бўлади”[1] деб такидлаган.

Юқорида келтирилган фикрни амалиётга жорий қилиниши, Давлатимиз раҳбари томонидан тақидланган “Рақамли иқтисодиёт”ни ривожлантиришнинг бир қўриниши сифатида намоён бўлибгина қолмасдан, монитар сиёсатни юритишда ижобий натижалар самараси ўларок фискал сиёсатни амалага оширишда ижобий натижалар бериши мумкин.

Умуман олганда, мукофот карталарини кенг жорий этилиши давлат ва жамият тараққиёти йўлида ижобий ислоҳатларни амалга оширишга имконият яратади.

Н.Н.Мавланов - PhD. ТМИ, “Аудит ва иқтисодий таҳлил” кафедраси доценти в.б.,
О.И.Очилов - ТМИ, таянч докторанти

ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР КРЕДИТГА ЛАЁҚАТЛИЛИГИНИ БАҲОЛАШНИНГ СКОРИНГ МОДЕЛИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Аннотация. Ушбу тезисда хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитга лаёқатлилигини баҳолашнинг хозирги ҳолати ва ундаги мавжуд камчиликлар келтириб ўтилган. Тижорат банкларида корхоналарнинг кредитга лаёқатлилигини баҳолашнинг скоринг моделини қўллаш кредит рискини минималаштириш имкони бериши ёритиб берилган.

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 24.01.2020. https://president.uz/uz/lists/view/3324

Калит сўзлар. Кредитга лаёқатлилик, баҳолаш мезони, комплекс таҳлил, кредит риски, кредит рискини минималлаштириш, молиявий кўрсаткичлар, номолиявий кўрсаткичлар, скоринг модели.

Бозор иқтисодиётивужудга келгандан то ҳозирги даврга қадаркредит муносабатлари узлуксиз такомиллашиб ҳамда ривожланиб келмоқда ва бу жараён келгусида янада кенг кўламда давом этиш тавсифига эга. Чунки, кредит муносабатлари иқтисодиётда кўплаб бизнес субъектлар фаолиятини бошлашига, тўхтовсиз амалга оширишига ҳамда кенгайишига муҳим молиявий омил бўлмоқда.

Мамлакатимизда миллий иқтисодиётнинг ривожланиши талабларидан келиб чиқиб бу соҳадакўплаб самарали ишлар амалга оширилди ва мазкур муносабатлар сўнгги йилларда янада тубдан такомиллаштирилмоқда.Бу борада “Банк тизимини ислоҳ қилишни чуқурлаштириш ва барқарорлигини таъминлаш, банкларнинг капиталлашув даражаси ва депозит базасини ошириш, уларнинг молиявий барқарорлиги ва ишончлилигини мустаҳкамлаш, истиқболли инвестиция лойиҳалари ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлашни янада кенгайтириш” (1) масалаларига устувор аҳамият берилмоқда. Жумладан, 2018 йил 23 мартадаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори ушбу йўналишдаги энг муҳим вазифаларни белгилаб берди. Мазкур қарорда “потенциал қарз олувчининг кредитга лаёқатлилик даражасини баҳолаш ҳамда жисмоний шахсларга ва кичик тадбиркорлик субъектларига кредитлар (микроқарзлар) ажратиш муддатларини қисқартириш имконини берувчи тижорат банклари томонидан ўз скоринг моделини яратиш ...” ишларини амалга ошириш таъкидлаб ўтилган.

Халқаро тажрибалардан кўриш мумкинки банклар фаолиятида қўлланиладиган турли кредит скоринг моделлари мижознинг кредитга лаёқатлилигини аниқ ва кенг кўламда баҳолаш имконини берадиган замонавий усуллардан биридир. Бунинг ёрдамида энг мақбул мижоз танлаб олинади ҳамда кредит рискини сезиларли пасайтиришга эришилади. Демак, кредитнинг қайтмаслиги билан боғлиқ йўқотишларни олди олинади. Кредитга лаёқатлиликни аниқ, тўлиқ ва тезкор баҳолаш нафақат банклар учун кредит рискини пасайтириш балки, корхоналар учун кредитни қайтараолмаслик рискини қисқартиришгатайинланганлиги билан ҳам аҳамият касб этади. Таъкидлаш керакки, банклар амалиётидакредит скоринг моделидан фойдаланиш, ҳам банк учун, ҳам корхона учункутилган самарани беради. Шунинг учун ривожланган мамлакатлар банк амалиётида энг мақбул мижозларни аниқлашда кредит скоринг модели муҳим восита бўлиб хизмат қилмоқда.

Америка Қўшма Штатлари ва Европа мамлакатлари банк тизимида SAS Credit Scoring, EGAR Scoring, Transact SM (Experian-Scorex), K4Loans (KXEN), Clementine (SPSS), "Business Neuro-Systems", Basegroup Labs,

Diasoft, Clementine (SPSS) ҳамда "Business Neuro-Systems" (Россия), Basegroup Labs, Diasoft (Украина), FICO(Fair Isaac Corporation) ташкилоти томонидан ишлаб чиқилган скоринг модели бўйича турли дастурлардан кенг кўламда фойдаланилмоқда.

Қайд этиб ўтиш керакки, амалдаги скоринг моделлари мижоз тўғрисидаги киритилган маълумотни фақат қайта ишлаш билан чекланмай, балки келажакдаги хатти-ҳаракатларини олдиндан баҳолаш имкониятига ҳам эга.

Америка Қўшма Штатларида FICO(Fair Isaac Corporation) ташкилоти томонидан ишлаб чиқилган скоринг баллари машҳур бўлиб, у мижозни 300 баллдан 850 баллгача бўлган интервалда баҳолайди[1]. Бунда иккита асосий муҳим жиҳат мавжуд:

- FICO скоринг баллари бешта омил асосида ҳисоблаб чиқарилади;
- мижознинг кредитга лаёқатлилиги тўплаган баллар шкаласи асосида баҳоланади.

FICO кредит скоринг усулидаги асосий бешта омил ва уларнинг ҳар бирининг салмоғи қуйидагилардан иборат[2]:

- тўловлар тарихи – 35%;
- жорий мажбуриятлар – 30%;
- кредит тарихи ёши(муддати) – 15%;
- қарз маблағларидан фойдаланиш хилма-хиллиги – 10%;
- банкда мавжуд ҳисоб варақлар ва кредит турлари – 10%.

Тўловлар тарихи – 35%.Мазкур омилда корхонанинг кредит тарихини ижобий ва салбий томонлари кўриб чиқилади. Яъни, кредит карталари, ипотекалар, электр ва бошқа коммунал тўловлар каби масалалар ўрганилади.Шунингдекушбу бўлимда, банкротлик эҳтимолига олиб борувчи мажбуриятлар кўриб чиқилади.

Жорий мажбуриятлар– 30%. Кредит карталарига эга бўлиш ва улардаги мавжуд қарздорлик ҳолатлари ўрганилади.

Кредит тарихи ёши(муддати) – 15%.Корхонани кредит тарихини узоқлиги ҳамда ижобийлиги FICO балларини оширади. Бу ердакредит тарихининг сўнгги даврларда кредитлардан қандай фойдаланганлик ҳолатларини ижобий бўлиши FICO рейтингида муҳим аҳамиятга эга.

Қарз маблағларидан фойдаланиш хилма-хиллиги – 10%.Корхонани кредит карталари, жорий тўловлари, йўл кредит карталарива ипотека кредитларидан фойдаланганлик даражаси ҳисобга олинади.

Банкда мавжуд ҳисоб варақлар ва кредит турлари – 10%.Ушбу омилда янги олинган кредитлар мавжудлиги, шунингдек қисқа муддат давомида бир нечта янги кредитлардан фойдаланиш ҳолатлари FICO рейтингида катта хавф сифатида қаралади.

[1]Ш.З.Абдуллаева. Кредит ва кредитлаш амалиёти: Монография. –Т.: “Iqtisod-Moliya”, 2017.-368 б.
[2]https://chicagorealty.jimdo.com/2017/06/.../кредитная-история-fico-score-credit-score.

FICO кредит скоринг усулида мижознинг кредитга лаёқатлилиги умумий тўплаган баллйиғиндиси асосида баҳо берилади[1].

1-жадвал

FICO кредит скоринг усулида баҳолаш[2]

Тўпланган баллар	Берилган баҳо
760 баллдан 850 баллгача	Энг аъло даражада
700 баллдан 759 баллгача	Жуда яхши ҳолатда
660 баллдан 669 баллгача	Яхши ҳолатда
620 баллдан 659 баллгача	Ўртача даражада
580 баллдан 619 баллгача	Ёмон ҳолатда
500 баллдан 579 баллгача	Энг ёмон ҳолатда

FICO кредит скоринг усулида мезонлар асосида тўпланган умумий баллга қараб кредит ажратиш ёки ажратмаслик тўғрисида қарор қабул қилинади.

Республикамиз тижорат банкларида корхоналарнинг кредитга лаёқатлилиги таҳлили ва уни баҳолашда турли хил усуллардан фойдаланиб келинмоқда. Таъкидлаш керакки, банклар амалиётида корхоналарнинг кредитга лаёқатлилигини таҳлил қилиш ва баҳолашда уч турдаги: қоплаш, ликвидлилик ва мухторлик коэффициентларидан фойдаланилмоқда. Ушбу коэффициентлар асосида корхоналарнинг кредитга лаёқатлилиги учта синфга ажратиш асосида баҳоланмоқда.

2-жадвал

Банклар томонидан қўлланилаётган кредитга лаёқатлиликни баҳолаш мезонлари[3]

Кўрсаткичлар	I синф	II синф	III синф
1. Қоплаш коэф.(Қк)	Қк > 2	2>Қк>1	1>Қк
2.Ликвидлилик коэф. (Лк)	Лк > 1,5	1,5>Лк>1	1>Лк
3. Мухторлик коэф. (Мк)	Мк > 60%	60%>Мк>30%	30%>Мк

Ушбу тартибдаги кредитга лаёқатлиликни баҳолаш мезонларида қуйидаги бартараф этиладиган камчиликлар ҳамда такомиллаштирилиши талаб этиладиган умумий жиҳатлар мавжуд:

- коэффициентларни ҳисоблаш усулидаги камчиликлар;
- ушбу коэффициентлар асосида корхонанинг молиявий аҳволини тўлиқ баҳолаш имкони йўқлиги;
- халқаро тажрибалар эътиборга олинмаганлиги.

[1]https://chicagorealty.jimdo.com/2017/06/.../кредитная-история-fico-score-credit-score.
[2]Муаллифлар ишланмаси.
[3]Алимарданов И.М. Кичик бизнес субъектларининг кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолаш амалиётини такомиллаштириш. “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. №2, апрель, 2017 йил.

Шу каби ҳолатлар корхоналарни кредитга лаёқатлилигини тўлиқ баҳолаш имконини бермаяпти.

Шунингдек, республикамиз тижорат банкларида қўлланилаётган скоринг таҳлил тизими ҳам корхоналарни кредитга лаёқатлилигинитўлиқ баҳолаб бера олмайди.

Республикамиз банк соҳасидаги кредит муносабатларида амалга оширилаётган корхонани кредитга лаёқатлилигини баҳолашни давр талаблари асосида такомиллаштириш учун юқорида кўрсатиб ўтилган камчиликларни бартараф этиш муҳим аҳамият касб этади. Бундан мақсад кредит олувчи корхонанинг кредитга лаёқатлиликни баҳолашни тўлиқ, аниқ ва тезкор ўрганишдир. Бу билан кредитга лаёқатли бўлган энг муносиб корхоналарни танлаб олиш имконияти яратилади. Натижада эса кредит риски сезиларли камайишга эришилади.

Миллий иқтисодиётимиздаги ўзгаришларни ҳамда хорижий тажрибаларни мужассамлаштирган ҳолда корхоналарнинг кредитга лаёқатлилигини таҳлил қилиш ва баҳолаш имконини берувчи раыамли иытисодиёт талабларига мос электрон дастур яратиш бу борадаги мавжуд муаммоларни бартараф этишнинг энг мақбул усули деб ҳисоблаймиз.

Дастурда корхонанинг кредитга лаёқатлилигини баҳолаш учун қўлланиладиган мезонлардан сонини ошириш, шунингдек бир вақтнинг ўзида ўзбек, рус ва инглиз тилларида ишлашини таъминлаш масадга мувофиқдир.

Амалдаги баҳолашдан фарқли равишда кредитга лаёқатлилик ҳолатини бешта синф асосида амалга ошириш орқали кредитга лаёқатли корхоналарни танлаш имкониятини ҳам кўпаятириш зарур.

Р.Ш. Хусайнов– “SAMARKAND BUSINESS ADVISORS” МЧЖ директори

ИНВЕСТИЦИЯ ЖАЛБ ҚИЛИШДА ИНВЕСТИЦИОН ШАРТНОМАЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Бугунги кунда инвестицион мажбуриятларнинг асосий қисми инвестиция фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ булган турли хил шартномалардир. «Инвестицион мажбурият» деганда биз инвесторнинг моддий объекти бўлган сармоявий ва хуқуқий, инвесторнинг инвестиция киритиш, инвестицияларни амалга ошириш буйича ҳаракатлари бўлган мажбуриятни тушунишимиз мумкин. Бундан ташқари, турли давлатлар илмий адабиётларида «инвестиция шартномаси» ва «инвестиция мажбурияти» тушунчалари аниқланган.

«Инвестицион мажбурият» атамаси «шартнома» тушунчасининг синоними ва қушимча равишда шартнома доирасидаги мажбурият сифатида кўриб чиқиш керак, чунки кўпчилик тадқиқотчилар бу ҳуқуқий муносабатлар

таркибини мажбурият сифатида ҳисобга олмасдан, фақат нисбий ҳуқуқий муносабатлар маъносида ишлатадилар. Ўз навбатида, бу инвестиция мажбуриятларига хос бўлган барча хусусиятларни очиб бериш имконини бермайди. Инвестицион мажбуриятнинг таркиби инвестиция йўналишлари ва унинг асосида келиб чиқадиган шартнома турига қараб белгиланади.

Инвестиция шартномаси – бу инвестиция иштирокчилари ўртасида бевосита алоқани тасдиқловчи ҳужжат бўлиб, инвестиция фаолияти субъектлари ўртасида тузилади, инвестиция шартномаси тарафларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлигини белгилайдиган ёзма битим. Бирор бизнесга инвестиция киритиш тўғрисидаги шартномада тўғридан-тўғри икки томон қатнашади.

Инвестор - фойда олиш мақсадида инвестиция фаолияти объектларига ўзининг маблағларини ва қарз маблағларини ёхуд жалб қилинган бошқа инвестиция ресурсларини инвестиция қилишни амалга оширувчи инвестиция фаолияти субъектидир.

Ўзбекистонда чет эл инвесторларни мамлакат иқтисодиётига жалб қилиш ва уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича бир қатор меъёрий ҳужжатлар амал қилмоқда. 2019 йил 25 декабрдан кучга кирган “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ва Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 30 апрелдаги 264-сон қарорига илова «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида» 2005 йил 2 августдаги 180-сон қарорига киритилаётган ўзгартиришлар қабул қилинди. Ушбу қарорнинг 2-иловасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан чет эллик инвестор ўртасида инвестиция шартномаларини тузиш, ўзгартириш киритиш, тугатиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди.

Ушбу Низом Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари томонидан 10 миллион АҚШ долларидан кўп бўлмаган эквивалентда чет эл инвестицияси улуши бўлган инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда чет эл инвесторлари билан инвестиция шартномаларини тузиш ҳуқуқига нисбатан татбиқ этилмайди.

Чет эллик инвесторларга кафолатлар ва қўллаб-қувватлаш чоралари (имтиёзлар ва преференциялар):

- барқарор иқтисодий ўсишни, мамлакат иқтисодиётининг илғор технологик ўзгаришини таъминловчи устувор тармоқларга;
- республиканинг экспорт салоҳиятини мустаҳкамлаш ва кенгайтиришни, республикани жаҳон хўжалик алоқаларига интеграциялашни таъминловчи устувор лойиҳаларга инвестиция киритишда ҳар бир аниқ ҳолатда берилади.

Бунда солиқлар, божхона тўловлари ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қўшимча имтиёзлар чет эллик инвесторлар томонидан ташкил

этилган чет эллик инвестициялар иштирогидаги корхоналарга фақат аниқ белгиланган муддатга берилади ва муддатсиз бўлиши мумкин эмас. Ўзаро келишувга асосан қўшимча кафолатлар ва қўллаб-қувватлаш чоралари (имтиёзлар ва преференциялар) бериладиган инвесторлар томонидан мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш мақсадида инвестор билан инвестиция шартномаси тузилади.

Инвестиция шартномаси Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги орқали Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ҳамда чет эллик инвестор (инвесторлар) ўртасида ёзма шаклда тузилади.

Инвестиция шартномасида чет эллик инвесторнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлигини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг амалга оширилаётган лойиҳаларга нисбатан ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлигини белгилайди ва ўзаро шартномавий мажбуриятларни ўрнатади.

Кафолатлар ва қўллаб-қувватлаш чоралари (имтиёзлар ва преференциялар) Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати кафолатларини беришни, лойиҳаларни амалга оширишга давлат томонидан кўмаклашишни, жумладан, инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга кўмаклашишни, инвестиция дастурига киритишни ёки Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа қамраб олиши мумкин.

Инвестиция шартномаси қуйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

- инвестициялар объекти ва ҳажми, лойиҳанинг бошланиши ва тугалланиши муддатлари;
- инвестиция шартномасининг амал қилиш муддати ва шартлари;
- коррупцияга ва монополияга қарши қўшимча шартлар;
- чет эллик инвесторнинг, шу жумладан, инвестиция киритиш ҳажми, маҳсулот ишлаб чиқариш, маҳаллийлаштириш, маҳсулот сифати, товарлар ва хизматлар экспорти ҳажми, шунингдек, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, меҳнат техника хавфсизлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя қилиш бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлари;
- халқаро стандартларга, шунингдек, энергия самарадорлиги ва экология нормалари бўйича замон талабларига мос келадиган замонавий ускуналар ва технологияларни етказиб бериш юзасидан чет эллик инвесторнинг мажбуриятлари;
- Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг, шу жумладан, қонун ҳужжатларида белгиланганларга қўшимча кафолатлар ва қўллаб-қувватлаш чоралари (имтиёзлар ва преференциялар) бериш бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлари;
- молиялаштириш манбалари, лойиҳани амалга ошириш жадваллари, инвестиция лойиҳасининг амалга оширилишини техник назорат қилиш тартиби тўғрисидаги ахборотлар;

•чет эллик инвестор томонидан унинг мажбуриятлари ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни тақдим этиш тартиби ва муддатлари;

•томонларнинг инвестиция шартномаси шартларига риоя қилмаганлиги учун жавобгарлиги, шу жумладан, чет эллик инвесторга давлат органлари мансабдор шахсларининг ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш, шунингдек, инвестиция шартномасига мувофиқ чет эллик инвестор ўз мажбуриятларига риоя қилмаганда ёки лозим даражада риоя қилмаганда, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан ўз мажбуриятларини бажаришни бир томонлама тартибда рад этиш ҳуқуқи;

•инвестиция шартномасига ўзгартишлар киритиш тартиби;

•инвестиция шартномасини бекор қилиш тартиби;

•инвестиция шартномаси тарафлари ўртасидаги инвестиция шартномаси қоидалари билан боғлиқ низоларни ҳал этиш тартиби, низоларни кўриб чиқиш жойи ва органи. Бунда Ўзбекистон Республикаси ёки хорижий давлат суди, Ўзбекистон Республикаси ёки хорижий давлат ҳудудида ташкил этилган халқаро тижорат арбитражи низоларни кўриб чиқувчи орган сифатида белгиланиши мумкин.

Инвестиция шартномасида инвестиция лойиҳасининг ўзига хос хусусиятларига қараб бошқа шартлар, шу жумладан, қуйидаги шартлар ҳам бўлиши мумкин:

•ҳудуднинг ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш бўйича томонларнинг ўзаро мажбуриятлари;

•чет эл инвесторининг шартнома шартларини бажариш натижасида ишлаб чиқарган, ўзига тегишли бўлган маҳсулотни ва олинган фойдани (даромадларни) Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиш ҳуқуқи;

•чет эл инвесторининг Ўзбекистон Республикаси фуқаролари орасидан ходимларни ёллаш ва ўқитишга доир мажбуриятлари, технологиялардан фойдаланиш шартлари, шунингдек, инвестиция лойиҳасини амалга ошириш тугалланганидан сўнг ташкил этилган ташкилот ходимларини ўқитиш бўйича мажбуриятлари.

Инвестиция шартномасида чет эл инвесторига уни бозорда устун мавқега қўядиган мутлақ қоидалар ва ҳуқуқлар берилиши тақиқланади.

Инвестор томонидан тақдим этилган маблағлар учун барча жавобгарликни ўз зиммасига олади ва у молиявий фаолият натижаси учун тўлиқ жавобгар бўлади.

Лойиҳани молиялаштириш учун ўз маблағларини инвестиция қиладиган юридик ёки жисмоний шахс инвестор бўлиши мумкин. Унинг асосий мақсади ишлаб чиқариш ёки ҳизмат кўрсатиш соҳасига қўшган ҳиссаси учун фойда олиш ҳисобланади.

Томонлар ўртасидаги муносабатлар инвесторнинг мижозга пул ўтказадиган тарзда қурилади, шу билан бирга барча ҳаракатлар муносабатларни тартибга солувчи қонун ҳужжатларига мувофиқ

расмийлаштирилади, бу эса ўз навбатида инвесторнинг юқотиш ҳавфини камайтиради. Инвестор, ўз навбатида, барча маблағларни лойиҳани ривожлантиришга сарфлайди, шу билан бирга у ҳаражатлар ва даромадларнинг барча жараёнларини назорат қилишга мажбурдир. Келажакда фойда олгандан сўнг ўз вақтида ва тўлиқ Ҳукумат олдида ўз мажбуриятларини бажариши лозим.

Иложи борича барча пул оқимлари Ҳукумат ва инвестор томонидан кўзатилиш керак, шунда зиддиятли вазиятда муаммо ҳал қилиниши мумкин. Баъзида муаммолар юзага келганда судга мурожжат қилинади ва шундан сўнг операцияларни бажарилганлигини тасдиқлаш талаб қилинади.

Қандай бўлмасин, инвестор катта таваккалчилик қилади, чунки унинг пули лойиҳага жалб қилинган. Инвестор кўп нарсадан хабардор бўлиши керак ва бизнесга сармоя киритишдан олдин инвестицион ҳудуд ҳақида маълумот тўплаш керак.

Шундай қилиб, инвестиция шартномаси инвестор ва Ҳукумат учун жуда муҳим қарор бўлиб, уни тўлиқ ҳужжатлар ва маълумотлар тўплами билан бажариш керак. Ҳар бир иштирокчи учун ҳуқуқ ва мажбуриятлар мавжуд, уларга риоя қилган ҳолда ижобий натижаларга эришишга умид қилиш мумкин.

Йирик инвестицион лойиҳалар инвестиция шартномаларига, бизнинг фикримизча, албатта томонлар томонидан ҳар томонлама асосланган лойиҳани амалга ошириш тармоқ жадвали тузилиши ва томонлар тасдиқлашлари зарур. Чунки лойиҳани сифатли ва ўз вақтида амалга ошириш томонлар учун, яъни инвестор ва Ҳукумат учун бирдай аҳамиятлидир.

Муваффақиятли амалга оширилган ҳар бир инвестицион лойиҳа мамлакатимиз инвестицион жозибадорлигини оширишга хизмат қилади, янада кўп инвестиция жалб этишга замин яратади, демак, Ўзбекистон келажагига ишлайди.

МУНДАРИЖА

I ШЎЪБА. “РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ ТАРМОҚЛАРИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ ВА АУДИТНИНГ НАЗАРИЙ ВА МЕТОДОЛОГИК МУАММОЛАРИ”		
М.Э. Пўлатов, К.Б. Уразов	Хизматлар соҳаси субъектларида бухгалтерия ҳисобини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари	3
Ш.У.Хайдаров	Ўзбекистонда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини жорий қилиш масалалари	10
Ҳ. Н. Мусаев	Миллий иқтисодиёт тармоқларини инновацион ривожлантиришда бухгалтерия ҳисобининг тутган ўрни	13
М.Қ.Пардаев	Инновацион ва рақамли иқтисодиёт шароитида иқтисодий таҳлил ҳолати ва такомиллаштириш йўналишлари	15
С.Н. Ташназаров , Д.С. Ташназарова	Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш - давр талаби	20
У. А. Ширинов	Рақамли иқтисодиётда бухгалтерия ҳисоби: моҳияти ва афзалликлари	23
Н.А.Ибрагимов	Дунё бўйлаб тарқалган коронавирус пандемияси асоратларини мамлакатимизда камайтиришда бухгалтерия ҳисобининг вазифалари	27
Ю.П.Урунбаева, М.И. Умурзоқова	Хизмат кўрсатиш соҳасининг рақамли иқтисодиётни шакллантиришдаги роли	30
J.D.Poshoxodjayeva, M.O.Mamatova	Raqamli iqtisodiyot sharoitida xizmat ko’rsatish sohasi tarmoqlarida buxgalteriya hisobi va uni takomillashtirish o’ziga xos xususiyatlari	33
G’.S. Mustafoyev , D.Z.Shavkatova	Iqtisodiyotni innovatsion rivojlantirishda raqamli iqtisodiyotning o’rni	37
J.D.Poshoxo`jayeva, O.Ergashev	Organization of accounting services in the service sector in the digital economy	40
T.S.Sharipov, M.O’.O’roqova	Raqamli iqtisodiyot sharoitida umumiy ovqatlantirishni rivojlantirish	41
О.И.Очилов	Хўжалик юритувчи субъектларда инвестициялар ҳисоби муаммолари	45

II ШЎЪБА. “ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ ТАРМОҚЛАРИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА ҲИСОБОТНИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР АСОСИДА ТАШКИЛ ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ		
С.Н.Ташназаров, С.И.Адҳамов, Т.Ҳ.Турабоев	Рақамли иқтисодиёт шароитида молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботни халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш	49
Д.Р. Рафеев, Ф.З.Юсупова	Корхоналарда тмзларнинг баҳолашниши ва қўлланиши	53
Д.Кудбиев	О бухгалтерских записях об аренде и выкупе основных средств	57
Sh.G’aniyev, R.Vohidova	Lizing munosabatlari shakllanishi va uning rivojlanishi	61
А.Т.Махкамбоев, А.А.Болтаев	Корхоналарда ҳисоб сиёсатини халқаро стандартлар асосида ташкил қилишнинг ахборот таъминоти	64
Д.Д.Турсунова	Пути улучшения сравнительного анализа фондоотдачи основных средств	67
А.А.Амонов, О.Х.Холиқулов, С.З.Мўминов	Қурилиш машина-механизмлар эҳтиёт қисмлари қарзга олинишида қўшилган қиймат солиғи ҳисоби ва аудитининг ҳусусияти	71
Б.Ф.Боронов –	Молиявий активлар ҳисоби ва ҳисоботининг долзарб масалалари	74
И.Р.Авазов	Молиявий ҳисоботларни консолидация қилиш муаммолари	77
О.Х.Холиқулов , А.У.Абдусаматов	Қурилиш ташкилотларида машина-механизмларни ҳисобга олиш тартибини методологик асослари	79
Рамазонов А.С., Норқўчқоров А.З.	Давлат бюджети харажатлари ижросини такомиллаштириш масалалари	82
О.М.Эсанов	Савдо ташкилотларда жисмоний шахслар мулкини ижарага олишга оид операциялар ҳисобининг методологик асослари	87
А.С. Рамазонов	Ягона ғазна ҳисобварағидаги маблағларидан самарали фойдаланишни такомиллаштириш масалалари	91
Холиқулов О.Х., М.М.Қурбонова	Қурилиш машина-механизмлари бажарган иш, хизматлар таннархи ҳисобининг назарий асослари	95
Б.Боронов	Молиявий инвестицияларнинг таснифи ва уларни молиявий ҳисоботда акс эттириш	97
Х.Ў.Пўлатов	Ракамли иқтисодиёт шароитида корхоналар товар айланмаси ҳисобини такомиллашириш	100

Ғ.Б.Қувватов	Молиявий ҳисоботларни прогнозлашда анъанавий усуллардан математик усулларга ўтишнинг муҳимлиги	103
З. Эшпўлатова	Даромадлар ҳисобига янгича ёндашув	107
U.A.Shirinov, S.Abdukarimov	Improving the accounting in the branches and their units of “uzbektelecom” jsc	110
А.Ш. Кулибоев	Бюджет ташкилотларида молиявий натижаларни аниқлашнинг ўзига хос хусусиятлари	114
А.Т.Махкамбоев, О. И.Турғунов	Хизматлар соҳасида суғурта бозорининг ўрни ва уларда бухгалтерия ҳисоби ташкил қилишнинг ўзига хос хусусиятлари	119
Холиқулов О.Х., М.Исломова	Қурилиш машина-механизмлари қайта баҳоланишини бухгалтерия балансида акс эттиришнинг ҳусусиятлари	122
А.Р.Суванқулов, А.С. Рамазонов	Давлат секторида бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартларини жорий этиш масалалари	125
Д.А.Ташмухамедова	Ҳудудлар ривожланишини молиявий бошқариш масалалари	129
Д.С. Ташназарова , Т.Ҳ. Турабоев , С.И. Адҳамов	Бухгалтерия балансини халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш	132
III ШЎЪБА. “ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ ТАРМОҚЛАРИ СУБЪЕКТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ХАЛҚАРО АУДИТ СТАНДАРТЛАРИ АСОСИДА АУДИТОРЛИК ТЕКШИРУВИДАН ЎТКАЗИШНИНГ ТАШКИЛИЙ ДАСТАКЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ		
З.Н.Курбанов	Хизмат кўрсатиш соҳаси кархоналарида солиқ аудитини ташкил этишнинг муаммолари	135
К.Б. Уразов, Ф.Т. Норкулов	Йўловчи ташиш автотранспорти иш фаолиятининг аудиторлик текшируви ва таҳлили	142
Ҳ.Н. Мусаев, Ш.К.Умарова	Ҳизмат кўрсатиш субъектларида аудиторлик текширувларини халқаро стандартлар асосида ўтказиш масалалари	146
Д.Р. Рафеев, Н.Ж. Жамшедова	Аудит достоверности бухгалтерского баланса (на примере ооо «aziya-tong»)	149
К.Б. Уразов, А.А. Аннаев	Маданият соҳаси муассасаларининг ҳисоб ва аудит субъектлари сифатидаги ўзига хос хусусиятлари	154
И.Н.Қўзиев	Аудиторлик ҳисоботини тузиш методологияси такомиллаштириш	162

X. N.Abdullayev	Raqamli iqtisodiyot sharoitida transport korxonalarida energiya auditining o'tkazishning axamiyati	164
К.Б. Уразов, М.Х.Хусанов	Корхоналарда махсус савол тарзида ўтказиладиган аудиторлик текширувлари алоҳида турлари ва уларнинг услубий жиҳатлари	168
Суванқулов А. Р., Ўралов Н. Р.	Ўзбекистонда бюджет ташкилотлари фаолиятини такомиллаштиришда ички аудит ва молиявий назоратни ўрни	174
Ҳ.Н.Мусаев, Д.А. Нематова	Аудиторлик текширувларини халқаро стандартларга ўтказиш ва амалиётга жорий этиш	177
О.Х.Холиқулов, Ч.М.Абдужалилов	Қурилиш машина-механизмлар эҳтиёт қисмлари қарзга берилишида қўшилган қиймат солиғи ҳисоби ҳамда улар аудитининг ҳусусиятлари	180
О.Х.Холиқулов	Қурилиш машина-механизмларининг ҳисоб ва аудит объектлари сифатидаги таснифий асослари	183
О.М. Эсанов	Ходимларга берилган кредит ва қарзлар бўйича ҳисоб-китоблар ҳисоби ҳамда аудитини такомиллаштириш	186
Ж. Қ.Сайфуллоев	Солиқ аудитини ўтказиш зарурати	189
Г.У.Бекниязова	Страховые взносы	191
М.О.Мамаюнусова	Молиявий активлар аудитини такомиллаштириш	196
Ш.А.Алиев	Ўзбекистон Республикасида аудитнинг халқаро стандартларини жорий этиш истиқболлари	199
Ф.А.Қурбонов	Касса муомалаларини аудитини ўтказишнинг масалалари	202
Н.К. Алимова	Меҳмонхона мажмуаларида даромадлар аудитини ўтказишнинг умумий тартиби	205
Ж.Қ.Сайфуллоев	Солиқ аудитида далилларни тўплаш масалалари	207
Ҳ.Н.Мусаев, Ш.З.Жалилов	Ўзбекистонда аудиторлик фаолиятининг шаклланиш босқичлари ва ривожлантирилиши	209
З.У. Мухаммадиев	Корхоналарни модернизациялашни "мақсад-жараён-натижа" занжири асосида аудиторлик текширувларидан ўтказиш модели	212

IV ШЎЪБА. “РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ СУБЪЕКТЛАРИ ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИК КЎРСАТКИЧЛАРИНИ БАҲОЛАШ ВА ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ УСЛУБИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ		
М.Қ.Пардаев, О.М.Пардаев	Иқтисодий ўсишнинг макроиқтисодий таҳлили ва унинг назарий масалалари	219
О.М.Пардаев, Т.О.Мамаюнусов	Рақамли иқтисодиёт шароитида бошқарувни тўғри ташкил этиш	222
М.Қ.Пардаев, О.М.Пардаев	Мамлакатимизда иқтисодий ўсишнинг ҳолати ва унинг истиқболий йўналишлари	225
У.Худойбердиев, Н.Остонов	Ўзбекистон республикасида гўшт ишлаб чиқаришнинг ривожланиши	229
И.Н. Исманов	Таълим хизматларини кўрсатишда зарарсизлик нуқтасини таҳлили	232
N. M.Maxmudov. N. R.Avazov	Raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish asosida investitsion faollikni oshirish yo‘nalishlari	235
Худойбердиев У . Мухаммадиева К	Ўзбекистонда тиббий хизматлар ривожланиши кўрсаткичлари таҳлили	239
M. Q.Pardayev, Sh.I.Kadirova	Management of producion costs and their impact on the economic efficiency	242
Т.Кудратов, Р. Кудратов	Моддий айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлиги таҳлили кўрсаткичларини такомиллаштириш масалалари	245
З.Т.Гаибназарова	Методы оценки стоимости национального человеческого капитала	251
G’aniyev Sh., Шодмонова Ш	Banklarda lizing operatsiyalarining huquqiy asoslari va ahamiyati	255
Закирова С.А., Назаров Н. Ғ.	Роль свободных экономических зон в повышение конкурентоспособности развития регионов страны	257
Ў.О.Ҳамрокулов	Рақамли иқтисодиётда туризмни ривожлантириш орқали аҳоли турмуш фаровонлик даражаси сифатини ошириш	261
Ш.С.Олтаев	Ўзбекистонда инновацион ривожланиш шароитида бандликни шакллантириш йўллари.	265
Н.Н.Мавланов	Кредитга лаёқатлилик таҳлилини такомиллаштириш масалалари	268
О. М.Пардаева	Оила хўжаликларида самарадорликни ифодаловчи кўрсаткичлар ва уларнинг таснифи	270
Т.Қудратов,	Хусусий капитал таркиби ва самарадорлиги	274

И. Кудратова	таҳлилини такомиллаштириш масаласи	
Ахроров З.О.	Солиқлар молиявий категория сифатида	278
Мусаев Р.М., Ходжиметова Д.З.	Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида корхоналар молиявий барқарорлигини таъминлаш йўллари	282
А.М.Арипова	Развитие инвестиционной сферы – в центре экономических реформ.	287
А.Н.Холиқулов, Д.Р.Махмудова	Кичик бизнес корхоналари бошқарув самарадорлигига таъсир қилувчи омиллар ва уларни таҳлил қилиш йўллари	290
Т.Б.Имомқулов	Инвестициявий салоҳиятини ошириш ва хорижий инвестицияларни жалб этиш истиқболлари	295
Ю.П.Урунбаева, Б.Мардонов, М.И.Умурзокова	Пути повышения уровня жизни население	297
М.С.Хамроев	Замонавий суғурта хизматлари тарихига назар	300
А.А.Эрматов	Акциядорлик жамиятларида корпоратив молия тамойилларидан фойдаланиш асослари	305
F.E.Jomonqulova, N.Sh.Tojiyev	Masofaviy ta’limda axborot-kommunikatsion texnologiyalarning o‘rni	308
М.М. Ибрагимов, У.А. Ширинов, О.Т Ширинова	Рақамли иқтисодиёт шароитида суғурта хизматларини ривожлантириш	312
Sh. I.Artikova	Innovatsion iqtisodiyot sharoitida xizmat ko’rsatishni rivojlantirish orqali bandlikni ta’minlash	314
Ж.О.Аминбоев	Бюджетга тўлов интизомини таъминлашда мукофот (reward card) карталари жорий этилишининг аҳамияти	317
Н.Н.Мавланов, О.И.Очилов	Хўжалик юритувчи субъектлар кредитга лаёқатлилигини баҳолашнинг скоринг моделини такомиллаштириш	319
Р.Ш. Хусайнов	Инвестиция жалб қилишда инвестицион шартномаларнинг аҳамияти	323

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ ТАРМОҚЛАРИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ ВА АУДИТНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

Республика онлайн илмий-амалий конференцияси
МАТЕРИАЛЛАРИ
(2020 йил 5 май)

Манзил: Самарқанд шаҳри, А.Темур кўчаси, 9-уй